

Э. Арбенов, Л. Николаев

Берлин Халқаси



84(59)6

A-49

Э.АРБЕНОВ Л.НИКОЛАЕВ

БЕРЛИН ХАЛҚАСИ

(Ушбу роман чекист Саид Ислombек ҳақида
бўлиб, яъни «Феникс» «26-отилмасин»
деб номланган китобнинг давомидир)

Тошкент — 2018

QDPI ARM-1
Kit № 318317

УЎК: 159.9

КБК: 86. 42

А – 49

Э. Арбенов, Л Николаев. Берлин ҳалқаси (роман) /
Таржимон Санжар Тилла. — Т. «Adabiyot uchqunlari»,
2018. 480 бет.

УЎК: 159.9

КБК:86. 42

Мазкур романда разветкачи Саид Ислombекнинг душман уясидаги қахрамонлиги тасвирланади.

Ғалабага осонлик билан эришилмади. Ислombек танҳо қолса-да, душманнинг мамлакатимиз ичкари-сига зарба бериш учун кўрган тадбирларини чиппакка чиқарди.

САНЖАР Тилла таржимаси

ISBN 978–9943–5100–7–4

© Э. Арбенов, Л. Николаев
© «Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 2018.

«Берлин ҳалқаси» Улуғ Ватан уруши йилларида душманнинг орқа томонида махсус топшириқни ба-
жарган совет разведкачиси Саид Исломбек ҳақидаги
ҳикоянинг давомидир. «Берлин ҳалқаси» романида
зикр этиладиган даврдан илгариги воқеалар урушнинг
биринчи йилларида юз берган эди.

«26 нчи» деб номланган чекист Саид Исломбек СС-
нинг Берлиндаги Бош бошқармаси «филиали»— Тур-
кистон миллий комитетига кириб олиш учун Марказ-
нинг буйруғи билан асирга тушади. Ёш чекист ҳақидаги
биринчи китоб «Феникс» («26-отилмасин»)да Ислом-
бекнинг ғалаба билан тугаган мақсад йўлидаги хавф-
хатарли кураши тасвирланган.

Ғалабага осонлик билан эришилмади. Гестапо «26
нчи» учрашиши лозим бўлган алоқачининг изига ту-
шиб, уни ўлдиради. Исломбек танҳо қолади. Шундай
бўлса ҳам бошланган операция тўхтаб қолмаслиги
керак. Мамлакат ичкарасига зарба бериш мақсадида
душман томонидан кўрилаётган тадбирларни чиппак-
ка чиқариш зарур эди. Саид Исломбек Ольшернинг сек-
ретари ва таржимони Надия Аминова орқали жосуслик
ва қўпоровчилик махфий планини қўлга туширади ва
ундан нусха кўчириб олади. Янги алоқачи Рудольф
Берг бу ҳужжатни марказга жўнатишга ёрдамлашади.
Юз берган шароит операцияни тугаллаш учун қурбон
беришни тақозо этади: немислар бу ҳужжат ҳали раз-
ведкачилар қўлига тушмаганига, уни қўлга киритиш
учун эндигина киришилганига ишониши керак эди,
акс ҳолда улар қўпоровчилик режасини ўзгартиришля-
ри, совет хавфсизлик органлари эса ҳимоя чораларини
кўра олмай қолишлари мумкин эди. Исломбек ўзини
қурбон қилишга жазм этади. У Туркистон миллий ко-
митети президенти уйида ўзининг кимлигини айтади
ва гестапочилар ўқидан йиқилади.

Берлиндан марказга қисқагина ахборот берилади.

«Йигирма олтинчи Ватан олдидаги ўз бурчини ўтади...»

Биз ўша одамни тилга оламиз. Унинг ўлганлиги ҳаммага аён бўлганлигига қарамай, ўша одамнинг ишларини тилга оламиз, бу ёруғ оламдаги умри тугади, аммо қилган ишлари одамларга ва келажак учун ибрат бўлиб қолди. У шу келажакка ишонди ва шу келажакни деб курашди. У сўнгги нафасигача курашди. Охири тирик қолиш мумкин бўлмагач, йиқилди.

Бизнинг қўлимизда Берлин суди махсус коллегиясининг ҳукми турибди. Шу ҳукмга биноан унтерштурмфюрер Саид Ислombек Германия ва унинг қуроли кучлари манфаатларига қарши жиноятда айбланади ва ўлимга ҳукм этилади.

У сўнгги қадам — ўзининг ким эканлигини айтиб, душманнинг мамлакатимиз ичкарасига ўтиб олиб зарба беришдек қабих ниятини барбод этганлиги учунгина айбдор деб топилмайди.

Унинг фашист Германиясидаги барча ишлари ҳар бир босган қадами — унга қарши айбнома. У душман уясига кириб олиш учун атайлаб асирга тушади, махфий қуроли зарарсизлантириш учун «Вальд лагерь 20» номи билан юритиладиган жосуслик-қўпоровчилик мактабининг инструктори бўлиб олади. Гитлерчиларнинг Советлар мамлакатига қарши қўпоровчилик операцияси планини қўлга тушириш мақсадида махфий хизмат команда пунктигача ишга кўтарилади. Гестапо бўлимларидан бирининг бошлиғи штурмбанфюрер Курт Дитрих Ислombекни инглиз махфий хизмати агенти деб билади, у билан узоқ вақт зимдан курашади. Ниҳоят қирқ учинчи йил баҳорида уни қўлга туширади. Шу йилнинг ўн саккизинчи октябрида эса Дитрих кўрсатмаси билан Ислombекни қатл этиш тўғрисидаги ҳукмнома тузилди.

Бу воқеадан кейин гестапочи бундай деган эди:

— Мен уни ўша пайтда Тиргартенда ўлдирмаганим-

га афсусланаман. Оқибатда кураш чўзилиб, жуда кўп вақт беҳуда куч сарфладим.

«Тюркостштелле», СС Бош бошқармасининг бошлиғи, Ислombекнинг шефи ва «ҳомийси» Ольшер эса бу ҳолдан хайратда қолади ва афсусланиб дейди:

— Ҳар ҳолда у «Йигирма олтинчи» бўлиб чиқди. У — душман агенти ва шу билан бирга менинг ишончли вакилим. Қандай машъум хато!

Ҳа, бу хато доктор Ольшерга кўп қимматга тушди. Биринчи навбатда, хавфсизлик хизматининг жосуслик ва қўпоровчилик бошқармаси бошлиғи Шелленберг унга ишонмай қўйди, ундан кўнгли совиди. СС фюрери Генрих Гиммлернинг ўзи ҳам унга нисбатан бошқача муносабатда бўлиб қолди.

Одам ҳаётда бир марта ўлади, бошқа тирилмайди.

Ислombек умрида бир неча бор ўлиб-тирилди. Ҳа, бир неча бор. Асирлар Ислombекни Бенъяминово лагерида ўлар ҳолатда кўрдилар.

Дитрих Тиргартен хиёбонида «Йигирма олтинчи»га қандай ўқ узганини, у қонга бўялиб йиқилганини совет разведкачиси Берг ҳам кўрган эди.

Берлин архиви ходимлари унтерштурмфюрер Саид Ислombекнинг қатл этилганлиги тўғрисидаги ҳукмномани топширишди.

Шаҳар ташқарисини назорат қилувчи полиция инспекторининг шахсан ўзи 1943 йил кузида унтерштурмфюрер жасадини кўздан кечирганди.

Заксенхаузендаги махсус лагерда қаршилиқ кўрсатувчилар иштирокчиси Оскар Грюнбах текшириш пайтида Ислombекни йўқлаганлари ва медицина баракига, доктор Баумкеттер ёнига боришга буюрганликларини эшитганди. Бу эса заҳарланган ўқдан ҳалок бўлиш деган гап эди.

Буларнинг ҳаммаси турли вақтда, турли жойда бўлиб ўтган эди.

Ўлим. Ўлим. Ўлим.

Ўлим. Лекин шу гаплардан кейин уруш тамом бўлиб, орадан бир йил ўтгач, Ольшер Нюрнберг суди тергов вакили —инглиз майори Корпста сирли равишда бундай деган эди:

— Исломбек номи биз, немислар учун энг қийин бўлган қирқ иккинчи ва қирқ учинчи йиллардаги воқеалар билан шундайин боғланиб кетгандики, ҳатто биз келажакдаги манфаатлар учун шу номдан фойдаланиш иштиёқидан воз кечганимиз йўқ...

Келажакдаги манфаатлар?

— Шу хилдаги гапни илгарироқ кишда, аниқроғи қирқ тўртинчи йилни декабрь ойида чех партизанлари томонига ўтган СС штандартенфюрери Орипов ҳам айтган эди:

— Исломбек номини мен Германияда ҳам Польша ва Францияда ҳам, Италия ва Чехословакияда ҳам бутун уруш йилларида, ҳар ҳолда сўнгги пайтларда ҳам бир неча марта эшитганман. У қўзғолон кўтарилиб, ўрмонга кириб кетган вақтимизгача менинг батальонимда эди. У ўзини гауптман Ольшернинг адъютантиман, деб айтганди.

Яна бир гап бор:

1964 йилнинг сокин оқшомларидан бирида Берлин ҳалқа йўлининг иккинчи километрида Потсдамга қайрилиш жойида давлат хавфсизлиги органлари ходимлари ўзининг кулранг машинаси «фольксваген»да кетаётган Рут Найгоф деган ўрта ёшли, ажиб бир аёлни ушлашди. Сўроқ вақтида унинг асл фамилияси Рут Хенкель бўлиб, у Гитлер ҳукмронлик қилган пайтдаги Туркистон муҳожирлари ҳукумати президентининг собиқ рафиқаси, «Рундфунк»нинг чет элга эшиттирувчи диктори, қирқинчи йилдаёқ штурмбанфюрер Курт Дитрих томонидан ёлланган гестапо айғоқчиси, Ольшернинг ишончли кишиси бўлиб чиқди.

Булар — унинг ўтмишдаги ишлари. Энди фрау Найгоф чет эл разведкасининг махсус топшириғи билан

Шарқий секторга келган агенти экан. Ғарб разведка-сини унтерштурмфюрер Ислombекнинг излари, 1944 йилда аллақандай жуда муҳим бир ҳужжатда баён қилинган ишлари қизиқтириб қолганди.

Орадан йигирма йил ўтгач, бу ҳужжатга қизиқиш камаймаганди, аксинча кучайиб кетганди. Баъзи давлатларнинг махфий хизмат идораси аллақерда, йўлда йўқолган ғоят бебаҳо, муҳим пакетни қидирмокда эди.

Ўша пакетни ким йўқотган экан?

– Биз «иккинчи» Ислombек йўқотган, деб ҳисоблаймиз, — деб тушунтиради Рут Найгоф. — Улар уч киши эди. Ҳаммаси ҳам ўлдирилган. Бири шу ерда, Берлинер рингда, яна бири Заксекхаузенда, учинчиси Францияда, Испания чегарасида...

– Эҳтимол, тўртинчиси ҳам бўлгандир?

У бир оз гангиб, ўйлаб қолди:

– Билмадим... Бўлмаса керак. Бор бўлса, менга айтишарди.

Айтишмаган экан, демак йўқ. Фақат уч Ислombек бўлган. Башарти битта бўлса-чи? Фақат бир киши «Фениксга» ўхшаб кулдан тирилиб чиққан ўша бир киши бўлса-я.

Биз уни тилга оламиз. Ҳақиқатга хилоф бўлса ҳам тилга оламиз...



БИРИНЧИ ҚИСМ

ФРИДЕНТАЛЬ ҚАЛЪАСИ

Машина йўл ёқасида аста тўхташи, тўғриси тормоз бериши билан у машина эшигини очиб, куз фаслида сўлиган ўтлар, шағал устига сакраб тушди-да, олдинга қараб деярли чопиб кетди.

Атрофда шошиб-пишиб келаётган кишини безовта қиладиган ёки диққатини тортадиган ҳеч нарса йўқ эди. Бу харобазорда тошлар уюлиб ётарди. Буралган, куйган темир-терсаклар сочилиб, ерга қоқилганлари қаққайиб турарди. Бу темир-терсаклар бугун ёки кеча эмас — анча олдин, бир вақтларда куйган. Шунинг учун бу ҳеч кимни кўрқитмайди ҳам, ҳайратга солмайди ҳам. Фақат кишини қизиқтиради: бу нима? Илгари пайтларда бу ерда нима бўлган экан?

У эса бу ерда нималар бўлганини, нима сабабдан ёндирилганини билади. Шундай бўлса ҳам у бизни — шेरикларини машинада қолдириб, чопиб кетди.

Кексалигиданми ёки одамлар сингари қаддини ростлаб юришга, улар билан тенг бўлишга уялганиданми бир оз букчайиб юрадиган бу қотма, новча киши ҳозир чопиб борар экан, хушбичим кўринарди. Оқ оралай бошлаган сочи шамолда тўзиб хилпирарди, енгил ҳаво ранг пальтосининг барлари қуш қанотидай очилиб кетганди. Оскар Грюнбах қўлидан қўймайдиган ҳассасига одатдагидек таянмай, шу қанотида учаётганга ўхшарди, тошлар ва сим арматуралардан сакраб, учиб борарди.

Биз машинадан тушиб, унинг кетидан юрдик. Биз тош ва темир-терсаклар қабристониди ҳамроҳимизни йўқотиб қўйишдан кўрққанemizдан эмас, балки биз ҳам Грюнбах сингари ўтмиш билан учрашувимиз лозим бўлганидан, унинг кетидан бордик. Ҳа, ана шу дақиқаларга тезроқ етиш учун унинг кетидан ўша томонга бордик.

Ораниенбург! Собик Ораниенбург. Киши харобазорга бориб қолса уни ғалати ҳис-туйғу қуршаб олади. Унга

ачинмайсан ҳам, хафа ҳам бўлмайсан, айбламайсан ҳам, ҳатто адолатли қасос олиниб, илон-чаёнлар уяси кулга айлантирилганини кўриб, тушуниб турсанг-да, қониқмайсан. Аммо ўй-хаёлда шундай. Лекин ажал қанотини ёзиб, бошингга кўланка ташлаб турганини ҳис этиб турсанг, бу бутунлай бошқа. Тирикликдан фақатгина из қолган. У ҳам ўша Оскар Грюнбахнинг изи. Шу ерда у тошларни кўтарган, фермаларни пайвандлаган. Лекин уларнинг ҳаммаси қулаб тушганди. Уларнинг қулашида Оскарнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Шундай пайтлар ҳам келган эдики, ўшанда у буларнинг ҳаммаси артиллерия ўқларидан кулга айланишини истар эди. Мана энди ўша орзуси рўёбга чиққанини кўриш учун шошиб, югуриб-елиб боряпти.

Буларни бунёдга келтиришда Грюнбахнинг меҳнати сингани кўриниб турарди. Тошлар темир билан абадий пайвандланган. Лекин унинг харобага айланишидан нишон йўқ. Бу инглиз бомбардимончиларининг иши. Иш кечикиб амалга оширилган. Аммо шундай бўлса ҳам ҳар ҳолда сидқидиллик билан қилинган. Шағал. Ораниенбург сирларидан шу нарсагина қолганга ўхшайди. Даҳшатли сир. Бомбалар ўша сирни кўмиб юборган... Ёки фақат чўчитиб қўйгандир!

Оскар Грюнбах ўша сирни қидириб топмоқчи.

— Бу ёққа! Бу ёққа! — деб қўл силкитди у, бу саёҳатдан кўзланган мақсадни ва қандай иш тутиш зарурлигини бизга эслатиб, биргина мушоҳаданинг ўзи кифоя эмас. Бу борада кекса Грюнбах ҳақли. У ё ҳозир бирон нимани топди, бўлмаса, шунчаки бирон нимани топишини сезди. Унинг таёқчаси ҳавода ғалати айланиб, ниҳоят учи ерга тегди, аниқроғи қуйма бетонга такалди-да, худди бир гап бордек туриб қолди.

— Ер остида... Ҳаммаси ер остида,— деди Грюнбах биз бир амаллаб сим чивиклари устидан ўтиб, тош уюми орасидан кўриниб турган тешик олдига келганимизда, ер бетида фақат идоралар бор эди,— деб изоҳ

берди ҳамроҳимиз.— Энг муҳими ертўлаларга жойлашганди...

У чанг босган зиналардан, аллақандай ўт босиб кетган: вазмин бетон зиналардан юриб, пастга туша бошлади. Шамол бу ўт-ўланларни учириб келиб, қуёш нури аранг ёритиб турган тош сағаналардан ҳаёт ато этган эди. Ярим белигача қоронғи ертўлага тушган Грюнбах яна бизни чақирди:

– Сизларга сохта фунт стерлинглар ясалган жойни кўрсатаман. Ўша пайтда бу сохта пуллар улуғ Британия миллий банкасини остин-устун қилиб юборишига сал қолган эди. Келинглар, менда фонарча бор.

Грюнбахнинг қўлидаги қуёш олдида оддий ялтироқ куртга ўхшаган фонарча ғира-шира нур сочиб, девордаги қандайдир оч қизил чизиқни ёритди. Бу чизиқ кишини ҳушёр торттирарди, балки қондир. Бу ерда қон бўлиши керак. Фашистларнинг ҳар қандай сири қон билан боғлиқ. Бироқ бу дор шунчаки «Ферботен!» сўзидан кейин қўйиладиган хитоб аломати экан. Бу ўз вақтида Германияда оммавий тус олган «Тақиқланади!» деган сўз эди. Грюнбах кетидан тушмоқчи бўлган ертўламиз кираверишдаги йўл бошқа жой билан ҳам туташган бўлиб, бу ерда оддийгина «Чекилмасин!» сўзи кўзга ташланарди.

Тош ва темирлар билан ўралган жойда нега чекиш мумкин эмас? Ҳа, айтганча, бу ерда фунт стерлинг босиб чиқариларди. Оскар Грюнбах ўз наздида диққатга сазовор бўлган жойни бизга кўрсатмоқчи эди.

Ғира-ширадаги сўнгги зинадан тушдик, ундан у ёғи эса ёп-ёруғ, сира ақлбовар қилмайди. Осмондан қуёшнинг тарам-тарам ёрқин нури тушиб турарди. Оғир фугас бомбаси устини дабдала қилиб юборганидан ер ости лабиринти очилиб қолган эди. Грюнбах фонарчасини ўчирди-да, хижолат бўлиб деди:

– Мен бу ер абадий қоронғи дебман...

Одамларнинг синчков кўзларидан нарида бўлсин,

деб Ораниенбург махсус зонасини жаҳаннамга ҳайдаган бригаденфюрер Шелленберг ҳам бу ерни шундай дерди. Бир неча йил ер ва бетонлар қатлами остида ётган сир 1945 йил май ойидагина очилиб, қалин ниқоб йиртилди. Дарвоқе, ниқоб бутунлай йиртилиб ташланмаганди, узоқ вақтгача кўп нарсалар очилмай қолди, урушнинг сўнгги ҳафталарида ташланган бомбалар Гиммлернинг муқаддас хавфсизлик хизмати истехкоми кулини кўкка совурди, кул эса маълумки, гапирмайди.

Шундай бўлса ҳам Оскар Грюнбах кулни тирилтирмоқчи, ҳеч бўлмаганда, гапиришга мажбур этмоқчи. Оскар бизни ертўладан — энди усти очилиб, осмон кўриниб, нур тушиб турган ерлардан бошлаб бориб, темир ва тошларни кўрсатди. Юқорида уюлиб ётган, пастликка, жаҳаннамга тушмасдан ҳам ўша ерда кўздан кечирса бўладиган темир ва тошларни яна кўрсатди.

Босма цехининг қандайдир хира тархлари оттиска оладиган машиналарни эслатиб турарди. Ҳа, фақат эслатарди. Булар бошқа машиналар ҳам бўлиши мумкин. Ахир бу машиналар шунчалик дабдала эдики, айрим қисмлар нима учун ишлатилганлигини фақат техника экспертизаси орқалигина аниқлаш мумкин. Аммо Грюнбах босма станоклар ҳақида гапирарди, майли, унингча бўла қолсин. Машиналар ишлаб турганда Грюнбах шу ерда эди.

— Йўқ,— тушунтирди Грюнбах,— ўша пайтда мен бу ертўлага кирмаган эдим. Биздан ҳеч ким кирмасди. Сизлар девордаги: «Раухен ферботен» ёзувини ўқидингизми? Папирос чекиш у ёқда турсин, ҳатто тамбурга яқинлашиш ҳам ман этилганди... Лекин биз кўп нарсани билардик... — Оскар Грюнбах тириклардан сирни, ҳатто Ораниенбургда ҳам яшириш мумкин эмас, дегандай оқариб кетган ўсиқ қошларини чимирди.— Биз деярли ҳаммасини билардик... Машиналар кечаю кундуз тинмай гувилларди...

Унинг ўзи трансмиссиялар, маховиклар, панжаралар-

нинг қолдиқларини қизиқиб кўздан кечирарди. У фикр юритиб, ўтмишни кўз олдига келтирарди, балки ўзича кўрмаган нарсасини тасаввур этишга ҳаракат қиларди. Ишлаётган машиналарнинг овозига, кираверишдаги «Ферботен!» ёзувларига қараб бу ер қанақа жойлигини фаҳмлаш мумкин бўлган ертўлалар уларнинг назарларида бошқача эди. Грюнбахнинг бир оз ҳафсаласи пир бўлганди. Ҳар ҳолда, унинг юзида бирон-бир ифода йўқ эди, кўзлари лоқайд боқарди. Унинг кулранг кўзлари вақт ўтиши ва изтироблардан нурсизланиб қолганди. Ўша пайтларда ҳамма жойдан ҳозиргидай ҳасса билан ўтиб бўлмасди. Ўшанда на осмоннинг мовийлиги, на тинчлик бор эди, олов, тутун ўрларди, жанг қаҳқаҳалари янграрди, бутун эса ажойиб куз — Берлин осмони мусаффо.

Биз зиналардан юриб, юқорига—ер бетига чиқдик. Грюнбах гуноҳқор кишидай жилмайди: у бизга бирон дурустроқ нарса, бирон ҳайратга соладиган, лол қолдирадиган нарса кўрсатолмади. Аммо шундай нарсалар бор эди, ҳа бор эди. Ҳамроҳимизни шундай тушунмоқ керак эди. Унинг қиёфаси жиддийлашди — биз ҳар ҳолда, Ораниенбург култепасида, империя хавфсизлиги Бош бошқармаси махфий базасида эдик. Буюм парчаларидан, харобалардан ҳеч нарса тушуниб бўлмаса ҳам майли. Бу афсона эмас. Бу ерда Ораниенбург шаҳри бор эди, беҳудага уни ер юзидан супуриб ташлашмаган.

— Мен берилиб кетибман,— деди Грюнбах ва нигоҳи билан кечирим сўради. Унинг берилиб кетишга ҳақи бор. Қўлига номер босилган, махсус лагерь тутқунининг номери босилган, ўтмиш ҳақида ҳикоя қила туриб, атрофдагиларни унутиб юбориши мумкин, ҳатто зарур ҳам.— Сизларни тошлар қизиқтирмайди, балки ўша одам қизиқтиради...

Грюнбах, гарчи биз талаб қилмасак ҳам, гапга ўзини қўшмасди, туйғуларини аралаштирмасди. Биз унинг Ораниенбург ҳақидаги батафсил ҳикояларини эши-

тамиз, тошларни кўздан кечирамиз, ертўлаларга тушамиз. Шу эзма чол нима деса шуни қиламиз. Лекин бирор нарсада беихтиёр шошмашошарлик қилсак, ўз мақсадимизни таъкидласак, унда бизни афв этсин. Чиндан ҳам биз уни, қачонлардир шу ерларда юрган ўша одамни ўйлардик.

Мўйсафид яна олдинда борарди. Ҳа, унинг пальтоси энди шамолда очилмасди — Грюнбах хотиржам юрарди. Унинг ҳассаси тошларга, кузда сарғайиб қолган ўт-ўлан ларга қаттиқ тираларди. Баъзан у уюлиб ётган темир-терсақлар олдида тўхтарди, фақат ўзи тушунадиган қандайдир чизикларни кўриб дерди:

Бу ерда литография бўлган... Бу ер эса ўймакорлик ишхонаси эди...

У ўймакорлик хонаси олдида анча туриб қолди, бир ёки икки минутча хаёл сурди... У хаёл суриб бўлгач, бизга қараб деди:

Биласизми, мен — ўймакор, ҳақиқий ўймакорман... — Аниқ билмоқчи бўлсангиз, биринчи даражали ўймакорман. Мен шу ерда ишлаганман... Гиммлер учун ишлаганман.

У елкаларини сал туширди: шусиз ҳам букчайган чол шу лаҳзада мункайиб қолгандек эди. Грюнбах гўё туриш-турмуши, хатти-ҳаракатлари билан ҳистуйғуларини намоён этиётгандек, чолнинг аҳволи қиёфасидан сезилиб турарди. Унинг ташқи кўриниши нимаси биландир артистларникига ўхшарди. Лекин чол бирон ролни ўйнамаётганди, у шунчаки ички кечинмаларини яшира олмасди...

Одам ўз ихтиёри билан ўлишга ҳамиша ҳам журъат қилолмайди,— деди маъюслик билан, унинг овозидан чеккан алами сезилиб турарди. Бу алам Грюнбахда ҳозир эмас, Заксенхаузенда қамоқда ётган пайтларида пайдо бўлган бўлиши керак. Агар жигар ранг иблисга хизмат қилишдан ҳамма бош тортганда эди, ўша иблис ожиз қолиб, шунчалик офат келтирмаган бўлур эди...

— Ўлиш — бу ғалаба қилиш эмас,— эътироз билдирди орамиздагилардан бири. — Ҳатто, юз минглаб кишиларнинг ҳалокати ҳам нацистлар қиёфасидаги ёвузлар учун ҳеч гап эмасди.

— Ҳа, албатта,— бажону дил қўшилди Грюнбах.— Буни ҳаммамиз ҳам сал-пал англардик. Лекин кўз юмиб юраверардик. Ҳатто, ишлардик ҳам.

— Курашдик ҳам.

— Ким уддасидан чиқса...— деди Грюнбах бир оздан кейин бошқа кишининг гапини ичида ўйлаб кўргач. У лагерда ким курашганлигини биздан кўра яхшироқ биларди-да. Қаршилиқ кўрсатувчи яширин группанинг аъзоси бўлган бу киши курашни ўз кўзи билан кўрган, ўзи ҳам қатнашган. — Кимнинг кучи, юраги бўлса курашди, — деди яна ўйлаб аниқроқ қилиб. — Сизнинг дўстингиз курашди. Унинг куч-қуввати бор эди...

У ўша кишини сизнинг дўстингиз деди. Бизнинг кидиришимизни дўстлик бурчи, деб ўйлаб, шундай деди шекилли. Ўшандақа «дўстимиз» борлигини биз урушдан кейин, орадан йигирма йил ўтгандан кейин билганимизни, унинг ўзини сира кўрмаганлигимизни Грюнбах, ҳатто хаёлига ҳам келтирмас эди. Ҳар ҳолда тириклигида кўрмаганмиз. Майли, дўст, ўртоқ бўлақолсин. Бехосдан айтилган бу сўз мақсадимизни ўзгартириб, ҳатто бир лаҳза қувонтирди ҳам. Дўст — топиб айтилган сўз!

— Ҳатто, унинг умридан санокли кунлар қолган бўлса-да, — тошлар орасидан аста одим ташлаб, сўзида давом этди Грюнбах,— у қуролини ташламади... Мен одамнинг руҳий ҳолатини кўзда тутяпман...

Грюнбах умумлаштириб, чалғитиб, қиёслаб гапирришга уста эди. У фикрларини ана шу усулда ифода этарди. Биз эса, у ҳозир гапни бошқа томонга буриб, мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси омонат деб сафсата сотмаса гўрга эди, деб чўчиб турардик. Лекин Грюнбах бу гал булутларга парвоз қилмади, шу гуноҳкор ерда

туриб, бўлган воқеаларни шошилмай, батафсил эслай бошлади.

— Мен уни дастлаб мана шу баракда кўргандим...

Яъни, мана шу ерда турган баракда... Блокларни кўряпсизми? Шиббаланган шағал. Заксенхаузендан одамларни ишлатиш учун шу ерга олиб келишарди. Хатто, ўлимга ҳукм қилинганларни ҳам...

Грюнбах бу ҳақда жиддий, охиста гапирарди. Вақт киши ҳис-туйғусини уйғота олмасди, лагерь ҳамма нарсани босиб эзарди, хатто ўлим тушунчасига қарши норозиликка ҳам барҳам берганди. Ҳар куни одам ўларди. Ҳаёт билан видолашув бу ердагилар учун оддий ходиса бўлиб қолганди. Грюнбах учун ҳам шундай эди.

— Унинг ўлим жазосига ҳукм қилинганлигини қандай билдим, — бизнинг шундай савол беришимизни фаҳмлаган Грюнбах тушунтира бошлади. Менга уни яширин группанинг аъзоси Юзеф Скачинский кўрсатди. Кўрсатгач, шивирлаб: «У ўлдирилади...» деди. — Унинг ҳассаси ерга тиралди. Грюнбах иккала қўлини ҳассасининг нақшдор сопига қўйди. Бу эса тўхтаб муфассал сўзлашини билдирарди. Оскар Грюнбах сўнгги гапининг маъносини тушунган-тушунмаганлигимизни билмоқчи бўлиб ҳаммамизга зехн солди. Тушунганимизга ишонмади шекилли, яна:— Ўлдирилади!—деб қайтарди.— Сиз қатл этиш билан ўлдириш деган тушунчанинг фарқига борарсиз? Бизнинг Заксенхаузенда отишмасди. Башарти маҳбуснинг кўзларида норозилик сезишса, осонгина йўқ қилиб қўя қолишарди! Ўлдириш эса, унинг кайфиятидан қатъи назар рўйхат бўйича амалга ошириларди. Бундай рўйхатга суд томонидан ўлимга ҳукм қилинганлар ҳам киритиларди. Сиз газ камераларини ўйлаган бўлсангиз керак! Йўқ, бу ерда Ораниенбургдаги ҳамма нарсалар каби, одамлар ҳам материал сифатида тажриба қилиб кўриларди. Ха, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Сизнинг дўстингиз қандай кўргилиги борлигини ҳали ўзи билмасди. Хатто, ҳарбий

дала суди уни ўлимга ҳукм қилганлигидан ҳам беҳабар эди, эл қатори ишга борарди. Ўша кунларда яширин группа уни менга топширди. Янги кишининг тақдири ҳақидаги маълумот мендан ҳам сир сақланарди. Сирни билишга эса биз уринмасдик: лагерда иккинчи киши сирдан хабардор бўлиши мумкин эмасди... Менга яна, қандай қилиб бўлса ҳам у омон қолиши керак деб айтишди. Нега омон қолиши кераклиги, қанақа топшириқ учунлигини ҳам индашмади. То вақт-соати келмагунча айтишмади, албатта кейин ҳаммаси маълум бўлди. Энг сўнгги фурсатда, сизнинг дўстингизни доктор Баумкеттер ҳузурига олиб кетишаётганда маълум бўлди. Сиз доктор Баумкеттер ҳақида бирон нарса эшитганмисиз? Бу ҳам Ораниенбургнинг, аниқроғи «Техника ёрдамчи воситалари» группаси сирларидан бири эди. Бу группа фақат сохта пул ёки қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланмасди....

Биз Грюнбахнинг гапини бўлдик:

– Янги кишини қачон Баумкеттер ҳузурига олиб боришганди?

Буни билиш биз учун жуда ҳам зарур эди. Бўлмаса, ҳамроҳимизнинг гапини бўлишга юрагимиз дов бермасди. Грюнбах бировлар гапининг белига тепишини ёқтирмасди. Аммо бу гал ранжиб, қошини чимирмади, гина қилиб биз томонга нигоҳ ташламади, фақат афсусланиб, пешанасини тириштирди:

— 1943 йилнинг ноябрь ойида. Эҳтимол, декабрнинг дастлабки кунларида... Нега бунчалик аниқ дейсизми? Чунки жуда совуқ эди. Совуқ эса маҳбуслар учун ер юзидаги даҳшатли мусибатлардан биридир. Ишга деярли яланг оёқ бориларди, бунинг устига менинг бодим бор эди, мен чеккан азобларни бир тасаввур қилинг-а! Лекин гап бунда эмас. Қору шамол, ерни қор босганди, яна ҳўл қор. Турган-битгани азоб! Мен ҳам жўнадим, аммо ишга эмас, ночорлигимни айтиш учун олтинчи блокка, Юзефнинг олдига жўнадим. Янги одам бошига

тушган хавфнинг олдини ололмадим. Йўқлама пайтида уни медицина барагига тайинлашди. У гўё доктор Баумкеттер ёнида ишлармиш... Сизлар менинг гапларимга ҳайрон қоляпсиз, ҳа энди тушундим, сизлар Гейнц Баумкеттер тўғрисида ҳеч нарса билмас экансиз. Ҳеч нима билмас экансизлар...

Биз чиндан ҳам Грюнбахнинг гапларига анграйиб қолгандик, аммо бу уни доктор ёнига нима мақсадда чақиртирилишининг тагига етишдан эмасди, албатта. Бизни бутунлай бошқа масала қизиқтирарди, мўйсафид бу санани айтиб, янглишмадимикин? Бизнинг дўстимиз ноябрь охирида, айниқса декабрь ойида Ораниенбургда бўлиши мумкин эмасди. Ҳа, амалда бўлолмасди.

Биз Грюнбахга эътироз билдиришимиз керак. Гапни бўлмаслик ҳақида ҳамроҳимиз томонидан ўрнатилган қонидани бузиб бўлса ҳам ҳозир шу ерда, Ораниенбург вайроналарида эътироз билдиришимиз лозим. Чолнинг таънали боқишларига бардош бериб, ичида бизни койиётганига парво қилмай, унинг гапини бўлишимиз керак. Бунинг устига бирор нарсани фаҳмлади шекилли, ҳассасини қўйиб, унга озғин, чандир, қонсизликдан ранги айниган қўлларини қўйиб таянди-да, тикила бошлади.

Бизга эмас, тошларга тикила бошлади. Булар Ораниенбургнинг ўша тошлари...

2

— Мен Ораниенбургни қирқ учинчи йил кузида тарқ этдим...

Дастлаб бу иборани эшитганимизда, у бизни сергак-лантирмади, лоақал ўйлантирмади ҳам. Бу киши ўзи ҳақида айтиб берди, унга фактларни бузиб кўрсатишнинг ҳожати ҳам йўқ эди, бунинг устига бу фактлар тергов протоколига мос келарди. У сўроқ берганида айтган гапларини деярли сўзма-сўз такрорларди — тарозига солиб, пухта ўйлаб, жавоб қиларди. Гаплари

худди ёдлаб олинган дарсдек янграрди. Аслини олганда, бошқача гапириш мумкин эмасди. Башарти суддан марҳамат кутмоқчи бўлсанг, рўйирост гапиргин, чунки гувоҳлар борлигини, одамлар, ҳужжатлар, фотосуратлар мавжудлигини ёдингда тут.

У жосус, қўпоровчи, хоин бўлса ҳам унга ишонмаслик мумкин эмасди. У ўтмишда шундай эди, албатта. Уни немислар 1944 йилнинг январиди бизнинг диёри-мизга юборишганди. Дарвоқе, бу шу одамнинг Ораниенбургдан худди қирқ учинчи йилнинг охирида ғойиб бўлганлигини исботларди.

Империя хавфсизлиги Бош бошқармасининг махфий базасини унинг бир ўзи тарк этмаганди. У билан бирга яна бир киши Ораниенбургдан жўнаб кетган эди. Ўша одамнинг изини биз ҳозир Грюнбах ёрдамида Заксенхаузен харобаларидан қидиряпмиз. У Ораниенбургдан соғ-саломат жўнаб кетганди. Бу ҳодиса кекса ўймакор айтган воқеадан анча илгари бўлган эди. Воқеалар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бир одамнинг ўзи икки марта Ораниенбургда пайдо бўладими ахир. Бу ерга ҳеч ким ўз хоҳиши билан келмайди, чунки бу ердан ёруғ дунёга қайтиб чиқишга йўл йўқ эди. Биз бир воқеани батафсил билмоқчи эдик, аммо шунга ўхшаш иккинчи воқеага ҳам дуч келдик. Бу бутунлай кутилмаган янгилик эди. Аммо янгилик Ораниенбургда Оскар Грюнбах билан учрашган пайтимиздаёқ юз берганди. Бунга қадар биз Фриденталь қалъасидан жуда олисда, жанубдаги унча катта бўлмаган шаҳарда эшитган ҳикоямиздан бошқа нарса билмасдик. Бу ер шундай олис эдики, ҳатто кишилар унинг мавжудлигини ҳам билишмасди. Бизнинг ҳамроҳимиздан ташқари ҳеч ким билмасди.

Биз оддийгина меҳмонхонанинг озода хонасида қора кофе ичиб, ўтмишни эслаб ўтирардик. Урушни эслардик. Ёши ўтиб қолган, тўқлик, хотиржамликдан сал жир битган ҳамсухбатимиз тўқима креслога ўзини ташлаб

Ўтирар ва ўтмишни ошиқмасдан эсига келтирар эди.

Бошда унинг ўзини эркин тутиши, қўпоровчилик ишларининг принцип ва усуллари, зарба бериш йўллари хотиржамлик билан баён этишидан биз хижолат тортиб ўтирдик. Кейинча биз унинг бамайлихотир гапиришига кўниқдик, ҳозир қанақа бўлса, олдин ҳам шунақа экан, деб ўйладик. Касб одамнинг феъл-атвори-га, қарашларига, ҳис-туйғуларига таъсир қилади, изини қолдиради. Бунинг устига касб-корнинг нозик томонлари тўғрисида, одатда жиддий, шошмасдан, баъзан эса сурбетларча гапиришади. У эса ўзини лоқайд тутарди.

У жосуслик ҳунарини нацистлардан ўрганганди. У жон-дили билан ўқиган, ҳатто муваффақиятлари эвазига мукофот ҳам олганди. У мамлакатимиз ичкари-сига махфий топшириқ билан жўнатилганди. Қанақа топшириқ? Бу ҳақда чурқ этмасди. Сирни ошкора қилиш мумкин эмас. Жавобгарликни ҳис этиш унга одат бўлиб қолганди. У суҳбат пайтида буни бир неча марта тилга олган эди.

Тирик жосусни ким кўрган? У билан ким суҳбатлашган? Душман қандай бўлишини билиш мақсадида биз унинг кўзларига синчковлик билан тикилардик. Биз шундай қилдик, лекин ҳеч нима билолмадик. Унинг ўйноқи, айёр қўй кўзлари қувлик билан боқарди, нигоҳларида на қаҳр-ғазаб, на нафрат, на шафқатсизлик бор. Унинг ўзини бундай тутиши кишини чалғитади, биз ҳам ховримиздан тушдик.

Қаршингда ким турганини олдиндан билишинг, унинг таржимаи ҳолини ўқиган бўлишинг керак, акс ҳолда суҳбатдошингнинг илгари нима иш билан шуғулланганини билолмайсан. Чунки уни кўча-кўйда кўрсанг, кўринишдан содда, камтар, мулоим ва сермулозамат оддий одамлар ёнидан ўтиб кетгандек, унга ҳам эътибор бермай ўтиб кетаверасан.

Жосусларнинг пешанасига ёзиб қўйилмаган. Бу уларнинг хусусияти бўлиб, буни маълум мақсадлар учун

одамларни танлаб оладиган кишиларгина биладилар. Ташқи кўринишида бошқа одамлардан ажратиб турадиган бирор нуқсони бор киши жосуслик ишига тўғри келмайди. Юзидаги чандиқ фақат маълум роль ўйнайдиганлар учун керак бўлади. Бизнинг суҳбатдошимизда эса на чандиғи, на лабларида тиртиғи бор, на кўзлари ғилай на туғма холи бор. У, ҳатто истараси иссиқ, ажиб бир киши эди. Унинг қиёфасидан — нигоҳларидан, чимирилган қошларидан, буришган лабларидан ҳорғинлиги сезилиб турарди. Азбаройи тинкаси куриганидан ҳамма нарсадан кўнгли совиб кетганди. У бошидан кўп ишларни кечирди — қўпоровчи сифатида режими қаттиқ қамоқда анчагина ётиб чиқди, унинг шу кўйга тушиши шундан бўлса керак. Хоинлар ва айғоқчиларга нисбатан ана шундай муносабатда бўлинади. Уни отиб ташлашлари мумкин эди. Уруш даврида бу иш одилона бўларди, албатта аммо одамлар бундай қилишмади. Муваффақиятсизлик, унинг устига жазосини тортиш кишини умидсизликка солади, қалбида ўзига нисбатан бошқаларга ва бутун мавжудотга нисбатан хўрлик ҳиссини уйғотади. Мана у, ҳали соппасоғ, қирчиллаб турибди-ю, ўзини аламдийда қилиб кўрсатяпти. Унинг оиласи, фарзандлари, дўстлари бор. Уларнинг биронтаси бор ҳақиқатни билмайди, ҳатто уни тақдирнинг заволига учраган ёки бирор кишининг қитмирлиги туфайли шу балоларга гирифтор бўлган, деб билишади. У негадир индамайди. Баъзан хўрсинади, баъзан эса маъюс жилмаяди. Баъзан хотираларга берилиб кетади-ю, аммо афсус чекмайди, кўз ёши ҳам тўкмайди, қилмишларини қораламайди. Шунчаки миясига ўрнашиб қолган баъзи бир нарсаларни хаёлан кўз олдига келтириш учунгина эслаб қўяди. Бизнинг учрашувимиз унга кўп нарсани, бошдан кечирганларининг деярли ҳаммасини хотирлаш имконини берди. У шу имкониятдан обдан фойдаланди, олисларга сафар қилди, лекин ўзига қулай, ёқимли бўлган сўқмоқдан

юрди. Борди-ю, биз тўсатдан савол бериб, уни синашга йўлдан буриб юборсак, у асабийлашарди. Биз суҳбат ўртасида уни ранжитган дастлабки саволимизни бердик:

— Сиз, мабодо, доктор Баумкеттерни эслай олмай-сизми?

Унинг эсида бор. Унинг мияси яхши ишларди. У орттирган малакаси туфайли ҳеч нимани ёзмай, миясида сақлаб қоларди. Бирон нимани ёзиб олиш—сирни фош этувчи далил, ишни барбод қиладиган усул. Лекин у ҳамма нарса эсида бўлса ҳам, бизга айримларинигина, инсон ҳис-туйғуларига тегмайдиган майда-чуйдаларинигина гапирарди.

— Гейнц Баумкеттер махсус ўқларнинг ишлатилиши ҳақида икки марта суҳбатлашди ва ҳатто уларнинг натижасини ҳам намойиш қилди.

— Одамларга ишлатдимми?

— Йўқ... Итларга...— жавоб аниқ эмасди. Суҳбатдошимиз сўқмоқдан четга чиқмоқчи эмасди. У хавфни сезиб, сўроқ протоколида ёзилган гапларида туриб олишга ҳаракат қиларди. Баумкеттер ҳеч вақт ҳайвонлар устида тажриба ўтказмасди. Тажриба ўтказиш учун қанча одам унга керак бўлса, шунча беришарди. Иннайкейин, ҳайвонлар устида ўтказилган тажриба бутунлай бошқача бўлади, унга асосланиб бир иш қилиш қийин.

— Одамлар устида ўтказилгани-чи?—деб яна сўрадик. — Махсус ўқлар одамларга ҳам ишлатилганмиди?

У дарҳол жавоб қайтармади. Суҳбатдошимиз бир оз эзилгандан сўнг жавоб берди:

— Ҳа...

— Сиз ҳам ўшанда қатнашганмидингиз?

Суҳбатдошимиз анчагача жавоб бермади. Бутун оқшом давомида у биринчи марта хижолат тортди. У стол устидан бир қути «Фильтр»ни олди-да, анча ивирсиб, бир дона сигарета чиқарди. Сўнгра у ёқ-бу ёғини қараб, уни эзғилади, шундан кейин уни оғзига олиб

борди. Шу пайт бизни эслаб сўради:

– Чексам майлими?

Ногаҳон миямизга рефлекс ҳақидаги фикр келди: маҳбуслар одатда терговда айбларига иқроп бўлиш олдидан ўзларини шундай тутишади. Энди уни туртиб туришнинг, эсига солишнинг ҳожати йўқ эди. У ичида ўйлаётганди, бир қарорга келаётганди, бу керакли натижани бериши лозим эди. Шунинг учун ҳам биз индамай кутиб турардик.

– Бир марта боргандим,— деди суҳбатдошимиз зўрға.— Баумкеттер ўқ қандай таъсир қилишини кўрсатди.

– Бир ўзингизгами?

– Йўқ, «Вальдлагерь-20»нинг инструктори унтерштурмфюрер Брехт ҳам бор эди. Баумкеттер отди... Сўнгра Брехт...

– Кимни?

Суҳбатдошимиз вақт ўтказиш учун сигаретасини тортди. У кулдонни ўзига яқин тортиш, кулранг шапкасидан сигарета қолдиғини қоқиб тозалаш баҳонасида яна вақт ўтказди. У бошини кўтарди, қандайдир гуноҳи бордек, бизга ҳали маълум бўлмаган воқеа сабабларини англашимиз учун илтижо билан боқарди.

– Туркистонликни...

Ўз ватандошининг ўлдирилишида, ҳатто оддий кузатувчи сифатида иштирок этиш ҳам оғир эди, албатта. У буни эътироф этди. Биз эса ундан кўпроқ тушунардик: Баумкеттер ўша куни дарс берганди, ўлдириш дарсини ўтганидан бегона кишининг иштирок этишига рухсат этганди. У қандай ўлдиришни намойиш қиларди, ўргатарди, демак ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар билан ўртоқлашарди.

– Сиз ўша туркистонликни танирмидингиз?

Суҳбатдошимиз бирданига тутақиб кетди. Асаблари бардош беролмади. Сигарета бармоқлари орасида синди майин олтинсимон тамаки гилам устига сочилди.

– Терговми?! Яна тергов... Мендан аллақачон ҳаммасини сўраб-суриштиришган... Мен чарчадим, биласизми, сўроқ беравериб чарчадим...

Ҳа, суҳбатдошимизга ўхшаган киши ҳаётининг авра-астарини ағдариб кўрсатиш жуда қийин. Шундай нарсалар борки, уни эътироф этиб бўлмайди, эътироф этиб бўлмайдигина эмас, хатарли ҳам, ҳатто даҳшатли.

У коньяк ичди. У худди сув ичгандай сесканмай, лабларини яламай қулт этиб ютди. Биз қадаҳни яна тўлдирдик, у шу ондаёқ бўшади. Биз энди унинг лаблари секин титраётганини пайкаб қолдик. Наҳотки, виждони азоб чекаётган бўлса. Демак, собиқ қўпоровчининг виждони бор эканда! Ёки шунчаки кўрқишданмикин!

У қадаҳни тўқ этиб стол устига қўйди. Энди хотиржам гапира бошлади:

– Танимасдим.

– Эҳтимол, унинг исми Исломбекдир? Эслаб кўринг! Ўзингизни босинг. Сизга ва сизнинг ўтмишингизга тааллуқли бўлган нарсалар бизни қизиқтирмайди. Биз Саид Исломбекни, унинг изларини қидиряпмиз. Фақат ўшани. Тергов протоколида унинг номи зикр этилган.

Суҳбатдошимизнинг лабларига асабий кулги югурди: бизнинг гапларимизни истехзо билан тинглади. Ҳамма унинг ўтмишига қизиқмоқда. Бунга у амин. Бошқача бўлиши мумкин эмас-да: у жосус, ахир! Шунинг учун у қисқагина жавоб бериб, бошқаларнинг ҳафсаласини пир қилишга шошилди.

– Мен Саид Исломбекни танирдим.

Бу гўл одам саволлар занжирини узмади, аксинча янги саволларга йўл очиб берди.

– Демак, Баумкеттер уни отмаган экан-да?

– Йўқ. Гарчи хоҳлаганда ҳам уни отолмасди. Ўша пайтда Исломбек ҳали Ораниенбургда йўқ эди. Бунинг устига ўлдирилган ўша туркистонлик яхши эсимда... Унинг соқол-мўйлови ўсганди, юзи ориқ, пешанасига бир тутам оқ соч тушиб турганди... Отиш олдидан уни

ечинтиришди, шунда биз унинг сониди ва елкаси ёнида яраси борлигини кўрдик... Ислонбекнинг эса битта ҳам тиртиги йўқ эди. Мен жўнаб кетиш олдидан у билан бирга санитария кўригидан ўтган эдим... Ёши ҳам тўғри келмасди. Бизнинг группамиздагиларнинг барчаси ёш, соғлом эди. Биз қийин шароитларда самолётдан сакраб тушишимиз керак эди. Врачлар ҳар биримизни, шу жумладан, Ислонбекни ҳам жуда синчиклаб қарашганди.

– Сиз у билан тез-тез кўришиб турармидингиз?

Сўнги икки ҳафта ичида ҳар куни кўришардик...

Машғулот пайтида ёнма-ён ўтирардик, ошхонада ҳам... Мен уни кузатиб юрардим. Энди бу ҳақда айтиш ҳам мумкин. У менга шубҳали туюларди. Биласизми, у қандайдир бошқача эди, бошқаларга ўхшамасди. Ёмон ўқирди, ҳеч нимани эсида сақлолмасди, ҳатто инструкторларга ҳам қулоқ солмасди.

У биринчи бўлиб ҳеч кимга гап қотмасди, ўртоқларининг саволларига чалғитиб жавоб берарди, унинг қандайдир бошқа ташвиши бор эди. Биз ҳаммамиз ўз келажагимизни ўйлардик, ёлғиз қолганимизда дилимиздаги гапларни ўртоқлашардик. Ҳаммамиз ҳам кўрқардик.

Биз совет мамлакати ичкарасида хатарли операцияни амалга оширишимиз керак эди. Бунинг учун бор кучимиз, билимимизни аямаслигимиз лозим эди. Курсант яхши тайёрланса, яхши машқ қилсагина тирик қолиши мумкин эди. Ислонбек эсон-омон ерга тушиш ташвишини ҳам тортмасди, парашютга эса бутунлай қизиқмасди. Эсимда, у ҳатто полигонда ўтказилган машғулотларга ҳам келмасди. Бу ҳақда мен инструктор князь Галицинга ҳам айтган эдим.

Ёши олтмишларда бўлган шундай рус муҳожирини бор эди. Худди шу одамга айтдим, у билан гаплашиш осон эди, мен немис тилини яхши билмасдим. Галицин гапимга қулоқ солиб турди-да, кейин Ислонбекни куза-

тиб юришни мендан илтимос қилди. Шу кундан иборат мен Исломбекнинг сояси бўлиб қолдим. У билан танҳо қолиб, очиқ-ойдин гаплашиш иложини қидирдим. У танишиб қолганимиздан хурсанд бўлди, аммо оғзи маҳкам эди, ўзи ҳақида ҳеч нима демасди. Унинг инда-маслигидан шубҳаланиб, баттар қизиқиб қолдим. Бир куни мактабимиз жойлашган Фриденгалга жўнатишга тахминан уч кун қолганда, «Мерседес» машинасида, доктор Ольшер келди.

Биз унинг СС Бошқармасида ишлашини яхши билардик. Ораниенбургдаги алоҳида вазифаларни бажарадиган курсга қабул қилиш олдидан бизни шу бошқармага юборишарди. Ольшер бўлғуси курсантлар билан суҳбатлашарди, текширарди, кейин махсус лагерларга тақсимларди. У «Тюркостштелле» бошлиғи бўлиб, ҳамма туркистонлик асирлар унинг ихтиёрида эди.

Мен разведкачилар мактаби очилган кундан буён деярли шу ерда бўлсам ҳам, Ораниенбургда уни биринчи марта кўришим эди. Гауптштурмфюрер бизни жўнатиш масаласида келган бўлса керак, шунинг учун биз билан суҳбатлашар, деб ўйлагандик.

Аммо Ольшер, ҳатто бизнинг хонамизга назар ҳам ташламади, махсус ишлар бўйича олиб борилаётган машғулотлар билан қизиқсинмади, ваҳоланки СС раҳбарлари бундай машғулотларга эътибор бериб, топшириқларни бажаришга қанчалик тайёр эканлигимизни билишни истарди. Ольшер фақат Исломбекни кабинетига чақиртирди-да, у билан танҳо гаплашиб, дарҳол Берлинга жўнаб кетди.

Мен берган сигналим «Тюркостштелле»га бориб етибди, шунинг учун капитан Ольшер Саид Исломбекни текшириб кўрмоқчи бўлибди, деб ўйладим. Мен кечкурун князга ҳам шундай дедим. Лекин Галицин гапимга қўшилмади, менга ғалати қаради-да, деди:

— Бу йигит билан ишинг бўлмасин... Унинг ўз вази-фаси бор.

Ишимнинг ўнгидан келмаганига анча дилим сиёҳ бўлди. Бехудага вақтим кетди, одамлар назарида аҳмоқ бўлиб қолдим. Лекин Ислombекни кузатиб юравердим. Жўнашимиздан бир кун илгари, унга махсус топшириқ берилганлигига амин бўлдим. Биз, ҳаммамиз совет ҳарбийлариникига ўхшаган янги уст-бош олдик, унга қадар чех қўшинлари кийимида юрардик. Ислombек эсэсчилар кийимида эди, кийимида унтерштурмфюрер унвонини билдириб турадиган белги бор эди. Бу ҳол группамиз олдида турган вазифага сира тўғри келмасди.

Биз ўзимизни, касаллигимиз туфайли совет армияси сафидан демобилизация қилинган, отпускага кетаётган, ҳарбийга чақирилганларни кузатиб бораётган кишилар қилиб кўрсатишимиз керак эди. У бўлса «Ўлик бош» номли махсус топшириқларни ўтовчи батальонлардан бирининг офицери кийимида юрибди. Биз учун махсус бўлимда тайёрланган ҳужжатларда ҳам у СС унтерштурмфюрери, радио ишлари инструктори деб кўрсатилганди. Бу ҳол мени бутунлай гангитиб қўйди. Қизиқ, эсэс кийимидаги ва разведка марказига қарашли киши эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан бу одам Совет ерида ўзини ким деб кўрсатаркин?

Мен мактабимиз раҳбарлари Ислombекни қочоқ ёки асир тушган киши қилиб юборармикин, деб ўйлаб қолдим. Қалтис, ажойиб режа, бироқ Ислombек бу вазифани уддалай олармикин?

Менимча, унда бундай ниятни амалга оширадиган сифатлар йўқ эди. У бўшашган, ланж ва писмиқ эди. Аслида қочоқлар ҳам ҳар хил бўларди. Ислombекка ўхшаганлар ҳам бор эди, албатта.

Умуман, Фриденталь қалъасидан жўнаган пайтимизгача ҳам Ислombек мен учун жумбоқ бўлиб қолаверди. Биз Ораниенбургни тарк этган кунда Берлинер рингда юз берган воқеа ҳам жумбоқ бўлиб қолганди...

Берлин гестапосида ишлаган ва шифрли ҳужжат билан «26 нчи» бўлиб ўтган Саид Исломбекка раҳбарлик қилган разведкачимиз Рудольф Бергнинг маълумоти сақланиб қолганди. Ун тўққизинчи февраль санаси кўрсатилиб берилган радиোগраммада «Йигирма олтинчи» ўйиндан чиқди, деб маълум қилинганди. Берг тафсилотларини хабар қилмаганди. Лекин марказдагилар радиограммани ахборот берувчи қандай ўйлаган бўлса, шундай тушунганлар. Исломбек вазифани бажарди, аммо бундан буён операцияни амалга ошириш ишларида қатнашолмайди. Бу воқеа 1943 йил бошларида Паулюс қўшини Сталинград остоналарида таслим бўлиб, Гиммлер ўзининг машъум яширин урушига тайёргарликни кучайтириб юборган пайтда юз берган эди.

«Йигирма олтинчи»нинг ўйиндан чиққани ҳақидаги тўла маълумот Берлиндан бир ҳафтадан кейин, яъни февраль ойининг охирларида келган эди. Берг Исломбекнинг тақдири ҳақида хабар бериш имкониятига эга бўлганди. Мана ўша радиোগрамма: «Тирик. Аҳволи оғир. Ворон сўроқ қияпти. «Йигирма олтинчи» ёнига кириш мушкуллашиб қолди. Қочиши мумкин эмас». Март ойида Берг сўнгги гапни яна қайтаради. Марказ Исломбекни қутқариш учун ҳаракат қилишни талаб этган бўлса керак. «Қочиш мумкин эмас. Йигирма олтинчи ички қамоқхонада танҳо сақланмоқда. Киришнинг иложи йўқ».

Берг сиёсий полицияда ишласа ҳам, «Йигирма олтинчи»нинг аҳволини енгиллаштириш учун ҳеч нима қила олмасди. Исломбекни Ворон, бошқача қилиб айтганда, Курт Дитрихнинг ўзи сўроқ қиларди. Штурмбанфюрер одатига биноан терговни танҳо ўзи махфий олиб борарди. Дитрих ҳеч кимга ишонмасди, чунки у ўзи ишлаб чиққан операция схемасининг бузилишидан қўрқарди. У ҳақиқатни аниқлаш ўрнига тергов маълумотларини ўз тахминларига мувофиқлаштирарди. Берг

Ўз хатти-ҳаракатлари билан штурмбанфюрерни танлаган йўлидан адаштира олиши мумкин эди.

Июль ойи охирида Бергдан яна бундай хабар келди: «Йигирма олтинчи», ўша жойда. Хузурига киришнинг иложи йўқ. Аҳён-аҳёнда сўроқ қилинмоқда». Исломбек июль, август, ҳатто октябрь ойида ҳам гестапонинг ички қамоқхонасида сақланди. Разведка маркази вақти-вақти билан «Йигирма олтинчи»нинг тақдири ҳақида ахборот талаб қиларди. Полковник Белолиповни ёш разведкачи сўроқ вақтида ўзини қандай тутаётгани; уни қийнаш-қийнамасликлари қизиқтирарди. Полковник бу йигитнинг соғлиғига қайғурарди. Эҳтимол, у сўроқдан, қамоқхонадаги ёлғизликдан қийналган «Йигирма олтинчи» оғзидан гуллаб қўймасмикан, деб хавотирланган бўлса керак. Чекиниш осон... Белолипов Бергдан Саид Исломбек билан учрашишни қистарди, талаб қиларди.

Ниҳоят Берлиндан узоқ кутилган хабар келди: «Қисқа суҳбатлашилди. Соғлиғи дуруст. Кайфияти ҳам. Белгиланган таъбир ўз кучида турибди. Афтидан, Ворон ўшандай иш тутадиғанга ўхшайди».

Берг Ораниенбург ҳақида ҳеч қандай маълумот бермасди. Империя хавфсизлиги Бош бошқармасининг мазкур махфий базаси унга аён бўлишига қарамай, берган маълумотларида бу ҳақда ҳеч нима демасди. Кейинчалик, бунинг сабаби аниқланди.

Алоҳида вазифаларни бажарувчи махсус курслар ҳақида, маълумотлар ҳам ўша Берг орқали бошқа йўл билан бериларкан. У билибгина қолмай, бу сирлардан Исломбек аҳволини енгиллаштириш учун ҳам фойдаланарди. Бироқ шуниси қизиқки, разведкачимиз «Йигирма олтинчи» гестапонинг ички қамоқхонасида, деб ўз маълумотини тасдиқлаганди. Холбуки, биз билан суҳбатлашаётган қўпоровчи Саид Исломбекни октябрь ойида Фриденталь қалъасида кўрган: У тирик, соғсаломат, ҳеч қанақа яраси йўқ деяпти-ку?

Фриденталь қалъаси Берлинга олиб борадиган серкатнов йўлдан четроқда бўлиб, осуда, хузур-ҳаловат қалъасидай қад кўтариб турарди. Унинг ёнида ўрмонлар орасидаги дача посёлкасига ўхшаш Ораниенбург шаҳри бор эди. Унинг кўчалари тарвақайлаб кетган арғувон ва қора қайинлар остидан ўтарди. Ёввойи чирмовуқлар уйларга қуюқ соя ташлаб турарди. Ўрмон бора-бора қалъани қуршаб олган паркка, йўллар хиёбонга айланиб кетарди, ариқлар сокин, мудроқ ҳовузларга қуйиларди. Нохуш, қуймага ўхшаш қалъа овчилар кулбаси, деб оддийгина номланганди. Унинг деворлари олисдан шохлари тарвақайлаб кетган кекса қора қайинлар орасида аранг кўзга чалинарди ва қадимий ўймакорлик буюмга ўхшарди. Илгариги вақтларда, башанг чавандозлар ўйнагани чиққанларида, улар йўлдан қайрилиб, шу ёққа боришарди, башарти улар паркдан ўтмай, қалъа эгаларининг меҳмондўстлигига қойил қолганларини айтмасалар ҳам, лоақал Фриденталга яқин келиб, унинг сокин хиёбонларини завқ билан томоша қилишарди.

Фриденталь уруш вақтида ҳам шундайлигича қолаверганди. Унинг ёнидаги йўлда танкларнинг ўрмаловчи ғилдираклари ва бронетранспортерлар шақир-шуқур қиларди, мотоцикллар турнақатор бўлиб ўтарди, зенит тўплари Берлинни бомбардимон қилиш учун Рюген орқали учиб ўтаётган самолётни уриб туширмоқчи бўлиб осмонга, булут босган кулранг осмонга қараб гумбирлатиб ўқ узарди. Қалъа эса аввалгидек сокин эди, хиёбон ва ҳовузларнинг асрий осудалиги бузилмасди. У янада жимжит, хувиллаб қолганга ўхшарди. Оқшомлари унинг деразаларида кишини қизиқтирадиган чироқлар ёнмасди, қўшни ўрмонда кийик ови муваффақиятли ўтгандан кейин овчиларни залга чорловчи мерган бурғусининг овозлари эшитилмасди. Дарвоқе, бурғу чалинса ҳам ҳеч ким қалъага яқинлаша кўрмасди: Фриденталга қайриладиган йўлда ўша томонга ўтиш

ман этилганини кўрсатувчи белгили устунлар бор эди. Белгилар устидаги тахталарга ҳам: «Халът! Тўхта!» деган қисқа сўзлар ёзилганди. Унинг пастроғида эса «Махсус зона. Ўн метрдан бу ёғига ўтиш хавфли, огоҳлантирилмай ўт очилади!!» дейилганди. Бундан маълумки, паркни кўрмоқчи бўлган довюрак, синчков кишилар камдан-кам топиларди. Зонани айланиб юрувчи патруллар чиндан ҳам огоҳлантириб ўтирмасдан шартта отишарди.

Авваллари қалъада тинчликни сақлаш учун «Халът!» ёки «Ферботен!» сўзлари ёзилган белгилар кифоя эди. Лекин уруш қизиб кетди. Энди Фридентални ҳимоя қилишни ишониб топширилган кишилар, шундай тўстўполонда биргина сўз хавфдан бутунлай сақлай олмайди, деб паркни девор билан ўрашди, девор устига кучли электр сими тортишди. Деворлар орқасида кузатиш пунктларидан туриб отилган автомат ва пулемёт ўқлари етадиган кенгликда ўлим зонаси вужудга келди. Ундан у ёғида эса одам бош суяги сурати солинган тахталар ўрнатилган ўша огоҳлантирувчи минтақа қандай бўлса, шундайлигича қолган эди.

Ман этилган зонага хавфсизлик хизмати белгиси ва бригадефюрернинг ўзи имзо чеккан Рухсатномаси бўлган машиналаргина ўта оларди. Фриденталда хизмат қиладиган ва қоида бўйича тунда назорат пунктида пайдо бўлган машиналар бундан мустасно эди. Машиналар қалъа ичкарасидаги биноларга юк таширди. Бу бинолар ташқи дунёдан ажратиб қўйилган, цементланган, деразаларига панжара қоқилган ва темир эшикли ертўлалар эди. Шу машиналар паркдан юк олиб чиқиб кетишарди, лекин уларни ҳамиша кучайтирилган соқчилар наряди кузатиб борарди.

Баъзан юк ўрнига одамларни олиб кетишарди. Уларни ёпиқ машиналарга ўтқазишарди-да, парк атрофидан айлантиришарди, кишиларни у ёқдан-бу ёққа олиб бориб, назорат минтақасини бир неча марта кесиб

Ўтиб, роса чалкаштирганларидан кейин белгиланган пунктга олиб борардилар. Қалъага ишчи ёки мутахассис сифатида жўнатилган кишилар қайтиб келишмасди. Ташқаридаги, ишларга бараклар, қўшимча бинолар қурилишига, котлованлар қазिशга Фриденталдан ўн минутли масофада жойлашган. Заксенхаузен махсус лагеридан махбусларни ҳайдаб келишарди. Кишиларни Заксенхаузендан бошқа лагерларга ўтказиш ман этилганди. Фридентални кўрган ёки махсус зонада бир кунгина бўлган киши ўзи билан сирни олиб чиқиб кетмаслиги керак эди.

Айниқса, СС гауптштурмфюрери Отто Скорцени 1943 йилда Фриденталга келиб кетгандан кейин қалъага шундай жиддий эътибор бера бошлашганди. Гитлернинг эркатойи, хавфсизлик полицияси ҳамда хавфсизлик хизмати бошлиғи Кальтенбруннернинг дўсти бўлган бу одам СД олтинчи бўлими топшириғига биноан ўзининг махсус вазифаларни бажарувчи мактаби учун шу ерни танлаган эди.

У Берлинга, Принц-Альбрехтштрассега қайтиб келгач, Шелленбергга, қалъа мактаб зиммасига юкланган вазифаларга мос келади, деб ахборот берди. Ўшундан кўра Шелленберг «Муҳим вазифаларни бажарувчи махсус Ораниенбург курси»ни Фриденталга жойлаштириш тўғрисидаги буйруққа имзо чекди. Шахсий составни жойлаштириш ва жой тайёрлаш ишлари билам вақтда бошланди. Курсантлар ва инструкторлар Фридентал хоналари ва залларига жойлашгунча, Заксенхаузен махбуслари парк атрофини уч метрли дев билан ўрадилар. Эсас назоратчилари одамларга ташқи нишга ўргатилган бир тўда бўрибосар итлари билан олишди. Скорцени, курсантларнинг дастлабки группам мактабни олти ойда битириб чиқади, деб Шелленбергга сўз берди. Сталинграддаги мағлубиятдан кейин бундай муддат бригадефюрерга беҳад кўпдай туюлди. Бу муддатни тўрт ойга келтирди. 1943 йилнинг куз

ёмғир қуйиб турган қоронғи тунда Скорцени мактауни битирганларнинг дастлабки группаси усти ёпиқ юк машинасида Фриденталдан чиқиб, Берлиннинг айланма йўли билан ҳарбий аэродромга жўнади.

Маълумки, марказдан тармоқланган юзлаб асфальт йўл айланма йўлга туташади, бу ердан ҳам шунча йўл, трассадан бошқа ёққа чўзилиб кетади. Турли тезликда ҳаракат қилувчи машиналар учун белгиланган участка бетон йўл гоҳ транспорт билан тўлиб кетарди, гоҳ транспортлар қайрилишга етиб, айланма йўл бўйидаги кўм-кўк қуюқ ўрмонга гуриллаб кириб кетганда бўшаб қоларди.

Аввалига ёпиқ машина ички йўлдан секинроқ юриб борди, сўнгра кабинада ўтирган оберштурмфюрернинг имо-ишораси билан ҳайдовчи юк машинасини ўрта йўлга ўтказди. Мотор тезроқ айланди, ёмғир рўпарадаги ойнага тасир-тусир қилиб уриларди. Машина устидаги брезентга шовиллаб қуярди. Баллонлар йигирма минутча ўрта йўлдан юрди, кейин ташқи йўлга чиқиб олгач, шофёр газни тўла босди. У машинани рўпарадан ураётган жалада учуриб борарди, икки ёнида шамол тўсатдан ҳуштак чала бошлади. Тунда кўзга кўринмайдиган ипга тизилгандай бўлиб турган кўк чироқлар лип-лип ўтиб турарди. Спидометр тўқсонни кўрсатарди, баъзан тез ҳайдашдан унинг тили ликиллаб, бу рақамдан ҳам ўтарди-да, юзга яқинлашарди...

– Мен Саид Ислombекни кузатиб юрдим, — суҳбатдошимиз ҳикоясини давом эттирди. У аввалига Фриден-таль ҳақида хотиржам, бепарво гапирди кейин овозининг оҳанги ўзгарди, сал қизишиб, ҳаяжонланиб ҳикоя қилди. Мана, у ҳозир гапдан тўхтади-да, Берлин трас-сасида юз бераётган воқеанинг муҳимлиги, ғайри та-бийий эканлигини ҳис этипмизми-йўқми, билмоқчи бўлиб, қизиқсиниб қаради. Ҳикояда бирор янги, ку-тулмаган гап айтилиши бошқалар қатори бизни ҳам

қизиқтирганидан унинг жимиб қолиши бизни хушёр торттирди, аммо ханг-манг қилиб қўймади. Бу ҳол суҳбатдошимизнинг ҳафсаласини пир қилди. У гапининг таъсирли бўлиши учун дераза томонга ўтирилди-да, мовий жануб осмонига ўйчан тикилди. У бир неча дақиқа тикилиб турди, яна бизга ўгирилди, энди кўзлари сирли боқарди:—Мен уни Фридендалдаёқ кузата бошлагандим. Биз қарама-қарши ўтиргандик. Биз қоронғида бир-биримизни дурустроқ кўришга ҳаракат қилардик. Эҳтимол, мен уни ўзим ўйлаган даражада кўролмагандирман, аммо Исломбекнинг ҳаяжондан буришган юзини аниқ тасаввур қилардим. У ғалатиноқ ҳаяжонланарди. У асабийлашарди. Машинага ўтириш олдидан унинг феъл-атвори ўзгариб, янги одат чиқарди, бунақа одати борлигини илгари билмасдим. Шу пайтгача миқ этмай юрган Исломбек тўсатдан сергап бўлиб қолди. У менга: биз қайси йўлдан кетяпмиз, қайси машинада жўнаймиз, деган саволлар бериб, жонимга тегди, ҳатто ўша машинани кўрсат, деб танг қилди. Бу саволлардан бирортасига ҳам жавоб бериб бўлмасди, чунки биз маршрутни билмасдик. Машинани ҳам кўрмагандик, иннайкейин бунинг нима аҳамияти бор? Ахир Фридендалда хизмат қилувчи юк машиналарининг ҳаммаси бир хил-ку. Фақат бир нарса — машиналарнинг усти ёпиқлиги маълум эди. Саидга шуни айтдим. У ранжиб деди:

— Демак, турган жойларимизни қайтиб кўрмас эканмиз-да...

Германиядан кетаётганига қайғураётгани кулгимни қистатди. Ҳа, кулгим келди. Исломбек муғамбирлик қилаётганди. У ҳеч нарсага ачинаётгани ҳам, Берлин кўчалари, хиёбонларини ҳам ўйлаётгани йўқ эди. Бу ерда бошқа гап бор эди. Аммо нима? Биз паркда машина кутиб турганимизда мен Исломбекнинг офицерча кийимига разм солдим, кийими қандай тикилганига қизиққан киши бўлиб, ёқасини тузатдим,

астарининг чокини узунасига секингина пайпаслаб кўрдим. Ҳаммамизнинг ёкамизга ёки тугма қадаладиган жой четига калий цианидли ампула тикиб қўйилганди. Бу захар Исломбекда йўқ экан. Мен ҳазиллашиб шапкасини кийиб кўрган эдим, унда ҳам йўқ экан. Маълум бўлдики, Саидга ҳамма учун мажбурий бўлган, ўйиндан чиқариб юборадиган воситадан беришмабди. Унга совет пулидан ҳам беришмабди — фақат марка бор эди.

Афтидан, Исломбек қочоқ сифатида ўтадиганга ўхшарди. Мен шундай хулосага келдим, аммо ростини айтсам, ўз ривоятимга ўзим ҳам унча ишонмас эдим. Қочоқни фронт чизигининг нариги томонига ташлаш керак эди. Демак, у навбатда учадиган самолёт билан қизиқишга мажбур эди. Белгиланган районга қўниш мўлжални аниқ олишга боғлиқ эди. Масалан, биз сахрога, бирон-бир чўл-биёбон эмас, аниқ квадратга, темир йўл изи ва қудуққа яқин жойга тушишимиз шарт эди. Қум барханлари ичкарасига бориб қолсак, сувсизликдан ҳалок бўлардик. Бундан ташқари, узоқ йўл босиш тинкамизни қуритарди, кийимларимизни тўзителиб юборарди, зарба бериш муддатини чўзиб юборарди. Ҳаммаси бўлмаса ҳам, кўп нарса шу муддатга боғлиқ эди. Энг аввало, ҳолдан тоярдик, ҳолдан тойсак дадиллик ҳам, ишонч ҳам йўқоларди. Ироданг сусайдими, бўлди қўлингни ювиб қўлтиғингга уравер.

Шу туфайли биз мўлжалдан ўтиб кетмасак эди, деб ташвишланардик. Об-ҳавони, тўплар ўқ отиб, самолётни адаштириб юбориши мумкинлигини ўйлардик. Фақат Исломбек юк машинасига қизиқарди. Унинг бундай қизиқиши менга ғалати туюларди.

Ниҳоят, машина келди, биз унга чиқиб жойлаша бошладик. Ҳеч қандай тартиб йўқ эди, ҳамма тезроқ машинага чиқиб олишга, ёмғирдан яширинишга ошиқарди. Улар курукроқ, иссиқроқ деб кабина ёнидан жой олишга ҳаракат қилишарди. Менга қарашли беш киши жойлашиб олгандан кейин машинага чиқдим. Исломбек эса

ҳамон ёмғирда турарди, машинага чиққиси ҳам келмасди. У роттенфюрер бақиргандан кейингина кузовга чиқди. У рўпарамга машина орқасидаги очиқ жойнинг бир четига ўтирди. У қўлини бортга қўйди. Дарахтлар ҳўл бўлиб, қайрилишларда ёмғир томчилари шув этиб Исломбекнинг шинелига уриларди. Назаримда у бунга парво қилмаётгандай эди, аксинча у совуқ ва ёмғирга қандайдир лоқайдлик билан чидаб борарди. Умидини узган, ўлимни бўйнига олган кишигина ўзини шундай тутарди.

Кузовдан бир одам сакраган пайтда, машина ўқдай учиб кетаётганди. У лип этиб бортдан сакради-ю, қоронғида ғойиб бўлди. Курсантлардан бири қочоқнинг машина бортини ушлагани, осилгани, сўнг пастга сакрагани, аниқроғи оёғини ерга қўйганини пайқабди. Машинада кетаётганлар на қичқириқни, на гурсиллаган овозни, на бошқа бирон овозни эшитишди. Роттенфюрер кабина ёнида ўтирганларга ойнани тақиллатиб, шофёр ёки оберштурмфюрерга айтинглар, машинани тўхтатишсин, деб буюрди.

Бироқ шу оддийгина иш қилингунча ҳам беш минутча вақт ўтди. Юк машинаси бир километрдан кўпроқ узоқлашиб кетганди. Роттенфюрер автоматдан шиғаб ҳавога отган ўқ кузатувчининг бутунлай умидсизликка тушганини тасдиқларди, холос.

Дарвоқе, ҳеч ким тирик юкни эсон-омон элтиб топширасан, деб кузатувчига тайинламаганди. Уни машинага шунчаки расмият учун ўтқизгандилар. У, ҳатто одамларнинг қаёққа, нима учун кетаётганликлари ва уларнинг қанчалигини ҳам билмасди. Ҳар ҳолда, юк машинаси тўхтаган пайтда норози бўлган, ташвишга тушиш эмас, норози бўлган оберштурмфюрер кабинадан тушиб, ёмғирда кузов олдига келганида роттенфюрерни асло айбламади, унга дўқ ҳам қилмади.

Офицер бўлган воқеани ипидан-нинасигача эшит-

ди, шошилмай папирос чекди, қоронғида олисга қараб қўйди. Ҳа, қараб қўйди, чунки бирор нарсани дурустроқ кўриш мумкин эмасди. Шариллаб ёмғир қуяётганидан, икки метрдан у ёғи қоп-қоронғи, зимистон эди. У қоронғиликда нимагадир орқага юрди, йўл четида айланди, балки айланмагандир ҳам, шунчаки плаш ёқасига ўраниб тургандир, сўнгра ўчирилган сигарети билан қайтиб келди-да, жўнадик дегандай қўл силтади.

Кабинада у шофёрдан сўради:

– Икки километрдан кейин Потсдамга қайриламизми?

– Ҳа, жаноб оберлейтенант.

– Сен буни билармидинг?

– Албатта.

– Сал тормоз берсанг бўларди...

– Шундан кейин сиз Исломбекни сира кўрмадингизми?

Биз суҳбатдошимизга сўнгги саволни бердик. Қисқа жануб оқшоми ўтиб кетди, дераза ланг очиқ эди, ташқарида сокин, кишини элитадиган сўлим тун чўкканди. На шабада эсарди, на япроқлар шитирларди. Кофе билан коньяк аллақачон ичиб бўлинганди, энди уй эгаси билан меҳмонлар бир-бирларига малол келгандек, гаплари қовушмай, ўртага кишини зериктирадиган жимлик чўкканди. Биз суҳбатдошимиз Исломбекни шундан кейин кўрмаганлигини билардик. Шунинг учун бу учрашувларга мантиқий якун ясаб, меҳмон билан хайрлашиш учунгина савол бердик. У буни тушунди ва хомуш бўлиб қолди.

Ўз ҳикоясини қийналиб истар-истамас, ҳатто норозилик билан бошлаган бу киши энди уни тугатгиси келмасди. Айёрлик билан мулойим боқувчи қўй кўзларида хафалик ифодаси кезди.

У учрашувимизнинг хотимасидан, бизнинг қаттиқ инсоний ҳукмимиздан кўрқарди. У кўнглининг бир четида ўзидан, ўтмишидан хафа бўлди, четдан уни айб-

ласа бўлади, у эса ўзини оқлаши керак эди. У, ўзини оппоқ, пок кўришни жуда истарди. Шунинг учун у бизга ташвишланиб илтижо билан термиларди, яна бирон нима денглар, сўранглар, сўрайверинглар! Жавоб бериб, ҳикоя қилиб, ўзингга бировнинг раҳмини келтириш, ийдириш осонроқ.

Биз ундан ҳеч нимани сўрамай кўйдик. Шунда у алам билан қизишиб деди:

– Сиз қаҳрамонни қидиряпсиз... сиз Исломбекни ғайритабиий киши қилиб кўрсатмоқчисиз. Нега? У оддий, энг оддий киши эди...

– Хатто, биздан ҳам баттар эди... Мен бунақа қаҳрамонларга ишонмайман. Башарти, мени шундайларга сажда қилишга мажбур қилгудай бўлсалар, мен ҳаммасига лаънатлар ўқийман, худога ҳам лаънат ўқийман...

У йиғлай-йиғлай дерди. Унинг сўзларида норозилик эмас, балки бошқаларга нисбатан кучсиз ҳасад бор эди. У ер юзида оддий киши бўлишни истарди. Уни инсон қалбининг ёғдуси азобга соларди.

– Сиз унга олисдан боқмоқдасиз,— зорланди у,— сиз уни тушуниб бўлмайдиган, тушунтириб бўлмайдиган иллатлардан тозалаяпсиз, биз эса у билан бирга эдик, ҳозир сизни қандай кўриб турган бўлсам, уни ҳам шундай кўриб турардик... У қаҳрамон эмас... Асло! Асло!..

Тўридан гўри яқин қолган одамнинг босиб ўтган йўлини қайтаришга қодир эмаслигига, қилган ишларини тузатишга кучи етмаслигига иқрор бўлиши оғир эди. Вақт эса олға, фақат олға интиларди.

Бундан буён умри афсус, надомат, алам билан ўтади. Бир умр азобдан қутулмайди.

– Демак, сиз ўшандан кейин Саид Исломбекни кўрмагансиз?

– Йук.

У кечирим сўради-да, жўнаб кетди.

Фриденталь харобаларига қайтиш вақти ҳам келди. У ерда, тошлар орасида Оскар Грюнбах хотираларга берилиб, танҳо ўзи бизни кутиб турганди. У ўйиб ишланган ҳассасига таяниб, хира кўзлари билан ўтмишга боқиб турарди. Бизни кутмоқда.

Аммо биз хозир Грюнбах ёнига қайтолмаймиз, қайтишга ҳақимиз ҳам йўқ. Шунингдек, ўймакор айтган гаплар билан жанубдаги кичкина меҳмонхонада эшитганларимиз орасида бир бўшлиқ ёстаниб ётарди, бу бўшлиқ ҳеч нарса билан тўлдирилмаганди, аниқроғи ҳавойи гаплардан иборат эди. Ҳаммаси гумон, тахмин эди. Биргина мантиқ туфайли туғилган ҳамма нарсадек, улар ҳам ҳаётдан узоқ эди. Олти ойга чўзилган бу бўшлиқда лоақал тарқоқ бўлса ҳам, онда-сонда бўлса ҳам, қилинган иш бўлиши керак эди.

Хўш, шу олти ой мобайнида Исломбек қаерларда бўлди, нималар қилди? У гестапо чангалидан қандай қутулди-ю, Гиммлернинг муқаддас макони — Фриденталда қандай пайдо бўлиб қолди? Империя хавфсизлиги Бош бошқармаси махфий базасига кириб олган Исломбек нега у ердан ногаҳон қочиб кетди? Нега? Исломбек билан «Тюркостштелле» бошлиғи Реингольд Ольшер нималарни гаплашган экан?

Буларнинг ҳамма, ҳаммаси номаълум эди, энг муҳими, тушуниб бўлмасди. Бутунлай бир-бирига зид бўлган фактларни сира боғлаб бўлмасди. Тажрибали разведкачиларимиз ичида энг тажрибалиси Рудольф Берг Исломбекка кўмаклашолмасди. У марказга махбус ёнига кириш мумкин эмас, қочиришнинг ҳам иложи йўқ, деб хабар берган бир пайтда, Исломбек бошқа кишининг аралашувисиз гестапонинг ички турмасидан озод бўлиб чиқади.

Кимгадир ишонмаслик керак эди, ё қирқ тўртинчи йилнинг январь ойида мамлакатимиз ичкарасига ташланган собиқ қўпоровчига, ё совет разведкачиси

Бергга. Биз қўпоровчининг сўзларини хато десак ҳам бўлади. Акс ҳолда, воқеалар ривожининг аниқлиги, қонуниятни бузилади.

Биз ҳам шунга қараб иш тутамиз. Кўп нарса ўз жойига, деярли ўз жойига тушяпти. Схема анча аниқ шаклга кира бошлади. Мана бундай бўлганди:

Саид Ислombек Туркистон миллий комитетининг президенти Вали Қаюмхоннинг данғиллама уйида топшириқни бажаргач қамоққа олиниб, ўша кечасиёқ гестапога жўнатилади. У ўша жойда 1943 йилнинг октябрь ёки ноябрь ойигача бўлиб, сўнгра махсус Заксенхаузен лагерига ўтказилади. Грюнбах уни шу ерда—лагерда учратади.

Аниқ, ҳар қалай, равшан схема. Биз уни қабул қилмиз. Бирок, тўсатдан Франкфурт-на-Майнда чиқадиган газетага кўзимиз тушиб қолди. Бу оқ гвардиячилар фикрини ифодаловчи, туси кетган, лекин гитлерчилар рейхи ғоялари билан яхши суғорилган муҳожирлар газетаси эди. Баландпарвоз, ғаразли, одобсизлик билан ёзилган мақолачаларнинг биз учун ҳеч қандай қизиғи йўқ эди. Аммо бир мақола бизни қизиқтирарди. Унда рус муҳожирларининг Советларга қарши қўпоровчилик ишларида иштироки ҳикоя қилинганди. Жумладан, князь Галицин номи ҳам келтирилганди. Мақоланинг кўп қисми князга бағишланганди. Мақола муаллифининг тасдиқлашича, князь Россияни яхши биладиган буюк мутахассис сифатида коммунизмга қарши фронтнинг жасур ва мурасасиз жангчиларини тарбиялаб етиштиришда жуда кўп хизмат қилган. Унинг қўлида душманга сезиларли зарба берган бир неча ўнлаб моҳир ижрочилар етишиб чиққан. Галициннинг кўпчилик шогирдлари номини ҳозирча айтолмаймиз, лекин курашдан қаҳрамонларча чиққанларни ҳамма билмоғи керак. Жангчи ва ижрочи сўзи замирида одатда жосуслар ва қўпоровчиларни тушуниш керак. Биринчиси — Украинанинг ғарбий районларида ҳалок

бўлган қандайдир Семен Кравец деган одам, иккинчиси — Саид Ислombек, Кравецга мақоланинг учдан бири, Ислombекка бир абзаци бағишланганди. У гўё князь томонидан фавкулодда афсонавий, фавкулодда оригинал операция учун тайёрланган бўлиб, Берлинда иш олиб борган эмиш. Ислombек «Сикрет интеллидженс сервис»нинг агенти сифатида дадил иш тутган. Лекин 1943 йилнинг октябрь ойида жанжал вақтида ўз қабиладоши томонидан тасодифан ўлдирилган. «Бурчига содиқ, дейилганди мақолада, у қаттиқ яраланган бўлса ҳам шефини огоҳлантириш ва муҳим маълумотни етказиш учун ўрмонда эмаклаб юрган. Унинг мурдасини Берлин айланма трассаси ёқасидан топганлар».

Муҳожирлар газетасида босилган мақола меҳмонхонада суҳбатдошимиздан олинган маълумотни тасдиқлаб, бизнинг равшан ва қулай схемамизни бузганди. Бузибгина қолмай, балки бутунлай чиппакка чиқарганди. Бундан келиб чиқадики, 1943 йил октябрь ойида Саид Ислombек оламдан ўтган, лекин Оскар Грюнбах у билан Заксенхаузенда учрашган эмиш.

Ҳар қандай мантиқий хулоса ҳам бу зиддиятни бартараф қилолмасди. Фақат из ахтариш, шоҳидларнинг далилларигина бу муаммони ечиши мумкин. Хўш, қани ўша далиллар? Уларни вақт ва воқеалар қаерга яширдийкан? Одамларнинг доимий илинжидан умид қилиш мумкин эди. Бошқа томонларга учиб кетган куш ўз уясини қўмсагандек, киши қалби ҳам ўз юртига яқинларига талпиниб туради. Одатда, шундай бўлади. Кимдир Ислombекнинг ёнида бўлган, уни кўрган, эслаб қолган. Ишончимиз комил бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда хаёл бизни Берлинер рингга, трассадан ажралиб Потсдамга қараб кетган йўл қайрилишига бошлади.

Қайрилишгача икки километр бор эди. Йўлнинг ўнг томонидаги йирик ёзув диққатни ўзига тортарди. Бу ёзув ўшанда — қирқ учинчи йилда бормиди? Эҳтимол, бордир. Бетон йўлда ҳеч ким кўринмасди. Шу пайтга-

ча машиналар ахён-ахёндагина ўтиб қоларди. Дарвоқе, йўқ, орқадан моторнинг гувиллаши эшитилди, машина шинасининг шувиллаши бу овозга қўшилиб кетаётганди. Йўлда оқ «Волга» кўринди, шамоли ялаб ўтди, бензин ҳиди димоққа урилди-да, ёнимиздан ўқдай ўтиб кетди. Кимдир машина деразасидан қизиқиб бизга қаради, кўм-кўк майсазор четида турган машинамизни кўрди. У нега булар бу ерда ўрмонга қараб турибдийкин, деб ҳайрон қолиб кетган бўлса керак. Бу ерда ҳеч ким бекорга қараб турмайди, бирор сабаби бўлиши керак.

Сабаби бор. Фақат бизга маълум, албатта. Биз ўтмишнинг изларини қидирмоқдамиз. Табиийки, йўлдан эмас, албатта. Бу жойда, Исломбек машинадан сакраб тушган жойда бундан йигирма йил бурун рўй берган воқеадан ҳеч қандай нишона йўқ. Ўрмонда ҳам. Лекин Франкфурт газетасининг хабар беришича, у ўз бурчини адо этиш учун бу ерга, Берлин айланма йўлига эмакляб келган ва ҳалок бўлган.

Дарахтлар аста шивирлайди. Афтидан, шамолсиз шивирляпти, ёки ёш дарахтларнинг тепасидан елиб, кузда сарғая бошлаган баргларга эринчоқлик билан тегиб ўтяпти. Бу беғубор немис ўрмонига одамларнинг меҳнати синганлиги, ғамхўрлик қилгани сезиларди. Ҳар қалай ўрмонда, унча-мунча йўсин босибди, ахён-ахёнда қушлар навоси эшитилиб қолади. Қушлар ҳатто автомобиль моторлари деярли доимо гуриллаб турадиган бетон йўл ёнида ҳам сайрайверишарди.

Ўрмон бизга бирон нарсани айтиб беролмасди, фақат соя-салқин кўкаламзорларда сайр этиш, хаёл суриш учун бағрини кенг очиб қўйган эди. Воқеаларни осонгина тасаввур қилиш мумкин бўлган ажойиб манзара. Тўғри, йил фасли ҳам, об-ҳаво ҳам бошқача. Ўшанда ёмғир уриб турган, ҳаво совуқ, қоп-қоронғи эди. Ҳозир эса кундузи осмонда оқиш булутлар сузиб юрибди, куз ҳавоси майин, муздеккина эди. Биз қуруқ кум ва сарғайиб қолган ўтлар

устидан боряпмиз. Исломбек эса машинадаи тўппа-тўғри хўл бетонга сакраб, эҳтимол йиқилгандир ёки бортни ушлаб оёғини ерга тегизиб, бор кучи билан анча ергача югуриб боргандир, кейин қўлини қўйиб юборгандир. Аммо бу эҳтимолдан узоқ эди. Спидометр тўқсон рақамини кўрсатиб турарди. Одам бундай тезликда югуриб боролмасди, демак у йиқилган. Ивиб кетган бетонга йиқилган. Жалада қолган.

Биз худди сайр этаётгандай оҳиста одим ташлаб боряпмиз. У эса қуюқ ўрмонга тезроқ бекиниш учун югурган. Аммо югурмаса ҳам бўларди. Чунки қоронғи кечада, ёмғирда ким унинг орқасидан қидириб борарди. Иннайкейин, машина белгиланган йўл билан кўрсатилган вақтда аэродромга етиб бориши керак эди. Йўлда ушланиб қолиш мумкин эмасди, демак Исломбек шошилмасдан ишини қилса бўлаверарди. Лекин шундай бўлса ҳам у шосседан узоқлашиб кетиши, бетон йўлдан чиқиб, хўл, ботқоққа ўхшаган юмшоқ ерга оёқ босиши керак эди.

У қаёққа кетган экан? Чапгами, ўнгами ёки ўрмонни тўғри кесиб ўтмоқчи бўлганмикан. Яқин орада, ўрмон четида иморат бормикан? Биз борарканмиз, Исломбек юрган йўлларни хаёлимиздан ўтказардик. Мана, дарахлари кесилган тор йўл. Бу йўлни бирпасда босиб ўтиб, яна чангалзорга кириб кетиш мумкин. Лекин тўхтаб, қулоқ солиши ҳам мумкин, ахир роттенфюрер машинадан туриб ўқ узди-ку. Автоматдан отилган ўқлар варанглаб, жаланинг тасир-тусири ва моторнинг ғувиллашини босиб кетди, шунда қочоқ қаерда бўлмасин, ўрмон четидами, тор йўлдами ёки ўрмон ичидами, тўхтаган бўлса керак. У ҳар ҳолда таъқиб қилишларини кутган бўлса керак. Роттенфюрернинг миясига нималар келмайди, дейсиз. У машинани тўхтатиб, қидиришга тушиши ҳам мумкин. Аммо Исломбек таъқиб қилишларини ўйламаслиги керак эди. Уни хўжа кўрсинга қочиришганди. Галицин группанинг жў-

наши олдидан бу йигитга махсус вазифа юкланган, деб беҳудага айтмаганди. Шунга мувофиқ Берлин трассасининг мана шу ерида, Потсдамга қайриладиган йўлга етмасдан икки километр берида машинадан ташлаб қочиши назарда тутилганди.

Исломбек йўл ахтариб ҳам ўтирмаган. Зотан, ҳамма нарса олдиндан ўйланиб, аниқлаб, ҳатто машқ ҳам қилиб кўрилган. Саид ўрмондан тўғри бораверган, ҳар ҳолда бизга ўхшаб адашиб юрмаган.

Унинг аниқ жойи бўлган. Унинг бирон турар жойи ёки учрашадиган пункти бўлса керак. Тўғрироғи, турар жой. Бизга шундай туюлди.

Дарахтзорнинг нариги ёғида йўл бор, бу йўл иморатларга олиб боради. Чорбоғлар, данғиллама ҳовлилар ва фермалардан иборат бу иморатлар олисдан қорайиб, оқариб кўринарди.

Потсдам йўли хушманзара эди. Назарингизда сиз худди қадимий паркдан боряписизу, турлича қурилган, безаклари нафис виллалар дарахтлар орасидан сизга мўралаб тургандай бўлади. Рассомнинг қўли тегмаган жой йўқ. Улар шундай моҳирона ишланганки, йўловчи тикилиб анграйиб қолади. Чизикларида ҳам, рангида ҳам ялтироқлик йўқ, нафислик едириб юборилган бўлиб, кулранг ва оч яшил рангда товланиб турарди. Ҳатто, кенг деразаларнинг ойналари ҳам хирагина ялтирарди.

Наҳотки, шу ерда Берлиннинг қадимий аристократлар яшайдиган чекка жойида қочоқ яширина олса? Ақл бовар қилмасди. Шундай бўлса ҳам биз уйлардан бирининг эшиги ёнида тўхтадик, қўнғироқ қилиб, унинг тинчлигини буздик.

Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди. Уй равоғидан қўнғироқнинг уч марта бўғиқ жиринглаши эшитилди. Биз буни эшик олдида эшитиб турсак ҳам, жавоб бўлмади. Кулранг тошдан қурилган ажиб бино мудрарди, катта дарахтлар соя ташлаб турган парк мудрарди.

Қадимий парк... Шу парк диққатимизни ўзига тортди янги, ёш паркнинг бизга кераги йўқ эди.

Бўш келмаслик ҳатто уйнингтош деворлари ичида ух-лаётган кишини ҳам уйғотиши мумкин. Тўртинчи ёки бешинчи қўнғироқ қилганимиздан кейин айвон эшиги очилди, қора кийимли аёл зиналардан тушиб ёнимизга келди. У ёш, қора-қўнғир сочини модага мувофиқ та-раб, қўнқайтирибди, елкасига жундан тўқилган жакет-ни ташлаб олибди, бугун совуқроқ эди, паркда эсаётган муздек шабада киши этини жунжиктирарди. Уй бека-сининг ёшлиги ҳафсаламизни пир қилди: биз унинг юзида узоқ ўтмиш изларини кўрмоқчи эдик.

У ҳеч нимадан хабари бўлмаса ҳам бизнинг ғалати саволларимизга бажону дил жавоб қайтарарди. У хоҳ ишонсин, хоҳ ишонмасин, илтифотли, эҳтиёткор бў-лишга ҳаракат қиларди. Э, аттанг, бизга ёрдам берол-масакан. Бу уйда у эри ва болалари билан яқиндан бери туришаркан. Аввал бу уй бир амалдорники экан, у 1956 йилда Ғарбга, Зальцбургга шекилли, кетиб қолган экан. Аёл эса уруш вақтида бу жойлар қай аҳволдалигини билмасди. Бу ерга битта ҳам бомба тушмаганга ўхшай-ди. Аммо бу ерга яқин жойда, ҳатто қирқ тўртинчи ва қирқ бешинчи йилларда ҳам уйини ташлаб кетмаган бир оила бор экан. Бу аёл баъзи кишиларни биларкан. У эшиқдан бошини чиқариб, дарахтларнинг шохлари тўсиб турган икки бинони кўрсатди, ўша бинолар шу ердагига ўхшаш сокин ва ҳашаматли, кулранг кўкиш, деразалари кенг, ёруғ эди.

Ишимиз ўнгидан келмади. Звонок яхши ишлади, эшиклар меҳмондўстлик билан ланг очилди, остона-сида ювош, мулойим чол-кампир пайдо бўлди. Аммо улар 1943 йилнинг кузида, кечаси бу ерда юз берган воқеа ҳақида ҳеч нарса айтишолмади. Ўқ овозини ҳам, қичқириқни ҳам ҳеч ким эшитмабди. Ҳатто, кундузлари ҳам ўқ овозлари янграган, албатта. Бир вақт эсэсчилар француз асирни қидиришган, ит билан қидиришган.

Ҳайқирик солиб, ўқ отишган, бутун ўрмонни бошларига кўтаришган. Топишолмаган. Лекин тунда отилган ўқ овози уларнинг эсларида қолмапти. Кўп хонадонлар кофе учун ёнғоқ қидириб, бутун округни айланиб чиққан бўлсалар ҳам мурдани кўришмаган.

Демак, машинадан ташлаб қочган Исломбек бу томонга келмаган. Хўш, қаерга? Ёки умуман ўрмон ичига кирмагандир, махсус юборилган бошқа машина келишини шосседа кутиб тургандир, кейин унга ўтириб, номаълум томонга жўнаб кетгандир.

Тинкамиз қуриб, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб чорраҳага бордик. Ҳалиги хиёбонга нисбатан бу ер анча гавжум эди. Бинолар расмана, тўғриси, жуда оддий эди. Бу уйлар боғ кўчалардаги кичкина магазинлар ва пивохоналар ёнгинасида эди. Одатда, пивохоналар барча немис гаштетларига хос усулда реклама қилинарди: эшикнинг чап томонида пиво фирмасининг белгиси кўзга яққол ташланиб турарди.

Бир оз дам олишга ҳақимиз бор эди, шунинг учун иккиланиб ўтирмай гаштетга жўнадик. Машинамиз гаштетт зинаси ёнидаги никеллари ойнадай ярақлаб кўзни олаётган дабдабали қора «форд» машинаси кети-га келиб тўхтади. Агар иложини топса, бу машина зина устига ҳам чиқарди-я, лекин баланд ва анча қиррали зиналар халақит беришганди. Машина эгаси гаштетт ичида ўтирганлиги ва у Берлиннинг социалистик секторидан эмаслигини билиш қийин эмасда — «форд»да Америка зонаси белгиси бор эди.

Қадимий тартибга мувофиқ узун дуб столлари ва суюнчиғи баланд стуллар билан ясатилган деярли бўш барда беш-олти одам бор эди. Эшик ёнгинасидаги алоҳида баланд пештахта орқасида, жуда баланд курсида америка офицери ўтирарди. У «форд» машинасига ўхшаш жилоли, ялтироқ ботинка кийиб олган йигит эди. У немисча эмас, бошқа тилдаги газетани ўқиб, папирос чекаётганди. Унинг олдида қадахга қуйилган

коньяк билан яна бир қадахда ҳали ичилмаган пиво турарди. «Форд» машинали бу кишига ҳеч ким эътибор бермасди. Чунки, ҳатто офицер кийимидаги бундай чет элликлар тез-тез келиб туришарди. Айтишларига қараганда, социалистик секторда коньяк ва арақ арзон бўлиб, америкаликлар белини бақувват қилувчи ичимликлардан ғамлаб олиш мақсадида бу ерга келишаркан. Эҳтимол, бошқа сабаблар ҳам бордир. Биз эса ана шу бошқа сабабларни ўйлардик.

Бизга ҳамма, ҳатто Ғарбий Берлиндан келган олиф-та офицер ҳам эътибор берди. Аммо бунинг аҳамияти йўқ эди, муҳими бизни гаштетт бекаси кўрди, бека кўрдими, бўлди, энди стол устида оддий саёҳатчига зарур бўлган пиво ва бутерброд тезроқ пайдо бўлади!

Фрау Кнехель (бу жойнинг бекасини мижозлари шундай аташарди) қадахларни олисдан худди олтиндай товланиб турган энг аъло «редебергер» пивоси билан тўлдиргунча биз саёҳатчиларга хос синчковлик, шинавандалик билан гаштеттни кўздан кечирдик. Бу ерда ҳамма нарса ичкилик сифатларинигина эмас, балки уларнинг ютумини ҳам биладиган пиво барларининг мижозлари таъбига жавоб бериши керак. Ҳамма нарса эскича! Одамлар қаёғига қараса, қадимий нарсаларни кўриши керак. Суратлар ҳам, буфет ҳам, анжомлар ҳам қадимий. Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай пивохона эгаси пештахта устида ёки унинг орқасидаги жавонда вазмин, дарз кетган, вақт ўтиб, қўллар тегавериб, сийқаланиб кетган пиво кружкаларига эга бўлиши керак. Ҳеч ким мўйқалам эгалари ёки чинни идиш усталаридан уларнинг юксак даражада ишланганлигини талаб этмасди. Аммо ҳамма нарса бурунги замонни эслатиб туриши керак эди. Фрау Кнехелнинг пивохонаси ана шу талабларга тўла жавоб берарди.

Айтганча, беканинг ўзи ҳам кекса бўлиб, вақт ўтиши билан сўлиб қолганди. Унинг эғнидаги кийимлари: тўр ёқали узун кўйлаги ҳам, бош кийими ҳам, пешбанди

ҳам эскича эди. Фрау Кнехелнинг хотиржам боқишлари ҳам қадимий анъананинг таъсиридир: унинг кўзлари ҳеч нимани кўрмаётганга ўхшарди-ю, аммо ҳамма нарсани илғарди, башарти сиз куни билан ичиб, овқат еган бўлсангиз ҳам, қанча ичганингиз, қанча ҳақ тўлашингиз лозимлигини истаган пайтингизда айтиб берарди.

Ўшанда Исломбек бу ерга кириши аниқ эди. Шундай расво ҳавода кечаси у қаердан ҳам бошпана топа оларди. Бу ер йўлида учраган, дам олса бўладиган, биринчи «номаълум» киши билан учрашишга қулай жой эди. Ҳар ҳолда Саид учрашиши лозим бўлмаса ҳам, биз учрашишимиз керак бўлган бирор номаълум киши бўлган-ку. Мана шу ўймакорли қўпол қозикқа у ҳўл шинелини, одам бош суяги устидан суяк қалаштирилган белги қадалган фуражқасини осиб қўйган. Стол ёнига ўтирган, фрау Кнехелдан бир чашка қора кофе (ўшанда кофе дуб ёнғоғидан қилинарди) ва бир кружка пиво («редебергер» эмас, албатта) сўраган. Ёки «мушель салат» сўраган бўлса ҳам ажаб эмас...

— Ҳа, шундай, у кофе сўради. Иссиқ кофе, — бу бизнинг тахминимиз эмас, бар бекасининг кекса, хаста эри Фельскенинг сўзи эди. У кўп йилдан буён эскириб кетган катда ётаркан, оёқлари деярли ишламаскан. У аллақачон ўчиб қолган тамаки трубқасини сўргани сўрган эди. Фрау Фельске, яъни фрау Кнехель ҳам эрини чеккани қўймасди, врачлар ҳам чекишни маслаҳат беришмаган экан. У трубқани суриб тамаки ҳидидан маза қилар ва қирқ тўртинчи йил қишидаги тунни эсларди.— Жуда иссиқ кофе сўради. Биласизми, ҳар бир брикет қолип торф ҳисоб-китобли бўлган пайтда, тунда иссиқ кофенинг савобига ким етсин. Уруш вақти-я! Лекин унтерштурмфюрер оддий мижоз эмасди, у келгусида бизниқида турадиган киши эди. Мен сизга айтувдимку, Исломбекдан олдин СС бошқармасидан бир капитан келиб кетди деб. У ўз фамилиясини айтмади, лозим

топмади шекилли, аллақандай Фельскега ўзини та-ништиришнинг нима кераги бор, муҳими — катта одам бўлгандан кейин буйруғини бераверади. Нима учун мен капитанни катта одам деяпман? «Мерседес» машинасида келган эди. Уруш пайтларида «Мерседес»да фақат катта одамларгина юришарди. Иннайкейин, устидаги кийими ҳам ажабтовур кийиммисан кийим эди! Бутун умрингни пиво пештахтаси орқасида ўтказсанг, одамларни ҳам билиб қоларкансан. Умуман, унинг қанақа одам эканлигини дарҳол фаҳмладим. Пулни айтмай-сизми. У менга юз марка бериб, хамир учидан патир, деб писанда қилиб қўйди. Дарвоқе, агар гауптштурм-фюрер жаноблари ўшанда менга юз марка пул узатма-ганда ҳам, барибир унга қуллуқ қилаверардим. Ахир ўзингиз ўйланг, уруш борарди, Германиянинг хўжайи-ни Фельске эмасди. Шундай қилиб гауптштурмфюрер кийимидаги жаноб менга пул тўлади, пансионни билан бир хонани олди. Буни қарангки, катта одам пивохона-дан уй олса-я! Таажжубдан башарам ҳам алламбир бало бўлиб кетган бўлса керак.— Фельскелар ҳеч вақт бирор нарсани яширолмасди, капитан қўлини кўтариб, «Мен-га тобе бир киши туради», деб мени тинчитди. Кейин бир йигитнинг суратини кўрсатди. Бу мен илгарилари кўриб юрган немисга ҳам, полякка ҳам италянга ҳам ўхшамасди. Менинг билишимча у турк эди. Ёки мен янглишдимми? — Фельске гапини тасдиқлатмоқчи бў-либ бизга қаради.— Йўқ. Ҳа, шунга ўхшаш одам эди. Йи-гит СС чилар кийимида эди, унвони лейтенант эди. Бу масалада мен хато қилмадим. Бутун ҳаётимда гаштетт-га юзлаб офицерлар келиб кетишган.

– Унтерштурмфюрер сиз билан келадими, деб капи-тандан сўрадим.

– Йўқ, бир ўзи келади.

– Эсимда сақлаб қола олармикинман?

– У ҳужжатларини кўрсатади. Фамилияси Исломбек. Нима, сиз Фельске шу ғалати фамилияни эсида

сақлаб қолган, деб ўйлайсизми? Ҳеч ҳам ундай эмас-да! У капитан кетгандан кейин, дафтарга қарздорлари номи ёнига уни ҳам ёзиб қўйди. Айёрлик билан шундай қилганимни у маъқулламасди, албатта. СС да ишловчи бу жаноблар бирор кимсанинг улар билан қизиқишларини ёқтирмасдилар. Бунинг устига гаупштурмфюрер хайрлашаётиб:

Менга қаранг, Фельске, сиз уруш тутагунча яшашни, фақат яшашгина эмас, гаштеттингизни сақлаб қолишни ҳам истарсиз? — деб мени огоҳлантирганди.

Мен ҳаммасини тушундим. Капитан гапини давом эттирмаса ҳам бўларди. Лекин у менинг зийраклигимга ишонмади шекилли, қўшиб қўйди:

Сиз мени кўрганингиз ҳам йўқ, мен билан бирор нарса устида гаплашганингиз ҳам...

Мен ҳеч нарсани кўрганим йўқ, албатта, мен иккинчи юз маркани қўлга киритмоқчи эдим, очигин айтсам, ўша пул худди қўлимда тургандай эди. Эҳ, худо, қаттиқ янглишдим! Шундай пайтда киши маркани ҳам ўйлайдими?

Фельске жим қолди ва эшик олдида қўлини кўкрагига қўйиб турган хотинига илтижо билан қаради.

— Бир чекиб олсам майлими, Матильда?

— Сенга мумкин эмас, Томас!— деб фрау Фельске, отасининг фамилияси билан атаганда Кнехель, эрининг гапини шартта бўлди.

— Ҳа, менга мумкин эмас,— деб тушунтирди бизга хўжайин.— Матильда тамаки зиёнлигини билади. Лекин баъзан чекиш зарур бўлиб қолади...

Биз индамасдан Фельскенинг илтимосига қўшилдик ва йўқ деманг, деган бир қиёфада фрауга қарадик.

— Хўп, майли,— деб фрау Матильда эрининг илтимосига кўнди.— Фақат бир чимдим. Йўқ, йўқ, трубкангга ўзим солиб бераман.

Фрау Матильда шундай деди-да, эшик олдидан кўзғалиб хонага ўтди, буфетни очди, у ёқ-бу ёғини

қаради, яшириб қўйган жойидан тамаки солинган қутини олди ва трубкага ўз билганича тамаки солди. Фельске кўзлари йилтираб, ғимирлаётган рафиқасини кузатарди. Ниҳоят, трубка тамаки билан тўлдирилгач, уни фрау Матильдадан эҳтиром билан олиб, оғзига тутди.

У чекишга ошиқмасди, трубкасини ушлаб бирпас ҳузур қилгиси келди шекилли. У қўлда трубкаси билан анча тетикланиб деди:

– Ҳа, аввалига ҳамма иш жойида эди, марка тўғрисида ўйламасдик ҳам: пул Матильданинг хонасида турганди, лекин туркдан дарак йўқ эди. У умуман келмаслиги ҳам мумкин эди, ахир уруш, ўзингиз тушунасиз, ёшларни фронтга ҳайдашмоқда, ўттизларга борган унтерштурм-фюрернинг (мен суратига қараб шунча ёш бергандим) қўлда милтиғи билан айнаи марш қиладиган пайти. Гапларим ростми, Матильда?

Фрау Фельске — Кнехель ҳеч нима демади, фақат эрининг айтганларини тасдиқлаб бош ирғади.

– Шундай қилиб, унтерштурмфюрер ёш йигит бўлиб, бу ерга келмаслиги ҳам мумкин эди, унинг маркалари менда қолаверарди. Лекин у келди... Яширинча...— Фельске ниҳоят чекди, тутунни ичига тортиб, бир дақиқа кашандаларга хос ҳузур қилди. Хўжайин ҳузур қилгач, йигитларга ўхшаб қувноқлик билан давом этди: Яширин... Ҳа-ҳа!

Гестаподаги донолар, ўзларини ҳаммадан ҳам айёр деб ўйласалар керак...

– Гестапо эмас,—деб тузатди фрау Кнехель, худди назоратчидай,— СС бошқармасидан.

– Бу номларни Матильда менадан кўра яхшироқ билади... ССдаги донолар одамларнинг кўзи, қулоғи йўқ деб ўйласалар керак. Эҳтимол шундайдир. Лекин биз Матильда билан у ёқ-бу ёққа, гап-сўзларга қулоқ солиб юришга одатланганмиз. Нима ҳам бўлса, гаштеттимиз бор-да, у хушёрликни талаб этади. Тунда, ҳа, кундуз-

лари ҳам эшикларнинг тамбаларини кўздан кечириб қўйилса ёмон бўлмайди. Чунки уруш кетяпти, очларга нисбатан тўқ одамлар кам эди. Тўқ одамлар ёпиқ эшик ёнидан ўтиб кетаверишади, очлар қўл тегизишади. Бир куни кечаси Матильда менга: «Ҳой, Томас, кўчадан қандайдир овоз эшитиляпти, пардани кўтариб қарачи», деб қолди. Гап ўз уйинг тўғрисида борганда, икки марта гапиришнинг ҳожати йўқ. Мен ўрнимдан турдим-да, ташқарига қарадим. Кимни кўрдинг, денг. Капитанимни. У гаштетт олдида туриб, бармоқлари билан эшик ва деразани кўрсатарди, унтерштурмфюрерга қаердан кириб, қаердан чиқишни тушунтираётганди. Бу менга унча ёқмади. Ахир, мен ўз уйимда тинч яшашга ҳақим бор-ку, менга гестапо ёки СС бошқармаси сирларининг нима кераги бор. Бирров шундай ўйладим-да яна айтаман, Германияда Фельске хўжайин эмасди. Мен гауптштурмфюрер қачон эшигимизни қоқаркан, деб кутиб турдим. Аммо у эшикни қоқмади, уй атрофида у ёқ-бу ёққа юрди-да, сўнгра «Мерседес»ига ўтириб ғойиб бўлди.

Юз марка учун ҳар ҳолда ишлаб бериш керакдир, деб ўйладим. Бу гал хато қилмадим. Ўн кундан кейин гаштеттга лейтенантнинг ўзи кириб келди. Кирди-ю, кофе сўради. Қайноқ кофе сўради.

Гауптштурмфюрер жаноблари қайноқ кофе ҳақида гапирганини сизларга айтишни унутаёзибман:

— Агар бирор киши келиб, иссиқ кофе сўраса... қайноқ кофе сўраса, демак у ўша — сизникида турадиган киши. Кечирасиз, яна шуниям айтиб қўяй, унинг ёнида пули йўқ. Сиз ҳужжат кўрсатишни талаб этинг. Гувоҳномага ёпиштирилган сурат мана шунга ўхшайди. Капитан менга унтерштурмфюрернинг суратини яна кўрсатди: у мени яхшилаб эслаб қолсин, деди шекилли.

Мен эслаб қолгандим. Лейтенант пивохонага кириши билан дарров уни танидим...

— Сен бир нарсани айтмадинг,— деди фрау Матильда

корректорга ўхшаб унинг гапини тузатаркан, ўша кеча қаттиқ ёмғир ёғаётганди, гауптштурмфюрер келганда эса ҳаво очилиб, сутдай ойдин эди.

— Ҳар бир сўзни эсга келтириш учун, тамаки кучли бўлиши керак, сен уни нам жойда сақлабсан, деди Фельске, лекин ақлини пешлаш учун шу ондаёқ трубкасини олиб ичига узоқ тортди.

Биз пивохонанинг эзма эгасига савол берса бўлар деб, ўйладик.

— Бу воқеа тахминан қачон юз берганди?

Сизни соати қизиқтирадими ёки куни?

— Куни.

— Куни жуда тайинли бўлса ҳам, қайси кунлигини айтилмайман... — Фельске ўйланди. — Йўқ, йўқ, тамаки унча кучли эмас экан, — деди ўпкалаб, аммо яна тортди.

— Бас, Томас!

Нега бас бўларкан, мен ҳали ҳаммасини эсимга келтиролганим йўқ-ку, — ҳайқиб эътироз билдирди Фельске. Ўша куни қандайдир воқеа юз берганди...

Биз оғамиз Карл ўлгани ҳақида қора хат олгандик, — деди Матильда бепарвогина, бу қайғули кунни эслаб.

Эй худо! Ёдимдан кўтарилганини қаранг-а, — деб ўз тиззасига урди хўжайин. — Карл! У қирқ учинчи йилнинг октябрь ойида ҳалок бўлганди... Матильданинг ажойиб мияси бор-да! Агар у бўлмаса, мен нима қиларканман-а...

— Мунча инқилламасанг — деб эрининг гапини бўлди фрау Фельске. — Буларнинг оғамиз Карл билан ишлари йўқ... Яхшиси, ўша кеча нималар бўлганини айт. Чекишни бас қил...

Буйруқ таъсир қилди. Фельске оғзидан трубкани олди ва ер куррасининг ҳамма жойидаги кашандаларга ўхшаб, у ҳам биқсиб турган тамакини бармоғи билан ўчирди. У хотинига тикилди, унинг кўзларида хафалик, ҳатто ғазаб ифодаси бор эди. Фрау Кнехель эрининг бошида ёнғоқ чақарди. Фельске рафикасидан норози

бўлганда уни қайнатаси фамилияси билан атаб, Кнехель дерди. Унинг истакларини сира инобатга олмасди.

— Ўша кеча юз маркани гауптштурмфюрер менга текинга бермаганига, эвазига хизмат қилишим кераклигига аниқ ишондим. Матильда лейтенантга кофе узатди... Ҳа, биз уни иситганимиз йўқ, у шартли ишора эди, мен эса йигитнинг ҳужжатларини кўздан кечирдим. Умримда биринчи марта муқовасига свастика сурати солинган гувоҳномани қўлимга олишим эди. Гувоҳнома мазкур ҳужжатни кўрсатган киши СС унтерштурмфюрери ва қандайдир махсус курс инструктори эканлигини тасдиқларди. Гувоҳнома эгасига қайтариб бераётганимда негадир қўлларим қалтирарди. Дарвоқе, унинг қўллари ҳам қалтирарди — мен буни сезиб қолдим. Унинг ранг-рўйи ҳам мурданикидай оқариб кетганди...

— Қонга бўялганди,— гапга аралашди Матильда.

«Шимининг тиззалари йиртилганди, этиги ҳам ўткир нарса билан тимдаланганди...

— Ҳа, ҳа,— бошини силкитди Фельске, — қон, шими тешик эди... Лекин булар билан бизнинг ишимиз йўқ эди, капитаннинг писандаси эсимизда турганди. Мен лейтенантга хонамизга киринг, у бўш, дедим, холос. Шу ерда, ошхона орқасида ювиниш мумкин... У ўрнида туриб кетаркан, ўнг оёғи оқсарди. Бечора ё лат еганди, ё унга ўқ узишганди. Лекин биз ўқ овозини эшитмагандик...

Берлин айланма трассасида бир одамнинг ғойиб бўлиши «Муҳим вазифаларни бажарувчи махсус курслар Ораниенбург» комендантининг пинагини ҳам бузмади. Гарчи уни икки соат бурун лагерь бошлиғи наряди билан жўнатган ва шахсан ўзи ҳарбий аэродромга кетаётган машинага ўтқизган бўлса ҳам, бу воқеадан парвойи фалак эди. Комендант оберштурмфюрернинг телефон орқали берган ахборотини эшитиб, навбатчига мени СС Бош бошқармаси билан уланг, деб бош ирғади ва ўн минутдан сўнг бўлимда шифровкани айтиб туриб ёз-

дирди-да, бу билан бурчини адо этди.

Моммзенштрасседаги СС Бош бошқармасидан воқеа юз берган жойга бор-йўғи бир киши «Тюркостштелле» бошлиғи гауптштурмфюрер Рейгнольд Ольшер келди. Унинг «Мерседеси» қарийб эрталабгача Берлинер ринг бўйлаб изғиб, ҳамма ёғига лой чапланиб, ўт ёпишиб қайтиб келди. Бу саёҳатдан сўнг шофёр лимузинни хўп ювиб, тозалаб, туш пайтидагина уни дам олишга қўйди. Кечқурун, қош қорайиши билан Ольшер яна айланма трасса томон йўл олди. Бу гал у ярим кечада қайтди, машина ҳам унча ифлос эмасди. Гауптштурмфюрер бир оз асабийлашганди, лекин у одатдаги: «Машина менга эрталаб керак бўлади» деган гапини майин оҳангда айтганига қараганда, кайфи чоғ, саёҳатдан мамнун эди.

Учинчи куни, ҳа фақат учинчи куни Берлинда давлат жинойтчиси, инглиз разведкаси хизмати агентининг қочганлиги ҳақида хабар пайдо бўлди. Уни тутган кишига уч минг марка мукофот берилиши айтилганди. Унинг ташқи қиёфаси, юриш-туриши ҳақида маълумот берилганди, алоҳида нишонлари ҳам ёзилганди. Жумладан, унинг жингалак сочлари, дўрдоқ лабидаги ингичка узун мўйлови, ўнг қулоғининг тутмачаси узунлиги ҳам кўрсатилганди. Бу белгилар ўша йилларда оддий кийим саналган ҳарбий кийимдаги кишини, бунинг устига СС офицери кийимидаги кишини таниб олишга камлик қиларди. Кителининг ўнг ёқасига белги тақилган кишини ким суриштириб ўтиради, дейсиз, ҳолбуки кўринишининг ўзиёқ маданиятли немиснинг ўтакасини ёрарди.

Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, Исломбек қочиб кетгандан кейин ўтган бир ҳафта ичида полицияга битта ҳам хабар келмади. Агар бир телба кампирнинг қочоқни топиб берган кишига ҳали ҳам уч минг марка беришаверадимми, деб сўраб-суриштиргани ҳисобга олинмаса, кейинги ҳафтада ҳам навбатчини ҳеч ким

безовта қилмади. Навбатчи берилаверади, дегандан кейин кампир ҳар куни деразаси ёнидан ўтиб, дераза тоқчасида ўтирадиган кучукка юзини буриштириб қилиқ қиладиган йигитни диққат билан кузатиб юришни ваъда қилди.

Кейин ногаҳон Берлиннинг ҳамма томонидан хабарлар кела бошлади. Инглиз агентини Данцигерштрасседа, метро кассаси ёнида, шаҳар марказида, калтагина Музеумштрасседа, Гроссе Мюггелзедеда, ҳозир ишламаётган, лекин ёзги ресторанга тасодифан келиб қолганлар овқатланадиган кема пристанида, Ноекельн станциясида, Потсдамга борадиган йўлдаги пивохоно пештахтаси олдида кўришган эмиш. Хабарчиларнинг ҳаммаси ҳам ҳушёрлиги ва рейхга содиқлиги учун уч минг маркани ёки бир қисмини олишга ошиқарди. Бироқ полиция уларнинг садоқат туйғуларига ҳақ тўламасди, унга мўйловдор ва сочи жингалак агент керак эди. Бир ойгача шов-шув бўлдию, кейин берлинликлар шаштидан тушиб қолишди. Шундан кейин, қочоқ ғоят хавфли жиноятчи, деган хабар яна тарқалди. Гўё беҳосдан айтиб қўйилгандай унинг қочган жойи махфий ҳисобланади, дейилганди. Қочоқни тутган кишига бериладиган мукофот беш минг сўмга кўпайтирилган эди. Бу берлинликлар назарида ютуқсиз лотереяга ўхшарди. Шунинг учун ҳам кўпни кўрган бу одамлар янги эълонга бефарқ қарадилар. Ҳатто, тентак кампир ҳам полициянинг янги эълонига эътибор бермади.

Исломбекни ушлаб берган кишига уч минг марка берилади, деган гапдан хабарингиз бормиди?

Эзма Фельске негадир хижолат тортиб, жим бўлди.

Фрау Кнехелнинг маслаҳатига муҳтож бўлиб қолди, у хотинига нигоҳ ташлади.

— Билардик, албатта, — деб эри ўрнига хотиржам, кескин жавоб берди бека. — Аммо биз сиртмоққа бошини

тиқадиган аҳмоқлардан эмасдик.

— Ҳа-да, гауптштурмфюрер жаноблари сиртмоқни ташлаб, уни аста тортиб турган пайтда унга ўзини уришнинг нима ҳожати бор.— Фельске қачонлардир ёқа ўрнини ўтаган арқон изларини қидираётгандек, қафти билан бўйнини силаб қўйди.

— Ҳар қалай юз маркага қараганда уч минг марка кўп-ку. Бунинг устига полиция мукофотни беш минг маркага кўпайтирди...

— Ҳўш, ким олди ўшани?— жавоб ўрнида сўради пи-вохона эгаси.— Ким? Кечирасиз, бу эълонларни уруш пайтида ҳожатхоналарда ишлатишарди.

— Бошқа ёққа алаҳсиб кетдинг, Томас,— деб эслатди эрига фрау Кнехель. Фельске аллақачон ўчиб қолган трубкини оғзига тикди-да, анқиб турган тамаки ҳидини ҳидлади.

Алаҳсиб кетдинг эмиш, ўшани гапирмай нимани гапиряпман? Бўйнимизда сиртмоқ бор эди.

— Ҳа, энди ўзингга келдинг,— деб маъқуллади фрау Матильда.

Эҳ, ўша сиртмоқ,— алам билан уҳ тортди Фельске.— Ҳамон ўша сиртмоқ бўйнимда тургандай. Биз ўша арзи-маган юз маркани деб ҳамхонамизни суриштиролмас-дик. Эълон пайдо бўлганда капитаннинг ўзи биттасини бизга олиб келиб, гаштетт эшигига осиб қўйди. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, шунақаям безбетлик бўладими. Жино-ятчи уйимда ўтирса-ю, уни тутиб беринглар, деган эълон эшигимда осиб қўйди турса-я. Йўқ, сиз буни тасаввур ҳам қилолмайсиз. У ўша лаънати қоғозни осиб қўйгани камлик қилгандай, яна:

— Башарти бирорта каллаварам уч минг марка олмоқчи бўлса, ҳаммасини ҳаворий Павелдан олади. Бу ҳақда ўзим ҳаракат қиламан,— деди.

СС бошқармаси капитанининг нимага шама қилганини фаҳмлаган бўлсангиз керак. Э, бу ҳали ҳаммаси эмас. У яна:

— Фельске жаноблари, ҳамхонангиз хавфсизлиги учун шахсан ўзингиз жавобгарсиз. Мехрибон фрау Кнехелга айтиб қўйинг, бамайлихотир ухлайверсин, пулни эса ўйламай қўяқолсин, чунки гестапода ҳам, полицияда ҳам пул йўқ,— деб қўшиб қўйди.

Гауптштурмфюрер жаноблари суҳбат сўнгида тўсатдан менинг ҳам миям борлигига ақли етиб қолди.

— Фельске, сиз ақлли кишисиз,— деди у.— Бу эълон немисларга тааллуқли эмаслигини ёдингизда тутинг...

Менимча, капитан мени тўнка, деб ўйлаб янглишди. Биз Матильда билан эълон кимлар учун ёзилганини ҳанузгача билолганимиз йўқ. Ким учун ёзилган экан?

— Томас, сен гапни яна бошқа томонга буриб юбординг,— гапга аралашди фрау Кнехель.

— Йўқ, асло,— деди ногаҳон ўзини дадил тутиб Фельске.— Мен нақ ўша гапнинг ўзини айтяпман. Капитан бўйнимизга сиртмоқ солиб, уни шундай тортиб қўйдик, оқибатда нафас олиб бўлмайд қолди. Биз ҳамхонамизни едириб, ичирибгина қолмай, балки унинг тинчлигини ҳам бузмаслигимиз керак эди. Одамлар гаштеттга кириб, пиво ва кофе ичишарди, жиноятчини ҳамда уч минг маркани сўраб-суриштиришарди. Мен каллаварам эса ўзимни гўл-гумроҳликка солиб, бу бебаҳо дунёда ҳузур-ҳаловатни ўйламанлар дебман-а. Фриц Шлегель бир куни: «Томас, уйингда турган одам ким, назаримда унинг сочи жингалак, мўйлови ҳам борга ўхшайди», деди. «Э, гапингни қара-я,— деб жавоб бердим унга,— унинг лаби тугул, бошида ҳам туки йўқ... Устига устак, у СС унтерштурмфюрери, жиноятчини қидирмоқ учун бу ерга юборилган». Соци йўқ деганимга Шлегель илжайиб қўйди, лекин СС офицери эканлигини эшитиб, нафаси ичига тушиб кетди-да: «Томас, орамиздан ўтган бу гапни унга айтма...» деди.

Умуман, ҳамхона келган кундан бошлаб қунимиз азобда қолди. Лейтенант бир жойда ўтирмасди, эрталаб барвақт турарди-да, кофе ичарди, кейин қаерларгадир

ғойиб бўларди. Тушда қайтиб келиб, овқатланарди, дам оларди, кейин яна йўлга тушарди. Кечкурунлари ҳам ётишга ошиқмасди, ўрмонда, йўлларда сайр қиларди. У сайр қилиб юрарди-ю, Фельске эса унинг тинчлигининг ғамини ейиши керак эди. Чунки капитан шундай буйруқ берганди. Баъзан унтерштурмфюрернинг олдига ўзига ўхшаган меҳмонлар келишарди, пиво, ҳатто шнапс ҳам ичишарди. Уларнинг пуллари кўп бўлиб, иштаҳалари ҳам карнай эди. Бир куни улар бизга қизлардан олиб келинг деб танг қилишди. Бемазагарчиликни қаранг! Фельске фоҳишахона эгасига айланса-я... Йўқ, буниси менга туғри келмайди, дедим.

– Бу касб-коримиз марҳум отамдан қолган, — деди оғриниб фрау Матильда,— мана, қирқ йилдан бери эшигимиз ҳурматли жанобларга ҳамиша очиқ. Бу ерда очиқ қўл кекса Кнехелни ҳамма биларди, ҳатто мени ҳам отам ҳурмати учун фрау Кнехель деб аташади, буни ўзларинг ҳам сезган бўлсаларинг керак. Яхши одамнинг номи асло ўчмайди...

– Худди шундай, — деди Фельске рафиқасининг гапини қувватлаб.— Гестапоми, ССми, қамоқхонами, барибир, биз юз маркани деб энди бундай азоб-уқубатларга чидай олмаймиз. Берлинга бораман, ўша капитанни топаман, ундан унтерштурмфюрерини олиб кетишни талаб қиламан... деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Худо ҳозир, ниятим бошқача эди, ишонаверинг, Фельске гапининг устидан чиқарди. Аммо шунда кутилмаган воқеа юз берди, тақдири азалда бори бўлди...

– Худога ибодат қилдим,— деди кўз ёши қилиб Матильда.— Ўша кеча ибодат қилдим...

Эски, шалоқ «оппель» Потсдамга қайриладиган жойда тормоз бериб тўхтади. Мотори ўчирилмаган машина ўн минутча тўхтаб турди, ўқдай учиб келаётган юк машиналарини ёнидан ўтказиб юборди. Машина ташлаб кетилганга ўхшарди, на ичида, на сиртида чироқ кўри-

нарни. «Оппель»дан ҳеч ким тушмади, ҳеч ким ойна-
сини ҳам туширмади, эшигини ҳам очмади. Сўнгра,
мотор гуриллаб, кетидан буркситиб тутун чиқарди-да,
бетон четига тисарилди. Бу ерда у яна тўхтаб қолди, йўл
четидаги паст тўсиқдан аранг ўтди-да, ўт-ўланлар усти-
дан юриб кетди.

Бир зум ҳам тўхтамай эзиб, майдалаб ёмғир ёғиб ту-
рарди. Одатда, йилнинг шу фаслида Берлиннинг атроф
чеккаларида шунақа ёмғир ёғарди. Ўт-ўланлар ҳўл бў-
либгина қолмай, бўкиб қолган ерга сингиб кетолма-
ган ёмғир суви ичида қолиб кетганди. Машина шилта
йўлдан олдинги қатор дарахтлар олдиғача келди-да,
эҳтиётлик билан улар ёнидан айланиб ўтиб, ўрмон ич-
карасига кириб кетди. Лекин узоқ юрмади, биринчи
чимзордаёқ тўхтаб, жим бўлиб қолди. Ниҳоят «оппель»
эшиги очилди-да, ундан энгашиб икки киши чиқди.

— Кўп ушланиб қолманглар,— деган овоз эшитилди
машина ичидан.

— Ишнинг битишига қараймиз-да,— деди олдин ма-
шинадан чиққан киши.

— Бир соат етадимиз?

Қайдам... Бу итваччанинг маст бўлиши қийин... Ҳар
қолда яхшигина мизғиб олсангиз бўлади...

— Ухлаб бўлармиди?!

Ҳаракат қилинг, афандим. Бундай об-ҳавода киши
яхши туш кўради.

— Кошкийди-я...

— Бизга омад тиланг, афандим.

— Худо ёр бўлсин, сизларга...

У, ўлаётганини тушунмади. Назарида боши ёстиққа
тушиб, кўтаролмаётгандай туюларди. У бўғилиб, на-
фас олиш учун олишди, мадорсиз, эвсиз қўлларини
қимирлатди. Ҳаво етишмасди. У бақиргандай, ким-
нидир чақиргандай бўлди, аммо овози оғзидан
чиқмаёқ ўчди. Унинг овозини ҳеч ким эшитмади.

Дикқинафасликдан боши оғирлашиб, кўзлари олайиб, хонасидан чиқиб кетди-ю, жим бўлиб қолди.

Уни қалин ўт ўсиб, ёмғир суви билан тўлиб қолган чуқурчага ўн беш минутча босиб туришди, сўнгра астагина кўтариб кўришди. У қимир этмасди...

Машина ҳамон ўтлоқда, эман дарахтлари тагида турарди. Иккови қайтиб келди, олдинда келаётгани машина ойнасини чертди.

– Бизмиз, афандим.

Машина эшиги очилди, баланд шапкали бош кўринди.

– Ишлар жойидами?

– Ахир, бирор марта бошқачароқ ҳам бўлганмиди.

– Мен чангалзордан одамми ёки қушнингми кичқирганини эшитдим.

– Қуш бўлса керак, афандим. Бу ер ўрмон-ку.

– Албатта, албатта... Кира қолинглар, росаям ёмғир уряпти-да.

– Йўғ-э, афандим. Ажойиб ёмғир ёғяпти. У жаҳонни ювиб тарайди.

– Энг муҳими, йўлни,— деди кетидан етиб келган шериги аниқ қилиб ва ўртоғини машина ичкарасига итариб киритди.

– Ўқ отилмаганди... Умуман ҳеч қандай қий-чув ҳам бўлгани йўқ,— деб тушунтирди Фельске.— Биз Матильда билан дераза олдида ҳамхонамиз қайтиб келишини кутиб ўтирардик. У чиқиб кетаётиб: «Мен дўстларимни кузатиб қўяман», деганди. Ўртоғи эса кулиб: «Унга қайноқ кофе тайёрлаб қўйинг, бир оз маст бўлиб қолди», деб қўшиб қўйганди.

Маст бўлиб қолди, эмиш-а, қаёқда, у оёқларини аранг босарди, тили эса гўлдираб қолганди. Алламаҳал бўлиб қолганлиги учун биз кофе тайёрлашга уринмадик, бунинг устига унтерштурмфюрерга хизмат қилиш ҳам кўнглимизга сиғмасди, тоқатимиз тоқ бўлди, қани

энди тезроқ тонг отса-ю Берлинга бориб, ўша капитан-ни топсам, деб кутардим. Сиртмоқдан тезроқ халос бўлиш зарур эди.

Томас алламаҳалгача ўтирди,— деди фрау Кнехель эрининг гапини тўғрилаб.— Мен бардош беролмадим, ухлагани кириб кетдим. Ахир биз ҳам одам-ку, дам олишимиз керак, устига-устак соат олтида пиво олиб келишлари керак эди... Уни қарангки, соат беш яримда уйғониб қарасам, Томас ҳамон дераза олдида ўтирибди... Вой шўрим-ей!

— Ҳечқиси йўқ, мен ҳам мизғиб олдим... Уйқум элтганини ҳам билмай қолибман...— Фельске аллақачон бўлиб ўтган воқеани эслаб негадир жилмайиб қўйди. Уни қайғуга солган воқеадан бошқа яна кулгисини қистатадиган бир нима бор эди.— Ухлаб қолиб, тирсагим билан совуқ кофе қўйилган идишни туртиб юборганимни сезмай қолибман.

— Бўлмаса-чи, азонгача кўзингни лўқ қилиб деразага тикилганингдан кейин кофе тугул устингга қайноқ шўрва тўкилса ҳам сезмайсан... Аммо сен яна чалғиб кетдинг, фрау Матильданинг жаҳли чиқди.— Кофенинг бунга нима алоқаси бор...

— Мен энди нимани гапиришни ҳам билмай қолдим... Барака топгур, мен бир чекиб олай.— Унга чекишга рухсат беришди, рухсат беришдигина эмас, уй бекасининг ўзи гугурт чақиб, трубкасига тутди.— Чиндан ҳам бунга кофенинг алоқаси йўқ... Унтерштурмфюреримиз эшикни тақиллатиб қолар, деб ўтиравериб, тонгга яқин ухлаб қолибман. Олдинига унинг бепарволигидан жаҳлим чиқди, ахир, куттириб қўйиш яхши эмасда. Кейин у маст ҳолда чиқиб кетганди, бирор жойда йиқилиб қолиб, ёмғирда ивиб ётган бўлса-я, деб ташвишлана бошладим... Пес бўлсаям одам-ку ахир, ачинади киши... Аслида у бизга бирор ёмонлик қилгани йўқ, тинчгина яшади, ўзини яхши тутди, лекин аҳён-аҳёнда дўстлари келиб қолса, ичишарди. Ахир ҳамма ҳам ича-

ди-ку. Бунинг устига қирчиллаган пайти. Йўқ, мен чиндан ҳам унтерштурмфюрердан ташвишландим...

У жиноятчи эди,— деди шартта фрау Кнехель.

Бўлмағур гап,— деб Фельске рафиқасининг гапини рад этди. — Э, у ҳам бизга ўхшаган бир одам эди-да, бўйнида бизникидақа сиртмоқ бор эди. Бизнинг бўйнимиздаги сиртмоқни тортишга улгуришолмади, унтерштурмфюрер бўлса шошмашошарлик қилиб, остонадан бевақт ўтди... Энди қайтиб келмайди...

Ўшанда ҳалқа йўлни айланиб юрган патруль тонгда унтерштурмфюрерни кўриб қолибди. Солдатлар ёзилгани мотоциклдан тушишибди-ю, ўлиб ётган одамни кўриб қолишибди. Боши сув тўла чуқурликда экан, кўлларини ёзиб, кўл ўтларни чангаллаб ётганмиш.

Бир соатдан сўнг бўлган воқеа ҳақида комендатурага, кейин полиция билан СС Бош бошқармасига хабар қилишган, ўлган одам эсэсчилар кийимида бўлиб, унинг Кальтенбруннер идорасига тааллуқли киши эканлиги ҳақида хужжати бор экан.

СС бошқармасидагилар ўликнинг полицияга жўнатилганидан норози бўлишган. Қандайдир гаупштурмфюрер, комендатуранинг ўпкасини босолмаган навбатчисига танбеҳ бериб, патрулларни тентаклар деб койиган.

Нахотки, вазиятни аниқлаш, изларни суратга олиш учун мурда жиноят юз берган жойда қолдирилишини ҳозиргача билмасангиз. Бу қанақаси бўлди, жин ургурлар!

Навбатчи кечирим сўради ва танбеҳни эътиборга олиб, бундан буён бундай қилмаслигини айтди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, гаупштурмфюрер Ольшер полицияга етиб келиб, ўликни кўрсатишни талаб қилди.

Ўлик гарчи унвонига кўра ҳеч бўлмаганда эшак устида ётиши лозим бўлса ҳам ҳозир цемент полда ағанаб ётарди. Ахир у СС офицери-ку.

Тинтиб кўрдингларми?—сўради унтерштурмфюрер.

— Ҳа, ўша ерда, ўрмон ичидаёқ... патруллар,— жавоб берди инспектор ва Ольшерга ўликнинг гувоҳномасини узатди.

— Яна нима бор экан?

— Бошқа ҳеч нарса йўқ. Тўғрироғи, йўқ экан,— гапини тузатди инспектор.— Гувоҳномани наряд бошлиғи топширди.

— Ўзим тинтиб кўраман. — Гаупштурмфюрер чўкка тушиб, ўликнинг кители тугмаларини еча бошлади. У безгак тутаётгандай титраб-қақшаб, ёқасидаги тугмаларни юлиб олди, ҳўл этакларини очиб ташлади.— Кийимини ечишга ёрдам беринг!

Инспектор очикдан-очик ирганиб, истар-истамас ўликка қўл урди-ю, шу ондаёқ яна тортиб олди.

— Тортсангиз-чи, ахир!—деб ўшқирди полициячи-га гауптштурмфюрер. Улар биргалашиб ўликни, ҳатто ички кийимигача ечиб олишди. Ольшер ўликнинг чўнтақларини титкилаб чиқди, кийимлари астарини ҳам пайпаслаб кўрди. Кийимларнинг қаралмаган жойлари қанча кам қолса, гауптштурмфюрер шунчалик ҳаяжонланиб, саросимага тушарди. Мундирни бир четга улоқтириб, ички кийимларни титкилай бошлади. Ҳеч нима тополмади. Ўликдан сирни билиб олмоқчи бўлгандай унга тикилди.

— Шунақаям бемаънилик бўладими!

— Бирор нарса йўқолибдими?—иккиланиб сўради инспектор.

— Ҳа, йўғ-э, йўқолгани йўқ,—деди ўзига келиб Ольшер. Ўликни қаердан топишибди? Аниқ жойини айтинг.

Инспектор патруль офицернинг маълумотини унга топшириб, йўл кўрсаткичи ўрнатилган жойни қандай осон топишни тушунтира бошлади.

— Тушунарли,— деб унинг гапини бўлди гауптштурмфюрер.— Қайрилишга икки километр етмасдан...

Нега? — қайта сўради инспектор.— Нега икки километр?

Аламидан Ольшернинг лаблари қийшайиб кетди, у инспекторга ундай демоқчи эмасди, аниги ҳеч нима демоқчи эмасди. Лекин гап оғзидан чиқиб кетди, шунинг учун эсэсчи гапини тўғрилади:

- Менинг ҳисобимча, икки километр...
- Шундай денг?!

Фельске Ольшерга ҳаммасини айтиб берди, ипидан-инасигача ҳикоя қилди, ҳатто тирсагини кофе идишига уриб олганигача айтди. Гауптштурмфюрер чолнинг сўзларини хаёлпаршонлик билан эшитди, гўё гаштетт эгасининг сўзларини тушунаётгандай бош қимирлатиб тасдиқлар эди. Ниҳоят, Фельске билганлари ва тахминларини айтиб бўлгач, ўзи ҳам жим бўлиб қолди. Шунда Ольшер ундан:

Унинг ёнига ким келганди?— деб сўради.

- Ҳар сафар ҳар хил кишилар...
- Бу, тунда-чи?

Аччиқ кофе тайёрлашни буюраётганда биттасига кўзим тушиб қолди. Ҳамхонамга ўхшаш қорачадан келган эди. Иккинчиси ҳарбий кийимда эди.

– Эсэсчими?

Йўқ, вермахт кийимида... Лекин юзини кўролмадим, шапкасининг соябони тўсиб турганди. Лекин сиз, гауптштурмфюрер жаноблари, хафа бўлманг... Уларни топишади.

Менинг хафа бўлганимни қаёқдан биласиз?

– Кечирасиз, менга шундай туюлди...

Ольшер Исломбек турган хонани кўздан кечирди. Ички кийимлар турган жавонча олдида анча тўхтаб қолди, кейин шартта уй эгасига қайрилди-да, деди:

– Ўзимни танҳо кўйинг.

– Хўп, хўп, гауптштурмфюрер жаноблари...— Аъзойи бадани шалвираб қолган Фельске тисарилиб, тор эшик-

дан чиқди, иккала тавақасини ёпди-да, эшик орқасида қотиб турди.

– Жўнанг деяпман!— деб бақирди Ольшер, уй эгаси кулф тешигидан мўраламоқчи бўлганини пайқаб.

Фельске туфлисини тўқирлатиб ғойиб бўлди.

Ольшер яна пича жавонча олдида турди, сўнгра тўсатдан унга ёпишиб, эшигини очди-да, ичини титкилай бошлади. Бинони текшираётгандай қилингани каби у тинтимади, аниқламади, қўлига илинган нарсаларни ажратмади, балки улоқтириб ташлай берди: бу ҳам эмас, буниси ҳам эмас! Унга фақат пакет зарур эди. Юпқа клеёнкага ўралган пакет. Бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Ҳаяжондан қизиб, сал қалтираётган бармоқлари совуқ, силлиқ нарсани дарров сезган бўларди. Лекин ўша нарса қўлга илинмаяпти, ҳаммаси латта-путта, картон қоғозлар, ҳатто ойна ҳам бор эди, фақат клеёнка йўқ, локланган клеёнка қўлига илинмаяпти.

У жавонча тоқчаларини икки марта ахтариб чиқиб, жим бўлиб қолди, гауптштурмфюрер эшиги ланг очиқ тахта жавонча олдидан узоқлашиб, хона ўртасига келгунча бир-икки минут ўтди. Қачонлардир, унинг учун энг даҳшатли бўлган кундагидек, «Тюркостштелле» бошлиғи назарида нарсаларнинг ҳаммаси фонийлигини эслатган ўша кундагидек унинг қўли тўппончага чўзилди. Кителининг ички чўнтагида Шелленберг инъом этган «вальтер» бор эди. Нимагадир ҳадя қилганди. Яхши хизматлари учунми. Ўша пайтда гауптштурмфюрер ҳали ўзини кўрсатмаганди, бирор фойдали иш ҳам қилмаганди. Рамзий инъом эди. У аввалги хизматлари учун эмас, кейинги мақсадлари учун тақдим қилинганди, албатта.

— Гауптштурмфюрер жаноблари,— эшик орқасидан, қаердандир шивирлади уй эгаси.

Ольшер худди тиши оғригандай юзини буриштирди.

– Гауптштурмфюрер жаноблари!

– Ҳа, нима дейсиз?— деди инқиллаб Ольшер.

Гауптштурмфюрер жаноблари, ҳали ҳам шу ердасиз?

– Наҳотки, мени эриб йўқ бўлиб кетади ёки мўридан учиб чиқиб кетади, деб ўйласангиз.

– Асло, асло, жим бўлиб қолганингизга... кўрқиб кетдим... Ўшанда ҳам кечаси жимжит эди... Биласизми, жимжит.

– Жўнаб қолинг бу ердан!— сўкинди Ольшер.

– Ихтиёрингиз... Шуниси борки, энди жимликдан кўрқаман. Эй, худойим-эй, оламда шунақаям бефаҳм одам бўладими...— Ольшер шинелининг олдини ёпиб, остонадан ўтди, Фельске ялтоқланиб ўзини четга олдида, гауптштурмфюрерни даҳлизга ўтказиб юборди.

– Башарти, жаноблари кофе ичмоқчи бўлсалар, мен дарҳол...

– Ташаккур. Ўзлари ичаверсинлар, — тўнғиллади эсэсчи ва эшикни очиб, ташқарига чиқди...

6

Бир йил ичида қилинган ишларнинг анча-мунчаси равшанлашди, энди фақат бир неча ойникигина қолганди. Аммо шу ойларда содир бўлган ишларни аниқламай туриб биз Фриденгалга қайта олмасдик, аниқроғи, ҳақимиз йўқ эди. Берлин ҳалқасида ўлдирилган унтерштурмфюрер мўлжаллаган схемамиз бўйича ҳаракат қилишимизга халақит берарди. Ечилиши лозим бўлган жумбоқлар, муаммолар илгаригига нисбатан кўпайиб қолганди.

Шундай бўлиб қолгандики, Исломбек табиий равишда операцияда иштирок этолмасди, бу операция кейинчалик шартли «Шеникс-2» номи билан давом этганди. Бу ҳақда Бергнинг август ойида, сўнгра сентябрь ва октябрь ойларида қайтадан берган маълумотларида эслатиб ўтилганди. Разведкачимизнинг шахсан полковник Белолиповга қилган муфассал докладида «Потсдам қайрилишигача 2 километр» деган йўл кўрсаткичи ўр-

натилган «Берлин ҳалқаси» тилга олинган. «Тюркостш-телле» бошлиғи Рейнгольд Ольшер ва октябрь ойининг машъум тунида унтерштурмфюрер кители чўнтагидан йўқолган бир ҳужжат ҳам кўп марта эслатиб ўтилган-ди. Докладда ўша ҳужжат гауптштурмфюрер Ольшерга тааллуқли бўлиб, совет контрразведкаси учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган-ди.

Котиллик ҳам, ҳужжатнинг ўғирланиши ҳам октябрь ойида юз берганди. Берг эса атайлаб шу ҳақда хабар бермаган бўлсаям, бошқа маълумотлар муносабати билан декабрь ойининг бошларидагина маълум қилган эди. Эҳтимол, разведкачимиз қора клеёнкага ўралган пакет тўғрисида ҳеч нарса билмагандир. Шу туфайли ҳам ким ўлдирилганлигига эътибор бермаган. Ваҳоланки, докладга қараганда, инглиз агентини тутиб берган кишини мукофотлаш ҳақидаги эълондан Бернинг хабари бор эди. У ҳамма воқеаларни ўрганиб, тахминий хулосасини чиқарган эди, бу хулосани кейинги воқеаларнинг ривожлантириб бориши тасдиқлаганди.

Шуниси ажабланарлики, Берг полиция берган маълумотдаги муҳим бир масала ҳақида ҳеч нима демаганди. Бу ҳақда бизга Фельске гапириб берди. Уч минг марка ваъда қилинган эълонда: «Ўлим жазосига ҳукм этилган ашаддий Давлат жиноятчиси қочиб кетди», деган жумла бор эди. Демак, унтерштурмфюрер Саид Ислombек 1943 йилнинг октябрь ойидаёқ қамоққа олинган. Бунини Берг билмаслиги мумкин эмасди. Чунки, «Йигирма олтинчи» унинг ҳимояси остида эди. Ислombек гестапонинг ички қамоқхонасида сақланарди. Берг эса сиёсий полицияда ишларди. Бель-Альянсштрассега доир ишлар унинг қўлидан ўтарди, бу ишда Саид Ислombекнинг номи бор эди. Оберштурмфюрер Ислombек турган хонани тинтув қилишда иштирок этганди. Туркистон миллий комитети раиси уйда «Йигирма олтинчи»ни қўлга тушириш операциясини тугаллашда ҳам қатнашганди.

Буни қарангки, ўша Берг Ислombекнинг ўлим жазосига ҳукм қилинганидан беҳабар эмиш. Ёки биз немис контрразведкасининг пропаганда найрангига лаққа ишониб, сохта ҳужжатни ҳақиқий деб ўйлаганмиз.

– Ёки бўлмаса?

– Агар ҳукм чиқарилган бўлса, у бирор жойда сақланиши керак. Тўғри, гитлерчилар архивнинг катта қисмини йўқ қилиб юборишганди. Кўплари бомбардимон вақтида куйиб кетган. Аммо тўла бўлмаса ҳам суд ҳужжатлари мавжуд, албатта. Балки иш ўнгидан келиб, ҳукм ҳам топилиб қолар.

Биз Берлин архивининг жуда хушфезъл, чаққон хизматчиларининг ёрдам беришларини илтимос қилдик. Воқеа 1943 йилнинг октябрида бўлганини айтдик. Ундан кейин бўлиши мумкин эмасди. Чунки Ислombек Берлинер рингда ҳалок бўлганди.

Орадан унча кўп вақт ўтмай жавоб олдик. Лекин жавобдан ҳафсаламиз пир бўлди — бунақа ҳужжат йўқ экан. Унтерштурмфюрернинг иши топилмабди. Бу ҳужжат ё аслида бўлмаган, ё йўқотилган. Куйиб кетган ёки биров олиб қўйган. Архивнинг тажрибали, ишбилармон ходими сўнгги тахминга шубҳа билан қаради: махсус коллегиянинг ўша даврга оид ҳужжатлари деярли тўла-тўқис сақланганди.

Деярли! СС Бош бошқармаси билан жосуслик ва кўпорувчилик бошқармалари фаолиятига алоқадор бўлмаган ҳужжатларгина қолган эди. Ислombекнинг иши эса хавфсизлик полицияси ва хизмат хавфсизлигига бевосита алоқадор эди. Қидириш пайтида буни эътиборга олиш зарур эди. Ҳукм олиб қўйилган. Биз занжир ҳалқаларидан бири йўқолган экан, деган хулосага келиб, тинчидик. Аслини олганда, қидирувнинг шу босқичида бу хилдаги етишмаётган ҳалқалар кўп эди, шу туфайли яна битта ҳалқанинг тушиб қолишидан унча хафа ҳам бўлганимиз йўқ.

Биз бир неча кунга Берлиндан кетдик... «Йигирма ол-

тинчи»нинг бошқа сўқмоқларидан, анча кейинги, анча аниқроқ сўқмоқларидан юридик. Альбрехтштрасседаги меҳмонхонага қайтиб келишимиз билан иккита янги гап эшитдик. Биттасининг ҳукмга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Вестибюлдаги меҳмонхонага келувчилар учун қўйилган диванда фрау Фельске-Кнехель ўтирарди. Унинг қўлида газета бор эди, чамаси ўқиётганди. У бизнинг келганимизни сезмай қолди. Башанг кийиниб, тиззасига қутича қўйиб ўтирган Берлин четидаги оддий гаштетт бекасини биз ҳам дарҳол танимадик. Лекин хонамиз калитини олаётганимизда, у газетадан кўзини олиб, биз томонга боққанда, қизил юзларини ўраб турган оппоқ жингалак сочлари жуда танишдай туюлди. Сочни жингалак қилиб юриш қадимдан қолган бўлиб, Берлинда жуда камдан-кам учрарди.

– Фрау Кнехелмисиз?

Ҳа, мен, менман, албатта,— деб жилмайди хоним ва ўрнидан туриб, биз томон юрди.

У жилмаярди-ю, аммо чехрасида қандайдир хавотирлик, ҳатто ташвиш аломатлари бор эди. Фрау Кнехель худди бир нимани билмоқчи, жавобини шу ондаёқ олмоқчи бўлгандек, савол назари билан бизга тикилиб турарди. Биз эски қадрдонлардек саломлашдик, шундагина гаштетт бекасининг кўнгли бир оз жойига тушди. Энди у очилиб-сочишиб жилмаярди. Лекин қарашларидан саволи борлиги билиниб турарди. Куёш нури тушиб турган кенг меҳмонхонанинг бир бурчагига бориб тўхташимиз билан у дарҳол саволини берди.

Сиз эримнинг номини... бирор жойда айтсангиз керак, — деди фрау Кнехель, бауласидан тўр ҳошияли дастрўмолини олиб ва худди ёш пайдо бўладигандек юзига тегизди.

– Эҳтимол.

– Бу сизларнинг ишларинг, албатта... Биз Томас билан қўлимиздан келганини сизлардан аямадик...

Биз ҳозир ҳам миннатдорчилик билдиришимиз мумкин,—деб жавоб бердик, кекса аёлнинг мақсади нималигини билолмай. Ҳа, ҳа... Биз сизлар билан ҳузур қилиб суҳбатлашардик... Шундай маданиятли кишиларсизки... Бироқ Томас безовта бўляпти...— Фрау Кнехель титраётган бармоқлари билан ғижимланган дастрўмолини кўзларига яқин келтириб, юзларини артди.— Фақат ўз қўл кучинга ишониб, умр бўйи пок яшасангу, кишилар олдида нопок бўлиб қолсанг алам қиларкан... Одамлар, айниқса ёшлар нималарни ўйламайди, дейсиз. Улар урушни кўришмаган, кўрқиш нималигини билишмайди.

Эр-хотин Фельскеларнинг нимадан ташвишланаётганлигини биз ҳамон тушунолмасдик. Фрау Матильда бизнинг анграйиб турганимизни кўриб, жим бўлиб қолди. Афтидан, кекса аёлнинг қалбида шубҳа пайдо бўлди. Чунки биз ғазабланганимиз ҳам йўқ, гаштетт эгаларининг хатти-ҳаракатларига баҳо ҳам бермадик. Умуман, бундан йигирма йил муқаддам ўтиб кетган воқеаларга ўз муносабатларимизни билдирганимиз ҳам йўқ.

Сизларга айтмоқчи эдимки, биз бу воқеаларга ғайри расмий суратда аралашиб қолганмиз... Яъни пивохо-на эгаси сифатида. Томас ҳеч қачон нацистлар партиясида бўлмаган, жигар ранг кўйлақларга ҳам хизмат қилмаган. Ўзларингга маълумки, у ҳатто жанг ҳам қилмаган. Биз икковимиз ҳам хаста кишимиз, ҳеч нима билан қизиқмаймиз. Қолган умримизни тинчгина ўтказишни худодан тилаб ётибмиз... Янги ҳокимият бизга айни муддао, биз уни тан олашимиз, маъқуллаймиз. У фақир-фуқароларга тегмайди, кулбамиз қирқ йил бундан қарда бўлса, ўша ерда турибди. Ҳамма нарсамиз бор. Шундай бўлгач, шикоят қилишу, норозилик билдиришга ўрин йўқ...

— Сизни ўтмиш ташвишга соляптими? ниҳоят фрау Кнехелнинг бу ерга келиш сабабини англадик.

— Ҳа, шундай. Фақат гауптштурмфюрер билан берган ўша бемаъни воқеа бизни ташвишга соляпти.

— Ўша арзимаган юз марканинг орқасиданми.

Вақт ўтиши билан нурсизланиб қолган гаштетт бекасининг кўзларида яна қўрқув ифодаси пайдо бўлди, гапимиз оҳангида таъна борлигини пайқади. Қўрқувдан кўзларига ёш келди. Лекин бу фрау Кнехель гавдасига бутунлай мос тушмайдиган озгина ёш бўлиб, юзига ёйилмай, оппоқ киприкларидаёқ қуриб қоларди. Шундай бўлса ҳам меҳмонимиз дастрўмолини олиб, қуппа-қуруқ ковоқлари:

— Ахир кун кўриш керак эди-да,— йиғламсиради Фрау Кнехель-Фельске. Бу сафсата эди, аммо Берлин ҳалқа йўлида бир одамнинг ўлимига сабаб бўлган хатти-ҳаракатни оқлаш эмасди.

— Сиз СС бошқармасидан келган офицернинг фамилиясини билмайсизми? У офицернинг фамилиясини билмасди, аммо қизиқсиниб ингичка, киприкларидек оппоқ қошларини чимирди.

— Йўқ... Ёки буни билиш зарурми? Бирор каттароқ одаммиди?

— Ҳар ҳолда оддий киши эмас,— дедик меҳмонни уялтириш мақсадида.— «Тюркостштелле», СС Бош бошқармасининг бошлиғи, гауптштурмфюрер Реингольд Ольшер.

Гапимиз фрау Кнехельга таъсир қилмади. Қошларини кериб тураверди, меҳмон бундан ҳам зўрроқ бирор гап айтишимизни кутаётганди.

У ҳарбий жиноятчи бўлиб, халқаро трибунал томонидан ҳукм қилинган. Вой худо! — деб чапак чалди меҳмон. — Ҳарбий жиноятчи. Ким ўйлабди дейсиз! Тарбия кўрган, олижаноб киши-я...

Олижаноб одам ва ҳарбий жиноятчи! Фрау Кнехель ханг-манг бўлиб қолди. Чиндан ҳам у гаштетт эгаларининг юзига тарсаки туширгани йўқ, ўзини яхши тутиб, хизмат ҳақини тўларди. Пивохонанинг кекса бекаси

жигарранг кийимдаги фюрерларнинг ичларида нима борлигини қаёқдан билсин! Тўғри, улар бировларни калтаклашарди, ҳатто ўлдиришарди, аммо бу ишлар гаштетда эмас, қаердадир ўрмоннинг нариги томонида, Берлинер рингда, Фельскеларнинг уйидан олисда қилинарди. Ҳеч ким ҳеч нарсани кўрмасди, эшитмасди.

Дарвоқе, фрау Кнехель унтерштурмфюрернинг ҳалок бўлгани ҳақидаги мишмишларга шубҳа билан қарарди.

Томас кўрмоқчи эди-ю, лекин уни бизга кўрсатишмади. Гауптштурмфюрер жаноблари: «Уйингизда турган киши тақдири тўғрисида ҳеч нима билмайсиз. У сизни-кидан кетди, вассалом», деди. Аммо сиз айтган жаноб Ольшер Исломбек ҳалок бўлганига эмас, қандайдир пакет йўқолганига хафа бўлди. Гауптштурмфюрер биздан шубҳа қилармикан, деб кўрқдик, худога шукурки, ҳаммаси тинч ўтди. Томасни ҳеч ким бошқа безовта қилмади... Ҳеч ким.

— Уруш тугагунчами?

— Урушнинг охиригача,— деди комил ишонч билан Фрау Кнехель. У яна бир марта қуруқ қовоқларини артди, баули ичидаги қандайдир махсус чўнтакчасига дастрўмолини ҳафсала билан яшириб қўйди-да, бандини қирсиллатиб қаттиқ беркитди. Шундан сўнг, бор гапини айтиб бўлганлигини англамоқчи бўлиб, ўрнидан турди.

Бу кекса аёл нимжон ажиб, ер куррасида яшовчи кишиларнинг ўрни ҳақида ўйлайдиган, ўтмишда босган ҳар бир қадамига инжиқлик билан баҳо берувчи Оскар Грюнбахга ўхшамасди. Оскар «Агар ҳамма жигарранг кийимдаги худога хизмат қилишдан воз кечганда, у кучсизланиб қолиб, бунчалик ёвузлик қилмасди» деган эди. Ўшанда биз фикрни рад этган эдик. Лекин кекса ўймакорнинг гапида ҳар ҳолда жон бор. Агар барча немислар хизмат қилишдан бош тортганда эди-я! Ҳатто, мана шу Фельске ҳам, ҳаммадан аввал индамай хизмат қилганлиги учун юз марка олган Фельске ҳам рад этса эди-я. Ҳа, индамай. Ён-атрофингизда ёвузлик қилинса,

лабларингизни қисиб, кўзларингизни юминг... Улар ҳам кўзларини юмиб юраверишган.

Грюнбах яна хафа бўлиб қўшиб қўйганди: «Одамда ўз ихтиёри билан ўлиш учун ирода етишмайди...» Бунақа гапни Фельске ўйламаган, бутунлай ўйламаган. Пиво-хона эгаси ўлимни сира хаёлига келтирмаган. Ҳали ҳам ўйламайди. Фельске бошидан кўп нарсаларни кечирди. У юролмай қолган. Лекин у яшаяпти, ўз номига доғ тушишини истамайди.

– Мен Томасга берган ваъдангизни айтсам бўладими?— сўради фрау Кнехель тўр қўлқоп кийган юмшоқ қўлларини бизга узатаётиб.

Оғзимиздан, қандай ваъда, деган сўз чиқиб кетишига сал қолди. Ха-я, Фельске жаноблари хусусида, ғайри расмий киши бўлиб, унтерштурмфюрер билан бўлган воқеаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

– Сизлардан миннатдорман,— деди фрау Кнехель, хаёлга чўмиб турганимизга сукут аломати ризо деб ўйлаб. Биз таъзим этиб фрау Кнехелни кузатиб қолдик. У меҳмонхонадаги чиройли креслолар ва ялтироқ паст-паст замонавий столчалар олдидан кеккайиб ўтиб борарди. Биз хонамиз калити билан бирга кўриниши жуда оддий, лекин қутилмаганда кишини қаттиқ ҳаяжонга соладиган расмий откритка олдик. Архив ходими бизни қизиқтирадиган ҳужжатни учратганини хабар қилибди. Ҳужжат. Бошқача қилиб айтганда, Саид Ислонбек устидан чиқарилган ҳукм ёки шунга алоқадор бирор ҳужжат бўлса керак. Лекин Берлин суди махсус коллегияси қоғозлари солинган папка орасида бошқа ҳужжатнинг бўлиши эҳтимолдан узоқ, албатта. Ҳар ҳолда ҳукм бўлса керак.

Лифт эшиклари ланг очилиб, унинг ичидаги плафоннинг заррин шуъласи имлаётган бўлса ҳам биз хонамизга кўтарилмай, телефонга қараб югурдик. Вақт бор, архив бошқармасида ҳали иш соати тугамаганди. Жонкуяр Хорст Ремпель откритка четига адреси ва телефон

номерини ёзиб қўйганди.

Унтерштурмфюрер Саид Ислонбекка ўлим жазоси ҳукми 1943 йил 18 октябрнинг чошгоҳида, аниқроғи соат ўн учу қирқ минутда Берлин суди махсус коллегиясининг қисқа мажлисида чиқарилган экан. Одатдаги қоидага риоя қилинмаган, ҳамма иш, ҳужжатлар, тергов якунлари ва Курт Дитрихнинг прокурорга йўллаган қисқа хатига биноан суд секретари томонидан одат тусига кириб, бир ой муқаддам ёзиб қўйилган қарорни ўқиш билан чегараланганди. Очиғини айтганда, бу хат давлат жиноятчиси ишини кўришни орқага суриб юборганди, бу эса уруш даврида ғайри табиий ҳол эди. Дитрих суд қарори текстини тайёрлашни, лекин ҳукми у телефон қилгандан кейингина расмийлаштиришни илтимос қилганди. Бир неча вақтдан буён сиёсий иш кўрилмасди, фақат расмийлаштириб қўйиларди. Ҳа, расмийлаштирилмаса ҳам бўларди. Гестапо ёки СС бошқармасидан бирор тергов қилинаётган жиноятчининг йўқолганлиги ҳақида ким ҳам ҳисобот талаб қиларди. Аммо ички қамоқхона комендантлари маҳбусларни қоғозсиз ҳисобга ололмасдилар, демак қоровул бошлиғидан ўз қўл остидаги маҳбуснинг йўқолишига жавоб беришни талаб ҳам қилолмасдилар. Шундай бўлгач, унинг отиб ўлдирилганлиги ёки қочиб кетганлигини исбот қилиб бўлармиди. Бу эса қоровуллар командасининг бепарволиги бўлиб, қаттиқ жазога муносиб ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам ҳукм ёзиларди ва тергов олиб борган империя хавфсизлиги бошқармасининг тергов олиб борган бўлими бошлиғи тавсиясига биноан ҳукм моддаси қўлланарди. У шундай даҳшатли замонда ким яшаши кераклигини, ким ўлишини ҳал қиларди.

Жуда равон ва келиштириб ёзилган қарор ўқилгач, махсус коллегия секретари штурмшарфюрер Гольтц ҳукм текстини суд раиси штандартенфюрер Вальтерга, кейин коллегия аъзоси зондерфюрер Ландерга ва

қораловчи, суд маслаҳатчиси Денхардтга узатди. Дастлабки икки киши текстга қарамай имзо чекди, прокурор эса сўнги сатрларни диққат билан ўқиди. Унда судланувчи унтерштурмфюрер Саид Ислombек Кўқонда туғилган бўлиб, Берлинда, Шонгаузэраллей кўчаси, эллик еттинчи уйда истиқомат қилиши ва Германия манфаатларига, унинг қуролли кучларига қарши жиноятда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилганлиги айтилганди. Денхардт бир лаҳза ўйланиб қолди, негадир айбларини очиб, секретардан бирор нарса сўрамоқчи бўлдию, лекин сўрамади ва шошилмасдан варақанинг энг охирига, раис ва коллегия аъзоси имзоларидан узоқроқ жойга имзосини чекди-да, ҳеч кимсага қарамай деди:

— У отиб ташланди...

Секретарнинг назарида прокурор бир нимани сўраётгандай туюлди. Худди ўз айби билан қоида бузилгандай, штурмшарфюрер анча хижолат тортиб, ҳатто саросимага тушиб, ўзини оқламоқчи бўлди:

— Ундай бўлмаса керак... Ҳар ҳолда телефонда ҳеч нарса айтилмади... Мен шундай тушундим.

У баттар хижолат бўлди. Шу пайт кекса, хомсемиз, ҳамиша ўнг биқини оғриб юрадиган ҳорғин штандартенфюрер Вальтер афсусланиб деди:

— Йўқолди... кўчирилаётган пайтда... Маслаҳатчи жанобларига махсус хат орқали бу ҳақда маълум қилинган бўлиши керак. Дарвоқе, қочоқни тутиш учун мукофот ҳам белгиланган...

— Шундай денг!— бир оз хайрон бўлди прокурор.— Бу ҳақда негадир эшитмабман... Ишлар ҳам уюлиб ётибди-да... Шундай қилиб, Берлин ҳалқа йўлида бўлиб ўтган воқеадан ярим йил ўтгач, ҳукм чиқаришган.

Бу воқеани ўйлаб кўриш керак. Саид Ислombек ишини олиб борган Курт Дитрихга энди сира аҳамияти қолмаган, ҳеч кимнинг юрагини ачиштирмайдиган, суд амалдорлари имзо чеккан қоғоз нега зарур бўлиб қолди экан? Ёки немис бюрократизмининг одатдаги бачка-

налигими: одам йўқолдими, уни ҳисобдан чиқариб ташлаш керак. Аммо Исломбек ўзи йўқолмаганди. Фринденталдан тортиб, қўпоровчилар группаси тузилганидан то Берлинер рингда машинадан сакраб қочиш ва ўрмонда юз берган тунги воқеагача ҳамма-ҳаммаси олдиндан ким томонидандир ўйлаб тузилган режага биноан амалга оширилган. Хужжатларга қараганда, бу режани тузган киши Рейнгольд Ольшернинг ўзи. Ольшернинг ҳаракатларини эса штурмбанфюрер Дитрих билмаслиги мумкин эмасди. Тергов остидаги кишини осонлик билан гестаподан чиқариб, уни Берлин ҳалқа йўлига олиб кетиш амри маҳол эди. Ҳатто, уни Дитрихнинг рухсатисиз, розилигисиз ўлдириб бўлмасди.

Демак, Курт Дитрихнинг ҳамма воқеадан хабари бор эди, ўз қўли билан таҳрир этмаган бўлса ҳам қочоқни таниб, тутиб берган кишига аввал уч минг, сўнгра беш минг марка пул берилиши ҳақидаги эълонни ўқиган. Мана, энди ўша Дитрих орадан олти ой ўтгач, махсус коллегияга телефон қилиб, ҳукмни расмийлаштиришни талаб этмоқда.

У талаб эътипти-ю, лекин ҳужжатни олиш тўғрисида ташвишланмаяпти, ҳукмнинг икки нусхаси ҳукм ижро этилиши учун қамоқхонага юборилиши лозим бўлса ҳам ҳамма нусхаси суд идорасида қолаверган. Мана шунинг учун ҳам Берг махсус коллегия мажлиси ва чиқарилган ҳукмдан хабарсиз қолган бўлса эҳтимол. Лекин у бошқа нарсадан хабардор эди...

Штурмбанфюрер Дитрих ўн олтинчи октябрда СС Бош бошқармасига — доктор Ольшерга телефон қилди.

— Гауптштурмфюрер жаноблари, сиз билан бизга алоқадор бўлган маълум иш ниҳоясига етди. Шунинг учун мен сизни яна безовта қилиб ўтиришни лозим топмадим. Лекин бир вазият мени «Тюркостштелле»га мурожаат қилишга мажбур эътипти.

Кимки Ольшерни 1941 ва ҳатто 1942 йилларда таниган бўлса, унинг Туркистон миллий комитетига таъси-

рини ўтказиш учун Дитрих билан зимдан кураш олиб борганлигини ҳам, унинг ғалабаси ва мағлубиятини ҳам билади, шарқий бўлим бошлиғининг кесатикларини кўз олдига келтиради. Гауптштурмфюрер киши билмас гап билан узиб олишни яхши кўрарди. Капитан Ольшер бир йил бурун гестапонинг ҳам, эски душмани барон Менке бошлиқ Шарқий министрликнинг ҳам кучи етмайдиган даражага кўтарилганди. Ольшер бевосита Шелленбергнинг қаноти остида яшарди, ҳаракат қиларди. Серғайрат ва шароит талабларини яхши сезадиган «Тюркостштелле» бошлиғи Туркистон легионига ҳамда Шелленбергга тоби бўлган махсус ишлар лагерига зарур бўлган миқдорда тирик материаллар етказиб бериб турарди. Бундай хизматлари эвазига бригадефюрер ғайратли капитанга эътибор берар ва ғамхўрлик қилар эди. Ольшер Гиммлер томонидан эълон қилинган тоталь уруши бошланиши пайтида жуда донг таратди. Шу пайтда тирик одамларга бўлган эҳтиёж уч марта ортиб кетганди.

Одамлар керак! Кўп одам керак,— деб талаб этарда СС фюрери ва Германия полицияси бошлиғи.

Ольшер шундай кишиларни Гиммлерга етказиб бериб турарди. Тиришқоқ капитан олдида янги, янада баландроқ лавозимга эришиш йўллари очилганди, у ҳеч кимни аямай, атроф-теваракка қарамай шу йўлдан дадил боравериши мумкин эди. Бироқ СС бошқармасининг ўзидан ҳужжат йўқолиб қолди-ю, Ольшернинг йўлига ғов бўлди, уни душманлари ва ҳасадчилари оёғи остига итқитиб юборди. Гауптштурмфюрер кўрқоқ, эҳтиёткор бўлиб қолди. Айниқса, унтерштурмфюрернинг Берлинер рингда ўлдирилганидан кейин ҳар қандай кўнғироқдан ҳам чўчидиган бўлиб қолди. Ольшернинг озғин юзлари бир зумда докадай оқарарди-ю, олтин гардишли кўзойнаги остидаги кўзлари сўнарди. Бунинг устига яна унга гестаподан телефон қилишяпти!

Бирор бахтсизлик юз беришини кутган кишидек, у ҳам ўзини ҳимоя қилиш учун олдиндан тайёргарлик кўрди, маҳкум этилган киши қиёфасига кирди. Инсонлар орасидаги муносабат соҳасида ўзини реалист ҳисоблаган Ольшер тўсатдан ўз ёвларининг раҳмдил бўлишларига ишона бошлади. Қачонлардир ўз яқинларига нисбатан раҳм-шафқат ҳислари борлиги ёдига тушди, бегона киши яхшилик қилишига умид боғлади. У мантиққа хилоф равишда Дитрихни ҳам ўзига ўхшатди. Шу туфайли Ольшер гестапочининг телефонда айтган гапларига оҳиста, бўшашиб, ҳатто ғамгин жавоб қилди:

— Эшитаман, штурмбанфюрер жаноблари.

Бу ҳол Дитрих учун янгилик эди. Тўсатдан-а. Бир лаҳза ташвишга тушган гестапочи бу янгиликни ҳазм этиб, Ольшерда юз берган ўзгаришга қандай муносабатда бўлишни ўйлаб қолди. У одатдагидек, ҳорғин, ғамгин оҳангда гапирмоқчи бўлди:

— Менинг васийлигимдаги унтерштурмфюрер Исломбек «Тюркостштелле» бошлиғи билан учрашишни илтимос қиляпти. Бунинг тафсилотини кенгроқ, аниқроқ айтишни Дитрих ўйламасди, бундай қилиш унинг планига ҳам кирмасди. У Ольшерга, маҳбуснинг ахволини енгиллатиш ёки терговни яхши ўтказишга ёрдамлашиш ҳақида телефон қилмаганди. Ольшернинг ўзини билмоқчи, сирни ўсмоқчилаб пайқамоқчи эди. Гестапочи унинг сир-асрори борлигига шубҳа қилмасди. Гауптштурмфюрер Дитрих Исломбек унинг кўрмоқчи бўлганини расмий равишда айтиб, Ольшернинг жавобини эшитишга, таҳлил этишга шайланди. У қўлда трубка билан жим бўлиб қолди. Моҳир гестапочи олисдан туриб одамнинг мақсадини англай оларди. Унинг ваҳимага тушганлигини, эсанкираб қолганини, умидсизликка тушганини фаҳмларди. Дитрих у ёки бу томон ритмини бузган дақиқаларни, ҳатто унинг бир қисмини ҳам дарҳол тире-точка-тире каби тушуниб

оларди. Шунга қараб суҳбатдошининг аҳволини биларди, ҳаракат режасини тузарди, келгусида қандай йўл тутишни белгиларди.

Ольшер Дитрихнинг ҳаддан ташқари сезгирлигини, қулоғи ўткирлигини яхши биларди. Шунинг учун тап оҳанги ҳам, пауза ҳам артистларники сингари аниқ ва равшан бўлиши керак. Ғам-ғусса ортиқча, чунки гап Исломбек устида боради.

— Унга нима керак бўпти,— аввалгидек ҳорғин, хиёл хаяжонланган овоз билан сўради капитан ва Дитрихнинг уккиникига ўхшаш қулоқларига эшитилсин, деб стол устидаги қоғозларни шитирлатди. Ольшер ишляпти, уни ишдан бошқа ҳеч нарса, ҳеч нарса қизиқтирмайди.

Энг қизиғи шундаки, Исломбек номи эсга олинганда «Тюркостштелле» бошлиғи сесканиб тушмади, кўзларини ҳам бақрайтирмади. Умуман, бундан бир неча ой муқаддам Ольшер олдида ётган мурданинг эндиликда тирик бўлиши унга заррача таъсир қилмади. Ахир унинг ўзи Исломбекнинг чўнтақларини тинтиб чиққанди, бақрайган кўзларига қараганди. Ахир, Дитрих ўлик билан учрашувни таклиф қилмаётган бўлса керак.

— Билмадим, қўл остингиздаги собиқ кишига нима зарур бўлиб қолибди,— деди штурмбанфюрер трубкага, овоз ва паузага сергаклик билан эътибор бериб. Орага анча жимлик чўқди. Дитрихнинг фикрича жимлик чўзилиб кетди, бир гап борга ўхшарди. «Тюркостштелле» бошлиғи эса ўй сураётганди: қоғозлар шитирламасди, стол тортмалари ёпиб-очилмасди. «Ўйла, ўйлаб кўр, гауптштурмфюрер, — олисдан маслаҳат берди Дитрих. — Башарти, учрашишга розилик берсанг, демак Исломбекка қизиқасан, уни қутқаришга ҳаракат қиласан. Ёки унтерштурмфюрердан бирор нарсани билмоқчи бўласан. Буниси қизиқ, демак бир сир бор. Иннайкейин, маҳбусдан кўрқасан, кўрққанингдан кейин гестапога, менинг хонамга келишга ва Исломбек билан гапла-

шишга (қай холда ва нималар ҳақида гапиришингни кейин биламиз) мажбур бўласан... Қани, ҳал қил, ўйла, туркистонликлар шефи! Ҳа, юрагинг дов бермаяпти-да...»

– Маҳбусга шунини айтишга, у билан учрашишга ва айниқса, унинг шикоятларини эшитишга зарурат йўқ. Унтерштурмфюрернинг шу вазиятда бунақа илтимос қилиши ўринсиз. Дитрих жаҳли чиқиб, бармоқлари билан столни чертди. Шундай қаттиқ чертдики, ҳатто Ольшер сесканиб тушди.

– Яхши, — тўнғиллади гестапochи ва трубкани қўйди. Уни ички қамоқхона камерасидан терговга, аниқроғи Ольшер билан суҳбатга олиб чиқишди. У шундай деб ўйлади. Бошқача ўйлаши мумкин ҳам эмасди. Чунки икки кун аввал Курт Дитрих «Тюркостштелле» бошлиғи билан учрашув ҳақида унинг талабномасини олиб, илтимоси қондирилажагини ваъда қилганди. У, суҳбат уюштирилади, деб Исломбекни ишонтирганди ҳам. Дитрих руҳланган, ўзича мамнун эди. Унтерштурмфюрер унинг хурсандлигини кулимсирашларидан англаб олмаганди, чунки майор ҳеч вақт кулмасди. Ҳар ҳолда улар бир-бирлари билан танишганларидан буён Дитрих бирор марта ҳам жилмаймаганди. Унинг чехрасига кулги ярашмасди. Гестапochининг узоқдан қорайиб кўринувчи митти кўзлари куларди. Исломбекнинг назарида унинг кўзлари йилтирар, мўлтираб, ўйнаб турар эди.

Ўтган куни унинг кўзлари кулиб турган эди. У мамнун эди. Шунда Исломбек учрашув бўлади, бу учрашув жуда зарур, деб ишонганди.

Исломбек йўлакни назорат даҳлизи билан бирлаштириб турувчи эшик олдиғача дадил, ҳатто хотиржам борди. Унга бу йўл майда-чуйдаларигача танишга ўхшарди: мана, кошинкорли полнинг ўйдим-чуқурлари, мана, четлари синиқ зиналар — бу йўлдан ҳали кўп юрилади, ундан кўп юриб ўтилади. Қамоқхона остонасидан ташқарига, озодликка чиққандагина бу йўл туга-

ши мумкин.

Дитрих унинг ҳафсаласини пир қилди.

– Доктор Ольшер сиз билан учрашишни лозим кўрмади. Майор хона ичида у ёқ-бу ёққа юрарди, катта, вазмин қадам босиб девор ёнидан энсиз жойни қадамларди. Дитрих бу гапни айтмаса ҳам бўларди. Исломбек остонадан ҳатлаши биланоқ учрашув бўлмаслигини англагани, хонада Ольшер йўқ эди. Маҳбусни капитан келгандан кейингина чақиришлари мумкин эди. Чунки юзма-юз учраштириш эмас, суҳбатлашиш лозим эди...

Дитрих эҳтиёткор эди, бу ҳам масалани ижобий ҳал этишга тўсқинлик қиларди. У ишнинг ўнгидан келмаганлиги учун Исломбекдан кечирим сўрагандай бўлди. Унга, Дитрихга Исломбекни капитан билан учраштириш зарур эди, аммо у бунинг урдасидан чиқолмади.

– Афсуски, бизнинг кўнгилли учрашувларимиз ўзининг мантиқий поёнига етиб қолди...

Штурмбанфюрер камерага қамашни ва терговни учрашув деб атади, бунинг устига кўнгилли деди. Бу гапга фақат заҳархандалик билан кулиш мумкин эди, албатта. Дитрих эса ўзининг яқунловчи сўзини жуда жиддий, ҳазил-мазахсиз айтди. Ажин босган катта, бесўнақай юзи жиддий бўлиб, майор чиндан ҳам афсусланаётгандай лабларини қимтиб олганди.

– Биз бир-биримиздан мамнун эдик. Исломбек жаноблари,— у гапини яқунлади.— Айниқса, мен мамнун эдим.

Штурмбанфюрер юришни бас қилди-да, маҳбусдан икки қадам нарида тўхтаб, ўткир, синовчан кўзларини Исломбекка тикди. У Исломбекнинг кўзларида ташвиш аломатини кўришни истарди, чунки улар хайрлашмоқда эди, бири яшаш учун шу ерда қолиши, иккинчиси эса нариги дунёга кетиши керак эди. Дитрих ҳукмда қандай сўзлар ёзилишини биларди. Дарвоқе, қандай сўзлардан иборат бўлишини унтерштурмфюрер

ҳам фараз қиларди, энди фараз қиларди.

— Мен сизни бу ерда нега кўп вақт ушлаб турганлигимни ўйлаб кўрмадингизми?— деб сўради Дитрих Ислombекдан кўзини узмай. Ислombек нима учунлигига ақли етарди, аммо ўз тахминлари ва гумонларини гестапочига айтишнинг нима ҳожати бор.

— Бирор зарурати бордир-да.

— Ҳа, ҳа... зарурат бор эди.

Штурмбанфюрер катта гавдаси билан худди кўтариш крани минорасига ўхшаб, шартта қайрилди-да, стол ёнига борди, ўрнига ўтирди ва олисдан Ислombекка яна разм солди. Маҳбусга жавоб берсаммикан ёки уни озроқ тутиб турсаммикан, деб иккиланиб қолди шекилли. Сўнгги фикр маъқул келди чамаси, у ўтиринг дегандай Ислombекка ишора қилди. Ислombек деворнинг ўнг томонидаги сўроқ қилинувчилар учун қўйилган курси томон секин бораркан, гестапочи ўз фикрини давом эттирди.

— Зарурат бор эди... Аммо сиз, Ораниенбургни тилга олдиргизу, мени чалғитиб қўйдингиз. Фақат мени эмас... Саид курсининг бир четига ўтирмоқчи бўлди, у ҳамиша шундай қиларди: ноқулай ўтириш сўроқ чоғида унинг бўшашиб кетмаслигига кўмаклашарди. Ҳозир у курсининг чап томонини — сирилган сариғ-кулранг матоси бир оз титилган жойини танлади.

— Бу ёққа! — деди Дитрих стол ёнидаги креслони қўли билан кўрсатиб. — Бу ёққа, Ислombек жаноблари.

Терговчининг писанда қилмай, соддагина муомалада бўлиши Саиднинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди, юраги шув этди: «Биз видолашамиз. Мен энди унга керак эмасман, Ҳатто, фойдали маълумотлар чашмаси бўлсам ҳам».

Креслога ўтириш қийин бўлди. У юмшоқ бахмал қопланган, пружинали, суянчиқли креслода ўтиришни унутиб юборганидан эмасди, албатта. Унинг қўли бахмал тукларига тегди-да, бармоқлари ўтмишни — тинч, осуда дамларни эслатди, чунки бу — сўнгги ўтириш эди.

Ҳаётида сўнги ўтириш эди. У ўтирди-да, столга назар ташлади, стол ҳамма нарсадан яқин эди. Унинг тахталари заррин рангда тарам-тарам қилиб бўялганди. Бронза сиёҳдонлар вақт ўтиши билан қорайиб кетибди. Боши устида гул кўтариб турган қандайдир ҳайкалча гулни Саидга эмас, худди штурмбанфюрерга узатаётганга ўхшарди.

— Ораниенбург, — деди Дитрих худди орзу қилаётгандек бу сўзни чўзиб.— Бу номни қаердан олдингиз? Уни ўйлаб чиқариш мумкин эмас. Инсон учун мумкин эмас...

Саид суянчиқ бахмалига аста қўл тегизиб, уни силай бошлади. У ҳозир гестапochи айтган гапни ўйларди.

— Йўқ, мен сиздан сўраётганим йўқ, — деди Дитрих Ислombек берадиган жавобнинг олдини олиб. — Мен ўзимдан сўраяпман... Демак, ҳар ҳолда бу рост экан-да: махфий жойни билиш ҳақида сизга топшириқ берилган экан-да. Мен сизнинг индамаслигингизга ишонганимдан уни шундай деб атадим. Ишончим комил...— Дитрих энди Ислombекдан ошиб ўтиб, анча нарига кетганди. Олдинда, келгусида унтерштурмфюрер бўлмас эди, умуман, ном-нишони ўчиб кетарди.

У билан неча бор видолашишди, неча бор у ўзи билан ўзи видолашди. Қалб видолашувга кўникишга қодир, ҳар ҳолда кўникиши керак. Лекин у одатланмасди. Музлаб кетган юраги норозилик билдирарди, ҳаяжон билан қаттиқ тепарди, урарди. Ислombек ўзини босишга уринарди: «Бў сўнги видолашиш эмас. Бу шунчаки бир синов. Навбатдаги текшириш бу, бу ҳам тугайди. Аммо ҳозир эмас, бугун ҳам, эртага ҳам эмас. Узоқ давом этади... Аммо қачонлардир тугайди».

— Биз сиз билан баҳордаёқ видолашмоғимиз керак эди,— деб фикрини давом эттирди Дитрих. Саид ўзини суҳбат иштирокчиси деб ҳис этмади.— Мен сизга ишонмаганим учунгина видолашмадик. Аммо, мен сизга ишонишим шарт эди. Дастлабки икки ҳафта бу

гапга ишонмай жуда қийналиб кетдим: Ораниенбург тасодифий сўз. Ҳеч қандай топшириқ бўлмаган, оддий ифвогарлик деб ўйладим. Аммо нима сабабдан Ораниенбург тилга олинди? Нега? Сизни фош этиш учун қўлимдан келган ҳамма чорани кўрдим. Ўз манфаатимни кўзлаб эмас, ўч олиш учун ҳам эмас, ахир унтерштурмфюрерни ўчириб ташлашдан осони бор эканми. Мен бирон хато қилиб қўймай деб кўрдим: борди-ю, сиз чиндан ҳам Ораниенбургни қидираётган бўлсангиз-чи? Унда нима бўлади? Мен сизни текширдим, сизнинг ривоятингизни ростга йўйдим. Менинг шубҳаларим тўғри чиқди. Сиз ёлғон гапиргансиз. Сизнинг ҳамма гапларингиз, Ораниенбург ҳақидаги гапларингиз ҳам бошдан оёқ ёлғон экан. Биласизми, бунга қачон ишондим? Билмайсиз, албатта... Исломбекни ўлдиришганда!

Ўлдиришганда?!—Саид титраб кетди ва ўриндиқнинг суянчиғини маҳкам қисди.

Бунга ҳайрон бўляпсиз шекилли,— штурмбанфюрернинг савол бергани ҳам, тасдиқлаётгани ҳам маълум эмасди.

— Ҳа, бир оз...— бўйнига олди Саид.

Бу воқеа яна қандай оқибатларга олиб келиши мумкин эди?

Савол мураккаб бўлиб, ҳеч ким ишни муфассал билмасдан туриб, уни ҳал этолмасди. Исломбек эса гестапо мени инглиз агенти сифатида текширяпти, деб гумон қиларди. Лекин гестапонинг уни жўрттага ўлдига чиқарганини идрок этмаганди.

— Ҳақиқий Исломбекни қидиришингиз мумкин эди, — деди у миясига келган мужмал фикрни айтиб.

— Яъни, сизни-да?

— Ҳа.

Қидиргандик...— деди Дитрих аста-секин қизишиб, энди унинг кўзларида учкунлар пайдо бўлди.

— Гестаподами?—жиғига тегди Саид.

Ҳазил-мазахга ҳам эпчил кўринасиз, азиз маҳбусим. Ислombек сиз тилга олган Берлинер рингдаги қайрилишга етмасдан икки километр берида эди.

– Эгизакми?

– Уни эгизак дейиш ҳам мумкин.

– Унинг юзини бир кўрсам бўларкан.

Майорнинг кўзлари аввалига учкун сочиб турди-да, кейин ловиллаб ёнди. Сизнинг бу хоҳишингизни бажо келтиришга ҳаракат қилиб кўраман...

Дитрих стол тортмасидан сурат олди-да, дабдаба билан уни Ислombекка узатди.

– Бунга нима дейсиз?

Кичкина сурат гестапochининг қўпол бармоқларидан тушиб кетаёзганди, Саид уни ушлаб қолишга шошилди. Унинг кўз ўнгида бир дақиқагина ноаниқ шакл пайдо бўлди, кейин у мўйловдор, сочи жингалак хўмрайиб турган чехрага разм солди. Бутунлай нотаниш. У қиёфаси шунақа кишини на уйида, на бу ерда учратганди.

– Танимадингизми ?

– Йўқ.

– Қизиқ, ахир бу ўша ҳақиқий Ислombек-ку.

Дитрихнинг кўзлари сўнгги марта учкун сочди-да, сўнди. Майор кутилмаганда сўнгги далил сифатида суратни бериб, маҳбуснинг қандай жавоб беришини кутиб турди.

Саид гестапochининг мақсадини ўзича тушунди.

– Қўпол иш.

– Йўқ, азиз унтерштурмфюрерим. Бу чиндан ҳам Мустафо Чўқаевнинг жияни, унинг авлоди.

Чиқарилган хулоса Ислombек ҳаётини хавф остида қолдирарди, у унтерштурмфюрерни фош қиларди. Унинг олди-да таслим бўлиш лозим эди. Лекин Дитрихнинг ақидаларини тан олмаслик ҳам мумкин эди.

– Нимага асосланиб сиз, штурмбанфюрер жаноблари, дўстларингизни қон состави қизиқтиради, деган

фикрга келдингиз?

Дитрихнинг кўзлари бақрайиб қотиб қолганди.

– Уларни умуман ҳеч нарса қизиқтирмасди,— деди эътироф этиб.

– Бўлмаса нега улар уни ўлдиришди?

Дитрихнинг қотиб қолган кўзларига жон кириб, яна учқун соча бошлади — Дитрих тантана қилди, у суҳбатдошини алдаб, тузоқ қўйилган йўлга бошлай олди.

– Улар уни ўлдиришгани йўқ... Ҳа, шундай. Сизнинг Ислombeкингизга ҳатто кўз ҳам ташлашмаган, чунки улар учун Ислombeк йўқ эди. Бутунлай.

Саид ўзини боши берк кўчага кириб, бошини деворга уриб олгандай ҳис этди.

– Ахир ўзингиз ўлдирилди, дедингиз-ку?

– Тўппа-тўғри.

Гестапочи Саидни алдаб нақ тузоқнинг олдига келтириб қўйганди. Бошингни тикдингми, тамом. Шунинг учун Саид индамади, майли Дитрих олдинда бораверсин. Дарҳақиқат, Дитрих олдинда кетди.

– Ўлдирилган... туркистонликлар томонидан.

Кутилмаган бир ҳол! Кишини ҳайратга солувчи ҳодиса. Маҳкам туришнинг иложи қолмаганди. Ё гестапочи кетидан бориш, ё қаршилиқ кўрсатиш керак эди. Ҳаракат қилиш, тез ҳаракат қилиш керак, йўқса Дитрих ҳийла-макр билан қурган биноси ичига олиб кирадида, Ислombeкни қамаб қўяди.

Иккови — Сайд ҳам, гестапочи ҳам қимир этмасди. Саид тирноқларини бахмалга босди, тирноғи бахмални тешиб, ёғочга кириб кетгандай бўлди-ю, лекин оғриқни сезмади. Штурмбанфюрер эса айиқ панжасига ўхшаш катта кафтини стол устига қўйди. Бу кафт ҳозирча ҳаракатсиз турарди, аммо икки-уч дақиқадан кейин Дитрих қўлини кўтаради, бармоқларини юмадида, ўрта бармоғи билан папкага уради, унинг ичи деярли бўшлиғи сезилиб туради. Хужумга ўтиш сигнали.

У худди дўмбира чалгандай кетма-кет чертади. Саидга бу овозлар таниш. Бу овозлар нақ мияга кириб, кишини азобга солади....

– Сиз, штурмбанфюрер жаноблари, Миллий комитетни унутиб қўйдингиз, чоғи,— деди Ислombек аста, лекин қатъий.

Дитрихнинг бармоқлари кўтарилмади, кўтаришга ҳозир вақти йўқ. Маҳбус нималар деяпти? Ноенбургерштрасседаги уй. У ерга Туркистон миллий комитети жойлашган. Берлинер рингдаги воқеага бечора муҳожир ва қочоқларнинг қандай алоқаси бор?

– Очиқроқ гапиринг!

– Йғвогарчиликка қарши туркистонликлардан одам қўйилган. Улар сизни қуролсизлантиришади, штурмбанфюрер жаноблари.

– Нима-а?!

Энди кутилмаганда Дитрих ҳанг-манг бўлиб қолди. Энди Ислombек тазйиқини кучайтирди.

– Надия Аминованинг вазифасини бошқа киши бажаряпти, бир неча киши бўлса ҳам ажаб эмас. Анави сохта номдаги кишини йўқ қилганлар ҳам ўшалар. Ахир, Ислombек комитетда ҳам, бошқа идораларда ҳам таниқли киши-ку.

– Сиз ўйлаб гапиряпсизми, унтерштурмфюрер?

– Албатта.

– Мен сизни ўлдираман!— жаҳл билан бақирди Дитрих.

– Эҳтимол.

Дитрихнинг бармоқлари дўмбира чала бошлади-ю, лекин у ҳужумга чорламади. Унинг чертишлари Дитрих ўзини йўқотиб қўйганини, ҳатто хижолат тортаётганини сездириб қўйди. Наҳотки у, шундай моҳир психолог, жиноятни фoш этишда аниқ ва пухта схема устаси бўла туриб, туркистонликлар томонидан бўладиган хавфни кўзда тутмаса-я. У ҳамиша туркистонликларни ўз манфаатларидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин,

фақат ҳозир-ю ҳузурини ўйлайдиган, бошини омон сақлаб қолиш учун курашувчи кишилар, деб биларди. Шу сабабли улар бир-бирларидан ёғлироқ этни юлиб олиш учун бир-бирини ғажирди. Туркистон миллий комитети одамлари шуғулланадиган иш чақмачақарлик, зимдан одам ўлдиришдан иборат эди. Ахир Мустафо Чўқаев воқеаси бунга далил-ку.

Уларнинг бир-бирини ғажиси, табиийки, асосан Дитрихга, қолаверса, бошқаларга ҳам қўл келарди. Ички оврагарчилик уларни комитетдан ташқарида юз бераётган воқеалардан чалғитарди, воқеалар эса жуда нохуш, қайғули эди. Ўз ватандошларининг кекирдагидан олаверишсин, бир-бирларини захарлаб, бўғсин, отаверишсин, аммо ён атрофда бўлаётган воқеаларга назар ташлашмасин, буларни ўйлашмасин. Дитрих Берлин ҳалқасида юз берган воқеага асосан шундай баҳо берган эди. Нима бўпти, туркистонликни, бор-йўғи битта туркистонликни ўлдиришипти, яна ким денг, туркистонликларнинг ўзлари. Ҳаммаси қонуний, ҳаммаси тўшунарли.

Мана бу унтерштурмфюрер эса бутунлай бошқа — Миллий комитет чет эл разведкасига кадрлар етказиб берапти, деган гапни айтяпти. Айни пайтда англиз разведкаси учун. Демак, комитетда немисларга, Германияга қарши оппозиция бор экан-да. Бунинг устига, Улуғ Британия разведка хизмати агенти ўша Чўқаев томонидан вужудга келтирилган кайфият, гоё ҳам мавжуд экан. Ҳа, унтерштурмфюрер ҳозир Дитрихни шубҳага солиб қўйдигина эмас, балки унинг ўзини ҳам айблапти — гестапонинг тумшуғи остида жосуслар бор экан. Ўлдириш, бу сурбетни ўлдириш керак!

— Лекин сиз жонингизни сақлаб қолмоқчи бўляпсиз,— деди ғазабини босиб штурмбанфюрер.

Исломбек ўзини маъюсликка солиб жавоб берди:

— Энди бунинг иложи йўқ...

Дитрих Исломбек биқиниб ўтирган катта занго-

ри ўриндиққа ер остидан кўз ташлади. Бахмал орасидан Исломбекнинг, заррача қони қолмаган юзларидан ташқари ҳеч нима кўринмасди. Дитрихга қараб турган бу кўзлар қандайдир ғайритабиий, худди мурданикига ўхшаб, оқариб кўринарди. Бу нур унинг ёниб, қия боқиб турган кўзларидан таралаётганди.

– Менинг ўлимим,— ҳамон хомушлик билан деди Саид, — уларни тўхтатиб қўймайди.

– Кимларни? — тушунмади Дитрих.

– Энг муҳим жойни қидирувчиларни..

7

Энг муҳим жой. Бу жой бир йил бурун маълум бўлганди. Унга қадар бундан Исломбекнинг хабари йўқ эди. Исломбек ўша жой ҳақида, Дитрих томонидан отилган ўқдан Тиргартен хиёбонида йиқилиб қолган тунда Бергдан эшитганди.

Уни гестапога беҳуш ҳолида келтиришганди, ундан анча кўп қон кетганди. Врач уни ҳушига келтириш, Дитрих талаб этган «ишчи формаси» тиклангунча бир соатдан кўпроқ овора бўлди: ахир сўроқ фақат терговчи учун эмас, сўроқ берувчи учун ҳам иш эди-да.

Исломбекнинг яраси боғланаётган пайтда унинг ёнида Берг турганди. У Саиднинг кўзлари юмилаётганини кўриб: «Ухлама, ухлама!» деб турганди. Берг маҳбус уйқусираб ўзини тийиб туролмайдиган, айтимаслиги керак бўлган, умуман гапириш мумкин бўлмаган гапни айтиб қўймасмикан, деб қўрққанди. Врач беш-олти қадам наридаги стол устида турган кичик ванначадан шприцни олиш учун кетганида Рудольф энгашиб аста, лекин аниқ қилиб: «Сизни алоҳида ва-зифаларни бажарувчи махсус курслар — Ораниенбург қизиқтиради»,— деди. Врач бу сўзларни эшитмади, башарти, эшитган тақдирда ҳам эътибор бермасди, чунки оберштурмфюрернинг маҳбус билан суҳбатини терговнинг бошланиши деб тушунарди. Баъзан сўроқни жи-

ноятчи қўлга тушган жойнинг ўзида, ёки Дитрихдан ўқ еб касалхонага тушган жойда олиб боришарди. Берг яна: «Энг муҳими Ораниенбург... Гапимни эшитяпсизми?.. Энг муҳими...» дея олганди. Энг муҳими унинг миясига ўрнашиб қолганди. Лекин ўша муҳим нарса нима экан? Қандайдир ноаниқ, мужмал, ҳавойи гап. Бу гапнинг тагига сира етиб бўлмади. Саид баданига сал оби ҳаёт югурганидан кейин уни аниқлашга ҳаракат қилди. Ахир врач кетма-кет укол қилиб, ярадорга кўп миқдорда кўзғатувчи дори юбораётган эди-да. Баданига қувват оғриқ билан бирга кириб келаётганди, бу оғриққа чидаб бўлмасди.

Дитрих уни президентнинг уйида нега ўлдирмади, дарҳол тамомлаб қўя қолмади? Нега унинг зиналардан тушиб катта эшикларни, ўша катта, зилдай эшикларни очиб, кўчага, баҳор ҳиди анқиб турган тун қўйнига кириб кетишига йўл қўйиб қўйди? Қутулганига ишонсин, боққа, хиёбонга, тарвақайлаган дарахтлар остига кириб кетсин дедимикин? Эҳтимол, шу гапни деб, энг муҳим жойни деб шундай қилгандир. Аммо ўшанда Саид шундай жой борлигини билмасди. Ҳеч нимани билмасди. У қутулишни ўйларди.

Қочиш керак! Қочиш керак... Ўша дақиқаларда ўқдай отилиб қочиб қолишни истарди. Унинг кетидан кузатиб боришарди. Дитрих кабинетдан чиқиб кетган унтерштурмфюрерни кўрмай қолиши мумкин эмасди. Йўлаклардаги сон-саноксиз кузатувчилар ҳам кўрмаслиги мумкин эмасди. Ҳаммалари кўришган, ҳаммалари билишган, демак унинг кетидан кузатиб келишмоқда.

Бирданига у текширишаётганларини тушуниб қолди. Алоқачини билиб олиш мақсадида уни текширишяпти. Ўшанда жуда муҳим бўлса ҳам, ўша сўз йўқ эди. Ҳатто, Дитрихга ҳам маълум эмасди. Кейинчалик, штурмбанфюрер зўр бериб такрорлаган: «Исломбек, бу сирни кимга етказмоқчисиз? Сизни Туркистон миллий комитети президенти уйига ким юборди? Азизим Исломбек,

ахир сиз ҳаётингизни хавф остида қолдириб бўлса ҳам топган бу ҳужжатлар ўзингиз учун эмас, уй коллекция-си учун ҳам эмас-ку!» каби саволлари бор эди.

Эҳтимол, Дитрих бунини ўйлаши-ўйламаслигидан қатъи назар, ҳар қалай бир вақтнинг ўзида жуда муҳим сўз мавжуд бўлгандир, йўқ, қочмасдан, шошилмасдан, парқда аста одим ташлаб бориш керак. Ҳаво ҳам ажойиб экан. Эҳ, жин урсин! У мезбонлар ва меҳмонлар билан хайрлашмабди-ку. Бемаъни иш бўлибди: ҳатто деярли шомгача суҳбатлашиб ўтирган Ольшер билан ҳам хайрлашмабди. Палапартишлик қилибди. Тўғри, улар ҳам операцияларини яхши ўтказишмади, лекин бировларнинг хатосини такрорлаш керакмиди? Ё орқага қайтиб, пастдан, зинадан Ольшерга бош ирғаб қўйсинми. Эҳтимол, у майдончада кутиб тургандир, Хотиржамлик билан:

– Тунингиз хайрли бўлсин, гауптштурмфюрер жаноблари!— десам, жилмайиб қўйсам. Қўл силкитсам...

Саиднинг қизиби турган миясига ана шундай телба фикр келганида орқадан ўқ овози янгради. Кутилмаган бу ўқнинг энди кераги ҳам йўқ эди.

Қочиш керак! Яна ўша орзу. Қоронғиликка кириб, ғойиб бўлиш керак. Дарахтларни паналаб қочиб, жон сақлаш керак. У анавилар ўлдиришмоқчи эканини тунгунди. Дитрих ўлдиради. Бир вақтлар Берг: «Штурмбанфюрер ҳеч кимни тирик қўлга олмайди. Унга тирик кишининг ҳожати йўқ!..» деганди.

Яхшиси тўхташ керак. Кўзга яққол ташланиб турган кумли йўлкада тўхташ керак. Тун шундай ёруғки, у ҳатто олисдан ҳам кўзга илинади. Отманглар, ўз хоҳишим билан таслим бўламан, деган маънода тўхташи керак.

Иккинчи ўқ ёнидан ғизиллаб ўтиб кетди. Йўқ, барибир Дитрих уни ўлдиради. Унга тирик одамнинг кераги йўқ, аниқ гап шу!

Ҳар ҳолда қочгани маъқул. Қандайдир ҳаракат, ҳаёт учун кураш борарди... Рўпарасидаги қоронғи боғ гўё

қутқаришни ваъда қилаётгандай бағрига чорларди. Яна бир минут ёки, ҳатто бир соат тирик қолиб, нафас олиш мумкин. Бироқ у қочмади. У дарахтлар орқасига яшинишга улгура олмади.

Ораниенбург! Энг муҳим жой бу... Нега энг муҳим жой ва ким учун энг муҳим? Бу сўзнинг Исломбек учун ҳеч қандай қиммати йўқ. Минглаб бошқа сўзлар сингари у ҳам оддий бир сўз. Балки Берг учун аҳамияти бордир, ахир. У ўша кеча бу сўзни эсда сақла, деб тушунтирди-ку.

Уколдан кейинги дастлабки дақиқаларда тергов остидаги кишининг кўзларини қоронғилик босганди. Бу кўзларнинг нури кетиб, шишага ўхшаб қолганди, аммо аввалига шундай бўлганди, кейин кўзлари аста-секин равшанлашиб, эс-ҳуши жойига кела бошлади. Уни Дитрих пойлаб турарди, овчидек пайт пойлаб турди-да, шу ондаёқ матрабни ташлади.

– Қаерга бормоқчи эдингиз?

Саидга штурмбанфюрернинг овози секин эшитилди, бу овоз унинг ич-ичидан ғўнғиллаб чиқиб, Исломбекнинг кулоғига аранг урилди-да, тинди. У фақат: «Қаерга» деганини билди, холос.

Бемаъни, кераксиз савол. Ахир қандайдир муҳим, Берг айтган энг муҳим гап бор эди-ку. Нега Дитрих шу муҳим нарсани сўрамаяпти? Талаб этсин, шунда эҳтимол, Саид эслаб қолар, эслашга ўзини мажбур этар.

У бармоқлари билан столни урарди. Саид бу аниқ, бўғиқ овозни ҳам эшитарди.

– Қаёққа?

Соат тўртда берилган бу савол кейин бир неча кунгача тинмай берилаверди. Жавоб эса ўшанда, оғир ва беҳад чўзилиб кетган биринчи тундаёқ берилганди. Тунлар, эрта баҳорга хос бўлган тунларнинг ярми чўзилиб кетганидан узун бўлиб қолмай, балки Дитрих кабинетининг деразаларига тутилган қалин пардалар тонг нурини ичкарига ўтказмаганидан ҳам бу ер тунга,

ҳамиша тунга ўхшаб турарди.

– Уйга кетаётгандим... Шонгаузераллейга...

– Бугун-ку Шонгаузераллейга кетаётган экансиз... Ишонишим мумкин, ҳаттоки бунга ишонаман ҳам,— деди Дитрих аста Саиднинг ўхлаб қолмасликка уринаётганини кузатиб. Врач Фиттингоф тетиклаштирадиган дорини ушлаб, керак пайтда ярадорга ёрдам беришга шай бўлиб шу ерда турарди.— Эртага-чи? Эртага қаерга борардингиз? Дарвоқе, эртага кечиккан бўлардингиз. Негалигини ўзингиз ҳам фаҳмлаб турибсиз.

Буни Саид билмасди. Унинг қўлидаги ҳужжатда қандайдир сана, муҳим аҳамиятга молик бўлган аниқ сана кўрсатилган бўлса керак. Аммо у беҳабар эди, билиши ҳам мумкин эмасди. Чунки унинг қўлига сургичланган пакет беришганди, қўлга олиш вақтида уни шундоқлигича тортиб олинганди.

– Йўқ, ақлим етмаяпти.

Бу жавоб Дитрихга маъқул келарди. Пўлат сандикдан қоғоз ўғирланди, деб гап тарқатган Дитрих душманнинг бежо оёқ босишидан қўрқарди. Борди-ю, бу ҳужжатни Надия Аминова ёндириб юборгунга қадар, ундан нуха кўчиришга улгурган бўлиб, булар ҳаммаси фақат бир ниқоб, гестапони чалғитиш учун қилинган ҳаракат бўлса-чи? Ислombек санадан беҳабар, демак қоғоз ҳали беғона қўлга тушмаган, бу эса уни хотиржам қиларди.

– Ҳўб, шундай ҳам дейлик,— унинг жавобига қўшилди Дитрих.— Лекин сиз ҳар ҳолда бирор жойга боришингиз зарур эди... Ҳўш, қаерга?

– Ҳеч қаерга.

Тергов остидаги киши ўзини тентакликка солишини штурмбанфюрер ёқтирмасди. Бундай қилиш уни пастга урарди. У жавоб беришда оддий усул билан қутулишга бўлган ҳар қандай интилишни дарҳол кесиб қўярди.

– Сиз менинг саволимга тушундингизми?

– Албатта... Лекин қайтариб айтаманки, борадиган жойим йўқ эди.

Бир дақиқа аввал штурмбанфюрер стол устига мушт туширмоқчи эди. Бундай зарб маҳбусга кучли таъсир қиларди. Ҳамма вақт кучли таъсир қилиб келган. Аммо бу гал Дитрих мушт туширмади, умуман уни жойидан қимирлатмади ҳам. Унга қўрқитишнинг ҳожати йўқ эди. У бир янгилик топди. У шундай ажойиб янгилик эдики, эълон қилишга шошиб қолди.

– Сиз ҳеч қаерга боришингиз керак эмасди. Бирор жойга боришнинг ҳам фойдаси йўқ эди.

– Ҳа, фойдаси йўқ эди...— деди Исломбек ва ўзини стул суянчиғига ташлади. Тетиклаштирувчи дорининг кучи кета бошлади, у яна боши айланиб, ҳолсизланиб қолди.

– Фиттингоф!— бақирди Дитрих. Доктор маҳбуснинг танидаги жонни сақлаб қололмайди, деб қўрқиб бақириб юборди. Дитрих бақириб, асабийлашганини билдириб қўйди. Ваҳима кўтаришнинг ҳожати йўқ эди. Врачнинг ўзи Исломбекнинг ҳушидан кетаётганини сезиб, шприц билан унинг ёнига ғизиллаб бораётганди.

Ҳаддан ташқари ҳолсизланган танага йўғон нина тикқанда қаттиқ оғрирди. Олтинсимон қуюқ суюқлик томирларга тарқалгунча, ичида тинчлик билан ҳаракат, ҳа, фикрлар, ҳис-туйғулар исёни ўртасидаги кураш тингунча оғрийверарди. Ғойибдан, аллақаяқдан, олисдан яна Дитрихнинг овози эшитилди:

– Бирор жойга боришингизнинг ҳожати йўқ.

У бир пайтнинг ўзида ҳам тасдиқларди, ҳам савол берарди. Штурмбанфюрернинг овози паст, кескин, шприц уколларига ўхшаб ёқимсиз эди. Бу овоздан оғриқ пайдо бўларди, бу овоздан киши ташвишга тушарди, юраги эзиларди. Шу туфайли Исломбек Фиттингоф берган ўша кучни тўплашга ҳаракат қиларди, қулоғига чалинаётган овоздан қутулиш учун жавоб берарди.

– Мени топишади.

У бир лаҳзагина енгил тортиб тинчиди, кейин яна баданига оғриқ кирди.

— Ким?

Дитрихдан тезроқ қутулиш учун:

– Билмайман,— деди Ислombек.

Гестапochи ишонди. Жуда қизик, у ишонди, хатто аллақандай номаълум кишини билиш учун Саидга ёрдам бермоқчи ҳам бўляпти.

– Аввал сизни ким топганди?

Саид ҳаммасининг номини тилга олди, шу билан бирга ҳеч кимни айтмади. Чунки Дитрихга на Вали Қаюмхонлар, на Боймирза Ҳайитлар, на Людерзенлар, на Мустафо Чўқаевлар керак эди. Дитрих шу фамилиялар ва уларнинг лавозимларини ғазабдан юзини буриштириб эшитди. Унга Ислombекнинг ҳақиқий шериклари керак. Саид гауптман Ольшернинг секретари ва таржимони Надия Аминова номини эслаганида, гестапochи лабларини буриштиришдан тўхтаб, диққат билан кулоқ солди. Дитрих таржимон уйини тинтув қилганида, куйиб битаёзган, лекин шу воқеаларда муҳим роль ўйнаган бир ҳужжатни топиб олганди. Таржимондан бошланган алоқа занжири бошқа кишилар билан боғланарди. Лекин бу алоқа тўсатдан узилиб қолганди, Азиз Раҳмонга келганда узилганди, у энди тирик эмасди. Таржимон номини эслаш билан алоқа занжири қайта тиклана бошланди. Дитрих Надияга ёпишиб олди. Надияни шу очкўз қўпол гестапochига беришга тўғри келди. Ислombек деб ўз ҳаётини қурбон этган якка-ю ягона кишини бериш керак бўлиб қолди. Бундай қилиш беҳад оғир эди. Қурбон беришни эслаган ҳамон, Саид чўчиб тушди. Тирик бўлмаса ҳам, ҳа, тирик бўлмаса ҳам, шу ерда, қамоқда ётган ойларида унга ором бахш этган кишини Дитрихнинг қийноқ хонасига олиб келади. Ҳа, у Надиянинг номини, унинг хотирасини ҳақорат қилади, таҳқирловчи имо-ишоралари, сўзлари, полициячига хос синчковлиги, терговчига хос ҳаёсизлиги билан Надияга азоб беради. У Саид учун энг азиз бўлган ҳеч нимани аямайди. Ҳатто, Дит-

рихнинг ўзи эҳтиёткор, юмшоқ бўлса ҳам ҳеч нарса бу қийноқларнинг олдини ололмайди—тергов қонунияти шундай!

Гестапочи Надия номини такрорлаганда, Саиднинг юраги орқасига тортиб кетди. У яна янглишиб кетмай деб кўрқиб, бу номни авайлаб айтди, айтди-ю худди ўлжага ёпишган оч бўридай сирни билиб олишга уринди. У ўлжасига маҳкам ёпишиб, Саиднинг қўйиб юборишини кутиб турди.

Саид Надия билан ғойибона хайрлашди. Қилиб қўйган иши учун бутун қалби билан ундан кечирим сўради: бошқа илож йўқ эди. Энг муҳим жойга олиб бо-радиган йўлда Надия турарди.

Йўл эса машаққатли экан. Фақат Дитрих эмас, Саиднинг ўзи ҳам Надияни қийнади. Саид Надияга умрида қилмаган, қила олмайдиган ишларни айтиб қўйди. Ахир Надия нарисси билан бир таржимон-да, шу эсэсчилар машинасининг кичик бир винти, ювош, ёқимли фрейленда. Дитрих эса уни Туркистон муҳожирлар ҳукуматининг собиқ бошлиғи Мустафо Чўқаевнинг ишончли кишиси, инглиз махфий хизматининг агенти, деб биларди. Чўқаев Ислombекни Надия ҳузурига жўнатганди, Ислombек топшириқларни Надиядан олиб турарди, жумладан сўнгги топшириқни ҳам ўшандан олганди. Улар операцияга доир ишларни бўлиб олишганди. Башарти, Надия ҳужжатни қўлга туширолмаса, вазифани Ислombек бажариши керак эди. Надия ишнинг фожиали тугашини сезган бўлса керак, шунинг учун ўша ноҳуш воқеа юз беришидан бир кун аввал телефон орқали Саидга алоқа координатларини айтганди. Мана ўша: «Потсдамга бурилишга етмасдан икки километр берида. У жойда Ислombекни топиб олишадди. Кимлар топиб олади! Номлари айтилмаганди. Ўша номлардан таржимон ҳам беҳабар бўлса керак...»

Ривоят қисқа эди. Унга муносабат эса кенгрок эди. Ислombекнинг «таржимаи ҳоли»нинг икир-чикири-

гача, туғилган уйдан то Берлинда пайдо бўлишигача аниқлаш керак эди. Дитрих Исломбекнинг ўтмишига алоқадор ҳамма нарсани ўрганишга астойдил киришди. У ҳамма нарсани қайта-қайта текширар, таққослар, аниқлар эди. Агар энг муҳим масала ҳақида Саид ногаҳон оғзидан гуллаб қўймаганда, унинг «таржимаи ҳоли»ни текшириш узоққа чўзилиб кетиши мумкин эди.

Бу ҳол Саид гестапога келтирилганининг ўнинчи куни юз берди.

— Мени муҳим вазифаларни бажарувчи махсус курс — Ораниенбург қизиқтирарди...

У энди чўзиш мумкин эмас, деб ўйлаганди. Дитрих Майда-чуйдасигача муфассал текширишга киришиб кетди. Бу майда-чуйда уйдирмалар Исломбекка панд бериши мумкин. Тўсатдан панд бериб, Берг билан биргаликда тузган ҳимоя режасини бузиб юбориши мумкин. «Ораниенбург» номи сўнгги дақиқада, ярани боғлашаётганда Рудольф билан охириги марта сўзлашганида, сўроқ олдидан пайдо бўлганди. Эҳтимол, Берг «энг муҳим» жойдан қандай фойдаланиш мумкинлигини аниқлаб бермоқчи ҳам бўлгандир. Лекин Саиднинг «ихтиёри»даги вақт шунчалик қисқа эдики, бошқа гап айтиш мумкин бўлмай қолганди. Қачон ва қандай қилиб Дитрихга ҳузир беришни ўзи ҳал этиши зарур эди. Исломбек томонидан узилган сўнгги ўқ мўлжалсиз бўлиб, ҳавога кетганди. Ундан кейин нималар бўлиши маълум эмасди.

Натижа эса Саидни ҳанг-манг қилиб қўйди.

Дитрих тўсатдан сўроқни тўхтатди.

— Маҳбус камерага олиб борилсин!

Исломбек томонидан айтилган «Ораниенбург» сўзи билан навбатчи офицер келгунига қадар орадан ўтган ўн минут ичида Дитрих Саидга қизиқиб, худди кўзлари билан тешиб юборгудай бўлиб тикилиб ўтирди. Унинг кўзлари энди ўйнамас, учкун сочмас, балки то-

шдек қотиб турарди. Бу бағри тошнинг кўнглида нималар борлигини билиб бўлмасди, энг муҳими, бирон нимани пайқай олмайсан. Махбус эшик олдига етгунча ҳам Дитрих миқ этмасдан кузатиб ўтирди. У фақат тикиларди... Унинг қошлари қалин бўлиб, қора патак сочи жингалак, бўртиб чиққан дўнг пешанасининг икки чети тақир эди. Юқоридан қандилнинг ёруғ нури тушганда, бу пешана аниқ кўринарди. Ёруғликда хира йилтираётган териси гоҳ ёзилиб силлиқ бўлиб қолар, гоҳ бирпасда тиришиб қолар эди. Бир лаҳзада қошлари юқорисида, чаккаси ва кўзлари остида ажинлар пайдо бўларди. Ажин бутун юзига ёйилиб, ёноқлари ва ияги ҳам буришиб кетарди. Лекин бу ажинлар кексаликники ҳам эмас, сўлғинликники ҳам эмас, балки қайрағоч пўстлоғи каби таранг, қаттиқ. Бу ажинларда, фақат шу ажинларда ҳис-туйғу, ўй-хаёллар ифодаланган, бошқа жойидан ҳеч нимани пайқаб бўлмайди, лаблари қотиб қолган, сўзлаганда бу лаблар мурдаларники сингари аранг очиларди. Агар одамлар билан сўзлашишнинг бошқа усули бўлганида, у умуман, оғзини очмасди, ёки «хўш?!» деб қўйиш учунгина аҳён-аҳёнда очарди. У сўз савол маъносида ҳам, буйруқ маъносида ҳам, таажжуб маъносида ҳам, асосан талаб қилиниш маъносида ҳам қўлланиши мумкин эди. У эшитишни, фақат эшитишни севарди.

Яна унинг кўзлари ҳам бор эди. Доим ўйлаб турадиган бу кўзларидаги маънони кўриш ва англаш лозим эди. У билан кўп ва тез-тез гаплашиб турадиган кишилар аста-секин бу кўзларда нималар борлигини билиб оларди. Бу кўзларда мамнунлик ёки хафалик, ғазаб ёки шодлик ёниб турарди.

Суратидан ҳам синчковлиги аён бўлиб турарди. Ҳатто, шунда объектив олдида ҳам бирор нарсани кидираётгандай эди. Эҳтимол, одати шунақадир!

Шундай башаралар борки, улар ҳатто сурат нусхасида кишини чўчитиб туради. Кўзлари сизни кўриб тура-

ди, қарашлари у ёқ-бу ёғингиздан ўтиб кетади, нима-нидир талаб қилади. Ҳа, талаб этади, шунинг учун сиз беихтиёр ундан тезроқ қутулгингиз, суратни ағдариб кўйгингиз келади.

Бу — Дитрих.

— У бўри, уни кекирдагидан бўғиб олиш керак.

Берг Дитрих ҳақида шундай деган эди. Ҳозир штурмбанфюрердан сурати-ю, Берг томонидан тўпланган кичик папкадаги ҳужжатдан бошқа ҳеч нима қолмаганди. Дитрих Берлинда яшаб, гап сотиб, жим қолиб, жаҳли чиқиб, сўнгра шодланиб юрган пайтларида ҳам сурат шу ерда сақланар эди. Қамоққа олган, сўроқ қилган ва ўлдирган пайтда ҳам. Бу сурат папкада сақланиб, орқа томонида кимнингдир шоша-пиша «Курт Дитрих» деб ёзган ёзуви бор эди. Шу, холос.

Кичик бир варақ қоғозда Дитрихнинг белгилари ёзилганди.

— Ёши қирқ беш, қирқ еттиларда. Бўйи ўртадан баландроқ. Елкалари кенг, барваста, бақувват. Юзи япалоқ, ёноқ суяклари чиққан, безрайиб туради. Қовоғи солиқ. Кўзлари ўртача, кўйкўз. Кўзойнак тақмайди. Сочлари тикрайган, қуюқ, қўнғир. Қирра бурни пастга томон йўғонлашиб борган, тешиклари катта, кенг.

Махсус белгилари: чап қоши устида кичкина ғуддаси бор. Кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқларини доимо ўйнатиб туради.

Бўри, уни кекирдагидан бўғиб олиш керак... Нега Берг штурмбанфюрерга бўлган муносабатини ифода-лаб шундай дедийкин?

Ўз схемасини Туркистон миллатчилари бошлиқлари, аввало, Чўқаев фаолиятига қаратиб тузган Дитрих энди факт-воқеаларни уларсиз тасаввур қилолмасди. Дитрих беихтиёр уларни Британия разведка хизмати ва Туркистон муҳожирлари орасида яхши ўрнатилган муносабат системасига киритганди. Мустафо Чўқаевнинг роли ва имкониятларига ҳаддан ортиқ баҳо берган штур-

мбанфюрер ҳамма ишда «унинг қўли» бор, деб биларди. У шундай бир мушкул аҳволга тушиб қолгандики, энди ундан осонликча чиқиб кетолмасди. Ҳатто, юз берган воқеалар схемага зид келган пайтда ҳам, у бу воқеаларга ўз нуқтаи назаридан баҳо берарди, фактларни гоҳ маъқуллаб тўпларди, гоҳ уларни тасодифий, деб рад этарди. Бўри ўзи қўйган ола-була байроқчалар тизмаси ичида айланарди. У ўзини тўрт томонга уриб, ҳолдан тоярди, ҳақиқий аҳволни тасаввур қилолмасди. Уни қўлга олиш мумкин эди.

Куруқ қўл билан-а? Берг хотима қисмини осон, деб ўйламадимикин-а? Ахир унинг ўзи штурмбанфюрерни тажрибали, узоқни кўрадиган терговчи, деб таърифлаганди-ку.

Мана бир неча характеристика:

– Жуда совуққон. Ўз совуққонлиги билан одамни эзиб, бўғиб туради. Башарти, унинг гарданига тўппонча тираб турилса ҳам пинагини бузмайди. Дитрих ҳарбий заводда тайёрланаётган қўпоровчилик тўғрисидаги хабарни кечикиб маълум қилганлиги учун уни Кальтенбруннер отиб ташламоқчи бўлганди. Махфий ҳукм чиқарилган бўлса ҳам Дитрих саккиз кун хизматига бориб юрди. Ҳукмдан унинг хабари бор эди, шундай бўлса ҳам ишини хотиржам қилаверди, маълумотларни, докладларни тинглади, уларни ўрганди, бартараф этди, ҳатто ҳазиллашди. Сўроқ ҳам қилди.

Яна:

– Ҳа, фавқулодда у чидамли, ўзини ўққа уради. Биз қуролланган группани қўлга туширмоқчи бўлгандик. Шунда Қарға (яъни Дитрих) биринчи бўлиб олдинга ташланди. Унга қараб ўқ узишарди, у эса энгашмасдан чопиб келаверди. У балойи азим.

Дитрих масалани синчиклаб текширарди, таҳлил қиларди, умумлаштирарди. У билан Берг орасида шундай гап бўлувди:

– Биз билан сиз учун энг муҳими — душманнинг

мақсадини билиш, шунда биз душман қайси йўлдан бо-
ришини билиб оламиз. Ўша йўлни кўрамиз.

– Ўша йўлда дўстлар ҳам дуч келиши мумкин.

– Унинг аҳамияти йўқ. Ҳаммасини тутаверамиз.
Ўшалар орасида душман ҳам қўлга тушади.

Бель-Альянсштрасседа Хендриксен ўлдирилганда
Дитрих худди шундай иш тутганди. Хендриксеннинг
ёнига алоқа боғлаш учун ким келишини штурмбанфю-
рер билмасди, лекин қабристонда бўлган ҳамма одам-
ни қўлга олаверди. Қамоққа олинганлар орасида Саид
Исломбек ҳам бор эди. Бу гал Дитрихнинг тутган йўли
тўғри чикди.

Яна бир гап:

– Агар сиз бир кишидан шубҳа қилсангиз, бутун тўпи
билан йўқ қилинг. Бутун уяни. Ҳа, бутун уяни...

– Башарти, душман бошқача йўл тутса-чи, уя
қурмаса-чи?

– Бундай душман хавфли эмас. Унинг устида бош
қотириб ўтирманг. Ўзини ўзи фош этади. Унақаларнинг
кун кўриши қийин. Унақалар ё ўлади, ёки таслим бўла-
ди.

Камдан-кам таслим бўлишарди. Айримлари сира
таслим бўлишмасди. Ҳеч ким бошқача йўл тутмасди.
Агар бошқача йўл тутса, Дитрихнинг эътиқодига зид
равишда яшайверарди. Ахир ўша Чўқаев яшади-ку.
Туркистонда «Қўқон мухторияти» мавжуд бўлган давр-
да, 1918 йилдаёқ инглиз агенти бўлиб олган Муста-
фо Чўқаев ватанини тарк этиб, абадий муҳожир бўлиб
олганди. У Туркия, Польша, Германия, Францияда бош-
пана қидириб юрди. Ўз атрофига миллатчи мусулмон-
ларни тўплади, Мюнхен, Берлинда муҳожирларнинг
газета ва журналларини нашр этди. У германия поли-
цияси унинг Буюк Британия махфий хизмати билан
алоқаси борлигини билишига қарамай, гестапо томо-
нидан тўпланган маълумотлар кўпайиб, ниҳоят «Чўқаев
иши» муқовасига Дитрих томонидан: «С» группасига

киритилди. Фавқулодда ҳолат юз берган тақдирда 632-Ф буйруғи қўллансин», деб ёзиб қўйишига қарамай, яшаб ишини қилаверди. Ҳатто, 1940 йилда Франция учун даҳшатли воқеа юз бериши арафасида «Иккинчи навбатда 48 соатдан кечиктирмай!» деган сўнги ёзишма мавжудлигига қарамай у бемалол юраверди.

Бу ёзишма эса буйруқ эди. Лекин у, яъни «Сикрет интеллидженс сервис» агенти, Туркистон миллатчиларининг бошлиғи Мустафо Чўқаев яшай берди. «Душман» шундай шароитда, Дитрих айтганидек, бошқача йўл тугиб ҳам кун кечирди, яшади, таслим ҳам бўлмади.

Эҳтимол, гестапо ҳукмидан беҳабар бўлганлиги учун ҳам таслим бўлмагандир. Хабардор бўлганидан кейин эса Дитрихнинг тутган йўли амалга оширилди, оширил-ганда ҳам қойил қилинди. Париж олингандан кейин қирқ саккиз соат ўтмасданок, Сюр ля мернинг ям-яшил, тинч Нажанта кўчасидаги ҳовли олдига ёпик машина келиб тўхтади, ундан икки эсэсчи сакраб тушди.

— Сиз қамоққа олиндингиз!

Тутқунлик... Чўқаев баъзан, сиёсий арбоб ва чет эл агенти шу тутқунликка дучор бўлиши мумкинлиги, ҳатто шартлигини, аммо улар фақат тахмин бўлиб, амалда юз бермаслигини ўйларди. Муҳожирнинг тасодиф ва қайғу-аламга тўла мураккаб ҳаёти уни кўп нарсага ўргатди, кўп нарсага дуч келтирди, аммо у эркинликни қўлдан бермади.

Чўқаев ўша қирқ саккиз соат ўтмасданок Парижга келтирилди ва кўплаб французлар ҳамда бошқа миллат кишилари билан биргаликда марказий қамоқхонага ташланди. Маҳбус кийими Чўқаевга ярашмади, унинг ўзига ҳам ёқмади. Бошқа миллатчи хоинлардан кўра у олдинроқ гитлерчилар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги мажбуриятга имзо чекди. Ўйлаб кўриш учун Чўқаевга йигирма тўрт соат муҳлат беришди, лекин у чошгоҳдаёқ СС Бош бошқармаси вакили хонасига

олиб боришни илтимос қилди. Дарвоқе, бу вакил «Тюркосттелле» бошлиғи гауптштурмфюрер Рейнгольд Ольшер экан.

Чўқаев таслим бўлди. У бошқача усулда яшай олмасди, унақага уқуви йўқ эди.

Бўри инсоннинг заиф томонини яхши биларди, изни яхши сезарди ва ўлжасига вақтида ташланарди. Ташланганда қаттиқ олишарди. Қирқинчи йилда Чўқаев Дитрих чангалидан қутулиб кетганди. У қутулиб кетдигина эмас, балки бехатарлигига ҳам ишонди, Ольшер паноҳида энди менга ҳеч нима таҳдид қилмайди, деб ўйлади. Ҳаётда омади келиб турганига ўрганиб қолган сиёсий корчалон калтафаҳмлигига бориб ана шундай фикр юритарди. У қирқ иккинчи йилда гестапонинг ўша аввалги ҳукми билан ҳалок бўлди. Буни Вали Қаюмхон амалга оширганди. «Сикрет интеллидженс сервис» агентини «Гехейм статс полицай», яъни Дитрих агенти ўлдирди. Бўри қоннинг таъминини сезар ва қурбонининг бўғзини ғажиб, ҳузур қилар эди. Чўқаев занжирнинг боши эди. Бир ой ўтгач, Дитрихнинг ўқи Хендриксенни қулатди, сўнгра Азиз Раҳмон машинанинг тагида қолиб ўлди, Надия Аминова ўзини ўзи ўлдирди. Саид Ислombекнинг ҳам вақт-соати яқинлашди. Унга Дитрих ўқ отди, лекин бу гал штурмбанфюрер мўлжални аниқ ололмади. «26 нчи» ўлмади ва гестапочини жуда чигал калавани ечишга мажбур этиб қўйди. Аслини олганда, бу — Дитрих ичида айланиб ётган ўша байроқчалар ҳалқаси эди.

Ислombек бўрини қўлга олиши керак эди. Берг шунга жазм қилганди, марказ ҳам буни маъқуллаганди. Бу иш бирор бетараф жойда эмас, гестапонинг ўзида амалга оширилиши керак эди. Куруқ қўл билан қўлга олиш зарур. Демак, куч, ишлатмасдан олиш керак. Дитрихнинг ўзи таслим бўлиши лозим...

Уни бугун иккинчи марта камерадан олиб чиқишди. У мени яна сўроқ қилишга олиб боришяпти шекилли, деб ўйлади. Чунки бошқача ўйлаши мумкин эмасди — эрталаб Дитрих билан бўлган суҳбат охирига етмаганди. Анча илгари бошланиб, тугай деб қолган суҳбат ҳамон поёнига етмасди.

У эшикдан ўтиб, чапга бурилиб, зинага кўтарилмоқчи бўлиб бораркан, шу ҳақда ўйларди, лекин кузатиб бо- раётган эсэсчи уни тўхтатди. Тўхтатиб, ўнг томонни кўрсатди. Бу янгилик ва тасодифдан Саиднинг аъзойи бадани титраб кетди. Воқеаларнинг бир текисда кетиши бузилди, бузилиш эса дарҳол қаёққа, нега, нима сабабдан? — деган юзлаб ташвишли саволларни келтириб чиқарарди.

Жавоб шу жойнинг ўзида, эшик орқасида, назорат жойи орқасида берилди. Атрофи баланд ғишт девор билан ўралган ҳовлининг тош ётқизилган майдонида маҳбусларни ташийдиган ёпиқ машина аста ғириллаб турарди. Унинг ёнида паканагина унтершарфюрер тоқатсизланиб оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига ташлаб Исломбекни кутиб турарди. У ўзининг юмалоқ кўзойнаги орқали маҳбусга ғайритабий тикилди-да, сўнгра, хайрон бўлиб чўзиб деди:

— Ҳа-а?!

У худди бир таниш кишисини кутаётгандай эди, лекин беҳуда кутганига ишонди, нотаниш бир маҳбусни олиб чиқишибди, бунинг устига маҳбус немис эмас.

Саид ҳам унтершарфюрерга тикилиб қаради. Унинг юз ифодалари ва кўзларидан ўзига нима тайёрлаб қўйилгани ва маҳбуслар машинаси уни қаерга олиб боришини билмоқчи бўлди. Билолмади. Кузатувчининг кўзларидан ҳеч нарсани — бўлажак саёҳатнинг сирасрорларини билиб бўлмасди.

Унтершарфюрер навбатчи берган қоғозга имзо чекди, сўнгра қаноат ҳосил қилмагандай бош чайқаб,

қоғозни қайтариб бераркан, хомуш деди:

– Битте!

Хавонинг қовоғи солиқ эди. Саид болалик чоғидан ёдида қолган осмонни — кўм-кўк осмонни кўрмади, ҳозир булутлар сузиб юрарди. Камерада ўтказилган кеча ва кундузга ўхшаш нохуш, кулранг булутлар. Булутлар корпусларнинг юқори қаватлари пайдо қилган квадратлар устидан шошиб сузиб ўтарди.

– Битте!—қайтарди унтершарфюрер ва тоқати тоқ бўлганини ифодалаб, қаншаридаги катта кўзойнагини тузатди.

Машинага чиқиш керак эди. Оддий, табиий ҳаракат Саидга тўсатдан рамзий қадамдай туюлди, у сўнгги қадамни ўйлади. Эшик очик, унга қоп-қора ўпқон мунтазир эди. Ўпқон ичида гестапонинг ички қамокхонасидан олиб чиқилган кишилар учун жой тайёрлаб қўйилган.

Саид оёғини зинага чўзди, бор кучи билан унга оёғини тегизди, фақат тегизди-ю, аммо қўя олмади. Гавдаси худди тиргаги олиб қўйилгандай қаёққадир кийшайиб кетарди, боши ғувилларди.

Уни эсэсчи ўтказиб қўйса керак. У сўкиб-сўкиб ўтказиб қўйди. Машина эшиги ёпилиши билан қоп-қоронғи бўлди. Дим, қоронғилик, хаво ҳам худди ёруғлик билан йўқ бўлиб кетгандай. Лекин кишига шундай туюларди, нафас олиш ҳам мумкин эди, озгина ёруғлик тушиб турарди. Ингичка, хира ёруғлик эшикнинг кичкина тешикчасидан ўтиб, Саиднинг кўз қорачиғига тушди-да, бир лаҳза унинг кўзини олди. Саид у ёқ-бу ёғига қараб аста эшакка ўтирди. Ёруғлик эса қаршидаги деворга етмай, камеранинг ўртасига келиб тугади. Унинг орқасида, шу девор орқасида мотор ғувиллади, нимадир ғижирлаб, чийиллади, бу ўриндиқнинг пружинаси бўлса керак. Унтершарфюрер шофёр ёнига ўтирди шекилли. Кабина эшиги ёпилди, худди акси-садодек, камеранинг ташқи эшиги ҳам тарақлаб ёпилди, ширқ этиб қулфланди.

Машина ҳовлига ётқизилган тошлар, қорайиб кетган тошлар,— бу Саиднинг эсида бор, — устида тебраниб дарвоза томон йўл олди. Қандай дарвоза эканлигини Саид билмасди, чунки у бу дарвозаларни ҳеч вақт кўрмаганди. У ҳозир икки томонга секин очилаётган икки тавақали зилдай эшикни, бу эшиклар бир дақиқадан сўнг яна ёпилиб, бу ҳовлини, минглаб деразалари панжарали шу ғиштин уйларни ёруғ жаҳондан ажратиб қўйишини кўз олдига келтирди. Тавақалар очилди, аммо Саид темирларнинг ғижирлашини, илмоқларнинг чийиллашини эшитиши керак эди, бироқ у бу хил овозларни эшитмади, темир дарвоза ғижирламади ҳам, чийилламади ҳам. Машина бир-икки марта тебраниди, шарақ-шуруқ қилмай асфальтдан ғизиллаб кетди.

Кўча!

Бу кўчада одамлар бўлса керак. Улар ғам-ташвиш, кўрқувдан у ён-бу ёнга шошилиб боришаётгандир. Улар маҳбуслар машинасига қарашмасдан, шундоққина ёнидан ўтиб кетишаётгандир. Унда ўтирган одамни хаёлларига ҳам келтирмаётгандирлар. Саид ўзини бутунлай танҳо, унутилган, ҳеч ким учун кераги йўқдек ҳис этди. Ҳаммасидан оғири ҳам ана шу яккалик туйғуси эди.

Саид гестапода ойларни ўтказиб, умри охирлашиб қолганини ҳис этишга одатланиб қолган бўлса-да, ўлими йўламасди. Ўлими яқинлигини ҳис этса ҳам, аммо тўсатдан бўлишини билмасди. Исломбекка қизиққан штурмбанфюрер, унда сўнгги кунга ҳали кўп вақт бор, унгача унча-мунча яшаш мумкин, деган умид, ишонч туғдирган эди.

Ўша кун келармикин? Берг бор, яна кимдир бор, ле-кин битта бўлмаса керак, улар Саидни ёруғ жаҳон билан боғловчи жўшқин, жонли алоқа ипини ташкил этади. Улар Саид келган ва албатта қайтиб бориши лозим бўлган юрт билан боғлаб туришади. Бу ип уни ҳамма нарса билан таъминларди, ҳатто қалбини орзуга тўлдирарди. Бергнинг ўша йўлақларда, ўша зи-

наларда юриши, Саид сингари Дитрих билан гаплашишганлиги ҳам маҳбустга ишонч, ирода бахш этади. Бергга сира иккиланмасдан, чин қалбидан ишонарди. Саид вақт қанчалигини билмай, соатлаб у билан хаёлан суҳбатлашарди. Саиднинг назарида дўсти сўзларини эшитаётгандай, тушунаётгандай, ҳатто овозини чиқармай жавоб қайтараётгандай туюларди.

Гестапочининг қора плашини кийиб олган ориқ ва совуқ Берг шуларни билармикин? Бағритош бу одам ташқи қиёфаси билан Дитрих ва Ольшердан деярли фарқ қилмасди. У, Саиддаги кўтаринки руҳни, шарқ одамларига хос жўшқинликни, ҳатто ўлимни ҳам жим туриб қабул қилишини билармикин? Наҳотки, Берг Исломбек билан тасодифан гестапонинг қоронғи лабиринтида бир лаҳза учрашган вақтда унинг кўзларидаги шодлик аломатларини сезмаган бўлса? Сезмаган бўлса керак. Чунки учрашув дақиқалари жуда қисқа бўлиб, икки сафдошнинг уриб турган юраги, тақдири ҳис-туйғуларини изҳор этишга қўймаганди, фақат шуниси аниқки, сафда турибмиз, демак курашяпмиз деган маънони англашди.

Бирор хилват жойда сокинликка қулоқ солиб, уни ҳис этиб, юракдан хотиржам суҳбатлашиш уларга насиб қилмаганди. Оддийгина, у ёқ-бу ёқдан, шу билан бирга, ё баландпарвоз сўзлар, ё энг кичик, энг арзимаган сўзлар билан гаплашишга муяссар бўла олишмади, ҳатто бир-бирига илжайиб қўйиш ҳам, индамай қараб туриш ҳам пешаналарида йўқ экан.

Пешанада йўқ экан... Энди ўйламаса ҳам бўлади. Саид машинага ўтираётиб шуни тушунди: Берг гестапонинг кулранг деворлари ичида қолди. Саид эса уни тарк этди. Бир лаҳза назарида уни ёруғ жаҳон билан боғлаб турувчи ип узилаётгандай бўлди. Бергга боғланиб турган барча майда-чуйдалар узиляпти.

У ўзини умрида биринчи марта шунчалик ёлғиз ҳис этиб, аъзойи бадани музлаб кетди. «Наҳотки, у менинг

қаердалигимни ва қаерга олиб кетишаётганларини билмаса?»

Билади!

Билади... У шуни такрорлади-ю, ўзини хотиржам ҳис этди, бироқ бу оғир, ҳамма ёғини зирқиратиб, шубҳага солаётган бўлса ҳам, ҳар қалай хотиржам бўлди.

Улар узоқ, жуда узоқ юришди. Машина шаҳардан чиқиб, қаердадир, Берлиндан ташқарида ўқдай учиб борарди. Саиднинг хаёлидан ёмғир шариллаб уриб турган далалар, томи баланду ўзи паст уйлар — Брайтенмарктга борганида бир неча марта кўрган манзаралар ўта бошлади. У, ҳатто мени худди ўша ёққа олиб кетишяпти, деб ўйлади.

Машина тўхтади, яна йўлга тушди. Яна тўхтади. Кимдир шофёрни чақирди, кузатиб бораётган офицердан пропусқа талаб этди. Шундан кейин машина озгина қимирлади-да, жим бўлиб қолди, мотор ўчди, соқчилар чурқ этмасди, шофёрнинг остидаги пружина эшитилар-эшитилмас ғижирлади. Шу жимжитликда қулфнинг қаттиқ шарақлагани эшитилди. Эшик ланг очилди-да, Саиднинг димоғига октябрь ойининг нам ҳавоси билан қамокхонанинг кўнгилни айнитувчи тахир ҳиди урилди. Шундан кейин, у нина баргли дарахтлар ва қовжираган баргларнинг ҳидини сезди. Япроқлар шу яқин ўртада шамолда шивирлашарди...

Ёруғлик шунча куйсиз эдики, у камера қоронғилиги билан қўшилиб, сингиб кетгандай эди, деворлар ҳам хира, йўл-йўл бўлиб кўринарди.

— Шнель!

Бу машинага ўтираётгандаги юмшоқ ва такаллуф билан айтилган «битте!» эмас, балки кишини сесканиб тушишга мажбур этадиган кўпол, дўриллаган «шнель» эди. У шу йўлга қадам қўйганидан бошлаб лагерларда ва бошқа босқичларда эшитган таниш сўз бу. Бу ништарли сўз кишиларни у ёқдан-бу ёққа ҳайдарди, уларнинг кучига куч қўшарди.

У машинадан анча дадил тушди. Нимадир унга бу ерда биринчи кадамингга қараб муомала қилишади, шунинг учун чайқалма, чекинма, кейин қайтиб ўрнингдан туrolмайсан, ҳар қалай сени кўтариб ҳам қўйишмайди, дегандек бўлди.

Саид машинадан тушди-ю, ҳеч кимга қарамай иложи борича дадил кадам ташлаб кетди. У яшашни истарди.

Унтершарфюрер келтирган пакетда нима дейилганидан беҳабар эди, уни ўлимга маҳкум этилган дейишарди.

Кечқурун унга бу жой Заксенхаузен лагери эканлигини айтишди.

Бу ернинг деворлари устига икки қатор тиканли сим тортилган бўлиб, узунасига ҳар юз метрда пулемёт қўйилган минора бор эди. Деворлар ичи шаҳарча экан. Одатдаги уйлар ўрнида бараклар қурилган шаҳарча. Бараклар оралиғида кўча ўрнига йўл қолдирилганди. Саидни шундай кўчаларнинг биридан учинчи блоккача ҳайдаб бориб, навбатчига топширишди.

Навбатчи:

– Нега тамға босилмаган?— деб сўради.

Жавоб ўрнига:

– Ҳожати йўқ,— деган дағал гапни эшитди. Заксенхаузен «Фриденталь» қалъасининг қўшимча иш жойи бўлиб, «Ораниенбург» комплексига кирарди. Буни ҳам Саид кечқурун билди. Бу номларнинг бир-бирига мос келиши кишини ҳайратга соларди. Ахир ўша март ойи тунида Исломбекка айтилган энг муҳим жой «Ораниенбург» деб номланганди-ку. Уни шу ерга жўнатишибди, у мўлжал бўйича шу ерга келиши керак эди. Калака қилишяптими ёки атайлаб шундай қилишяптимикин?

Нима бўлса бўлаверсин, кураш бўлса бас!

Бенъяминово ва Легионовода лагерь шароити билан таниш бўлиб қолганлиги учун бу ер уни ҳайратга

солмади. Навбатчи эсэсчи бақирғи билан узунасига тизилган махбусларнинг хира соялари, уларнинг дармонсизликдан, ҳорғинликдан тебраниб, плац бўйлаб лентага ўхшаб туришлари, нимагадир Саиднинг кўзига иссиқ кўринди. У ўзини бахтсиз, қаноти қайрилган қушдай ҳис этди-да, маъюс бўлиб сафга турди. Намгарчиликдан чириб-тўзиган кийимларнинг нафасни қайтарадиган қўланса хиди уни жиркантирмади, тескари ўтирилишга мажбур этмади; аксинча ичини туздай ачиштирди. У ҳозир майдонда турган одамларга қараганда ўзини енгилроқ, эркинроқ сезарди, чунки у курашни ўйларди, хаёлан бу курашни бошлаганди. Курашни ҳис этмоқ эса, яшаш шароитига алоқадор бўлган нохуш ва баъзан кишини азобга солувчи майда-чуйдаларга берилиб кетишдан сақлайди. Овқат тақсимоти устидан назорат қилиб турган эсэсчининг юзига сочиб юборилса ҳам бўладиган шолғом шўрва қанчалик суюқ, расво бўлмасин барибир, Саиднинг кайфиятини бузмади. Бошқалардек, у ҳам шўрвани бир кўтаришда ичиб юборди, маза-матрасиз овқатни узоқ ичиб ўтиргандан кўра, бирданига ютиб юбориш осонроқ бўлади. Саид ичида гестапода дурустроқ боқишарди, деб қўйди. Бу тушунарли, чунки у ерда тергов манфаатлари учун ҳаётни, кучни сақлаб қолишга ҳаракат қилишарди. Саид тахталари сассиқ, аллақандай аччиқ дезинфекция дорисининг хиди ўрнашиб қолган, дим, юпқа, похол тўшалган, тирик жон кўрса капалаги учиб кетадиган сўрига ҳам индамай чиқиб олди. «Буларнинг ҳаммаси вақтинча, — деди у ичида пайдо бўлган норозиликни босиб.— Оловни бекордан-бекорга сарф қилиб бўлмайди. У келгусидаги ишлар учун керак...»

Одамлар сўрига ўзларини ташлашлари билан дарров ухлаб қолардилар. Улар худди ўлганга ўхшардилар, нафас олаётганликлари ҳам эшитилмасди. Саид ухламади. У кўзларини юммай, узоқ ўйлаб ётди. У яна уни Заксенхаузенда нималар кутаётгани, кураш қандай

бўлишини ўйларди. У курашни шундай соғинган эдики, жой алмаштиришнинг ўзи унинг асабларини қўзғаб юборганди.

У эрталаб ўйғонганида ҳам шунга илҳақ эди, шу илҳақлик билан нарядга чиқди. Уни ишга олишмади, чунки ҳали расмийлаштирилмаган, номери ҳам йўқ эди, соқчи эса номерсиз группага қабул қилмасди. Саиднинг ўзи илтимос қилди, маҳкам туриб олди, шундан кейин уни ҳам олиб чиқиб кетишди, тушунуш ҳам қийин, ўрмонданми, паркданми ўтишлари билан қалъага — атрофи уч метрли бетон девор билан ўралган, катта қувватли электр сими тортилган ва пулемётлар қўйилган қалъага олиб боришди.

Кечагига ўхшаб бугун ҳам на қуёш бор, на соя. Осмонни қорамтир кулранг булут босганди. Булутлар паст бўлиб, худди кекса қайрағоч ва арчаларнинг учига тегиб тургандек эди. Паға-паға булутлар қуёшни, мовий осмонни тўсиб, уларни кўришга халақит берарди, бундан эса Саид хафа бўларди. Ҳамма бошини қуйи солиб борарди, Саид эса бошини баланд кўтариб, бетон деворлар билан қуршалган қалъани тезроқ кўрмоқчи, эсда сақлаб қолмоқчи бўлгандек, рўпарасига тикиларди.

Фриденталь! Саид чиндан ҳам ошиқар, ичида шалвиллаб секин бораётганларни қистарди, соқчининг судраб босаётган вазмин этикларидан ғазабланарди. Маҳбусларни ичкарига киритишдан олдин уларни ивирсиб, шошмай санаётган дарвоза олдидаги соқчидан жаҳли чиқарди.

Саид Фриденталда ғайритабиий бир нарса бўлишини кутарди. Хавфсизлик хизматининг сирли маркази мана шу ерда экан. Бу жойнинг тилга олинишиёқ, Дитрихни сўроқни тўхтатишга мажбур этганди.

Мана, ўша қадимий боғ. Кекса боғ. Шунинг учун кекса эдики, куз фасли бўлиб, япроқлар сарғайиб қолганди. Маҳбуслардан икки киши худди ўз юзларига ўхшаб ранги ўчиб кетган япроқларни йўлкалардан қўрқа-писа су-

пуриб, бир ерга тўплашар ва қопга тиқишар эди. Қайин ва қайрағочларнинг тўкилган япроқлари кимгадир зарур бўлса керак, кимнидир иситиб тўйғизарди.

Чапда, колонна олиб борилаётган томонда тош ва ёғочдан қурилган бараклар кўп эди. Уларнинг бир қисми ер устида бўлиб, бир қисми ер остида эди, том тагидаги кичкина хира деразалардан одамларнинг оёқларигина кўринарди. Ер тагида нимадир бир текисда тақиллаб, гувилларди. Бу овоз паст эди, қум ва тош қатламлари остидан бўғиқ, аранг эшитиларди. Уни эшитиш учун қулоқни динг қилиш керак эди.

«Муҳим ишларни бажарувчи махсус курс! Наҳотки, шундай зиндонларда бирор нарсани ўргатишаётган бўлса,— ўйлади Саид.— Бу ерда ишлашяпти. Фақат иш-лашяпти».

Ўнг томонда боғнинг у бошидан бу бошига қараб кетган узун йўлкалар бор эди, йўлкалар жимжит, сокин эди. Йўлкалар тепасида ҳали узилиб тушмаган сўнгги япроқлар шивирларди, узоқ-узоқлардан итларнинг во-виллагани эшитиларди. Булар овчаркалар, Саид улар-нинг овозларини яхши биларди.

Колонна бараклар томон борарди, то етиб боргунча Саид ниманидир кутди. Колонна олисдаги чала бино олдида тўхтади. Унинг назарида кутган нарсаси ҳозир юз берадигандек туюлди. Тошларни таший бошлашди. Саидга замбил беришди, у замбилни орқасидан кўта-радиган бўлди. У шалпанг қулоқ, тепакал бир поляк-нинг букчайган елкасига қараб, одимлаб борарди. У полякка қараркан, яна ниманидир кутарди. У куни билан замбил ташиди, куни билан ҳамма нарсага разм солиб юрди, учрашолмай қоламанми, деб чўчиди. Бир кунда у кўп нарсдан хабардор бўлди: баракларда нималарни-дир чоп қилишаркан, дастлаб боғлашаркан, санашар-кан. Маҳбуслар ишлашарди, лекин колонна билан ке-либ, қалъадан колонна бўлиб чиқиб кетадиганлар эмас. Бошқалар. Уларни бу ердан чиқаришмасди. Ҳеч қачон

чиқаришмайди.

Эхтимол, урушдан кейин чиқаришар...

Поляк шивирлаб тушунтирди:

– Пул босишяпти.

– Пул! Шунинг учун қалъани шундай қаттиқ қўриқлашаркан-да.

– Немис пули эмас.

– А?!

– Бу ерда ясалаётган нарсаларнинг биронтаси немисча эмас... Ҳатто, паспортлар ҳам...

Кейин поляк қалъа томонга имлади.

– Анави томонда турганлар ҳам немислар эмас, ҳар ҳолда кийимлари немисча эмас. Мен ўзимизнинг полякларни, чехларни ҳам кўрдим. Ҳатто, бир марта инглизни ҳам кўриб қолдим...

Ҳа, бу ерда бирор нарса ҳам немисча эмасди!

Исломбек бу янгиликни жон қулоғи билан эшитаркан, илҳақ бўлган нарсасини қидираверди. Унинг ёнига кириб келса, Саиднинг назарида кутган одами шу кишидай бўлиб туюларди. У маҳбусларни очикдан-очик қизиқиб кузатаётганидан улар ҳайратланар, саросимага тушар эдилар. Кечга бориб, ҳафсаласи бир оз совида, лекин Саид бирор кишидан бирор гап эшитиб қоларман, деб умидини узмади.

Эртаси эрталаб у яна ҳаяжонлана бошлади. «Кеча-ку ҳеч гап бўлмади, аммо бугун бирор гап бўлади,— дерди ичида у.— Дитрих мени бошқалардан ажратиб қўйиш учун Заксенхаузенга юбормаган бўлса керак». У ҳамон кузатувчи унтер олиб келган пакет ҳақида ҳеч нима билмасди.

Плацда кечаги ҳол яна такрорланди — соқчи уни ишга олиб боришдан бош тортди. У яна ялинди-ёлворди, хиралик қилиб колоннага кириб олди.

Бу кун ҳам худди икки томчи сув каби кечаги куннинг ўзи эди. Улар боққа киришди, чапга, барак томонга қайрилишди, тош ташишга киришишди. Машина-

ларнинг ер остидан чиққан гуриллаши, тақиллаши ва шарақлашига илгаригидек қизиқиб кулоқ солилмади. Бугунги янгилик шуки, ҳаво тревогаси бўлди. Бу рамзий тревога эди: маҳбусларни ҳеч қаёққа олиб борилмади, фақат ерга ётишни буюришди. Самолётлар пастлаб учиб ўтишди. Фриденгалга бирорта ҳам бомба ташлашмади, лекин орадан йигирма минут ўтар-ўтмас, Берлин томондан портлаш овози эшитилди.

— Булар инглизлар ёки америкаликлар бўлса керак,— деди поляк ишонч билан. Улар бугун ҳам бирга замбил кўтараётган эдилар.— Руслар энди шимол томондан учишмайди. Уларнинг яқинроқ йўли бор...

Боққа бир неча офицер чопиб кирди. Дарахтлар тагида бомбалар овозини тинглашди-да, овоз тингандан кейин машинага ўтириб, шаҳарга жўнашди.

Кечқурун Саид сўрига чиқиб ётди. Энди у илҳақ бўлган нарсаси борлигига унчалик ишонмасди. Умидини узиши билан уни ғам-ғусса босди. Яна ўша танҳолик, иложсизлик тўғрисидаги фикр миясини қотирарди. У сўкиниб, дунёдаги ҳамма нарсани лаънатлаб, бу фикр-ни миясидан чиқариб ташлашга уринарди. У ҳадеб: «Бор! Бирор гап бор! Худди мана шу Заксенхаузенда бор, бўлмаса нега мени бу ерга олиб келишди. Бензин сарфлаб нима қилишарди. — Ҳатто, унинг оғзидан пардасиз гап чиқиб кетди. — Мени ўша машинада, ўша бензин билан тамом қилишлари мумкин эди-ку!». У одамларни заҳарлаб ўлдиришларини биларди...

У сўкиниб ухлаб қолди. Аммо эрталаб унда яна умид пайдо бўлди. Уни энди колоннадан қувишмади, номерини ҳам суриштиришмади: у бу ерда ўз кишилари бўлиб қолди, қалъага ҳам поляк билан ёнма-ён кетди. Поляк йўл бўйи жуда қийналиб кетди, оёқлари кичик, чиллакдай бўлганидан катта, қўпол ёғоч кавуши ҳадеб чиқиб кетаверади, у эса дам-бадам энгашиб, кавушни оёғига боғларди.

— Бугун Фриденгалга бомба ташлашар, — деди

ялтироқ бош поляк умидвор бўлиб.

— Нима, ўлгингиз келяптими? — деди хайрон бўлиб Саид. — Э, ўлиш ҳам гапми... бу азоб-уқубатлардан қутулиш керак. У жонидан тўйганди, сигнал ва дағдаға остида яшашдан тўйганди. Ҳатто, куёш чарақлаб осмон мусаффо бўлса ҳам, унинг кўзига бегона, булут босгандай бўлиб кўринарди.

Шундай қилиб, у оламдан ўтди. Бу ҳодиса кейинроқ, Саид билан бошқа маҳбус замбил ташиб юрганда юз берди. Поляк қўйнидан бир парча оқ латта олди-да, уни боши узра айлантириб, Фриденталь устидан учиб ўтаётган самолётлар эътиборини лагерга тортмоқчи бўлди. Бу ўта соддалик, жинниликдан бошқа гап эмасди. Латта парчасини соқчидан бошқа ҳеч ким кўролмасди. У шу ернинг ўзида, колонна кўзи олдида ялтироқ бошни отиб ташлади.

Бугун поляк латта парчасини ўйламаётганди, ўша латта парчаси йўқ эди, шекилли. У викинглар кемасига ўхшаш катта пантофелни оёқларига боғлар экан, бундай ҳаётдан қутулишни ўйларди.

Яна ҳеч нима юз бермади. Саиднинг кутган нарсаси бўлмади. Лекин шундай бўлса ҳам, у кечагига ўхшаб умидсизликка тушмади. Қаёқдандир миясига, сабр қилиш керак, деган доно фикр келиб қолди, бу фикрдан кўнгли таскин топди. Ногоҳонийлик — мўъжиза деган гап. Мўъжиза эса ҳайбатли деворлар, тиканли симлар билан ўраб олинган бу дунёга ташриф буюрмайди.

У кутишга жазм этди. Бу дунёнинг сир-асрорини билиш, кутиш керак...

Ҳозирча бу мураккаб ва сирли дунёнинг паст-баландини биладиган якка-ю ягона киши ўша шериги — тепакал, шалпангқулоқ, қайғу-алам ва истехзонинг жонли шоҳиди бўлган поляк эди. У Саидга бу қалъадагилар ҳам ўлимга маҳкум этилган, булар ҳақиқий маҳкум этилганлар, деб айтганди. Агар уруш келгуси кузда тугаса, танамизда кучимиз бутунлай тугаб қолмаса, Заксенха-

узендан тирик чиқиш ҳам мумкин. Улар, қалъадагилар эса тез орада ўлишади, соғ-саломат, айни кучга тўлганда ўлиб кетишади. Касб танлашда мажбурий шарт қўйилганидек, уларнинг пешаналарига ўлим ёзилган.

Тушда, овқат, пайтида Саид жимжитлик ҳукм сурган, баъзан итлар вовиллаб турган Фриденталь қалъасининг бир қисмида турувчи кишиларга кўзи тушиб қолди. Чех ва инглиз кийимидаги бир неча солдат ва офицерлар барак ёнига келишди. Бу барак олдида маҳбуслар ишлашарди, ҳозир эса группаларга бўлиниб, овқатланишарди. Ҳалиги ҳарбийлар ертўлага тушишлари зарур эди. Темир эшикдан бирданига ҳеч кимни қўйишмасди. Кутиб туриш керак эди.

Ҳарбийлардан икки киши туркистонлик экан. Саид уларни дарҳол таниди. Улар чех ҳарбий кийимида бўлсалар ҳам қорачадан келганлиги ва кўзлари туркийларники сингари қийиклиги билан ажралиб турарди. Уларнинг гаплари ҳам жуда, жуда таниш бўлиб, Саид ҳам хурсанд бўларди, ҳам эзиларди. У суюқ атала қўйилган консерва банкасига оғзини қўйиб ёнидан эшитилаётган ҳар бир сўзга қулоқ осар, уларни илиб олишга ҳаракат қилар эди. Ҳарбийларнинг ҳамма гап-сўзлари муҳим эди, чунки туғилиб ўсган жойни эслатарди. Ватандошларнинг гап-сўзлари қандайдир тушуниб бўлмайдиган шодликдан юракни тўхтатиб, ҳаяжонга соладиган музыкага ўхшарди. Саид бошда эшитилаётган сўзларнинг маъносини чақмади, фақат овозлардан ҳузур қилди. У азиз, таниш гаплардан қувонч туйғуларига тўлиб, бир дақиқа кўзларини юмди.

Туркистонликлар нималарни гаплашдилар? У секин-аста сўзларнинг фарқига бориб, уларнинг маъзини чақа бошлади. Офицер билан солдат кечаги кўрган фильм ҳақида ўз таассуротларини ўртоқлашарди. Йўқ, гап ҳарбий фильм ҳақида эмасди. Қандайдир севги можароси. Саид ишонмади. У ўз юртидан, энг азиз, энг қимматли нарсасидан ажралган ватандошларининг

лақиллаб юришларини кўз олдига келтиролмасди. Улар бўлса қандайдир фильм ҳақида бемалол гаплашишяпти, ҳатто ҳазиллашишяпти ҳам. Офицер ҳирингларди, унинг эсида тунги кийимдаги тутатқан эри ғазабидан қутуриб кетган аёл қолибди. У бир ўзи ҳиринглаб куларди. Солдат эса қовоғини солиб турарди. Уларнинг қаршисидаги темир эшик уни ваҳимага соларди, шунинг учун у дам-бадам гапни тўхтатиб: «Ферботен!»— «Ман этилади!» деган ёзувга ташвишланиб қараб кўярди.

Кўпурувчилар. Булар бахтсизларнинг энг бахтсизи. Уларнинг қисмати — абадий қувғинда яшаш. Ҳатто, улар кимни сотган бўлсалар ҳам, уларни кимга қарши юборсалару, ўша одамлар уларнинг гуноҳларини кечирсалар ҳам, барибир, қувғинда яшайдилар. Борди-ю, улар ўз туғилган юртларига етиб борсалар-да, қондошлари орасида ҳам яккаланиб қоладилар. Лекин етиб бора олармиканлар — поляк уларни ўлим кишилари, дерди.

Шу пайт Саид ҳалокат ёқасида турган икки кишига туғишганлардек ачинди. Саид уларни ҳозир ҳам қутқариб қолиш мумкин, деб хаёлидан ўтказди. Гап биланми, эслатибми, дўқ қилибми, ялиниб-ёлворибми, ишқилиб, қутқарса бўлади. Аммо улар эшикдан ичкари кирсалар, тамом, кеч бўлади. Худди темир остона билан ажратиб қўйилган чегара бордек эди, унинг у ёғи эса тубсиз жаҳаннам.

Аммо уларни ҳеч ким тўхтатиб қолмади, улар зиналардан пастга тушишди. Уларни ким ҳам тўхтата оларди. Улар кетаётганда, кейинда бораётгани кулиб юборди. Саидда ачинишдан асар қолмади. Вужудини қамраб олган ғазаб уни ўзи ҳам қутмаган жиноятга етаклади. У:

– Тўхтанглар!— деб бақариб юборди.

Улар тўхташмади. Офицер орқасига ўтирилди-да, хайрон бўлиб маҳбусга қаради. Унинг нигоҳида таажжуб ифодасидан бошқа нарса йўқ эди. Эҳтимол, били-

нар-билинмас хижолат, ҳайрат ҳам бордир ёки Саидга шунчаки шундай кўрингандир. У ўз ватандоши овозини эшитган одам қалбида уйғонадиган ҳис-туйғу кўланкасини кўрмоқчи бўлганди.

Бу ҳолни кўрган поляк шолғом шўрвасини шошилмай ичиб тугатди-да, банкани белига боғлади, одатдаги овқат вақти тамом бўлгандан кейингина хўрсиниб деди:

– Наҳотки, Фриденгалга бомба ташламасалар-а...

Инсон бахтсизлигидан дармони қуриган бу маҳбус ўлишни истарди.

Орадан яна икки кун ўтди — Заксенхаузенда ҳам, Саид ҳаётида ҳам деярли ҳеч қанақа ўзгариш рўй бермади. Саид лагерь ҳаётига кўника бошлади, тунги дам олиш соатлари, қуюқ-суюқ аталанинг қадрига етадиган, барак олдига ташиб келадиган тошларнинг оғир-енгиллигини сезадиган бўлиб қолди. Энди соқчиларнинг бақир-ишлари, дўриллаган немисча гаплар унинг жонига тега бошлади. Очлик — даҳшатли, доимий, кишини хўрловчи очлик бошланди. Бу очлик аста-секин Саиднинг бутун вужудини қамраб олди, унинг ҳис-туйғулари, умид-орзуларини, фикрларини ўзига бўйсундирди. Очлик унга ёв бўлиб қолди.

«Мен ёввойилашиб кетяпман,— даҳшатга тушиб ўйлади Саид.— Кўзларим ҳам бўриникидай ёниб турса керак. Оч бўрининг кўзидай. Кейин бу чакнаган кўз сўнади, шу билан умр ҳам тугайди».

Саиднинг кутганлари олислаша бошлади, аниқ бир белгига эга бўлмаган нарса каби унинг хом хаёллари ҳам пучга чиқди. У қони кўпириб, ўзини ишонишга, умид қилишга мажбур этарди. Баъзан бунга эришарди. Ҳис-туйғулари бир лаҳзагина жўш уриб, уни қувонтирарди. У ана шу шодлик дамларидан лаззатланар, маст бўлиб юрар эди. Кейин даҳшатли гумон, шубҳалар шунчалик қийинчилик билан туғилган умидларини пучга чиқарарди, уни яна умидсизлик, қайғу-алам босарди.

У ҳар бир лагерда мавжуд бўладиган қаршилик кўрсатиш ҳақида ўйлади. Тош қотиб ухлаб ётган шу одамлар орасида уйғоқлари ҳам бўлса керак, деб ўйлади. Курашишни орзу этаётганлар ёки жанг қилаётганлар ҳам бўлса керак. Уларни билиш, топиш керак.

Саид қаршилик кўрсатиш ҳақида поляк маҳбусни гапга солмоқчи бўлди. У эса елкасини қисиб қўя қолди: у ё билмасди, ё ўзгалар сирини очишни истамасди.

– Хў, анави пулемётхонани кўряпсизми,— деди девор тепасига жойлаштирилган бетон уяни кўрсатиб.— У билан адолат ҳақида суҳбатлашиб бўпсан. Унинг овозини ўчириш керак, лекин куруқ қўл билан ўчириб бўлмайди, бизнинг қўлимизда эса ҳеч нима йўқ...

Бу мавзуга улар бошқа қайтишмади. Поляк яшириниш олиб борувчилар кучига ишонмасди. У тақдирга, тарихнинг қандайдир олий ҳукмига умид боғларди.

– Ҳамма кулга айланиб кетади,— деб такрорлади у.

– Биз ҳамми?

– Эҳтимол, биз ҳам. Нацистларнинг шундоқ ёнида-миз, уларнинг ёнида узоқ туриб қолдик. Улар бизнинг кучимизни олдилар, қонимизни сўрдилар...

– Шундай-ку, лекин ҳис-туйғу, фикрларимиз ўзимизда,— деб шеригини ишонтирмоқчи бўлди Саид.

– Ҳис-туйғу эмиш!— кулимсиради поляк.— Уч йилдан буён инграб, кўз ёши тўкяпмиз, сажда қияпмиз. Хўш, нима чиқди? Мана бу деворлар ўз жойидан жилдими, бирор эсэсчи ўлдими? Йўқ. Ўлмайди ҳам. Биз эса кун сайин қириляпмиз...

– Ачиниб ўтирмасдан ҳаракат қилиш керак, — ўз сўзида туриб олди Саид.

– Сиз, одамлар ўзларини пулемёт ўқиға тутсинлар, ўша машғум кунни кўрмай ҳалок бўлсинлар, нацистлар ҳалокатини, Германиянинг кули кўкка совурилганини кўрмасинлар, демокчисизми ?

– Унинг кулини бошқалар кўкка соворишларини кутиб ўтириш керак экан-да?— деди тепакалга ачитиб Саид.

– Нега бошқалар...— деди хижолат бўлиб поляк ва бир томонга қараб кетди.

Ҳафта охирида Заксенхаузенга доктор Гейнц Баумкеттер келди. Бу ердагилар уни яхши билишарди, шунинг учун уни сергакланиб кутиб олишди. Лагерь сув сепгандек бўлиб қолди. Саид бу эсэс кийимидаги махлуқнинг нимаси шундай қўрқинчли эканлигини билмасди. Шунинг учун у одатдагича тепакалнинг ёнига борди. У маъюслик билан бош чайқади:

– Агар сиз азройил деб эшитган бўлсангиз, ўша азройил мана шу Баумкеттер бўлади.

Ҳавойи гаплар ҳақиқатни билиб олишга халақит берди. Шу туфайли Саид полякдан ўзининг шунчаки қизиқсингани учун кечирим сўради:

– У маҳбусларга янги дорини ишлатиб, синовдан ўтказмоқда. Бу гапдан ҳам аниқ бир нарсани билиб бўлмасди.

– Ҳаммага ишлатяптими?

– Йўқ, албатта. Чек тушган кишига, Баумкеттер ҳар хил одамларда синаб кўряпти. Унга гоҳ оғриқ, гоҳ ярадор, гоҳ бутунлай соғлом киши керак бўлади.

Поляк Саидга диққат билан тикилди-да, нимадир ёдига тушиб деди:

– Бунинг сизга алоқаси йўқ... Сизга ҳали тамға бошишгани йўқ. Номерларга қараб кўриқдан ўтказишади.

Чиндан ҳам Саидни кўриқка чақиришмади, ҳатто кўриқ пайтида баракдан чиқиб туришни ҳам талаб этишмади. Ҳамма сўриларда одамлар титраб-қақшаб чек тушишини кутаётганини, дод-фарёд солганини у олисдан эшитиб ўтирди, ўша жойда команда бериларди, ёғоч кавушлар тўқилларди, оломон дам аста, дам қаттиқ гурилларди. Гуриллаш тўсатдан бошланиб, тўсатдан тўхтаб қоларди. Команда билан майдондаги гуриллаш орасида қандайдир бир сир бор эди. Бу сирни Саид сира тушуна олмасди. Лекин орага жимлик чўққанда одамлар юракларини ҳовучлаб, миқ этмай кутиб

турганлари аниқ эди. Баумкеттер сафни айланиб, ўзига қурбон танлаганда ҳамма ана шундай жим бўлиб қолса керак.

Майдон ана шундай жим бўлиб қолган дақиқалардан бирида, Саид муштлири билан чеккасини қисиб, қўркувдан бутун лагерь юраги пўкиллаб, билинар-билинемас нафас олаётганига қулоқ солиб турган пайтда, баракка шошиб-пишиб бир киши кириб келди. У хувиллаб турган баракка, кимсасиз йўлакларга, бўш сўриларга бирров кўз югуртириб чиқди-да, Саид ётган томонга дадил юрди. У кўп келиб-кетган кишидай бу жойни яхши биларди, унинг қадамлари дадил, кўзлари олисни кезар эди.

Саид қотиб қолди, ҳалиги одам унга бир нарса олиб келаётганди. Қўлида эмас, йўқ унинг қўлида ҳеч нарса йўқ эди. Олиб келаётган нарсаси дилида эди, кўриқдан ўтишга чақириб келган бўлса ҳам ажаб эмас. Ундай бўлса, бу вазифани нега навбатчи эсэсчи ўрнига маҳбус бажаряпти? Унинг оёқларида тўкиллайдиган пантофель бор, бундай пантофельни фақат маҳбуслар кийишарди.

Ҳалиги одам тўхтади, кавушлари охирги марта тўкиллади.

— Исломбек!

Саид тирсагига таяниб турди — худди пружина отиб юборгандай, бошини чиқариб қотиб қолди. У пастдаги ҳамма нарсани, ғира-шира баракни ҳам, маҳбус кийимидаги кишини ҳам, сариқ-кулранг тахта четини ушлаб турган қўлини ҳам бир зумда кўздан кечирди.

— Исломбекмисиз?— энди у гапни такрорламай, маҳбусдан сўради. Чунки Исломбекнинг жим туриши уни хижолат қилди шекилли.

— Ҳа, ҳа, Исломбекман,— деди шивирлаб Саид орзиқиб кутган кишиси билан бехосдан учрашиб қолганидан хайрон бўлиб. — Менман...

— Биламан,— бош ирғади маҳбус.

— Сиз ким бўласиз?

– Оскар... Оскар Грюнбах.

Бундан ҳеч нарсани билиб бўлмасди. Исми ва фамилияси рўпарасида немис турганлигидан далолат берарди. У бу ерга нега келди экан, Саид Исломбекда нима иши бор экан?

Сиз немисча гапира оласизми?

– Ҳа, албатта.

– Жуда соз, тил билишингиз мушкулумни осон қилади...— Маҳбус иккинчи қўлини ҳам тахта устига қўйиб, Саидга яқинлашди. Энди у янада секинроқ ва дадилроқ гапириши мумкин эди.— Менинг вақтим жуда тигиз. Ҳозир кўрик тугайди... Қулоқ солинг!.. Сиз яшашингиз керак... Бу сўздан Саид ўзини йўқотиб қўйди. Саид яшаши керак. У хавф остида шекилли. Наҳотки, плацдаги кўрик унинг тақдирига алоқадор бўлса?

Маҳбус бу саволларнинг бирортасига ҳам жавоб бермади. У жавоб беришни хоҳламади, ёки жавоб беролмайди. У баракнинг охирига, ҳали ҳеч ким тўсмаган ланг очик эшикка қараб турарди.

– Эртага сизни ўймакорлик цехига юборишади... Сиз мис, рухга гул соламан, деб айтинг... Ишлаганман денг, англадингизми?

Буни тушуниш қийин эди. Эсда сақлаб қолса бас. Иложи борича тез эслаб қолиш зарур. Бу сўзлар Саидга бутунлай нотаниш бўлганлиги учун у шу ернинг ўзида қайтармоқчи, бир амаллаб ёдлаб олмоқчи бўлди. Лекин урдасидан чиқолмади. Маҳбус Саиднинг саросимага тушганини кўриб, унга ёрдам беришга ошиқди:

– Мис, рухга гул солувчи... Картография фабрикасида... Қаердалигини билмайман... Шаҳар номини ўзингиз ўйлаб топарсиз... Ҳа, бунинг унча аҳамияти йўқ.

У дадил бўлинг, дегандай Саиднинг қўлларини қисдида, худди молхонага ўхшаб лизол ҳиди анқиб турган шу жирканч тахталардан қўлларини олди.

Грюнбах қандай шошиб келган бўлса шундай шошиб чиқиб кетди. Шундан кейингина пантофель овози бу-

тун барак бўйлаб, ҳатто лагерь бўйлаб ваҳима солиб, қаттиқ тақиллаб эшитилди. Саид эса ғужанак бўлиб, бу кавуш қачон йўлак охирига етишига ва остонадан ўтиб кетишига қулоқ солиб кутди. Ниҳоят у, Грюнбахнинг остонадан ўтганига ишонч ҳосил қилгач, туриб ўтирди-да, ўзини босиб пичирлади:

— Яшаш... Мен яшамоғим керак...

9

— У ҳам аввалига худди сизга ўхшаб Гейнц Баумкеттер қандай одамлигини билмасди,— деб ҳикоясини давом эттирди кекса ўймакор Фриденталь тошлари устидан юриб, баъзан унинг ўткир қирраларига ҳассаси билан уриб қўяркан.

Биз яна ўзимизнинг сергап, доимо сафсата сотувчи кекса чолимиз ёнига қайтдик. Энди бизнинг кўпгина гумон ва англашилмовчиликларимиз йўқолиб, номерсиз маҳбус ҳақидаги ҳикояни эшитишимиз мумкин эди.

— Мен унга яшашингиз керак дегандим. Бироқ негандир у гапимга тушунмабди. Мен ҳам, шунингдек бутун группамиз ҳам бу янги келган киши Баумкеттер уни бир балога гирифтор қилишидан хабардор бўлса керак, деб ўйлагандик. Саиднинг эса ҳеч нимадан, ҳатто ўзининг ўлимга маҳкум этилганлигидан ҳам хабари йўқ экан.

Ўша куни уни кўриқка чақиришмади. Баумкеттерга сира ярадор бўлмаган, бутунлай соғлом киши зарур эди. Исломбек эса Заксенхаузенга яқиндагина бўйни ва ўнг елкасидан ўқ еб келганди. Шу кунгача доктор, аксинча ярадор маҳбусларни танлаб оларди. Навбатдаги тажриба аввалгисига ўхшаб такрорланмайди, деб ким ҳам айта оларди дейсиз.

Биз Исломбекни мутахассис, деб цинкографияга ўтказмоқчи бўлдик. Мутахассис анқога шафедек, жуда зарур эди. Чунки турли тилларда кўплаб ҳужжатлар

тайёрланаётганди. Нега шундай қилинаётгани энди маълум бўлди. — Гиммлер бутун бир қўпоровчилар қўшини билан душман орқа томонига зарба бериб, урушнинг фожиали тугашига таъсир кўрсатмоқчи бўлганди. Бу иш нима билан тугагани сизларга ҳам маълум. Нима бўлса ҳам зарба беришга тайёргарлик кўрилди, айниқса Фридендалда: қўшинни сохта ҳужжатлар билан таъминлаш зарур эди. Бу мақсадни амалга ошириш учун қалъа раҳбарлари қўлларидан келган ҳамма ишни қилишлари, ҳатто ўлимга маҳкум этилган маҳбус ҳаётини сақлаб қолишлари ҳам мумкин эди.

Мен унчалик кўрқмасам ҳам бўларди, йигит олий маълумотли, идрокли, ғайратли бўлиб, касб янги бўлса ҳам ўрганиб олиш қийин эмасди. Комендант кўп овора қилмай Исломбекни бизга берди. Зарур бўлса олақолинг, барибир ҳисобда йўқ, дейишди. Комендантда янги маҳбус ҳақида ҳали аниқ буйруқ бўлмаса керак. Уни Баумкеттер рўйхатига киритишмаганди. Башарти, доктор талаб қилиб қолгудай бўлса, маҳбусни цинкографиядан осонгина чақириб олиш мумкин эди. Ахир идора ҳам бир, хўжайин ҳам бир-ку. Кейинчалик худди шундай иш тутишди.

Исломбек ҳамон ўз тақдири ҳақида ҳеч нима билмасди. У бахтли киши эди. Ҳа, бахтли киши! Уни ҳамиша ҳаракат қилишга ундашарди, унинг ғамини ейишарди, Заксенхаузен деворлари ортидан унга қўл чўзишарди. Орадан роса уч кун ўтгач, у энди ўймакорлик цехида ишлаб, қўлидан унча-мунча иш келиб қолган пайтда, унга хат олиб келдим.

Сизлар ўша хатда нималар ёзилганлигини билишни истасангиз керак. Мен бир парча хатни эгасига топширишдан олдин уни очиб, ўқидим. Аммо ҳеч нарса тушунмадим. Тўғри, тушундим, хатнинг ўзини тушундим, аммо тагида нима гап борлигини тушунмадим. Хатда кўйлакмиди ёки қишки камзул ҳақидами гап бо-

рарди, аниқ эсимда йўқ. Бу шифрланган хат эканини билиб олиш қийин эмасди.

У хатга кўз югуртириб чиқди-ю, жонланиб кетди. Хатто, кулиб ҳам қўйди.

— Мен чиндан ҳам яшашим керак,— деди у менга. Биз кислота солинган сирли ванна олдида клишеларнинг қандай ишқорланишига қараб турардик.— Айни пайтда мен яшашим керак.

Унинг юзи қандайдир туйғу ёки фикрдан ёришиб кетганди. Назаримда, у ҳозир шу ерда, кислота ҳиди ўрнашиб қолган баракда, ёнимда эмасди. Ростини айтсам, менга бир оз алам қилди, ўзимдан ўкиндим. У ўзи озодликка чиқишни эмас, бошқа нарсани — инсонларнинг бир мақсад йўлида бир бутун бўлиб бирлашишини ўйларди. Исломбек қайси бир қўшиннинг солдати бўлиб, шу ерда Заксенхаузенда туриб, жанг қиларди. Қандай жанг қилаётганини мен ҳали билмасдим, лекин унинг курашаётганлигини сезардим, фахмлардим.

Кечқурун унга лагерь коменданти ҳузурига боришга рухсат этишди. Унга комендант нима учун керак бўлиб қолганлиги менга маълум эмасди. Мен сизларга қаршилиқ кўрсатувчи группа учун ёзилмаган қонун мавжудлигини, яъни шеригининг сирини билишга қизиқмаслик ва ўз сирини бошқага лақилламаслик ҳақида қонун борлигини айтган эдим.

Кучли иродани талаб этувчи оғиз маҳкамлик яширин иш олиб бораётганларни сақлашимизга ва ортиқча қурбон бермай ишлашимизга ёрдам берарди.

Исломбек эртасига менга ҳеч нарса демади, лекин авзойидан комендант билан бўлган суҳбат самарали ўтганлигини фахмлаш мумкин эди. Бу ҳол мени хурсанд этса ҳам, лекин хотиржам қилмади, чунки бундан кейин нима бўлиши маълум эмасди. Мен уни эҳтиёт қилиб юришим керакми ёки хавф тугадими, билмасдим. Мен бу саволни Исломбекка эмас, Юзеф Скачинскийга бердим, албатта. У гапнинг лўндасини айтди:

— Ҳар қандай вазиятда ҳам сен унинг ҳаёти учун жавобгарсан...

Мени яна Баумкеттерга бериладиган рўйхат қизиқтирарди: ўша рўйхатда Исломбек бормикан, ё йўқмикан?

Юзеф буни билмасди. Группамиздаги бошқа кишилар ҳам билмасалар керак. Шунинг учун ҳам уни рўйхатда бор, деб ҳисоблаб, уни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишимиз керак эди. Кураш — аниқ ҳаракат қилишдан иборат эди, яъни катта мастер ёки биз уни бошқача қилиб, олтингургурт кислотаси фюрери, деб ном қўйганимиз Пауль Крамерни, янги маҳбус Саид умуман янги эмас, усиз цинкографияда иш юришмайди, деб ишонтиришимиз керак эди. Айниқса, ҳозир, иш бошдан ошиб ётган пайтда мумкин эмас, деб Крамерни кўндириш лозим эди. Уни ишонтириш вазифасини яна мен ўз зиммамга олдим. Крамер гул солувчини ҳеч бўлмаганда бир ёки икки ой олиб турса, кейин у ёғи бир гап бўлар, деб ўйлагандик.

Агар бошимга тушган бир кўнгилсиз воқеани ҳисобга олмаганда, ҳамма режамиз силлиқ амалга ошаверди. Бу воқеа қарийб мени нариги дунёга жўнатай, деган бўлса ҳам, мен уни шунчаки кўнгилсиз бир ҳол деб атадим. Биласизми, одам бировга, биров эса унга ишонмоғи керак. Акс ҳолда у бардош беролмайди. Биз умид билан яшардик. Бу муболағадай туюлиши мумкин. Аммо сен беш-ўн йил концлагерда ўтирсанг, ёруғ жаҳон сендан узоқлашиб, шартли озодлик тушунчасига, ёрқин алангага айланиб қолса, одамга қандайдир ишонч зарур бўлади, бу ишонч деярли ҳаётга тенг келади. Мен ўғлимга ишонгандим... Аммо у менга хоинлик қилди. Дабдабали гап қилганимдан ҳайрон бўлманг. Ҳа, хоинлик қилди, ўз отасидан юз ўгирди. Кейин, менга уни мажбур этишди, ёш кишининг жамиятдан четда туриши қийин, қандай бўлмасин, дўстларсиз яшаш қийин, деб айтишди. Уни миллат душманининг ўғли, ватан душмани дейишди. Шундан кейин у мендан воз кечди.

Мен қарши курашган кишилар томонига ўтиб кетди. Ҳайқириб ашула айтди, машъал ёқиб юрди. Ҳатто, ёш қалбни васвасага солувчи, мутаассиблар санами Адольф турган зинани ўпди.

Унинг бундай қилганини мендан яширишди. Мени эзилмасин, деб ўртоқларим мендан анча вақт яшириб юришди. Бироқ хиёнат қалбни муҳофаза этадиган сир эмасди. Ахийри билдим... Худди ўша кунлари.

Ўғлим ўлса, фронтда ҳалок бўлса яхши эди. Одамларнинг бошига нималар тушмайди, дейсиз. Аммо бу... Мен ўзимни тутишим, иродали бўлишим керак эди. Лагерда беш йил бўлгандан кейин... Лекин бунинг сизларга алоқаси йўқ. Ҳар кимнинг ҳам болалари бор, аммо улар ҳамиша ота-оналари изидан бора беришмайди, кўпинча боришмайди... Аммо кишига алам қилади... Жуда алам қилади.

Сизнинг дўстингиз Саид менинг изимдан борди. Уни ўзимга ўхшатганимдан қўрқманглар, мен кураш йўлини, умуман, қаршилик кўрсатишни назарда тутяпман... Йўлимиз айнан бир хил эмасди. У ўзи иқроп бўлмаса ҳам, менинг ёрдамимга муҳтож эди.

Биласизми, ўшанда мен қандай иш тутмоқчи бўлдим? Йўқ, билмайсиз, бошқалар ҳам билмайди. Крамер менга ўхшаган одамни тополмасди. Айниқса, ўша пайтда. Ҳужжатлар тоғ бўлиб уйилиб ётарди, уларни маъданга кўчириш керак эди. Миямга Исломбекни ўз ҳунаримга ўргатиш, уни асбоб-ускуналарни ишлатишни билишга мажбур этиш фикри келди. У чизикларни ўйиб ишлайдиган бўлганда, ўзим бу ердан кетишим зарур эди. У ягона, зарур киши бўлиши учун, у бўлмаса Крамер дод деб юриши учун кетишим керак эди.

Қандай қилиб кетмоқчийдингиз дейсизми? Жисмоний томондан кераксиз киши бўлишим зарур эди. Мен ўз қўлларимни куйдирмоқчи бўлдим. Ҳа, куйдирмоқчи бўлдим... Қўлсиз киши ўймакорлик қилолмасди, Оскар Грюнбах ҳам бўлолмасди. Умуман, ҳеч нима бўлмас

эди...

Хозир бу жуда даҳшатли туюлади, албатта. Қўлларимга ачинардим, ҳатто ҳозир ҳам ўзим кексайиб, қўлларим чўпдай бўлиб қолган бўлса ҳам ачинаман, сизлардан бунни яширмайман. Нима бўлса ҳам қўлда, қўлларимни севаман. Ўшанда бу оддий иш эди, фожиа-можиа деган гап йўқ эди. Шундай қилиш зарур эди...

Мен унга ўргата бошладим. Жуда қаттиқ туриб ўргатдим: дам олдирмадим, ухлатмадим. Крамер бизни мақтарди, яна бир ўймакор етишяпти, деб қувонарди. Ҳолдан тойиб қолмасин деб бизга биттадан концентрат брикети берадиган бўлишди. Сиз лагерда маҳбусларни фақат калтаклашган, очликдан ўлдиришган, отиб ташлашган, деб ўйларсиз. Ундан ҳам бешбаттар эди. У ерда одамларнинг ҳис-туйғуларидан, эҳтиёжларидан фойдаланишарди. Қорин хўжайинларимизнинг асосий иттифоқдоши эди. Одамларга қарши курашда қорин тез-тез уларга ёрдам берарди. Ҳа, бу қадимдан қолган ҳақиқат.

Мен Исломбек ҳақидаги ҳикоямга қайтай. Шогирдим, менга ҳафсаласизроқ кўринарди. Баъзан ҳафсала қилса ҳам менга ёқиш, ташаккур изҳор этиш учунгина қиларди. Баъзан жаҳлим чиққанда, у елкамга уриб, мурасозлик билан дерди:

— Тушунаман, қўяверинг, Крамер бизни фюрернинг саломатлиги учун жонларини ҳам беришга тайёр экан, деб ўйлайверсин...

Ҳа, у ҳаёти хавф остидалигини билмасди, билишни ҳам истамасди, менинг ниятимни тактик чекиниш учун вақтинча бир ниқоб, усталик билан ҳийла ишлаштиш, деб ўйларди.

Бир куни Исломбекни ишдан олишди. Лагерь комендантида хизмат қилувчи нимжон, бир кўзи ғилай эсэсчи обершарфюрер келди-да, шогирдимни талаб қилди. Крамер норозилик билдирди. Бизнинг ишимизни ҳеч ким тўхтатиб қўйишга ҳақи йўқ эди, бу ғоят муҳим ва

жуда махфий иш эди. Биз Фридендалда жойлашган бўлиб, фақат империя хавфсизлиги Бош бошқармаси олтинчи бўлимига итоат қилардик. Аммо обершарфюрер Крамерга бир парча қоғоз кўрсатган эди, у орқасига тисарилди.

Мен кўрқиб кетдим. Мендан бошқа бирор кимса Баумкеттер рўхатини, унда Ислонбекнинг номи борлигини билмасди. Ақлимга келган биринчи нарса, қандай бўлмасин, шогирдимни огоҳлантириб қўйиш бўлди. Шундан кейин мен асбоб-ускуна ва резина қўлқопни олиш баҳонаси билан унинг ёнига чопдим. Лекин Ислонбек нигоҳи билан мени тўхтатди ва безовта бўлишнинг ҳожати йўқ, дегандай бўлди.

Ё раббий, йигитнинг ҳеч нарсадан, ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Бахтли одам-да. Ахир, кутмай, тайёрлик кўрмай, машъум он яқинлашиб келаётганини сезиб азобланмай тўсатдан ўлиш осонда.

Ховлидаги иккала деразасига панжара ўрнатилган чоғроқ бинода Ольшер Ислонбекни кутиб турарди. Ховли саҳнида арава, ер текислайдиган машина, прицепли кичик трактор ва сув солинадиган катта цистерна бор эди. Комендант гауптштурмфюрерни маҳбус билан якка қолдириб кетди. Гауптштурмфюрер шуни талаб этганди.

Юзлари ичига ботган, ранги ўчган, кўзлари қизариб кетган Ислонбекни олиб киришганда, Ольшер унга сергакланиб қаради-да, бир лаҳза қувонди, сўнг яна авзойи бузилди. Ольшер Заксенхаузенга бир мақсад билан келганди, аммо ҳозир мақсади пучга чиқадиганга ўхшаб қолди. Саид ўзининг лагерь кийимида жуда аянчли кўринарди, ўзи ҳам жуда озиб кетганди, соясигина қолганди. Бу аҳволда у душманга ҳам, «Тюркостштелле» бошлиғига фойда келтира оладиган одамга ҳам ўхшамасди.

Чақирик қоғози олган Ольшер хатдаги гапга, сўзларга қараб, бирор мард, ўктам кишини учратарман, деб ўйлаганди. Унинг рўпарасида эса бир тиланчи турарди. Адойи тамом бўлган бу туркистонликнинг қўлидан илтимосдан бошқа нима ҳам келарди.

Ўтирилавериб ишқаланиб кетган кўпол стулда оёқларини чалмаштириб, қаққайиб ўтирган Ольшер остонада турган Исломбекка ачиниб қаради-да, унинг нима дейишини кутди. Ялиниб-ёлворар, ўзини паст олиб илтимос қилар, ялтоқланар, деб кутди. У хато қилганини, шу совуқ, сассиқ лагерга беҳуда келганини, энди бу бадбахтнинг оҳ-воҳларини эшитишга мажбур эканлигини англагач, юраги қисилиб зирқиради, атрофидагилардан ҳам, ўзидан ҳам нафратланди. У ўзини ўзи ерга урганини аниқ-равшан сездди.

— Қани, гапиринг, фақат қисқа бўлсин, — деди у Саидга.

Саид мени ўтиришга таклиф этар, ҳеч бўлмаса яқинроқ боришга рухсат этар, деб остонада турарди. Саид унинг «қани» деганини эшитгач, гауптштурмфюрер «тенг ҳуқуқда» гаплашмоқчи эмаслигини билди-да, ўзи стол томон юриб келди.

Ольшер унинг илтижо билан тикилиб турган оппоқ кўзларидан, асабий чинқиригидан кўрқарди. Шунинг учун ҳам у бировга ачиниш, раҳм қилишга қодир бўлган туйғуларини эзиб ташлаб, дераза томонга ўтирилди ва аравага, панжара олдида кўриниб турган оппоқ катта цистернага лоқайд қарай бошлади. У қичқирган товушни, жон-жаҳди билан чинқирган овозни эшитмади. Анча шахдам-шахдам қадам овози эшитилди. Ольшерникига ўхшаган стул ғижирлади, унга одам, маҳбус ўтирди.

— Мен СС Бош бошқармасини қизиқтирадиган муҳим гапни айтмоқчиман...

Илтимос қилмаяпти,— ҳайрон бўлди Ольшер, хатто бир оз қувонди ҳам,— демак унда бир гап бор. Ўша гап нима экан?

– Сиз, азизим, эски гапни қайтаряпсиз, маълум нарсаларни эшитишга вақтим ҳам, ҳушим ҳам йўқ.

Ҳа, Ислombек бу гапларни хатида ҳам ёзиб берганди. Аммо Ислombек шу гапни Ольшернинг эсига солиб қўйиш учун эмас, балки ҳозир бўладиган суҳбатнинг муҳимлигини таъкидлаш учун қайтариб айтганди. Энди гауптштурмфюрернинг ўзини ҳам яширин ишга яқинлаштириш мумкин эди.

— ...«Тюркостелле» бошлиғини қизиқтирадиган Ольшер ўзини ичига бир парча муз тушгандек сезди.

Муз ичига тушди-ю, ташвишга солиб тўхтаб қолди. У энди дераза орқасидаги арава ва ер текислайдиган машинага қараб туролмасди, цистернанинг оппоқ қорни эса унинг жаҳлини чиқарарди. Қайрилиб ҳам боқолмасди. Қараса, кўзлари маҳбуснинг кўзига тушиши, зарурати бўлмаган товламачининг бақрайиб турган йиртқич кўзларини кўриши мумкин эди. Гауптштурмфюрер Ислombекни ҳозир шундай тасаввур этарди. Шунинг учун дераза орқасига, ҳовлига қараб, ўша бемаъни оқ цистернани томоша қилгани ҳам афзал.

– Ҳўш, нима бўпти? — деб шошилмай сўради Ольшер гўё маҳбуснинг кесатиши унга бутунлай таъсир қилмагандай, фақат шунчаки зарурият юзасидан сўрагандай қилиб.

— Мен Берлинер рингдаги воқеани назарда тутяпман,— деди Ислombек, сирнинг бир учини чиқариб. Сирнинг бу учи «Тюркостелле» бошлиғига таъсир қилиши, қаттиқ таъсир қилиши керак эди.

Таъсир қилмади. Ольшер бепарво бўлиб тураверди.

– Қанақа воқеа?

– Уни сиз мендан кўпроқ биласиз...

— Ундай бўлса, суҳбатнинг ҳожати йўқ экан.

Тепса тебранмас Ольшер шундай деди-ю, ўрнидан кўзғалди, ўзининг ифлос, ишқаланиб кетган курсисидан кўзғалишга уринди.

Ольшерни тўхтатиш зарур эди.

– Исломбек ўлдирилган.

Бу гап гауптштурмфюрерни тўхтатди. У яна ўрнига ўтирди, яна ўзини бепарволикка солди. У пинагини бузмаган бўлса ҳам ажаб эмас.

– Ҳаммага маълум бўлган нарсани эслашнинг нима ҳожати бор!

Бу, албатта Ольшерга маълум, лекин Заксенхаузендаги маҳбуси буни қаёқдан биларкин, буни жаноб гауптман ўйлаб кўрмадимикин? Сизнинг Исломбекингиз ўлдирилган,— деб хабари борлигини таъкидлади Исломбек, шу билан бирга «Шарқ бўлими» бошлиғининг Берлин ҳалқасидаги воқеага иштироки борлигини ҳам пайқади.— Менга ўхшатиб бунёдга келтирган Исломбекингиз.

Айтилган бу гаплар Ольшерга зарба беришга камлик қилди шекилли. Чунки Ольшер ҳатто тиржайиб ҳам қўйди.

– Биз ихтирочилиқдан маҳрум эмасмиз, Исломбек жаноблари.

Биз — демак, СС фюрерлари, немислар. Нима бўпти, эгизак ихтиро этиш унчалик янгилик бўлмаса ҳам бу масалада Ольшерга ва унинг шерикларига тан бериш керак.

– Шундай ҳам дейлик, — деди Саид гауптштурмфюрернинг мақтанишини бир четга қўйиб.— Гап бундай, сизнинг Исломбекингиз ўлдирилган, аммо энг муҳими бу эмас.

– Нима бўлмаса?

Ольшер ҳаяжонини аранг босиб турарди. У бор кучи билан ташвишга тушганини сездирмасликка уринарди. Гарчи у хавотирга тушганини сохта бепарволик билан ниқоблаб ташқарига тикилиб, қора панжарадан бошқа ҳеч нимани кўрмаётган бўлса-да, Саид «Тюркостштелле» бошлиғининг ичини ит таталаётганини унинг туриш-турмушидан пайқаб қолди.

– Уни тузлаб кетишган.

- Жим...

Ольшер кўркиб кетганини билдириб қўйди, ранги докадай оқариб, дағ-дағ титраб Исломбек томонга ўтирилди.

- Мен пичирлаб гапиряпман,— деди Саид гауптштурмфюрерни тинчлантириб. У суҳбатдошим энди, енгилгандан кейин ўзини сал тутиб олсин, деб шундай деганди. Ольшер кўркқанини сездириб қўйиш билан бирга тойиб ҳам кетди. У енгилганини, тумшуғидан илинганини тушунди. Аммо у ўзининг шу аҳволга тушиб қолганидан кўркмади. У шундай бўлишга ҳозирлик кўрганди. Уни душман ҳайратда қолдирди. Зарбани биргина Дитрих, «Тюркостштелле» бошлиғининг эскидан энг ёвуз душмани бериши мумкин эди. Ольшер зарбани ўшандан кутганди. Лекин бошқа киши, худди ўзига ўхшаш енгилган ва маҳкум этилган киши ҳужум қилиб қолди. Бунга иқроп бўлиш керак эди. Гауптштурмфюрер шоша-пиша айтилган, кишини ҳайратга соладиган бу кутилмаган гапнинг мағзини чақиб ҳазм қилгунча ўзини аввалгидек тутди.

Уйдирма,— деди у ўзини мудофаа қилар экан, ақлига келган дастлабки шу сўзни айтиб.

Саид ҳам шунга ўхшаш гап қилди:

- Жуда ҳам ҳақиқатга ўхшайди.

Шундай кейин Ольшер ўжарлик билан яна қайтарди: Лекин уйдирма-да...— Унинг назарида маҳбус бутун ўқини ишлатиб бўлгандай, отадиган ўқи қолмагандай туюлди. Энди кўзғалиб, қаршилиқ кўрсатиш ҳам мумкин.— Уйдирма!

- Сиз шундай бўлишини истайсизми?

Ҳа, шундай, Ольшер ҳамма нарса шу билан тугашини хоҳларди. Кўрқувдан қутулиш унча қийин эмас. Лекин кўрқув ғазабни, ақлдан оздирадиган даражадаги ғазабни кўзғашни мумкин, унда бор захрини бечора маҳбусга сочади. У раҳм-шафқатни билмайди. Дарвоқе, унинг, Исломбекнинг кўзлари қандай экан? Охириги

Ўқини узиб, тўппончаси бўш қолганда бу товламачи ўзини қандай тутар экан?

Гауптштурмфюрер Саиднинг юзига боқишдан олдин қарши ҳужумга ўтишга тайёрланди.

Менинг истакларим ҳеч қандай роль ўйнамайди... Тамомми?

Ҳа, жин урсин, энди қаради-я. Унинг ўқлари ҳали бор экан. Улар жангга шай бўлиб туришарди, кўзлари захархандалик билан боқарди, лекин уларда устунлик ифодаси йўқ эди, ҳали кураш тугаганича йўқ.

Йўқ!— деди маҳбус Ольшер томонидан шошиб-пишиб қўйилган нуқтани тақаллуфсизлик билан ўчириб ташлаб.— Исломбекнинг ҳужжатлари ўғирланган...

Ольшер ўрnidан кўзғалолмай қолди. Энди умуман кўзғалиш мумкин эмасди. Буни Ольшер аниқ биларди. Фақат раҳм-шафқат сўраш керак энди.

— Мен секинроқ гапиришни илтимос қилдим-ку.

Ўқ узилмади — Исломбек ўқларни эҳтиёт қилмоқда. Дарвоқе, энди ўқлар унга зарур бўлмаса керак.

— Ёлғонни ҳар қанча кўпиртирганингиз билан,— деди у масхара қилиб,— барибир, нима фойдаси бор?

Энди дуэлни тўхтатиш ҳам мумкин, чунки Ольшер ерда ағанаб ётибди, шу аҳволда жанг қилишнинг фойдаси йўқ. Шунинг учун гауптштурмфюрер ўз мағлубиятининг сабабларини аниқламоқчи бўлди, холос.

— Менга қаранг, буларни сиз қаердан олдингиз?

Исломбек қўлларини столга, Ольшер ўтирган столга қўйди. Лекин, бундай қилиш маҳбус билан «Тюрко-стштелле» бошлиғи орасидаги ҳозирги муносабат пайтида унчалик тасодифий эмасди. Улар бир хил зинада туришарди. Ҳатто, Саид бир оз юқори турарди. Энг муҳими, у маҳбус қўл тегизиши ман этилган жойга, лагерь коменданти столига қўлларини бемалол қўйди. Саиднинг на номини, на қанақангина билиб бўладиган кислота ва лизол ҳиди келиб турган, ранги ўчиб кетган

латта билан ўралиб, гауптштурмфюрерга тегай деб турган тирсаги Ольшерга кўп нарсани билдириб турарди.

— Энди, мен сиздан аста гапиришни илтимос қиламан,— деб огоҳлантирди Исломбек.

Юзсизлик билан огоҳлантиришини-я. Бу гапдан Ольшернинг пешанаси тиришиб кетди. Чунки у СЧ офицерига унинг ҳозирги аҳволини очикдан-очик шама қилаётганди.

— Хўш, буларнинг ҳаммасини қаердан олдингиз, деб аввалги оҳангда димоғдорлик билан саволини такрорлади гауптштурмфюрер. Бирданига тобе бўлиш унга оғир эди. У ҳам «Тюркостштелле» бошлиғи сифатида ўзини баланд тутишни истарди, бунга ҳаққи ҳам бор эди. Аслида, ўзини паст тутишни ҳеч ким ундан талаб қилмаганди.

Гапнинг пўскаласини гаплашайлик, таклиф этди Исломбек.— «Сикрет интеллидженс сервис» резиденти-га жўнатилган пакет...

Қаерда ўша?— деди гауптштурмфюрер шартта Саид томонга энгашиб. Уларнинг тирсақлари бир-бирига тегди, лекин Ольшер буни сезмади. Қаерда. Йўқ у қўрққани йўқ. Аксинча, доимо ичини таталаб турган ташвишдан қутулди. Эрта-ю кеч ҳадиксираб, юрагини ҳовучлаб юрган киши Дитрихдан халос бўлди. Ичи бўшади қолди, энди бу бўшлиқни бирор нарса билан тўлдириш керак эди. Ҳозирча нималиги маълум эмас, аммо ҳар қалай бирор янгилик бўлиши керак.

— Қаерда ўша?— Ольшер шу янги нарсани кўришга ошиқарди. Қаерда эмиш?— сирли жилмайди Саид. — Оддийгина савол...

Исломбек жўрттага эшик томонга қаради, олисдан келаётган лагерь шовқинига, Фриденталдан элас-элас эшитилаётган тақир-туқир овозларга қулоқ солди, сўнгра Ольшерга ўтирилиб, унга совуқ ва лоқайд қаради. Кейин тикилиб разм солди: гауптштурмфюрер ўзига қандай гап айтилишини осонгина пайқаши мум-

кин эди.

— Бу жой бунақа суҳбатга тўғри келмайди, буни сиз, Ольшер жаноблари, тушунишингиз керак.

Бу муҳим сир— маҳбус томонидан айтилган гапнинг тагида худди шундай маъно ётарди. Сирининг баҳоси баланд, эҳтимол истиқболга, — ҳатто Ольшернинг ҳаётига баробар келар. У беихтиёр ўзини хавф-хатардан ҳимоя қилди.

— Товламачилик бу! Бундан ҳеч нарса чиқмайди. Сизни отиб ташлашади. Худди шу жойнинг ўзида, Заксенхаузенда.

Ольшер кутилмаганда Саидга маълум бўлмаган сирни — отиб ташлашларини ошкор қилиб қўйди. Одам қора кунга қанчалик тайёрланмасин, ўлим эҳтимоли борлигини тасаввур қилмасин, барибир, у эҳтимоллигича, тахминлигича қолаверади. Лекин ҳозир бу муҳаррар бўлди.

Исломбек гауптштурмфюрернинг ҳозирги гапини бу ерга келган дастлабки кунларидан бирида Оскар Грюнбахнинг: «Сиз яшашингиз керак» деган гапи билан қиёс қилди. Демак, Саидга ўлимни эмас, яшашни раво кўришган экан. Хотимаси аниқ. У яшамокда, унинг тирклиги худди календарь санаси каби кимгадир аён.

— Нима ҳам дердик,— деди Саид, тақдирига тан бериб. — Мени отиб ташлашлари мумкин... — У бир лаҳза ўзини ўлимга маҳкум этилган киши ўрнига қўйиб кўрди-да шу ондаёқ жаҳл билан бу фикрни миясидан чиқариб ташлади.

— Лекин бир соат, узоғи билан икки соатдан кейин «Тюркостштелле» бошлиғининг хиёнати Кальтенбруннер жанобларига маълум бўлади. Башарти, бу ҳам камлик қилса, у вақтда рейхсфюрернинг ўзига маълум бўлади. У эса Ольшер жанобларини мен билан ёнма-ён автомат рўпарасига қўйиш тўғрисида ғамхўрлик қилар. — Басс!..

У комендант олдидан кечга яқин колоннани лагерга жўнатиш олдида қайтиб келди. У ҳаяжонланган бўлса ҳам лекин таъби тирриқ эмасди, кўзлари шодликдан ёнарди. Ҳа, шундай, сиз тўй арафасидаги кишини кўрганмисиз? Кўрганмисиз? Кўргандирсизу, аммо чехрасига эътибор бермагансиз. Бундай киши юзида қувонч, ваҳима, салобат ифодалари жамулжам бўлади. Сирли ва муқаррар иш бўсағасида турган кишининг асаблари таранг тортилган бўлади. Орқага қайтиш фикри унинг миясидан асло чиқмаса ҳам, у бундай қилишга журъат этолмайди. Аммо Исломбек бу гал ҳам менга ҳеч нима демади. Улар орасида қандайдир жуда жиддий суҳбат бўлгани ва муҳим қарорга келишганини ўзим тушундим. У ҳар ҳолда курашчи эди. Бу кураш, ҳатто хавф-хатарлар тўлиқ бўлса ҳам, қалбига олов ёқиб, уни ўзгартириб юборганди. У ён атрофида бўлаётган воқеаларга эътибор бермасди, уларни пайқамасди.

Биз Фриденталь боғидан ўтиб, ўрмон ва далалардан бораётганимизда ҳам Исломбек ҳеч нимани кўрмасди, ҳеч нимани эшитмасди. У бошини баланд кўтарганди, димоғи ҳам чоғ эди. Шу дақиқада у маҳбус эмасди. Мен унинг ёнида борардим, лекин индамасдим, унинг кимлигини— Заксенхаузендек жаҳаннамда маҳбус эканлигини эсига солгим келмасди.

У бир соат-икки соатгина эмас, балки анча вақтгача руҳан тетик юрди. Эрталаб у цинкографияга димоғи чоғ кириб келди. Лекин унинг лабларида кулги йўқ эди, кўзлари ҳам кечагидай қувонч, ғурурдан ёниб турмасди. Бу кўзларда нимадир янги, жиддийликка ўхшаш ифода пайдо бўлганди. Аммо ташвишли эди. Менимча, ҳатто ташвиши зўрайганди.

Мен унга одатдагидек, клишеларга ишлов бериш йўллариини тушунтиришга киришдим, лекин у қўл силтади:

– Жин урсин!

Буни шунчаки жаҳл деб ўйлаш мумкин эди. Лагерь ҳаётининг дастлабки ойларида ҳар кимда ҳам бундай ҳол юз бериши мумкин, жаҳл билан белкуракни отиб юборасан, сўкинасан. Шундай аҳволга тушасанки, нақ Заксенхаузенга ўт қўйиб, комендантнинг юзига тупиргинг ёки энг яхшиси, белкурак билан уриб бошини ёргинг келади. Шундай ҳоллар бўлганди! Мен Исломбекни билардим, шунинг учун чида, қувватга кириб ол, деб кўндирмоқчи бўлдим, у эса сўзида туриб олди:

– Етар! Менга бу рух кислотаси-ю, рух парчаларингиз керак эмас...

У курсига ўтирди-да, жиддий қиёфада деди:

– Кулоқ солинг, Оскар... Сиз менга Фридентални кўрсата оласизми ?

Мен қотиб қолдим. Фриденваль — бу юқори электр қувватига эга бўлган симлар, пулемётлар, кучуқлар дегани-ку. Саидга, нима учун қалъа зарур бўлиб қолди, деган савол беришнинг фойдаси йўқ эди. Менинг шогирдим шунчаки қизиққанидан боғни сайр этиб, ўзини соқчилар ўқиға тутиб бермоқчи бўлмагандир ахир. Соқчилар у ёқда турсин, истаган эсэсчи тўппончасини чиқариб, бизни отиб ташлашга ҳаққи бор эди.

– Йўқ, — дедим. Кўрққаним учун эмас. Ҳатто, юрагинг шувиллаганини ҳам сезмай қоласан.

– Бўлмаса айтиб бероласизми?— сўради Исломбек.— Айтиб беришга тайёرمىсиз?

– Ҳа, албатта.

– Шу бугуноқ,— таъкидлади у. — Вақтим ниҳоятда танг.

Мен тушунмадим: наҳотки маҳбус учун берилган шунча вақт бу кишига озлик қилса. У ҳайратда қолганлигимни фаҳмлади шекилли, тушунтирди:

– Энди ҳамма иш кун ва соатга боғлиқ бўлиб қолди.

Э, шунинг учун безовта бўлиб қолган экан-да, деб ўйладим. Унга муддат, энг даҳшатли кун маълум экан-да.

Наҳотки, бирор киши Ислombекка қачон ўлдирилишини айтишга журъат этган бўлса.

— Хўп,— рози бўлдим. — Бугун бошлаймиз.

Мен нималарни билардим? Чамамда ҳаммасини. Ҳатто, керагидан ортиқча биларканман. Мен деярли дастлабки кундан бошлаб Заксенхаузенда эдим. Биз Фриденталь деворларини ва шу девор орасидагиларнинг ҳаммасини бунёдга келтирдик. Аммо унга нақл эта бошлаганимда, бирор нарсани аниқ ва равшан айтиб беролмадим. Ҳамма айтганларим фараз, тахминлардан иборат эди. Пулдан бошқаси, албатта. Бу пулларни ўзим ясардим. Клише тайёрлардим. Булар фунт стерлинглар, кронлар, сўмлар, ҳатто долларнинг клишелари эди...

Дарвоқе, Ислombекни фунт стерлинглар, доллар кам қизиқтирарди, тўғриси айтганда, бутунлай қизиқтирмасди.

— Инглиз разведка хизматига алоқадор бирор ҳужжат тайёрланардимми?— сўради у.

Буни мен билмасдим. Шеригим «Пентагон»га кириш учун рухсат қоғозига босиладиган муҳр намунасини ўйиб ишлаётганига бир вақт кўзим тушгани эсимда. Ҳарбий хизматдан озод этилгани ҳақидаги бланка ва Буюк Британия бронетанк қўшинлари офицери гувоҳномаси ҳам бор эди. Бир куни менга Лондон ҳарбий касалхонаси врачининг штампини ясашни ҳам топширишган эди. Мен бошқа ҳеч қандай англиз ҳужжатларини кўрмагандим. Эҳтимол, шундай ҳужжатларнинг нусхаси шу атрофда ёки Берлиннинг Дельбрюкштрассе кўчасида тайёрланаётгандир. «Ораниенбург» комплекси яратилганига қадар бу ишлар ўша жойда олиб бориларди, турли хил паспортлар, справкалар, рухсат қоғозлари техника ёрдамчи воситалари бўлими хоналарида даста-дастаси билан сочилиб ётарди. Бернхард Крюгер сохта ҳужжатлар тайёрлаш ишлари-

ни катта кўламда уюштирганди, у фақат Гиммлернинг буйруғи билан бу ишни Отто Скорценига топширди. Қирқ учинчи йилда, биз шу деворларни кўтаришимиз билан сохта ҳужжатлар фабрикаси Фриденталга кўчиб келди, урушнинг сўнгги ҳафталарида клишеларнинг нусхалари бу жойдан Тиролдаги Альп қўрғонига яширинча олиб кетилганди. У ерда герметик усулида маҳкамланган контейнерлар яшириб қўйилган ёки қўлга ботириб юборилган. Қани энди ўша клишеларни ҳозир ўзим бир кўрсам. Наҳотки, менинг ишларим ҳам сақланиб қолган бўлса-я? Ўша махфий қуроллар ҳозир ҳам борлигини ўйласанг, тепа сочинг тикка бўлиб кетади, ахир кимдир улардан фойдаланиб, одамларга зарар етказяпти, мен эса уни тополмайман, олдини ололмайман.

Мен яна ўлим кишилари ҳақида айтиб бердим. Сиз «қурбақа-одам» ҳақида ҳеч нима эшитганмисиз? Эшитмаганга ўхшайсиз. Мен сизларга сув ости қўпоровчилари тайёрланган жойни кўрсатишим керак.

Оскар Грюнбах ҳассасини яна қўлига олди, уни мина қидиргичдай олдида тутиб, бизни ўтлоққа бошлади. У, миналарни ўйламасди, албатта қора ҳассаси ўзини дадил тутишига ёрдам берарди, холос. Бўлмаса, бу ерлар аллақачонлар миналардан тозаланган бўлиб, энди куз қуёшида ҳилпираб турарди.

Ўтлоқ. Топ-тоза ўтлоқ. Унда ўтмишдан, ўлим изларидан асар ҳам қолмаган. Заксенхаузен ана шу ерда бўлган, худди шу жойда одамлар озмунча азоб, кулфат чекмаган. Ҳар қадамда барак, бостирма, соқчи минораси бор эди, улар одамларни осмондан, шамолдан, умиддан, инсонларга хос бўлган оддий рўшнолик умидларидан маҳрум этиб қўйганди.

Куз, кеч куз бўлишига қарамай, ўтларнинг ҳаммаси ҳам сарғаймаганди, ногоҳ ҳаво исиб кетиши билан онда-сонда бевақт униб чиққан майсалар сарғайган ўтлар

орасидан ям-яшил бўлиб кўриниб турарди. Мана шу сўлим кузда, бир текис майсазорда ўлим ва дахшатни эслатувчи тошлар ўтмишдан ёдгорлик бўлиб қорайиб турарди. Тилсиз бўлса-да, бу тошлар ҳамма нарса-ни айтиб беришга қодир эди. Бу тошлар бизга инсон қалбининг жасоратидан, умид билан тепишидай, зулматда ҳам нур сочишидан сўйларди. Оскар Грюнбах юмшоқ, иссиқ, шу сентябрь кунлари сингари туси кетган шляпасини бошидан олди.

Нега бундай қияпти, бу ерда қабр бормикин?

— Э, худойим, э, худойим,— пичирлади ўймакор.— Азоб-уқубат санъатда ўз аксини топяпти... Мен бўлсам бундай қилмасдим. Ҳайкалтарошнинг исканаси қийинчиликни эслатади-ю, лекин шу жойда юз берган фожиаларни ифода этолмайди.

Гулларни қаранг. Ҳали ҳайкал шаклига кирмаган тош устига кимдир авайлаб гул қўйибди. Бу қўл Заксенхаузен абадий жудо этган, болаликда, муштдайлик чоғида энг яқин ягона кишисининг иссиқ баданига теккан бўлса ҳам ажаб эмас.

Нима бўлса ҳам қабрда. Нега қаҳрамонлик рамзи эмас? Нега Заксенхаузенни сўлим ўтлоқ билан эмас, балки сўқмоқлар орқали босиб ўтган Оскар Грюнбаҳга ёдгорлик қўйилмаган? Немис комендант номларини айтишга қийналган яна бошқа кўп кишилар, ҳар хил фамилияли кишиларга ҳам ёдгорлик қўйилмаган. Шу туфайли ҳам одамлар номерлаб қўйилганди, номер ҳаммага тайин эди...

— Бараклар сақлаб қўйилганда дуруст бўларди. Ҳеч бўлмаганда, битта баракни,— деди Грюнбах.— Бу барак одамларга бор гапни айтиб берарди...

Биз бўлғуси ёдгорлик тош олдидан ўтиб, Одер-Хафель қирғоғига яқинлашганимизда, у ўз фикрини ўзгартирди.

— Ер юзида ҳеч қандай ўлим лагери, хаттоки уларнинг

изи ҳам қолмаслиги керак... Дунёни азоб-уқубатлар музейига айлантириш ярамайди. Атроф-теварак сокин, мусаффо бўлгани каби Одер-Хафелнинг суви ҳам тиник, бир меъёрда жимирлаб оқиб турарди. Сув деярли қирғоққа урилмасди, худди у мудраётганга ўхшарди. Қайрағочнинг тасодифан тушиб қолган олтинсимон барглари канал ўртасида ликиллаб оқарди. Улар қишни қаршилаб қаергадир сузиб кетарди.

— Бу жойда кишиларни ўлишга ўргатишарди,— деди Грюнбах, қирғоқнинг қуруқ ерига ўтира туриб.— Хатто, совуқ тушиб қолган кеч кузда ҳам.

— Бу фанми?

— Ҳа.

— Уни ўрганса бўладими?

— Албатта. Атрофига мина қўйилган, душманнинг сувости кемаси келолмайдиган портда амфибия-одам, ёки Отто Скорцени айтгандек, «қурбақа-одам» маълум мақсадга мўлжалланган мина ролини бажарарди. У махсус капсулда ёки оддий скафандрада кема тагига сузиб бориб, портлатувчи заряд боғлаб қўярди. Кеманинг кули кўкка совриларди. «Қурбақалар»ни Фриден-талда тайёрлашарди. Мана шу кўприкчаларда машқ қилдиришарди. Каналга катео киритишарди ёки при-чалга дарҳол девор қуришарди. Ўлим кишилари катердан тўғри сувга сакрашарди, билинтирмай, овоз чиқармай, керакли жойга сузиб боришарди. Булар бақувват, ёш йигитлар, яхши сузувчи кишилар эди. Уларни қалъадан қандай жўнатишганларини бир неча марта кўргандим. Уларнинг кулганларини кўрганим йўқ. Инструкторлар кўпурувчилик ишларининг сира хавфли томони йўқ, деб айтган бўлсалар ҳам, маҳбуслар сув остидан қайтиб чиқмасликларига кўзлари етса керак. Бу ерда, каналда, «қурбақалар» мина макети билан ишлашарди, денгиз-да эса одамларини дарҳол автоматик усулда портлаб кетадиган ростокам мина-

ларга боғлаб қўйиларди. Қўпоровчилар кема олдидан узоқлашиб кетолмай, кема билан бирга ҳалок бўлардилар...

Мен ҳам Ислombекка «қурбақа» ҳақида ҳикоя қилиб берувдим. Пластик портлатгич ҳақида ҳам, магнит ми-наси ҳақида ҳам, заҳарланган қурол ҳақида ҳам айт-гандим. Қурол тўғрисида унга айтмасам ҳам бўларкан, чунки Саид Баумкеттер рўйхатида бор эди. Айтганча, лагерь коменданти билан тасодифий учрашувдан кейин хавф-хатар ўтиб кетганга ўхшарди... «Энди ҳамма нарса кун ва ҳатто соатларга боғлиқ», деганди у менга. Ислombек медицина барагини кўзда тутмаган бўлса ке-рак. Унинг кўзларида бирор фожа ифодаси, ўлимни ку-тишдан асар йўқ эди. Унинг авзойига қараб мен ҳам ан-ча-мунча тинчландим. Аммо янги маҳбуснинг ҳаётини сақлаб қолиш кераклигини ёдда тутиб, унга ҳунар ўрга-тавердим, чунки Ислombек ҳаёти шунга боғлиқ эди.

Худди томдан тараша тушгандек бахтсизлик ногаҳон юз берди. Мен сизларга плацдан тўппа-тўғри Юзеф ҳузурига борганимни айтган эдим. Ҳаддан ташқари лойгарчилик ва қаттиқ совуқда чопиб бориб, унга, ку-чим қолмади, янги маҳбусни сақлаб қолиш қўлимдан келмайди, деб айтдим. Юзеф маъюслик билан катта кўз-ларини менга тикди-да, дудуқланиб (у ҳаяжонланганда сўз тополмай қоларди) нима қилиш кераклигини, дарҳол ишга киришиш зарурлигини тушунтирди. Унинг гапига биноан мен ўз жойимга қайтиб бориб, халифа-дан Ислombекни ўймакорлик цехига қайтаришни талаб этишим зарур эди... Мен лойга ботиб қайтдим-да, Кра-мерни изладим. У цинкографияда экан. Мен унга:

– Шунча меҳнат қилишнинг нима ҳожати бор? Шун-ча вақтни беҳуда сарфлашнинг нима кераги бор? Ёки бизга ғалаба керак эмасми? — дедим.

Крамер таажжубланди. У мендан ҳеч вақт шундай гап эшитмаганди. Агар менинг йўталишим ҳисобга олин-

маса, у менинг гапимни камдан-кам эшитарди. Мен йўтал касалига дучор бўлгандим, ўпкамни кислота эритиб юборганди. Халифа юзимга қаради-да, таажжубдан оғзи очилиб қолди.

— Башарти, мен эртага ўлиб қолсам,— Крамерни кўрқита бошладим.— Эшитяпсанми томоғимнинг қирилаётганини. Бу пластинкалар билан ким шуғулланади? Ким?

Нихоят, у менинг гапимга тушунди-да, сўкиб берди:

— Э, ҳаммангни ҳам жин урсин. Нима, сиз Крамер ишнинг ғамини емайди, деб ўйлаяпсизми. Комендантнинг ҳам жонига тегдим. Беш кишини Баумкеттер ихтиёрига бериш ҳақида буйруқ бўлгандан кейин унинг қўлидан нима ҳам келарди. Ўшалар ичида янги махбус ҳам бор экан. Комендант ўшанинг ўрнига тўрт киши беришга ҳам тайёру, лекин... Крамер бемаъни, сотқин одам эди. У, агар ўз ҳаёти тўғрисида гап кетса, бизнинг ҳаммамизни ҳам сотиб юборишга тайёр эди. Лекин у Исломбек учун талашиб-тортишди, бунга ишончим комил эди, чунки унга ҳунарманд одам, кўплаб ҳунарманд даркор эди... Мен яна шунга ҳам амин эдимки, энди бирор чора кўриш мумкин эмасди. Баумкеттер Исломбекка қаттиқ ёпишиб олганди.

Уларни плацдан тўппа-тўғри баракка олиб боришди. Бешовини. Олдинда Исломбек борарди. У жуда тетик, дадил эди. У нимагадир ишонарди, нимадандир умид қиларди. Қолган тўрт киши эса олдинда фақат ўлим турганини билишарди. Тўғри, уларни баракка ишга юборишгандай эди. Лекин Баумкеттер нима иш билан шуғулланишини Заксенхаузенда ким билмайди, дейсиз. Ҳа, ғоят даҳшатли кун эди — чунки шу кун ўлим олиб келганди, лагерда шамол эсиб, юзга қорни ураётганди, ҳўл қор кишиларни ўлим олдидан ҳам қийнаётганди.

Уларни баракка олиб киришди. Барак қурук, ҳатто иссиқ ҳам эди. Бироқ беш кишидан биронтаси ҳам буни сезмасди. Улар тўхтаб, оқ халатли врачлар ўтирган столга тикилишарди. Оддий врачлар одатдагича халат кийиб олишганди. Лекин бу оддийлик кишилар онгига таъсир қилиб, уларга тасалли беролмасди. Бу тўр парда бўлиб, унинг орқасида Баумкеттер ўтирарди. Шунинг учун ҳам улар Баумкеттерни излаб, унинг қандай одам-лигини билишмоқчи эди. Уларнинг ҳар бири ўзича, энг қаттиқ қўли, энг раҳмсиз анависи бўлса керак, деб ўйларди. Ахир, қотил раҳмсиз бўлиши керак-да, ҳаммаси ҳам кўнглидан ўтказди-ю, ҳаммаси ҳам, ҳатто Исломбек ҳам янглишди. Ўртада ўтирган кўзойнакли тепакал киши унга жуда ҳам совуқ кўринганди. Ўша!

Уларни ечинишга мажбур этишди. Сўнгра навбати билан кўра бошлашди. Томир уришини текширишди. Юракнинг бир меъёрда уриши қандайдир роль ўйнардди. Гўё юрак бир вақти келиб яна уриши зарурдай эди.

Ҳаммаларининг тишлари совуқдан эмас, балки кутишдан такилларди. Халатсиз бир киши кириб келди. У йиллар ўтиши билан иш ташвишидан оғирлашиб қолган эди. У беодоблик, ичиқоралик билан эмас, балки узр сўраётгандай ҳорғинлик билан мийиғида кулиб турарди. Бу Баумкеттер эди. У тепакал узатган варақага кўз ташлади-да, қўйилган белгига эътибор берди, лабини буриб, бир лаҳза ўйланди, сўнгра Исломбек ёнига келди.

Исломбекда номер, одатдаги лагерь номери йўқ эди, шунинг учун Баумкеттер бош чайқади — унга яна нимадир ёқмаганди. Нималигини Саид англолмади. Лекин Баумкеттер ўзининг хомсемиз, жунли қўли,— бу жунлар Исломбек бўйнига ботганди,— унинг елкасига текканда, ҳамма нарса аён бўлди. Дитрихнинг ўқидан яраланган, аммо ҳамон битиб кетмаган яра врачнинг режасига мос келмади.

Шундан кейин Баумкеттер шу жундор қўли билан — бари бармоқларини ҳам тук босиб кетганди — Саиднинг биқинини, иккинчи елкаси ва қовурғасини ушлаб кўрди, яна пешанасини тириштирди.

Тўрттасини тавақасига қандайдир сариқ тахта қоқилган тор эшикдан олиб чиқиб кетишди. Қуруқ тахтача эди ёки Саидга шундай кўринди шекилли. Эҳтимол, унга нималардир ёзилгандир, аммо жуда майда бўлиб, кўзга илинмасди. Эшик тавақаси ёпилгач, Баумкеттер Ислombекни қолдириб, эшик томонга юрди. Эшик ёнида бирмунча вақт тўхтаб турди, жимликка қулоқ солди, сўнгра елкаси билан тавақани маҳкамлаб, улар қаттиқ ёпилганидан хотиржам бўлгач, маҳбус ёнига қайтиб келди. Саид қалтираб кетди — бу асаб титроғи эди, ҳатто тишлари ҳам аста такилларди. У бор кучи билан қалтирашини босиш учун уринди. Ольшернинг: «Менинг айтган гапларимга ишонишга ҳаракат қилинг. Биламан, бундай қилиш мушкул—ҳар қандай кишига ҳам қийин, лекин жуда зарур»,— деган сўзларини ичида тақрорлади.

Ишонмоқ зарур эди. Гейнц Баумкеттердан бошқа нима ҳам танлаш мумкин эди. Дарвоқе, Ольшер бошқа ҳеч нарса таклиф қилмаганди. Балки, унда бундан осонроқ, инсонийроқ бошқа бирор нима бўлмаса керак.

Ишонаман, Саид ўзини ишонтирди, ишонишга ҳаракат қилиб кўраман. Фақат мана шу ярим соатга, шу дақиқаларга чидаш керак. Ольшер бир зумга, бир неча дақиқага чидаш зарурлигини айтувди.

Баумкеттер Саиднинг елкасини яна кўздан кечирди, энди врачга хос қизиқиш билан қаради. Унинг юзида на кўполлик ва на нафрат изи бор эди. У маҳбусни титроқ босганлигини билиб турганди, аммо у бундан ташвишланмасди. Ҳаммани ҳам қалтироқ босарди, чунки улар бундан бу ёғи нима бўлишини фаҳмлардилар. Маҳбуснинг ранги оқариб кетгани Баумкеттерни

ташвишга солганди. У нимжон бўлиб, чаккаларини совуқ тер босиб, хушидан кетиши мумкин эди.

Баумкеттер, Ислombекка маълум бўлмаган ўз са-волини ечаётганди. Оддий савол. Уни маҳбуснинг қиёфаси кўр- қитар ва безовта қилар эди. У пайдо бўлган шубҳани рад этиш ёки тасдиқлаш учун Саид-нинг қўлини олиб, томир уришини санай бошлади. Саиднинг юраги қаттиқ дукиллаб урарди. У юрагининг дукиллашини эшитар, чаккалари лорсиллаётганини хис этар эди-ю, аммо бирон нимани ўзгартира олмасди, юрагини тинчлантиролмасди.

Баумкеттер бўлса ҳамон унинг томир уришини санар ва Саиднинг юзига, бўзарган кўзларига тикилар эди. Тўғри, бу кўзлар ҳатто ғира-ширада ҳам кўринадиган даражада бежо ёниб турарди, аммо ҳар ҳолда нурсиз эди. Гейнц Баумкеттер яна лабларини қийшайтирди. Тўсатдан Ислombекнинг қўлини қўйиб юбориб, девор томонга кетди. У Саидга орқаси билан туриб, чўнтагидан қандайдир жилосиз кумушсимон нарса, Ислombек кутганидек тўппонча эмас, папирос қутими ёки шунга ўхшаш бир нарса олди-да, қопқоғини тақиллатиб очди, шошилмай оқ капсулларни танлай бошлади. У ўйла-ниб танлар экан, баъзан тўхтаб қоларди, уни фикрлари тўхтатиб қоларди. Ниҳоят, танлаб олди-да, ёруққа солди, шунда капсул йилтираб кетди. Юқоридан, том тагидаги кичкина деразалардан қиттак хира ёруғлик тушиб турарди. У қуйидан кўкимтир бўлиб кўринган қор учқунларини ёриб кирганди.

Капсул стол устига қўйилди, шундан кейингина Баумкеттер тўппончасини олди. У чаққонлик билан дастаси калта қора тўппончасининг ўқдонини очди-да, унга худди ўққа ўхшатиб капсулни жойлаштирди ва ўқдонни жойига қўйди, бу чиндан ҳам ўқ эди.

Қаердандир, девор ёки эшик орқасидан кетма-кет икки марта ўқ отилгани эшитилди. Бировнинг инграга-

нигами ёки шамолнинг ғувиллаганигами ўхшаган овоз кулоққа чалинди. Баумкеттер бошини кўтарди, эшикка назар ташлади ва бир-икки дақиқа яна кулоқ солди.

«Башарти, бу менга келган ўлим бўлса-чи,— бехосдан фахмлаб қолди Саид.— Девор орқасидаги ўлимдек бўлсачи. Ольшер мендан қутулади. Менинг сиримга ишонмади. Ҳеч нарсага ишонмади...» Яшамоқ керак!

Яна бир оз яшаш керак. Шу деразани ва унинг орқасидаги ёруғ жаҳонни кўриш керак... Камгина, хира ёруғликни, уча-уча, дераза ойнасига қўниб, эриб кетаётган қорни кўриш керак. Баумкеттер худди Саиднинг фикрларини эшитгандек, сергакланиб, ҳатто кўрқиб қайрилди. Назарида маҳбус қочаётган ёки қаршилик кўрсатишга уринаётганга ўхшади. У дарҳол тинчланди. Исломбек ўша жойида туриб, негадир, ҳўл қордан оқара бошлаган деразага қараб турарди. Баумкеттер кафти билан ерни кўрсатди.

– Ётайми? — немисчалаб сўради Саид ва ўзининг худди томоғи бўғилаётгандек хириллаган бўғиқ овозини эшитди. Лекин Баумкеттер унинг саволини фахмлади-да, илжайди.

– Сиз немисча ҳам гапирасизми?

Унинг чехраси янада мулойимлашди, худди ноқулай вазият учун кечирим сўрагандек, кулиб қўйди. Полга ҳеч нарса тўшалмаганди, ерга ётқизилган тош ҳўл эди. Ҳалиги тўрт киши шу ердан ҳўл пантофеллари билан ўтиб кетишганди. Баумкеттер Саиднинг кўйлагини цементга ташлади-да, деди:

– Марҳамат!

– Саид ётиб, юзини ерга қўйиш олдидан Баумкеттерга тикилди. У нима сабабдан шундай қилганини билмас эди, аммо тўппонча ушлаб турган одам билан албатта кўз уриштирмоқчи бўлди.

Баумкеттер аввалгидек, худди кечирим сўрагандай ҳатто маъюс жилмайиб турарди. Унинг кўзларида

ташвишдан бошқа ҳеч нарса сезилмасди.

Баумкеттер ўз ўқларига ишонмасди. Саид уни шундай тушунди, тушунди-ю, юраги шув этиб кетди. У бир лаҳза шундай туйғуга берилди-да, яна оёққа турмоқчи бўлди, лекин Баумкеттер ўрнидан қўзғалмасликни таъкидлаб, унга энгашди, яна тукли бармоқларини Саиднинг елкасига теккизди, қассоб каби уни эзиб кўрди.

Шу пайт яна ўқ узилди. Энди девор орқасидан отилгани аниқ эди. Ўқ овози қаттиқроқ эшитилди.

– Тинчланинг!—таъкидлади Баумкеттер ва Саиддан қўлини олди. Пол совуқ эди. Цемент баданини музлатарди, аммо Ислонбек қимир этмади, фақат елкасини туширди. «У елкамга отади. Чап елкамга...»

У кўзларини юммоқчи бўлди, лекин қовоқлари юмилмади. Унинг катта очилган кўзлари бир парча полга ўзи ётган кир кўйлагининг енгига тушди. Бу ёруғ жаҳон бўлиб, сўнгги дақиқада кўраётгани шу эди. Ўқ овози қаттиқ янграмади. Ҳар ҳолда Саид кутгандек қаттиқ эмасди. Чап елкаси оғриб, қизиб кетди. Саид ҳам аста ингради. Аъзойи бадани ёниб, боши қизиб, кўзи ловиллади, кўк аланга кўзини бир лаҳза қамаштирди-да, ўчди. Ҳа, сўнди, ҳаммаси сўнди.

У ҳатто Баумкеттернинг:

— Олиб чиқинглар! — деганини ҳам эшитмади.



ИККИНЧИ ҚИСМ

ЛАБИРИНТ

Уни Берлин ҳалқасининг иккинчи километрида, шоссенинг Потсдамга қайриладиган жойи олдида тутишди. Куннинг охирида, йўл ёқасидаги буталарнинг узун кўк кўланкалари йўлдан ошиб ўтиб, бетон йўлда эса сукунат чўккан пайтда қўлга олишди. Бундай пайтда кўзга яққол ташланмайдиган кулранг «фольксваген» машинаси йўл ёқасида узоқ туриб қолди. Машинани аллақачон пайқашганди. Унча тез юрмайдиган, лекин анча қулай ва маҳкам бу «конька»нинг эгаси қалин қарағай орасидан мўралаб, машина ёнига яқинлашганда, уни давлат хавфсизлиги органининг ходимлари тўхтатишди:

— Фрау Хенкель!

Аёл индамади. У ўзини эшитмаганга солди ёки бу номнинг менга алоқаси йўқ, дегандек тутди. Машина калитиними ёки ёқишга алоқадор бирор нарсаними олмоқчи бўлиб, қўлини камзули чўнтагига тикмоқчи бўлган эди, аммо офицер уни тўхтатди:

— Қимирламанг!

Шундагина у қайрилиб, гўё ханг-манг бўлгандай офицерларга — уни тўхтатганга ҳам, ёш арча буталари орасидан чиқиб келган икки шеригига ҳам кўз ташлади.

— Бу нимаси, жаноблар. Ёки аёл киши сизнинг коммунистик секторингизда машинадан ҳам тушиши мумкин эмасми? Бу хоним ёш эмасди, ёши анча ўтиб қолганди. Тўғри, ёшлик учун курашга сарфланган кўп меҳнат уни вақт ҳужумидан анча сақлаб қолганлиги учун бу хоним ҳамон келишган, гўзал кўринарди. Ҳар ҳолда юмшоқ кўнга ўхшаш қандайдир энг янги эластик матодан спортча тикилган, деяъли аскарча оддий кенг тасма билан бели маҳкам боғланган тўқ сариқ камзули, унинг алифдай нозик қадди-қоматини яққол намоён қилиб турарди. У калта юбка остидан чиқиб турган йўғонгина оёқларини ерга маҳкам босиб турарди. Аммо оёқлари чаққон кўринади. Қўлга олинган аёл бўйи паст, кигиздай бўлиб кетган ўтлоқда йўл танламай ўрмонга

борар экан, чиндан ҳам шахдам, чаққон қадам ташлар эди.

– Сиз, сўнгги дақиқаларни ўтказган жойингизга қайтмоғингиз керак! — деди унга офицер.

Аёл нима учун, деб сўрамади ҳам. У бошқаларнинг адашганини кўриб, кулгиси қистаган кишидай елкаси-ни қисди; ҳатто илжайиб ҳам қўйди. Бу ҳолат офицерга кулгили бўлиб кўринди. Ҳа, кулгили. Аёлни мажбур этишяпти, бу бемаънилик-ку, ахир. Аммо, бўйсунишга тўғри келади. Нима қипти, контрразведкачи тўпориларнинг куч ишлатишдан бошқа усуллари ҳам йўқ. Уларнинг билгани мажбур этиш, ундан дурустроғига қодир эмас. Шунинг учун аёл камзули чўнтақларига қўлларини солиб, ўзини бепарво, лоқайд тутиб, тўладан келган оёқларини ноз-карашма билан босиб бораверди.

– Бу жойда нима қилдингиз, фрау Хенкель?

Бу жойда — яъни шу эман дарахтлари ва қарағайлар ёнида. Товланиб турган дарахтзор ичидаги шу кўкимтир-қора, ўнқир-чўнқирли кичкина майсазорда, ботаётган қуёш нури гўё ювиб-таралган, бир текисда қирқилган майсазорга тушиб турган бу ўрмонда нима қилиб юрибдикин.

– Нега Хенкель бўлар эканман?

Аёл бекордан-бекорга шунчаки илжаймасди. У узун киприклари ўраб турган кўк, бодом қовоғларини хиёл қисиб, офицерларга, ўзларини детектив деб ўйлаб юрган манави ўзига бино қўйган оддий дехқон ёки ишчи болаларига такаббурлик билан боқарди.

– Нега Хенкель бўлар эканман? — деб саволини қайтарди у ҳамон илжаяр экан. Офицер жуда жиддий эди. У ҳаяжонланарди, лабларининг пирпирагани бегона кўзга яққол ташланиб турарди. У биринчи марта операция ўтказаётган бўлса керак. У ана шу кеккайган безбет аёлни роса боплашни истарди.

– Аниқроғини айтишим мумкин: сиз француз «Рунд-функ» радиосининг собиқ диктори, Туркистон миллий

комитети собиқ президентининг рафиқаси Рут Хенкелсиз... Вой худойим-ей, жуда билағон экансиз. Собиқ, собиқ... Дарвоқе, менинг фамилиям Найгоф. Сиз, жаноблар, менга сигарета бериб туролмайсизларми? Меники машинада қолибди.

Уларнинг учови ҳам шошиб-пишиб, чўнтақларидан сигарета чиқаришди. Мунча дағал, овсар йигитлар-а. Бирок хоним уларнинг қўлида, буни ҳисобга олишга тўғри келади. Чекиш керак, ўйин бошландими, бўлди, энди сигаретани олиш керак. Жуда жиддий, ҳаяжонланганидан лабларини тишлаётган биринчи йигитдан эмас, ўзини тутиб турган, энг муҳими, жуда мулойим иккинчи офицердан олиш керак. Иккинчиси унинг чехрасига, оёқларига эътибор билан тикилиб турибди...

Сигарета узоқ чекилди, оловни ҳам ўша йигит тутди. Унинг кўзлари оч қизил шуъла ёритиб турган ёнидаги юмшоқ кафтларга — музикачи ёки рассомнинг нозик бармоқларига тушди. Аёлга шундай кўринди. Бу йигит зиёлилардан бўлса керак. Йўқ, касби кори бўйича эмас. Эҳтимол келиб чиқиши шундайдир. Шундан сўнг хоним захархандалик билан бирров унинг юзига кўз қирини ташлади-да, хушбўй тутунни ичига ютди.

— Шундай қилиб, менинг фамилиям Найгоф... Фон Найгоф! Мен чет элликман... Буни сизлар тушунсангиз керак, жаноблар?

— Қайси сектордансиз?— негадир биринчи киши эмас, кулранг плашли, қандайдир кўримсиз учинчи киши сўради. Қўллари зиёлиларникига ўхшаган иккинчи киши жим турарди. Афсус, ўша гапирганда соз бўларди-да.

— Ғарбий сектор ҳам чет эл,— тўқ сариқ камзулли хоним илжайишдан тўхтаб, негадир афсусланиб хўрсинди.— Мен Берлинни, ҳатто мана шу коммунистик Берлинни беҳад севсам ҳам, лекин берлинлик эмасман...

Улар энг муҳим нарсани айтар, берилган саволга жавоб қайтарар, деб кутиб туришарди. Фрау Найгоф эса

жавоб бермасди. Орқаси билан қарағайга суяниб, папирос чекар ва қуёш қалин чангалзорлар орасидан этагини йиғиштириб ола бошлаган ўрмонга хаёл суриб боқар эди.

— Бу ерда нима иш қилдинг эмиш...— ўзидан ҳам, офицерлардан ҳам сўрамай, шунчаки хаёл суриб деди Найгоф.— Аёл кишига шу хил савол бериш одобданмикин?

Уларнинг учови ҳам лабларини қимтиди, бу қилиқлари яна кулгили кўринди. Ўзларини детектив қилиб кўрсатмоқчи бўлган бу йигитлар жудаям содда, лақма-я.

— Лекин савол берилди,— энди ўрмонга эмас, учида зиғирдак олов қолган сигаретага қараб давом этди Найгоф. — Агар мен мана шу қарағайларни томоша қилиб юрувдим, десам сизлар ишонмайсизлар. Ахир киши баъзан табиат манзараларидан бахраманд бўлгиси келади. Сизнинг социалистик жамиятингизда ботаётган қуёш нурларидан товланиб турган қарағайларни томоша қилиш одати йўқ, албатта. Сизлар табиатга қизиқмайсизлар, сизлар табиатни қайта курмоқчисизлар, шундай эмасми?..

Контрразведкачилар индашмади. Кўллари рассом ёки музикачиникига ўхшаш киши ўзини ноқулай сизди. Аёл шундай деб ўйлади. Ўша киши баронессанинг аччиқ таъналаридан, таҳқирловчи гапларидан қочиб бекиниш мумкиндай, нуқул ўтларга тикиларди. Ахир у баронессада, «фон» қўшимчасини шу маънода фаҳмлаш керак. Бечора йигит!

— Хўш, бу ерда нима қилиб юргандингиз, фрау Хенкель?— деди биринчи киши титраётган лабларини тишлашдан тўхтаб. Кулранг плашдаги кўримсиз иккинчи шахс қайта-қайта берилаётган қўпол савол билан аёлинг кулгили, ҳавойи изоҳлари орасига гап қистирди:

— Қарағайларни томоша қилишдан бошқа яна нималар қилдингиз?.. Бу жойдаги ўрмон чиндан ҳам гўзал...

Аёл тутунни эркаклар каби ичига чуқур тортди, сигарета ярмисигача ёниб борди, ҳосил бўлган кул ўз

оғирлигини кўтаролмай, узилиб, тўқ сарик камзули устига тушди.

– Хайрлашдим...— деди Найгоф ғазаб билан этагидаги кулни қоқиб ташларкан. Энди унинг гап оҳангида на надомат, на умидсизлик бор эди. Энди фақат ўкинч сезиларди...

– Ким билан?...

– Ҳой, шармандалар, менга қаранглар! Ҳамма нарса-нияям очиқ айтиб бўлмайди. Хуфия ишлар бор... Ахир муқаддас ҳис-туйғулар ҳам бор-ку!— У чиндан ҳам ғазабланди шекилли. Унинг кўзларида алам учқунлари пайдо бўлиб, яна сўнди. Бу ажойиб онлар эди. Унинг рўпарасида турган эркаклар ўз бағри тошликларидан ўзлари уялиб кетишди. Ахир инсоннинг муқаддас ҳис-туйғусини топташ одобдан эмас-да. Лекин бу дақиқалар улар учун ҳам, аёл учун ҳам башарти маҳорат билан ижро этилса, кишига ором бахш этувчи ўйин, ажойиб ўйин эди, холос. Найгоф бу ишни шундай маҳорат, моҳирлик билан бажардики, гўё унинг қалбида табиий алам туйғусидан бошқа нарса йўқ эди.

Кўкаламзорда энди тўрт киши эди, тўрттови ҳам, шу жумладан, Найгоф ҳам ишнинг ўнгидан келганига амин эди. Аммо кейинги дақиқаларда у кўп нарсага эришолмаганини англади. Фақат ёшгина учинчи йигитнинг юзида ташвиш, ачиниш ифодаси кезарди. Қошлари устини ажин босди, лаблари аламдан бурилди. Эҳ, қани энди бу ерда бир ўзи бўлганда эди!

– Ўн бешинчи октябрь, душанба куни ҳам хайрлашганмидингиз?— сўради биринчи киши.

Аёл сигаретасини ўчириб, қолдиғини улоқтирди, улоқ-тирди-ю, худди елкасидан совуқ ўтгандек қарагайдан ўзини олди.

– Ҳа.

– Тўртинчи октябрда ҳамми?

– Ҳа.

Аёл уни анчадан буён, биринчи кунданоқ кузатиб

юришганини фаҳмлади. Унинг хатти-ҳаракатлари кузатилибди, аниқланибди, тартибга солинибди. Аёл улар ҳузурида, ёки аниқроғи тасаввур қилганидек давра ўртасида турибди. Ҳолбуки, контрразведкачилар аёлни қуршаб олмасдан бир четда, анави «фольксваген»га олиб борадиган сўқмоқда туришибди. Найгоф қўлларини чўнтақларига тикқанича, кулранг кўзларини хиёл қисиб уларга қараб турар ва берилган саволларга бир сўз билан жавоб қайтарар эди:

– Ҳа!

– Қарағайга мана бу белгини сиз қилганмидингиз?

– Ҳозир эмас, бир неча йил муқаддам?

– Ҳа.

– Сиз уни йигирма иккинчи сентябрда суратга олдингизми?

– Ҳа.

– Ҳа! Ҳа! Ҳа!

Контрразведкачилар олиб келган хонада ҳам у шундай жавоб қилди.

Унинг олдида энди детективлар ролини бажарадиган бояги оддий, кўримсиз йигитлар йўқ эди. Қўллари рассом ёки музикачиникига ўхшаган ўспирин ҳам йўқ эди. Аёл ўша йигит машина эшигини очиб, фрау Найгофни машинадан тушишга таклиф қилишганда, у билан сўнгги марта кўз уриштирганди. Йигит аёлга диққат билан, негадир ҳайрон бўлиб қараганди. Найгоф бу йигитнинг нигоҳини, умуман эслаб қолиш лозим бўлма-са ҳам, йигитни эслаб қолганди. Эслаб қолишнинг зарурати йўқ! Фойдасиз эди-да! Бундай одамлар унинг ҳаётида ҳеч хандай роль ўйнамасди. У ўзининг қарама-қаршиликларга тўлиб-тошган, дабдабали ҳаётида минглаб одамларни учратди, қисқа ва узоқ муддатга улардан жудо бўлди. Бу муддат шунинг учун узоқки, кўп азоб-уқубатлар чекишга тўғри келди, бу муддат шунинг учун қисқаки, аҳён-аҳёндагина қувончли онларга муяс-

сар бўлди. Ҳа, аҳён-аҳёндагина...

Хонада у уч ёш детектив ўрнига, бир кекса контрразведкачини кўрди. У шунчалик кекса эдики, нурсиз кўзлари шамоллаб кўкариб кетган, салқиган қовоқлари орасидан ҳорғин боқарди, сочлари ҳам оппоқ эди. Эгнидаги кители қопга ўхшаб ҳалпиллаб турарди, қоқ суяк бўлиб қолган қўллари ҳам ҳолдан тойган кишиларникидек, энг қайтармасидан зўрға чиқарди. Контрразведкачи папкалар уюлиб ётган стол орқасида ўтирарди, папкалардан бири очиқ бўлиб, ундан машинкада ёзилган бир варақ қоғоз кўриниб турарди. Негадир у папкани аста, ҳатто эҳтиёт қилиб ёпиб қўйди. Ипини ҳам яхшилаб боғлади (канцелярия ходимидан чиққан бўлса керак, деб ўзича тўқиди Найгоф). У шу ишлардан кейингина бошини кўтариб деди:

– Салом, Рут!

У бу гапни шаҳарда ҳамқишлоғини учратиб қолган кишлоқи йигитлар каби уялинқираб айтди.

Аёл гап оҳангини ҳам, сўзларни ҳам тушунмади. У рўпарасида ўтирган полковникка таажжубланиб, ҳайиқиб қаради. Бу нуроний контрразведкачи аёлнинг ҳамма режаларини чиппакка чиқарди. Ҳаммасини. У, шубҳасиз ўзига нисбатан бўладиган кўполликлар ва бошқа муомалаларга зарба беришга, қатъий курашга тайёрланганди. Мана шу аҳмоқона мулойимлик ва дўстона айтилган «Салом, Рут!» билан ҳамма режалари чиппакка чиқди, қаттиқ, таранг тортилган пружина ўз-ўзидан бўшашиб кетди.

– Мен сизни биламан,— кулимсираб давом этди полковник.— Сиз Шонгаузэраллейда, ёнимизда турардингиз. Тайёр кўйлақлар магазини рўпарасида... Магазин ҳозир ҳам ўша ерда... Мулойимлик билан айтилган бу гапларга жавоб қайтариш лозиммикин. Булардан бирор яхшилик чиқмайди. Ўтмишга аллақачон қалам тортилган. Рутнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи қалам тортган.

– Сиз ёнимиздан ўтиб кетган чоғингизда, ойим менга кўпинча: «Қара, Генрих, қандай ажойиб қиз. Қани энди шунақа келиним бўлса», дерди. Бу гаплар сиз Лиссабондан келганингиздан кейин бўлганди...

Полковникнинг илжайиши бежиз эмас. Тўғри, одатда бунақа жилмайишни мулойим дейишади, аммо фрау Найгоф учун бу хавфли. Агар контрразведкачи Рутнинг мана шу эски усулда қурилган, Шонгаузераллейда ўтказган ва эскирган туфлида француз тили дарсига чопиб борган (у дарс бериб қўшимча пул ишларди) ёшлик онларини эслаш билан чегараланиб қолса майли-я, чунки унинг унча зиёни йўқ. Аммо у гапни чуқурлаштириб юбориши мумкин... Худди шундай бўлди. У гапни қовлаштира бошлади...

– Сиз, албатта, мени билмасангиз керак?—хафа бўлиб, ҳатто афсусланиб сўради полковник. У сўради-да, бесўнақай катта бошидаги ҳурпайган сочларини силаб кўйди.

– Кечирасиз,— кечирим сўради Найгоф.

– Ҳа, ҳа... Орадан неча йиллар ўтиб кетди. Ахир бу уруш бошланишидан сал олдин эди-да. Оилангиз муҳтожликда яшарди. Э, ўшанда ким муҳтожлик кўрмаган, дейсиз. Ўшанда мен ишлардим, сиз ҳам ишлардингиз, шекилли. Китоб қўлтиқлаб юрардингиз. Кечқурунлари, ёмғир, қорда... Бир кун сизни метродан кўча эшигингиз олдигача кузатиб ҳам қўйганман, плашимни берганман... Эсингизда қолмаган, албатта. Ёмғир челақлаб қуярди, сиз эса бир кўйлақда эдингиз... Ҳа, эсингиздан чиқибди... Рут Хенкель!

Аёл хижолат чекди, аммо у ўша оқшомни, ўша шариллаб ёққан ёмғирни, совқотган елкаларига бегона киши плашини ёпиб олганлигини эслатгани учун хижолат бўлгани йўқ. Булар ўтиб кетган гаплар, балки умуман шунақа бўлмагандир ҳам. Берлинда, Парижда, Марселда, Лиссабонда, Прагада озмунча ёмғир ёғдим... Шонгаузераллейда бўлса бор-йўғи бир марта

ёмғир ёққанмиш! Бўлмаган гап! Совқотган елка ҳам, тўзиб кетган туфли ҳам бўлмаган. Лиссабондаги немис элчихонаси оддий таржимонининг қизи — Рут Хенкель умуман бўлмаган...

– Менинг фамилиям Найгоф,— шафқат сўрагандай, кўрқа-писа деди.— Фон Найгоф...

– Ҳа, биламан, — деб қўлини силтади полковник ногоҳон қовоғини солиб.— Сиз ўша пайтдаёқ Хенкель бўлишни хоҳламагандингиз. Сиз туркистонлик муҳожирнинг рафиқаси бўлиб олгандингиз, ҳазиллашиб, ўзингизни малика дердингиз... Сўнгра баронесса... Ҳа, майли, буларнинг ҳаммаси ўтиб кетди... Бехосдан эса тушиб қолди-да... Бўшанглигим учун кечирасиз!

– Мен сизни ранжитмоқчи эмасдим.

– Ранжитиш?!—полковник қошларини чимирди. Унинг қошларига ҳам оқ тушган бўлиб, тикрайиб турарди.— Нега ранжир эканман? Шунга ҳам ранжимиди, киши. Тушунтириб берилди, холос. Масалан, ҳақиқий воқеа тушунтириб берилди. У бир неча минут ўтмишни унутиб, ҳозирги воқеани ўйлади. Ҳозиргини ўйлаш эса катта куч талаб этарди, баъзан юраги туздай ачирди. Бу алам унинг чехрасида енгил из қолдириб, кўкимтир юзи, оқарган қошларидан дарҳол аримасди. У аламдан тезроқ қутилишга ҳаракат қилди. У кенг пешанасини кафти билан силаб, бутун алам изларини сидириб ташлади. У шу ондаёқ яна ўз ҳолига келди.

– Ҳуш, Берлин автомагистралининг иккинчи километрида нималар қилдингиз, фрау Найгоф?

Аёл бу саволдан қутулиб қолмоқчи эди, қутулиб қоламан, деб умид ҳам қилганди. Ахир, унга ўрмондаёқ шу саволни бир неча марта беришди-ку. Шундай бўлса ҳам яна савол берилди. Жавоб қайтариш керак.

– Сизга айтишган бўлсалар керак, хайрлашдим...

У ё аёлнинг жавобини эшитмади, ё умуман қулоқ солмади. Энди у қўлга олинган аёлга хира кўзлари билан

қахрли нигоҳ ташлади. У бир фикрга келди. У баронесса Найгофни ёш Рут Хенкелдан ажратиб олиши керак эди. Бу эса жуда мушкул иш эди. Баронесса ажралмасди. Кекса, дардманд таржимон Хенкелнинг мустақил қизи йўқ эди. Баронесса билан «малика», яна кимдир бор эди. Ана шу номаълум кимсанинг кимлигини аниқлаш зарур эди...

– Хайрлашдингизми ёки учрашдингизми?—аниқлади полковник ва шу билан қўлга олинган аёлнинг сўзларига ҳамон қулоқ солиб турганини, диққат билан қулоқ солаётганини англатди.

Найгоф елкаларини қисди.

– Учрашиш мумкин эмасди...

Полковник кутганидек аёл бор гапнинг учини энди чиқара бошлади. Чунки бошқарма ходимлари мана шуни деб уни сўнгги ойларда кузатиб юрган эдилар. Фрау Найгофнинг ўтмиши контрразведкачиларга яхшигина аён эди. Шунинг учун унинг ўтмишини ҳозирча ноаниқ, чалкаш ҳаётига қиёслаш керак эди. Унинг ўтмиши билан ҳозиргиси ўртасидаги чегара кўринмасди, кимлар билан алоқаси борлиги аниқ эмасди. Рут Хенкель Берлиндаги Туркистон миллий комитети президентининг хотини сифатида уруш пайтида СС Бош бошқармаси топшириғига биноан иш кўраётган муҳожирлар доираси билан яқин алоқада бўлганди. Очиғини айтганда, улар СС ва унинг кўп тармоқли бўлимлари, жумладан гестапо ва СДга хизмат қилганлар. «Малика»нинг эри «Гехейм статс полицай»нинг энг оддий агенти бўлган. Бу ҳужжатлардан ҳам маълум. Хўш, «малика»чи? Бу хил ўзаро жосуслик ва хоинлик системасида у қандай роль ўйнаганикин? Франкфурт-на-Майнеда ҳам, Дюссельдорфда ҳам, Мюнхен ва Боннда ҳам Гиммлер сочиб кетган миллатчилик ташкилотлари уруғлари кўкариб, гуллаб бошлаган жойларда Хенкель-Найгофнинг излари йўқ. Найгоф, эҳтимол, уруш охирида шароит тақозоси ёки ТМК президентидан ажралиш

ҳақида юқоридан берилган буйруққа биноан Туркистон муҳожирлари билан алоқани узгандир. Унинг излари қаерда экан?

– Бирор кимса халақит бердими?— тугунни ечишга уриниб кўрди полковник.

– Униси ҳам эмас, буниси ҳам,— деди у қатъий, гарчи очик-ойдин айтгиси келмаса ҳам,— сиз, агентларим халақит бергандир, деб ўйлаган бўлсангиз керак-да... Йўқ, улар шу ерда, уларнинг бунга алоқаси йўқ. Менга ҳеч ким халақит бергани йўқ. Чунки учрашадиган кишининг ўзи йўқ эди.

– Ғойиб бўлибдими?— деди полковник ипнинг учини топган кишидай, уни чуватишга киришиб.

– Шунга ўхшаш... Лекин аниқ эмас. У ўлдирилган...

Бу ё тўғри, ё тактик ҳийла! Қўлга олинган аёлнинг икром бўлишида бир гап бўлса керак. Қандайдир бемаънилик. Шундай бўлса ҳам полковник бирор аниқ фикрга келишга, айниқса Найгофнинг тактикасига баҳо беришга уринмади. Кейинчалик баҳо берилар. Кейинроқ, қўлда далиллар жамлангач, узил-кесил хулоса чиқарилар. Унинг қалбида юракка ўт сочувчи таниш ҳаяжон пайдо бўлди. Вақт ўтиши биланми ё ғира-шира ва қоронғиликка тикилаверганиданми, хиралашиб қолган ҳорғин кўзларини қоронғилик босди. У баронесса Найгофга қизиқиб боқиб турарди. Унинг кўзлари Найгоф-дан рағбатланарди, ҳатто шу кутилмаган тактика ҳам рағбатлантирарди. Майли, ўйнасин, чалғитсин, ўзини у ёқ-бу ёққа ташласин, айлантириб кўрсин. Полковник ана шу чалғитишларни иш ва қидиришлар учун зарурат, ҳаракат деб тушунарди. Бу зарурат ва ҳаракат ногоҳон оғзидан чиқиб кетган ҳақиқатнинг заррасини билмоқ, хатоларини ҳисобга олиб, уни фош этмоқ учун керак. Шундай мураккаб психологик ҳолатда хатолар юз бериши аниқ. Аммо ҳозирча бир доирада айланяпти, чалғитяпти...

– Учрашувга хоҳишлари бормиди?— деди полковник

хонимнинг фикрича «ўлдирилган» деган ғоят муҳим сўзни тушириб қолдириб. Бу сўз ҳар қандай терговчининг ҳам бошини қотиради-ку ахир. Полковник эса бу сўзни ташлаб кетиб, унинг ҳис-туйғусини мўлжалга оляпти. Ҳа, у учрашишни истарди. Балки бу ҳис-туйғу бўлмай, аниқ мақсад, топшириқдир!

— Хоҳлардим,— деб сўзини тузатди у.— Лекин амалга ошмайдиган орзу...

— Ҳа, ҳа, ўлдирилган! Нариги дунёда учрашувнинг фойдаси бўлмаса керак. Хуш, агар борди-ю...

У гапини охирига еткизмай, энг муҳим жойини Найгофга қолдирди.

— Билмайман... Учрашув бундан анча бурун, қирқ тўртинчи йилда юз берган бўларди...

— Қирқ тўртинчи йилда,— деб таъкидлади полковник ниҳоят биринчи далилни қўлга киритиб.— Қирқ бешинчи йилда у оламдан ўтган эди.

— Оламдан ўтган эди,— бир оз ҳайрон бўлиб тасдиқлади баронесса. — Ким тўғрисида гапираётганимни биласизми?

— Ҳа, албатта.

Аёл лабини тишлади, демак бу ҳам унга маълум экан! Контрразведкачилар кўпдан бери унинг изига тушган экан, аёл эса, мени ҳеч ким билмайди, сезмайди, деб ўйларкан. Ҳаммасига «фольксваген» сабаб бўлди. У бу машинага ўтирмайман деганди-я. Шарқий зона учун бошқа модель ва маркалар мос келарди. Хатога йўл қўйилди. Аммо ўз хатосига ва хатодан сўнг фош бўлишига иқрор бўлган Найгоф контрразведкачилар қўлида уни шарманда қилувчи ҳужжатлар мавжудлигига унча ишонмасди. Эҳтиёткорлик билан текшириб кўриш, аниқлаб олиш мумкин эди, шунинг учун Найгоф полковникка савол берди:

— Сиз уч кишидан қайси бирини кўзда тутяпсиз?

Башарти полковник ҳамма нарсани билса, саволга бемалол жавоб қайтариши мумкин. Жумлани чўзиб

айтган Найгоф контрразведкачининг қуюқ қошлари остидаги кўзларини кузатди. Аввало, шу кўзлар, сўнг-ра лаблар жавоб бериши керак. Аммо у ҳеч нарса-ни аниқлай олмади, аниқлашга улгурмади ҳам. Ҳа, қидирадиган нарса ҳам йўқ эди. Полковник ўйлаб ўтир-масдан деди:

— Албатта, биринчисини эмас.

Шундай қилганда йўқ нарсага ишониб мумкин. Найгоф ҳам ишонди. У полковник пайқаб қолди, деб ўйламаганди. Шуниси ҳам борки, уч кишидан бирини суриштирганда, ҳеч вақт биринчи кишини, кўпинча би-ринчисини назарда тутишмайди.

— У ҳам шу ерда ўлдирилганмиди?—Полковник ҳафсала билан боғлаган папкани ечиб, ундан бир неча варақни олди ва суратни топди. У суратга уни ўрганиш учун эмас, балки ўша сурат эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун тикилди, кейин уни Найгофга узатди.

Баронесса қизариб кетди, уни доводиратиб қўйиб осон экан. Ишнинг бундай ўнгидан келишини полков-ник кутмаганди. У савол бериб, фақат фактни аниқлаб олмоқчи эди. Ҳа, суратда ҳам аёл кишини уялтириб қўядиган ҳеч нима йўқ эди. Шунинг учун у баронес-санинг юзи ва бўйни бирпасда қип-қизариб кетган-нини кўриб, аппарат фокусига бирор нима, кишини қизартирадиган бирор нима тушиб қолмадимикан, деб ўйлаб қолди.

Ҳеч нима йўқ эди. Бўлса ҳам, Найгоф уни пайқамасди, албатта. У ўзини, дарахт ёнида, қарағайга кертилган белгига тикилиб турган ўзини кўрди. Кўллари дарахт танасига тиралган, оёқлари учидан кўтарилиб туриб-ди. Болдирлари ўйнаб чиққанидан бутун вужуди бир мушкул мақсадга эришишга интилиб тургандай эди. Унда на келишган қадди-қоматдан, на чиройдан асар қолганди. Агар у, кетидан кузатиб, устига-устак сурати-ни олишаётганини билса эди! Ҳеч вақт, ҳеч қачон, ҳатто бутунлай танҳо қолганда ҳам бегона кўзларни унутма-

слик керак.

Полковник унга иккинчи суратни узатди. Вой худо! У чўккалаб ерни пайпаслаётганди ёки ковлаётганди. Яна ўша: на назокат, на гўзаллик бор. Худди, хайвонга ўхшаб ҳаракат қиларди. Ҳа, — деди у беихтиёр.— Шу ерда ўлдирилган...— Шундай деди-ю, полковникка қарамасдан, энди бунга эҳтиёж қолмаса ҳам, суратга тикилиб тураверди. Ҳаммаси кўздан кечирилди. Ҳаммаси шарманда қилади, нафрат туғдиради. Мана, учинчи, тўртинчи, бешинчи сурат... Аёл тикка турибди. Шунчаки турибди, тўппа-тўғри объективга қараб турибди. Кўзларида ҳеч қандай маъно йўқ, умидсизлик, аламдан бошқа нарса йўқ. Башараси ҳам алламбало. Ҳа, башараси хунук: асли ўзи хунук, бадбашара экан.

— Мархум билан учрашаман, деб ўйламаган бўлсангиз керак,— деди шу пайт полковник. — Аммо жаҳаннамга кетиш учун киши шунчалик ҳам тиришадими? — У суратга шама қилди, суратда Найгоф қўли ва қаламтароши билан чимни титаётганди.

— Ҳа, шундай...— иқрор бўлди у ва худди айбдор кишидек, суратни стол устига қўйди.

— Бирор нимани деб ўша жойга борганмидингиз?

— Ҳа. Ўша «ҳа» яна эшитилди. Полковник шу сўзни суҳбатнинг бошидаёқ кутганди, ботаётган қуёш ёғду сочиб турган ўрмонда ҳам бу сўз бир неча марта айтилганди.

— Сиз, хайрлашдим, деб айтдингиз-а?

— Ҳа.

— Бу шунчаки сўзми? Ёки замирида бирор маъно борми?

— Менинг учун бор...

Полковник суратларни йиғиштирди, четлари билан столга урди. Найгофнинг хаёл суришига халакит бермайин, деб аста тикиллатди-да, сўнгра уларни папкага солди. Папкани ип билан боғламади, нарироққа суриб ҳам қўймади, чамаси, папка яна зарур бўлиб қолиши мумкин эди.

– Биламан, сиз ҳамма нарсани айтиб берасиз. Ҳаммасини тушунтириб берасиз,— деди қатъий полковник.— Ҳикоянгиз қизиқ, ҳатто ажойиб бўлса ҳам ажаб эмас...

Контрразведкачининг ишончи Найгофнинг дилини ранжитди. У хиёл илжайди, унинг бу илжайишида илтифотсизлик ҳам, олижаноблик ҳам бор эди.

– Ҳа, ҳаммасини айтасиз.— Полковник бошини кўтарди, унинг кўзлари аввалгидек нурсиз, ҳорғин эди.— Лекин чўпчак эшитишга хоҳишим йўқ. Бегона мамлакатни айланиб келишга жўнаётган баронесса учун хизматга тайёр турган жаноблар томонидан тўқилган чўпчакларни эшитишни истамайман.

– Бегона эмиш!— Найгоф ажабланмоқчи ҳам бўлди.

Шарқий секторни ўз уйи деб биларди. Чиндан ҳам бу жойда унинг уйи бор эди. Полковник тилга олган Шонгаузэраллейда уйи бор эди. Лекин аёл ҳайрон бўлмади, ҳатто ҳайрон бўлишга уринмади ҳам, фақат кулимсираб қўйди. Демак, сиз индамасликни таклиф этасизми?— деди аёл киноя билан.

– Йўқ, индамасликни эмас...

– Нимани бўлмаса?

– Ҳалол гапиринг, агар билмоқчи бўлсангиз, гапнинг лўндасини гапиринг демоқчиман; ҳаммадан аввал берилган саволга жавоб беришингиз керак: хўш, Берлин автотрассасининг иккинчи километрида нима қилдингиз?

– Бир сўз биланми?

– Бир сўз билан айтиш мумкин бўлармикан?— бир оз ҳафсаласи пир бўлиб сўради полковник.

– Мумкин.

– Бир сўз билан бўлса, бўла қолсин, — ҳамон шубҳаланиб қўйди у. Бир сўз нима дегани? Ё ҳеч нима йўқ, ё ҳаммаси аён бўлади. Ахир шундай сўзлар ҳам бўлади-ку!

– Хайрлашдим...

Полковникнинг жаҳли чиқди, унинг юзи бир зумда

Ўзгариб кетди, кўзларини қоронғилик босди, кўзлари устидаги қошлари бу қоронғиликни янада қорайтириб юборди. Пешанасида, қаншари ва оғзи ёнида бурмалар пайдо бўлди. Найгоф бурмалар орасида ямоқ борлигини пайқади. Чандиқ қизғиш, ҳатто бинафша ранг эди. Чандиқ уни чўчитиб юборди. Бу ямоқ учун полковник ундан, Рут Хенкелдан қасос олса-я.

– Хайрлашдим... Тўғриси шу,— деди шоша-пиша Найгоф.

Полковник кафти билан кўзларини силади, кўзлари устини нимадир, ҳорғинликми қоплаганга, ёки ўша ямоқ оғриққа кирганга ўхшарди. Енгил тортиш учун оддийгина ҳаракат кифоя эди. У чаккасини ушлаши билан кўзлари равшан тортди. Аммо аёл буни сезмади: Найгоф ҳамон нурсизланган қорачиғларни, ўргимчак инига ўхшаш кулранг пардани кўриб турарди.

– Гапиринг,— ҳорғинлик билан деди у.— Гапирсангиз-чи!

Аёл чўнтагидан бир қути сигарета олди. Полковник стол орқасидан туриб, унга гугурт тутди. У тутунни бир неча бор ичига тортди. У тинчланиш учун эмас, балки олишиш олдидан нафасини ростлаб, шай бўлиш учун шундай қилганди. Ахир, шундай олишув бўлишини у тахмин қилганди, ҳатто операция вариантларидан бири, деб режалаштирилган ҳам эди. Ҳозир биринчи зарбани бериш имконияти туғилди. Бунга полковникнинг ўзи йўл очиб берди.

Найгоф стул суянчиғига суянди-да, ўша жойдан, узоқдан туриб, рақибига тикилди, совуқ разм солди. Улар— икковлари ҳам ёш эмасликларини кўрди. Иккови ҳам кўп йилларни ўтказган, оғир йўлларни босган, қанчадан-қанча қийинчиликларни, кўнгилсизликларни бошларидан кечирган. Мисол учун Найгоф энг муҳим нарсани қидирди. Ҳаёт уларнинг куч-қувватларини олди, соғлиқларига путур етказди. Улар деярли бир ёшда, лекин аёл полковникдан ёшроқ кўринарди. Агар аёл билан эркакнинг гўзаллигини таққослаш жоиз бўл-

са, аёл чиройлироқ. Унинг омади ўнгидан келганди, у ўзини авайлади, бахт учун, ҳеч бўлмаганда, шод-хуррам ҳаёт кечириши учун кураша олади. Унинг қадрига етишади, унинг эътиборига сазовор бўлишга ҳаракат қилишади, кўнглини овлашади. Полковник-чи? У оши-ни ошаб, ёшини яшаб бўлган. Унинг орттирган нарса-лари шу ерда — пардалар ташланган шу хонада — қўлга олинганлар, эҳтимол ўлимга ҳукм этилганлар ўтирадиган стул олдидаги папкалар уюлиб ётган шу столда. Ҳа, яна ғояга эга, янги жамият яратувчи ажиб ғояга эга. Шу ғоя учун у ёшлигини, соғлиғини, ҳис-туйғуларини бахш этди. Аммо эвазига ҳеч қачон бирон нима билан тақдирланмайди.

Чунки ҳаёт такрорланмайди ҳам, йўқолган нарса қайтиб келмайди ҳам. Эсдаликлар фақат қалдирғочдек беҳосдан келиши, ҳеч нимани эслай олмайдиган етти ёт бегона, шонгаузэраллейлик қандайдир бир киз, Рут Хенкель пайдо бўлиши мумкин. Ҳатто, метро станциясидаги ёмғир уриб турган оқшомни ҳам эслай олмайди...

— Мен севиб қолгандим...— деди у хиёл туташган киприклари ортидан полковникка боқиб.— Очиқ айтганимдан хижолат бўлманг... Ҳақиқатни айтинг деганингиз учун гапиряпман... Мен севиб қолгандим. Бу қирк учинчи йилнинг куз фаслида содир бўлганди. Қайси куни эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлма-са керак. Чунки ҳис-туйғунинг бирор календарда ёзиб қўйилмаган хира, ноаниқ томони ҳам бўлади. Лекин куз эди. Эсимда: ёмғир ёғиб турганди, кишини диққинафас қиладиган ёмғир эзиб ёғарди...

2

Гаупштурмфюрер Ольшер 1943 йил кузида Исломбекка ўхшаган кишини Ноенбургерштрассега олиб келиб, уни Туркистон миллий комитетининг президенти Вали Қаюмхонга ва унинг ўринбосари Боймирза Ҳайитга

таништирганда қўпол хатога йўл қўйганди. Бу «Тюркостштелле» бошлиғининг биринчи хатоси эди. Комитетда, ҳозирча ўз фамилияси билан юрган ефрейторни сезиб қолишганди. Нимаси биландир, қадди-қомати биланми ёки юз тузилиши биланми Исломбекка ўхшаб кетган ёш легионерга муҳожирлар шефининг жуда қизиқиб қолганлигини сезиб, эътиборга олиб қўйдилар. Президент ва биринчи министрнинг эътибор бериши кейинчалик ёш легионернинг бошига бало бўлди. Лекин бу ҳол кейинроқ юз берганди. Ефрейтор комитет билан биринчи марта танишганида ҳеч қандай хавфни сезмади, аксинча бу ердаги мулоим ва меҳрибон одамлар билан аралашиб кетганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У ватанидан олисда, рутубатли Берлинда, дўст бўлиш мумкиндай туюлган ватандошларини учратди. Легионда ҳукм сурган умидсизлик ва паришонлик уларга заррача таъсир қилмасди. Ноенбургерштрасседа улар фронтда нималар бўлаётганидан, немис шинели кийиб олган мусулмонлар бошига тушаётган фожиалардан бутунлай хабарсиз эдилар. Бу қўрқоқ одам оромбахш шароитга қўниқиб, уни меҳрибонлик билан кутиб олган жанобларга беихтиёр аралашиб кетди.

Ольшер иккинчи хатога йўл қўйди — ефрейторни президент уйига олиб келиб, ҳужжатларнинг ўғирланиши ва 1943 йил февраль ойида Саид Исломбекнинг қамоққа олиниши билан боғлиқ бўлган ҳамма операцияни қайтадан тиклашга уриниб кўрди. Биринчи воқеада ҳам, иккинчи воқеада ҳам гауптштурмфюрер ефрейторни ҳамма зарур нарсалар билан, ҳатто қачонлардир Исломбек олган таассуротлар билан унинг миясини тўлдиришни мақсад қилганди. Агар Британия разведкаси Исломбекка ўхшаш кишига дуч келса-ю, уни ўз агентлари деб ўйласа, табиийки, ефрейтор текширишдан ўтказилиши аниқ эди. Ольшер билан Дитрих шундан умид қилишарди, шундай бўлишини исташарди. Исломбекнинг таржимаи ҳолини, иш олиб бораётган шароитни яхши билганлиги учун бу одам текширишдан бемалол

Ўтиши мумкин эди. Қаттиқ текшириларди. Қанчалик қаттиқлигини Дитрих гестаподаги ўз тажрибасидан биларди.

Меҳмонларни президентнинг рафиқаси Рут Хенкель кутиб олди. Тунда уч марта юз берган ҳаво тревогаси туфайли миждоқа қоқмаган хоним толиққани ва авзойи бузуқлигидан ефрейторни унча хушмуомала, эътибор билан кутиб олмади. Ваҳоланки, унинг эри ефрейторни Ноенбургерштрасседа илиқ кутиб олганди. Шундай бўлса ҳам, у ёш легионерни ва унинг СС Бош бошқармасидан келган шефини анча меҳмондўстлик билан кутиб олди. Ольшер қандай мақсад билан ташриф буюргани ва ефрейторга дарс беришда ёрдамлашишни илтимос қилганида хонимнинг юзида бир лаҳза афсус ифодаси пайдо бўлди.

– Бунинг бирор маъноси борми?—сўради бека.

Ольшер бош ирғади:

– Ҳа, Дитрих учун.

Кейинроқ ефрейторга йўл бериб уни меҳмонхонага ўтказиб юборганидан сўнг Ольшер фрау Хенкелнинг тирсагига аста туртиб, қўшиб қўйди:

– Менимча, сиз учун ҳам маъноси бор.

Хоним бу гапнинг маъносига тушунмади-да, елкасини қисиб қўйди. Ольшер хонимдан: «Нақ Исломбекнинг ўзи-я!» деган мақтовни кутганди. Аммо Рут ёш йигитнинг унтерштурмфюрерга ҳеч қандай ўхшашлик жойи йўқ деб билди, ёки бўлмаса, эътиборсизлик билан қаради. Бу эса «Тюркостштелле» бошлигини ранжитди.

Ефрейтор дарсни яхши ўзлаштиролмасди, унинг хаёли президент уйидаги жиҳозларда, фрау Хенкелнинг причёскасида эди. Бека ўзига оро беришга улгуролмаганди, шошиб-пишиб тўғнағич қадалган сочлари ёзилиб кетиб, дам юзига, дам кўзларига, дам ҳаяжон ва уйқусизликдан пирпираётган лабларига, тушиб турарди. У зални, ётоқхона ва кабинетни кўрсата туриб, хонимнинг қизиқиб, беҳад қизиқиб қараётганини

пайқаб қолди. Аввал бу нигоҳлар хотинимни ҳайратга солди, кейин эса безовта қила бошлади. Ҳовли айланиб чиқилгандан сўнг, Рут диванга ўтирди. У ҳорғинлик билан ўзини диваннинг пружинаси ичига ботиб кетган суянчиғига ташлар экан, ефрейтордан сўради:

– Сизнинг батальонингиз ўрмонда турганмиди?

У беихтиёр бош ирғади-ю, тўсатдан уялиб, қизариб кетди. Бека ефрейторнинг хижолат чекканини сезди-ю, ўзича хулоса чиқариб олди.

— Агар Ольшер жаноблари қаршилиқ кўрсатмаса, баъзан сиз ўз президентингиз ҳузурларига ташриф буюриб туришингиз мумкин. Туркистонликларнинг отаси ўз ватандошларини кўришдан ғоят мамнун бўлади.

Ольшер индамади. Ўз васийлигидаги одам билан комитет бошлиғи орасида дўстлик ўрнатиш «Тюркостштелле» бошлиғининг режасига кирмасди. Унга президент уйида фақат дарс ўтказиш зарур эди, холос. Бу дарсдан Ольшернинг кўнгли тўлмади, ефрейтор дарсни паришонлик билан тингларди. Икковлари ҳовлидан чиқиб кетишгач, Ольшер ефрейтордан сўради:

– Исломбек кабинетдан вестибюлга қайси йўлдан юриб чиққан?

Ефрейтор айтиб беролмади, чунки бунинг муҳимлигига у эътибор бермаган ва эслаб қололмаган эди.

– Сиз, азизим, ҳар ҳолда тўнка экансиз,— деди лўнда қилиб легионернинг юзига гауптштурмфюрер.— Лекин, бахтингизга, сиздан кўп нарса талаб этилмайди. Ҳеч бўлмаганда, уй бекаси қандайлигини эсда сақлаб қолинг. Ҳозирча шунинг ўзи кифоя... Ефрейтор эслаб қолди. Умуман, ҳаммаси етарли эди. «Тюркостштелле» бошлиғи ошиқарди. Унинг фикрича, майда-чуйдалар энди роль ўйнамасди. Ахир «Исломбек» алдаш, алоқа боғлаш учун керак, кейинчалик ҳаммаси жойида бўлади.

– Энди қочиш қолди,— деб ефрейторга тушунтирди Ольшер. У ўз васийлигидаги йигитнинг ҳайрон бў-

лишини ёки қаршилиқ кўрсатишини ўйламаганди. У одамларда ўз шахсий қарашлари, айниқса хоҳишлари борлиги устида фикр юритмаганди.

– Эплломайман, — ёлвориб деди ефрейтор.

Ольшер кулиб юборди.

– Бу шунчаки ўйин-ку.

– Тириги ёки ўлиги учун уч минг марка, — деб ефрейтор полициянинг эълонини унинг эсига солди. — Ўлигига ҳам шунча беришади...

– Ҳаммаси ими-жимида бўлади. Сизга қараб битта ҳам ўқ узилмайди... Бизга тирик Исломбек керак, англадингизми?

Бу масалада Ольшернинг гапи тўғри чиқди, ўқ узилмади. Ўқ отилмай, иш битди. Ефрейтор ҳаммасига тушунди, гауптштурмфюрернинг талабларини аниқлаб олди, ишлаб чиқилган программага бўйсунди, лекин шундай бўлса ҳам «қочиш» олдидан шефга билдирмасдан яна бир марта президент билан учрашди. Ноенбургерштрасседа эмас, муҳожирлар ҳукумати бошлиғига фюрер томонидан ҳады қилинган Тиргартендаги янги ҳовлида учрашди. У ўтган галдаги каби эрталаб келди. Негадир ёмғирли, туманли куз тонги легионерни келишга даъват этарди. У тугмачани босиб қўнғироқ қилди. Эшикни миллати номаълум ёш жувон очди, у немисчани яхши гапиролмасди, туркчани эса бутунлай билмасди. Чўри уни бўш хонага олиб кирди. Меҳмон стол ёнидаги креслога ўтириб, уй бекасини кута бошлади. У, албатта уй бекаси киради, деб ишонганди, дарвоқе бундай пайтда президент билан Ноенбургерштрасседан маош оладиган интизомли мансабдор билан учрашиш амримаҳол эди.

Чиндан ҳам уй бекаси, фрау Рут кириб келди. Хоним ўша биринчи марта учрашишганидагидек ҳаяжонланган, уйкуга тўймаган бўлиб, унинг ҳурпайган малла сочлари тартибсиз таралганидан ёнига тутам-тутам бўлиб тушиб турарди. Юриш-туриши ҳам, ўзини тутиши ҳам ўтган галдагидек эди, лекин муомалалари ўзгача,

атайлаб қилаётгани сезилиб турарди. Лаблари ёнарди, кўзларида эса ҳорғинлик ифодаси йўқ эди. Рут меҳмон рўпарасига, ундан сал нарироқдаги бурчакка қўйилган юмалоқ ёстикли, кенг, яшил диванга ўтирди. У яланғоч оёқларини йиғиштирди-да, устига қалин жун рўмол ташлаб қўйди.

– Бу ерга келиш учун капитандан рухсат олдингизми?— сўради у. Ҳаммаси яна қайтарилаётганди. Хоним қалтис, ёқимсиз саволлар берарди. Йигит қизариб кетди, лекин қизарса ҳам лом-мим демай ўтирарди. Шеф номи тилга олиниши билан, ефрейтор бошини хатто қуйи солди, бу билан у рухсатсиз келганини англатди.

– Яхши иш қилмабсиз,— деди меҳмонга разм солиб Рут.— Майли, қўрқманг, мен сизни сотмайман...

Ефрейтор миннатдорлик билан қараб қўйди-да, сал дадилланди. У хонага разм сола бошлади. У хонадаги ҳар бир нарсанинг майда-чуйдасигача синчиклаб кўздан кечирди. У пўлат сандиқ, стеллаж, гилам, бронзадан ясалган сиёҳдон турган стол, қоғоз қирқишга мўлжалланган дандон сопли пичоқ, қахрабо рангли ручкани кўздан кечириб бўлгач, бекага тикилди. Очиғини айтганда, бу ерга келишдан ҳам мақсади шу эди, жиҳозлар унга кераги йўқ, халақит берувчи буюмларни аста чўчиб кўздан кечириш бир баҳона эди. У чарчаган бўлса ҳам, энди мамнунлик билан «малика»нинг жамолини томоша қилаётганди. «Малика»нинг тўзиб, юзи ва бўйнига тушиб турган малла соч тутамларини томоша қилиш унга озмунча ҳузур-ҳаловат бахш этмаётганди. У беканинг ўткир, деярли доимо қисилиб турадиган кулранг кўзларига қарашдан қўрқарди, шунинг учун улардан олисроқ ерига, елкасига қарарди, аҳён-аҳёндагина қўрқа-писа уларга яқинлашарди... Яқинлашарди холос, чунки унинг кўзлари билан бошқа аъзолари орасида ман этувчи қандайдир чизик бордек, ефрейтор шу чизикдан нари ўтолмай, ҳайиқиб, қувониб ўтираверарди.

У президентнинг уйига нима сабабдан келганлигини аниқ билмасди. Бундай қилиши учун ишга доир бирор

сабаб йўқ эди. Ҳали ўзи эътироф этолмаган, аммо тинчлик бермаётган «малика»ни яна бир бор кўриш истаги уни бу ерга бошлаб келганди. Рут буни тушунди. Рут ефрейтор юрак амрига бўйсуниб келганини унинг ўзидан олдинроқ тушунди. Хоним ўзини яна аввалги кўйга солди. Лекин бу сафар ғира-шира сокин кабинетда учрашди.

– Демак, сиз Исломбекмисиз?— деди хоним, хонани меҳмон мажбуран узоқ кўздан кечириб чиққанидан кейин. Ефрейтор шунақа саволларга жавоб бериш мумкинми, йўқми, билмай, яна қизариб кетди, бу гал хижолатдан эмас, кўрққанидан қизариб кетди.

– Майли, майли... башарти сир сақлаш керак бўлса, сирлигича қолаверсин, азиз туркистонлик.— Рут далда бериб жилмайди, лекин унинг жилмайиши қандайдир ҳорғин, маъюс эди. У бошини қуйи солиб, қўлларини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди, бу сир эканлигини тасдиқлади.

– Лекин Исломбек дадилроқ эди,— деди Рут қиёс қилиб.— Таваккалчироқ эди... Капитан унинг ҳақида айтиб берган бўлса керак?

– Ҳа.

– У унтерштурмфюрерни яхши биларди, ҳар ҳолда биздан кўра яхши биларди.— Хоним негадир пўлат сандиққа бир қаради-ю унга тикилиб қолди.— Айтганча, Исломбек ўз йўлини шу ерда тугатди... Мана шу хонада. Уни ўлдиришдими?—бу савол беҳосдан ефрейторнинг оғзидан чиқиб кетди. Ўлдиришмаган шекилли... Унга ўқ узишган бўлса ҳам. Уйда эмас, албатта. Боғда...— У қошини учуриб, девор орқасини, олисни кўрсатди.

Ефрейтор «малика»нинг юзига тушиб селкиллаб турган соч тутамларини унутган эди. У ман этувчи чизик мавжудлигини ҳам унутиб, ундан ошиб ўтди ва хоним кўзларига тикилди.

– Ким отди? Капитан Ольшерми?

Йигит учун бунинг қандайдир аҳамияти бор эди. Савол ташвишли эди, буни Рут дарров пайқади. Кимлиги-

ни аниқ билмайман. Лекин Ольшер эмас. Ўша пайтда Ольшер шу ерда экан, телефон қилаётган экан, шундай деб айтишди...

Ольшер эмас! Ефрейторнинг кўнгли жойига тушди, ҳатто енгил тортиб нафас олди. Капитаннинг одам ўлдиришда иштирок этмаганлиги негадир унга тасалли берди. Унга фақат «Тюркостштелле» бошлиғи хўжайинлик қиларди. Майор билан фақат бир мартагина учрашган бўлиб, номини ҳам билмасди. Башарти Ольшер қотил бўлмаса кўрқмай у билан яқинлашса бўлади. «Битта ҳам ўқ узилмайди!» — деб уни ишонтирганди капитан. Бу гап тўғридир.

– У тирикми?—умидворлик билан сўради меҳмон.

– Ким?

– Ўша Исломбек.

– Эҳтимол. Қатл этилгани ҳақида ҳеч ким индагани йўқ. Лекин мен ҳам билмаслигим мумкин... Сир!— Бека киноя билан лабларини бурди. Бу билан у меҳмон ва унинг шефи томонидан жуда эҳтиётлик билан сақланаётган сирга нисбатан қандай муносабатдалигини писанда қилди. Ефрейтор хотиржам бўлиб қолганди. Лекин бундай хотиржамлик умуман Рутга даркор эмасди. Хотиржамлик нимаси биландир бепарволик, ҳатто эътиборсизликка ўхшайди. Энди меҳмон «малика»га боқмасди. Хоним тўсатдан кўзларини катта очиб, меҳмоннинг юрагига ўт ёқиш ниятида бегона кишига тикилиб турса ҳам, у хижолат тортмади.

– Сиз уни тирик кўришни хоҳлармидингиз?—деди фрау Рут синчковлик билан. Ефрейтор ўзига бундай саволни бериб кўрмаганди, шунинг учун кутилмаган бу саволдан ўйланиб қолди.

– Менга барибир,—деб жавоб берди у бўшашиб.

– Агар тўсатдан учрашиб қолсангиз-чи?

– Қандай қилиб?—тушунмади меҳмон.

– Одатдагича. — Исломбек билан Исломбек учрашарди,— ефрейторнинг хотиржамлигини бузиш ниятида жаҳл билан тушунтирди Рут.—Нима, шундай бўлиши

мумкин эмасми? Йигит яна ўйланиб қолди:

- Билмадим...

Хотиржамлик бузилди шекилли. Меҳмон асабийлаша бошлади. Унга ўша, ҳақиқий Исломбекнинг кераги йўқ эди. Олшера ефрейторни жўнатаётган тор сўқмоқ жуда хавфлига ўхшайди. Бу сўқмоқдан бир амаллаб эсон-омон ўтиб олиш керак!

- Кўркманг, йигитча,— кулиб юборди Рут.— Бу тахминий гап... Ҳазил. Шундай эмасми? Келинг, жиддий, зерикарли, устига-устак, ман этилган мавзунга қўяйлик. Сир! — Бека шўхлик билан меҳмонга кўз қисди.— Мен сирни сақлашга сўз берганман-а...

«Малика» чўрини чақириб, кофе келтиришни буюрди.

- Емакхона жуда совуқ,— шикоят қилди у.— Шу ерга олиб кел! Чўри идиш-оёқларни ювиб-артиб, нонушта тайёрлагунча, Рут ўзининг ҳарбий асирлар лагерларига бориб кўрганларини ҳикоя қилиб, меҳмонни овутиб ўтирди. Негадир бу унинг учун қувноқ саёҳат бўлганди. Ёки шунчаки Рутнинг омади келиб, у турли ҳодисаларга дуч келганди. Кунлардан бир куни улар ўрмонда адашиб қолиб, туркистонликлар лагерига бориш ўрнига, руминлар қисмига дуч келиб қолишганди. Солдатлар артистлар келишини кутиб туришган экан. Президент ўз хотинини кайфи бор артилериячилар компаниясидан аранг ажратиб олганди. Улар жуда ўқтам, чапдаст йигитлар эди,— кулиб тан берди Рут. Бошқа бир марта қоровул хонимни отиб қўяёзганди. Хоним қоровуллар командаси офицерлари базмида хийла ичиб, кайфи ошиб қолди-да, ярим кечада занг чалиб, лагерни текширишга чорлади... У шуларни ҳикоя қиларкан, хоҳлаб куларди, меҳмон эса, уялиб илжайрди. У Рутнинг немис тилининг мураккаб оборотлари билан тўлиб-тошган, бидиллаб гапирган гапларига яхши тушунмасди. Эҳтимол, тушунса ҳам, лекин «малика»нинг саргузаштларидан бирор кулгили нарса топмаганди.

Чўри кофе келтириб, эҳтиёткорлик билан хона эши-

гини зич ёпиб чиқиб кетгач, Рут деди:

– Ичамиз-а!

Юмшоқдиван ёнидаги жавончада коньяк сақланарди. Бека илгари очилган бутилкани олиб, ўзига ва меҳмонга қадахни тўлатиб коньяк қўйди. Олинг-да, сизни меҳмон қилишимга ўнғайроқ бўлсин учун яқинроқ ўтиринг...

У креслони яқинроқ сурмоқчи бўлганди, лекин «малика» диванга ишора қилди. Кўркманг, бу уйда бемалол ёзилиб ўтирсангиз бўлади,— деди «малика» қадахни кўтариб ва маънодор қилиб қўшиб қўйди:— Сиз ахир, ҳақиқий Исломбек эмассиз-ку!

У беканинг беҳосдан қилган таклифидан ҳаяжонланиб, креслодан диванга ўтиб, қанчалик яқин ўтиришини ҳам билмай, унинг ёнига жойлашгунча, Рут оёқлари устига ёпилган жун рўмолни тузатди. У рўмолни ҳафсала билан, шундай ҳафсала билан тузатардики, унинг яланг оёқлари ҳамма вақт кўриниб турар ва ефрейторнинг кўзлари беихтиёр дам дўмбоқ тиззаларига, дам тўла болдирларига, дам товонларига тушарди.

Ниҳоят, серташвиш, лекин лаззатли бу дамлар поёнига етди, «малика» қадахни кўтарганича жим турарди, ефрейтор эса иккиланиб хоним ёнида қотиб қолганди.

– Ўтирсангиз-чи!—деб буюрди «малика».

Йигит ўтирди. Ефрейтор қадахни кўтариб, мувозанатни сақлашга уринаркан, бундан кейин ўзини қандай тутиши ҳақида ўйлашни ҳам унутиб қўйди. Энг муҳими, бу оддий иш унда қандайдир ишонч туғдирди, ҳатто далда ҳам берди. Улар коньякни ичиб бўлишгач, меҳмон чўчиб қимтинди ва лабларини қисди. Шунинг учун қисдики, лаблари ошкора пирпираб, бирор нарса дейдиган бўлса, ҳаяжонлангани ва кўрққанини дарҳол билдириб қўйиши мумкин эди.

Бека жаврашини қўймасди. У коньяк ичар, йигит гапини эшитяптими, йўқми, парво қилмай гап сотар эди. Меҳмон эса гардиши заррин кичкина сариқ қадахни кўтариб, кофенинг лаззатли исини хидлаб, жим ўтирарди. Аҳён-аҳёндагина тўсатдан меҳмон «малика»нинг

ёдига тушиб қоларди. Ефрейторнинг кўринишидан, унинг оёқларини иситиб турган жун рўмолдан кўзини олмай, қўрқиб қараб туришидан Рутнинг кулгиси қистарди. Шунинг учун хоним кулмади-ю, аммо ҳазиллашиб сўради:

– Чўчияпсизми?

У ўз вазифаси, яқин орада қочиши, кетидан ўқ узилиши, балки ўлишини ҳам ўйламасди. У бека ёнида ўтирган пайтида баданига кирган лаънати титроқни босиш билан овора эди. Ефрейтор бир неча марта қизариб бўзарди. Уялганидан қулоқларигача қизариб кетганди.

«Вой худо-ей, бузоқнинг ўзи-я»,— ҳафсаласи пир бўлиб, ҳатто ижирганиб ўйлади «малика». Аммо меҳмондан нари сурилмади, оёқларини ҳам дурустрок ёпмади. У қўлини чўзиб, ефрейторнинг сочларини сийпалади.

Ефрейтор сал бўлса ҳам хонимнинг қўли текканини, бармоқларининг ҳароратини сизди. Бу эса унга далда бериб, қонини кўпиртириб юборди. У «малика»нинг қўлини ушлади-да, мастона ўпа бошлади, лаблари, юзларини кафтига босди.

Рут ҳайрон бўлди-ю, ақл ўргатиб деди:

– Сиз бошингизга бало орттиряпсиз, туркистонлик азизим. Мен сиздан қўрқаман...

– У ҳамон Рутнинг кафтларини сийпаларди. Шундан кейин «малика» ўз шартларини айтса бўлишини сизди:

– Бу уйни эсдан чиқармасликка ваъда беринг... Бу уйдагилар сизнинг энг садоқатли, яқин дўстларингиз...

3

— Йўқ, йўқ. Бу сизнинг тахминларингиз. Ўша пайтларда мен комитетдан, ҳокимият ва шон-шухрат учун кураш деган гаплардан жуда узоқда эдим. Бу ҳис-туйғу туғёни эди. Аёлларнинг заифлиги... Мен доимо уйда — Тиргартендаги ҳовлида бўлардим. Борадиган жойим

йўқ эди, боришга зарурат ҳам йўқ эди. Эрим билан муносабатимиз бузилди. Ҳамма нарса... эрим ҳам кўзимга балодек кўринарди. Комитет иши юришмаганлиги туфайли юз берган доимий дилсиёҳлик ҳар қандай кишини, ҳатто ўзига жуда ишонган кишини ҳам ақлдан оздириши мумкин эди. Лекин ўша пайтда ишонч қайда дейсиз. Қирқ тўртинчи йил бўсағасида қандай вазият юз берганлигини ўзингиз биласиз. Одамлар уҳ тортиб, шивирлаб гапиришарди. Келажакни ўйлаш зарур эди. Мен ҳаммасидан ҳам кўпроқ уйимни, гарчи хавф остида бўлса ҳам уйимни ўйлардим. Шаҳар марказини бомбардимон қилишарди. Тиргартендаги кўпгина уйлар харобага айланганди. Ҳар куни кечаси шундай бўлишини кутардик. Ростини айтсам, шунча машаққатлар билан эришган нарсалардан ажралишимни ўйласам, юрагим шувиллаб кетарди. Берлиндан ташқарида жон сақлаш йўлини қидирмоқ зарур эди. Гапнинг очиги, қочмоқ керак эди. Аммо эрим бу гапни эшитишни ҳам истамасди. Иродасиз, бўшанг бу одам Туркистон комитетини Ғарбнинг бирор жойига кўчириш тўғрисида ғинг ҳам демасди. У бундай таклиф Шарқий министрликда норозилик туғдиради, фюрер эса Берлиндан кетиш ҳаракатини хоинлик, деб баҳолайди, дерди. Эрим албатта, ўлишни хоҳламасди. Лекин қутулиб қолиш ҳақида ҳам ўйламасди. «Худонинг хоҳлагани бўлади!» — дерди у. Мен бўлсам унга нуқул:

«Сенда юрак борми ўзи, лоақал бир уриниб кўрсангчи!» — деб кесатганим-кесатган эди. Кейин тушундим, унинг ўзга чораси йўқ экан. Эрга текканимдан кейин, юз берган бемаъни воқеаларга чек қўйилганини билдим. Мен биринчи навбатда дўстлар ёрдамига таянмоқчи бўлдим. Бундай кишилар оз экан, уларга дурустроқ разм солдим. Шулардан биттаси Шарқий министрликдаги доктор фон Менке дурустдай кўринди. Барон мени қабул қилди, раҳми келди, аммо ёрдам беришдан бош тортди... Назокат билан албатта. «Сира ёрдам берол-

майман, оппоқ қизим,— деди у.— Ҳаммамиз ҳам хавф-хатардан қутулишни истаймиз, аммо бурчимиз бардош беришга чорлайди. Охиригача бардош бериш керак...» Менке бурч ҳақида гапирди! Бундан баттари ҳам бўлар-миди...

Ўзим йўл ахтара бошладим. Умидсизлик ва ваҳимадан қутулиш чорасини қидирдим... Рут Найгофнинг гапларини бирор марта ҳам бўлмай, чидам билан эшитиб ўтирган полковник тўсатдан лўқма ташлади:

– Ишқ-муҳаббатдан чора қидирдингизми?

Бу гап хонимни ранжитди.

– Сизнинг гапингиз ҳурматсизлик бўлди-ку, полковник жаноблари. Афсуски, буни гапирмаслик мумкин эмас. Ахир, терговчини ҳам ёмон деб бўлмайди, ҳеч бўлмаганда ҳурмат билан тилга олиш керак...

– Шу гап кўнглингизга қаттиқ ботдими, Найгоф?

– Йўқ, ихлосимни қайтарди.

Полковник заҳархандалик билан жилмайди:

– Икковимиз ҳам бир хил аҳволга тушиб қолдик. Менинг ҳам ихлосим қайтди...

– Сабаб? — ҳушёр тортди Найгоф.

– Нақл тўқишда ҳомийларингиз яхши ўйлашмабди.

Очиғини айтсам, мен бундан қизиқроқ нақлларни эшитганман. Хоним ўз наздида ҳикояни қотирворгандек, фақат қотирвордигина эмас, сидқидилдан гапирганига полковникни ҳам ишонтириб юборгандай эди. Баронесса тўлқинланиб гапираётганида полковникнинг кўзлари бир неча марта ўйнаб, ачиниш, меҳр-шафқат билан илиқ боққанди.

– Сизга ўз нақлларингиз кўпроқ ёқса керак,— афсусланиб деди Найгоф.

– Албатта... Шунинг учун мен ўша нақлларимга амал қиламан. Хоним Исломбек қиёфадоши билан бир неча марта учрашди. Кўнгилсиз воқеа такрорланса, кишига малол келади, кети кўринмайдиганга ўхшайди, шунинг учун хонимга учрашув кўпдай туюлганди. — Тўғри,

унинг Фриденталь қалъасидан «қочганидан» кейинги учрашуви бундан мустасно эди. У кечқурун, анча кеч кириб қолганда, шаҳар маркази бомбардимон қилиб бўлиниши биланоқ хонимнинг кўча эшигидан қўнғироқ қилди. Ўшанда ўйламай тентаклик қилган эди. Яхшиямки президент уйда йўқ эди, хонимнинг ўзи эшикни очиб, қиёфадошга йўл берди-да, уни даҳлизга киритди. Аввалига хоним қўрқувдан ранги бўздай оқариб, юзи бужмайиб кетган, бутунлай шалаббо бўлган, раҳмшафқат сўраб, аянчли илжайиб турган одамни кўриб кўрқиб кетди.

Рут эшикни бекитгач, у кечирим сўраб ғудурлади:

– Мен кечириб бўлмайдиган иш қилдим... Мен бахтсизман... О, хоним...

Рут жим дегандай бармоғини лабларига босди. Шундан кейин йигит гапини тамомламай, бека кетидан меҳмонхонага кирди, меҳмонхона тўрдаги девор олдига қўйилган чироғнинг хира шуъласидан ғира-шира эди, кейин улар емакхонага, ниҳоят яна бир хонага ўтишди, меҳмон бу хонанинг қандай мақсадга мўлжалланганини тушунмади. Бу хонада қайрилма оёқли, садаф нақшли кичкина стол, шунга ўхшаш нақшдор учта маймоқ стул бор эди. Тукдор қора эрон гиламлари девор ва полларни безаб турарди. Қиёфадош шинелини ечиб, даҳлизда қолдирганди, ҳўл этигини эса ечмаганди, шунинг учун момик гиламларни босишдан ҳайқиқиб, остонада туриб қолди.

Қани, кираверинг!— деди андишасизлик билан Рут.

У ичкари кирди-да, стулга ўтирди. Шундагина уй бекаси меҳмондаги ўзгаришни сизди. У унтерштурмфюрер кийимида эди. Янги лейтенантни табриклаш керак эди, лекин Рут табрикламади, легионер бу кийимида жуда ғариб, қайғули кўринарди. Бу кийим ҳақиқий Исломбекка ўхшаш учунгина кийилганини бека ҳам, меҳмоннинг ўзи ҳам биларди. Буни иккови ҳам яхши биларди. Шунинг учун хоним одоб юзасидан ҳеч нима

демади. Коньяк ичарсиз?—кўнгил сўради «малика».

— Агар зарур бўлса...— меҳмон ўзини уй бекаси ихтиёрига топширди. Ичиш керак. Бундай шароитда ҳамма ҳам, айниқса сиз ичишингиз керак.

У коньякни ичгач, ийманиб жилмайди-да, яна куйишни илтимос қилди. Сиз айтгандингизки,— деди меҳмон иккинчи қадахдан кейин лабларини яларкан, бекага эслатиб, — бу уйда дўстларингизни топасиз, деб... Содик дўстларни...

Ҳа, албатта,— жавоб берди Рут унтерштурмфюрерга синчковлик билан разм солиб. Табиийки, янги кийим бекани унча қизиқтирмасди, очиғини айтганда, бутунлай қизиқтирмасди. У легионерда пайдо бўлган ўзгаришга разм солаётганди. Ефрейторда илгари ҳам парижонлик ва кўрқоқлик бор эди, унинг муҳим сифатлари ҳам деярли шулар эди. Энди бўлса, кўрқоқлиги устига яна қандайдир оғир юкдан қутулишга интилиш ҳам қўшилибди. Бу ўша кўрқоқлигидан ёки уни эзиб турган бошқа нарса бор.

Рут беихтиёр, меҳмоннинг елкасига тушган оғирликни ўз гарданига олиши зарурлигини сизди. Бу фақат кўрқиш ёки ҳатто бирор туйғу билан боғлиқ бўлса, уй бекаси бундай қилишни истамасди, албатта. Аммо «малика» йигитнинг қалб қаърида яширинган бошқа нарсани, анча муҳим, қизиқ қимматга эга бўлган нарса — сир борлигини фахмлаб қолди. Албатта, легионер бу сирни дарров «малика» билан ўртоқлаша қолмайди, умуман, ҳеч ким билан ўртоқлашмайди. Янги унтерштурмфюрер ўзига топширилган оғир юк остида азоб чекаётган ва ундан халос бўлишга тайёр турган бўлса ҳам, Рут бу сирни осонлик билан билиб олишга умид боғламаганди. Ефрейтор қасам ичган ёки сирни ошкор қилиш унга қатъий ман этилган. Ўша Ольшер ман этган бўлса керак.

— Ўша сиз айтган дўстлар менга ёрдам беришади-ми? — деди меҳмон ҳамон иккиланиб «малика»нинг

синчковлик билан разм солиб турганини фаҳмламай.

– Албатта...

– Ундай бўлса мени «ота» ҳимоя қила қолсинлар...— У «ота» деб президентни назарда тутганди, туркистонликлар шундай деб қабул қилишганди. — У ўз паноҳига олар... Мен ўла-ўлгунча ундан миннатдор бўлардим...

Рутнинг режасига учинчи шахснинг аралашуви кирмасди, ҳозир эса асло мумкин эмасди. Легионер Ольшер ва Дитрихнинг чангалида эди, бу чангал ўйнаб ўтирадиган мушукчанинг чангали эмасди. Унинг устига ишонганлари шу легионер эди. У қандайдир мураккаб, қалтис ишга аралашганди. Бу ишдан уни суғуриб олиш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди, айниқса «Тюркостштелле» бошлиғининг бир қараши билан тилдан қоладиган қандайдир Вали Қаюмхоннинг кучи етмасди. Ҳеч кимнинг кучи етмасди, легионернинг мушкул аҳволдалиги унга ёрдам беролмасди.

– Ўз паноҳига олсин...— деди ўйлаб туриб «малика».— Президент шунақа мақсадингиз борлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак... бу жўнгина иш эмас, азиз унтерштурмфюрер! — Рут энди унинг янги унвонини тилга олди.

– Биламан... Ҳаммасига ақлим етади... — деб Рутнинг фикрига қўшилди легионер. Лекин унинг кўзлари бу фикрга қўшилмасди, қаршилиқ кўрсатишарди, илтижо билан бекага термиларди. — Ахир «ота»га бу ҳукуматни фюрернинг ўзи ато қилган-ку. Ўз фарзандларига ғамхўрлик қилиш унинг бурчи-да...

Рут меҳмоннинг сўзларини талаб, деб тушунди-да, жаҳли чиқди.

— Сиз президентнинг бурчи, ҳуқуқларини яхши билиб олибсиз. У чиндан ҳам туркистонликларнинг «отаси», ҳақиқатан ҳукуматни рейхсканцлер ато қилган. Лекин унинг ҳукми СС аппарати ва империя хавфсизлиги бошқармасига ўтмайди. Сиз эса ССнинг махфий вазифасини ўтайсиз, шундай бўлса керак..

— Билмайман... Эҳтимол...

— Сизни шу топшириқдан соқит қилиш учун, албатта рейхсфюрернинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда Шелленберг аралашиши зарур. Сиз бу гапнинг маъносини тушунасизми?— деди керилиб Рут. Ҳа, бу гап замирида қандайдир арзимас маъно эмас, балки легионерни тит-пит қилиб юборадиган аниқ маъно бор.

— Наҳотки, ҳеч нарса қилиб бўлмаса, бирор чораси топилмаса?

Нега бўлмас экан... — Рут меҳмонга яқинлашди-да, ўтган галгидек, кафтини унинг тикандек жингалак сочларига тегизди. Бека унтерштурмфюрерга салгина бўлса ҳам тасалли бермоқчи, яна дилидагини айттирмоқчи, нозик туйғуларини уйғотмоқчи эди. Чунки, Рут ҳали кўзи очилмаган, ёлғизликдан зериккан ёш легионернинг нималарга қодир эканлигини биларди.— Нега бўлмас экан!

У, одатланиб қолгани учун, Рутнинг қўлига чўзилди, аммо хоним унинг қўлини аста, шу билан бир вақтда, кескин суриб қўйди.

— Азиз дўстим, ахир президент туркистонликларнинг «отаси», сиз эса унинг «ўғли» бўлсангиз ҳам президент уйида ҳаддан ташқари ўзингизга эрк беришингиз мумкин эмаслигини билишингиз керак. Шундай эмасми? Унтерштурмфюрер чўчиб ўзини тийди ва бемаъни иш қилиб қўлга тушган боладай бошини қуйи солди.

— Кечирасиз...

Рут яна кафти билан йигитнинг сочларини шошилмай янада майинроқ силай бошлади. Унинг қўли йигитнинг чаккасида анча тўхтади, йигит билинар-билинмас титраётган бармоқларнинг таптини сизди.

— Хотиним... — деб пичирлади гангиб, бутунлай ўзини йўқотиб қўйган унтерштурмфюрер.— Мен сизнинг қулингизман!..

— Ҳай, ҳай... Бундай деманг! Шунчаки дўстмиз. Мен шу дўстимга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Ёрдам

етиб келганда мен уни қаердан топишимни айтса бас...

...У ўша кун и кечқурун Берлинер рингга етмай, иккинчи километрдан топишини айтди. Бу уни ёмғирдан ва қирқ учинчи йил куз кечасидаги таъқибдан яширган йўл атрофидаги ўша ўрмон эди.

«Малика» қанча мушкул ва қанча узоқ бўлмасин, изини топа оларди. Дарвоқе, иккинчи километр унча олис ҳам эмас, кун эса сайр қилса арзийдиган сокин, анча илиқ эди. Авваллари Рут табиат манзараларини томоша қилишга, унинг сокин гўзаллиги, осойишталигидан лаззатланишга унчалик ҳуши йўқ эди. Ногоҳон унда шундай ҳавас пайдо бўлиб қолди. У нимаси биландир овчиларникига ўхшаш йўл кийимида ўрмонга кирди, қарағай, арчалар орасидан, сўқмоқлар ва майсазорлардан юриб, ичкарилаб кетди. Унинг назари куз келиб, ранги ўчган нина барглиларга, қарағайларнинг қизғиш таналарига, кумушдай товланиб турган ёш арчаларга тушди. Дарахтлар қилт этмай сукут сақлаб турарди. Рут ноаниқ шитир-шитирларга қулоқ солиб, уни кутиб олиши лозим бўлган, аммо ҳали ўзи келмаган кишиларнинг қадам товушига илҳақ бўлиб, дарахтлар орасидан ўтиб борарди. Дарахтлар орқасида, олисда йўл кулранг лентага ўхшаб ялтирарди, уйлар элас-элас кўзга ташланарди.

Шошилган ва ҳаяжонланган унтерштурмфюрер ўша ёқдан, йўл томондан келди. У «малика»нинг узатган қўлларини анча қисиб турди ва илтифот қилгани, эътибор бергани учун қайта-қайта миннатдорчилик билдирди. Унинг оғзи қулоғида эди. Йигитнинг бунчалик хурсандлигини кўрган Рут Потсдам ўрмонига келганимдан, умуман бу ерга келганимдан бўлмаса керак, деган андишага борди.

– Биласизми, биз Киевни ташлаб чикдик-а? — деди Рут разм соларкан афсусланиб.

– Ҳа, ҳамма шундай деяпти,— деб бош ирғади йигит.— Лекин бунинг қандай аҳамияти бор, сиз бу ер-

дасиз-ку!

Маълум бўлдики, унга немис аёли Рут Хенкелга даҳшатли бўлган хабар унтерштурмфюрерга — немис офицери кийимидаги туркистонликка сира таъсир қилмади. Ой туйнукка келса, дўстларнинг аҳволи шу экан-да, деб ўйлади, хоним. Яна биз уларнинг хотиржамлигини ўйлашимиз, бу адашган «болалар»ни кутқаришимиз керак эмиш! Дарвоқе, шахсан Рут бегоналарни кутқариш ғамини емасди. «Малика»ни бошқа нарса ўрмонга бошлаб келганди...

— Сиз ҳамон президент ёрдамига муҳтожмисиз? — сўради Рут, улар ўрмоннинг тинч сўқмоғидан шошилмай кетишаётганда.

— Менинг бош суқадигаи бошқа эшигим йўқ,— тушунтирди унтерштурмфюрер.

— Ҳа, эсимда, — деди Рут легионернинг сўнгги марта келганига шама қилиб.— Нима бўпти, йўқлаб борганга эшик очилади-да. Сизнинг бебахтлигингизни президент билади...

— Бебахтлик? — хайрон бўлди унтерштурмфюрер.

— Ёки мен гапингизни нотўғри тушундимми?

— Йўқ, йўқ, бебахтлик, албатта... Агар «ота» кўмаклашганда эди...

«Ота» кўнгилчан одам... — мужмал жавоб қилди Рут.

Мужмал. У эса узил-кесил, аниқ жавоб кутарди. У ана шу аниқ жавобни деб ўшанда, ёмғир қуйиб турганда Берлин кўчаларида елиб-югурди, бомбардимондан кейин ҳосил бўлган тош, тупроқ уюмларидан ўтди, ҳамма ёқни тўсиб турган соқчилар орасидан ўтиб, президент ҳовлисига келганди. Ана шу сўзни деб у ҳозир ўрмон йўлларида шошиб келганди. Ваъда устидан чиқиш керак. Кўзлари мовий осмон каби мусаффо бу гўзал жувон бечора туркистонликни алдаши мумкин эмас. Унинг устига оддий туркистонлик эмас-ку. Фрау яқин кишисини, президент каби яқин кишисини алдамас... Ёки у фраунинг кўнглини сира, бутунлай билмаган!

Фрау Хенкель йигитнинг ёнида бораркан, худди

етти ёт бегонага ўхшарди. У миқ этмай борарди. У анчагача чурқ этмаганидан, йигит шосседан яқинлашиб келаётган, узоқлашиб кетаётган машиналарнинг ғувиллашини, қарғаларнинг қағиллашини, итларнинг олис-олисларда қаттиқ вовиллашларини бир неча бор эшитди...

– Сиз комитетда бўлдингизми?— тўсатдан сўраб қолди «малика».

У чўчиб тушди.

– Ҳа... У ерда дўстим бор.

– У ҳам сизга ёрдам бермоқчими?

– Йўғ-э, нима деяпсиз! У оддий эсэсчи. Роменбатальонидан. Унинг ўзи Ноенбургерштрасседа қолиш учунгина кимдан бўлса ҳам ёрдам олишга тайёр. Нима бўлса ҳам бу ер фронт эмас-да...

– Ҳали легион фронт чизиғидами?— гумонсиради Рут. У «малика» нимага ишора қилаётганини фаҳмлади. Солдат ва офицерларнинг ишончсизликлари учун Туркистон легиони аллақачон душманларга яқин жойдан олиб кетилганди. Легионерлар фронт орқасида СС гарнизонлари ҳузурида иккинчи даражали ишларни бажарар эдилар. Ўрмон ҳам фронт,— изоҳ берди унтерштурмфюрер.— Фронтдан кам эмас, у ерда партизанлар бор...

Йигитнинг изоҳ бериши Рутнинг ғашини келтирди.

Унтерштурмфюрер жавоб бериб айтган гапнинг маънисини эмас, балки оҳанги ғашини келтирди. У туркистонликларга ишонмаганликлари учун ғазаблангандек эди. Иннайкейин, Германия остоналарида даҳшатли жанглар бораётган бир пайтда Берлинда қолишга уринишлари ҳам хонимнинг ғашини келтирганди. Киев топширилди. Немис кўшинлари Днепрдан чекинишмоқда... Ярадорлар! Берлинга ҳар куни қанчадан-қанча ярадорлар келтириляпти... Ярадорлар ҳали яна кўп келади, деган гаплар ҳам бор. Эшелон-эшелон келармиш...

– Ҳозир қаер тинчроқ? — қовоғини солиб сўради

Рут.— Ноенбургерштрассеми ёки Берлинер рингнинг иккинчи километрими? Шу жимжит ўрмонда...

Калтис савол. Бу савол унтерштурмфюрернинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетгандек бўлди. Наҳотки, шу малла сочли фрау кафтларини йигит қандай ўпганлигини эсидан чиқарган бўлса! Ўпиб туриб йиғлаган эди, шекилли...

— Хоним, сиз менга ёрдам бермоқчи эмасмисиз? хафа бўлиб сўради у.

— Менми — хоҳлайман, лекин биргина менинг хоҳишим билан иш битмайди-да...

— Яна нима қилмоқ керак?

— Президентнинг хоҳиши ҳам керак. У сизнинг бу ерда нега юрганингизни, тўғрироғи, қандай мақсад билан юрганингизни била олмаяпти...

— Унтерштурмфюрер худди икки оёғини бир нарсага уриб олгандек таққа тўхтади.

— Хоним!

— «Малика» ҳам гап бўлиниб қолмаслиги, легионердан узоқлашиб кетмаслиги учун қадамларини секинлаштирди. «Малика»нинг назарида йигит ҳозир шуни истаётгандай эди. У қўлини йигитнинг қўлиғидан ўтказиб, уни яна ўрмон сўқмоғидан олиб кетмоқчи бўлди.

— Айтолмайман... Сизга айтолмайман! — пичирлади у ўзини ҳимоя қилиб.

— Айтиб беринг, деб ким сиздан сўраяпти... Бечора бола! Тушунаман, ҳаммасини тушунаман... Юринг ахир!

Улар япроқлари тўкилаётган қора қайинлар тагидан ўтиб борарди. Япроқлар одамларнинг сокин, лекин вазмин қадамлари остида чирсиллаб, шилдираб, сўқмоқда тахланиб қоларди. Япроқлар қийналмай ўлишни истардилар.

— Бу менинг сирим эмас, — легионер ниманидир тунтирмоқчи бўлди.— Бошқаларнинг сирини... Эҳтимол Германиянинг сиридир... Мени тирик ёки ўлик топган киши учун беш минг марка ваъда қилишган..

Рут доимо нишонда туриб ўқ узилишини кутмоқ чиндан ҳам даҳшатли эканлигини тушунди. Беш минг

марка учун, албатта ўқ узилади. Унтерштурмфюрер ўша бадбахт иккинчи километрдан шаҳарга, Ноенбургерштрассега бекордан-бекорга ҳаллослаб бормаган. У ер тинч, хавфсиз, у ердаги деворлар кишини ўқдан сақлайди. Ўрмонда эса одам қуёнга ўхшайди. Изингга тушишдими, бўлди, энди фақат овчини ёки овчиларнинг пайдо бўлишини кутасан. Унинг миясига, ўзим ҳам аслида овчиман-да, деган фикр келди. Одатдаги овчи эмас, албатта. Унга териси ҳам, беш минг марка ҳам керак эмас. Сирин билиш керак. Нима учун кераклиги ҳозирча маълум эмас. Президентнинг рафиқаси бошидан кечирган ҳаёт, уни сирларнинг кадр-қимматига етишга ўргатганди. Бир вақт Ольшер: «Бизнинг замонамизда сир — бойлик!» деганди. Ҳалокат ёқасида турганда ҳам бу қонун ўз аҳамиятини йўқотган эмас, аксинча умумий бир ҳол бўлиб қолди. Сир олтинга айланади. Олтин билан эса жаннатга ҳам, дўзахга ҳам йўл очиқ!

Сиз Берлинга бормаслигингиз керак, у ерда сизни билиб қолишади,— маслаҳат берди Рут, кейин унтерштурмфюрерга Туркистон комитети ходимлари билан алоқани узинг, деб ягона истагини айтди. Легионерга ҳам, Рут Хенкелга ҳам ўша тарафдан — Ноенбургштрасседан хавф таҳдид қилаётганди. У ерда қурбонни дарров илғаб оладиган ёвуз кўзлар жуда кўп эди.

— Берлин қўрқинчли эмас, — деди легионер «малика»нинг шубҳасини рад этиб.— Исломбекни қидириш тўғрисидаги эълон немислар учун эмас.

— Немислар учун эмас?!

— Рут унтерштурмфюрернинг эътирозига дарров қўшила қолмади. Бу гап унга бемаънидай туюлди.

Немислар учун эмас,— қайтарди легионер.

Рут «ким учун бўлмаса?» деб сўрамоқчи эди-ю, лекин ақл югуртириб:

«Ўшалар учун. Бошқалар учун!..» деган фикрга келди. Юраги шув этиб кетди, бир лаҳза қандайдир даҳшатли, айна пайтда қувончли бир нарсани сезгандай қисилди. Қўрқиши табиий эди, аммо нимадан

қувониб, ҳаяжонланаётгани маълум эмасди. Рут шу ондаёқ ҳамроҳига минглаб савол бериб, ҳамма нарса-ни билиб олмоқчи, тахминларини аниқламоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини тутди, тасалли берувчи оҳангда деди: Агар немислар учун бўлмаса, хавотирланмасангиз ҳам бўларкан.

Энди унтерштурмфюрер ҳайрон бўлди:

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Ҳа. Сизни бу ердан олиб кетиш президентга ҳам осон бўлади... Яхши ҳам менга айтдингиз... Рут сирни, ҳар қалай тўла-тўқис бўлмаса ҳам сирнинг учини билиб олди-да, шундай деб қўя қолди.

– Ишонсам бўладими?

– Бўлмаса-чи, дўстим... «Ота» сизни ташлаб қўймайди...

Ўрмон ичига қувилган, доимо жонини ҳовучлаб юрадиган туркистонлик қувониб кетди. У малласоч фраунинг марҳамати ва шафқатига яна ишонди-да, қайтадан унинг этагини ўпишга тайёр эди. Лекин бундай қилишга ҳожат қолмаганди. «Малика» легионернинг сирларига қизиқмай қўйганди. Унинг кўзлари тарки дунё қилгандек олисларга боқарди, ғайри табиий бир аланга ёлқинланиб турарди...

Илон изига ўхшаган сўқмоқ дарахтлардан айланиб ўтиб, ялангликка чиқиб қолар, яна чакалакзор ичига кириб кетар эди. Сўқмоқ гўё одамларни ўрмондан олиб чиқиб кетиш, улардан қутулиш ва дам олиш истагида баъзан шоссега қайриларди. Аммо одамлар ўжарлик қилиб орқага қайтишарди, яна ўт, барглари босиб, эзишарди. Шундай қилиб, сокинлик ва ҳаракат ўртасидаги кураш оқибатида бир соат, балки икки соат вақт ўтиб кетди. Кун ботди, кузнинг изғирин қоронғи туни тушди...

4

– Сиз кўнгил гапига кириб легионерни севиб қолдингизми?

Фрау Найгоф ўнғайсизланиб, елкасини қисди. Унинг ёшида эътироф этиш кулгили эди. Лекин бўлар иш бўлди. Энди баронесса қанча баҳона топмасин, ўнғайсиз ҳолга тушганлигидан қутулолмайди ва полковник аниқ тасдиқловчи жавоб олмагунча уни тинч қўймайди.

– Ҳа, кўнгилнинг гапига кириб...

– Нарвоннинг энг юқори зинасида турган сиздек аёлнинг ўзини номуносиб, устига-устак, нарвоннинг энг қуйи зинасида турган, тасодифий бир кишини севиб қолиши ғайритабиий эмасмикин?

– Мен танҳо эдим.

– Шундай ҳам дейлик...

– Танҳо, тарки дунё қилган киши эдим. Бу эса умидсизлик деган гап эди...

– Шу умидсизликдан қутулиш керак эди,— деб унинг фикрига қўшилди полковник.— Хўш, сохта унтерштурмфюрер билан ошиқ-маъшуқ бўлиб юриб нимага эришдингиз?

«У чаккасидаги ана шу ямоғ учун ўч олмоқчи... Ўтмиш учун ўч олмоқчи,— деб ўйлади Найгоф.— Қаршисида турибман. Ўтмишдаги ишлар учун мендан ўч олмоқчи...»

– Тарки дунё қилган аёл сохта унтерштурмфюрер билан ошиқ-маъшуқлик қилиб нимага эришиши мумкин эди? Мен жонимни сақлаб қолмоқчи эдим...

– Қандай қилиб?

– У Францияга жўнатилаётган легионерлар рўйхатида эди... Испания чегарасига жўнатилаётганлар орасида...

– Сизни Испания чегараси қизиқтирармиди?

Найгоф жавоби унда қандай таассурот қолдиришини ўйлаб жим бўлиб қолди, сўнгра иккиланиб деди:

– Ҳа, Испания чегараси... Аниқроғи, Португалия чегараси.

– Иккови ҳам деярли бир-ку.

– Шунақа бўлса керак...

– Лиссабон билан алоқангиз бормиди? Отангиз туфайлими?

– У ерда мен дўстларникидан бошпана топишим мумкин эди. Улар менга ёрдам ҳам беришарди, албатта. Лиссабонда бизни билишарди. Полковник бу гапга ишонмаслиги мумкин эмасди. Унда мантиқий асос бор эди. Бироқ, унтерштурмфюрер воқеаси уни хижолат қилаётганди. Ахир «малика»нинг Германия билан иттифоқдош бўлган Испанияга, у ердан Португалияга ўтиб кетишига ким ҳам қаршилиқ кўрсата оларди! У аҳволи нима кечиши номаълум бўлган бир легионер билан ўз тақдирини нега боғладийкин? Ольшер йигитни қандай мақсад билан ҳалқа йўлнинг иккинчи километрига жўнатгани ҳам маълум эмас: улар ё Исломбекни синаб кўрмоқчи, ё келгусини назарда тутиб, бирон операцияни амалга оширмоқчи.

– Сиз Қаюмхон билан никоҳдан ўтганмидингиз?

– Албатта.

– У лютеранлар мазхабидамиди?

– Эрим христиан динини қабул қилганди, лекин буни туркистонликлардан яширарди. Шубҳа туғилмасин, деб аҳён-аҳёнда масжидга ҳам бориб турарди...

– Сиз унтерштурмфюрерни ҳам христиан динига киритмоқчимидингиз?

– Мен унинг никоҳига кирмоқчи эмасдим... Аммо ундан фарзанд кўриб қолишим мумкин эди. Бу муҳимроқ эди. Президент билан қурган турмушимиз эса, маълумки охири вой бўлади...

Найгоф легионер билан дон олишмоқчи бўлганини ҳаёсизлик билан очик айтгач, полковник гангиб қолди. Энди мана шу баронесса, бир вақтларда Шонгаузераллейдаги оддий йигитни мафтун этган қизча Рут эканлиги кундай равшан эди. Ҳафсала, ҳа, ҳафсаланг ҳам совиб кетади! Орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам полковник ўз ёшлигини, ёшлиқдаги танишларининг ёрқин сиймоларини қалбида ардоқлаб келди. Ўшалар орасида кўзлари шаҳло мана шу қиз ҳам бор эди. Баъзан қиз унинг рўпарасида тургандай бўларди. Киши кўр-

ган-кечирганларини эслаши, баъзан ўшаларни майда-чуйдаларигача хотирлаши мумкин. Баъзан эса, аксинча кўрган-кечирганларинг бирров кўз олдингга келади-ю, яна ғойиб бўлади. Аммо хаёлдаги шундай учрашувлар унга ҳамиша қувонч бахш этарди. У оғир, баъзида чидаб бўлмайдиган шароитларда ҳам орзу-умид билан яшарди. У шу орзу-умид билан ўз тақдирини белгилади, турмуш юмушларига берилиб кетди. Шонгаузэраллейдан йиллаб, ўн йиллаб олисда юриб, кексайганида ҳам шу орзу-умид ҳамроҳи бўлди. Орзу унга халақит бермади, аксинча баъзан туйғусининг пок бўлишига, руҳини кўтаришга кўмаклашди. Мана энди ўша порлоқ сиймо ғойиб бўлди, унинг ўрнида юзи қора сиймо гавдаланди. Ахир ўша қиз, Рут Хенкель лаънати ҳалқа йўлнинг иккинчи километрида адашиб ҳам юрадими...

Кўнгил қолганидан кейин киши қаҳрли, ҳатто шафқатсиз ҳам бўлади. Полковникнинг қалбида ғазаб туғён ураётганди. Лекин у ғазабини аранг босиб турарди.

– Унтерштурмфюрерга қизиқиб қолганингиз ҳақида яна нималар дея оласиз? Ўрмондаги кертикли дарахт ёнига боришингиз тўғрисида-чи? У сўнгги гапни чертиб айтди. Найгоф савол жеркиб берилганини сизди ва зарбадан қочиб қутулолмаслигини тушунди.

– Яна бошқа сабаблар ҳам бор... Энг асосий сабаб. Лекин у кейинроқ, иккинчи километрда тез-тез, тўғриси доимо учрашадиган бўлганимиздан кейин...

– Қандай сабаб?

– Олтин ва қимматбаҳо тошлар...

– Аниқ эмас.

– Мен унга, ўлдирилишидан бир неча кун бурун ўзимнинг деярли бутун қимматбаҳо нарсаларимни топширгандим... Қирқ минг маркалик нарса. Сиз, нега деб сўрашингиз мумкин. Чунки биринчидан, бомбардирмондан сақлаш, иккинчидан, ўша томонда, чет элда маблағ керак. Ахир фронтда шундай вазият юз берган

пайтда Лиссабонга марка билан боришим тўғри келмасди. Фақат фунтлар, долларлар ва албатта, олтин буюмлар ўз қимматини йўқотмасди. Бунини тушунтириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Учинчидан, эримдан баъзи буюмларни олиб қолмоқчи эдим. Чунки ажралиш пайтида у қимматбаҳо тошларни, олтин буюмларни бермасди. У ўша нарсаларни менга ҳадя қилган бўлса ҳам, ўзимники дерди.

– Ўша қимматбаҳо буюмлар қаердан олинганди?

– Уларнинг адреслари йўқ. Бойлик, ахир бир кунда, ҳатто бир йилда ҳам тўпланмайди-ку.

– Шунда-ю, лекин уруш йилларида тўплангандир-да?,

– Эҳтимол...

– Сиз уларни ҳадя дедингиз. Бу совғалар босиб олинган жойлардан келтирилган-ку?

– Қисман... Шундай қилиб мен энг яхши сақлаб берадиган киши унтерштурмфюрер деб ўйлагандим.

– Сиз унга ишонармидингиз?

– Бутунлай. Бирор буюм йўқолгудай бўлса, жонини қурбон қилиб бўлса ҳам топарди, ҳолбуки ўша нарса асқотиши мумкин эди. Жанубда у менга уйланмоқчи эди. Унтерштурмфюрернинг садоқатига мен заррача шубҳа қилмасдим. У меники бўлиб қолганди, ҳамма сирларидан воқиф эдим. Президент орқали мен ўзимнинг бўлажак эримни Франция—Испания чегарасига жўнатиладиган туркистонликлар группасига киритишга муваффақ бўлдим. Ольшер берган топшириқни бажаришгина қолганди. Унтерштурмфюрер бу топшириқни бажаришга бир-икки ҳафта керак, дерди...

Жанубга қиладиган саёҳатимизнинг икир-чикирларини гаплашиб олиш учун жума куни ўрмонга келдим. Мен Португалиядаги танишларга мактуб тайёрлаб қўйгандим, зарур ҳужжатлар, пул бор эди. Буларни унтерштурмфюрерга бермоқчи бўлиб сумкачамга солиб қўйгандим. Аммо у йўқ экан. Ҳар гал учрашадиган жойда

кўринмади. Атрофим сайр этиб, ярим соатдан зиёдрок кутдим. Тунда ёмғир ёғди, ҳаммаёқни туман босди. Келаётганимда йўлда пайдо бўлган кўнгил ғашлигим яна кучайди, ўрмонда бир ўзим кўрқдим. Мен одатда сайр қилиб юрган сўқмоқларимизнинг ҳаммасини айланиб чиқиб, ялангликдаги сув тўла чуқурликка дуч келдим. Нимадир мени шу жойга бошлади, кўнглим ҳам аввал бошдаёқ шу ёққа келиши керак эди, деб тургандайди. Сув ёнида оёқ изи, ҳатто одам гавдаси яққол кўзга ташланарди, ўтлар топталганди, юлинганди, ернинг тупроғи ўйнаб кетганди. Миямга ўлибди деган фикр келди. Умуман биров эмас, у — унтерштурмфюрер ўлибди, деган фикр келди...

Мен бошимни чангаллаганимча ялангликдан ўқдай отилиб кетдим. Қани энди ўшанда менинг ахволимни кўрсангиз эди. Унтерштурмфюрер доимо ўқ узилишини кутиб, жонини ҳовучлаб юрарди, мен ҳам худди шу кўйга тушиб қолдим. Ўлимга ҳукм этилишининг қанчалик оғирлигини ўрмонда аниқ тасаввур қилдим. Катта йўлга чиққанимдан кейингина бир оз ўзимга келдим, юз берган воқеани дурустроқ ўйлай бошладим. Нега, албатта унтерштурмфюрер ўлиши керак экан, ахир у касал бўлиши, капитан юклаган ўша топшириқлар боисидан ушланиб қолиши мумкин эди-ку. Шундан кейин мен яна ўрмонга қайтдим, сўнгра майхона томон юрдим. Унтерштурмфюрер менга, шу жойдан бир хона беришган, деган эди. Бироқ мен у ерга боролмадим. Майхонага қайриладиган кўча муюлишида Ольшернинг «Мерседес»и турганди. Ольшернинг ўзи эса зинадан тушиб келаётганди. Қарасам қовоғидан қор ёғяпти, ранги ўчган, адойи тамом бўлганга ўхшайди. «Иш тамом», — деб гумон қилдим, гумон қилдим эмас, аниқ тушундим. Хато қилмабман. Шундан кейин унтерштурмфюрер ўрмонга келмай қолди...

– Хўш, қирқ минг маркали қимматбаҳо нарсалар нима бўлди? — қизиқиб сўради полковник.

– Улар ҳам йўқолди... Ному нишонсиз, назаримда унтерштурмфюрер худди шу буюмлар туфайли ҳалок бўлди.

– Уни талаш учун ўлдириб кетишган демоқчимисиз?

– Шунақа бўлса керак... Мен ундан, қимматбаҳо буюмларни ёнингда олиб юрма, бирор ишончли жойга яшириб қўй, деб илтимос қилувдим. У ваъда берувди. Менга у нарсаларни ўша ялангликка яшириб қўйгандек туюлди. Шунинг учун ҳам қарағайга белги қилиб қўювдим.

– Ўша жойга чорак аср ўтгандан кейин келдим, денг. Найгоф маъюс илжайди.

– Аввалроқ келолмадим...

– Келишга уриниб ҳам кўрмадингизми?

– Сиз содда одам экансиз, полковник жаноблари, йўқолган нарсани топишга ким уринмайди! Бир неча марта топишга ҳаракат қилдим, албатта. Лекин яна уриниб кўришга юрагим дов бермади. Бу хатарли эканини тушундим...

– Ким учун хатарли?

– Мен учун... Менинг кетимдан кузатиб юришди. Бир куни Ольшерни кўриб қолдим. У машинада ўтириб, ойнаси орқали ўрмонни кузатаётганди. Ҳаво булутли эди. Шунинг учун дарров ўзимни дарахтлар панасига олдим. Лекин у мени пайқаган бўлиши керак. Яна бир бор шарфюрернинг яланглик ёнида айланиб юрганини кўриб қолдим.

– Мана энди,— деди полковник фрау Найгофни асл мақсадга йўллаб,— сиз яна ҳалқа йўлнинг иккинчи километрга келдингиз...

Фрау Хенкель ўрмондаги учинчи учрашув ҳақида ҳеч нима демади. Бу воқеа кеч кузда, аниқроғи қиш бошида, қуюқ туман тушган кунлардан бирида юз берганди. Тонг отиш олдидан шаҳар четига туман тушиб, то кечгача тарқалмаганди. Машиналар катта йўлда шундай секин юришардики, Рут иккинчи километрга асло

етиб боролмасди. Худди жұрттага қилгандек, олдинда харбий транспорт кетаётган бўлиб, Рутнинг қувиб ўтиб кетишига автоматчилар рухсат беришмасди. Шунча ма-софани худди эмаклагандек босиб ўтишга тўғри келди. Рут катта йўлдаги таниш белгини кўргунча адоий та-мом бўлганди.

Нега Рут шундай туманли, совуқ кунда ўрмонга борди? Унтерштурмфюрер ҳалок бўлганига бир ой-дан кўпроқ вақт ўтди. Легионер жуда эҳтиёт қилиб ке-лаётган сир ёрдами билан янги парвозга бўлган умид-лари ҳам йигит билан бирга кетганига Рут кўникиб қолганди. Эҳтимол сирдан бошқалар фойдалангандир. Унтерштурмфюрер собиқ дўстлари билан бўлган муш-тлашишда ўлдирилди, деган миш-мишларга «малика» ишонмасди. Беш минг марка озмунча пул эмасди. Бу пул деб қиёфадошни бошқа кишилар ҳам ўлдириши мумкин эди. Кейинчалик аниқланишича, унтерштурм-фюрерни ҳеч ким чақмаган, демак пул ҳам ҳеч кимга тегмаган. Бу эса сирни билиш учун қасддан ўлдирил-ган, деган Рутнинг фикрини яна мустаҳкамлади. «Ма-лика» деярли ўз қўлига киритаётган ўша сир туфайли йигит ўлдирилган. Рут йўқотган нарсасини қайтариш учун бир ой вақтини сарфлади. Аммо қидириш фой-дасиз, унинг устига хатарли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, астойдил умидини узишга ҳаракат қилди. У бунга эришди. Эришай деди:

У сўнгги йилларда озмунча қайғу-алам чекдими. Ўша қайғу-аламлар устига яна биттаси бўла қолсин. Шундай пайтда, тўсатдан чўри унга хат топширди. Қисқа хат бир неча сўздан иборат эди: «Ҳаммаси эсон-омон туга-ди. Учрашишимиз керак. Ўша жойда». Хат саводсизлик билан ёзилганди. Хат саводсизлик билан ёзилгани учун Рут хатни ким ёзганини билди, унтерштурмфюрер! У бир вақтларда ҳам шунга ўхшаш, шу услубда хат ёзган-ди. Ёзуви ҳам ўшандақа. Чўри хатни офицер кийимида-ги кишидан олибди, юзини кўролмабди, чунки у эшик орқасида, қоронғида турган экан.

Рут шу заҳоти кўчага югурди. Бироқ, шамол ва ёмғирдан бошқа ҳеч нимани пайқамасди. Кўча ва унинг ёнидаги боғ бўм-бўш эди. Шуниси ҳам борки, хат эгаси уйда учрашувни кўзламаганди. «Ўша жойда» деб аниқ кўрсатилган. Демак, ўрмонда. Тунда Рут Хенкель Потсдамга жўнамади. Бундай қилиш эҳтиётсизлик эди, бунинг устига амалга ошириб ҳам бўлмасди. Эрталаб у эридан машина сўради. Жуда ошиқарди. Қандайдир жўшқин эҳтирос уни Берлинер рингга ундарди. У, унтерштурмфюрер тирик, Ольшер бирор мақсад учун уни ўлдига чиқариб, гап тарқатди, деб ўзини ишонтирарди. Капитан бунақа ишларга уста эди.

Катта йўлнинг охириги километригача — шартли йўл белгисига етгунча «малика» умидвор бўлиб борди. Лекин у машинадан тушиб, қалин туманга бурканган ўрмонни кўргач, иккиланиб қолди. У нима қилишини ўйлаб олиш учун йўл четида тўхтади. Туман ичида қаққайиб турган қарағайлардан, тонг қоронғисидаги чакалаклардан юраги орқага тортиб, хатто кўрқиб кетди. Ўзининг танҳо эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун у атрофга аланглади. Ёнидаги катта йўл ҳам, атроф ҳам кимсасиздек эди. Эҳтимол, қаердадир олисда машиналар қатнаб тургандир, лекин уларнинг шовқини ўрмонга етиб келмасди. Рут тинчланди: демак, уни ҳеч ким кузатмаяпти!

У юриб кетди. У дарахтларнинг биринчи қаторидан кейин бошланиб кетадиган қарағайлар ёнига, сўқмоққа қараб йўл олди. Унтерштурмфюрернинг хатига ишонадиган бўлса, у одатдагидек, шу атрофдаги йўл ёқасида, қарағай орқасига яшириниб, кутиб турган бўлиши керак. У сўқмоқда кўринмади. Хоним ҳар бир қарағайга кўз югуртириб, туман ичидан одам қорасини қидириб, олдинга юриб борарди. Унтерштурмфюрер унчалик довюрак эмасди. Шунинг учун уни ўрмон ичкарисидан, нафасини ичига ютиб, бирон ялангликда пойлаб ўтирган жойдан қидириш керак эди. Ўт-ўланлар, сўқмоқ четида тўпланиб ётган япроқлар нам бўлиб, ҳар бир қадам

босганда, қандайдир чилпиллаган овоз эшитиларди. Ўрмонда шундан бошқа овоз эшитилмасди. Атрофни вазмин, қалбни эзувчи сукунат босганди.

Унтерштурмфюрер ялангликда ҳам йўқ эди. Рут тўхтади-да, дамани ичига ютиб, кулоқ солди. Унинг миясига, агар бирор дарахт орқасига яширинган одам бўлса, уни чақириш фикри келди. Аммо, баланд овози билан ўрмонни бошига кўтариш ва акси садодан ҳайиқиб, фикридан қайтди. У қулоғини мушукдек динг қилиб, яланглик четида турар ва туман ичида бир-бирига киришиб кетган дарахтларга кўзларини катта-катта очиб қарар эди. Шу пайт янгроқ овоз эшитилди, бу овоз қаттиқ бўлмаса ҳам аниқ эди:

– Қўллар кўтарилсин!

Овоз орқа томондан, дарахтлар орқасидан, жуда ҳам яқиндан эшитилди. Рутнинг юраги орқасига тортиб кетди: қўлга туширишди. Алдаб тузоққа илинтиришди...

– Айтгандай, қўлингизни кўтармасангиз ҳам бўлади, — деди яна ўша овоз. — Лекин қайрилиб қараманг...

Рут қўлини кўтаришга улгурмади. Ҳатто, қандай қўл кўтаришини ҳам ўйлашга улгурмади. У ҳеч қачон бунақа буйруқни бажариб кўрмаганди. Энди у пальтоси чўнтакларидеги кафтларини ёзиб, қўлини чиқармоқчи бўларкан, ўзини хўрлангандай ҳис этди. Худди эгасига бўйсунган итдек Рут ҳам шу овозга бўйсунушга мажбур бўлаётганди. Эҳтимол, у қўл ҳам кўтаролмасди. Яхши ҳамки, ўша овоз даҳшатли шартни ўзгартирди. Қайрилиб қарамаса қарамабди-да. Бу иззат-нафсига тегмайди, у ғазаб билан олдинга қараб алам билан лабларини тишлайди, ўйлайди. Бу тузоқдан қандай қутулиш чорасини ўйлайди.

– Бу шартни бажариш мажбурий, — эслатди ўша овоз. — Ўйлайманки оқибати нима билан тугашини эслатиб ўтиш ортиқча. Гапимга тушундингизми?

— Ҳа, — деди у, лекин қандайдир хириллаган овозни эшитди, Рут йўталди-да, қайтарди: — Ҳа...

– Иккинчи шарт, — ошиқарди овоз. — Саволларга

аниқ ва қисқа жавоб берилиши керак. Бундай пайтда Рут ўзини қандай тутишни билмайди, шунинг учун жим туришни афзал кўрди.

– Гапимни эшитяпсизми?

– Ҳа, ҳа... Бу ерда музика чалинмаётган бўлса керак, икковимиз холос-ку,— қаҳр билан дўнғиллади Рут.

– Ҳозирча икковимиз, холос...— нимагадир ишора қилиб деди ҳалиги овоз.— Шундай қилиб, биринчи савол...— орага жимлик чўкди, гўё дарахт орқасига яширинган нотаниш киши нима тўғрисида ва қандай сўраш ёки сўроқ қилинувчини синаб кўришга ҳозирлик кўраётгандек эди.— Сизга унтерштурмфюрер нима деганди?

Рут қулоқ солиб турди-да, аниқроқ савол беришни талаб этди:

– Биз кўп гаплашганмиз... Кўп нарса тўғрисида гаплашганмиз, сиз нимани кўзда тутяпсиз?

Нотаниш киши йўл қўйган хатосидан ё анча хижолат бўлди, ё гангиб қолди. Уялгани яна савол берганида овозидан сезилиб қолди.

– Унтерштурмфюрер ўз дўстлари ҳақида нималар деганди?

– Туркистон комитетида дўсти борлигини гапирганди, холос.

– Номи?

– У номини айтмаганди, менга унинг қизиғи ҳам йўқ эди.

– Эслаб кўринг, балки номи тилга олингандир.

У эсга туширолмади, чунки бирор марта ҳам номи тилга олинмаганди. Худога шукур! Кимнингдир унтерштурмфюрернинг дўстларига қизиқиши улардан хабардор бўлган кишилар ҳаётини хавф остида қолдирарди. Қотиллар гувоҳлардан қутулиш учун шубҳа остидаги кишиларни йўқ қилиб юбориш йўлини тутишарди.

– Унинг номини ҳам билмайман, унинг тўғрисида бирон нима ҳам дея олмайман! — Қатъий жавоб берди

Рут.— Айтдим-ку, мен бунга қизиққаным йўқ деб.

У бор гапни айтганди. Нотаниш буни тушунди-да, дили ранжиди:

– Қизиқ... Унинг дўстлари бор эди, улар тез-тез ўз ҳамшаҳарлари ёнига, шу жойга иккинчи километрга келиб туришарди-ку.

– Эҳтимол, бўлса бўлгандир... Лекин биз учрашганда улар бўлмасди, шунақа бўлиши мумкинми ё йўқми?

Нотаниш киши шундай бўлиши мумкинлигини эътироф этди, бу эса баттар унинг жаҳлини чиқарди. Рут ўзининг мажбурий суҳбатдоши яна саросимага тушганлигини унинг овозидан фаҳмлади. Жин урсин! — деб сўкинди у.— Наҳотки, унтерштурм-фюрер ўз дўстлари ҳақида ҳеч нарса демаган бўлса! Бутунлай ҳеч нарса...

Ҳеч нарса,— деб жавоб берди Рут тинчланиб, ҳатто бир оз тетикланиб.— Унинг дўстлари билан ишимиз йўқ эди. Улар тўғрисида гаплашишга вақтимиз ҳам йўқ эди...

Нотаниш киши уҳ тортди. Унинг уҳ тортиши шунчалик табиий эдики, ҳатто «малика» бир неча дақиқа бурун уни қўрқитиб юборган бу суҳбатдошига раҳми келиб кетди.

– Савол берсам бўладими?

– Беринг!

– Сиз туркистонликмисиз?

Нотаниш киши ўзининг кимлигини яширишга ҳам уринмади:

– Туркистонликман.

– Унтерштурмфюрернинг дўсти бўлмасангиз керак, албатта?

– Йўқ.

Айтинг-чи, башарти сиз дўстингизнинг номини билиб олганингизда, унда нима қилардингиз?

Нотаниш киши жилмайди, шекилли чунки салдан кейин берган жавобида илиқлик сезиларди. Биз ҳали ўрнимизни алмаштирганимизча, йўқ фрау Хенкель. Ёки буни сезмаяпсизми?

– Тўппончани назарда тутяписизми?

Фақат тўппончани эмас! «Малика»ни «Рунд-функт»нинг оддий дикторига айлантиришни кўзда тутяпман. Бир неча соат дикторлик қиласиз, холос. Тиргартенга етиб боргунчалик вақтни олади. Қани, номини айтинг-чи!

– Номи йўқ.

– Эсга олинг!

– Фойдасиз. Унинг устига, тикка туравериб чарчадим. Ҳаммаси қанчалик тез ҳал этишингизга боғлиқ...

У яна ачитиб бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин улгурмади. Рут йиғлаб юборди. Тўсатдан йиғига тушди. У болаларга ўхшаб ҳиқиллаб, елкаларини қимирлатиб, аста ўксиб йиғларди. У ҳозир биров хафа қилган қизга ўхшарди. Унинг болаларга ўхшаб йиғлаши қаттиққўл, тошбағир кишининг ҳам кўнглини бузиб юбориши мумкин эди. Шундай бўлса ҳам нотаниш киши саволини қайтарди:

– Эсга олинг!

– Номи тилга олинмаганди,— йиғисини ичига ютиб деди у.— Ёки қайта-қайта гапни эшитмайсизми? Номи тилга олинмаганди...

Нотаниш киши аста-секин шаштидан туша бошлади шекилли. У оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига ташлаётганди, Рут бун ивиган япроқларнинг қаттиқ чилпиллашидан фаҳмлади. Нотаниш киши оғирлигини бошқа оёғига ташлаб, яна уҳ тортди. Бироқ овози ҳамон жиддий эди, бу жиддийлик йиғлаётган «малика»га нисбатан эди.

– Ўжарликнинг оқибати ёмон бўлади. Сиз ўзингизни ўзингиз қийнаясиз, фрау Хенкель...

У янада аянчлироқ ҳиқиллар, ҳатто бўзлаб йиғлар, деб кутган эди, аммо Рут бирданига жим бўлиб, оҳиста деди:

– Мени қўйиб юборинг...

– Нима?

– Мен кетай...

Нотаниш киши ўзини тутолмади, одатдагича тўрсил-

латиб деди:

– Тентак!

Бошдаёқ дўқ қилиндими, демак отиши керак. Лекин нотаниш киши отмади. Аёл бир қадам, икки қадам, уч қадам босди-да, охири ишонч билан қадамини тезлатиб, йўл томон жўнаб қолди. Четларига мўйна тикилган ҳаво ранг пальтоси кўкиш туманга қўшилиб, кўздан узоқлашарди.

Рут деярли чопиб борарди. Мана шу бемаъни, даҳшатли учрашув оқибатида юз берган кўрқувдан тезроқ кутулиш учун машина томон чопиб борарди. Аммо катта кўчада уни бошқа кўргилик кутиб турган экан. У йўлдан адашганга ўхшарди. Йўл ёқасида бақалок, ўрдайбурун «БМВ» машинаси кўринмасди. Рут бетон четидаги паст тўсиқдан сакраб ўтиб, йўл ёқасига кўз ташлади. Унинг ташвиш билан олазарак бўлган кўзларига шилта бўлган бўм-бўш катта йўлдан, тумандан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Шундан кейин у, кўздан ғойиб бўлаётган нарсага етиб олмоқчи бўлиб, чап томонга чопиб кетди, лекин ҳеч нарса учратмай қайтиб келиб, йўл белгиси ёнида туриб қолди. Унинг машинаси шу ерда, худди мана шу ерда турганди. Ахир у ақлидан озмаган-ку!

Энди у овозини қўйиб, ўксиб-ўксиб йиғларди. Энди у хўжа кўрсинга эмас, балки астойдил йиғларди. Рут кўп кўз ёши тўкди, лекин бу ёшлар уни овута олмади. У кафти билан, шунчаки кафти билан кўзларини артиб, бошқа чора тополмаган кишидай, итоаткорлик билан яна ўрмонга йўл олди. У ҳозиргина ўзи қочиб кетган ўша ялангликка жўнади. Ўз изига қараб қанча қадам босганини ҳисоблаш қийин бўлди. Ялангликда ҳеч ким йўқ эди. Лекин у ҳеч ким йўқлигига ишонмади.

– Кулоқ солинг, — деди у худди дарахтларнинг жони бордек, уларга мурожаат қилиб.— Мен унинг номини билмайман. Аммо у Роменск батальонидан... Оддий эсэсчи. Рут жавоб кутди. Ўрмон жавоб бермади. Теварак-атроф аввалгисидан ҳам сокин, жимжит эди. Шун-

дан кейин Рут жон-жахди билан бақирди:

– Мен ҳеч нарсани билмайман! Тушундингизми, билмайман! Яна сукунат чўккач, у жавобдан умидини узиб, аста деди:

– Машинамни қайтариб беринг...

Дарахтлардан бири жавоб қилди:

– Машина муюлишдан нарироқда...— қайси дарахт-лигини Рут ажратолмай қолди.

– Муюлишдан нарида?!—Рут қўрқиб кетди. Рут шундай лойгарчилик ва совуқда икки километр чамаси йўлни пиёда босиши керак эди.

– Бундан ҳам олисроқда бўлиши мумкин эди. Бу сизга боғлиқ эди, фрау.

– Миннатдорман! — деди уҳ тортиб хоним.

Кетиш керак эди. У тинкаси қуриб, истар-истамас, йўл томонга судралиб кетди. У хавф-хатардан қутулган бўлса ҳам, негадир кўнгли ғаш эди. Тузоқдан бўшалди, изми яна ўзида шекилли. Аммо у шунча таҳлика ва хўрликдан кейин яна «малика» бўлолмасди. Бунинг эвазига у ҳам бирон нима билан қайтариши керак. У нима билан қайтаришини билмасди. Аммо албатта қайтариши керак.

– Шошманг, фрау. Рут жон-жон деб тўхтади.

– Биз хайр-маъзур қилмаймиз,— деди овоз.— Кейинги учрашувимизга қадар Роменск батальони, эсэсчи ҳақида маълумотлар тайёрланг.

– Қачон? — у шошилиб сўради-ю, шу билан ўзининг қизиқиб қолганини сездириб қўйди. Гапирган кишини топиш мақсадида дарахтларни бирма-бир кўздан кечирди, аммо ҳеч кимни кўролмади. Туман, лаънати туман халақит берарди.

– Қачон ва қаердалигини ҳеч ким билмайди. Сиздан «эрингизнинг аҳволи қалай? Юрагидан шикоят қилмаяптими»... деб сўрашади. Сиз эса: «Юраги жойида. Лекин томоғи безовта қияпти...» деб жавоб берасиз. Эсда сақлаб қолиш осон... Рут бош ирғади.

– Энди бораверинг!

Катта йўлга чиқадиган сўқмоқ унга таниш эди. Рут шу сўқмоқдан жўнади. Овоз эса маслаҳат берди:

– Ўрмондан юрсангиз яқинроқ...

Рут ўрмондан кетди...

5

Фрау Хенкель нотаниш киши билан иккинчи учрашмаганини айтмади. Тўғриси, Берлин ҳалқа йўлининг иккинчи километрида юз берган кўнгилсиз воқеа ёдидан кўтарилга бошлаб, узоқ вақт ўтиб кетгандан кейингина иккинчи марта учрашди.

Шунга қадар икки ҳафта бурун юз берган воқеа тўғрисида эса умуман ҳеч нима билмасди...

«Ўрмон клиникаси»дан Ольшерга телефон қилиб: «Қон анализи яхши чиқди», деб хабар қилишганди. Ҳаммаси бўлиб тўрттагина сўз. Кечкурун Ольшер Бош бошқарманинг навбатчи машинасини олиб, уни Берлиндан ташқарига ҳайдаб чиқиб кетди, номерини ўзгартиб, Ораниенбург ўрмон хўжалиги томон йўл олди. Ҳаракатларни шу атрофда кузатиб турган ҳаво хужумига қарши муҳофаа постлари уни икки марта тўхтатди. Бу районда деярли ҳар бир километрга зенит нуқтаси ва ёритув установакиси қўйилганди. Берлиндан Болтиқ денгизи қирғоғигача, ундан бошлаб, Рюген оролигача бўлган масофа жанг майдони ҳисобланарди. Аммо ердаги душманларга қарши эмас, ҳаводан келадиган душманларга қарши жанг олиб бориларди. Баъзи жойда яқсон қилинган ва ёниб кетган самолётлар ётарди. Бироқ, бинолар камдан-кам вайрон қилинганди — бу жойларга бомбардимончи самолётлар ўз юқларини ташламай, уларни Берлингача олиб боришарди. Ахён-ахёнда зенит ўқлари теккач, улар ўрмонга ёки фермага фугас бомбаларини ташлардилар.

Кузатув минораси бўлмаса ҳам, лекин лагердан фарқи йўқ «ўрмон клиникаси»да уни ёши анчага бориб қолган сўлгин ва юзини ажин босган навбатчи врач кутиб олди. У гауптштурмфюрерни махсус назорат остидаги касал-

лар палатасигача олиб бориб, ўзи кираверишда тўхтади.

– Учрашув пайтида менинг ҳозир бўлишим ортиқча бўлса керак?

– Албатта.

Врач бош силкитиб, бу ердан узоқлашди.

Гаупштурмфюрер эшикни шартта очди, шошиб-пишиб палатага кирди-да, яна эшикни шартта ёпди. У ниманидир кутди ёки шунчаки вазиятни билиш, димоғига урилган дори ҳидига кўникиш учун остона олдида бир минутча турди. Дағал жун одеял тўшалган каравотдан ранги ўчган, катта кўзлари чақнаётган киши капитанга қараб турарди. Бу кўзлар ичкари кирган кишига ҳайрон бўлиб тикилиб қолганди. Касал бундай шароитда оқ халатсиз, гражданча кийинган кишининг пайдо бўлишини кутмаганди. Жинчироғнинг ғира-шира шуъласи кирган кишининг кимлигини билишга халақит берарди. Ниҳоят, касалнинг кўзлари ҳар ҳолда ним қоронғиликка одатланиб, эшикка кирган кишига тушгач, илжайди. У тирсақларига таяниб, гавдасини ёстиқ устига олмоқчи бўлди, уринманг дегандай қўл силтади.

– Сиз ҳали жуда заифсиз...

– Йўқ, йўқ,— эътироз билдирди касал ва яна тирсагига таянди.— Мен энди сайр ҳам қиялпман.

– Бундай қилмаслик керак эди,— бошини сарак-сарак қилди Ольшер.

– Аксинча, врачлар маслаҳат беришяпти. Қонни ҳаракатга келтириб, мускулларни ўргатиш керак экан.

Капитан пешанасини тириштирди. Бунақа иш унга ёқмасди. Медицина ўз олдида турган вазифаларни тез ҳал этишга қодир эмас экан. Лагерларда анча вақтдан буён юқумли оғир касалликларга қарши фойдали эмлаш йўллари тажриба қилиб кўриляпти-ю, аммо ҳали ҳеч нимага эришилгани йўқ. Ўн минглаб маҳбуслар тажриба қилиб кўрилди, уларнинг ярмидан кўпи нариги дунёга жўнатилди, аммо ишнинг охири кўринмасди...

– Баумкеттер қош қўяман деб кўз чиқарибди,— дўн-ғиллади капитан.

– Зарядни тўғри ҳисобга олмабдими? — деди касал.
– Тўғри ҳисобга олмаганиям гапми... Дарров ўлиб қолмасин, Заксенхаузенда қайта тирилиб қолмасин, деб қўрққан. Миқдорини камайтириш лозим эди...
– Энди ҳаммаси ўтиб кетди,— енгил тортиб, нафас олди касал.

– Ҳа, эҳтимол...

Ольшер, бирон нимага тегиб кетишдан қўрққандай касалнинг каравоти ёнидаги курсига оҳиста ўтирди; кафтини касалнинг қўлига қўйди. У, беморнинг қўлидаги билинар-билинемас таптни сизди. Ҳар қалай тапти бор: юз балого дучор қилинган бу одамда ҳаёт аломати бор эди, ўзи қилтиллаб, тапти билинар-билинемас бўлса ҳам, ҳар қалай унинг тириклигидан гувоҳлик берарди.

– Кучингиз етармикин? — деди капитан эшиттириб.
— Биз ўз имкониятларимизга ортиқча баҳо бериб юбормадикмикин. Биз ҳали шу ерда, тинч ўрмонда эканмиз, бемалол қадам боса оламиз. Тўхташга, дам олишга ҳақимиз бор. Аммо палата остонасидан ташқари чиқиш билан бундай имконият бўлмайди... Уруш даҳшатли суръат ва катта қийинчиликларга дучор қилмоқда. Кимки йиқилса, уни эзиб ўтиб кетишади...

– Ўлдиришади,— деди касал ҳам эшиттириб. У Заксенхаузенни эслади.

– Сиз ўз кўзингиз билан кўрдингизми?— сўради Ольшер.

– Ҳа... Бир кўрувдим.

– Агар кўрган бўлсангиз, билар экансиз — йиқилиш мумкин эмас. У ёқда, мана шу девор орқасида йиқилган киши қайтиб турмайди. Ольшернинг буларни умумлаштириб гапиришдан мақсади касалга амалий маслаҳат бериш эди:

– Яхшиси шу жойда тура туриш керак. Бир оз туриб, куч-қувватга кириш керак!

– Кейинроқ куч керак бўлмай қолиши ҳам мумкин.

– Ундай бўлса, худо хофиз,— Ольшер тўсатдан худони эсга олиб, уни ўз ишига аралаштириб юборди.— Оллоҳ

биз билан!

– Мен худога ишонмайман.

– Ҳаммамиз ҳам худога ишонмаймиз,— деди капитан.— Мен айтаман, сизни кийинтириб қўйишсин...

– Хизматчиларни безовта қилишнинг ҳожати йўқ... Кийимлар шу ерда, жавонда...

– Ундай бўлса кийининг... Мен сизни навбатчи врач хузурида кутиб тураман. Йигирма минутдан кейин, эскирган, шунчалик эскириб, титилиб кетганидан тирсаги кўриниб турадиган, шими қайтармасининг жулдури чиққан ёш йигит нав-батчи хонасининг эшигини қокди.

– Тайёрман,— деди у кучини тўплаб.

– Эҳ-ҳе, жуда бинойдайсиз-ку,— қувонганнамо бўлиб деди врач ва негадир кўрқиб гауптштурмфюрерга қараб қўйди. У хўмрайди.

– Ҳа, бинойдай. Замонага қараб... Хизматларингиз учун ташаккур. Улар ёш йигит билан ўрмон яланглигида ягона бўлса ҳам, негадир 3-клиника корпуси деб номланган баракдан чиқишди-да, машина томон йўл олишди. Машина дарахтлар тагида кўзга деярли кўринмасди. Ольшер олдинда, касал эса ундан бир ёки икки қадам кейинда борарди. Йигитнинг оғир-оғир нафас олиши капитанга яхши эшитилиб турарди. У эса ташвишланиб, пешанасини тириштирарди.

Ольшер машина эшигини очиб, касалга уқтирди:

– Ана, ўриндикда шинель бор, уни устингизга ёпиб олинг, йўлда яхшилаб кийиниб оласиз.

Капитан машина чироғини ёқмади. У машинага одамлар эътиборини тортишни истамади, шекилли. У моторни юргизди-да, эпчиллик билан «оппель»ни секин ҳайдаб, қоронғилиқдан шағал тўкилган йўлга олиб чиқди. Дарвоза олдида, аниқроғи, вахтёр будкаси ёнида тўхтади, секингина сигнал берди, ичкаридан чиққан белгисиз, лекин ҳарбий кийимдаги чўлоқ солдатга пропускани кўрсатди. У честь берди-да, дарвозани очиб, бир четга чиқиб, йўл бўшатди. «Оппель» худди стартга

тайёр тургандек хезланди ва пишқириб турган жойдан катта кўчага отилиб чикди.

Орадан икки соат ўтгач, «оппель» энди Берлиннинг қарама-қарши томонида, жимжит ўрмон қоровулхонаси олдида тўхтади. Машинадан икки киши — Ольшер ва унтерштурмфюрер унвонидаги ёш офицер тушди. Улар ойнавандли кичикроқ ёғоч уй томонга эндигина бир неча қадам ташлаган эдиларки, девор ёнига боғлаб қўйилган итнинг вовуллаган бўғиқ, йўғон овози эшитилди. Кейин эшик гижирлади-да, ёруғ тўрт бурчак пайдо бўлди, эшикдан тушаётган ёруғликда бир аёлнинг қораси кўринди.

– Ким? — деб сўради у чўчиб.

– Бу биз, фрау Зоммер,— жавоб қилди Ольшер. — Бевақт келганимиз учун кечирасиз.

– Ҳечқиси йўқ, майли... Ўзим ҳам кутиб тургандим, Ольшер унтерштурмфюрерни қўлтиғидан олиб, зинадан кўтарилишига кўмаклашди.

– Бу киши, мен сизга айтган ўша офицер. Ярадор бўлганди...

– Шундайми, шундайми... Кира қолинглар.

Ольшер офицерни хонага киритиб юборди-да, ўзи уй бекаси билан айвонда қолди.

– Уни Искандар, дейсиз... Ўйлайманки, бу номни эслаб қолиш осон,— деди капитан.

Аёл хушомадгўйлик билан жилмайиб қўйди.

– Ҳа, албатта...

6

– Сиз чарчагансиз, фрау Найгоф, мен буни тушунаман, раҳмим ҳам келади, аммо бир тафсилот сизни яна безовта қилишга мени мажбур этди.

Рут Хенкелни ёки энди баронесса Найгоф деб аталган аёлни учинчи марта тергов қилиш ана шундай бошланди.

Аёлнинг кўзи полковник столида турган папкага тушди. Бу биринчи марта учрашишганда унинг эътибори-

ни жалб этган папка бўлиб, полковник ундан суратлар чиқариб кўрсатган эди, оқ боғичли лаънати ўша папка. Демак, яна ўша гаплар бўлади, яна ўша эски саволлар берилади. Бу саволлар эса баронессанинг жонига теккан, энг муҳими, қанчадан-қанча ғам-ғуссаларни бошидан кечиришга мажбур этган эди. Баронесса қутулдим, деб ўйлаганди, мана энди бўлса, полковник яна ўша ишларга қайтмоқда.

– Қандай тафсилот экан?— сўради Найгоф қулайроқ ўтириб, оёқларини чалкаштираркан. У, бу хонада нима-лар бўлаётганига ўзининг бефарқ қараётганини кўрсатиши керак эди. У, шу жойда меҳмон, тасодикий киши бўлиб, Шарқий секторда мавжуд бўлган бемаънигарчилик орқасида сўроқ берувчи киши аҳволига тушиб қолган, лекин ўзининг олижаноблиги ва баодоблиги орқасида зўравонликка чидаб келаётган киши қилиб кўрсатиши лозим эди. Лекин у баронесса ва аёл бўлиб қолаверади, уни бундан ҳеч ким тортиб ололмайди, ҳатто кўнгилсиз, бемаъни сўроқ қилувчи қаттиқ қўл полковник ҳам тортиб ололмайди. Айтганча, бу сочи оппоқ контрразведкачи қандай одам экан. Дастлаб хоним унинг ташқи қиёфасига сира эътибор бермаган экан. Фақат унинг характериға қизиқсинган экан. Энди тўлароқ ўрганиш зарурияти туғилди.

Ана унинг юзлари! Унинг юзларида нима бор? Ахир хоним Шонгаузэраллейда сайр қилиб юрган пайтларида бу юзларға қизиқиб қарармиди. Бу юзлар ўзига жалб этолмагани учун эмас, ҳар ҳолда истараси иссиқ, ияги айри, демак тиришқок, пухта одам. Лекин буюк мақсадларға чорловчи тиришқоқлик эмас. Бу — бурчини адо этиш. Бурч эса — тобе бўлганлар, ижро этувчиларни ишға солиш. Кўзларининг хотиржамлиги ҳам унинг ўша фазилатидан далолат беради. Масалан, Қаюмхоннинг кўзларида хасислик, икки юзламачилик ифодаси ўйнаб туради,— бу эса юқорилаб кетишнинг ажойиб далили. Вақтинча бўлса ҳам парвоз этиб, юқорилаб боради. Бунинг устиға Қаюмхон чиройли, уни кўз-кўз қилмоқ,

намойиш этмоқ, ҳатто олижаноблик намунаси сифатида кўкларга кўтарса ҳам бўлади. Омма олдида, албатта ўз эътиқоди билан бурчига содиқ кишилар олдида, ўтмишда шонгаузэраллейлик оддий йигитлару ҳозирда полковник бўлганлар олдида кўкларга кўтарса арзийди...

Полковник буларнинг ҳаммасини Рутнинг кўзларидан уқиб олди, ҳаммасини тушунди, лекин ранжимади, ўзидан ўкинмади ҳам. У масхара қилиб, истехзо билан кулмоқчи бўлди, аммо ҳозир айтмоқчи бўлганлари кулгисига қовушмасди. Шунинг учун ҳам у хотиржамлик билан қовоқ солиб турди-да, қуруққина қилиб деди:

— Президент уйдан қирқ минг маркали қимматбаҳо буюмлар йўқолганлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Никоҳни бекор қилиш маросимида ҳам бу буюмлар кўрсатиб ўтилмаган. Қариндош-уруғларингизниқидан ҳам қимматбаҳо буюмларнинг изи топилмади — босиб олинган областлардан талаб келинган ҳамма қимматбаҳо бойликлар ўзингизда қолган. 1943 йилда ТМКнинг собиқ президентиникидан чиққан ва никоҳни бекор қилиш пайтидаги безаклар рўйхати бор. Иккала рўйхат ҳам деярли бир хил. Сиз иккинчи километрда қирқ минг маркалик қандай қимматбаҳо буюмларни йўқотгансиз?

Рут бу савол дилини анча сиёҳ қилса-да, лекин у бундан баттарроқ саволни кутган эди. Полковник чуқурроқ ақл югуртира бошлади.

— Полковник жаноблари, сиз шартли равишда айтётган қирқ минг маркали қимматбаҳо буюмларни мен уруш пайтларида сира таққаним йўқ... Одамларга кўз-кўз қилганим йўқ. Баъзан танҳо ўзим ойна олдида тақиб кўрардим. Бу менинг биргина эрмагим бўлиб, ундан ҳеч ким, ҳатто эрим ҳам мени маҳрум этолмасди...

— Нима учун яшириб тақардингиз? — полковник бу саволни синчковлик қилиб эмас, балки Найгофни бор гапни батафсил айтиб беришга мажбур этиш мақсадида берди.

– Жавобни сиз олдиндан бериб қўйдингиз...— хафа бўлиб деди Рут.— Қимматбаҳо буюмлар Украина ва Польшадан олиб келинганди... Ишончим комилки, қолган гапларни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак?

– Справка учун раҳмат. Лекин эрингизнинг ўзига қарашли нарсалар рўйхатига шундай кўп қимматбаҳо буюмларни киритмай беғараз иш тутганлиги унча равшан эмас. Бунинг устига у нега йўқолган бойликни ахтариб топишга ҳаракат қилмади?

– Илгари айтилган сабабларга кўрада. Совғаларни кўз-кўз қилиш мумкин эмасди. Сизга аён-ку, Шарқдан ва концлагердан олиб келинган ҳамма қимматбаҳо тошлар, платина, олтин ва кумушлар ҳисобга олиниб, улар рейхсбанкка, «Адольф Гитлер» деб аталмиш ватан-парварлик фондига топширилиши матлуб эди.

Полковник худди димоғига сассиқ ҳид урилгандай пешанасини тириштирди.

– Гетто ва ўлим лагерларидан тушган нарсаларнида? Лекин сизга инъом қилинган буюмларнинг бошқа адреси бўлса керак...

– Шубҳасиз, аммо у ҳам ҳар ҳолда, ўлжа-да,— изох берди Рут.

– Урушдан туширилган ўлжа эмас...— Полковник яна пешанасини тириштирди.— Менга маълумки, миллий легионлар душманга қарши жанглarda иштирок этишмади, башарти иштирок этишганда ҳам, ўлдирилган ва асирга олинганлардан узук, исирға ва билагузуклар топмаган бўлардилар.

Рут Найгоф кулиб юборди:

– Ҳазилкаш одам экансиз, полковник жаноблари. Ҳар қалай легионерлар ўлжа ҳам туширишган. Улар ўз президентларига чўчка ёғи ҳам келтиришган. Саримсоқ пиёзли ажойиб украин мойи! Сиз ундан бирор марта тотиб кўрганмисиз, полковник жаноблари?

Полковник таҳқирли кесатикдан қалтираб кетди.

– Мен жазо батальонларида хизмат қилмаганман...

– Фаҳмлаб турибман... Лекин шунчаки татиб кўрган бўлишингиз мумкин... Саёҳатчи ёки меҳмон сифатида. Ҳа, айтганча, сизга саёҳат қилиш тақиқланмаган-ку!

– Очиқ саёҳат қилганман, махфий топшириқ билан эмас,— таъкидлади полковник.

– Башарти сиз, йўқотган ўз нарсасини қидиришни махфий топшириқ деб ҳисобласангиз, у пайтда мен бундай айбни бўйнимга оламан.

– Кимнинг нарсаси?

– Ўз нарсамни! Мен бу ҳақда аллақачон айтганман, ёзиб беришим ҳам мумкин...

– Сиз бир ҳафта бурун шундай дегандингиз. Энди фақат сизда ўша нарсалар борлигини эътироф этишгина қолди.

– Тайёрман. Ўша бойликни топишга имкон беринг!

Рут юпқа пайпоқли тиззаларига қўлини кўйди-да бепарволик билан бармоқларини кўздан кечира бошлади. Унга маникюр ёқмай қолганди — ранги ўчиб ялтироқлиги қолмабди, умуман маникюр ўчиб кетибди.

– Полковник жаноблари, — деди у ноз-карашма билан,— мени энг оддий ҳузур-ҳаловатдан ҳам маҳрум этишга қандай ҳақингиз бор. Ахир сартарошхонага боролмасам. Буни қаранг, прическам билан қўлларим қандай аҳволга тушиб қолибди!

У малласоч тутамлари шалвираб юзига тушиб турганини кўрсатмоқ учун қўллари билан чаккасини сийпади.

– Бунга вақт қаерда! — қовоғини солиб деди полковник.

– Мен ҳамма вақт бунга вақт топаман... Башарти сиз бойликларимни қайтариб олиш учун менга имконият яратиб берсангиз, у пайтда ўз шартимни кўяман...— Рут бошини кўтарди ва гап қандайдир илтифот юзасидан бораётгандай, юзини сидириб ташлаб, ўртага талаб кўйди: — Ўша бойликлар менга тегиши керак... Хазина тариқасида тўпланган шахсий мулк сифатида. Албатта,

божхона текширганда божи олиб қолинади.

— Аввал бойлигингизни топиш керак, фрау Найгоф. Афсонавий бойликни!

— Сиз ҳали ҳам шубҳаланяпсизми?!

— Ҳа, шубҳаланяпман...

— Қидиринг бўлмаса!

Полковник сал бўлса тилидан илиниб қолай деганди. Кидирди-гу натижа чикмади, демоқчи эди, аммо ўзини тўхтатиб қолди.

— Биз уни яширган эмасмиз, шундай бўлгач, биз уни кидирмаймиз ҳам... Сиз қидирасиз... Бироқ огоҳлантириб қўяй...

— Зарурати йўқ... Огоҳлантиришнинг ҳожати йўқ, полковник жаноблари. Ҳозирданоқ ҳаммасига розиман. Раҳмат сизга!

Найгоф рухсат ҳам сўрамай, ўрнидан турди-да, ўз прическасини шоша-пиша тартибга келтира бошлади. Бошини орқага ташлаб, сочларини силкитди ва уларни қўллари билан енгил-енгил уриб қўйди. Кейин мамнун бўлиб, гердаийиб кулиб ҳам қўйди. У ҳамон бинойидай, ёш эди. Шонгаузэраллейдаги ўша қизалокқа қиттак ўхшаб кетарди.

Полковник унинг аёлларга хос ўзига бино қўйиб, лаззатланишига, устакорлигига ҳайрон бўлиб қараб турарди. У ўзингизга оро беришни бас қилинг, дейми-демайми, деб бир неча дақиқа иккиланиб турди-да, сўнгра телефон трубкасини олиб, навбатчини чақирди:

— Подъездга иккита машина жўнатилсин. Кечаги разнарядкага мувофиқ... Наряд ҳам. Ҳаммаси рапортда кўрсатилган...

7

Бу ҳақда эса Рут 1944 йил январида хабардор бўлганди. У бу гапни эридан, Вали Қаюмхондан билиб олганди. Кўнгилчан Вали Қаюмхон ўз рафикасига Туркистон миллий комитетига алоқадор, ҳатто махфий йўллар орқали ўтиладиган янгиликларни ҳам айтарди. Аммо

бу янгиликлар ҳаммадан аввал империя хавфсизлигининг тўртинчи бошқармасига, яъни гестапога етиб келарди...

Саид Исломбек Заксенхаузендаги ўлим лагерига жўнатилгач, Дитрих икки ой, аниғи, олтмиш тўрт кундан бери унинг ҳақида ҳеч нима билмасди. Бу сана штурмбанфюрер томонидан стол календари варақасига ёзиб қўйилганди. Одатда, у ўз қурбони билан сўнгги учрашувни ёзиб қўйишни яхши кўрарди. Сўнгра у мулоҳаза юргизиб, таҳлил этиб, календарни варақларкан, фақат ўзигагина маълум бўлган чизикча, доирача ва уч бурчакларга қараб, ўтмиш воқеаларини кўз олдига келтирарди. Исломбек 18 октябрь варақасига ёзиб қўйилганди. Бу сана остига кўк қалам билан илон изи қилиб, калтагина чизик тортиб қўйилганди.

Худди рождество байрами арафасида босиб олинган областлардан юборилган кўплаб маълумотлар орасида, мазмунига қараганда, анча ғалати маълумот, аниқроғи сўроқ хати бор эди. Хатда хавфли давлат жиноятчиси Саид Исломбекни ва унинг турган жойини маълум қилган кишига беш минг марка мукофот бериш ҳақида 1943 йил ёзида чиқарилган буйруқ ҳали ҳам ўз кучида турибдими, дейилганди. Бундай одам Туркистон легиони қисми жойлашган Н. қишлоғида пайдо бўлди. Жавоб шошилини равишда берилиши керак. Чунки фронт чизиғининг ўзгариши ва СС қисмларининг янги мудофаа чегараларига чекиниши муносабати билан легион яқин кунларда қишлоқни ташлаб чиқади. У пайтда жиноятчини ушлаш қийинлашади ёки кўрсатилган районда ҳарбий ҳолат мураккаблашиб, уни тутиш, умуман мумкин бўлмай қолади.

— Тентаклар! — деб юборишига сал қолди Дитрих.— Ҳозир марка санайдиган вақт эканми!

Штурмбанфюрер аввалига шундай деди-ю, кейинги гапини ўзини босиб олиб мулоҳаза билан айтди.

Исломбек Белоруссиянинг қандайдир бир қишлоғида қаердан пайдо бўла қолдйкин? Умуман, қандай қилиб

у ерга бориб қолди. Дитрихга маълум бўлган иккала Исломбек ҳам бу дунёни тарк этган, табиатнинг оддий қонунларига кўра улар яна қайтиб келишлари мумкин эмас-ку. Фақат кимнингдир хатоси билан ўлган киши тирикка чиқарилган бўлиши мумкин. Ўлганлардан бирини, у дарров Берлинер рингни, қиёфодош билан бўлган бемаъни воқеани ўйлади. Эҳтимол, маълумотда эслатиб ўтилган марка Дитрих эътиборини шу воқеага жалб этгандир. Мукофот бериш фақат қиёфодош билан боғлиқ эди. Полициянинг маълумотида, худди унинг нишоналари санаб ўтилганди.

У телефон трубкасини кўтариб, Ольшерни сўради: бу чалкаш ишни Ольшердан бошқа ким ҳам биларди, дейсиз!

— Исломбек тирилибди!

Дитрих капитанни ақлга сиғмайдиган хабар билан лол қолдирмоқчи эди. Бироқ мудом зийрак ва эҳтиёткор Дитрих бу гал «Тюркостштелле» бошлиғининг таажжубланганлигини сезмади. Ольшер жўрттага ҳайратланган бўлиб деди:

— Қандай қилиб тириларкан?

— Мантиққа зид равишда тирилди.

— Штурмбанфюрер жаноблари, сиз бу фавқулодда хабарни очикроқ тушунтириб беролмайсизми. Мен ҳазилни унчалик ҳазм қилолмайман, сиз аминманки, ҳазил қилмаётган бўлсангиз керак.

— Йўғ-э, ҳазиллашаётганим йўқ.

— Ундай бўлса дурустроқ тушунтириб беринг.

Дитрих рўйирост гапиришни ёқтирмасди. У иш даврида ўзини тута билишни, суҳбатдошидан сирни билиб олиш учун уни гапга сола олишга ўрганганди. Бировнинг сирини билиб олишни ўрганди. Шунинг учун у жавоб бермай, сўради:

— Сиз Исломбекнинг ўлигини кўрганмисиз?

— Ҳа.

Дитрих гапнинг тагига етиш учун шу заҳоти бир неча илмоқли савол берди:

Танидингизми? Қиёфасига қарабми ёки белгилариданми?

Ольшер кресло суянчиғига ўзини ташлади-да, қувониб, енгил нафас олди: штурмбанфюрер қайси Исломбекни назарда тутаётгани энди аён бўлганди.

– Белгиларидан, аниқроғи кийимидан. Юзлари шундай расво бўлиб кетган эканки, мўйловидан бошқа ҳеч нимани таниб бўлмади...

– Унинг қулоғининг тугмачаси узунроқ эди!—эсига туширди Дитрих.

– Қулоғи тугмачаси? — кулди Ольшер.— Сиз кулоқлари бор деб ўйлайсизми? Иккита шиш бор эди, холос!

– Сонида холи бор эди! — штурмбанфюрернинг кичқириб юборишига оз қолди.— Эсингиздами, текширган пайтимизда холига эътибор берган эдик? Ольшер гестапочи белгиларни санаб чиққунча жим турди-да, сўнгра истехзо билан деди:

— Сонини кўриб ўтирмадим, қимматли майор, унинг мўйловларини, унтерштурмфюрерлик кители чаплашиб ётган лойни кўриш етарли эди!

– Ўша белгилардан сиз ўлдирилган киши Исломбек деб ишондингизми?

– Ўша дақиқада шундай деб ўйлагандим.

– Ҳозир-чи?

Ўйлаб туриб, ҳеч бўлмаганда ўз фикрини бир жойга тўплаб олиб жавоб бериш талаб қилинарди: Дитрих «Тюркостштелле» бошлиғининг бошини айлантирмоқчи. Бу хабарга майор қанчалик жиддий эътибор берганлигини, унинг бирор чора-тадбир кўриш нияти бор-йўқлигини аниқлаш зарур эди. Башарти у Саиднинг ўлдирилганлигини тасдиқласа, Дитрих ниятидан қайтади-да, индамай қўя қолади, аммо ҳозирча шундай қилиш зарур. Ольшер ичидан қувонар ва шу билан бирга ташвишланар эди. Исломбекнинг олис Белоруссия кишлоғида пайдо бўлиши ҳақидаги хабар Ольшердан чиққан эди. Текстни унинг ўзи тузганди,

Ўзи ишончли кишиси орқали жўнатганди. Лекин бу хат Дитрихга аталмаганди, у ўртада воситачи эди, холос, аммо бу воситачи керакли йўналишда ишлаши лозим эди.

– Ҳозир ҳам, — жавоб қилди Ольшер, — гарчи сиз мени иккилантириб қўйсангиз ҳам.

Бўйнига олгани майорнинг таъбини хира қилди.

– Демак, ҳеч қандай мўъжиза юз бергани йўқ? — қалтираб деди у. Дитрихга янги сир, умуман ҳеч қандай сирнинг кераги йўқ эди, энди. Ҳозир унақа сирлар билан шуғулланишга қўли тегмайди! Оёқ остида ўралашиб юрганлар, оламини тушунишга халақит бераётганларнинг ҳаммасини ўлдирмоқ керак, ўлдирмоқ! Мана, бир йилдики у ақлга сиғмайдиган, тушуниб бўлмайдиган тасодифлар орқасида эзилиб юрибди. Унга ҳаммадан бурун аниқлик керак, бу аниқлик дағал, шафқатсиз бўлса ҳам майли, ҳар қалай тинкани қурутмайди. Энди, у ўз ёвларини нариги дунёга жўнатиб, тўғри иш тутганига бутунлай ишончи комил эди. Ўлганлар жумбоқларни ўзлари билан олиб кетдилар. Агар улар бу дунёда бирор нима қолдириб кетган бўлсалар, Дитрих ўз билганича иш тутиб, ўша чала-чулпаларни осонлик билан бир ёқли қиларди ёки уларни писанд қилмасди. У Исломбек масаласида ўзини хўп койиди. Бу иш тугаш ўрнига илдиз отиб, янги-янги шаклларда пайдо бўлмоқда. У Исломбекни Тиргартенда ўлдирмагани учунгина шундай бўлмоқда. Бир ўқ билан ўлдириб юборганда, Исломбек билан бирга унинг қиёфадоши ҳам даф бўларди. Бу оламда ундан ном-нишон қолмасди. Энди қиёфадош тирилди, тўсатдан, бемаврид тирилди.

– Агар Ольшер Берлинер рингда чиндан ҳам Исломбек номли унтерштурмфюрер ҳалок бўлди, деб айтсак, Дитрих тинчиб қоларди, бемаврид пайдо бўлган шубҳаларини бутунлай улоқтириб ташларди. Ольшер иккиланарди. Кўрқоқ, ҳамиша орқа-олдига қараб юрадиган Ольшер шубҳа туғдирмоқда. Шубҳа эса ишнинг муқаддимаси, холос...

– Демак, ҳеч қандай мўъжиза йўқ,— қайтарди Дитрих. — Одатдаги эътиборсизлик... Унтерштурмфюрернинг тириклигига иқроор бўлмоқ керак. Бошқа биронтани ўлдиришгану, шу билан иш битди дейишган.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? — деб сўради Ольшер киши жаҳлини чиқарадиган бепарволик билан. Уни ҳеч нарса қизиқтирмагандек эди. Бир неча ой бурун «Тюркостшелле» бошлиғини Исломбекнинг Берлинер рингда босган ҳар бир қадами безовта қилганди. Энди бўлса у Исломбек ҳақида кераксиз, аҳамиятини йўқотган масала, деб гап қилмоқда.

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, гауптштурмфюрер жаноблари?

– Мен ҳали бу саволни ўзимга бериб кўрганим йўқ,— яна очиқ жавобдан ўзини олиб қочди Ольшер.— Иннайкейин, шундай савол бериш керакмикин. Номаълум шахснинг ўлигини Исломбекнинг жасади деб ташлаб кетишдан мақсад нима?

Дитрих ҳамма вақт мулоҳазали ва тўғри фикр юритадиган Ольшернинг соддалигидан ҳайрон бўлди.

– Қиёфадошни сақлаб қолиш учун! — жавоб берди гестапочи.

– Қандай мақсад учун?

– Мана бу масалани ҳал қилмоқ керак: қандай мақсад учун?

Ҳал қилаверинг ўзингиз, демоқчи эди Ольшер. У штурмбанфюрерни масхара қилиб, бирор дағал гап айтмоқчи, уни ўз креслосида ич-этини едиртириб қўймоқчи ҳам бўлди. Аммо Дитрихнинг мақсадлари ҳозирча номаълум бўлиб турган бир пайтда гестапчининг жаҳлини чиқариш хавфи эди.

Агар бу ишда менинг фойдам тегадиган бўлса...

– Ҳозирча зарурияти йўқ, — гапни кесди Дитрих, — Исломбекнинг ўзи эканлигига шубҳа қилганингиз ҳам кифоя...

— Қандай мақсад учун!

СС Бош бошқармасининг бу амалдори жуда ҳам ёқимсиз лукма ташлади, энди бу лукма Дитрихнинг бошини қотириб, азоб беради. Қандай мақсад билан қиёфадошни алмаштиришди? Ўликни полицияга тутқазишнинг қандай зарурияти бор эди? Унтерштурм-фюрерни ўғирлаб кетишса яхши бўлмасмиди. Айтганча, ўғирлашга ҳам ҳожат йўқ эди, ахир уни ҳеч ким қўриқламасди-ку. Оғайни сифатида машинада олиб чиқиб кетса ҳам бўларди. Йўқ, уларга (ўша «улар» кимлиги маълум эмас) жасад зарур бўлган. Улар изларини йўқотишган, гестапо томонидан Берлинер рингга олиб борадиган ипни кесиб ташлашган. Демак, ҳар ҳолда кимгадир сохта Исломбек керак, хўш Исломбек-чи? Ёки улар сохта Исломбеклигини билишмаган!

Жуда чалкаш ишда! Бош ҳам ғовлаб кетди. Британия агентини қармоққа илинтириш мақсадида бошланган бу беҳуда ўйин Дитрихнинг ўзи учун фожиали оқибатга айланди. Ольшернинг хатосини кўрсатувчи янги далиллар пайдо бўлиши билан фожа янада кучаярди.

Гестапога чақиртириб келтирилган, умрида бирор ақлли гап айтмаган вайсақи Фельске, ўлган унтерштурмфюрерни кўргани йўқ, шунинг учун унинг ўлдирилганлиги ҳақидаги миш-мишларнинг тўғрилигига гумоним бор, деди. Сиз унтерштурмфюрерни тирик деб ўйлайсизми? — сўради Дитрих пивохона эгасидан.

Нега йўқ деярданман. Бизнинг округда умуман ҳеч кимни ўлдиришмаган. У ерда яхши одамлар яшашади. Ҳа, баъзан айтишиб қолишади, бирор бўлмағур гап ўртага тушади, ахир ҳамма ҳам айтишади-да. Бир куни Макс Зайнерт хотинимни ҳақорат қилдинг, деб укаси Кохга мушт туширганди, шундай тўполон бўлиб кетдики, асти қўяверинг... Лекин бировни ўлдириш...

Хуноби ошган Дитрих афсусланиб Фельскега қараб қўйди. Қахвахона эгасига ҳеч нима демай, уни эшикка улоқтириб ташлагиси келса ҳам, пропуссага қўл қўя туриб, шоша-пиша сўнгги саволини берди:

Демак, сиз унтерштурмфюрерни ҳеч ким ўлдирмаган, демоқчимисиз ?

– Ҳа, менинг уйимда эмас! Ўзингиз бир ўйланг, штурмбанфюрер жаноблари, қаҳвахонамиз кўпдан бери ишлаб келяпти, обрўси ҳам чакки эмас...

– Ўлдиришмадими ?

– Йўқ.

– Аниқроғи, сиз унтерштурмфюрернинг ўлигини кўрганингиз йўқ-да?

– Кўрганим йўқ... Лекин мени таклиф этишмади, ўликни кўрсатишганда, мен ўрмонда ётган киши ким эканлигини аниқлаб бера олардим...— Фельске пичирлаб муҳим гапни айтди, унинг овози худди қудук тубидан чиқаётганга ўхшарди.— Ахир ўша тунда унтерштурмфюрерни ўзим кўргандим-да. Унинг оппоқ юзлари, хиёл юмуқ кўзлари ҳозир ҳам кўз олдимда турибди, жуда маст эди, майор жаноблари. Каттиқ маст эди. Ўшанда мен унга: «Йигитча, уйда қолсангиз яхши эмасми, кеча қоронғи, совуқ» дегандим. Аммо у менга кулоқ солмади...

– Башарти сизни таклиф этишганда-чи ?—деди Дитрих ҳам Фельске сингари секингина.— Сиз унинг Исломбек эмаслигини аниқлай олармидингиз?

Фельске қиқиллади.

– Қайдам...

Унинг кулгиси ҳам қудук тубидан чиққандай эди.

– Нега?— деди Дитрих астойдил кулоқ солиб.

– Чунки, ўрмонда ҳеч ким йўқ эди-да.

– Нега йўқ бўларкан?

– Одам бўлиши шарт эмас-да... Ҳеч ким йўқ, вассалом. Шундай бўлиши табиий. Полиция беш минг марка ваъда қилиб турган пайтда, ўша одамни ўлдириб, яна ташлаб кетишарканми. Ўзингиз бир ўйланг, майор жаноблари, ахир уруш пайтида беш минг марка кимга керак эмас...

– Ахир ҳеч ким пул олгани йўқ-ку,— деди Дитрих.

– Шундай экан, демак унтерштурмфюрерингизнинг

орқасидан ҳеч ким тушмаган. Ким бекорга бошини балога қўярди. Ишонаманки, сиз менинг гапларимга қўшиларсиз, майор жаноблари?

— Ҳа-ҳа,— Дитрих оғир нафас олди, бармоқлари билан столни уриб тақиллатди. Бу эса унинг хафсаласи пир бўлганидан, диққат бўлганидан далолат берарди.— Гапингизга тушундим... Кетишингиз мумкин, Фельске жаноблари!

Фельске ўзидан мамнун бўлиб, таъзим қилди-да, майор билан хайрлашди ва эшик томон шошилди: Менга қаранг! — деди Дитрих нафратини аранг босиб Фельскени тўхтатаркан.— Ҳар қалай... Сиз унтерштурм-фюрер ўлдирилмаганлигига аминмисиз? Кўнглингиз шундай деяптими? Уни яхши билганингиз учун...

Фельске юзини жиддийлаштирди-да, керилиб деди:
— Аминман.

Демак, тирик экан! Э, худо, ҳолдан кетган Дитрихнинг бошига яна қанча ташвиш тушяпти. Оддий ташвиш эмас: қиёфадош кимга ва нима учун керак бўлиб қолганлигини аниқлаш керак. Бу — қийингина эмас, айни пайтда Дитрих учун керак эмасди. Фронт шиддат билан рейх томон яқинлашиб келмоқда. Энди босиб олинган рус областлари йўқ. Гарчи кеча барон Менке телефон қилиб (Дитрихдан кечирим сўрагандай бўлиб), торганиб: Шарқий министрлик сақланиб қолади, ахир Белоруссиянинг бир қисми бизнинг қўлимизда турибди, Польша, Руминия ҳам бизда, деган бўлса ҳам, амалда рус областлари йўқ. Тортинчоқ, содда доктор Менкега ачинади киши. Чол умри тугаганини, яъни Остминистерлик идеология бўлими бошлиғининг умри тугаганини сезяпти. Тўғри, барон: «Бу вақтинча... Иш тўхта-тилмайди. Ахир қарши ҳужумга ўтилади-ку. Албатта ўтилади», деганди. У шундай деди-ю, лекин ўзи бунга ишонмасди. Ахир, ким ҳам ишонарди! Мана энди, умид узилиб, одамлар рейхдан кўра кўпроқ ўзларини ўйлаёт-

ган пайтда қандайдир қиёфадощ билан шуғулланиш, пивохоначи ва яна қандайдир кишилар билан гаплашиш керак. Шундай қилмоқ зарур. Чунки, Ислombек ҳақ бўлиб чиқди. У: «Ҳатто, мен йўқ бўлиб кетсам ҳам, улар энг муҳим иш учун кураша беришади», деганди. Чиндан ҳам улар босиб келишмоқда. Ўзларини сездирмай, босиб келишяпти.

Шу номаълум кишиларни, уларга қўшилиб тўсатдан тирилган қиёфадощни ҳам бир четга қўйиб туриш керакми ёки қидиришга, курашишга киришмоқ лозиммикин? Уни бир четга қўйиб қўйиладиган бўлса, улардан ҳам қўл силтаб қўя қолиш керак. Дитрих бир лаҳза Ислombек номи кўрсатилмаган маълумотни кўз ўнгига келтиради. Оддий, тоза варақа ёки яхшиси, қалбга ором берувчи факт тасдиқланмади, деган аниқ сўз ёзилган бўлса Н. кишлоғида ҳеч қанақа Ислombек йўқ!

Дарвоқе, ўша қишлоқ қаерда экан? Маълумот қаердан келдйкин? Ҳа-ҳа, Минскнинг ғарброғидан, фронт линиясига яқин жойдан. Чекинишни кутишмоқда. Шу тўфайли шошилиш равишда жавоб талаб этишмоқда.

Дитрих ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У аввалига, ўзини босиб олиш мақсадида, парижон бўлиб кезди, сўнгра бир маромда қадам ташлай бошладими ёки оёқлари ўз-ўзидан шундай тартибга тушиб қолдими, ҳар қалай у девор тагидаги полни, сўроқ вақтида маҳбуслар ўтирадиган, Ислombек ўтирган ўша полни ўлчай бошлади. Бир-икки минут, балки ундан ҳам кўпроқ ўлчади. Ҳаво тревогаси сигнали уни тўхта-тиб, хаёлларини бўлиб юборди. Бу тахминий сигнал эди. — Берлин Шимол ёки Шарқдан самолётлар келишини кутарди. Самолётларнинг қаёқдан келиши Дитрихни қизиқтирарди, шунинг учун у стол ёнига бориб, радиоприёмникни буради. Диктор ахборотни тугаллаётганди: «Мекленбург зонасига. Ўн беш минутдан кейин Берлинда ҳаво тревогаси берилиши мумкин...»

Яна Мекленбург. Душман бомбардимончи самолётлари ҳамон шимолдан келмоқда! Дитрих панжарали

деразадан ҳовлига кўз ташлади; ички қамоқхонанинг ертўла ва ярим ертўлаларида маҳбуслар навбатдаги бомба ташланишини кутиб туришарди. Улар бомбаларни нажот кутгандек кутишарди. Ҳозирча тош қудуқ ости тинч эди. Яна бир неча минутдан кейин ички соқчилар дивизионидаги автоматчилар наряди кулранг тошларни тарақлатиб чошиб ўтишади, чунки уларнинг нағал қоқилган этиклари қаттиқ тарақлаб, подьезд ва тахмонларда ҳам эшитилади. У ерда ваҳима ва ғазабдан гангиб қолган автоматчилар қазо ҳужумини кутиб туришади. Ҳаво ҳужуми бўлиши ва маҳбуслар қочиб кетишлари мумкин, бомбалар гестапога ҳам тушиши мумкин. Бомба ҳамма ёққа, девор ва томлари бор ҳамма жойга тушади-ю, гестапога тушмайди. Ҳа, бомбалар тошларни майдалаб, темир эшикларни ланг очиб ташлайди, панжараларни итқитиб, дарвозаларни бузиб юборади, маҳбусларга озодлик беради. Одамлар қочиб кетишади. Агар автоматчилар ўзлари омон қолишса, улар ўшаларга, қочиб кетаётганларга ўқ узишлари керак. Омон қолиш-ку қийин, лекин ички тартибда солдатларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва улар ўз бурчларини адо этишлари кўзда тутилган.

Бу тартиб Дитрихни ҳам ўқ отишга мажбур этади. Шунинг учун Дитрих стол тортмасидан тўппончасини олиб, уни кителининг чўнтагига солиб қўйди. Ҳар эҳтимолга қарши. У шу деворларни бузадиган бомбалар мавжудлигига ишонмайди. Ҳозирча гестапонинг ҳеч кимга кераги йўқ. Ҳозирча кераги йўқ. Тўппонча эса Дитрихни итоат этишга мажбур қилган интизомни эслатиб туради.

Аммо, ҳар ҳолда у ўқ узишни истарди. Айниқса, ҳозир. Тирик қиёфадорни эслаганда туғилган истак яна пайдо бўлди. Ўлдирмоқ керак! Ўрнидан туришга қўймаслик керак. Дитрих отгандан кейин ҳеч ким қайта тирилмаган.

У тўсатдан бир фикрга, маълум ва аниқ фикрга келди:
– Мени Туркистон миллий комитети билан улаб

қўйинг. Дарҳол!

Унга телефонни улаб беришди. Тревога бўлиб туришига қарамай, телефон станцияси ишлаб турарди. Самолётлар бутун Берлинни ёндириб юборса ҳам, станция ишлаб туриши керак.

– Жавоб беришмаяпти.

– Яна телефон қилинг. Яна! Яна!

Унга Туркистон миллий комитетининг президенти керак. Лўнда қилиб айтганда, Дитрихнинг ўзи 1935 йилда ёллаган гестапо агенти, кекса ва ишончли агент зарур эди.

– Бинода ҳеч ким йўқ. Ҳаммалари бомбадан сақланадиган ертўлага тушиб кетишган бўлсалар керак.

– Яна чақиринг!

Навбатчи аппаратни қийнаб, Ноенбургерштрассега кетма-кет кўнғироқ қилар экан, Дитрих агентни кўрқоқ, ярамас, дангаса деб қойиди. Сўнгра, у яқинда Потсдамда президентга суиқасд қилинганлигини эслаб, тинчланди. Ўз қонини кўрган киши таваккал қилишга унчалик журъат этмайди. Вали Қаюмхон ҳали ҳам ўқ овозини эшитиб, елкасидаги оғриқни сезиб турган бўлса керак. Шундай бўлса ҳам у кўрқоқ!

– Ўлаяпман!

Ҳар қалай президент топилди. Йўқ, бу Вали Қаюмов эмас. Трубкадан аёлларникига ўхшаган ингичка, ўткир овоз эмас, дўриллаган овоз эшитилди:

– Капитан Ҳайит эшитади.

Расво бўлди. Дитрихга унинг бутунлай кераги йўқ. Умуман, Қаюмхондан бошқа ҳеч ким керак эмасди. Дарвоқе, ҳарбий министрнинг ҳам фойдаси тегиб қолар.

– Гауптман жаноблари, сиз билан Дитрих гаплашяпти...

– Менга айтишди.

– Ундай бўлса дуруст... Ишдан гаплаша қолайлик...

Асосий тревога сигнали Дитрихнинг гапини бўлиб қўйди. Сиреналарнинг юракни эзувчи чинқириғи янгради. Бу чинқириқдан ҳамма юрагини ховучлаб ерга

ётади, ўзини тирқишга уради-да, бомба зарбасини ку-
тади...

Дитрих ўз жойида, аппарат ёнида тура беради. У, ўзи-
дан олисда, сокин Ноенбургерштрасседаги эски, кул-
ранг уйдаги капитан Ҳайитни туришга мажбур этади.
Асаблари бузилиб, бармоқлари титраётган бўлса ҳам,
титраб-қақшаб трубкани қулоғига тутиб тураверсин.
Хаёли қочиб, шошилиб, трубкани ташлаб, пастига, бом-
бадан сақланадиган ертўлага ўзини ургиси келаётган
бўлса ҳам, трубкани ушлаб тураверсин. Ҳайит чопиб
чикиб кетишга тайёру, лекин Дитрихнинг овози уни
тўхтатиб турибди. Маҳкам ушлаб турибди.

– Капитан, сиз ўнинчи октябрь билан ўн бешинчи
декабрь орасида Шарқий фронтга жўнатилган офицер-
ларни... тахминан бўлса ҳам, эслай олмайсизми?

– Улар кўп эди, штурмбанфюрер жаноблари...

– Аммо эсингизда бўлса керак?

– Ҳа, албатта... Бу менинг вазифам.

Лаънати сирена гапиришга ва жавобни эшитишга
халақит беради. Шаҳар тинчиб қолди. Кўчалар жим-
жит, бирон тирик жон кўринмайди, сирена бўлса ти-
рик одамларга жаноза ўқигандек ҳамон чинқирарди.
Чинқириб, уларга аза тутарди...

– Демак, эсингизда бор?

– Ҳа, ҳа.

Ҳайит ошиқарди. Энди қалтироқ бармоқларидан
ўтиб, тирсагига, елка ва бўйнига ҳам ёйилганди. Мана,
лаблари ҳам пирпираяпти. Шунинг учун у ўзини
босмоқчи бўлиб лабларини тишларди.

– Ҳа, ҳа!— қайтарди у ва бу билан Дитрихга лўндаси-
ни гапира қолинг демоқчи бўлди.

Дитрих эса сира шошмасди, сергаплигини қўймасди:

— Сиз, жингалак сочли унтерштурмфюрерни учрат-
ганмидингиз?

Сиреналарнинг чинқириғи моторларнинг гўнғил-
лаган овозлари билан қўшилиб кетди. Ҳозирча тинч,
лекин ваҳимали. Бу овоз шаҳарга кўзга кўринмас парда

ёпиб, кучайиб, кенгайиб борарди. Зенит тўплари ҳуриб, бу пардани йиртиб ташламоқчи бўларди. Берлиннинг бутун шимолий қисмини мана шу механик итларнинг улишлари тутиб кетганди. Улар ерда, шунинг учун ҳам ожиз эди. Ғувиллаган парда ишонч билан секин ёйлаётганди.

– Нима деяпсиз, нима?— трубкага бақирди Ҳайит.

– Жингалак сочли, ўнг қулоғининг тутмачаси чўзиқ, сониди туғма холи бор.

– Фамилиясини айтинг!— ҳалок бўлаётган кишидай жон-жаҳди билан деди Ҳайит. Ҳализамон бомба гумбирлайди. Агар Дитрих гапини тезроқ тугатса, капитан югуриб пастга тушишга улгуради. Дитрих унтерштурмфюрернинг фамилиясини айтишни истамасди, лекин бошқа иложи йўқлигидан айтишга мажбур бўлди. Индамаслиги ҳам мумкин эди. Ҳайит гап ким устида бораётганини фаҳмлаганди. Ҳаммасини тушунганди. Энди у хавфнинг қай даражада эканлигини аниқлаб олиши зарур эди.

– У ҳозир фронтнинг қайси участкасида ёки қайси участкасида бўлиши керак?

Дитрих буни ҳам айтишни истамасди. Лекин ярим йўлда тўхтаб бўлмасди.

– Белоруссия... Роменск батальонида...

Кутилмаганда Ҳайит аниқ жавоб берди:

– Йўқ!

– Нима, йўқ?

– Шу ойлар ичида Роменск батальонига умуман офицерлар юборилмаган, тасодифан Берлинга келиб қолган солдатларгина жўнатилган...

– Бошқа батальонга-чи?

– Жўнатилган, лекин шунақа белгиси бор унтерштурмфюрер йўқ эди...

Шу пайт фугас бомбаси гумбирлаб кетди. Қаердадир, Ноенбургерштрассега яқин жойда. Деразалар дириллаб, поллар титраб кетди, аммо Ҳайит ҳамон аппарат ёнида турарди. У Дитрихнинг янги саволларини кутарди. У

яна ниманидир кутарди. Ҳайит штурмбанфюрернинг сўзлари, синчковлиги замирида нималар борлигини билгиси келаётганди. Башарти унтерштурмфюрер тирилган бўлса, синчковлик бўлиши шарт.

Мурда тирилган!

У яхши эсларди:

Машина қора қайин дарахтларининг шоҳлари тагида турарди. Икки киши қайтиб келди. Олдинда келаётгани машина ойнасини тирноғи билан тикирлатди:

– Бу биз, афандим. Машина эшиги очилди, баланд шапкали одам бошини чиқарди.

– Ҳаммаси жойидами?

– Бирор марта бошқача ҳам бўлганмиди!..

– Мен чакалақдан одамними ёки қушними чинкирганини эшитдим.

– Қушлар, афандим... Бу жой ўрмон-ку.

– Тўғри, тўғри... Ўтира қолинглар, ёмғир роса савала-япти.

– Нима деяпсиз, афандим... Ажойиб ёмғир ёғяпти. Оламни ювиб тарайди.

– Энг муҳими, йўлни ювади,— деди етиб келган иккинчи киши ва ўртоғини машинага итариб киритди.

Бомбалар гумбирларди. Моторлар гувилларди, ҳамма ёқ тандирдай қизиб кетди, томлар, тош-ғиштар, чанг-тўзон, олов осмонга отиларди, қарсиллаган, дарангланган овозлар эшитиларди. Аммо шу заҳотиёқ гувиллаган, гумбирлаган овозлар бу шовқин-суронни босиб кетарди. Чўғдай қизиган ҳаво чиқиб кетиш учун деворлар орасида беҳуда у ёқдан-бу ёққа уриларди.

Дитрих жим турарди. Эҳтимол гапираётгандир, аммо моторларнинг гувиллаши, бомбаларнинг гумбирлаши унинг сўзларини эшиттирмаётгандир.

— Вой худойим-ей, мен бу карағайларни шундай се-
ваманки!.

Найгоф тўсатдан булутлар орқасидан чиққан куёшнинг заррин нурларига чўмилган сарвқомат карағайлар олдида тўхтади-да, уларга мафтун бўлиб узоқ тикилиб турди. Полковник ҳам тўхтади. У, ҳатто маҳбуслар ўзларини юз алвонга олган пайтда ҳам уларга қўполлик қилмасди. У қўшиқни ҳам бўлиб қўёлмасди. Бу сидқидилдан айтилмаса ҳам, лекин маҳорат билан ижро этилган қўшиқ эди. Бу қўшиқ гўзал, лаззатли эди.

Баронесса ўзини қувонган ёки қайғуга ботган қилиб кўрсатган пайтда полковник ва унинг уч ҳамроҳи маҳбусга разм солар эди. Фрау Найгоф қўлга олингандан буён ўтган бир ҳафта ичида унинг кийим-кечаги у ёқда турсин, ҳатто қиёфаси ҳам ўзгармаганди. Унинг эгнида ўша илгариги тўқ сариқ камзули, бу камзул ҳар қандай шароитда ҳам рангини ўзгартирмай, ярқираб турарди, тиззасини эса калта юбкаси салгина бекитарди, оёғида эса таглиги қалин, лекин енгил ўша туфли бор эди. Соч тутамлари биринчи галдагидек, ажиб бўлиб юзига тушиб турарди, баъзан кўзларини тўсиб қўярди. Рут Найгоф атайлаб нозу карашма бепарволик билан бош силкитиб орқасига ташлаш учун тушириб қўйган бўлса керак. Қамалиши ҳам, сўроқ қилиниши ҳам баронессани умидсизликка туширмаганди. У ҳали ҳам кўзларини қисиб, атрофидагиларга заҳархандалик билан кеккайиб боқар, ҳар бир сўзни чертиб, шошмасдан гапирарди. У ҳамон саёҳат машаққатларини бепарволик билан кечи-
раётган беғам саёҳатчи эди.

Найгофнинг ўзгармаган қиёфаси полковникни та-
ажжублантирмас, ташвишга солмас эди, лекин унинг шериклари баронессанинг кеккайишидан бир оз ўнғайсизланишарди. Улардан биринчи, энг каттаси, чи-
ройли ва беҳад ўзига ишонган бу маҳбусни кўриб жуда гангиб қолганди. У терисига сиғмай юрган Найгофнинг

кўзини мошдек очиб, унинг агент эканлигига заррача шубҳа қилмаганидан бўғимига тушириб қўймоқчи бўлди. Иккинчиси — Найгофнинг таърифича кўримсиз шахс баронессанинг ўзгармаганига парво қилмасди, ҳар ҳолда ғазабини ҳам, норозилигини ҳам сиртига асло чиқармасди. Агар пайтини топса, ичидагини тўкиб солади-я. Учинчиси — кўли рассом ёки музикачиникига ўхшаган йигитча гўзал ва мағрур аёлнинг камситилишидан очикдан-очик изтироб чекарди. У, аёлни эркинликдан, атрофдаги мавжуд нарсалардан завқланиш ва кувониш ҳуқуқидан маҳрум этгани учун ҳатто ўзини айбдор деб ҳисобларди. Бу ёш контрразведкачи романтик бўлиб, гўзаллик уни тўлқинлантирарди. Унинг шу кўйга тушиши ҳам гўзалликни севишидан бўлса керак.

Найгоф ҳам буни биларди. У ҳаммасини — уни олиб келган учала эркак ҳозир қовоқларини солиб, қаҳр-ғазабларини ичларида яшириб турганларини, тўртинчиси эса унинг сўзларини оғзи қулоғига етиб тинглашини, қалбининг бир четида унга қойил қолаётганини ҳам билиб турарди. Шу сабабдан Найгоф ўшанга, тўртинчи офицерга қараб деди:

— Беғараз, тилсиз, мағрур қарағайлар... ўзи совуқ бўлса ҳам ажойиб! У шундай деди-ю, орқасига ўтирилди.

— Менинг ожизлигимни кечиринг, полковник жаноблари! Мен чиндан ҳам шу ўрмонни севаман...

Полковник Рутнинг гапини маъқуллаб, бошини қуйи солди, турли рангда турланиб турган соя-салқин ўрмон чиндан ҳам сўлим эди.

— Дарвоқе, ҳис-туйғуни қўя турайлик,— хўрсинди Найгоф.— Ишимиз бор, анчагина нохуш иш. Мен ҳам қидираман, ер ковлайман, полковник жаноблари.

— Агар сиз учун қизиғи бўлса... Яхшиси ақлингизни ишлатинг,— жавоб берди полковник.— Ишонаманки, бутун ўрмонни қазиб чиқмаслигимизни тушунсангиз керак. Сизда бирор план борми, фрау?

— Ҳазиллашманг, полковник жаноблари. План бўлганда, аллақачон буюмларимни топиб, жуфтагимни

ростлаб қолардим...

– Мен унча аниқ гапирмабман,— гапини тузатди полковник.— Қидириш плани борми, демоқчи эдим. Қаердан қидириш, қаерни қидирмаслик керак?

– Ҳа, албатта...

– Ундай бўлса, бизга айтинг!

– Жоним билан. Найгоф, эндигина қаддини ростлаб, авж олиб, тез ўсаётган ёш қарағайлар томон юриб бориб, улар ёнида тўхтади-да, нимадир ўйлаб, қўли билан имлаб полковникни чақирди. Полковник истар-истамас унинг кетидан борди.

– Мана, кўрдингизми! — Найгоф дарахтларни кўрсатди, полковник унинг ёнига келиб, қўлларини орқага, кенг қайрилма ёқали қора плаши орқасига қўйиб, қарағайларга тикилиб турганда. — Кўрдингизми? Ўша севимли яланглигимиздаги қарағайлар ҳам шунақа эди...

– Ҳуш,— баронессанинг гапига тушунмади полковник.

– Шунақа ёш эди. Бор-йўғи тўрт туп эди.

– Ҳуш, нима бўпти...— сўзини қайтарди полковник.

– Энди улар йўқ... Ўша тўрт туп қарағай йўқ, демоқчи эдим.

– Шундай бўлишини кутгандим, — деди бошини сарак-сарак қилиб полковник. Унинг сарак-сарак қилиши қандайдир қайғу, умидсизликдан, ҳатто кулгидан ҳам дарак берарди. Найгоф гапимнинг мағзини чақиб, хулоса чиқариб олсин, деб полковник плаши чўнтагидан шошилмай бир қути сигарета олди-да, сал тасалли топиш учун уни баронессага тутди. Меники-ку...— ҳайрон бўлди хоним, — яъни мен севган сигаретадан экан, — деди у миннатдорчилик билдириб ва хижолат чекиб жилмайдди. У бармоқлари билан, унинг учи, деярли тирноқлари билан сигаретани суғуриб олди-да, гугурт сўради. Полковник зажигалкани ёқди. Оловни шўх, ўйноқи шамол ўчириб кетмасин, деб кафти орасига олди. Полковникнинг кафтлари тошкесарларникига ўхшаб катта,

кўпол бўлганлиги учун ичи чуқур, кенга ўхшаб кўринди. Хоним сигаретани ёндириб оларкан, шу ондаёқ бу кафтларни кўздан кечириб, уларни биринчи куни унга ўт тутган, қўли рассом ёки музикачиникига ўхшаган ёш офицернинг кафтлари билан таққослади. Шунинг учун у полковникнинг бу дағал кўлларида бир оз чўчиди. Бу кўллар Рутга шафқатсиз бўлиб кўринди. Хоним бошини шартта зажигалкадан кўтарди-да, кўрқа-писа:

— Ташаккур!— деди.

— Улар яна ўсиб чиққан,— тушунтирди полковник қарағай ҳақидаги жумбоққа жавобан:— Эҳтимол, момақалдиروقдан ёки болта зарбидан қулагандир...

— Бу атрофда ўрмонни кесишмайди,— эътироз билдирди Рут Найгоф.

— Ўша пайтда ҳамма жойда кесишган... Аммо сиз ўша жойни, шу тўрт туп қарағай турган жойни биласизми?

— Шу атрофда... Бироқ мен уларни қидириб чиқдим...

— Қидирган бўлишингиз мумкин!

— Аммо тополмадим. Дарахт ҳовли эмаски, унга номер осиб қўйилса.

— Нега сиз, албатта ўша ялангликка яширилган, деб ўйлаясиз? Найгоф елкаларини қисди — бу саволга у аниқ жавоб беролмасди.

— Ўша яланглик менга ёқарди, буни у биларди. Тўрт туп қарағайни ҳатто об-ҳаво ёмон пайтда ҳам осонлик билан қидириб топиш мумкин эди. Мен кўп ўйладим, турлича режа туздим, ахийри, шу тўрт тун қарағайни маъкул кўрдим!

— Қачон шу фикрга келгандингиз?

— Яқинда, келиш олдида. Мен аввалига йигит ўша фожиали воқеа содир бўлган пастликни танлагандир, буюмларим туфайли уни ўлдиришгандир, деб ўйлагандим. Аммо кейинча бу фикрдан қайтдим. Ўша жойда белкураклар изи йўқ экан...

— Сиз, кимдир чимларни кўчирибди, деб айтувдингиз.

— Айтувдим... Текшириб ҳам кўрмоқчи бўлдим. Ер

неча йиллардан буён тошдек қотиб ётган бўлиб, қўл билан кўчириб бўлмади. Юринг, бориб кўрамиз!

Бешовлари худди биров уларни мажбур этаётгандай жуда ҳафсаласизлик билан ўрмон ичига кириб кетдилар. Ҳатто, Найгофнинг ўзи ҳам қадам босайми-босмайми дерди... У, афтидан, ўтмишга қайтишни истамасди ёки қайтиб бориш беҳудалигига ишонарди.

— Мана шу жойда,— деди у ва боши билан ишора қилиб пўстлоғи балиқ тангасига ўхшаш қора қарағайни кўрсатди. Тангачалар чириган, қаттиқ эди. Уларга қўл тегизилган пайтда бир сўмлик олтин тангаларга ўхшаб, жаранглаб тўкилиб кетган бўлса ҳам эҳтимол. Шу йиллар ичида тангачалар кўп марталаб ўзгарган, қаттиқ ёмғир, аччиқ шамолда ўлиб, яна тирилган бўлиши аниқ. Фақат пўстлоқнинг чуқур ўйилган жойигина омон қолганди. Бу жой қуриб, ранги ўзгарган, бир оз куйиб, қорайиб кетгану, аммо қарағай танасида маҳкам ёпишиб қолганди.

— Бу сизнинг ишингизми?— деди полковник.

— Меники.

— Нима билан ўйдингиз?— сўради полковник.

— Ханжар билан. Ҳайрон бўлманг, менда СС бошқармасининг бир офицери тақдим этган ханжар бор эди. Бу ханжар менинг ётоғимда безак тариқасида осиглиқ турарди. Баъзан мен уни ўзим билан ўрмонга олиб келардим...

— Тўппончаямми?

— Тўппончам йўқ эди.

Полковник ўйилган белги чиндан ҳам ханжар билан қилинганлигини аниқлаш учун унга диққат билан қаради. Ишонч ҳосил қилгач, бутунлай кўнгли қолиб деди:

— Ҳаммаси беҳуда.

— Йўқ, нега беҳуда бўлсин!— эътироз билдирди Найгоф.— Қидиришни шу ердан бошлаш мумкин. Тўрт туп қарағай ўсган яланглик қаердадир, анави томонда бўлса керак!— у қўли билан дача томонни кўрсатди.—

Қарағайлар тўғри бурчак тепалик устида эди, тепалик унча катта эмас, у ёғигаям, бу ёғигаям ўн қадамдан келади...

– Бўпти бўлмаса, тахминий мўлжал шу экан...— Полковникнинг юзидан аримайдиган ишончсизлик ўрнини жиддийлик олди. У қўл остидаги кишиларни чақириб эълон қилди:— Бошлаймиз. Қидириш планини тузиб ўтиришга вақтимиз кам, шунинг учун фрау Найгоф таклифини қабул қиламиз. Бир томонга юрамиз. Борадиган томонимизни бир-бирига яқин қилиб тўртга бўламиз-да, ўрмонни қараб чиқамиз. Ўйлайманки, битта ҳам яланглик қолмайди. Ярим соатдан кейин шу жойда, анави белги солинган дарахт ёнида тўпланамиз!

У ўз кишиларини бўлинган қаторларга қўйди, ўзи эса чапдаги қаторга турди.

– Мени фрау Найгоф бошлаб боради... Қани, бошладик! Полковникнинг одамлари дарахт орқасида кўздан ғойиб бўлгач, у баронессани огоҳлантириб қўйди.

– Бу сўнггиси.

– Нима сўнггиси?

– Сизга тўкиб берилган чўпчакнинг асоссизлигини кўрсатувчи сўнгги далил. Тўрт туп қарағай ўсган ялангликдан у ёғида ҳеч қанақа романтик нарса йўқ, фақат ҳақиқат, шафқатсиз ҳақиқат бор.

– Сиз мени кўрқитяпсиз, полковник жаноблари!

– Ундай эмасдир! Аминманки, ана шунақа финалга сизни тайёрлашган.

– Вой худойим-ей, қандай даҳшатли гаплар!

У кўрқиб кетганлигини кўрсатмоқчи ва шу баҳонада полковникнинг юзини, кўзларини ва бу кўзлардаги далда берувчи илиқликни кўрмоқчи бўлди. Ахир, полковник чиндан унинг тақдирини шундай ҳал этолмайди-ку.

– Сиз олдинда боришингиз керак,— деди полковник маҳбусларнинг бурчини унга уқтириб.

– Ҳа-я! Лекин у бир амаллаб полковникнинг кўзларини кўрди. Унинг кўзлари нурсиз бўлиб, илиқликнинг

учқуни ҳам йўқ эди, қаҳр-ғазаб, норозиликдан бошқа нарса кўринмасди. Бу кўзлар баронессага эмас, сўқмоққа, полковник юриб, юрган йўлида шамол ҳамда ўлим атрофга тўзитиб ташлаган, ўзи босиб бораётган япроқларга боқар эди, абадий кўм-кўкликдан нишон қолмаганди.

– Сиз йўқотган буюмларимни топиб олишимни истамайсизми?— ўтирилмасдан, маъюсланиб, безовта бўлиб сўради Рут.

Жавоб бериш қийин эди. Унинг қалбида Рут Хенкелни, Найгофни эмас, Рут Хенкелни гуноҳлардан пок қилиш истаги бор эди. Лекин у маҳбусга дилидагини айтишга ҳақи йўқ эди. Шунинг учун полковник индамади. У бирпас лабларини қисиб, оёқлари остига қараб кетаверди. Аммо шу ондаёқ хатога йўл қўйганини тунди. Чунки, Найгоф унинг индамаслигини эсанкираб қолишга, ижобий жавобини суҳбатдошидан яширишга уринишга йўйиши мумкин. Шунинг учун у таъкидлаб деди:

– Истамайман!

– Шундай денг!

Сўқмоқ ўрмон четига келиб тугади, ундан у ёғига бориш учун асфальт йўлни кесиб ўтиш керак эди. Найгоф тўхтади. Энди у орқасига ўтирилиб, полковникка қараши мумкин эди. Рут полковникка қаради-ю, жунжикиб кетди. Полковникнинг кўзлари совуқ, даҳшатли боқарди.

– Қайтамиз!— деди у.

Найгоф бошини қуйи солиб, биринчи қадамини босди. Бу қадам сўнгги қадам бўлиши ҳам мумкин эди. Шу пайт ўрмонда:

– Хо-хо-хо! Бу ёққа! — деган қичқирик эшитилди. Қичқирик оҳангидан Найгоф қарағайлар топилганини билди, шунчаки тахмин қилди. У яна дарахтларни қўллари музикачи ёки рассомникига ўхшаган ёш офицер топди, деб тахмин қилди. Найгоф шундай бўлишни хоҳларди...

У янглишмабди. Ялангликни қўллари музикачи ёки рассомникига ўхшаган ўша ёш офицер топганди. То-пиш деярли мумкин бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда топибди. Ялангликдаги қарағайлар тўғри тўрт бурчакда эмасди. Хамма, Найгоф билан полковник ҳам ялангликка тўпла-нишганда, офицер деди:

– Мана, ўша тўртта қарағай!

У қувониб, ҳовлиқиб, унга, баронессага мурожат қилди. Очиғини айтганда, у Найгоф учун ҳаракат қилганди.

Бироқ қарағай бор-йўғи уч туп эди. Офицерлар буни кўриб, таажубланишди. Шунинг учун ёш офицер ту-шунтирди:

– Тўртинчиси манави ерда... Шу ерда ўсган, тўнкаси чириб кетган, лекин илдизлари қолиб, ундан новдалар ўсиб чиққан...

Тўғри, агар тўртта нуқтадан ип тортилса, тўғри тўрт бурчак ҳосил бўларди. Рут Найгоф ёш офицернинг қўлини қисгиси, ҳатто миннатдорчилик билан ўпги-си ҳам келди-ю, лекин полковникдан ҳайиқиб, фақат ҳаяжон билан деди:

– Раҳмат...

9

– Роменск батальони жазоланишни кутарди. Ҳаммалари, батальон командири гауптман Биллик-дан тортиб, оддий эсэсчигача жазо кутишарди. Икки кун бурун партизанлар билан бўлган тўқнашувдан ке-йин легионерлардан ўттиз киши ўрмонда қолиб кетди. Ўлишгани йўқ. Ўлишганда, батальоннинг шарафи ор-тарди! Лекин улар қочиб кетишди. Улар қасамни бузди, хоинлик қилди.

Биллик тўқнашув партизанлар томонидан атайлаб, жўрттага уюштирилганини биларди. Бу тўқнашув ле-гионерларнинг совет қўшинлари томонига ўтишлари-ни енгиллаштирарди. Шу ўттиз кишигина эмас, бутун батальон ўтиб кетиши мумкин эди, чунки офицерлар

отряд қўмондонлиги билан олдиндан бу ҳақда келишиб қўйишганди. Биллик тасодифан бутун батальонни жангга ташламаганди. Тасодифан. Энди у ўзини бахтим бор экан, деб ўйларди. Бутун батальон ўтиб кетса борми, у жонидан жудо бўлиши мумкин эди. Ҳар қалай дала-ҳарбий суди уни юзхотир қилиб ўтирмасди. Энди у фақат лавозимидан четлатилишини ёки нарисидан унвони пасайтирилишини кутарди.

Капитанга уни Ольшернинг адъютанти кўрмоқчи эканлигини айтишди.

— Дарров-а? — деди батальон командири СС Бош бошқармасининг бундай тез ишлашига ҳайрон бўлиб.— Киритинглар! Саид Ислонбек кирди. У қаддини шунчалик ғоз тутган, соқолларини тозалаб олган, чиройли кийинган эдики, бундан Биллик ўзини ҳақорат этилган, деб ҳис этди: шу кулда, шу ноқулай шароитда, энг муҳими — шундай пайтда штаб эсэсчи офицерининг кераги йўқ эди. Бунинг устига яна у туркистонлик-а.

— Сизми?!—ҳайрон бўлиб қолди капитан.

— Ҳа, мен...

— Нега сиз?—саволини қайтарди Биллик ва довдиранидан коньяк қуйилган стаканни стол устига қўйди. У «Тюркостштелле» бошлиғининг сал таниш адъютанти билан суҳбатлашиш олдидан ичмоқчи эди. У ўзи ва легионерларнинг айбларини енгиллатиш мақсадида шу танишлиқдан фойдаланишга умид боғлаганди, лекин тўсатдай бутунлай бегона киши кириб келди.

— Гауптштурмфюрер шундай қилишга мажбур бўлиб қолди, — изоҳ берди Ислонбек ва бетакаллүф ичкари кирди-да, дераза олдига ўтди. Қиш кунларининг хира ёруғи тушиб турган дераза ёнида елкаларига шинелини ташлаб Биллик ўтирарди.— Ишонаманки, ечинишимга рухсат берарсиз, капитан жаноблари?

— Ҳа, ҳа... Марҳамат,— жавоб берди Биллик, ҳамон ҳайрон бўлиб лейтенантга бақрайиб қараркан.— Лекин ечинишни маслаҳат бермайман. Чунки хонам совуқ.

Шундай бўлса ҳам Ислонбек шинелини ечиб ташлади.

У ечинганда, чап қўлини мажбуран қимирлатаётганини капитан пайқаб қолди — одатда, елкадан яраланган киши шундай ҳаракат қилади, жароҳати оғриётганлигини юзидан ҳам сезди. Билликнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди, шунинг учун бундай шароитда ҳар қандай ҳодиса юз бериши мумкин деб ўйлади. Ахир лейтенант фронтда бўлиши ҳам мумкин, уни ўша жойда руслар ярадор қилишган. Шундай бўлгани яхши. Чунки порох ҳидини искаган киши доимо кўнгилчан ва донороқ бўлади.

— Менинг бу ерга келганлигимдан ажабланияпсиз, шекилли?— сўради Ислombек устунга қоқиб қўйилган йўғон михга шинелини осаётиб.

— Сизнинг келишингиздан эмас, бажарадиган вазифангиздан ажабландим, — деди капитан ва ўтириш учун меҳмонга столнинг қарама-қарши томонидаги курсини кўрсатди. Ҳамма нарса — стол, курси, дераза тагидаги эшак ҳам бўялмаганди, устига бирон нима ёзилмаганди. Биллик тирсагини тираб ўтирган стол ғижирларди, курси эса чайқалиб турарди. Саид курсига ўтирганида унинг оёқлари қийшайиб, ўзи деворга оғиб кетаётганини сезди. Ислombек курсига жойлашиб олгач, кителининг чўнтагига қўл солди.

— Капитанни шахсан оберфюрернинг ўзлари имзо чеккан ҳужжат билан таништирганим учун мамнунман...

— Йўқ, йўқ,— қўлини эринчоқлик билан силтади Биллик,— унинг менга нима ҳам кераги бор. Турли-туман қоғозлар, буйруқлар жонимга тегиб кетди. Мен шунчаки бошқа адъютантни... Жумабоевни танирдим...

— Э, бу ҳаммаси эски гап-ку,— жилмайди Ислombек.— Воқеалар жуда тез ривожланмоқда, гауптман жаноблари. Шундай тезки, ҳадемай сиз билан биз фақат хотира бўлиб қоламиз. Биллик бу гапни, уни батальон кўмондонлигидан четлатиш ҳақидаги буйруққа шама, деб ўйлади-да, қовоғини солди. У ўзини яхши строевой офицер, ҳар ҳолда, одамларга раҳбарлик қилишга ва улардан ишда матонат кўрсатишни талаб этишга

қодир киши, деб ўйларди. Легионерлар таслим бўлишига у айбдор эмас-ку. Оға ўз инисига қарши умуман жанг қилмаслиги керак. Бирор ғоя билан уларни ўзларининг яқин қавм-қариндошларига қарши ҳужумга боришга мажбур этолмайсан. Шу туфайли ҳам эътиқод кучларининг тантанасига Билликни ишонтирмоқчи бўлганларида ва унинг ихтиёрига берилган солдатларни танланган инсон материали деб мақтаганларида, у лом-мим демаганди, ҳатто бош силкитиб ҳам розилигини изҳор этмаганди. Бунинг қуруқ сафсатадан иборат эканлигини биларди. Уйдирма. Ҳандаёқ у легионни Ғарбга, солдатларни ваҳимага соладиган, ғазаблантирадиган беғона юртга кўчиришни таклиф этганди. Бундай жойда таниш, тушунарли она тили эшитилмаслиги керак эди. Билликнинг таклифига қулоқ солишмади. Легионни Россияда, резерв қилиб, душманни чалғитувчи қисм сифатида қолдиришганди. Бу қисм совет қисмлари билан биринчи тўқнашувдаёқ таслим бўлди. Зарбадан эмас, балки ватан ҳароратидан, оға-инилари яқинлигидан таслим бўлди. Биллик солдат бўлганлиги учун буни биларди. У суд қилиш ва жазолаш билан бирон нима қилиб бўлмаслигини англарди. Бирор нарса қилиб бўлмасди.

Хўш, Ольшернинг адъютанти нимага шама қилмоқда? СС батальони командирини хотирага айлантирувчи қайси воқеага шама қиляпти? Эҳтимол жуда ғамгин хотирадир.

– Шунча тезми?— истехзо билан сўради капитан ва яқиндагина ичилиб, ювилмаган бўш стаканга коньяк куйди. — Аввал бир қултумдан ичиб олайлик... Бу ер жуда совуқ... Саид ювилмаган, ёпишқоқ ва совуқ стаканни олди-ю, лекин оғзига олиб бормай, уни ушлаб турди.

– Мен башорат қилувчи киши эмасман,— деди у Билликка қараб.— Лекин тез орада бўлмаса керак, ҳар ҳолда яқин ўртада эмас... Бизнинг давримизда ўттиз киши унча катта йўқотиш эмас...

Биллик жилмайди. Саид энди унинг ёш эмаслигини

пайқади. У анча ёшга бориб қолган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган киши экан. Унинг кўзлари остини, иягини, ҳатто чаккаларини ҳам ажин босганди. Унинг соқоли олинмаганди. Шунинг ўзи кўп нарсани билдиради: легионда хизмат қилувчи немислар фақат одатдаги ҳарбий уставга биноан саранжом-саришта ва батарибликлари билан намуна бўлиб қолмай, балки СС офицери сифатида ҳам ажнабийлар орасида шу олий табақанинг афзаллигини тарғиб қилиши лозим эди. Биллик яқиндагина ҳам худди шундай идеал офицер эди, ҳатто ёш кўринарди...

— Қани энди ўттиз кишининг ўзи бўлганда эди-я,— лабларини буриб деди у,— айтганча, ўттизтаси ҳам етарли. Ахир уларнинг кўпчилиги кичик командирлар-да...

У, маъюс бўлиб, коньякни ҳам ҳузур қилмай худди сув ичгандек ичди-да, юзларини буриштирди, шунда Саид капитаннинг кексалигини, ночорлигини яна пайқади.

— Батальон жанг қилишга қодир,— деди Саид командирнинг руҳини кўтариш мақсадида эмас, легионерлар ҳақида унинг фикрини билиш учун.

— Қандай маънода?— қизиксинди Биллик.

— Тўғри маънода.

— Яъни сафланишни, маневр қилишни, қуролни ишлатишни билади,— санаб чиқди Биллик.— Мен батальон билан қора терга ботиб ишладим. Майор Мадерга кекса солдат Биллик нималарга қодир эканини кўрсатиб қўймоқчи эдим. Лекин мен сира ишимнинг натижасидан ҳовлиққаним, айниқса хом хаёлларга берилганим йўқ. Лоақал улар партизанлар билан мундайроқ жанг қилиб, қишлоқларни қўпурувчилардан тозалай оладилар, деб ўйлагандим. Лекин батальон шунга ҳам яроқсиз бўлиб чиқди. Капитан алланимадан тикиб осиб қўйилган дераза пардасини суриб қўйиб, кўчага қаради-да, Исломбекни ҳам имлади.

— Ўрмон... Уларнинг икки кўзлари ўрмонда, улар эртаю кеч ўрмонни орзу қилишади. Капитан совуқ ва аччиқ изғириндан музлаб қолган дағал қўли билан

пардани ғижимлади-да, уни ингичка, эски ипдан узиб олди, юзини ойнага яқин келтириб деди:

– Лаънати ўрмон... Шу ўрмонни деб кечалари мижда қоқмайман... Бирортаси уйғоқмикин, ўрмонга жўнаб қолишни мўлжалламаяптимикин, деб уйларни, саройларни айланиб чиқаман... Айтишга уяламан, биттасини отиб ҳам ташладим. Нима сабабдан, денг? У қишлоқ четидаги маъшуқасиникига бекиниб кетаётган экан... Мен ўйлабманки!.. Қаҳрим келганидан ҳамма ўқни унга отибман... Бу тентаклик, пасткашлик... Асабларимнинг мазаси қочибди...

У яна коньяк ичди, олдидаги стаканга ҳали ҳам қўлини теккизмаган адъютант эсига тушди. Нега ичмаяпсиз? Ичинг! Бу ерда совуқдан, ғазабдан жинни бўлиб кетасан... Саид хўжайинни хафа қилмаслик учун бир хўплаб қўйди.

– Бу фақат асабдандир...

– Нима? — тушунмади Биллик.

– Сизга шунақа туюлса керак. Аслида, ўрмон унча хатарли эмас. Одамлар ҳеч қаерга қочишолмайди.

– Қочишади.

Юмалоқ қилиб ғижимланган парда стол устига тушди-да, дўппайиб қолди. Биллик уни жаҳл билан улоқтириб ташлади.

– Қочишади, улар бунга тайёр... Мана!— Капитан орқа томондаги каравот устидан офицерлар дала сумкасини олди-да, ундан икки букланган бир варақ қоғоз чиқарди. — Мана, кўринг!

Бу легионерларнинг фитнаси ҳақида биров берган маълумот эди. Маълумот берган киши партизан отряди яқинида турган солдатларнинг фикр ва мақсадларини ғализ немис тилида баён этганди. Ўттиз легионер билан бирга ўрмонга қочиб кетган офицер Курамисов, одамларни руслар томонига олиб ўтмоқчи, деб айтилганди. Қолганлари шу яқин орада кечаси қочиб ўтишлари керак... Исломбек маълумотни ўқиётган пайтда капитан деразага қараб, бошини маъюс сарак-сарак қиларди.

— Йғво,— хотиржам ва ишонч билан деди Саид.

Биллик бош чайқашдан тўхтади, аммо деразадан узоқлашмади. Унинг миясига ҳам бир неча марта бу йғво бўлса керак, деган фикр келганди. У ҳамма гапни уйдирма, батальон соғлом, деб кўрсатиши мумкин эди. Лекин амалда бўлса...

— Солдатга ким кафил бўлади?— сўради у адъютантдан.

— Рапорт ёзган киши.

— Бу ахир рапорт эмас-ку, унтерштурмфюрер, бу одатдаги чақимчилик, холос. Агар эътибор берган бўлсангиз, имзоси ҳам йўқ.

— Шундай экан, йиртиб ташланг уни!— дадил таклиф қилди Саид ва у ҳам фикримга қўшилса керак деб ўйлади.

— Мен ўз қулоқларимни бекитганим билан бошқалар кар бўлиб қолмайди... — Биллик яна шишага ёпишиб, қолган коньякни стаканга қуйди. У столи устига майдачуйда қўйиб, меҳмонга тушунтираверди.— Маълумотни берган киши уни эшик тирқишидан ташлашдан аввал, агар аслини бўлмаса ҳам, нухасини Берлинга—ўша Бош бошқармага, ўша Ольшер жанобларининг ўзига... ёки СДга жўнатган, албатта. У ерда бунақа ишни яхши кўришади. Ҳа, аслида ўшаларнинг иши... Ичинг! Бутун жуда ҳам совуқ... Ёки менга шундай туюляптими...

— Ҳа, совуқ,— унинг фикрига қўшилди Саид. Анчадан бери деразага, ўрмон олдидаги очик далага қаққайтириб қурилган уй деворларига уриб турган аччиқ изғирин унинг ҳам баданидан ўтганди. Оппоқ қор учқунлари шамолда ер бағирлаб учиб юрарди. Саид ҳам капитанга ўхшаб елкаларига шинель ташлаб олиши лозим эди-ю, аммо у совқотдим, деб айтишдан уялди. У уйга кираркан, шинелини чапанчасига ечиб ташлаганди. Энди чидаш керак. У стаканни шартта кўтарди-да, шартта ичиб юборди. Ичи исигандай бўлди.— Бўрон кўтарилди... Шунинг учун ҳам шамол бошланди.

Капитан бу гап маъносини чақмади, фақат Саиднинг

кўл қимирлатишини кўриб, ачиниб деди:

– Елкаларингиз зирқираяптими... Ҳаво ўзгариши билан доимо шунақа бўлади...

Сўнгра Саиднинг гаплари маъносига етди-да, сўкинди:

– Лаънати!.. Энди бўрони ҳам бормиди... Қани энди ўрмонга ўт қўйиб юборсанг! Ҳаммасини ёндириб юбориш керак!..

– Менга қаранг, капитан,— деди у капитаннинг гапини кесиб.— Сизга қўшимча солдатлар юборилганига анча бўлдими?

– Нима? Биллик анграйиб Исломбекка қаради: қўшимча куч юборишнинг бунга нима алоқаси бор?

– Октябрда бирор кимса келиб қўшилдими?—деди ўз саволини аниқ қилиб Саид.

— Бунинг бу воқеага бирор тегишли томони борми?

– Ҳа.

– Октябрда келгани йўқ... Эсимда йўқ.

Саид командирнинг иккиланишини сизди-да, унга далда бера бошлади:

– Агар эсингизга тушса-чи?

– Ҳаммасининг ҳам падарига минг лаънат! Йўқ, ҳеч ким келмаганди... Ичинг, Ольшер жанобларининг жаноб адъютанти!

– Демак, келмади ҳам... кетмади ҳам денг?

– Кетмади ҳам.

– Балки бирор киши вақтинча кетгандир?

– Эҳтимол.

– Масалан, Берлинга?

Адъютантнинг ҳиралиги Билликнинг жаҳлини чиқара бошлади.

– Менга қаранг, унтерштурмфюрер жаноблари, буларнинг сизга нима кераги бор? Батальон ўз умрининг сўнги кунларини, ҳатто соатларини кечирмоқда, сиз эса қандайдир келиш-кетишларни суриштиряпсиз... Сиз айтгандек, бу хотира, фақат хотира... Хотирадан бошқа нарса эмас...

– Ҳарқалай Берлинга ҳеч ким борганми?

– Берлингами?..— капитан хаёл суриб қолди. У ўтмишни эсласа, таъби тирриқ бўларди. Умуман, легион билан боғлиқ бўлган ҳамма воқеалар бемаъни хафақонликдан иборат эди. Хафақонликкина эмас, балки хатарли ҳам эди. Бунга Билликнинг ўзи ҳам ишонч ҳосил қилганди. Яхши ҳамки, ҳаммасига барҳам бериляпти.— Комитет талаби билан Ноенбургерштрассега бир неча киши жўнатилганди.

– Кимлар эканлигини эслолмайсизми?

– Йўқ... Ҳа, шошманг! Икки киши қайтиб келди... Улардан бирини мен отиб ташловдим... Жуда аниқ, кўз ўнгимда турибди. Лекин фамилиясини билмайман... Фамилияси бор эди, шекилли. Эсимдан кўтарилибди, фамилиясининг менга нима кераги бор... Ҳаммасини ер ютсин!

– Аёл-чи?

– Қанақа аёл?

Биллик яна ҳайрон бўлиб, меҳмонга қаради.

– Ахир, айтинг-чи, унтерштурмфюрер, буларнинг сизга нима кераги бор? Нимага? Саид ўзига берилган саволни анча вақт, эҳтимол, бутун суҳбат давомида капитанни азобга солган саволни эшитмаган бўлиб, меҳмондорчилиги учун унга ташаккур изҳор этди. Саид Ислонбек ўрнидан турди-да, эшик олдида осиглиқ турган шинели томон юрди. Шу ердан туриб, орқасига ўтирилмай жавоб берди:

– Ишонаманки, қор билан қопланган бу қишлоққа ўз манфаатим учун келмаганимни англаган бўлсангиз керак.

– Ҳа?!—Капитан бош қимирлатди.— Энди тушунарли...

– Хўш, ўша аёл қаерда истиқомат қилади?

Капитан кафти билан дераза ойнасидаги қировни артди-да, олисда, қор кўмиб юбораёзган уйни кўрсатди. Уй қортепа орқасида баланд мўридан тутун чиқариб, чўққайиб турарди.

– Ўша уйда бўлса керак... Менга ҳатто аёлнинг номи-ни ҳам айтишганди... Эсимдан кўтарилибди... Зина ёки Зося эди, шекилли. Лекин унинг аҳамияти йўқ-ку!

– Хайр, капитан жаноблари!

Биллик хомуш бўлиб ҳасад билан меҳмонга тикилди. Чунки у бўрон кўтарилиши арафасида, даҳшатли тунда танҳо қолишни истамасди.

– Кетяпсизми?

– Ҳа.

– Берлингами?

– Ҳозирча Минск шаҳрига.

– Э, буниси яхши бўлмабди.

– Ҳозирча ҳамма жой ҳам шундай.

– Тўғри... Муваффақият тилайман.

– Сизга эса хайрли тун... Лоақал, бўрон турмасин...

10

У қош қорайган, қиров боғлаган, қор босган, лекин ҳали чироқ ёқилмаган кичкина деразани тикиллатди.

Эшик дарҳол ғижирлади, аммо ҳеч ким чиқмади, фақат эшик ёндорида кичик тирқиш бор эди. Кимдир ана шу тирқишдан кўчага қараб турганди. Эҳтимол, уй эгалари эшик тақиллаганда шундай жавоб қилишар. Саид сўрамасдан ичкари кирди. Даҳлиз бўм-бўш эди. Иссиқ ва қайнатилган карам ҳиди анқиб турарди. Яқинда қор ва шамолдан ичкари олиб кирилган ва печка ёнида қуритилаётган пўстин ҳиди ҳам келиб турарди.

Шу пайт кимдир кутилмаган ташрифдан кўрқиб эмас, таажжубланиб:

– Вой худойим!—деб юборди.

Хона остонасида бир аёл турарди, эшик ёнида унинг хира қораси кўринарди — эшик юқорисидан совуқ даҳлизга сузиб чиқаётган буғ ичида Саид унинг қандайлигини билолмади, аммо овозидан кекса аёл эмаслигини сизди. Бу овоз паст, мулойим эди.

— Вой худойим! — деди яна аёл хотиржамроқ, лекин хафа бўлиб алам билан, кейин ўзини остонадан ичкари олди.

Саид таъзим қилди:

— Салом!

Аёл жавоб қилмади. У негадир, ўзини химоя этибми ёки тўсатдан очилиб кетган кофта ёқасини ёпиш учунми, кўкрагига ўнг кўлини қўйди. У ўзининг хайрон бўлгани, афсусланганини тушунтиришга ошиқди:

— Мен Вася деб ўйлабман...— У шундай деди-ю, бе-маъни гап қўшиб қўйди:—У менинг ўғлим. Ўтин олиб келиши керак эди... Саид аёлнинг хижолат бўлганлигини ҳам, ташвишланаётганлигини ҳам, нўноқлик билан ёлғон гапираётганлигини ҳам дарров пайқаб олди: аёл Васяни кутмаганди.

— Кирсам бўлар,— деди у иккиланиб.— Мумкинми?

Аёл ҳамон меҳмонхонани тўсиб остона олдида тураркан, деди:

— Кириб нима қиласиз? Мен эркакларни қабул қилмайман. Саид энди унинг кўрққанлигини, очикдан-очик кўрққанлигини, ҳатто довдираб қолганлигини сизди:

— Кираман!—деди Саид ва аёл томон юрди, уни йўл беришга, эшик ёндорисига қисилиб туришга мажбур этди. Шу пайт Саид деразадан қорнинг ёруғи тушиб, ғира-шира бўлиб турган хонада беканинг ёш эканини пайқади. Беканинг катта-катта кўзлари ёниб турарди.

Меҳмонхона иссиқ эди, шунинг учун Саид бошидан кулоқчинини олиб, шинелининг тугмаларини ечди.

— Кириб нима қиласиз?— Яна сўради аёл қаршилиқ кўрсатмай, лекин кириш мумкин эмаслигини тағин писанда қилди.

— Шундай қилиш керак, Зоя,— деди Саид мулойимлик билан ўзининг яхши ниятда эканлигини таъкидлаб.

— Менинг номим Зося...

— Мен сизни Зоя деб атайман. Бунинг сиз учун фарқи йўқ-ку. Аёл елкасини қисди-да, эшикни ёпди.

—Илгагини солиб қўйинг,— деб илтимос қилди Саид шинелини ечаётиб.— Бошқа ҳеч ким келмайди.

Аёлни яна ваҳима босди, у эшик олдида қотиб қолди.

— Ёки сиз бирор кимсани кутяпсизми?

Аёл иккиланиб деди:

— Йўқ... ҳеч кимни.

— Ўғлингиз Васяни-чи?

— Вася қоронғи тушгунча келса, эшикни тақиллатади... Бошқа ҳеч ким келмайди.

Офицернинг қаттиқ туриб олганлиги аёлни чўчи-тиб, хижолат қилаётганди. Саид шинелини ечиб, каравот суюнчиғига ташлади. Уйда кийим осадиган илгак йўқлиги учун, уни каравот суюнчиғига ташлаши табиий эди, албатта. Лекин нима учун ечинди? Самогон учун келган киши ечинмас, умуман остонадан ичкари кирмасди. Кечани танҳо яшовчи аёлникида ўтказмоқчи бўлган киши сурбетлик қилмасди, олдиндан хабар бериб қўярди. Бу одамга нима керак экан?

— Ўтирсам мумкинми?—сўради Саид.

Аёл имирсилади.

— Киришга кирдингиз, энди ўтираверинг... Лекин самогоним йўқ.

— Бугун йўқми?

— Йўқ, — ўйлаб ўтирмай жавоб берди бека.— Самогон тортмайман...

— Зарари йўқ,— деди Саид. Унга чиндан ҳам самогоннинг кераги йўқ эди, ушунчаки беканинг ёлғончилигини яна бир марта фош этмоқчи эди, холос. Аёл ёлғон гапирарди-ю, лекин эплаёлмасди.— Мен иш билан келдим... Мен сиз билан танҳо гаплашмоқчиман, бизга ҳеч ким халақит бермаслиги керак... Хатто, Вася ҳам.

— Вася келса нима қиламиз?

— Ҳеч нима. Умуман, Вася деган ўғлингиз борми ўзи?

Аёл индамади. Ловиллаб ёниб, бўялмаган полга сариқ-қизил нур сочиб турган печка ёнига келдида, токчадан керосин ёки мой қуйилган кичкинагина жинчиरोғ олди.

— Чирокни ёқай,— деди Зося. У печкадан тутантирик олиб келиб, ингичка пиликни ёқди. Унинг қўллари кампирларникидай қалтирарди, тутантирик ликилларди, жинчирок эса қалқиб турарди. Меҳмон чиндан ҳам бекани ташвишга солиб қўйганди. Бу ҳолдан Саид ҳам хайрон бўлди: СС кийимидаги офицер ва солдатлар унинг уйига бир неча марта келгандир, аёл ҳам уларга, белгиси бош суяги ва қалаштирилган суяқдан иборат кишиларга одатланиб қолган бўлиши керак эди. Тўғри, Саид кишлоқда шунчаки яшамаётган четдаги уй бекаси ҳақида сўраганда, легионерлар унинг уйига батальон солдатларидан ташқари партизанлар ҳам келиб-кетиб туришини шипшитиб қўйишганди. Партизанлар келиб-кетиб турганини ҳеч ким кўрмагану, аммо шубҳа қилишар эди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламас деганларидек, ўрмондан унинг уйига қараб келган сўқмоқ бўлса керак.

Зося дераза олдига бориб, жинчирокни тоқчасига қўйди. Бу жойдан хонага кўпроқ ёруғ тушса керак. Аланга деразадан кирган совуқдан лип-лип этиб, шифт ва деворларни ёритарди.

— Менга чирокнинг ҳожати йўқ,— деди Саид. Аёл чирокни қўйиб ҳамон дераза ёнида турар ва кўрқа-писа меҳмонга кўз қирини ташлар эди. Зося шундай кўрққан эдики, ҳатто ғира-ширада ҳам юзидан кўрққани якқол билиниб турарди. Шунақаям лапашанг бўладими киши, деб ўйлади Саид, сира ярашмайди-я. Наҳотки, шундай масъулиятли ишга бирор ақллироқ, шаддодроқ киши топишолмаса? Саид дераза ёнига борди. Зося меҳмон менга қўл тегизади ёки қўл тегизишга ҳаракат қилади, деб ўйлаб, беихтиёр қўлларини қовуштириб, кўкрагига қўйди-да, деворга суянди. Меҳмон унга тегмади, деразага қаради. Ташқари қоп-қоронғи бўлиб, ойнага уриб турган қор учқунларидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. У жинчирокни дераза тоқчасидан олиб, уй бурчагидаги жавонга, тинч жойга қўйди.

Зося жинояти фoш этилган одамдай ташвишланиб

меҳмоннинг ҳаракатларини кузатди. У нега жинчиروق-ни бошқа жойга олиб қўйдингиз, деб Саиддан сўрамоқчи бўлди, аммо меҳмоннинг тортинмай дадил ҳаракат қилаётганини кўргач, сўрамаслик лозимлигини тушунди. Унга ҳамма нарса, ҳатто аёлнинг фикрлари, жўн, содда фикрлари ҳам аён эди.

— Мен сизга танҳо ўзимиз гаплашамиз, бошқа одамнинг кераги йўқ дедим-ку.

Зося аввал кўрққан бўлса, энди умидсизликка тушди. Девор олдида ҳамон кофтасининг ёқасини ушлаб турган Зося йиғлаб юборди. «Э, жин урсин,— Саиднинг жаҳли чиқди.— Наҳотки, аёллар ўз туйғуларини бошқача изҳор эта олмаса!» Бир ҳафта бурун у шундай вазиятни ўрмонда, Берлинер рингда кузатганди. Бундай ҳол тез-тез қайтариляпти-ку!

Зося Саидда раҳм-шафқат уйғотиш ўрнига минғирлаб йиғлаб, юрагини қисаётганди. У чамаси ёлғонни эплай олмагани, усталик қилолмаганидан ўкиниб йиғларди. Кўзларидан ёш деярли чиқмасди, шунинг учун ҳам у кўзларини артмасди. Чироқ шуъласида оч пушти тусга кирган дона-дона кўз ёшлари киприкларидан йилтирарди-ю, лекин томиб тушмасди. Шунинг учун ҳам Зосянинг катта очилиб турган кўзлари тиниқ, худди гўдакларникидай шуурсиз кўринар ва хафаликдан бошқа нарсани ифодаламас эди. Саид деворга тақаб қўйилган эшакка Зосяга яқин ўтирди. Уй бекаси билан ёнма-ён ўтирганлиги учун ўзини енгил тортиб, у билан гаплашиш осон бўлди.

— Уни капитан ўлдирдимиз?—сўради у ҳамдардлик билдириб, ғамгинлик билан гўё анча бурун бошланган гапни давом эттираётгандай. Зося ҳам бу ҳамдардликни сезиб, бош ирғади, ўйламай-нетмай бош ирғади. Анча бўлдимиз?— деди яна синчковлик билан Саид.

— Яқинда бир ой бўлади...

Саид нималарнидир ўйлаб, жим бўлди, Зося эса янги савол берилишини кутмай беҳосдан сўзга тушди:

— Тунда, ман этилган пайтда келаётган экан. Уларга,

Ўша солдатларга қоронғи тушгач, бирор жойга боришга рухсат этилмасди, шунинг учун отишган... Мен иш тўқиб ўтиргандим. Пақ этган овозни эшитиб қолдим! Яна пақ этди. Қўрққаним йўқ, чунки бу ерда керакми, керак эмасми, тез-тез отиб туришади. Ишимни тўқиб кутиб ўтиравердим... Лекин келмади. Кейин эрталаб ҳамсоям Степанида: «Жазманингни ўлдиришибди», деди. Мана шу... У, айтганларини, ҳатто ким томонидандир суриштирилган гапни бир неча марта такрорлади.

– Йиғладингизми?— Саиднинг маълум мақсади бўлса ҳам, буни ҳафсаласизлик билан сўради.

– Зося бошини қимирлатди. Дарров эмас, чиндан ҳам йиғлаган-йиғламаганини эслагач, бош қимирлатди, албатта. Йиғламаган бўлса керак, ўйлади Саид, башарти йиғлаган бўлса ҳам, ночор аҳволга тушиб қолгани учун йиғлагандир.

– У битта ўзи келармиди?

Бека индамасам меҳмон иккиланаётганимни сезиб қолмасин, деб ҳадиксираб, шоша-пиша бош силкитиб жавоб берди:

– Бир ўзи.

– Албатта, исмини билмасангиз керак?

– Нега билмас эканман, исми Яша эди.

– Яша! Ҳа, тўғри...— Саид, легионерлар тушунарли, осон бўлсин, деб қишлоқда ўзларига русча ном қўйиб олганларини фаҳмлади.

– Балки уларча номи бошқачадир,— тушунтирди Зося,— унисини билмайман.

– Ўртоқлари унинг исмини нима дейишарди?

У эслай бошлади. Унинг кўзлари баттар бақрайиб, ёш томчилари киприклари учида йилтираб турарди. Зося болаларга ўхшаб ичидагини очиқ айтарди. У бегона кишининг тўрига тушганлиги ва ўзини фош қилаётганлигини ўйламаганди, албатта.

Ёқуб эмасмиди?—эсига туширмоқчи бўлди Саид.

– Ҳа, ҳа... Ёқуб... Яков.

– Ким шундай деб айтганди? Ўртоқларидан қайси

бири?

Зося берилиб кетганидан оқизмай-томизмай гапирарди. Ҳа, ўша пакана, номи нима ҳам эди-я. Ҳа, лаби тиртиқ йигит, — деди Саид гўё уни танигандай, ҳар ҳолда пакана йигитни кўргандай бўлиб.

— Ўша, ўша,— тасдиқлади Зося.

Меҳмон аниқлаб олиш учун яна гап қистирди:

— Ўша, Яша билан Берлинга борган йигит-да...

— Ҳа. Зося ногаҳон ўзига келди, гапни чуқурлаштириб юбормадимикин, шунчалик очилиб-сочилиш шартми-ди. У офицернинг нияти ёмон бўлса билиб оламан, деб эҳтиёткорлик билан унинг кўзларига қаради. Унинг кўзларида синчковликдан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Шундан кейин аёл ўзини тутиб олиб деди:

Берлин туфайли бир марта жанжаллашиб қолишганди.

— Шу ердами, уйингиздами?

— Ҳа, шу ерда...

У яна бегона сўқмоққа тушиб қолганини сезди. Унга адашиб кирганини, лекин қачон кирганлигини сезмай қолганди. Унинг юраги шувиллади. Эҳтимол жанжаллашгандир, менга шундай туюлгандир... Ахир ўз тилларида гапиришганди-да... Сиз ҳар ҳолда гап Берлин устида борганлигини фаҳмлаган бўлсангиз керак?

Бегона сўқмоқ чатоқ эди, Зося адашиб қолди. Орқага, таниш жойга қайтиш учун ўзини қаёққа уришини билмасди. Ёлғон гапира бошлади. Бу сўз шунақаки, ҳамма тилда ҳам Берлин дейилади.

— Албатта,— гапга қўшилди Саид.— Умуман, улар апоқ-чапоқмиди ?

— Нима десам экан... Унча ҳам эмас.

— Бирга юришармиди ?

— Албатта, ўртоқ бўлгандан кейин...

— Шу уйга ҳам бирга келишармиди?

— Баъзан шу уйга ҳам.

Аёл бирдан хатосини пайқади, иши чатоқ бўлиб қолганлигини сезди-да, меҳмонга ўқрайди: ёлғон га-

пирди, нима бўлса бўлар! Барибир — қутулиб бўлмайди.

– Сиз яна бирор ўйга борманг. Пақананинг менга кераги йўқ эди. Шундай хунукки, қараб кўнглинг айниди... Шунчаки ичиб ўтирардик. Бошқа жойда ўнғайсиз эди, немислар кузатиб юришарди. Бу жой эса тўрт девор билан ўралган, бегона кўзлардан холис...

Саид ўйлаб қолди: уй бекаси билан очикчасига гаплашиб бўлармикин. Аммо легионерлар Зосянинг партизанлар билан алоқаси борлигига, ҳатто ўттиз кишининг Совет қўшинлари томонига ўтиши тўғрисида Курамисовнинг ўрмон армияси қўмондонлиги билан олиб борган музокараларида бу аёл иштирок этганлигига ишора қилган бўлсалар ҳам, ишониб бўлармикин. Бироқ бу тахминлар Зосянинг қиёфасига ҳам, айниқса унинг хатти-ҳаракатларига ҳам сира мос келмасди. Уй бекаси жуда ҳам содда, бефаросатроқ кўринарди.

– Бу уйга кўп кишилар келиб туришармиди, сўради у, Зосянинг танишлари оз-кўплигини, шулар орасида офицерлар ҳам бор-йўқлигини текшириб кўриш мақсадида.

– Нималар деяпсиз?— деди уй бекаси кўз қирини меҳмонга ташлаб. — Тушунмаяпман!

— Курамисов келиб турармиди?

Аёл ўзини орқага ташлади. Деворга тегиб, елкаси билан сирғаниб кетди. Елкаси деворга теккач, совқотиб жунжикиб кетди. Печка томон борди, оташкурак билан ундаги тарашаларни ағдара бошлади! Печканинг тўққизил гумбази остида юлдузга ўхшаш учқунлар пайдо бўлиб, аёлнинг юзлари, елкаларига сачрар эди. Шунда Саид аёлнинг бақувватлигини, ташвиш ва ўжарликдан кўзлари оқариб кетганлигини кўрди. Унинг назарида Зося мана шу қизиб турган йўғон оташкурак билан уриб, ўлдириб қўядигандек туюлди. Балки у ҳозир Саиднинг бошига темир билан қандай қилиб туширишни ўйлаётгандир. Саиднинг кўнглига ғулғула тушиб, нарироққа, стол орқасига силжимоқчи, ўзини бирор маҳкамроқ нарса билан пана қилмоқчи бўлди. У ўзини эҳтиёт

қилиш ўрнига ногаҳон унда аёлни қучоқлаш, оловда қизиб турган юзларидан, кофтасининг ёқасидан кўри-
ниб турган елкасидан қаттиқ-қаттиқ ўпиш, қўллари би-
лан унинг бақувват белини қисиш истаги туғилди...

Қизиб кетган темир тошга урилиб, жиринглар, учқун сочгани сочган эди. Зося эса ўжарлик билан оловга ти-
килиб турарди. Саид ҳар эҳтимолга қарши орқага ти-
сланди. Олисроқдан туриб деди:

— Сизларни тутиб беришади.

— Шахсан кимни тутиб беришларини тушунтирмади,
аммо Зося пайқади. Яна бир сўз айтишини кутиб, жим
турди.

— Бугуноқ бу уйдан кетиш керак,— маслаҳат бер-
ди Саид.— Эртага эса кеч қоласиз... Печкада энди
иш қолмаганди. Зося бўлса, ҳамон тарашаларни
қалаштирарди, жаҳли билан уларга ёпишарди.

Чирсиллаб учган учқунлар қайноқ кулга айланарди-
да, унинг юзларини чимдиларди. У ўзини четга олмай,
оғриққа чидар, янада ўжарлик қилиб оловга ёпишарди.
Шу пайт у ногаҳон деди:

— У бугун келади.

Бу гап унинг ичида эди. Бу гап, у олов ёнида тур-
ганда ҳам, ўтинларни қалаштириб, ағдараётганда ҳам,
учқунлар куйдираётганда ҳам дилида эди. У дилидаги-
ни меҳмонга айтиш учун пайт пойларди. Неғалигини у
яхши билмасди. Шунчаки, лаби тиртиқ пакана солдат
эсэс офицерига керак бўлганини ҳис қиларди. Аёл пака-
на йигитни жинидан баттар ёмон кўрарди...

— Нега шу бугун?— сўради Саид.

Билмайман... Шундай деганди. Картошка билан са-
могон тайёрлаб қўйишни буюрганди.

— Битта ўзи келадими?

Илгари бир ўзи келарди.

Деразага чироқ қўйилиши — хабармиди?— аниқлади
Саид. Зося худди уйни кўпроқ иситмоқчи бўлгандек,
ўтинларни яна бир марта ағдарди. Бу билан у берилади-
ган саволдан ўзини чалғитмоқчи эди. У ўтинни ағдариб,

ўйланиб қолди. Саид аёлга қийинлигини фаҳмлади, аммо унга ёрдам бермади, аниқ жавоб кутарди.

– Унга ҳам...— дўнғиллади Зося.

Энди масала ойдинлашди: уй кимгадир маёқ ролини бажарарди. Шу эшиги синиқ ўрта дераза маёқ ролини адо этарди. Эшик тирқишидан қишлоқ билан қарағайзор оралиғидаги майдонга ингичка ёруғлик тушиб, чўзилиб кетарди.

Ёруғлик уй бекасиникида қандайдир меҳмон борлигини билдирарди. Чунки Саид уйга кириши билан Зося жинчироқ ёқиб қўйганди.

– Ўша пакана қачон келиши керак?—аниқлаб олиш учун сўради Саид.

– Келадиган вақти бўлди. Кечки йўқлама ҳам тугандир. Саид соатига қаради — соат етти бўлганди. Агар бугун капитан Биллик батальонни саф торттирмоқчи бўлса, айти шу пайтда легионерлар сафда туришган бўлиши керак. Легионерларнинг бир жойга тўпланиши хавфли. Шунинг учун ҳам батальоннинг партизанлар томонига ўтишга тайёрланаётгани ҳақида имзо-сиз маълумот олган немислар уларни тўплашга журъат қила олишмаса керак. Бунинг устига бўрон, зим-зиё тун ғалаён кўтарилишига имконият туғдиради. Яхшиси, шайтоннинг васвасасига тушмаслик керак!

– Унинг сенга нима кераги бор?—бехосдан сўради Саид бекадан. Бу саволдан унинг қандайдир ҳаяжонлангани ва рашки, қандайдир, ғазоби келганлиги сезилиб турарди. Аёл шуғулланаётган ишини йиғиштириб, худди ҳеч нима бўлмагандай, пакана солдат ҳақида ҳаёсизлик билан қўпол қилиб деди:

– Нимага дейсанми? Аёллар ҳузурига, эркаклар нима мақсадда келиши мумкин...

«Бу ҳам ёлғон,— ўйлади Саид. Қандайдир, тушуниб бўлмайдиган ишонч аёлни оқлашга уни мажбур этди. Нотўғри албатта!» Қизиб турган оташкурак бирдан жиринглаб кетди-да, Саидни сескантириб юборди. Зося меҳмонга ўтирилиб, унга ўқрайди.

– Хўш, сен нимага келдинг?

Печка ёруғида у қандайдир бераҳм, шафқатсиз бир нарсанинг ҳайбатли, қўпол ҳайкалига ўхшарди. Лекин бу ҳайкал кишини чўчитмай, ўзига жалб этарди. Беканинг яланғоч елкасидаги чуқурча меҳмонни қийнарди.

– Уни нима қиласан?— деди яна қайсарлик билан Саид.

– Қўйсанг-чи!

У оддий, ўз-ўзидан маълум бўлган, эҳтимол, таҳқирловчи иш ҳақида гапиришни истамасди. У эркакларнинг очиқ гапларидан тинкаси қуриганди. Бунинг устига манавиниси энди рашк ҳам қиляпти, шекилли.

Саид хафа бўлмади, уни кўрмаслик учун тескари қаради. Яна Зося жинчироққа ёпишди. У жинчироққа яқинлашиб, уни қўлига олди-ю, лекин ниманидир ўйлаб, жойида туриб қолди.

– Кетасанми?— қуруққина қилиб қовоқ солиб сўради.— Ёки қоласанми?

Саид жавоб берди:

– Қоламан.

У жинчироқни дераза ёнига келтирди.

– Кераги йўқ,— уни тўхтатди Саид, — жойига қўй яхшиси ўчир! Аёл ажабланиб хона ўртасида туриб қолди. У аввалига ажабланди, кейин ташвишга тушди. У меҳмонни кутиб олган пайтдагидек яна ваҳимага тушди. Ахир у келади!.. Мен, айтдим-ку, ахир,— тушунтиришга ҳаракат қилди Зося.

– Биламан.

Шундан кейин Зося нимадандир кўрқиб, ниманидир фаҳмлаб чироқни ўчирди.

Қоронғида Саид сўради:

– Унинг ёнида қуроли борми?

Зося анчагача жавоб бермади, кейин бўғиқ ва ҳаяжонланган овозда жавоб берди.

– Қуроли бўлмаса керак...

Ўша жойида, ўрмонда, Берлин ҳалқа йўлининг иккинчи километрида деярли чириган клеёнкага ўралган чиройли қути очиб кўрилди. Уни жуда ҳафсала, дабдаба билан очишди.

Рут Найгоф қўлларини кўкрагига қўйиб сабрсизлик, ҳаяжон, қувонч билан бармоқларини қисирлатарди.

Полковник жаноблари,— такрор-такрор мурожаат қиларди у ҳаяжонланганидан овози бўғилиб,— полковник жаноблари, битимимизни унутманг... Менинг шартларим эсингиздан чиқмасин.

Полковник бепарво кўринарди. Аммо у осонлик билан ўзини шундай бепарволикка, хотиржамликка солиб турмаганди. У ўзига, сўнгги ҳафтада нималар қилганига, нималарга эришганига ишонмай қўйганди.

Ҳеч нарсага арзимайдиган, сарғимтир клеёнкага ўралган шу қути мантиқ ва терговчи эътиқоди билан бунёд этилган бинони қулатиб юборди. Топилдию, ағдариб юборди. Ишонч барбод бўлдим, ўрнини умидсизлик эгаллайди. Энг ёмон туйғудан киши қалби чилпора бўлади. Бундай пайтларда, одатда полковник тинкаси қуриб жим бўлиб қоларди.

Унинг ичида кўрқоқ «ҳа» билан қатъий «йўқ» ўртасида кураш борарди. У кўз олдида юз бераётган ҳодисаларга ишониши, шу билан бирга ишонмаслиги ҳам керак эди. Қутини қазиб олишди, қути бор экан, демак Найгофнинг чўпчаги тўғри, полковник эса уни рад этган, узилкесил рад этганди...

Полковникнинг қўл остидаги кишилар ўз бошлиқларидан ҳам кўпроқ эсанкираб қолишганди. Улар хазинани олиш керакми, йўқми, деб сўрагандай ҳайрон бўлиб, дам қутига, дам ўз бошлиқларига қараб туришарди. Ёки қутини ерга кўмиб, ўзларини уни ахтармаганга солсинларми. Фақат қўли рассом ёки музикачиникига ўхшаган офицер хурсанд эди. У ўз омадидан хурсанд эди. Қувончини яширмасди ҳам, айниқса баронесса-

дан яширмасди. Қутини очиш ҳақидаги акт шу, учинчи офицер томонидан тузилганди. Бу дастлабки акт бўлиб, унда қути ичидаги нарсалар ҳақида ҳали ҳеч нарса ёзилмаганди. Акт ўқилиб, уни Найгоф маъқуллаганидан кейин, полковник бошланг, деб боши билан имо қилди. Аммо офицернинг пичоғи клеёнкага, пичоқнинг ўткир тиғи яқинлашиши билан ёрилиб ёки титилиб кетиши мумкин бўлган клеёнкага тегмай туриб, баронесса қўлини кўтарди-да, расмий оҳангда деди:

– Қимматбаҳо нарсалар меники, шунинг учун улар бутунлай менинг ихтиёримга ўтади. Бу талабимни протоколга ёзиб қўйишингизни илтимос қиламан, жаноблар. Сўроқ вақтида тузиб берган рўйхатим протоколга қўшиб қўйилсин!

Полковник лабини бурди — ҳеч қандай кафиллик беролмасди.

– Сизникилиги исботланса, у пайтда суд ажрим қилади. Менга эса бундай ҳуқуқ берилмаган.

– Офицерлик сўзини беринг... Менга шунинг ўзи ҳам кифоя,— деди яна Найгоф.

— Суд ишни кўраётган пайтда шахсий кафилликни эътиборга олмайди. Сиз чет эллик аёлсиз, фрау Найгоф, қути эса мустақил давлат тупроғидан топилди. Фрау Найгофнинг илтимосини актга ёзиб қўйинг... қутини очинг!

Офицер Найгофнинг шартларини ёзди ва пичоғини қўлига олди. Клеёнка ҳақиқатан дарров уқаланиб кетди, қимматбаҳо яшил тош ва олмос билан безатилган чиройли қути кўринди. У бутунлай бузилмаганди, қутининг чуруқ клеёнка бекитмай қолган баъзи жойларигина қорайиб қолганди.

Ҳамма ҳаяжонда эди. Зўр бериб ўзини қутига урган Найгоф ногоҳон олисроқда қотиб қолди-да, ваҳимага тушиб, офицер кафтида чўғдай ёниб турган қутичага тикилди. Бошқалар ҳам қутига тикилиб қолганди. Ҳаммалари қимматбаҳо нарсаларнинг ярақлаб кўри-нишини кутардилар.

Хеч ким шу вақтга қадар хазина очишда иштирок этмаган бўлиб, энди улар бирор афсонавий, энг муҳими, қутилмаган нарсани кўриш иштиёқида эди. Биргина полковник аламдан асабийлашиб, унга қарамасди. Унга бу лаънати қутининг сира кераги йўқ эди!

Қутининг қопқоғи очилиб, ичи қорайиб кўрингач, Найгофнинг оғзидан:

Аблаҳ! — деган сўз чиқиб кетди. Қутича ичида майда тошлар, асфальт ётқизишдан аввал йўлга солинадиган энг оддий тошлар ётар эди. Фақат тош эмас, кулранг ва оқ ғишт парчалари ҳам бор эди.

— Аблаҳ!—деди яна баронесса йиғламсираб. Унинг жазаваси тутди. Қўли рассом ёки музикачиникига ўхшаган офицер уни тинчитмоқчи бўлди.

— Ахир ўзингиз ишониб топширгансиз-ку...

— Унинг бу ишга алоқаси йўқ... — деди полковник қовоғини солиб ва қизиқсиниб қутига қаради. Ҳа, қути ичида фақат тошлар бор эди, холос!

Берлинга қайтаётганда, йўлда энди хотиржам бўлиб, ахён-ахёнда ух тортиб Найгоф ёнида ўтирган полковник баронессага эмас, ўзига ўзи деди:

Яхшилаб кўмишган... жуда ҳам яхшилаб «кўмишган, лекин қачон кўмишганийкин?

Найгоф ўзини полковникнинг гапини эшитмаганга солди. У машина эшигининг ҳаво ранг ойнасидан липлип ўтаётган қарағайларга қараб борарди.

Бу қарағалар шошиб-пишиб ўтиб, энди қайтиб келмайдиганга ўхшаб, орқада қоларди...

12

Бу воқеани унга эри, Вали Қаюмхон айтиб берганди.

СД ротаси тунда Юратишкада поезддан тушди-ю, шу ондаёқ қаттиқ қор бўронига дуч келди. Қор худди қутургандай перрон ва йўлларда ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Унинг қайси томонга қараб учаётганини ҳам билиш қийин эди: совуқ чанг-тўзон дам юзга урарди,

дам елкаларга қўнарди, дам бошга ёғиларди. Солдатлар ҳаммадан олдин кўзларини қўллари билан тўсиб, нинадай санчилувчи қорнинг айланиб келиб юзга уришидан қутулишга ҳаракат қилардилар. Ҳамма ёқ остинустун, тўс-тўполонга ўхшарди. Қор-чопқин увилларди. Юракка ваҳима солиб, увилларди. Бу увиллаш қопқоронғиликдан, ёстаниб ётган бепоён далалар, кўзга чалинмайдиган ўрмондан эшитиларди. Солдатлар ўша ёққа боришлари керак эди. Улар боришни истамасдилару, аммо сафга тизиб, олиб кетишди. Уларни капитан Ҳайит олиб кетди.

Берлиндан кейин, Ноенбургерштрасседаги кичкина, лекин озода хонадан, ниҳоят умумий ва дим бўлса ҳам ҳар ҳолда шамолдан пана, иссиқ вагондан тушган Ҳайит бўрондан алғов-далғов бўлган, қор билан қопланган очиқ жойга келиб қолганди. Ҳайит ҳам қўллари билан қизини пана қилмоқчи, ўзини бўрондан муҳофаза этмоқчи бўларди-ю, лекин довюрак бўлиш зарурати чидамни талаб этарди. У қўлини кўтармади, фақат кўзларини қисиб, бошини энгаштирди.

— Ма-аш! — бақирди у немисчалаб, гарчи ротада биттаям немис бўлмаса ҳам. Унинг ўзи ҳам немис эмасди. Ротани ҳам немисларга қарши олиб бормаётганди.

Камаридаги чарм ғилофда тўппонча бор эди. Солдатлар вагон зинапоясидан тушишлари билан тўппончани ғилофдан суғуриб олди-да, уни юқори кўтарди, бу билан у рота шунчаки марш ўтказмай, ҳужумга бораётганлигини писанда қилмоқчи бўлганди. Ҳужум тўппа-тўғри шу ердан станциядан бошланади. Бу билан капитан Ҳайит иккинчи марта жазо операциясига раҳбарлик қилиши, у тўрт марта солдатлар исёнини бостиришда қатнашди, бу исёнларни бостиришда бунақа ишларда катта тажрибага эга бўлган эсэсчилар Бруннер, Шмайзер, Бушман ва кейинчалик Варшава кўзғолонини бостирган оберштурмбанфюрер Дирлвангерлар командирлик қилишганди. Улар Ҳайитни мўлжалга яқинлашиб қолган пайтда эҳтиёт бўлиш ва исённи тор-мор кел-

тириш пайтида кескин ҳаракат қилишни ўргатишганди. Солдатларни исёнкорларга яқинлашмасдан олдин руҳлантириб қўйиш керак эди. Махсус топшириқларни бажарувчи рота эсэсчиси ўз қурбонининг айби бор-йўқлигини ўйлаб ўтирмасдан, унинг ялиниб ёлборишлари, инграшларига қулоқ солмасдан кекирдагини ғажиб ташлаши керак. Кўз ва қулоғи борлар операци-яни адо этишга яроқсиз кишилар, дерди Дирлевангер. Солдатни кар ва кўр қилиш керак, фақат ғазаб одамдаги барча одамийликни янчиб ташлай олади.

Бўрон капитанга халақит бериши билан бирга, унга ёрдам ҳам қиларди. У солдатларнинг ғзабини қўзғатарди. Ҳайит солдатларнинг тўнғиллашларини, болахонадор қилиб сўқинишларини, койишларини эшитарди, ўзи ҳам ҳақорат қиларди, лаънат ўқирди. У ҳозир ўлдиришлари керак бўлган кишиларни лаънатларди. Бўрон ва совуқдан юришга, қорда йиқилиб-суринишга, юзларини аччиқ изғиринга тутишга мажбур этган кишиларни ўлдириш керак.

Капитан бу жирканч ва машаққатли ишга бош қўшмаслиги ҳам мумкин эди. Шунинг учун ҳам жирканч эди-ки, у ўз қавмдошларини ўлдириши керак эди. Шунинг учун машаққатлики, ўша қавмдошлари ҳам шу хилда жавоб қайтара олардилар. Чунки уларнинг қўлларида автоматлари бор. Шундай бўлса ҳам, у Юратишкага, Роменск батальонига йўл олди. У Дитрихнинг телефонда берган саволига жавобан жўнади. Дитрих ундан комитет мабодо белгилари сизга таниш бўлган унтерштурмфюрерни ўша ўлкаларга юбормадими, деб сўраган эди. Тирилган унтерштурмфюрерни.

Берлинер рингда жонидан жудо бўлган туркистонликнинг яна тирилиши «ҳарбий министр»ни ташвишга солиши турган гап эди. Муҳими, унинг қайта тирилиши эмасди. Муҳими шу эдики, у Роменск батальонида, унтерштурмфюрерни Потсдам ўрмонида ўлдирган киши юрган батальонда пайдо бўлиб қолиши эди. Бу ақл бо-вар қилмайдиган жумбоқ эди. Бу ҳол капитанга уйқу

бермади, уни Белоруссия қорларига ҳайдаб келди. Бу ҳол уни фронт Польша чегарасига яқин келган ва ҳамма ёқда партизанлар хўжайинлик қилаётган бир пайтда жаллодлик қилишга мажбур этди!

У рота олдида борарди. У қор-чопқинда совуқ еб, рўпарадан ураётган шамолга кўкрагини тутиб борарди. У ҳамон кўлида тўппончасини ушлаб борар, безгак тутгандай титраб, уни маҳкам қисарди. Қоронғида ҳамма нарса содир бўлишини, душман яқин орадалигини, у капитанни ҳам, умуман колоннадаги бирор кишини ҳам аямаслигини биларди. Ўқ одам танламайди, кимки яқин келиб, кўзга илинса ўша ўлади, кимки орқаси, юзи ёки чеккаси милтиққа тўғри келса, бас!

Ҳайитнинг бундай хавfli операцияда биринчи марта қатнашиши эди. Берилган маълумотга, унтерштурмфюрерни Берлинер рингда гумдон қилган ўз кишиси берган маълумотга ишонилса, у вақтда легионерлар аллақачон партизанлар билан алоқа боғлаб ўрмонга кириб кетишга шайланиб туришибди. Улар кеча ва ўтган куни тайёр бўлиб, қулай фурсат келиши билан қишлоқни ташлаб чиқиб кетишлари мумкин. Эҳтимол, улар ҳозир, шамол ғувиллаб, ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқарган Ҳайитнинг ротаси қоронғида ҳеч нимани кўрмай, қаҳр-ғазаб билан ҳужумга бораётган шу дақиқада қишлоқдан жўнаб қолишлари мумкин.

Кўққисдан! Штабдагилар ана шундай кўққисдан бостириб боришга ишонишганди, ишонибгина қолмай, унга тайёргарлик ҳам кўришганди. Поезд перронга шомдан кейин келиб тўхтаганди. Ҳеч ким, ҳатто станция коменданти ҳам махсус вазифаларни бажарувчи ротанинг келишини билмаганди. Шундай бўлса ҳам қора шинелли эсэсчиларнинг келишини кутишлари мумкин эди. Жиноят қилган кишилар каби кутиб туришлари турган гап эди. Мантиққа ҳам тўғри келарди.

Ҳайит хавф туғилгани ҳақидаги биринчи сигнал берилиши биланоқ отмоқчи эди, отарди ҳам. Аммо сигнал берилмади. Фақат тун қоронғи, совуқ эди, бўрон

қутурарди.

Улар қор билан қурашиб, ҳолдан кетиб, қишлоққа, қийшайиб дала томон қараб турган четан деворга яқинлашдилар. Четандан йўл тугаганлигини ва бу жой қишлоқ эканлигини, шу жойда ўқ узишга тўғри келишини билдилар. Уларнинг ғазаблари тўлиб-тошган бўлиб, шу онда ким дуч келса дарҳол ўлдиришга шай эдилар. Ўлдиришни ёки пичан устига ўзларини ташлаб ухлашни истардилар. Дуч келган уйда, қийшайиб турган четан устида бўлса ҳам майли. Қоронғи, ҳаммаёқ — ер ҳам, осмон ҳам қоронғи эди. Деразалардан ёруғ кўринмасди — одамлар ухлапти ёки қишлоққа жойлашган эсэсчиларнинг диққатини тортишдан қўрқиб, чироқ ёқишмаган... Жимжит, қоп-қоронғи уйлар орасидан капитан Биллик турган уйни топиш керак эди. Ёки ундан қолган бирор нарсани топиш зарур эди. Ҳайит топди, кўнгли сезиб, уни батальон командири турган уйга бошлади. Биллик худди кундуз кунгидек стол ёнида печка кулхонаси тешигидан чиқиб турган учқунларга шуурсизлик билан тикилиб ўтирарди. У кириб келган Ҳайитни кўриб, бошини бурди-да, қовоғини солиб деди:

– Э, мункарнакирлар-ку...

Ҳайит командирга честь берди-да, гўё кетидан қувиб келаётган қор қуюни уйга ғувиллаб кириб, ўз қурбони жонига қасд қиладигандай қўрқиб, эшикни маҳкам ёпди. У остонада туриб, ечинмай, қийимидаги қорни ҳам қоқиб ташламай сўради:

– Тинчликми?

Ҳайитнинг кўзлари ташвиш, азобдан ёниб турарди. У бирон бахтсизлик рўй берадимми, деб шай бўлиб келганди. Ҳа, — ҳамон қовоғини солиб деди Биллик.— Бошлашингиз мумкин!

Ҳайит шинели ёқаси тагидан тўрт букланган бир варақ қоғоз олди-да, уни Билликка узатди. У жойидан кўзғалмади, ҳужжатга киттак ҳам қизиқиб қарамади, умуман сира зътибор бермади. Пешанасига тушиб турган, деярли оқариб қолган сочларини ҳурпайтириб, сў-

зини қайтарди:

– Бошланг!

У яна печка тешигидан чиқиб турган учқунларга тикилиб ўтираверди. Капитан Ҳайит остона олдида кўлидаги қоғозини тахлабми ёки уни уқибми, ивирсиб турганида ҳам Биллик учқунларнинг ўчиб кул бўлишини томоша қилиб ўтираверди.

– Бу батальонни қуролсизлантириш ҳақидаги буйруқ,— тушунтирди Ҳайит.

– Тушуниб турибман... Вақтни чўзманг. Бунақа тунда нималар бўлишини ким билади... Уй иссиқ бўлиб, Ҳайитнинг юзи ҳам илий бошлади. У қош ва киприкларидан эриган қорни сидириб ташлади, кафтини шинелига артди.

– Сизнинг бирор кишидан шубҳангиз борми?

– Йўқ,— қисқа ва расмий жавоб берди Биллик.— Ҳеч кимдан... Уларнинг ҳаммаси...— у сўзини тугатмади. У бунақа масалани муҳокама қилиш ортиқча, таъбни тирриқ қилади, холос дегандек пешанасини тириштирди. Бу эски ҳарбий хизматчи легионерларнинг партизанлар томонига нима сабабдан ўтишларини жуда яхши биларди, туркистонликларни эсэсчилар қўшини сафларига қайтади, деб хомхаёлга ҳам берилмасди. Ҳатто, дала суди ёрдамида ҳам бундай қилиб бўлмасди. Фалокатнинг асосий сабаби — ўрмон. Ўрмон ва фронтга яқин турганлик. У рота командирига ҳам шундай деди:—Агар қарағайзорга қўшни бўлинмаганда эди-я...

Айтганча, шу капитанга, янги пайдо бўлган капитанга тушунтириб ўтиришдан нима фойда. У Берлинда ўтирибди, ўзини қандайдир Миллий комитетнинг ҳарбий министри, деб ҳисобласа ҳам туркистонликда! Ўзи тушуниши керак, ахир. Дарвоқе, у сабабларни аниқлаш учун эмас, топшириқни адо этиш учун юборилган. Шундай бўлгач, ўз вазифасини бажараверсин!

Биллик тескари қараб олди. Қоронғида капитаннинг қачон чиқиб кетишини кутиб ўтирди. У эса чиқиб кетмасди. У устидан эриган қорларни тўғридан-тўғри пол-

га қоқиб туширарди. Батальонда... унтерштурмфюрер борми?—сўради эҳтиётлик билан Ҳайит. У стол ёнига ўтиб, суратни кичкина чироқ ёруғига тутди.— Мана бу? Биллик ёруғда аниқ кўриниб турган қорачадан келган чехрага истар-истамас қаради. Сочи жингалак, мўйлови бор, ўнг қулоғининг тугмачаси узунчоқ — белгиларини санаб чикди капитан.

— Йўқ!— деди Биллик суратдан ҳам, капитандан ҳам жирканиб, ўзини бир четга оларкан. У солдатларни таъқиб қилиб, излаб топиш усулини ёқтирмасди. Унинг ўзи шундай усулдан жабрланганди.— Йўқ, бўлган ҳам эмас... Ҳайит бирданига жонланиб, ҳатто хурсанд бўлиб кетди. Кўзларидаги сергаклик ифодаси ҳам йўқолди.

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим,— мамнунлик билан бош ирғади у.— Ўликлар ҳозирча легионда хизмат қила олмайдилар...

— Ўликлар?!—сесканиб кетди Биллик: капитаннинг сўзлари унга қаттиқ, ўринсиз ҳазилдай туюлди. Тўғриси, ҳазилдан ҳам бошқачароқ туюлди.— Нима бало, ўзи! Қани, суратни беринг-чи! У яна суратга қаради, энди меҳмоннинг пичингини билиш мақсадида уни синчи-клуб кўздан кечирди.

— Шошманг! Башараси шунга ўхшаган унтерштурмфюрер йўқ... Бўлган ҳам эмас... Лекин ефрейтор бор эди. Ха, ха... фамилияси ёдимдан кўтарилибди. Уни Берлинга чақиртиришганди..., Ольшер чақиртирганди. Ўшандан кейин у қайтиб келмади. Ҳайит мамнунлик билан жилмайди. Қайтиб келмаган... Айтдим-ку, ўликлар қайтиб келмайди, деб. У суратни бепарволик билан шинелининг ёқаси тагига тикди, энди унга суратнинг ҳожати бўлмаса керак. Шундан кейин у эшик томон юрди. Демак, сиз ҳеч кимдан шубҳаланмайсиз?

— Йўқ.

У ташқарига чикди, ҳали орқасидан биров қувиб келаётгандай эшикни қандай зич ёпган бўлса, ҳозир ҳам маҳкам ёпди. Билликда гап кўп, лекин Ҳайит уни тинч қўймоқчи бўлганди.

— Качон?

Мен бу ҳақда гапириб берувдим, ҳатто тахминан қайси кунда бўлганлигини ҳам айтган эдим. У актда ҳам қайд этилган... Найгоф қалтираб жавоб берди. Уни титроқ босиб, полковникнинг ҳар бир саволига қўполлик билан эътироз билдириш учун шай бўлиб турарди. Баъзан У тутақиб кетарди. Рут Найгоф кўзларини юмиб, бошини орқага ташларди-да, бир неча дақиқа индамай қоларди. У ҳеч нарсани эшитмасди ёки полковникнинг гапига қулоқ солмасди. Полковник ҳам унинг ғам-ғусса чекишига, эҳтимол ўзини шундай кўйга солишига халақит бермасди. Бир куни у дераза ёнига боришга ижозат сўради ва анча вақт кўчага қараб турди. Шунда унинг кўзлари одатдагидек қисилмади, мушоҳада қилиш ёки ўрганиш учун бирор жойга тикилмади, у кўзларини юммасдан ухлаётганга ўхшарди, шунда полковникнинг назарида баронесса индамай жон бераётгандек туюлди. Лекин полковник хонимни ҳушига келтиришга ошиқмасди, унинг бошқа дунёга саёҳат қилаётганини чидам билан кузатиб турарди. Полковник кўпроқ ўзини мана шунақа дақиқаларда ишлашга мажбур этар, папкасини очиб, нималарнидир ўқир эди. У ўқишга улгуролмаган ҳужжатларни ўқир ёки кўчиролмаганларини кўчирарди.

Сиз уйингизнинг рўпарасида ҳали ҳам магазин бор дегандингизми? — эслатди баронесса ўз саёҳатидан қайтгач.

— Ҳа, ҳозир ҳам бор,— деди полковник бош ирғаб.

— Мен уйимизни бир кўрмоқчи эдим.

Унинг оқ оралаган тикандек қошлари кўтарилди, полковник бир лаҳза хайрон бўлиб умидворлик билан унга тикилди, аммо шу ондаёқ кўзларида ҳеч нимадан асар қолмади, қошлари яна уйилди.

— Дарвоқе, нотўғри,— деб гапини тўғрилади Найгоф.— Мен ўтмишга ачинмайман. У тушимга ҳам кир-

қўшилаверинг, полковник жаноблари. Бунинг устига «хазина» яшин қайтаргич ролини ўйнаши керак эди, жуда танг аҳволга тушиб қолгандагина ундан фойдаланиш лозим эди.

– Шундай танг аҳвол юз бердимми?

– Ҳа, сизнинг хонангизда ўтирганимдан кейин юз бергани шуда...

– Демак, қўлга тушганда хазинани ишга солиш зарур экан-да? — Тўғрироғи, хавф-хатар туғила бошлаганда. Мен, кетимдан кузатиб юришганини хаёлимга ҳам келтирмабман. Акс ҳолда тўрт туп қарағай ўсган ялангликни ўзим ҳам дарҳол топган бўлардим... Ўзим топардим. Найгоф гапидан тўхтаб, синчковлик билан полковникка қаради. У худди полковник шунча вақтдан бери бирор сирни ундан яшириб келаётгандай шубҳаланиб қаради. Айтинг-чи, полковник жаноблари, сизлар иккинчи километрда бирор нарса қидирдингларми... «Хазина»ни билармидинглар?

Полковник ўз душманини мушкул аҳволга солиб қўйган айёр одамдек жилмайди. Унинг нурсиз, толиққан кўзлари бирданига қувлик билан ўйнади.

– Билмасдик!

– Билмасмидинглар?!—қўрқиб кетди Найгоф.

– Ҳа. Лекин ўрмонда Рут Хенкелни кўрганимизда, сиз биз учун ўшанда ҳам Рут Хенкель эдингиз, биз қандайдир «хазина» ҳақида ўйладик. Лўнда қилиб айтганда, Ғарбий сектордан келган меҳмон бежиз шундай хилват жойда пайдо бўлмайди, ўрмон ялангликда мақсадсиз сайр қилиб юрмайди, деб ўйладик. Бунинг устига биз сизни, фрау Найгоф, билардик, сизнинг ўтмишингизни ҳам, сизнинг характерингизни ҳам, сизнинг нимага мойил эканлигингизни ҳам билардик. Шу билганларимиз ҳам оз эмасди...

– Мен сизларни иккинчи километрга етаклаб борибман,— афсусланиб деди Найгоф.— Вой шўрим! Биргина мен...

– Биргина сиз... Бунинг учун ўз номимдан ташаккур

изҳор этишга рухсат бергайсиз, Рут Хенкель.

– Шунча гапдан кейин яна ҳазиллашганингизни қаранг-а!

– Ҳозирча ҳазиллашаётганим йўқ. Аммо хафа бўлманг, фрау Найгоф. Биз билан курашаётганликларини, тўхтовсиз курашаётганликларини биламиз. Иккинчи километрга сиз бўлмасангиз бошқа одам келиши мумкин эди, аниқроғи келиши керак эди. Ахир сизга «ҳазина» керак-ку? Менгами?!

– Фақат сизга эмас. Кимга кераклигини мендан кўра сиз яхшироқ биласиз. Хўш, сизни қизиқтирган нарса нима, фрау Найгоф? Йўқ, йўқ, қутичани бир четга қўяйлик, мен уни назарда тутаётганим йўқ! Нима қизиқтирарди сизни?

– Сиз, жаноб полковник, ўн кун муқаддам берган дастлабки саволингизга қайтдингиз. Эсингиздами?

– Эсимда... Ишонаманки, бу сўнггиси бўлади.

Найгоф қандайдир даҳшатли нарсани эшитгандай қўрқиб, орқага ташланди.

– Нега сўнгги марта! Нима учун?..

14

У самогондан иккинчи стаканни ичгач, кайф қилиб қолди. Оғзига тикилиб турган муздек, серсув карам гапиришга халақит берарди. Карам оғзидан чиқиб кетарди, суви иягига томарди, умуман нима дейишини ҳам билмасди. Фақат икки сўзни қайтаргани-қайтарган эди:

– Мунча яхшисан Зоська... Оҳ, нозанин...

Пишганидан уваланиб кетадиган иссиқ картошка унинг рўпарасида уюлиб турар ва хушбўй буғи ҳавасини келтирар эди. У оғзидаги карамни чайнамай туриб, беш панжаси билан каттакон картошкани чангаллади-да, очкўзлик қилиб, оғзига тикди.

– Демак, ҳеч ким келмади, дейсанми?—деб сўради у ютиниб.

– Йўқ.

– Бу гапинг тўғри. Келмай қўя қолсин. Лекин нима учун дераза олдида чироқ ёниқлик эди? Оқшомдан...

Зося қўлларини қовуштириб, кўкрагига қўйганича, одатдагидек девор ёнида жирканиб паканага қараб турарди. Жавоб берганда ҳам бепарволик билан тиши орасидан гапирарди:

– Ҳамсоям Степанида кирувди.

– Қўшни кирса майли... Қўшни кираверсин...— пакана иккинчи картошкага қўл узатди.— Бошқалар кирмаса бўлди.

– Ким ҳам кирарди?

У мастлик билан кулиб қўйди.

– Ким эмиш! Ўрмонда одам камми. Йўли ҳам таинли, сенинг уйинг бир четда, шундай бўлгач, исиниб олиш учун киради-да. Қарағайзор ичи совуқ-ку...

Зося ҳушёр тортди. Авваллари пакана ўрмонни тилга олмасди, худди у йўқдай эди. Гапни бекорга бу ёққа бураётгани йўқ.

– Бўлмаган гап.

– Бўлмаган гап эмиш! Ўттиз кишини алдаб олиб кетишди, мана сенга бўлмаган гап! Қолганларини ҳам кутишяпти! Лаббай? Кутишяптими? Бунга сен нима дейсан? Гап хатарли тус олди. Ундан қутулиш учун Зося стол ёнига келди-да, пакананинг стаканига самогон қўйди.

– Бу ишинг учун раҳмат... Меҳрибон жувонларни ҳурмат қиламан. Бундайлар билан хароб бўлмайсан киши. Зося хафа бўлиб, ух тортди:

– Лекин Яша хароб бўлди-ку...

– Ўзи айбдор. Сени яхши кўрса ҳам, лекин кўзини ўрмондан узмасди.

– Сен-чи, қўрқмайсанми? Пакана қорни тўйиб ҳорғинлик билан Зосяга, гавдали, лекин эпласа бўлаган аёлга қаради.

– Нимадан қўрқардим?

– Мени севишдан қўрқмайсанми?

Хонада секин, лекин чўзиқ ингичка кулги янгради.

– Менми?!—пакана шундай деди-ю, қўлини Зосяга

чўзди. У латтадай бўшашиб қолган қўлини ювош жу-
вонга дадил чўзди.

— Аввал ич!— илтимос қилди уй бекаси, у пакана са-
могонни унутиб қўяди, деб ҳадиксираётгандай, нима-
гадир мулойимлик билан сўради.

— Ичиш қочмайди,— пакана қўл силтади, кейин яна
қўлини Зосяга, ёнгинасида турган унинг иссиқ била-
гига чўзди.

— Ич!— энди илтимос қиламан, талаб этди Зося.

Бошқа қўймайман.

— Ҳа, жин урсин!—хафа бўлиб сўкинди у. Шоша-пиша
стаканни олди-да, яхши тозаланмаган, кўнгилни озди-
радиган самогонни қултиллади ичди. У бир-икки мар-
та қултиллади, лекин стакан катта бўлганидан уни бир
кўтаришда бўшата олмади. У самогонни қултиллади,
қийналиб ютаркан, печка орқасида, чуруқ гулдор парда
орқасида каравот ғижирлади-да, кимдир шитир-шитир
килиб хўрсиниб ўрнидан турди.

Зося қўрқиб, аввал парда томонга, сўнгра ғижирлаган
овозни эшитмадимикан, деб паканага қаради. Лекин па-
кана қийналиб самогонни қултиллатаркан, ҳеч нимани
сезмади, у стаканни бўшатди, хурсанд бўлиб, ҳорғинлик
билан ичидан қўланса ҳидни чиқариб юборди. У ти-
тилиб кетган муздек нордон карамдан оғзига тиқиб,
нафас олди. Шунгача ҳам кайфи тарақ эди, энди бўлса
кўзларининг олови чиқиб, фикрлари чувалашиб кетди.
Зося!—у ўрнидан туриб, бекани кучоқламоқчи бўлди,
лекин оғирлашиб қолганини, гандираклашини сезиб,
кўзғалмади, ўтирган ўрнида Зося томонга чайқалди.
— Зося, кел, ўтир! Зося бирор иш қилмоқчи бўлгандай
қаддини ростлаб шайланди, ҳатто паканага инжиқлик
билан қаради. Ахир аскарлар ҳам олишишдан олдин
бир-бирларини шундай чамалашади-ку.

Пакана эса ҳеч нарсани кўрмасди, у фақат кайфдан
боши айланиб, уни гижгижлаётган хирснигина сезарди.

— Ўтир, Зося!

Унинг қўллари аёлнинг тирсаги, сонларини қидириб

пайпасланарди. Зося эса жаҳли чиқиб, муштуми билан, юмалоқ, аёлларга хос мушти билан туширишни, газандани ўлдиргандек ўлдиришни истарди. У кўз очиб юмгунча бир ёқли қилиб қўярди-ю, лекин парда орқасидаги полнинг ғижирлаши халақит бериб, уни тўхтатиб қолди.

Саид гулдор пардани очиб, чиқиб келди. У шиддатли, ранги оқариб кетган, қатъий эди. У пакананинг шинели турган эшак томон юрди, шинели чўнтаklarини қидирди, ҳеч нарса тополмагач, шинелни улоқтириб юборди. Тер, мойга ботган шапкасини ҳам ирғитиб юборди. Эсэсчининг рўпарасига, беканинг ёнига келди.

– Бу қанақаси?!—пакана офицер кийимидаги кишининг тўсатдан қаёқдан пайдо бўлиб қолганини тушунмай ҳайрон бўлди. Ҳайрон бўлди ва худди мўъжиза юз бергандай қўллари билан Саидни итарди. У қўлини ёнига чўзиб, мундирини қидирди, тополмай тиззаси устига қўйди.

– Бу қанақа ҳазил, Зося?

Кейин у бошини кўтарди, кўзи Ислombекка тушди. Унинг кўзлари бирор яхшилик чиқмайдиган, бегона, жиддий офицернинг юзига тушди.

– Тур!—ҳайқирди Ислombек ва жаҳл билан муштарини тутди.

Пакана ҳеч нимани, ҳеч нимани тушунмади. У ўрнидан туриши ҳам мумкин эди. Лекин ҳамма нарса шундай беҳосдан, ақлга сиғмайдиган даражада юз бердики, унинг миясига команда ҳам кирмай қолди. Ҳар ҳолда команда унга таъсир қилмади.

Саид эсэсчининг аҳволини тушунди. Энди у немисчалаб деди:

– Ауф штеен!

Пакана курсини ағанатиб, панжалари билан стол четларига ёпишиб, аранг ўрнидан турди, чайқалиб унтерштурмфюрер рўпарасида қотди.

– Ниҳоят биз сени топдик,— деди Ислombек пакананинг хира кўз қорачиқларига жиддий, синчковлик би-

лан тикилиб.

– Ўрмоннинг ёнгинасидан топдик...

Эсэсчининг олдини тўсиб, бор ҳақиқатни, ногаҳон пайдо бўлиб қолган унтерштурмфюрерни ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсани, ҳаммасини бекитиб турган пардани сидириб ташламоқчи бўлиб, кўзларини артишга уринди, аммо қўлларини кўтаришга журъат эта олмади. Офицер даҳшатли, жиддий эди. Унинг гапи ҳам даҳшатли: «Ниҳоят биз сени топдик!» Наҳотки, пакетни қидиришаётган бўлса!

– Зося...— пакана уй бекасидан уни химоя қилиш ёки нима бўлаётганини тушунтириб беришни илтимос қилгандай, ёлвориб пичирлади. Зося индамади. Ҳа, у нима ҳам дерди, унинг ўзи ҳам ҳеч нимага тушунмаяпти-ку.

Саид пакананинг олдига борди, бирин-кетин унинг чўнтақларини ахтарди — ҳеч нима йўқ экан, хотиржам бўлиб, нари кетди, курсига ўтириб, энди ўзини тутиб аста деди:

– Дурустроқ гапира оласанми? Ёки ухлаб оласанми?

Пакананинг бармоқлари бир илож қилиб таянадиган жой топди — у стол тахтасига ёпишиб, чайқалишдан тўхтади.

– Билмайман...

У шундай деди-ю, қошларини чимириб, бор кучи билан нималар бўлаётганини фаҳмлашга, кўз олдини тўсиб турган пардани йиртиб ташлашга уринди.

– Нимани гапирай?—деярли равон сўради у.

– Эсга тушуриш керак,— тушунтирди Саид.— Ўтмиш-ни эслаш керак. Бундан тўрт ой муқаддам бўлиб ўтган воқеани эсга тушириш лозим...

Пакананинг қошлари баттар чимирилди. Қўллари кўтарилиб, кўзлари олдидаги пардани сидириб ташлади.

– Ўтирсам бўладими?—кечирим сўраб деди у.

– Ўтир! У ўтирди-да, чаккасини астойдил уқалай бошлади. Сал ўзига келди. Унинг ҳаракатларини куза-

тиб турган Саид, сўрабми ёки буйруқ берибми, деди:

– Кор... Бу Зосяга қараб айтилган бўлса-да, лекин маслаҳатни пакана ўзига деб билди.

– Ҳа, қор даркор. Шундан кейин Зося даҳлизга, у ердан ташқарига чиқиб, шу ондаёқ бир ҳовуч момикдай қорни олиб келди, қор тўзиб этагига, полга пардай учиб тушарди. Пакана Зосядан тўкилиб турган қор юмалоғини олиб, сесканмай, ҳатто жунжикмай юзини қаттиқ ишқай бошлади.

– Ҳуш?—деб сўради офицердан, ўжарлик билан ундан баланд келиб.

– Ҳуш?

– Яхшилаб арт!

– Кераги йўқ. Саид эшакни стол ёнига тақаб сурди, тирсагини тахтага қўйиб, паканага тикилди.

– Сени Убайдулла қидиряпти!

Ҳа, энди эсэсчи ўзига келганди. Ҳар ҳолда у унтерштурмфюрернинг нималар деяётганини фаҳмларди. Аниқроғи, нега гапираётганини тушунганди. Убайдулла аллақачон, ўтган йилнинг октябрь ойидаёқ гумдон қилинган. Шунинг учун ҳам пакана бир дақиқа ўзини йўқотиб, кўрқиб, қошларини учирди-да, саросимага тушиб қолганлигини билинтириб қўйди, лекин дарҳол ўзини қўлга олиб, гўё ажаблангандай деди:

– Қанақа Убайдулла?

– Сизлар тунда Берлинер рингда қолдириб кетган йигит...

– Тунда?.. Ҳеч қандай Убайдуллани билмайман...

– Яна қор келтиринг!— деди қайрилиб Зосяга Исломбек.

– Кўпроқ!

Аёл физилаб эшик томон бораётган эди, лекин пакана уни тўхтатди.

– Бўпти... Бу гапларнинг нима ҳожати бор! Убайдулла йўқ. Ҳеч қанақа Убайдулла йўқ...

– Нега бўлмас экан?

– Чунки йўқ-да.

— Балки сен уни Саид Ислombек сифатида биларсан?

— У ҳам йўқ...— Пакана тўсатдан дадиллашди, унтерштурмфюрерга олайиб қаради, бу билан у ҳаммасини биламан, тушунаман, шайтонлик билан мени қўлга олиб бўпсан, демоқчи бўлди. Гап бундай,— пакананинг ишончини пучга чиқармоқчи бўлди Саид. — Убайдулла сени қидиряпти, биргина сени эмас, Берлинер рингда ўғирлатган пакетини ҳам қидиряпти. Эсингдами, қора клеёнкага ўралган пакетни?

— Мен олмаганман!— у ўзини орқага ташлади ва ҳатто қўллари билан ўзини унтерштурмфюрердан пана қилди.

— Олмаганман!

— Ким олган бўлмаса?

— Билмайман.

— Сиз икки киши эдингиз.

Саиднинг аниқ айтган гапи пакананинг дарҳол жавоб қайтаришига халақит берди. Пакана ўзига қаратилган ҳамма нарсани ўша тундаги ҳамроҳига ағдармоқчи бўлди, лекин унтерштурмфюрер кўп нарсани билмас, ҳар ҳолда Берлинер рингда юз берган воқеадан яхши хабардор бўлмаса керак, демак уни осонлик билан чалғитиб кетиш ёки умуман ундан қутулиш мумкин, деб ўйлади.

— Биз тўрт киши эдик,— деди у иложи борица дадиллик билан ва офицер ҳийла ишлатганимни билармикин, дегандай унга синчковлик билан қаради.

— Машинадами?— деди суриштириб Саид.

Чалғитиб бўлмади, офицер пакана ўйлаганидан кўпроқ билар экан. У, ҳатто машинадан ҳам хабардор экан.

— Ҳа.

— Бироқ Убайдулланинг ёнига икки киши боргансиз. Машинага ҳам икковингиз қайтиб келгансиз. Дўстингизни ўрмонда қолдиргансиз... У сизнинг ошнангиз эдими? Бу саволга пакана сира ҳам жавоб қайтаришни истамасди. Жавоб бериш асло мумкин эмасди. Аммо унтерштурмфюрер кутиб турарди. У ҳозир фақат муҳлат

сўраши мумкин эди, холос... У нимагадир қуриб қолган иссиқ лабларини ялади, тупугини ютди. Офицер унинг жавобига маҳтал бўлиб турганини ҳис этди: офицер жиддий, талабчан, жаҳлдор киши, бу фалокат қаёқдан келиб қолди ўзи, мана энди башарасига, лабларига тикилиб турибди, унинг ёнида эса барваста, енглари шимарилган Зося турибди. Ҳамиша меҳрибон, кўнгилчан бу аёл энди қовоғини солиб, ҳайқиқиб турарди. Унга нима, пакананинг гапларини нима қилади у! У фурсатни чўзарди. Шамол эса уй деворларини очиб юборгудек қаттиқ эсарди, бирданига унинг гувиллагани, қорнинг гижирлагани, дераза эшикларининг ғийқиллаши эшитилди. Ташқарида бўрондан алғов-далғовга келган ҳамма нарса уйга ёпирилиб кирди-да, одамларни совуқдан, диққинафасликдан жунжитиб юборди.

— Ҳа, деди пакана шамол ғувиллаб ҳуштак чалганда, у сўзимни бўронда ҳеч ким эшитмайди, деб ўйлади. Аммо ҳар ҳолда эшитишди, ёки лабларининг қимирлашидан, кўзларида пайдо бўлган хомушлиқдан пайқаб олишди.

— Пакетни ким олди?

Ўша... Башарти сиз айтаётган пакет бўлса,— деди пакана ишончсизлик билан. Ўшанда, тунда унга пакет ҳақида ҳеч нима дейишмаган бўлса керак. Бироқ у ёлғон гапираётган бўлиши ҳам мумкин. Ишни ўша, машинада ўтирган киши тақсимлаб берганмиди?— қизиқсинди Саид. Машинада икки киши қолувди. Ёқуб ҳам бизни кутиб турганди... Афсуски, бу янгилик кеч маълум бўлди: Ёқуб бу дунё билан хайрлашганди. Батальон командири уни йўлда, қаердадир казарма билан Зосянинг уйи орасида отиб ташлаганди. Лекин Ёқубнинг Берлин ҳалқасида юз берган воқеага алоқаси борлиги кишини қизиқтирарди. Афтидан, у ҳам Убайдулланинг ошнаси экан. Машинани Ёқуб бошқариб борганди,— тушунтирди пакана.— Капитан комитет шофёри ўрнига уни ўзи билан олиб борувди. Комитет шофёри касал бўлиб қолувдими?

– Билмадим. Эҳтимол касал бўлгандир... Ёки унга зарурият қолмагандир... Ўшандан кейин, Роменск батальонига қайтгач, ўша тунни эсладингизми? Убайдуллани эсладингизми? Бу жуда ҳам қўрқинчли талаб эди. Бу саволга пакананинг сира жавоб бергиси келмасди. Ёқуб элаганди,— деди ўзини четга тортиб пакана ва шу билан, ўша кеча Ёқубдан бошқа ҳаммамизга ҳам қийин бўлганди, демоқчи бўлди. Яшашга халақит берарди, ҳаммасидан кўпроқ паканага халақит берарди.

— Лекин Убайдулла тирик экан, сиз шундай дедингиз-ку!

— У унтерштурмфюрернинг бошда айтган сўзига ёпишиб олди. Пакананинг кўзлари тиззалари устида қалтираб турган қўлларига тушди, у қўлларига узоқ разм солди.

— Аммо пакетни мен олган эмасман... Ҳатто, унинг борлигини ҳам билмаганман.

– Пакет бор эди,— тасдиқлади Саид.

– Ўрмондан икки киши чиққансиз...

– Демак, ўша...

15

Улар Берлинда, «ҳарбий министр»нинг чақириги билан Ноенбургерштрассега, Туркистон миллий комитетига келган пайтда танишган эдилар. Уларни қандайдир жуда муҳим суҳбат ўтказиш учун доктор фон Менке чақиртириб келган эмиш. Суҳбат ўтказилмади, аммо «ҳарбий министр» суҳбатдан мақсад нималигини биларди: Ғарбий фронтга, қаергадир, Италия ёки Францияга жўнатиш учун батальон тузилаётган эди. Урушда иштирок этиш учун эмас, балки гарнизон хизмати, муҳим объектларни қўриқлаш, партизанларга қарши курашиш учун тузилаётган эди. Батальон Берлинга яқин жойдаги лагерлардан бирида тузилмоқда эди. Лекин Роменск батальонидаги солдатлардан беш кишини лагерга юборишмай, шаҳарда олиб қолишди. Худди шу ерда, Понятоводан келган новча обершарфюрер билан

танишишганди. Уни «министр»нинг ўзи таништириб, йигитларнинг сараси, қувноқ деб айтганди. У чиндан ҳам қувноқ йигит бўлиб, энг муҳими, пулдор эди. Пули кўп эди. Биринчи куни кечкуруноқ у ҳалиги беш кишини ресторанга таклиф этиб, вино билан зиёфат қилди. Шундан кейин деярли ҳар куни пакана билан Ёқубни меҳмон қилиб турди. Фақат меҳмон қилиш билан кифояланмай, қарзга пул ҳам берди. «Уялиб ўтирманглар, дунёга бир марта келади, киши. Юз йил яшамаймиз-ку. Урушдан кейин ҳисоб-китоб қилармиз»,— деди обершарфюрер ниқ чўнтагидан чиқарилган маркани Ёқуб олишдан бош тортганда.

Бир куни беҳосдан, эҳтимол беҳосдан эмасдир, роменскликлар комитетда Ёқубнинг ҳамшаҳари, ҳам батальони Убайдулла билан учрашиб қолишди. У батальонда 1943 йил кузигача хизмат қилганди. У жуда тортинчоқ, мўмин, лекин улфат йигит эди. Ичкилик масаласида у билан тезгина тил топса бўларди. Лекин комитетда у ошналарига қандайдир паришон, ҳатто нимадандир қўрққанга ўхшаб кўринди. У кундузлари бу ерда кўринма, умуман бутунлай кўринмаслигинг керак, деб айтишди деди. Чунки унга махсус, жуда муҳим топшириқ беришган экан. Лекин зерикиш ва танҳоликдан шаҳарга келишга мажбур бўларкан. Роменскликлар бу гапларга сира эътибор бермадилар ва ҳамшаҳарларини кўярдақўймай, Линденштрассега, сўнгра Ангальтербангофга судрашди, ўша ерда овқатланишди, ичкилик ичишди, кейин ошналари билан хайр-маъзур қилишди. Бундай фурсатда пулни аямайдиган обершарфюрер иш боши бўларди, дарвоқе, Убайдуллада ҳам марка, анча-мунча марка бор эди. Роменскликлар эртасига ҳам уни таклиф этишганди. Лекин у кўнмади. «Мумкин эмас. Мени гауптштурмфюрер кўриб қолиши мумкин», деб рад этди. «Бўлмаса, биз сеникига борамиз,— таклиф этишди ошналари.

— Ҳаммамиз борамиз!»

У кўниб, адресини берди. Уни қандай топишлари-

ни тушунтирди. Потсдамга қайриладиган йўлга етмасдан икки километр берида. Қандайдир немиснинг Бирхаледаги жойи ёки Кнекель деган аёлнинг уйи. Бу — қишлоққа ўхшаш тинч, кам одам ва кишини зериктирадиган жой бўлса ҳам вино, ҳатто «вайнбрандт» ичимлигини топиш мумкин эди. Роменсликлар Убайдулланикага икки марта келиб кетишгандан кейин кузнинг ёғингарчилик кунларида шалолаб фрау Кнехелникига келишдан воз кечдилар. Дўстини, ҳатто ватандошини кўриб, вақтини шу кулбада ўтказаман, деб соатлаб шосседа ёмғирда шалаббо бўлиб юришга арзимасди. Аммо обершарфюрер улфатларни, айиқса Ёқуб билан паканани Берлинер рингга олиб боришга урингани-уринган эди. «Улфатларни эсдан чиқариш яхши эмас,— деб уялтирди у Убайдулланинг ҳам батальонларини.

— У ўша жойда танҳоликдан ўзини осиб қўйиши мумкин. Сизлар унинг гуноҳига қоласизлар». Шундан кейин улар фрау Хенкелникига бориб, вино ва «вайнбрандт» ичардилар. Уч киши бориб турарди. Баъзан Убайдулланинг ёнига бир обершарфюрер ҳам борарди. Орадан чамаси икки ҳафта ўтгач, обершарфюрер паканага секингина деди: «Убайдулла хоин экан. У бизни сотибди. Берлинер рингдаги пивохолада бекорга ўтирмаган экан». У шундай деди-ю, ғоят махфий пунктдан қочган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган қандайдир Саид Ислонбек ҳақидаги эълонни кўрсатди. Фамилияси таниш эмасу, лекин маълумотда кўрсатилган ҳамма белгилар Убайдулланикага тўғри келарди. «У Саид Ислонбекнинг ўзи,— шивирлаб деди паканага обершарфюрер. — Мен унинг жавонидаги гувоҳномасини кўрдим. Унда шундай дейилибди...»

Шундан икки ҳафта ўтгач, Убайдулланинг ошналарини машинада иккинчи километрга олиб боришди. Ёқуб машина рулида қолди, пакана билан обершарфюрер ўрмонга кетишди. Обершарфюрер: «Кўрқоқлик қилмасанг бас! Барибир уни отиб ташлашади», деди. «У бизнинг ҳамшаҳаримиз», деб жавоб қайтарган эмиш

пакана. «Буни эсингдан чиқар. Ёки сен ҳам у билан бирга жаҳаннамга кетмоқчимисан. Бундай жинойтчини яшириб қолган кишининг бошини силаб ўтиришмайди». «Агар уни ушлаб берсан-чи?»—таклиф қилди пакана. «Энди кечикдик,—изоҳ берди обершарфюрер.

— Сўроқ қилишлари билан у бизни оёғимиздан тортади. Уруш тугай деб қолганда қамоқхонада ўтиришни истамайман. Қамоқхона билан қутулиб қолмайсан киши, ҳозир немисларнинг жазаваси тутган...»

Ёмғир ёғаётганди, ўрмон орқали юриб бориш жуда қийин эди. Ёмғир уриб тургани, қоронғи бўлганлиги учун, бунинг устига ўрмоннинг нариги томонида ҳамшаҳарлари, уларнинг ошналари Убайдулла борлиги учун қадам босиш қийин эди...

16

СД ротаси казармага бостириб кирганда легионерлар ухлаб ётишганди. Қоровулларни, одатда душман айғоқчилари қандай гумдон қилишса, шундай шовқинсуронсиз гумдон қилишди. Бировнинг оғзини бекитишди, бировни милтиқ қўндоғи билан туширишди. Дарвоқе, Ҳайит паролни биларди, зўравонлик қилмай иш битириши ҳам мумкин эди, лекин бундай қилишни ўйламасди. У операцияни энг яхши усулда ўтказмоқчи, қирғинчилик маҳоратини намойиш қилмоқчи эди.

Ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмади, қаршилиқ кўрсатишга улгуришмади. Автоматлар даҳлизда осиялиқ турарди, унга етиб бориш мумкин бўлмай қолганди. Қора шинелли солдатлар эса аллақачон йўлақда қуролларини тайёр тутиб, шай бўлиб турарди. Уларнинг қўллари қалтирарди, агар легионерлар қўл қимирлатмоқчи ёки кичқирмоқчи бўлсалар, автомат тепкисини босиб, уларни ва казарма деворларини илма-тешиқ қилиб юборадилар. Сафга турилсин! Легионерлар бунинг маъносини билардилар. Бу биргина ички кийимда каравот олдига чиқиш ва қаққайиб туриш деган гап. Каравотларни,

мундирларни, шинелларни тинтиб бўлишгунча, ҳар бир чўнтак тескари қилиниб, ичида ҳеч нарса қолмагунча тик туриш зарур. Тўшак орасига тўппонча яширган кишининг шўри қурийди деяверинг. Уни шу ондаёқ отиб ташлашади — ташқарига олиб чиқиб пақиллатишади. Ўлик совуқда ётади, эрталабгача қор уни кўмади, оппоқ тепача ҳосил бўлади.

– Сафга турилсин! Тезроқ!

Ҳайитнинг қўлида қандайдир рўйхат бўлиб, унга тикилар ва бақириб, легионерларнинг номини ўқир эди. Улар икки қадам олдинга чиқиб, қўрқа-писа қотиб турардилар. Ички солдат кийими казармада немислар томонидан оддий солдатлар учун турар жойга айлантирилган собиқ колхоз молхонасида изғиб юрган совуқдан сақлай олмасди. Тунука печкалар чўғ бўлиб кетган бўлса-да, ғувиллаб кираётган шамол ва совуқдан молхонани исита олмасди. Номи тилга олинганлар орасида пакана ҳам бор эди. Лекин у сафга турмади. Ҳайит икки марта чақирди:

– Иноғомов! Жавоб бермади. Капитан саф бўйлаб айланиб чиқди, легионерларнинг юзига тикилиб боқди — паканани яхши биларди, ҳар ҳолда уни танирди.

— Иноғомов қани?—сўради Ҳайит навбатчи офицердан. У ғижиниб, ҳа, ҳозирча ғижиниб бақирди. Навбатчи эсанкираб қолди. Ваҳимага тушиб, капитанга қараб чайналиб деди:

– Йўқлама вақтида бор эди...

— Бор эди?! Батальоннинг шахсий составига ким жавоб беради? Ким, мен сиздан сўраяпман? Навбатчи жим турарди. Энди Ҳайит ғазабини сочди:

— Бебош бўлиб кетибсизлар! Қишлоқда санқиб, партизанлар иллатини батальонга юқтирадиган бўлиб қолибсизлар. Мундирнинг шарафи, фюрерга қасамёдингиз қаерда қолди! У ўтдай туташиб, шиддат билан чинқирарди. Энди сўзлар лаблари орасидан учиб чиқмай, қаердадир юқорида, стропилада пайдо бўлар ва ўша ерда жазавага тушиб, одамларга акси садоси

етиб келаётгандай эди. Кишининг ўтакасини ёрадиган, қалтироқ бостирадиган қаттиқ акси садо келарди. Дир-левангер одамларни жазолашга ана шундай тайёрларди. Ҳайитни ҳам шунга ўргатганди. Муқаддима учун икки минут керак. Шундан кейин ротани ўлимга маҳкум этилганлар устига ташламоқ, ўқларни уларнинг бошларига, қоринларига отмоқ, тўппонча тепкисини босмоқ, магазинда ўқлар тамом бўлмагунча, адъютант бўшаб қолган «аурет»ни ўқлангани билан алмаштирмагунча, Ҳайит тўхтаб, совиб, жаҳли босилиб қолмасин, деб тез-тез алмаштирмагунча қаҳр-ғазаб билан, шоша-пиша тепкини босиш керак. Афсуски, легионерлар қаршилиқ кўрсатишмади, битта ҳам ўқ узишмади, ҳатто ўқ узишга ҳаракат ҳам қилишмади. Битта ўқ узилганда борми, у бунақа али-бали қилиб ўтирмасди, капитан дарров лов этиб ёнарди, рота ҳам ўлдиришга киришарди. Энди ҳамма нарса командирга, унинг қаҳр-ғазабига боғлиқ эди. У бақиринини тўхтатиб, саф олдида тизилганларга команда берди:

— Ма-аш! «Ўн саккиз киши!»— ичида санаб чиқди Ҳайит,— маълумотда кўрсатилган кишиларнинг ҳаммаси. Унча кўп эмас. Лекин чўчитиш учун шу ҳам кифоя, қолганларини эрталаб тутиб оламиз..»

Бир қатор бўлиб тизилган оқиш-кулранг кийимли солдатлар — уларнинг ички кийими оқиш-кулранг эди — ерни тапиллатиб эшиқдан чиқишгач, капитан орқасига ўгирилиб, казармада қолган легионерларга ковоғини солиб деди:

— Ҳамма кийинсин...— соатига қараб, вақтни белгилади. — Тайёр бўлишга уч минут муҳлат бераман, кейин ташқарига чиқилсин! Бўрон эндигина авжга чиққанди. Ҳайит станциядалигида шамол кучсиз эди, энди бўлса кучайиб ғувиллар, ҳуштак чалар ва тўсатдан қаёқдандир, қишлоққа ёпирилиб ғувилларди. Ҳайит боя йўлдагидек қўллари билан юзини қуюндан пана қилмоқчи бўлди-ю, лекин ундай қилмади, яна бир марта бўронга чидади, яна бир марта солдатларга мардлик

қанақа бўлишини кўрсатмоқчи бўлди. Мард ва саботли эканлигини амалда исбот этмоқчи бўлди. Ҳозир буни улар ўз кўзлари билан кўрадилар! Молхонадан ҳайдаб чиқарилган легионерлар бир ерга ғуж бўлдилар, деярли яланғоч елкаларини қор ва шамолдан пана қилдилар. Фор!— уларни Ҳайит жойларидан нари ҳайдади: немисча сўз билан ҳайдади. Бу билан улар немис армияси солдатлари, ўзи эса немис офицери эканини писанда қилмоқчи бўлди. Легионерлар бир неча қадам юриб, яна бир ерга тўпландилар.

— Фор!— такрорлади Ҳайит.

Ҳеч ким жойидан жилмади. Шундан кейин у қутуриб бақирди:

— Фор! Фор!—ва қачонлардир эшитган энг ёмон сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Ўлим олдидан одамлар ҳақорат эшитишлари, таҳқирланишлари керак эди.

Кимдир йиғлаб юборди, аламданми ёки кўрққаниданми йиғлади, эҳтимол совқотганидандир, чунки совуқ суяк-суягигача ўтиб кетганди. Балки кўрққанидан йиғлагандир: энди уларнинг ҳар бири отилишини биларди. Шу ерда, қор устида отишади, энди ҳеч ким ўзини сақлаб қололмайди...

— Ё олло! Йиғлаётган солдат умидсизликка тушиб худони эслади. Аммо худо олисда. Ҳамма нарса олисда эди. Молхонадан отилмайдиган, лекин ўртоқларининг ўлимини кўриб, ваҳимага тушиши керак бўлган бошқа легионерлар чиқишди. Уларни казарма бўйлаб, орқаларини деворга, юзларини тепаликка қаратиб қўйишди. Ҳайит ҳамон чапарастасига сўкиб, ўлимга маҳкум этилганларни туртарди, уларни тепаликдан, бевақт пайдо бўлган қор тепадан тирмашиб чиқишга мажбур этарди. Улар момиқ орасида типирлагандек, қор тепада типирлар ва лабларини, юзларини музлатиб, уни ютиб юборишарди.

Шу пайт Ҳайит уларга қаратиб ўқ уза бошлади. Қорда, ғира-ширада ғимирлаётган одамларга қаратиб ота бошлади. Оппоқ қордан гоҳ шамолга қўшилиб кетган, гоҳ совуқ момиққа сингиб кетаётган додлаган, ингра-

ган овозлар эшитиларди. Одамлар эмакламоқчи, хатто қочиб қутулишга ҳам ҳаракат қилишарди. Сўнгги дамда улар жон-жаҳдлари билан бир неча қадам ташлашди ҳам, лекин уларни «аурет» ўқлари қулатди. Ўн учта ўқ — магазиндаги ўн иккита, стволдаги ўн учинчи ўқ тирик одамлар уюмини тинчита олмади. Автоматлар «аурет» ёнига қўшилганда уюлиб ётган одамлар жон талвасасида ўзини у ёқдан-бу ёққа ураётганди. Пўлат парчалари тириклар ва ўликлар баданига кириб, уларнинг фарёдларини, инграган овозларини ўчирди. Уларни абадий ўчирди. Уларнинг жасадлари музлаб қолди. Энди улар увиллаётган, пичирлаётган бўронда жимгина ухласалар ҳам бўларди. Бироқ автоматлар шиғаб отилиб, жимликни бузар, қор қабрни ҳамон илма-тешик қилар эди...

17

– Нима қидирганимни билмайман. Сиз кўз олдингизга келтиришингиз мумкин, полковник жаноблари, бундай вариант, ижрочига вазифани тўла тушунтириб бермайди, фақат унинг бир қисмигина айтилади. Вазифани ҳал этишда кўп киши, жуда ҳам кўп одам қатнашади, шунинг учун ҳар киши улушига биргина арифметик амал тўғри келади... Полковник бошини билинар-билинемас қимирлатди, аниқроғи катта қўпол кафтига қўйиб турган иягини хиёл қимирлатди. Шу билан у баронессанинг гапига қўшилганлигини билдирди — ҳа, шундай бўлиши ҳам мумкин...

– Менинг улушимга битта арифметик амал тушди. Шарқий Берлинга келишим, иккинчи километрдаги таниш жойни топиб, қидириш имконияти бор-йўқлигини билишим, унтерштурмфюрердан бирор из қолганини аниқлашим керак эди. Бу оддий арифметика амалини нима учун худди менга топширишди? Мен унтерштурмфюрерни танирдим, у билан ўрмонда учрашиб турардим, у билан биргаликда айланиб юрган ҳар бир сўқмоқ эсимда эди...

– Эсингизда қолгани учунгинами? Фақат шу учунми?..— гумонсиради полковник.— Сиз ўзингиз, баронесса Найгоф, уларга керак эмасмидингиз?

Бу савол аёлни чегарага олиб келиб тақаб қўйди. Бу чегаранинг нариги томонида уни энг муҳим жойга етиб келгунга қадар ёрдам берган тепаликлар, ўйдимчуқурликлар, қозикчалар энди йўқ эди. Энди бир қадам, ҳаммаси бўлиб бир қадам қолганди шекилли. Ночор аҳволга тушиб қолган Рут Найгоф қаттиқ туриб мулоҳазасизлик билан қаршилиқ кўрсатарди. У ҳолдан кетгунча қаршилиқ кўрсатди. Лабиринтда юриш машаққатли ва кишини жуда ҳолдан тойдиради. Босиб ўтган йўлга қайтиш, боши берк кўчага кириб қолмаслик учун ўтган йўлни эслаб туриш керак. Боши берк кўчага кириб қолсанг, чиндан ҳам ундан чиқиб кетолмайсан.

– Керагим бўлмаса керак...— деди Найгоф зўрға ва полковник гапимга ишондимикин, деб зимдан унга назар ташлади. Йўқ, ишонмади. Шу пайтга қадар айтган гапларига қандай ишонмаган бўлса, бу гал ҳам шундай ишонмади. Сўзларига ҳам, илжайишларига ҳам, уҳ тортишларига ҳам, кўз ёшларига ҳам ишонгани йўқ. Ҳатто, унинг афсус-надоматларига, қайғу-аламларига ҳам ишонмади. Ахир у чиндан хафа бўлиб, чиндан қайғурган эди-ку. Чиндан ҳам уни ҳам босиб ётибди. Мана, у куни кеча ланг очик дераза олдида туриб, қаерларгадир, номаълум томонларга қараб кетган, эҳтимол истиқбол сари кетган кўчаларга боқиб, тасалли бермайдиган танҳолик аламини чекканди. У ўзини шу кўчаларда кўрмади. Бошқа кўчаларда ҳам кўрмади. Кўчалар усиз яшарди. Ҳатто, эскилигича қолган Шонгаузэраллей ҳам Рут Хенкелни эсламасди...

– Сиз учун мен жавоб қайтарсам бўладими?—таклиф қилди полковник. Баронессага илтифот кўрсатиш учун эмас, суҳбатнинг боришини тезлатиш, мана шу ўн кун ёки мана энди ўн бир кун ичида жуда кўп юз берган паузани қисқартиш учун полковникнинг ўзи жавоб бермоқчи бўлди.

Рут бепаркдай бўлиб кўринди — беҳад эҳтиёткор, беҳад ёпишқоқ одамларнинг таклифларига шу йўсинда жавоб қилинади.

– Нима ҳам дердим, агар хоҳласангиз...

– Хоҳлайман... Сиз уларга Туркистон миллий комитети собиқ президентининг рафиқаси «малика» сифатида, ўз ишини Шонгаузэраллейда тугатган Пауль Хенкелнинг қизи сифатида зарур бўлиб қолгандингиз. Сиз уларга асл мақсаддан эътиборни чалғитиш учун никоб сифатида керак эдингиз. Сиз саёҳатчига, йўқотган нарсасини қидириб юрган кишига жуда ўхшайсиз. Биз, қалбаки нарсани чин деб билмаганимиз учун сиз айбдор эмассиз. Сиз ўз ролингизни яхши бажардингиз, маҳорат билан ижро этдингиз, фрау Найгоф. Аммо энди спектаклни давом эттиришнинг фойдаси йўқ, ҳатто хавfli ҳам. Вақтни чўзаверсангиз шармандангиз чиқаверади!

– Наҳотки?— безовталанди Найгоф. Сўнгги кунларда уни тез-тез ваҳима босарди, у ўз аҳвол-руҳиятини яширмасди, яшира олмасди, эҳтимол яшириб ўтиришни хоҳламасди.

– Сиз, умидини узган «малика»нинг туркистонликка бўлган ҳаёлий муҳаббатини ҳафсала билан ҳикоя қилиб бераётганингизда биз унтерштурмфюрернинг баъзи бир изларини топиб олдик. Айтинг-чи, унтерштурмфюрерда қанақа махфий сир борлигини, иккинчи километрда йўқолган пакетда нималар борлигини билармидингиз? У йўқ дейишга тайёр эди. Унга хўжайинлари сўроқ чоғида шундай дейишни буюришганди. Ҳар қандай терговда ҳам, ҳатто унга аниқ далиллар келтиришганда ҳам шундай жавоб қайтариши керак эди. «Йўқ», дейишдан ҳеч нарса чиқмади. Найгоф индамади, лабларини қисиб индамай тураверди.

– Фараз қилайлик, билмагандирсиз, лекин пакетнинг қийматини фаҳмлаган бўлсангиз керак. Бўлмаса қидириб шунча овора бўлишнинг, агентнинг фош этилишидан кўрқмай, уни бегона мамлакатга юборишнинг нима кераги бор эди. Нима учун?

— Фаҳмлагандим, албатта...— полковникнинг гапига қўшилди Найгоф. Жуда яхши билгансиз,— деди зарда қилиб полковник. — Майли, шундай ҳам дейлик. Сизни бу томонга жўнатганлар фақат фараз қилишгангина эмас, улар пакетда нималар борлигини аниқ билишган.

— Эҳтимол...

— Эҳтимол эмиш! Ўзингизни у ёқ-бу ёққа ташламанг, фрау Найгоф, тўғри йўлдан юраверинг!— маслаҳат берди полковник.— Бас... Хўш, кимлар эди? Пакетда нималар борлигини аниқ билган кишиларми?

Найгоф чаккасини силади — чарчаганидан ёки оғриқдан эмас—у охирги жумбоқни ечаётганди. Лекин ечиш осон эмасди. Полковник бунга тушунди. У стол тортмасидан Рут ёқтирадиган бир қути сигарет олди, стол четига, маҳбус олдига қўйди. Қути ҳали очилмаганди, полковник ўйлаб турди-да, уни очиб қўйди. Ўзи билан, ўз ташвиши ва ҳадиклари билан банд бўлган баронесса, ҳар ҳолда полковникнинг ҳаракатини сезди, аммо бу ҳаракатни ўзига нисбатан илтифот деб эмас, балки туртки, очикдан-очик туртки деб тушунди: ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган, унга юришни таклиф қилишмоқда, тўғри йўл деб айтилган йўлдан боришга таклиф қилишмоқда. Яна Найгофни ваҳима босди. Чаккасидаги қўллари юзларига тушди, анчадан буён табиий қизиллигини йўқотган оқ юзларига тушди-да, уни ғижимлади. Қўзлари полковникнинг нигоҳини қидира бошлади. Дастлабки қадам олдидан унга ёрдам керак эди. Мехрибонлик қилиш, жилмайиб далда бериш, яна қандайдир оддий, лекин унга куч берувчи бир нима зарур эди. Найгоф учун полковникнинг жилмайиши керак эди. Аммо у жилмаймади. Унинг лаблари қаттиқ қисилганди, лекин шундай бўлса ҳам, Найгоф полковникнинг қулимсираганига кўзи тушди. Ё полковник кулди, унга шундай туюлди... Баронесса қалтироқ қўллари билан сигаретани олиб чекди. У чекар экан, полковник бирор ҳаракат қилармикин, ундан бирор садо чиқармикин деб кутиб ундан кўзини узмасди.

Полковник бегона кишининг истагига бўйсунибми ёки заруратданми телефон трубкасини олиб деди.

— Ҳа, ҳа... Марҳамат.

Бу сўзларни қаердадир, кимдир кутиб турарди. Деярли шу ондаёқ эшик очилиб, ғилдиракли стол кириб келди. Унинг устида валикка қоғоз варақлари қўйилган, ишга тайёр ёзув машинкаси бор эди. Столчани қўли рассом ёки музикачиникига ўхшаган ўша ёш офицер ғилдиратиб келарди. Офицер баронессага қараб бош ирғаб қўйди, шу пайт унинг кўзлари маъюс бўлиб қолди.

«Ҳамма нарса менсиз ҳал бўлибди,— ўйлади Найгоф.— Лекин мана бу йигитчанинг нима кераги бор эди? Бошқа бирор кишини юборишса бўлмасмиди...»

Ёш офицер Рутга халақит берарди, айниқса у йигитнинг маъюс боқишларидан хижолатга тушиб, қизариб ҳам кетди. Баронесса ўрмондаги биринчи кунни, қуёш ботиши олдидан нурда товланиб турган сўлғин қарағайлар орасида юрганлигини эслади. У машинадан чиққанда офицернинг машина ёнида унга меҳрибонлик ва хурсандчилик билан қараб турганлигини ҳам эсга олди. Мана энди эса у маъюс, тарвузи қўлтиғидан тушган. Ҳечқиси йўқ, у ҳаётида қанчадан-қанча киши билан учрашди, хайрлашди, ҳафсаласи пир бўлди, меҳр қўйди. Бу тасодифий, бир лахзали учрашув ҳам ўтиб кетади. Аммо бу, хонимга рамзий учрашувдай туюлди. Рут Найгофдан кўнгиллари совиди, аёлдан эмас — одамдан ҳафсалалари пир бўлди. Авваллари хоним бирор хатти-ҳаракатнинг қиммати ёки ҳиссиёт тўғрисида сира фикр юритмаганди, одамларда қоладиган эсдаликнинг аҳамиятига эътибор бермаганди. Энди-чи, энди ўйлаб қолди. У ўзидан бирор эсдалик қолдиришни жуда ҳам истарди. У ёрқин ва гўзал бўлмаса ҳам, лоақал бирон эзгуликни хотира қилиб қолдирмоқчи бўлди...

Рут қолдирган хотирадан воз кечишди. Мана шу офицер воз кечди. Рут ундан юзини ўгириб, ўз қўлларига қаради. Унинг қўллари бир оз қалтираб на кўкрагидан, на тиззасидан жой топа оларди. Бу қўлларни би-

роҳ жойга яшириб қўйиш керак эди. Лекин қаерга ҳам яширади? Офицер стол орқасига ўтирди, машинканинг каретасини сурди, шундан кейин машинка аста чиқиллай бошлади. Найгофни, хонада бўлган ҳаммани огоҳлан-тириб қўйгандай бўлди. Бу чиқиллашни ҳар ким ўзича тушунди. Полковник папкани титкилаб, қандайдир қоғозларни кўздан кечириб чиқа бошладиди, аҳён-аҳёнда Найгофга кўз қирини ташлаб қўярди. Рут тайёрми, деб текшириб қўярди. Қўли музикачиникига ўхшаган офицер эса шошмасди, безовта ҳам бўлмасди, у ҳарфларни ҳафсала билан ўрганарди. Лекин унинг ҳаракати шунчалик сунъий эдики, ҳатто баронесса бегона кишининг: «Бошланг! Бошланг, намунча чўзасиз...» деган илтимосини аниқ эшитиб турарди. Ҳа, пайт келди шекилли!

– Дераза ёнига борсам майлими?—у аста ва ҳатто ҳадиксираб сўради, полковникдан сўради. Шу кун дераза ёпиқ эди. Кўчада ёмғир ёғарди, дераза ҳўл эди. Ёмғирда осмон, кўчанинг нариги томонидаги қутига ўхшаган уйлар эриб кетгандай эди.

Полковник ўйлаб туриб деди:

– Боринг!

Найгоф шоша-пиша пошналари билан паркетни тўқиллатиб, дераза ёнига келиб тўхтади-да, қотиб қолди. У дарҳол ўзига жой топа олмади, дераза ёнида қандай туришини, орқаси биланми ёки ёни биланми, қандай туришини билмасди. Қаёққа қарасайкин, хонагами ёки кўчага. Кўчага қарагани яхши, тинчгина қараб туриши мумкин. У ерда Рут Найгофни ҳеч ким танимайди. У шу ердан бошлайди. ...Ҳаёт шундай бепоён экан, бошидан озмунча воқеаларни кечирмади. Ўзинг тўғрингда гапириш жуда нохуш, худди бировнинг овозини эшитгандай бўласан, ўша овозни тўхтатмоқчи, унга эътироз билдирмоқчи, ҳатто уни айбламоқчи бўласан. Лекин фрау Хенкель сўз билан айбламайди — ҳаммаси ичида, ҳаммаси унинг ўзида қолади. Контрразведкачилар эшитиб турган гапларда эса на пушаймон, на афсусла-

ниш ва на қайғу ифодаси бор.

Тўрт соатдан кейин полковник Найгофга ҳарфлари аниқ кўриниб, қаторлари тигиз бўлган бир даста қоғоз узатди-да, имзо чекишни илтимос қилди. У текстга кўз югуртириб чиқди, аммо мураккаб жумлаларга эътибор бермади, ўйлаб ҳам ўтирмади, норозилик ҳам билдирмади, ҳайрон ҳам бўлмади.

У охирги жумла: «Юқорида зикр этилганларнинг ҳаммаси мен томондан 1966 йил 12 августда Германия Демократик Республикасининг Берлин шаҳрида айтилган гапларга мувофиқдир» деган ёзувдан кейин имзо чекди:

Рут Фон Найгоф.

18

– Ўша обершарфюрер ким ўзи?

– Уни Лайлак дейишарди. Унинг оёқлари, бурни узун эди. Капитан эса, ҳазиллашиб, «Лайлатулқадр», деб қўшиб қўйганди, шу билан унга қандайдир чуқур маъно берганди. Сиз мусулмонсиз, лайлатулқадр нималигини биласиз. У рамазон ойининг йигирма еттинчи тун, муқаддас тун бўлиб, шу тунда мўъжиза яратувчи лайлак учиб келади. Уни кўрган киши бирор нарсани ушласа, ўша нарса олтинга айланади. Лайлак ўзининг асл номини айтгани йўқ. Бошқа кишилар каби унинг ҳам номи бордир ахир...

– Саид афсусланиб юзини буриштирди; бунақа муқаддас қуш ҳақидаги беҳуда гапнинг унга нима кераги бор. Пакана энди унтерштурмфюрернинг саволлари маъносини чақиб, мендан афсусланяпти, деб ўйлади-да, жон-жаҳди билан бақирди:

– Номини бўлган! Лекин Лайлак ўз номини яширарди... У фойдали киши бўлмоқчи, офицернинг обершарфюрернинг изига тушишига ёрдам бермоқчи, ҳамма гуноҳни ўшанга ағдармоқчи бўлди. Бироқ пакана обершарфюрернинг номини билмасди.

– У Берхинда қолдими?— сўради Саид.

– Шунақа бўлса керак... Ўша кеча у билан охирги марта кўришдик. Машина мен билан Ёқубни Силезия вокзалига элтиб қўйди. Бизга ҳужжат ва Минскгача поезд билети... Яна беш юз марка пул беришди...

Пакана маркани тилга олди-ю, хижолат бўлди. Оғзидан пул сўзи чиқиб кетди. Унтерштурмфюрер, албатта бунга эътибор берарди.

– Убайдулла учунми? Бу унтерштурмфюрер ғалати киши экан-ку. Унга ҳамма нарса аён бўлса ҳам, ҳадеб бир нарсани сўрайверади. У аллақачон маълум бўлган нарсани пакана айтсин, дангал айтсин деяпти шекилли-да, беҳудага уринади. Пакана маст, кайфдан боши айланиб турибди, аммо тили хўжайинига бўйсунди. Ортиқча гап қилмайди. Жавоб битта — жим тураверади...

Яна бўрон овози эшитилди. Ҳозиргача ҳазин йиғи узоқдан аста эшитилиб турган бўлса, энди у Зосянинг кулбаси ёнида барала эшитилди ва йиғилган аламларини сочиб юборди. Шамол ёғочларга ўзини уриб, худди уларни жойидан юлиб олиб бутун дала бўйлаб ҳайдаб, учириб юбормоқчи эди. Ёриқ-тирқишларни таталаб, у ердан дағал толаларни кириб-қиртишлаб олаётган қўллар кўрингандай бўлди. Мана, ҳали замон тешиклар очилиб кетиб, у ердан оппоқ панжалар чиқиб, хонада пайдо бўлади.

Бўрон чарх ургани урган эди, ногаҳон автоматларнинг калта-калта тириллагани бўрон овозини босиб кетди. Ўқ овозлари олисдан эшитилган бўлса ҳам, лекин қулоқни битирарди. Шамол қишлоқда отилаётган ўқ овозларини Зосянинг уйи ёнидан далага олиб кетаётган бўлса керак.

– Жўнашди! — қичқирди аста Зося. Қичқирди-ю таққа тўхтади, оғзидан яна бирор нарса чиқиб кетмасин, деб уни қўли билан ёпди. Кимлар жўнаганини ундан сўрашмади, ўзларига аён эди — батальон анчадан буён партизанлар томонига ўтишга ҳозирлик кўрарди. Бир неча лаҳза орага ноаниқ сукунат чўкди. Бу жимлик-

ни ҳар ким ўзича тушунди. Ҳар ким ўз тақдирини ўзи ҳал этиши керак эди. Ҳал этгач, ҳаракат қилиш зарур эди. Биринчи бўлиб Зося ҳаракатга тушди. У кийиниб олмоқ учун печка орқасига югурди. Зося югурди-ю, пакананинг дилига ўт ёққандай, унга юрак бахш этгандай бўлди. У курсидан ағдарилиб тушди — ундан тушмоқчи бўлди-ю, лекин оёқлари майишиб кетиб ағдарилиб тушди, дарҳол ўзини ўнглаб олди-да, стол билан эшик ўртасида бир неча қадам эмаклади. Унга ҳозир эшик, фақат эшик керак эди. У эшикни қўли биланми, елкаси ёки пешанаси биланми, очарди, лекин эшик илгаклаб қўйилганди. Уни кўтариб очиш учун ўрнидан туриши керак.

– Шу пайтда, у ўрнидан тураётганда ёнига Саид етиб келди-да, пакананинг устига ўзини ташлаб, чалиб йиқитди. Саид муштлашишни биларди. У душманни енгиш учун қандай зарба беришни биларди. Лекин билиши билан бирга яна куч-қувват ҳам керак эди. Бироқ унда ана шу куч йўқ эди. У паканага мушт солиш учун қўлларини чўзар экан; қўллари беқувватлигини, муштлиари заиф эканлигини сизди. Аблах Баумкеттер Саиднинг танасидан чайирлик ва куч-қувватни суғуриб олибди. Лекин энди қўлини тўхтатолмасди: пакана ердан кўтарила бошлаганди. Айиққа ўхшаб шошмай, вазмин кўтариларди, ҳатто айиққа ўхшаб ҳаракат қиларди. Шунинг учун Саид унга мушт туширди. Одамга эмас, бамисоли дон солинган қопга мушт солганди, пакана ниқ, қаттиқ эди. Мушт баданга ботмай, оғриб сакраб кетди. Пакана эса кўтарилаётганди, даҳшат билан вазмин кўтарилаётганди.

Отиш керак! У ҳали ердалигида, Саиднинг устига чиқиб, тагига босиб олмасдан отиб ташлаш керак. Пакана энди уни тагига босиб олиши аниқ эди. Шу пайт Саид немис одати бўйича, камарини олд томонидан ғилофга қўл чўзди. Тезроқ пистонни ечиб, тўппончани олиш керак. Олиш керагу, ўйлаб ўгирмасдан мана шу кўтарилиб келаётган айиққа қаратиб ўқдондаги ўқнинг ярмини

отиш керак. Аммо у пистонни очишга улгурмади. Унинг ўзи йиқилди, пакана оёғи билан уриб юбориб йиқитди. Йиқилаётиб эшик кесақисига бошини уриб олди. Гардани зирқираб кетди, шундай зирқирадики, бир лаҳза кўзларини юмди. Шундай бўлса ҳам ўқ отиш керак, ҳеч бўлмаганда пастдан туриб отиш зарур. Эсэсчи энди чўккалаб, қўлларини Саиднинг юзига, унинг томоғига чўза бошлади:

— Хальт!—ҳайқирди Саид.— Тўхта, бадбахт!

Хайқирик, буйруқ ҳозир паканага таъсир қилмасди. Унга шу нарса аён эдики, офицер ожиз, беқувват, у ҳеч нарса, бутунлай ҳеч нарса қилолмади. Фақат бақира олади. Аммо ҳозир бақиролмай ҳам қолади. Фақат томоғига етиб бориб, уни бўғса бас. Эсэсчи ҳансираб кекириб, буғдой арақнинг сассиқ ҳиди билан Саиднинг нафасини қайтариб, қўллари билан унинг кўрагини боса бошлади. Қурбонини шундай ушлаш ўнғай, шундай қилганда мақсадга етиш осон бўлади. Мана, бармоқлари Саиднинг кители ёқаларига етай деб қолди. Паканага Саиднинг нашивка тикилган қаттиқ, маҳкам ёқаси халақит беряпти.

Жин урсин! У Саиднинг тугмаларини юлиб ташлади, мана энди унинг бармоқлари юмшоқ, илиқ ва мулойим баданга тегди... Яқин ўртада автоматлар тарилляпти, қаттиқ акси садо бериб, паканани шошилтириб тарилляпти. Озгина қолди энди қурбонига стол ёнида туриб ўйлаган, унга азоб берган ҳамма гапини айтса бўлади:

Сенга Убайдулла керакми? Ҳозир у билан учрашсан... Ҳозир... Саид ерда типирчилар, билтонглар эди. Наҳотки, мана шу кулда, зах остонада сотқин қўлида мана шундай ўлиб кетаверса? Ўқдони ўққа тўла қуроли бўлса-ю, шундоққина ўлиб кетаверса-я. Ипнинг учи топилиб, олға бориш пайти келганда, сирни билиш учун курашадиган пайт келганда шундай ўлиб кетаверадими? Хальт...— энди ҳайқирмасдан инқиллаб деди Саид. У эсэсчининг қулоғи одатланиб қолган немисча команда билан паканани тўхтатиб қолиш умидида эди. Бал-

ки у умид боғламагандир, шунчаки тириклигини, яшаш истаги борлигини эслатиб қўймоқчи бўлгандир.

Саиднинг дармони кетганди, лекин шундай бўлса ҳам у бор кучини тўплади, қаердандир куч йиғди ёки пакана томонидан тайёрланган ўлим олдидан бир лаҳзада унда пайдо бўлди. У қўллари, оёқлари, боши ва кўкраги билан эсэсчини ўзидан нари итара бошлади. Бу уни ўлимдан сақлаб қололмаса ҳам вақтни чўзарди. Иккалови ҳам тишларини ғижирлатарди, сўкишарди. Бошида деярли бир хилда эшитилган наъра энди икки хил чиқа бошлади. Бирининг овози йўғонлашиб, қаттиқроқ чиқа бошласа, иккинчисиники ўчиб борарди, бу овоз хириллашга, инграшга ва ҳатто шивирлашга ўтди... шунчаки шивирларди...

Зося печканинг орқасидан қараб турарди. У калта пўстин кийган бўлиб бўйнини шойи рўмоли билан боғлаб олганди. У ҳаммасини кўриб, эшитиб турарди. Унинг кўзлари танг аҳволга тушган кишининг кўзлари каби шиддат билан ёнарди. Бу ердан кетиш керак. Уни бўрон ва ўрмон кутиб турибди. Уни анчадан буён кутишяпти, эшикни очиб, эркинликка чиқиб кетиш пайти келувди. Лекин эшик олдида, остонада бегона одамлар олишиб ётибди. Ҳа, улар Зосяга бутунлай бегона, жирканч одамлар эди. Улар бир-бирларини ўлдиришяпти...

– Ху, лаънатилар!—деди Зося. Бир лаҳза у эсанкираб, печка, стол ва остона томонга аланглади, печканинг кулдонига энгашди, кўмир устида қизиб турган вазмин оташкуракни олди. Кулочкашлаб тушириш учун қўлини орқасига ташлади. Бироқ оташкуракни бирданига туширмади, ғира-ширада муштлашаётган кишиларнинг бошларига ғазаб билан ўқрайиб қарай бошлади. Яхшилаб қараб олгач, аёлларга хос бор кучи билан темирни пастга, гавдага урди. Нимадир қарсиллаб кетди, инграган овоз эшитилди...

– Иноғомовни топинг!

Ҳайит кечаси билан шу буйруқни бериб, солдатларни паканани қидиришга жўнатиб турди. Эсэсчилар ва

кичик офицерлар қишлоқни ағдар-тўнтар қилиб юборишди, ертўлаларни, чордоқларни тинтишди, аммо ҳеч кимни топишолмади.

Қишлоқ четидаги уйнинг эшиги аллақачон синдириб ташланган, даҳлиз ва уйнинг ҳамма жойи титиб чиқилганди. Бу ҳам натижа бермади. Уй бекаси кечқуруноқ уйни ташлаб чиқиб кетган бўлса керак, чунки печканинг олови ўчиб, уй совиб қолганди. Стол устида самогоннинг бўш шишаси ва бўш стакан турарди. Ерда картошкалар сочилиб ётарди. Лекин улар эзилмаган бўлиб, тахталар устида оқ-сарик бўлиб кўринарди. Аммо карам солинган идиш ағдарилмабди, фақат жойидан жилиб, стол четига бориб қолибди. Лаззатли хид анқиб турибди...

Қидира-қидира паканани ахийри эрталаб топишди. Оғриқданми ёки совуқданми у йўл устида қор босиб, ғужанак бўлиб тиришиб ётарди. Уни овқат ҳидини сезган итлар топишди. Пакананинг чўнтагида кечки овқат учун берилган нон бурдалари бор эди. Унга қўл ҳам урилмаганди. Нонни емай эрталабга қолдирганми ёки Зосяга олиб борганми, маълум эмасди.

Боймирза Ҳайит келди. Ўликни қараб чиқди, ўқ ёки пичоқ изини топмади. Фақат гардани билан чеккасида кўкимтир, деярли қора доғ бор эди. Оғир ва ўтмас бир нарса билан қаттиқ урилганди. Ҳайит паканага анча тикилиб турди. Сўнгра қаҳр билан сўкинди: — Итвачча! Мурдор тилингни вақтида тия олганмикинсан...



УЧИНЧИ ҚИСМ

СҮНГГИ ҚАДАМ

Германия таслим бўлгач, капитан Ольшер СС фюрерларининг бир гуруҳи билан бирга инглизларнинг «Люнебург» деб аталмиш ҳарбий асирлар лагерига тушиб қолди. Булар устидан қирқ бешинчи йилнинг август ойига қадар ҳам тергов бошланмаганди. Генрих Гиммлер аллақачон лагерь тутқинлигидан қутулишга улгурганди. Тўғриси, уни олиб чиқиб кетишганди — май ойининг охириг кунларидан бирида назоратчилар бу асирни ўлик ҳолда топдилар. Шундан кейингина уни собиқ СС рейхсфюрери ва Германия полицияси бошлиғи эканлигини таниб қолдилар. Шунга қадар у рўйхатда фельдфебель Генрих Хитцингер деб кўрсатилганди. Асирнинг ҳарбий билетига фельдфебель Хитцингер деб ёзилганди. Уни тадбиркор Отто Скорцени Берлиндаёқ билет билан таъминлаб, ўша ерда рейхсфюрерга заҳарли ампула берган эди. Кўпоровчилик топшириғи билан душманнинг орқа томонига юборилувчи агентларнинг кители ёқаси ёки бош кийими мағизига худди шундай заҳар тикиб қўйиларди.

Ольшерда ампула йўқ эди, СС Бош бошқармаси қармоғидаги «Тюркостштелле»нинг яқинда тайинланган бошлиғига ампуланинг кераги йўқ эди. Гауптштурмфюрер фюрернинг шарофати билан тушиб қолган нохуш вазиятдан чиқишнинг бутунлай бошқа йўлини ахтарарди. Ҳа, худди фюрернинг шарофати билан. Шу аҳволга тушгунгача ҳам урушни давом эттириш керакмиди ахир! Шахсан у, Ольшер бундай йўл тутмасди. «Тюркостштелле»нинг шефи ўз урушини қирқ тўртинчи йилдаёқ тугатиб, энди фақат душман билан «бир томонлама сулҳ» тузиш учун қулай фурсатни кутиб турарди.

Ольшер деярли ихтиёрий равишда инглизларга таслим бўлди. У қаршилиқ ҳам кўрсатмади, бошқа либосга ўралиб масхарабозлик ҳам қилмади, ўзининг темир сандиғида ётган даста-даста гувоҳнома бланкасидан

фойдаланмади ҳам. Гиммлер каби фельдфебелга ёки Кальтенбруннер каби коммерсант Артур Шайдлерга ҳам айланмади. У СС бош бошқармаси турк бўлими бошлиғи, капитан Рейнгольд Ольшер бўлиб, таслим бўла қолди. Уни машина ёнига олиб келишганда, у инглиз офицерларининг унга қизиқсиниб қараб турганликларини сизди. Эҳтимол, бир оз ҳайиқиб қараб ҳам турган бўлишлари мумкин. Чунки уларнинг қўлига СС-нинг ҳақиқий фюрери, Бош бошқарма бўлимларидан бирининг бошлиғи тушиб қолганди. Бу хил жаноблар ҳадеганда қўлга тушавермасди. Ҳар ҳолда улар қўлига бундай одамнинг биринчи марта тушиши эди.

Ольшер суд бўлишини биларди. Жаҳоннинг барча газеталари жиноятчиларни жазолаш, инсоният тортган азоб-уқубат учун қасос олишни талаб этиб ёзардилар. У бундай сўзларни радио орқали Россия, Англия, Америкадан эшитарди. Кубан, Украина, Белоруссиянинг озод этилган районларида қирувчилар ва уларнинг ҳомийлари устидан аллақачон суд бошланиб кетганди. Капитаннинг куни кечаги ошналари биринчи бўлиб дорга осилганди. Ҳали уруш тугамасданоқ осилганди. Бундан кейин дорга осилшлар кўп бўлади. Аммо аввал суд мажлиси бўлиши керак. Катта суд мажлиси! Шундай суд мажлисларидан бирида Рейнгольд Ольшер суд қилинади, албатта. Чунки унвони, хизмати бўйича у ҳарбий жиноятчилар рўйхатига киради. Шундай бўлса ҳам у ихтиёрий равишда инглизларга таслим бўлди. Шу мақсадда у ғарбга, уруш бўлиб турган, душманга яқин жойга йўл олганди.

— Ҳа, у ихтиёрий равишда шундай йўл тутди. Ҳатто, бундан хурсанд ҳам бўлди. Зотан сўнгги йиллар беҳад машаққатли бўлиб, асабни бузарди, хавф ёнгинасида эди. Ҳамма ҳам бардош беролмади. Курт Дитрих ўзини пешанасидан отди. У курашди — Гитлернинг бункерини ҳимоя қилиш, Бель-Альянсплац яқинидаги тош ертўлада жанг қилиш каби аҳмоқона иш тутди. У ўзига

ўхшаган тентаклар ёнида ўқ ютиб ўз йўлини тугатди. Дарвоқе, бу бункердан деярли ҳеч ким тирик чиқмади!

Суд бўлиши муқаррар. Буни Ольшер аниқ кўз олди-га келтирарди. Лекин у суд бўлишини кутиб ўтирмади. Бир ҳафта ўтиши биланоқ гауптштурмфюрер ҳарбий разведка офицерларидан бири билан учраштиришни талаб этди. Унинг бу талабини рад этишди. Бунақа илтимоснинг вақти келган эмас дейишди — ҳамма нацистларни қўлга олиш, қуролсизлантириш ва уларни жойлаштириш билан бандлигини рўкач қилишди.

Бир ойдан кейин у яна учраштиришни илтимос қилди, яна рад этишди. Унинг илтимоси беш ёки олти марта шундай рад этилди. Ниҳоят, июль ойида унинг ёнига Британия разведкасининг офицери Корпс келди. У калта бўйли, бақалоққина, қизил юзли, асло инглизга ўхшамаган одам эди.

– Сиз учрашишни илтимос қилганмидингиз, гауптман Ольшер... ҳа, айтганча, сизни номингиз чиндан ҳам шундайми?—сўради Корпс.

– Гауптман Рейнгольд Ольшер! Мен фамилиямни ўзгартирмаганман,— жавоб берди кеккайиб туриб гауптштурмфюрер ва кўшиб кўйди:—Ўзгартиришга эҳтиёж ҳам йўқ эди...

Корпснинг қизил юзида қизиқиш аломатлари пайдо бўлди — у ўзининг аёлларникига ўхшаш, узун, нозик қошларини чимирди ва лабларини чўччайтирди. Кутилмаган жавоб қилганди Ольшер: одатда, қўлга тушганларнинг ҳаммаси мужмал гап қилишар, тониб, ўзларини нацистларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, худбин одам сифатида кўрсатишарди. Майор Корпс ҳам Ольшернинг рост гапиришини кутганди. Чунки асирга тушган Ольшер фақат разведка вакили билан учраштиришни талаб этиши тасодифий эмаслигини билганди.

– Сиз менинг кимлигимни билиб олмоғингиз шарт,— давом этди Ольшер. — Мен СС Бош бошқармасига қарашли «Тюркостштелле»нинг бошлиғи бўламан.

– Собиқ...— юмшоққина қилиб, лекин унинг гапини тўғрилаб деди Корпс. Бу гапни у, асирни қўлга тушириш учун эмас, балки унинг ҳозирги аҳволини шунчаки аниқлаш учун айтди. — Ҳатто, сизнинг собиқлигингиз ҳам менга маълум эмас...

«Ўйин қияпти,— афсусланиб ўйлади Ольшер.— Бундай ҳолатларда ҳамма ҳам ўзини билмаганга солиб туради. Ишончли одамлардан билиб олмоқчи бўлишадди».

Ўйлайманки, бу учрашувга келиш олдидан сиз менинг таржимаи ҳолимга қизиққансиз. Биргина таржимаи ҳолимга эмас... Мен чиндан ҳам СС Бош бошқармасининг Турк бўлими бошлиғи гауптштурм-фюрер Рейнгольд Ольшер бўламан... Сиз таъкидлаб ўтганингиздек собиқ, албатта. Буни мен сизга айтмоқчи бўлган далиллар учун аҳамияти бор... Аммо аввал мен сизнинг ким эканлигингизни билишим шарт.

Корпс елкаларини қисди ва истар-истамас чўнтагидан Буюк Британия қуролли кучлари махфий хизматининг майори деб кўрсатилган гувоҳномани чиқарди.

– Миннатдорман! Энди менинг сўзларимга қулоқ солишингизни илтимос қиламан. Шундан кейин, Ольшер Корпсга Саид Исломбек орқали Британия разведка хизмати органига юборилган, клеёнкага ўралган пакет воқеасини сўзлаб берди.

– Ўша ҳужжатлар шу баҳорда Ним ёки Альби районида, балки Франциянинг бошқа бирор жойида сизларга топширилган бўлиши керак... Сўнгги хабарни мен Нимдан олдим...

– Қанақа ҳужжатлар эди?— маълумотни ён дафтарига ёзишга ҳозирланаётиб сўради майор.

– Буни ҳозир сизга айтиб беролмайман. Лекин ҳужжатларга «Гехейме рейхзахе!» деб ёзилган муҳр босилган эди. Бу эса уларнинг жуда ҳам махфий эканлигини билдиради... Аминманки, сиз немис тилини, давлат сирини сақлаш системамизни яхши биласиз?

– Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади,— ишонч билан

бош қимирлатиб деди Корпс.

Ольшер Корпс хизмат бурчи юзасидан Германияга алоқадор бўлганлиги учунгина немистилини билишига амин бўлса ҳам, аммо сир сақлаш системаси тўғрисида мақтанганига шубҳаланди. «Давлат аҳамиятига молик сир» деган муҳрли ҳужжатлар инглизлар қўлига камдан-кам тушарди. Акс ҳолда, алоҳида хизматни ўтовчи «Ораниенбург» махсус курси ва сохта фунт стерлинг пуллар чиқарилаётгани ҳақида аллақачон Британия хавфсизлик хизмати органлари хабардор бўлишган ва уларнинг бу хил сирлари осонлик билан немислар қўлига тушмаган бўларди.

— Менинг пакетга алоқадорлигим ҳар бир ҳужжатда бармоғимни босиш билан кўрсатилган.— Ольшер ўнг қўлининг жуда нозик, рангсиз катта бармоғини кўрсатди.— Бармоққа махсус қўшилма аралаштириб тайёрланган ўткир кўк сиёҳ суртилиб, қоғознинг чап бурчагига босилганди.

— Сиз тадбиркор одам экансиз, Ольшер жаноблари!— Майор маҳбусга қизиқиб ва ҳатто ҳурмат билан қаради.

Чунки унинг рўпарасида оддий эсэсчи, ҳар ҳолда шунчаки, оддий киши турмасди.— Мен суҳбатимизни ўз шефимизга айтаман...

— Шу бугунми?— қизиқсиниб сўради Ольшер. Унинг гап оҳангида илтимос ҳам, шу билан бирга ташвиш ҳам бор эди Гауптштурмфюрер ошиқарди: лагерга тушиб қолган газеталар ҳарбий жинойтчилар устидан суд бўлиши ҳақида жар сола бошлашганди. ССга қарши айбнома яқин орада эълон қилиниши кутиларди.

Ваъда беролмайман,— совуқ жавоб қилди Корпс. Қорни тўқлигидан думалоқ юзлари қизариб турган одамга қовоқ солиб гапириш ярашмас экан. Шунинг учун Ольшер унинг совуқ жавобига эътибор бермади. Майорга ишонмади. Ишонмай тўғри қилган экан.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас, Ольшернинг илтимоси группа шефига маълум бўлди. Бу группа империя

Бош бошқармасининг чет элда ишлайдиган олтинчи бўлими шахсий состави билан шуғулланарди. Гитлер разведка хизмати махфий ҳужжатларига алоқадор барча шахслар — асирга тушган, қуролсизлантириб қўлга олинган нацистлар лагеридаги ҳамма одамлар аниқланарди. Махфий ҳужжатларни топиш йўли кидириларди. Ҳужжатлар йўқотиб юборилганлиги ёки яшириб қўйилгани, жуда маҳкам қилиб яширилганлиги дастлабки терговдаёқ маълум бўлди.

Британия ва Америка разведкасини кўпроқ душман орқа томонига агентлар юбориш операцияси планлари қизиқтирарди. Бундай операциялар кўплаб ва кенг кўламда ўтказилганлигига шубҳа йўқ эди. Бу хил операциялар ҳақида қўлга олинган немис агентлари, махсус вазифаларни бажарувчи курс ходимлари, ниҳоят империя хавфсизлиги Бош бошқармаси хизматчилари айтиб беришганди. Операция системали равишда олиб борилганди. Айниқса, урушнинг сўнгги йилларида операция кенг қулоч ёзганди...

Орадан яна бир соат ўтгач, Лондонга, «Сикрет интеллидженс сервис»нинг тегишли бўлимларига шифрли телеграммалар жўнатилиб, суриштирилди. У ерда СС Бош бошқармасининг Шарқий—турк бўлимига чиндан ҳам Реингольд Ольшер раҳбарлик қилганлигини ва унинг ўзи жосуслик ҳамда кўпоровчилик ишлари учун ҳужжатлар тайёрлаб берганлигини осонлик билан аниқладилар. Ольшер Мустафо Чўқаев фoш этилиб, қамoққа олинган пайтданоқ, Британия махфий хизмати билан таниш эди. Бу ҳақда Чўқаев гитлерчилар томонидан Берлинда тузилган Туркистон миллий комитети президентлиги лавозимлигига ёллангандан кейин хабар берганди. «Мен нацистларга хизмат қилишга ўтдим,— тушунтириб берганди Мустафо Чўқаев ўз қилмишлари ҳақида,— чунки бошқа иложим йўқ эди. Париждагига қараганда, бу ерда Берлинда сизларга кўпроқ фойдам тегиши мумкин. Турк миллатчилиги учун Парижнинг эшиги анча вақтга ёпилди.

Ҳозир ҳамма нарса — жисмоний ва маънавий кучлар Германияда тўпланган». Маълумотда Чўқаевни ёллаган кишининг номи ҳам кўрсатилганди. «Жуда дадил ва менга нисбатан жуда хайрихоҳ киши,— деди Туркистон миллий комитетининг биринчи президенти.— Тўла ишонади...»

— «Тюрскостштелле» бошлиғининг фамилияси бошқа тилга олинмаганди. «Сикрет интеллидженс сервис» резидентидан бир неча маълумот олинганди. Сўнгги маълумот 1942 йилнинг бошларида келганди. Шундан кейин Чўқаев жим бўлиб қолди. У Шарқда янги нацистик тартиб ўрнатиш учун курашувчи ўз шериклари томонидан гумдон қилинганди. Чўқаев жим бўлиб қолгач, «Тюркостштелле» бошлиғи ҳақида ахборот берадиган киши қолмаганди. Тўғри, Саид Ислombекнинг қиёфадоши билан бўлган воқеа инглиз разведкаси эътиборидан четда қолмади.

Аммо махфий хизмат агентлари бунинг «Сикрет интеллидженс сервис»га қандайдир алоқадор эканлигини билмагандилар. «26 нчи» Британиянинг Европадаги бюросига маълум эмасди. У бу бюрога алоқадор эмасди. Эълонда Ислombекни инглиз жосуси дейилгани бюро агентларини хушёр тортириб қўйганди, холос. Ольшер Корпс ва унинг шефларига «26 нчи»— Саид Ислombек борлигини очиб берганди. У «Йигирма олтинчи»ни Мустафо Чўқаев билан алоқадор қилиб кўрсатди. Чўқаев эса «Сикрет интеллидженс сервис»нинг резиденти эди. Бу ҳақда Ольшернинг ўз фикридан қайтариб бўлмасди, чунки «Тюркостштелле» бошлиғининг шахсан ўзи Чўқаевни Парижда бу ишга жалб қилган эди. Бунга қадар эса Дитрих уни Туркистон муҳожирлари бошлиғи тўғрисидаги маълумот билан таништирган эди. Маълумотда Чўқаевнинг 1918 йилдан бошлаб инглиз разведкасида хизмат қилиши аниқ кўрсатилганди. Бошқача қилиб айтганда, Ольшер Британия махфий хизмати резидентини инглизларнинг ўзларидан кўра яхшироқ билар эди. Шундай

бўлгач, унга эътироз билдиришнинг фойдаси йўқ эди...

Лондон қарийб икки ҳафта аниқлади, ойдинлаштирди, текширди-да, ниҳоят континентга, бундай пакетга «Сикрет интеллидженс сервис» жуда қизикса ҳам, ҳеч қандай пакет келмади, деган жавоб йўллади. Бундай пакет келганда эди, Лондон Ольшерга озодлик бериш билан қаноатланмай, балки фунт стерлинглар, улгуржи пул ҳам тўларди. Ҳеч қаерда «Исломбек» лақабли агент ёки Мустафо Чўқаев билан боғланган киши номи йўқ эди. Эҳтимол, Чўқаев ўз ўлими олдидан уни жалб этгану, лекин хабар беришга улгуролмагандир. Ҳеч қаерда капитан Ольшернинг таржимони Надия Аминова номи ҳам кўрсатилмаганди...

Корпснинг қўлга олинган «Тюркостштелле» бошлиғи билан иккинчи учрашуви анча совуқ вазиятда ўтди. Майор Ольшерга ишончсизлик билан, суҳбат охирида эса афсусланиб қаради, балки Ольшер чиндан ҳам махфий ҳужжатларни ғарбга жўнатгандир. Чунки, у жуда ишонч, эҳтирос билан гапирарди. Унинг пакетда нималар борлиги ҳақидаги маълумотлари жуда батафсил эди. Аммо мақсадга эришилмаганди. Ҳамма гап шунда эди. Кишини қайғуга солиб, ҳафсаласини пир қиларди.

Эсэсчи хунук, кулранг бўёққа бўялган скамейкада чаккасини ишқалаб ўтирарди.

– Мен бир дақиқа ҳам шубҳа қилмасдим,— деди у энди ишонқирамай,— бир дақиқа ҳам...

Корпс қандай жавоб қиларди? Асирнинг гапига қўшилди. Ҳа, шундай бўлиши ҳам мумкин, деб ҳамдардлик билан бош силкитиб қўйди. Фақат шу... Шундай бўлса ҳам Корпс жавоб қилди:

– Башарти... у олмаган бўлса-чи... Ўша иккинчи киши қўлидан пакетни ололмаган бўлса-чи?..

Бехосдан шубҳа пайдо бўлди. Бу эса бир дақиқа Ольшерни ҳайратга солиб қўйди, ўзини адои тамом бўлган киши деб сизди. Лекин у шу ондаёқ бу ноқулай вазиятдан чиқди. У бу ноқулай вазият даҳшатли бўлганидан, ночорликни эслатганидан қутулиб қолмади,

аксинча гауптштурмфюрер Корпсга ишонмаганидан бу вазиятдан қутулиб чиқиб кетди. У пакетнинг йўқолишига ишонмасди.

— Сиз ўша одамни билмайсиз... Унинг қўлидан ҳамма иш келади, ҳамма ишнинг уддасидан чиқади,— Ольшер Исломбекни ҳозир ҳам бордай қилиб гапирди.

— Ҳали Исломбек тирикми?—ҳайрон бўлди Корпс.

Яна шубҳа! Нимага асосланиб гумонсирайди, бу қизил юзли майор? Умуман, у шубҳаларни қаердан олар экан? Ёки мияси селдь балиғи билан тўлган бочкадай шубҳа билан тўлами? Ҳа, ҳа, бочка деса бўлади. Майор Исландия сельди билан тўлдирилган бочканинг худди ўзи, худди бўялган бочкага ўхшайди.

— Сиз Исломбек тўғрисида ҳеч нима билмайсизми?— ишончсизлик билан боқди Корпсга гауптштурмфюрер.

— Ҳеч нима-я?!

— Ҳеч нима билмайман. Чунки у бизгача етиб келмади. Келолмагандир. Ёки келишни хоҳламагандир...

Яна шубҳа.

— Ким билсин нима гап ўзи!— қизишди Ольшер. Унинг қалтираб кетиши бу оҳиста суҳбатга халал берса ҳам, жаҳли чиқмаслиги мумкин эмасди.— Келолмаган, лекин бир нарсага ишонишим мумкин: одам ўлади, дунёда ҳар қандай жонли нарсанинг тақдири шу. Лекин Саид биринчи бўлиб ўладиганлардан эмас. У энг кейин ўладиганлардан! Сиз гапимга тушундингизми, майор жаноблари?

— Ҳаракат қилиб кўраман...

— Ҳа, шундай, у энг охирида жон бериши мумкин...

Мендан кейин...— Ольшер, соғломлигидан юзлари қонталашиб турган Корпсни синамоқ учун унга назар ташлади. — Ҳатто, сиздан кейин... Бошқача қилиб айтганда, мен унга ишона оламан. Аммо унинг келишни истамаслиги мумкин эмас! У менинг манфаатим учун ҳам, ҳатто сизнинг манфаатингиз учун ҳам ҳаракат қилмаган, буни бир билиб қўйинг. У ўз манфаатини

кўзлаб ҳаракат қилган! Унинг бошқа йўли йўқ эди...

Корпс доимо бир нимадан шубҳаланиб юрарди. Шубҳаланмаслик унинг табиатига зид эди, шунинг учун деди:

— Нега унинг бошқа йўли йўқ эди?

— А-а?! — Ольшер сапчиб ўзини майордан нари олди.

Унинг ўзи нега бошқа йўл борлигини ўйлаб кўрмабди-я. Энг муҳими шуки, нега ўйлаб кўрмабди-я. Ўйлаб кўриш учун вақти етарли эди-ку. Ёки ўйламаган, Дитрих томонидан тузилган режага ҳаддан ташқари ишониб кетибди ўзи. Исломбекка, унинг сири ва кишини қизиқтирадиган Берлинер рингнинг иккинчи километрага ишонган экан. Инглизларга, худди шу инглизларга ишонди, бошига ундан бошқа фикр келмади.

У, аниқ ва зарур деб кўникиб қолган фикридан воз кечди, ноҳақлигини алам билан эътироф этди. Корпс олдида эътироф этди, балки ўзига ўзи эътироф этгандир: — Бошқа йўли бор эди...

— Бир неча йўл, — гауптштумфюрерга кўмаклашди Корпс. Лекин яна шубҳа туғдирди.

— Йўқ! — шубҳани улоқтириб ташлади Ольшер.

— Икки йўл! Ҳаммаси бўлиб икки йўл. Ўша икки йўлни сиз ҳам биласиз... Ольшернинг заррин гардишли кўзойнаги остидаги кўзларида Корпсга нотаниш, лекин гауптштурмфюрерни илгари кўрганларга табиий туюлган мамнунлик, ҳатто умидворлик ифодаси пайдо бўлди. Бу ифода ҳамиша билинар-билинемас бўлиб, кишини ийдирарди. Корпс ҳозир жазаваси тутати деб ўйлади, назарида капитаннинг киприкларида ёш кўрингандек бўлди. Ҳа, эсэсчи фожиали аҳволга тушиб қолганди.

— Дановен!

— Нима?—Ольшер деярли пичирлаб айтган сўзни майор англамай қолди.

— Уильям Джозеф Дановен,— Ольшер энди аниқ қилиб қайтарди. — Менга генерал-майор Дановен

керак. Эсэсчи АКШ стратегик хизмати бошқармаси бошлиғининг номини қаердан билди экан? Айтганча, бунинг унчалик ҳайрон қоладиган жойи ҳам йўқ. Чунки немислар ўз душманларини билишлари мумкин.

Корпс шундай бўлиши мумкин, деган фикрга келди. Аммо «разведка хулоси»ни хузуримга келсин, деб талаб қилиши ўтакетган соддалик, сурбетликдир. Тўғри, эсэсчи атрофида бўлаётган воқеаларни сезмай қолганди. Бечорага одамнинг раҳми келади!

— Сиз, Ольшер жаноблари, менинг инглиз офицери эканлигимни унутиб қўйдингиз, — деди Корпс ва суҳбатдошига ўзининг кетажагини билдириш учун ўрнидан турди.

— Йўқ, йўқ!— Ольшер майорнинг тирсагидан тутди. — Мен ҳеч нарсани унутганим йўқ. Ялиниб сўрайман, Кетманг! Фақат сизгина менга ёрдам бера оласиз...

— Корпс жирканиб эсэсчидан ўзини нари олди. Ольшер майорнинг дағал ҳаракати ва важоҳатини сездида, ўзини йўқотиб қўйди. Вабодан қўрққандай ундан ўзларини олиб қочишмоқда-я!

— Кечирасиз!— деди маъюс овоз билан ва ҳозиргина майорга тармашиб турган қўлини тортиб олди.— Чиндан ҳам ёдимдан кўтарилибди... Кечирасиз!... Корпс лагердан хасга ёпишиб олган бу кишига раҳми келиб чиқиб кетди. Иннайкейин, гауптштурмфюрернинг бемаъни, бировга кераги бўлмаган манави гапи ҳам эсида қолди:

— Мен эса сизлар томон йўл олгандим... Ҳаммаси сизларга аталганди. Эртанги куннинг калитлари...

2

Берлин — Вена поезди чехларнинг собиқ чегарасини кечаси соат ўн бирларда кесиб ўтди. Бу сўнгги немис станцияси — Дрезден эди. Поезд озгина тўхтаб турган пайтда, учинчи вагон олдига қўлида юки йўқ бир эсэсчи офицер келди. Унинг қўлида суратли

журнал бор эди, холос. У проводникка поезд билетини кўрсатди. Баҳорнинг изғирин ва нам ҳавосида совқотган проводник қовоғини солиб ҳарбий комендант штампига қаради-да, офицерга чиқинг, деб боши билан имо қилди, эсэсчининг қиёфаси темирйўлчини қизиқтирмади ва ҳатто ҳайрон ҳам қилмади. Лекин, проводник унтерштурмфюрернинг қорачадан келган ранги, қисик кўзларидан ҳайратланиши мумкин эди. Эҳтимол, унинг вағонидаги бир неча берлинликлар ва биргина аслдан ташқари деярли ҳамма пассажирлар худди унга ўхшаш қорачадан келганлиги ва қисик кўзли бўлганлигидан у таажжубланмагандир. Яна бир қорача одам пайдо бўлгани билан ҳеч нима бўлмайди.

Эсэсчи зинага кўтарилиши ҳамон поезд жилди.

Тамбурда унтерштурмфюрер эшик деразасидан нималаргадир анча вақт тикилиб турди.

— Сизни купега қузатиб қўяйми?— сўради проводник.

— Йўқ,— жавоб берди офицер.— Ҳадемай тушаман...

Проводник бош қимирлатди-да, навбатчилар хонасига ўтиб кетди. Унтерштурмфюрер яна бир минутча, балки ундан кўпроқ тамбурда ивирсиб турди. У тамбурда кўпроқ турган бўлса керак, чунки Дрезденнинг ниқобланган чироқларидан ўтиб кетилганди, семафор чироғи ҳам лип этиб ўтиши билан поезд тезлигини оширди. Шундан кейин офицер эшикни очиб, йўлакка чиқди. Йўлак бўш эди. Дрезден перронига тушган одамлар кам эди, тушганлари ҳам тезда қайтиб келиб ўз купеларига кириб, эшикни ёпиб олгандилар. Ухлаш вақти ҳам келганди. Табиий ухлаш вақти, аммо вағондагилар ухламасди. Ҳар ҳолда пассажирларнинг ярмидан кўпи лидерин чарми билан қопланган эшик ва деразасининг пардаси туширилган купе ичида гурунглашиб ўтирардилар, жуда барала гурунглашардилар баъзиларининг кайфи ҳам бор эди.

Унтерштурмфюрер йўлакдан ўтаётди, ҳар бир купе олдида бир оз тўхтаб, гапга кулоқ соларди. Баъзи эшик-

лардан пассажирларнинг пишиллаб ухлаётгани баъзиларидан гаплашаётганликлари, кулишаётганликлари, каттиқ ҳайқириқлари эшитилиб турарди. Баъзилар ухлаб, баъзилар сирли суҳбатлашар, кимдир тортишар, баъзилар эса хурсандчилик қилишар эди. Вагонга феъл-атворлари, ёшлари, лавозимлари турлича бўлган ҳар хил кишилар тўпланган бўлиб, купега жойлашиб, ўзлари ким эканликларини ошкор этардилар. Улар уруш пайтида, йўлда, тунда айтиш мумкин деб, ўзларининг ким эканликларини баён қилардилар. Уларнинг деярли ҳаммалари маст эди. Ухлаётганлар ҳам, овозини паст қилиб гапираётганлар ҳам, маст эдилар. Ҳайқириқ ва кулги эшитилиб турган купеда ичкилик-бозлик давом этарди.

Кулги! Унтерштурмфюрерни ана шу кулги ўзига жалб қилганди. Оддий кулги эмасди. Бир аёл паст овозда сал ҳаяжон билан ич-ичидан куларди. Таниш овоз эди. Аёл чўзиб куларди-ю, лекин овозида қувноқлик оҳанги йўқ эди. Одатда, ҳаяжонга тушган одамлар шундай кулишади, кимдир уларга эътибор бериб, очикдан-очик кузатиб ўтиради, безовта қилади, ёки кишини хавф-хатар яқинлиги ташвишга солади ёки бўлмаса, сирини, ўзининг ҳақиқий башарасини яшириш зарурлиги ҳам шу кўйга туширади. Баъзан йиғи олдидан ҳам шундай кулади киши. Унтерштурмфюрер бу ҳаяжонланишни битта-яримтанинг кузатиб ўтирганидан деб билди. Аёл киши эркаклар орасида ўтирибди. Бунинг устига уларнинг кайфи тарақ, кайфлари борлигидан улар ҳеч балодан тортинишмайди. Стаканлар шишаларнинг бўғзига урилиб жаранглайди, қалтироқ қўллар стаканни маҳкам тутиб туролмайди. Чамаси, вино тўкилиб кетди шекилли, чунки аёл ҳайиқиб дерди:

– Вой! Вой! Кўйлагим...Аёл чинқириб куларди, уни бир бўғиқ овоз юпатарди:

– Агар фрау рухсат этсалар, доғни мен тозалаб қўяман... Лабларим билан...

– Йўқ, яхшиси, хонимнинг кўйлаklarини ювиб бера-

миз... Шундай эмасми, фрау? Шу ерда, ҳозирнинг ўзида...— Яна кулги кўтарилди. Унтерштурмфюрер шу купе ёнида бир лаҳза тўхтади-да, сўнгра орқасига қайрилиб, йўлакнинг қарама-қарши томонига, нариги бошига қараб, тез юриб кетди. Унинг ранги ўчиб кетганди, қўллари ҳам қалтираётгандай эди. Офицер ўтиб кетган эшиклардан бири қия очиқ эди, купе ичи қоронғи экан, ҳеч нарса кўринмасди. Унтерштурмфюрер бехосдан эшикка тегиб кетгандай тирноғи билан эшикни калта-калта тақиллатди! У ҳеч кимни чақиргани ҳам, кириш учун ҳеч кимдан рухсат ҳам сўрагани йўқ, ўта паришон ёки ўй-хаёли бир нарса билан банд бўлган кишидай шунчаки бармоқларини ўйнатяпти. Бундай кишилар ўзини тутиб олиш учун шунақа қилади.

Офицер шу купе ёнидаги тўртинчи купе олдида тўхтади, кетимдан бегона киши келмаяптимикиан, деб кулоқ солди, шундан кейин эшикни тез очиб, ўзини купе ичига олдида, эшикни яна тез ёпди. Тўғридан-тўғри ўзини диванга ташлади. У диванга, кимнингдир атир, яна бало-баттарларнинг ҳиди анқиб турган қалин жун рўмоли устига ўтирди. Булар вагонга хос нарсалар эмасди. Офицер худди узоқ югуриб келган, шошилган, нафас олишга ҳам улгуролмаган кишидай оғир, тез-тез нафас оларди. Энди у тинчланиб, тўйиб-тўйиб нафас оларди. Орадан бир-икки минут ўтди. Унтерштурмфюрер чироқни ёқди-да, эшикка ўрнатилган ойнани, унда акс этган шифтдаги хира чироқни, деразани беркитиб турган қора дарпардани, столча четидаги газии тугаган минераль сув тўла стаканни кўрди, стакандаги сув поезд ҳаракатига қараб чайқаларди, шунингдек қоғози очилиб, ҳамон қўл тегизилмаган бир қути кексга ва қандайдир банкача, кичик шишачага — аёллар упаэлигига кўзи тушди. Офицер яна ойнада жуда ранги ўчган, касалга ўхшаб рангида қони қолмаган, қовоғи солиқ ўзини кўрди. Лекин у ўзига эътибор бермади, ўйламади, ташвишга ҳам тушмади, у ранги бўздек оппоқ эканлигини билади. Айниқса, ҳозир ранги оппоқ. Де-

мак, ҳали дармонсиз, ўзини авайлаши керак.

У ўзини диван суянчиғига ташлади-да, бир лаҳза кўзларини юмиб, нафасини ростлади. Уни ғилдиракларнинг тақир-туқурлари аллалаётгандай эди. Бир хилдаги овоз киши уйқусини келтирарди. Ухлаб қолмасликка тиришиш керак эди. У қўлини кўтариб, звонок тугмачасини пайпаслаб топди, уни қаттиқ босиб, вагон хизматчисини чақирди. Узоқда, йўлак охирида, эшик орқасида, офицерга эшитилмайдиган, қовоқарининг ғўнғиллашига ўхшаш ташвишли сигнал чалинди...

Улфатчилик авжида эди. Табиий ҳаяжонланиш ҳаддан ошди, энди уларни вино руҳлантирмай, балки умидсизлик ва андишасизлик қутуртирарди. Булар тақдир тақозоси ва кўрқоқлик оқибатида чет элларда сарсон-саргардон юрган, фақат ўзини ҳимоя қилишдан бошқа ҳамма нарсадан маҳрум бўлган одамлар ичларидаги дард-аламларини сўндириш учун бирор нарса қидиришарди, қалблари эса ғам-ғусса, келажак ваҳимасидан сирқирарди.

— Фрау! шивирларди тили тутулиб пропаганда министри уларнинг ҳаммаси бу ерда министр, ҳисобланар ёки маош олувчилар рўйхатида Туркистон миллий комитети бўлимларининг бошлиқлари, немисчасига штелле, деб кўрсатилганди. — Фрау, сиз ўз тақдирингизни Туркистон билан боғладингиз, биз эса буни асло унутмаймиз! Бутун оқшом «малика»нинг ярим яланғоч елкасига кўз тикиб ўтирган ва ҳатто унинг кўйлагидаги вино юқини ялаб тозалаб қўйишга шайланган соғлиқни сақлаш министри шериклари фикрини ўзлаштириб деди:

— Туркистонликлар унутишмайди... Бундай ажиб, шундай жононни!..

Бир вақтнинг ўзида ҳам вице-президент, ҳам ҳарбий министр ҳисобланган киши қовоғини солди.

Унга «хукумат аъзолари»нинг шилқимлик қилишлари ёқмасди. «Улуғ Турон» ғоясини кулгига айлантиришга ҳали вақт эрта эди. Ҳа, айтганча, шундай қилишга ҳожат бормикан. Мустафо Чўқаев сафдошларининг омади юрилмаган бўлса нима бўпти — Совет кўшинлари Германия чегарасига яқинлашмоқда. Уларни ҳеч қандай куч тўхтата олмайди, мағлубият аниққа ўхшайди. Лекин бу панисломизм ғояси, «Улуғ Турон» ғояси тугади, деган гап эмас. Қочоқларга бошпана берган хўжайин ҳалок бўлади, аммо сувга чўкаётганларга ёрдам қўлини чўза оладиган бошқа хўжайинлар ҳам йўқ эмас. Шахсан у, вице-президент умидини узмайди. Руҳан тушмайди. Бошқаларга ҳам далда беришга ҳаракат қилади.

Дайди итвачча!— деди у соғлиқни сақлаш министрига қараб.— Бошингни силаган жанобни ташлаб бўладими, ахир? Бу хоним отамиз Вали Қаюмхоннинг рафиқаси-ку! Маст министр ҳаёсизлик билан илжайди, «малика»га ҳам ҳаёсизлик билан қараб қўйди.

— У кўп кишиларнинг хотини, шундай экан, нега менинг хотиним бўлолмайди? Ёки уни сен ўзинг кўз тагинга олиб турибсанми?

— Уятинг борми, ҳайвон?

Вице-президент аста, ҳатто хотиржам гапирди, фақат кўзлари совуқ, ғазабли ялтирарди.

— Энди, бундай виждоннинг кимга ҳам кераги бор?— яна захархандалик билан илжайиб жавоб берди министр. Ёки нариги дунёда виждоннинг қадрига етишадими? Йўқ, азизим, виждон у ёқда қолиб кетган... — У бош ирғиб қаёққадир олисга, номаълум томонга ишора қилди. Одатда, туркистонликлар аллақачонлар жудо бўлган юртлари томонга қараб шундай бош ирғашарди.

«Малика» тортишаётганларнинг лаб қимирлатишлари ва нигоҳларига сергакланиб зеҳн соларди. У сўзларини билмасди-ю, лекин мазмунини тушунарди. Эркаклар бутун кеча давомида хонимга хушомад қилишди, ҳатто баъзан қўпол, ҳақоратли хушомад қилишди. Улар кеча давомида купедаги ягона аёлга

еб қўйгудек бўлиб тикилишди, унинг елкаси, кўзи ва лаблари учун қадаҳ кўтаришди. Бу ҳол Рутни ташвишга солар ва ҳаяжонлантирар эди. Эрига тобе кишилар орасида «малика»нинг мурувватига сазовор бўлаганлар ҳам бор экан. Совуқ, деярли ҳамиша қовоғини солиб юрадиган вице-президент уларни шаштидан қайтариб турарди, у хонимнинг қадам босишидан, жавоб қайтаришидан қўрқаётгандай эди, у «малика»нинг енгилтаклик ва ҳаёсизлик қилиб қўйишидан эҳтиёт қиларди. Соддалигини қаранг-а! У, хонимнинг туркистонликлар ўйлаганидек, унча енгилтак, унча беғам эмаслигини билмасди, шекилли!

– Винодан қуйинг!— илтимос қилди Рут, жанжал чиқиб кетмасин, деб эркакларнинг гапларини бўлиб.

– Жоним билан!—деди пропаганда министри. Унга ҳам ҳукумат аъзолари орасидаги даҳанаки жанг ёқмасди. Авваллари вице-президентнинг бир оғиз жиддий гапи тартиб ўрнатиш, бир ёқадан бош чиқариш учун етарли эди. Энди бўлса юз оғиз гап ҳам жаноб министрларни тинчлантиролмасди. «Хон» фуқаролари бўйсунмай қўйгандилар. Пропаганда министрининг ўзи ҳам энди ҳеч нарсага ишонмасди, ҳеч нарсадан умид ҳам қилмай қўйганди. Аммо Боймирза Ҳайитнинг овози аввалгидек унинг юрагини ёриб, бўйсунушга мажбур этарди. Ҳар ҳолда, министр зарур бўлган дақиқада ўзининг рапидадай юзида тобелигини ифода эта оларди, укки кўзлари ғуломона садоқат билан вице-президентга боқишни биларди. — Жоним билан, жоним билан! Биз учун бу дунёда винодан бошқа эрмак қолмади...

У фужерларга вино қуйди — учинчи рейх даврида фужерлар ҳамон ишлатиларди. Фужерлару вино. Фронтнинг орқа томонида турган Германия химоячилари Италия ва Франция виноларини жуда ёқтиришарди. Соғлиқни сақлаш министри яна одобсизлик билан гап кистирди:

– Вино-ю аёллардан бошқа...

Пропаганда шефи бу сўзларни эшитмади — унга бу сўзларнинг кераги йўқ эди. Лекин Боймирза эшитди, кўзларини ғазаб билан чақчайтирди. У ҳам эшитмаслиги мумкин эди. Чунки купеда ҳаддан ташқари ғовурғувур қилиб, шанғиллашарди. Ҳамма гапирарди. Полковник Ориповдан бошқа ҳамма гап билан овора эди. Полковник эшикнинг ёнгинасида, унинг соясида ўтириб, хурсандчилик қилаётган министрларга ҳорғин боқарди. У бу улфатларга камдан-кам меҳмон бўларди, чунки миллий комитет штандартенфюрер юрадиган йўлда эмасди. Орипов асосан фронт чизиғи бўйлаб ёки легионерлар гарнизонлари турган немис қўшинлари орқа томонида юрарди, пойтахтга СС Бош бошқармаси махсус чақиртиргандагина келарди. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, ҳукумат аъзоларининг шовқин-сурон билан хурсандчилик қилиши полковникка ғайри табиий туюларди. Чиндан ҳам хурсандчилик қилишга бирон сабаб йўқ эди. Уларнинг қасос олишлари яқинлашмоқда. Даҳшатли қасос!

Немисларга осон, уларга жин ҳам урмайди, улар ўз юртида. Бегоналарга қийин! Улардан икки томонлама қасос олишади — немислар хиёнати учун ҳам, ўз ҳаётлари учун ҳам! Полковник узоқ Андижонни, ўз яқинларини тез-тез эсга оларди. Шундай пайтларда юраги эзилиб кетарди. У ерда, уйдагилар уни дом-дараксиз йўқолган ёки ўлган деб ўйлайдилар. Уни яхши одам эди, дейишади. Аза тутиб, кўз ёши қилишса ҳам, ҳар ҳолда яхши одам эди, дейишади. Мана, қайтиш онлари ҳам келди, денг. У қайси юз билан уйига кирди, башарти киргудай бўлса... Ахир, гуноҳини кечишмайди-ку, эшикларини очишмайди-ку! Агар ичкари киритишса у нима дейди. Ёлғон гапиради. Уззукун ёлғон гапиради. Тақдирини, немисларни айблайди, бутун жаҳонни айблайди — шундай бўлиб қолди, пешанага ёзилгани бўлди, дейди. Яхшиси, қайтмаслик керак. Унинг миясига бу фикр тез-тез келадиган бўлиб қолганди. Бундан бошқа чора йўқ эди, бундан у енгил

тортарди. Виждон азобини торта-торта шу фикр билан уйқуга кетиш ҳам мумкин эди. Қайтмаслик керак, вассалом. Остонага қадам босмасанг, судга ҳам тушмайсан — хоинлиги учун суд қилишларидан шубҳаланмасди — яқин кишиларингга ёлғон ҳам гапирмайсан. Хўш, кейинчи, кейин нима бўлади? Уруш ҳам тугайди, қасосдан қочиб қутулиб, тавба-тазарру қилмайдиган жой бормикин. У бошқалар каби, мана шу министрлар каби ичиши, тинимсиз ичиши мумкин. Охирини ўйла-маслик керак, пешанага ёзилгани бўлар. Лекин кайф билан аламидан чиқолмасди, аксинча аламини кучайтириб, баттар азоб берарди. Шундан кейин унинг қўли тўппончага яқинлашди — бир ўқ билан ҳаммасидан қутулиб қўя қолсин. Лекин ўзини ўлдиришга юраги дов бермади. Сўнгги қадамни босишга нимадир унга халақит берди, умид шекилли. Қалбининг қаърида жонини сақлаб қолишдан умидвор эди. Ориповнинг омади доимо болалик чоғиданоқ келиб турарди. У адашгундай бўлса, сўнгги онларда, кимдир ёки нимадир уни сақлаб қоларди.

— Штандартенфюрер! — чақирди Ориповни пропаганда министри.—Қадаҳ сеники! Дикқат бўлма, азизим. Кўкрагида темир крести бор кишининг дикқат бўлишга ҳақи йўқ... Бу гап унга, штандартенфюрерга пичингдек туюлди. Булар ҳақиқатдан шундай узоқки, ўйлади у заҳархандалик билан ва кафти билан фужерини тўсди.

— Негадир, кўнглим кўтармай турибди...

— Бай-бай-бай! Кўнгли кўтармас эмиш. Эшитяпсизми,— ўжарлик билан шишани унинг фужерига чўзди пропаганда министри. — Агар ҳаммамиздан ҳам ботир киши кайф қилишдан кўрқса, биз оддий амалдорларга начора! Ҳарбий министр, унга буйруқ бер, ичсин!

Ҳайит штандартенфюрер нега ичмайман деяптийкин деб унга разм солди ва унинг кўзлари ўжарлик билан ёниб турганини кўрди.

— Хоним турган ерда мен туркистонликларга буйруқ

Пропаганда шефи бу сўзларни эшитмади — унга бу сўзларнинг кераги йўқ эди. Лекин Боймирза эшитди, кўзларини ғазаб билан чақчайтирди. У ҳам эшитмаслиги мумкин эди. Чунки купеда ҳаддан ташқари ғовур-ғувур қилиб, шанғиллашарди. Ҳамма гапирарди. Полковник Ориповдан бошқа ҳамма гап билан овора эди. Полковник эшикнинг ёнгинасида, унинг соясида ўтириб, хурсандчилик қилаётган министрларга ҳорғин боқарди. У бу улфатларга камдан-кам меҳмон бўларди, чунки миллий комитет штандартенфюрер юрадиган йўлда эмасди. Орипов асосан фронт чизиги бўйлаб ёки легионерлар гарнизонлари турган немис қўшинлари орқа томонида юрарди, пойтахтга СС Бош бошқармаси махсус чақиртиргандагина келарди. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, ҳукумат аъзоларининг шовқин-сурон билан хурсандчилик қилиши полковникка ғайри табиий туюларди. Чиндан ҳам хурсандчилик қилишга бирон сабаб йўқ эди. Уларнинг қасос олишлари яқинлашмоқда. Даҳшатли қасос!

Немисларга осон, уларга жин ҳам урмайди, улар ўз юртида. Бегоналарга қийин! Улардан икки томонлама қасос олишади — немислар хиёнати учун ҳам, ўз ҳаётлари учун ҳам! Полковник узоқ Андижонни, ўз яқинларини тез-тез эсга оларди. Шундай пайтларда юраги эзилиб кетарди. У ерда, уйдагилар уни дом-дараксиз йўқолган ёки ўлган деб ўйлайдилар. Уни яхши одам эди, дейишади. Аза тутиб, кўз ёши қилишса ҳам, ҳар ҳолда яхши одам эди, дейишади. Мана, қайтиш онлари ҳам келди, денг. У қайси юз билан уйига кирди, башарти киргудай бўлса... Ахир, гуноҳини кечишмайди-ку, эшикларини очишмайди-ку! Агар ичкари киритишса у нима дейди. Ёлғон гапиради. Уззукун ёлғон гапиради. Тақдирини, немисларни айблайди, бутун жаҳонни айблайди — шундай бўлиб қолди, пешанага ёзилгани бўлди, дейди. Яхшиси, қайтмаслик керак. Унинг миясига бу фикр тез-тез келадиган бўлиб қолганди. Бундан бошқа чора йўқ эди, бундан у енгил

тортарди. Виждон азобини торта-торта шу фикр билан уйкуга кетиш ҳам мумкин эди. Қайтмаслик керак, вассалом. Остонага қадам босмасанг, судга ҳам тушмайсан — хоинлиги учун суд қилишларидан шубҳаланмасди — яқин кишиларингга ёлғон ҳам гапирмайсан. Хуш, кейинчи, кейин нима бўлади? Уруш ҳам тугайди, қасосдан қочиб қутулиб, тавба-тазарру қилмайдиган жой бормикин. У бошқалар каби, мана шу министрлар каби ичиши, тинимсиэ ичиши мумкин. Охирини ўйла-маслик керак, пешанага ёзилгани бўлар. Лекин кайф билан алаמידан чиқолмасди, аксинча аламини кучайтириб, баттар азоб берарди. Шундан кейин унинг қўли тўппончага яқинлашди — бир ўқ билан ҳаммасидан қутулиб қўя қолсин. Лекин ўзини ўлдиришга юраги дов бермади. Сўнгги қадамни босишга нимадир унга халақит берди, умид шекилли. Қалбининг қаърида жонини сақлаб қолишдан умидвор эди. Ориповнинг омади доимо болалик чоғиданоқ келиб турарди. У адашгундай бўлса, сўнгги онларда, кимдир ёки нимадир уни сақлаб қоларди.

— Штандартенфюрер! — чақирди Ориповни пропаганда министри.— Қадаҳ сеники! Дикқат бўлма, азизим. Кўкрагида темир крести бор кишининг дикқат бўлишга ҳақи йўқ... Бу гап унга, штандартенфюрерга пичингдек туюлди. Булар ҳақиқатдан шундай узоқки, ўйлади у захархандалик билан ва кафти билан фужерини тўсди.

— Негадир, кўнглим кўтармай турибди...

— Бай-бай-бай! Кўнгли кўтармас эмиш. Эшитяпсизми,— ўжарлик билан шишани унинг фужерига чўзди пропаганда министри. — Агар ҳаммамиздан ҳам ботир киши кайф қилишдан кўрқса, биз оддий амалдорларга начора! Ҳарбий министр, унга буйруқ бер, ичсин!

Ҳайит штандартенфюрер нега ичмайман деяптийкин деб унга разм солди ва унинг кўзлари ўжарлик билан ёниб турганини кўрди.

— Хоним турган ерда мен туркистонликларга буйруқ

бермайман,— жавоб берди Ҳайит,— хонимнинг ўзлари амр этсинлар. Рут диван суюнчиғига бошини ташлаб, кулиб юборди. Кулги аллақачон ўз қимматини йўқотган бўлиб, қандайдир, аҳамиятсиз, кўнгилсиз нарсага айланганди, аммо «малика»га ўзини хурсанд қилиб кўрсатиш маъқул эди. Бу, эрининг қўл остидаги кишиларнинг гаплари, фикрларини кўнгилга олишдан, уларнинг қўполлик ва ҳақоратларини сезишдан уни соқит қиларди. Тўғри-тўғри, деди буюриб Рут шарақлаб куларкан. — Ичинг, акс ҳолда мен сизни қатл этаман...

Мана шу қўллар билан,— деди соғлиқни сақлаш министри хонимнинг ҳазилини қўллаб ва «малика»нинг юмшоқ бармоқларини кафтига олди.— Башарти, сени қатл этишадиган бўлса, мен сендек дўстим учун бўйнимни тутиб беришга тайёрман... Хоним бўғиб ўлдирсалар, розиман. Ишонаманки, штандартенфюрер, бунга унамасалар керак, жаҳл билан деди Ҳайит. У қандай бўлмасин, «малика»ни камситишлардан эҳтиёт қилмоқчи эди. — Ич, полковник!

Полковник иккиланарди. Манави енгилтак немис аёли-ю шу министрлар билан унинг нима иши бор. Булар Ноенбургерштрасседа писиб ётган каламушларку! Улар яна ўзларининг олижаноблигини, бошқаларга ҳукмини ўтказишни кўрсатмоқчи бўлишяпти. Аммо жаҳлдор, бераҳм Ҳайит полковникнинг фужерига тикилиб, кутиб турарди. Хоним қўлларида жон бериш лозим бўлса, яхшиси ўзим жон берганим маъқул,— деб жиддий жавоб берди Орипов ва қадахни жойига қўйди.

— Ҳай, ҳай... Мен сени беҳад севаман!..— деди ўкириб соғлиқни сақлаш министри.— Омон бўлгур, сен Улуғ Туронга, бизнинг фюрерга керак бўласан...

Рутнинг қўлини лабларига келтириб ўпди. У чапиллатиб ўпиб, унинг оппоқ, юмшоқ қўлларида катта тишларининг изларини қолдирди. Рут оғриқдан қичқириб юборди.

— Вой, бу мени еб қўяди-ку!

Итвачча!—пишиллаб деди Ҳайит ва министрга чак-

каси билан пешанасига қўл кутарди. Мушт соғлиқни сақлаш шефининг сочлари ёпишиб турган чаккаси билан пешанасига тушиши мумкин эди. Албатта, тушарди, чунки вице-президент ҳеч қачон ярим йўлда тўхтаб қолмасди, буни комитет ходимлари яхши билишарди. Аммо бу гал мушт ҳавода тўхтаб қолди. Эшик тиқиллаб қолди. Секин бўлса ҳам аниқ тиқиллади. Купе дарҳол жим бўлиб қолди. Эшик ғижирлаб очилди-да, проводникнинг ялтироқ боши кўринди.

— Фрау,— эгилиб деди у. — Кечирасиз, сизни эрингиз кутиб турибди...

— Нима?—англамади Рут. Бу сира кутилмаган ва бе-маъни хабар эди. —Қанақа эрим?

— Сизнинг эрингиз,— маъюслик билан қайтарди у. У купеда ўтирибди. Бошқалар ҳам «малика» сингари ҳайратда қолдилар Вали Қажумхон Берлинда қолганди. У бошқа поезд билан жўнаши керак эди. Тинчроқ бўлиш учун шундай келишилганди. Энди бўлса президент ёнгиналарида, комитет ходимлари вағонида пайдо бўлиб қолибди. Ақлга сиғмайди! Пассажирларнинг чехраларида пайдо бўлган англашмовчилик ифодаси проводникнинг иззат-нафсига текканди. Тавба, унга ишонилмаяпти шекилли! Шунинг учун у бошини ич-кари суқиб жаҳл билан деди:

— Эрингиз Дрезденда вагонга чиқди... Кечирасиз.

Эшик яна чийиллаб ўрнига сурилди-да, проводникнинг қораси ўчди.

— Вилли шу ердами?— кулишдан тўхтаб сўради Рут.

У ҳеч кимга қарамай, шунчаки сўради.— Шу ердами?

У шундай деди-ю, сакраб дивандан турди-да, эшик томон қадам ташлади.

— Эй худойим-эй! Бу қанақа бўлди...

Ҳеч ким унга жавоб қилмади. У йўлакка чиққандан кейин худди ундан бирор сирни билиб олиш мумкин бўлгандай ҳамма кўрқа-писа эшикка тикилди.

— Таваккал қилганини қаранг-а!—пичирлаб деди пропаганда министри.

— Таваккал эмиш! Туркистон миллий комитети президентининг кимга кераги бор?— Врачлар шефи «малика» билан бошланган хушчақчақликнинг бирданига тугаб қолганлигидан бутунлай норози эди. Ҳарбий министрнинг муштини эса у аллақачон унутганди.

— Кимга керак?— ғазабланди пропаганда министри ёки сен Потсдамда узилган ўқни унутдингми?

— Дайди ўқ эди!

— Каллаварам!— Ҳайит бутун кеча давомида тиниб турган ғазабини врачларнинг юзсиз шефига сочди.

Тилингни аллақачон тийиб қўйиш зарур эди. Тез орада шундай ҳам бўлиб қолар. Ҳеч бўлмаса, менинг ёрдамим билан... Биродарлар, яна бошланган жанжални тўхтатди полковник. Кераги йўқ... Келинлар, яхши-си, ичайлик, Фақат ичиш керак... Мен сўзимни қайтиб олдим. Қани менинг фужерим?

Поезд ғилдираклари темир излар туташган жойларда шиддат билан тарақлаб ўтиб борарди. Рут эшикни дадил очиб, купега қадам қўйган пайтда, поезд қандайдир станция ёки разъезддан тез ўтиб кетаётганди. У купега кирди-ю, қотиб қолди. Купе қоронғи, қоп-қоронғи эди, ахир у купедан чиқиб кетаётганда юқоридаги чироқни ёқиқ қолдиргани аниқ эсида-ку. Ҳозир эса чироқ ёнмасди. Пардаси ташланган деразадан ичкарига қитдай ёруғлик тушмасди, купе қоронғи ғорга ўхшарди. У беихтиёр включателни буради, лекин электр ёнмади.

— Вилли! эрини аста чақирди у.— Нега қоронғи?

Ноаниқ жавоб эшитилди:

— Жим-м.

Кимнингдир қўли, эҳтимол Қаюмхоннинг қўли бўлса керак, эшикни жойига сурди, сурдигина эмас, ҳатто кулф дастасини бураб, уни бекитиб қўйди.

У ўзини яширяпти, ўйлади Рут.— Бу табиий. Чунки уни кузатиб юришибди... Бир оз тинчланган Рут чап томондаги диванга ўтирди, ўзи қўйиб чиқиб кетган

жун рўмолни ушлаб кўрди, ғижимларини тузатди.

— Нега ўзингни хавф-хатарга урасан? — деди гап бошлаб Рут, бу ерда одамлар жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси сени танишади... Бошқа поезд билан борсанг, яхши бўларди...

Кимдир яна:

— Жим-м...— деди.

— Бўпти, бўпти... Барибир овозимизни ҳеч ким эшитмайди! — Бирдан у ҳайратланиб деди: — Шошма! Бу ерга қандай келиб қолдинг? Биз ахир олдин жўнаб кетгандик-ку. Кейинги поезд олти соатдан кейин жўнар эди... ёки сени Дрезденга машина билан олиб келиб қўйишдимиз? Тушунтирсанг-чи, ахир!

Эркак киши жуда секин, хириллаб, бутунлай бегона овозда йўталди.

— Вой!— қичқирди Рут.— Бу ерда ким бор?—у ўзини эшикка урмоқчи бўлди, бироқ уни кимнингдир қўли ушлаб қолди, ҳали эшикни ёпган ўша қўл бўлса керак.

Қоронғилиқдан:

— Сизнинг эски танишингиз...— деган овоз эшитилди.

Таниш! Энди у овозни таниди. Кузги ўрмон... Қарағайлар... Потсдамга қайриладиган йўлдан беридаги иккинчи километр...

— Сизми? Яна сизми?

Қоронғидан аввал йўтал, кейин гап эшитилди:

— Эрингиз ўзини қандай сезяпти? Юрагидан шикоят қилмаяптими?

Рут ўтмишга қайтишни истамасди, айниқса энди ўзи бека, «малика» бўлиб турган шу вагонда! Бақирса бўлди, шу ондаёқ туркистонликлар югуриб келишадди, полковник чопиб келади. Улар бу сурбетни тилка-пора қилишади, кулини кўкка совуришади. Аммо Рут бақирмади. Туркистонликларни чақирмади, ўзини муҳофаза этиш учун умуман, бирор ҳаракат ҳам қилиб кўрмади. Аксинча, ўзини босиб, аранг жавоб қилди. У худди лаблари қотиб қолгандай совуқ жавоб берди:

— Юраги тузук... лекин томоғи ҳамон безовта қиялпти...

— Мана, кўрдингизми, — энди қоронғиликдан қувноқ овоз эшитилди.— Энди биз бир-биримизни тушуниб олдик.

— Сиз-ку тушунгандирсиз!— деди Рут. Мен эса ҳеч нимани кўрмаяпман, ҳатто шеригимнинг кимлигини ҳам тасаввур қила олмайман.

— Буни билиш зарурми?

— Албатта. Ҳар ҳолда, қизиқади-да, киши.

— Бир оз сабр қиласиз, фрау Хенкель... Энди ишга ўтайлик! Сиз унтерштурмфюрернинг дўстлари ҳақида бирор нарса билдингизми?

— Дўсти ҳақида,— деди аниқлаб Рут.

Қоронғиликда хўрсинган овоз эшитилди. Бу овоз кишини ҳаяжонга соларди. Уч оғайни деярли доим иккинчи километрга бориб келиб турган.

— Сиз уларни кўрган бўлишингиз керак эди...

— Уч киши! — бир оз ҳайрон бўлиб қайтарди «малика», — у бир кишини айтганди...

— Энди биз ўша бир киши ҳақида гаплашсак бўлади. Иккитаси энди йўқ,— тушунтирди қоронғидаги одам. Ўшалардан бири — «лайлак» лақабли киши ҳақида...

— Лайлак? ҳайрон бўлди Рут. У лақабга эмас, товушлар бирикмасига ўхшаган сўзнинг ўзига ҳайрон бўлди, бу товушлар унга танишдай туюлди. «Лайлак»! Рут шунга ўхшаш сўзни эшитганди шекилли. Эҳтимол, шу ерда поездда эшитгандир.— Лайлак... «Лайлак» лақабли одам...

— Агар бирор маҳал шундай қушга кўзингиз тушган бўлса, ўша одам ҳам шу қушга ўхшайди,— деб қоронғиликдаги киши аниқроқ таърифлади.

Кўрганман... Жанубда. Хўш, нима бўпти? Бу одам Роменск батальонида эканми? Роменск батальонида унтерштурмфюрернинг ошналари йўқ. Ҳозир йўқ. Мархумлар бу дунёни қандай тарк этишса, улар ҳам уни шундай тарк этишган.

Рут қалтираб кетди. Берилган жавобда таҳдид оҳанги бордай эди. Бу таҳдид унтерштурмфюрернинг ошналарига эмас, «малика»га қилинаётгандай эди. Рут бир лаҳза кўз ўнгига уни бўғиб ўлдирадиган қўлни келтирди, нимагалиги номаълум, лекин бўғиб ўлдирадиган қўл ҳозир унга чўзилиб келаётгандай эди. Қоронғида яширинган кишига нима керак экан? Нега у унтерштурмфюрернинг ошналарини ўлдиради? Қандай мақсадда? Наҳотки, Ольшер томонидаи топширилган ўша сир учун ўлдирса!

Бири тирик қолган,— эсига туширди қоронғиликдаги киши,— лайлакка ўхшагани.

Ҳар ҳолда хавф унга — «малика»га таҳдид қилинаётгани йўқ, — хотиржам бўлди Рут.— Унтерштурмфюрернинг дўстларига таҳдид қияпти. Бирига, энг сўнггисига! Аммо сўнггиси ҳам даф этилса, у вақтда сирнинг эшиги тамомила бекилади, «туркистонликларнинг онаси» учун ҳам бекилади. Остонадан ўтгандай «малика» орқали ўтишади. Сўнгра остонани ҳам йўқ қилишади. Сирга алоқадор бир кимса қолмасин, деб олиб ташлашади... Рут ўзини ҳам қуршаб олган шу сезилмас занжирни кўз олдига келтирди-да, хатардан холи бўлган бошқа сўқмоқ қидира бошлади.

Мен фақат адресини биламан! Роменск батальони ва дўстининг фамилиясини...

– Энди унинг кераги йўқ.

– Эсизгина!—хўрсинди Рут.

– Афсуски, вақт сиздан ўзиб кетяпти. Тезроқ ҳаракатингизни қилиб қолинг, акс ҳолда унтерштурмфюрернинг сўнгги ошнаси ғойиб бўлади.

– Мен нима қилишим керак?

– «Лайлак»нинг кимлигини, қаердалигини билишингиз керак? Жавобини Венада берасиз.

– Венада! — қўрқиб кетди Рут.— Демак, эртагами?

– Конгресс икки-уч кун давом этади. Бу муддат, фрау сиздай шаддод аёлга етарли.

– Аёл учун! Фақат аёл учун...

– Ахир бу гап билан ҳамма нарса аён бўлмадими?

Рут жаҳли чиқиб, ҳеч бўлмаганда қўпол жавоб бериши мумкин эди. Аммо ғазабланишининг нима аҳамияти бор, фойда берармиди? Яхшиси, индамай, ўзини ранжиган, ожиз, ҳимоясиз киши қилиб кўрсатса қолсин. Лоақал муддатни узайтиришни илтимос қилиши керак, сир эса қаттиқ сақланарди, буни Рут биларди, уни билиш осон эмас. Ахир сирни яширган киши, бу сирга қизиқувчи кўзлар мавжудлигига аминку, бўлмаса яшириб нима қилади. Агар ўша ўрмондагидек, фақат сирнинг бир учини очиб берсачи. Шунда у бутун сирни билиш учун бўлган машаққатли ва хавфли ишдан ўзини халос қила олади.

– Мен шунақа «лайлак» деган сўзни эшитувдим,— деди ишончсизлик билан шартта. Чунки бунга қоронғидаги одам қизиқарди.— Шунчаки эшитиб қолгандим. Кулоққа ҳар хил гап чалиниб туради.

Сирнинг бир бўлаги маълум бўлди. Қоронғидаги киши дарҳол савол берди:

– Кимдан, қачон эшитдингиз?

– Туркистонликлардан,— энди бўшашиб деди Рут.— Шу ерда... Поездда эшитгандай бўлдим. Ҳамма гурунглашиб ўтирганди, бу сўз бир неча бор тилга олинди.

– Гурунгда кимлар қатнашганди?

– Сиз бундай савол бермасангиз ҳам бўларди. Чунки мен «лайлак»ка кимдир қизиқишини билмасдим. Шу сабабли, бу калимани ким айтганини эсимда сақлаб қолмадим. Қоронғидан хўрсиниш эшитилди. Бу хўрсиниш замирида қанчадан-қанча алам, ўкинч бор эди. Шунинг учун Рутнинг ўз суҳбатдошига беихтиёр раҳми келди.

– Агар мен билганимда эди!

– Хуллас, гапга кимлар аралашди?

– Бу ерда одамлар кўп, учрашувлар ҳам кўп... Балки, бу сўзлар вагонда эмас, Берлинда вокзал перронида айтилгандир. У ерда кузатувчилар ҳам кўп эди...

Хўрсиниш қайтарилмади. Қоронғидаги киши таш-

вишланиб жим турарди. Кимдир зимдан иш олиб борарди, бу иш Рутнинг кўзига кўринмасди. Бу иш оқибати «малика» учун кутилмаган янги ҳодиса бўлиши керак.

– Сиз ким айтганини эслай оласиз!—Бу талаб Рут учун кўнгилсизликдан бошқа нарса эмасди.

– Бу уддалаб бўлмайдиган талаб,— қаршилик кўрсатди Рут.

– Эсга келтирасиз! Ўша сиз айтган киши, аниқроғи «лайлак»ни танийдиган киши Венада сизнинг дўстингиз бўлади.

– Тушунолмаяпман.

– Конгресс пайтида мумкин қадар унинг ёнида кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

– Ахир бундай қилиш ошқора бемаънилиқ-ку. Ўша одамнинг кимлигини билмасам, президент рафиқаси унинг ёнида пайдо бўлса, ноқулай бўлмасмикин?

– Ишонаманки, ўша одам офицер ёки Туркистон миллий комитетининг ходими, у билан эса сиз яқинсиз... Яна пичинг, яна кесатиш! Яна жавоб қайтариб бўлмайдиган гаплар — Рут улар нима дейишса ҳўб, деб ичига ютиши ва гапнинг охирини чидам билан кутиши керак. Бу гаплар тезроқ тамом бўлса эди-я!

– Танаффус чоғида у билан фоеда бирга айланинг,— деди қоронғидаги овоз аниқ қилиб. — Залдан вестибюлга чиқадиган зинани биласизми? Эсингизда йўқми? Индустрия клубида бўлмаган экансиз... Гап бундай, ана ўша клубда зина бор. У билан зинадан бирга тушинг, шеригингизни қўлтиқлаб олинг... Шундай қилиш табиий-ку!

– Вой худо!

– Риёкорлик қилманг. Сизга аёллар уддалай оладиган ишларнинг энг оддийси таклиф қилиняпти...

– Ундай деманг!

– Ҳўб. Демак, музокаралардан кейин бўладиган қисқа танаффус чоғида, зинада... Президент нутқидан кейин музокара бўлиши керак. Рут бехосдан эрини

эслаб қолди. Эрини эслашдан кўра, кўпроқ унга тақдид солаётган хавф-хатар тўғрисида ўйлаб қолди.

– Қаюмхонга суиқасд тайёрланяптими?— сўради хоним ўз ҳаяжонини яширмай.

– Мен фитначи ёки террорчига ўхшайманми?— кулиб қўйди суҳбатдоши. Мен сизни ундай деяётганим йўқ... Балки, сизга аёндир, демоқчи эдим.

– Ҳа, эшитувдим... Лекин Қаюмхонни ўлдиришмайди... Шуниси ҳам борки, сиз ўз вақтида «лайлак»ни биладиган кишини кўрсатсангиз, ўқ отиш пайтида Қаюмхонни ўлимдан сақлаб қолиш мумкин.

– Бу воқеага унинг алоқаси борми?

Сиз жуда ҳам кўп савол беряпсиз, фрау. Мен сизни камгап бўлинг, деб огоҳлантирган эдим-ку... Ўша шартимиз бузилмаслиги керак, синчковликдан нима фойда... Ахир, сиз ҳамма нарсани тушундингиз-ку...

– Деярли.

– Ташаккур сизга. Энди арзимас бир гапни айтиб қўяй: президентнинг рафиқаси яна беш минут купеда қоладилар, сўнгра проводникни чақириб, унга чироқ бузилганлигини айтишлари мумкин, лампочка куйганга ўхшайди... Тунингиз хайрли бўлсин, фрау!

Рут ўзини тутолмади. Бир минут ўтгач, балки ундан ҳам олдинроқ у қўлини эшикка узатди-да, шиддат билан эшикни очди. У узоқлашиб кетаётган суҳбатдошини бирров бўлса ҳам кўрмоқчи эди. Йўлак охирида суҳбатдошининг оёқ товушлари тинганди, бутун киефасини бўлмаса ҳам, у ҳеч бўлмаганда кийимининг бирор жойини, қанақа юришини билиб олмоқчи эди. Лекин у ёнгинасида, ёпиқ дераза ёнида гестапочига дуч келди. Унинг кўзи тирсагида ялтираб турган СД нашивкасига тушди. Шундан кейин гестапочини бошдан-оёқ кўрди, унинг чехрасини, совуқ тиржаниб турганини кўрди. Бу Берг эди. У вагон деворига суяниб, папирос чекиб турарди. Жин урсин! Бу ерда гес-

тапо нима қилиб юрибди? Бу ерда Бергга нима бор? Шу дақиқагача вагонда уни кўрмаганди, поездга ўтиришда ҳам унга кўзи тушмаганди, у нотаниш киши билан бўлган гапларни Бергнинг купе ёнида пайдо бўлиши билан боғлаб кўрмай беихтиёр сўради.

– Сиз ҳозиргина бу ердан ўтиб кетган кишини кўрмадингизми?

– Ҳозирми?— ҳайрон бўлди Берг.

– Ҳа, ҳозиргина...

Ҳеч ким ўтгани йўқ,— деб Берг қатъий жавоб бердида, яна захархандалик билан совуқ жилмайди — Ҳа, айтганча, салом, фрау!

– Салом! — ўзини йўқотиб деди Рут.

«Малика» эркаклар ёнига қайтиб келди. Энди улар илгаригига ўхшаб хурсандчилик билан гурунглашмасдилар, балки ниманидир ташвишланиб гаплашиб ўтиришарди. Улар худди маст бўлмоқчи бўлгандай жаҳл билан вино ичишарди. Соғлиқни сақлаш министри ичиб маст бўлганга ўхшарди — у диванга ёнбошлаб, бошини орқага ташлаб, чироқнинг хира, сутсимон ёруғига қонсиз, кўкариб кетган юзларини тутиб ётарди.

— Ўлдиришади...— пичирлади у юмшоқ лабларини қимирлатиб. — Ўлдириша қолсин. Барибир ҳаммамизнинг жойимиз ўша ерда... Шундай-ю, лекин ошиқмаслик керак.

Ютқазиб ўйиндан чиққан кишига эътибор берилмагандай, унинг гапига ҳеч ким парво қилмади. Рут кириб келиши билан ҳаммалари бирдан жим бўлиб, анграйиб унга тикилиб қолишди. Уни ҳеч ким кутмаганди. Албатта, у қайтиб келиши мумкин эди, чунки унда ёлғиз зерикиб ўтиришдан улфатлар хурсандчилигини афзал кўриш одати бор эди. Бироқ қўшни хонада унинг эри, Вали Қаюмхон бор эди. Эри қўл остидаги кишиларнинг айш-ишрати деб президентни ташлаб келишга юраги

дов берганини-я. Ёки бирор ходиса юз бердимикин? Рутнинг бақрайган кўзлари ёрдам сўрар, жонига ора киришни талаб этар эди. Худди шу боисдан уларнинг ҳаммаси жим бўлиб қолди. Кайфи тароқ врачлар шеффининг ҳам оғзидагиси оғзида қолди. «Малика» бирор нима дейиши керак эди. Аммо у ҳеч нима демади. У соғлиқни сақлаш министрининг деярли қимирламай ётган қўлларини жирканиб, бир четга суриб қўйди-да, диванга ўтирди.

— Менга винодан қўйинг!— деди у полковникка. У атайлаб эшик ёнида ўтирган, шишадан узокроқда, столчадан олисда, ҳаммадан нарироқда ўтирган полковникка шундай деди. Полковник ўз ҳаракатларидан уялинқирагандай, иймангандай, ишончсизлик билан шишани олдида, «малика» тутган қадаҳга вино қуя бошлади.— Тўлдириб қўйинг штандартенфюрер!

У қадаҳга тўлатиб вино қуйди, винонинг бирор томчисини тўкиб юбормаганидан энгил нафас олди, «малика» қалқиб турган тўқ қизил суюқликни лабларига олиб келди.

— Отамиз қани? — деди Ҳайит хонимни дабдаба билан ичишдан тўхтатиб. Рут аввал винони ичди, сўнгра шошилмай, эҳтиёткорлик билан фужерни стол четига, энг четига шундай илинтириб қўйдик, бундан Ҳайит кўрқиб кетди. Шундаң кейингина Рут жавоб берди:

— Сиз президентни сўраяпсизми?

— Бўлмаса, кимни ота дердик!

— У йўқ...— «малика» гўё мудраётгандай, бирданига унинг кўзлари қоронғилашиб, оғирлашган қовоқлари тушиб кетди.— У йўқ... Поездга ҳам ўтирмаган. Менинг гапларимни тушундингизми, жаноблар?

Лекин, янга...— деди пропаганда министри, «малика» нинг бирпас олдин проводник билан гаплашганини унга эслатмоқчи бўлиб.— Ахир ўзингиз айтдингиз-ку янга... Рут ўзига нисбатан бу хил мусулмонча мулозаматни ёқтирмасди — у аканинг хотини — янга дейилишини хуш кўрмасди. Шу Осиё ўғлонларида бундан бошқа

улуғлайдиган сўз йўқми, ахир! Айтайлик, ҳеч бўлмаганда, «малика» дейишмайдим! Ёки улар оддий таржимоннинг қизини тахтга ўтқазишни хоҳлашмасмикин. Ёки у улар учун асилзодалардан эмасмикин?

Мен айтдим! Ёки бирор бошқа киши айтгандир! Энг муҳими, сиз ҳеч нарса эшитмаган бўлинг. Президент бу ерда йўқ ва умуман поездга чиқмаган ҳам... Келинг, ширин суҳбатимизни давом эттирайлик... Суҳбатимиз нимада тўхтаб қолганди, жаноблар? Ҳа, ҳа, деди Боймирза Ҳайит «малика»нинг гапини қувватлаб.— Нимада тўхтаб қолгандик? Ҳа, бунинг нима аҳамияти бор...

— Аҳамияти бор, бор аҳамияти,— деди яна жонланиб Рут. Унинг кўзлари яна қувончдан ёнди, ўйнаб турган кўкимтир киприклари қошларининг ёнгинасида пирпирай бошлади. Яқингинада туғилган ташвиш излари йўқолиб, ундан асар ҳам қолмаганди. Фақат овози ҳаяжонли эди.— Полковник ичишдан бўйин товлагани учун жазоласанглар майли, деганди... Ичинг, бўлмаса сизни қатл этаман!

Ҳазил-хузул ёқа бошлаган штандартенфюрер ўйланиб туриб, елкаларини қисди. Ичсам, ича қолай... Лайлатулқадр йилда бизга бир мартагина бойлик ато этади. Ўша бахтли фурсатни қўлдан чиқармаслик керак. Ҳаммалари кулиб юборишди — «малика»ни лайлатулқадрга ўхшатилиши ажойиб бўлиб чиқди. Бу ўхшатиш ўткир ҳазил-кулгига сабаб бўлиши мумкин эди. Улар бутун кеча давомида бир-бирларига пичинг отишиб жозибали «малика»нинг илтифотига ноил бўлишга уринишди. Афтидан, бу мурувват полковникка насиб бўлди шекилли офицерларнинг ҳамиша ошиғи олчи! Майли, «малика» офицерга илтифот қилса қила қолсин. Ҳатто, рашкчи соғлиқни сақлаш министри ҳам «малика»га салгина яқинлашишга ҳам рози.

— Бу қанақа қуш, ўзи?—ҳеч нарсани билмайдигандай суриштирди Рут.— Мен қуш бўлишни истамайман!

— Лайлатулқадр! — софдиллик билан ушунтирди Орипов.

Штандартенфюрернинг сўзига ҳеч ким эътибор бермади. — Ҳайитдан бошқа ҳамма уни ҳазилга йўйиб қўя қолишди. Вице-президент полковникни ножўя қадам қўйишдан сақлаб қолмоқчи бўлгандай қўрқиб, унга қаради. Бу қарашни «малика» пайқаб қолди. У Ҳайитнинг қўрқанидан бир гап бор, деб ўйлади. У шу ондаёқ сўз оҳанги билан ҳарбий министрнинг юзи ўзгариши орасида қандайдир алоқа борлигини билиб олди-да, бошқалар билан барабар қаҳқаҳа уриб кулди — у қувониб кетганини билдириши керак эди.

— Бу ном унча жарангдор, таъсирчан эмас, лекин шундай бўлса ҳам, мен камтар аёлман, майли. Қани, ича қолинг энди!

«Э, куш ҳақида шу гапирган экан. Мана шулар гапирган экан! Лайлак! Лайлак!!!— Рут полковникка фужерни узатди.— Вой худо, эсим курсин, ўша муқаддас кушни қўлдан чиқара ёзибман полковник, сиз менга шундай зарур эканлигини билсангиз эди. Менинг кўзларимни қидиряпсизми? Мана, марҳамат!—у полковник эътиборини ўзига тортиш учун одатдагича қовоқларини туширди ва кўз қирини штандартенфюрерга ташлади. Мен сизни севиб қолганга ўхшайман...»

— Энди, ичсинлар!

3

1945 йилнинг сентябрь ойидаёқ асосий ҳарбий жиноятчилар устидан бошланган судда навбат иккинчи даражали жиноятчиларга яқинлашган пайтда «Люнебург» лагери дарвозаси ёнига «виллис» машинаси келиб тўхтади. Ундан америкалик икки офицер шошиб-пишиб ирғиб тушди. Бири баланд бўйли, елкадор, юзи ялпоқ, бадқовоқ, иккинчиси нимжон, ўрта бўйли, мўйлови қора ва темир парчаси ёки пичоқ тегиб пачақланган катта бурнидан бошқа бирор тайинли белгиси йўқ, кўримсиз киши эди. Ҳар ҳолда бу офицернинг бурнига пичоқ теккан бўлса керак, чунки у фронтда бўлмаганди.

Офицерлар асирни лагердан ташқарида сўроқ қилиш ҳақидаги ордерни кўрсатиб, гауптштурмфюрер Ольшерни ўзлари билан олиб кетишди. Ольшер машинанинг орқа ўриндиғида елкадор ва бадқовоқ офицер билан ўтириб қолди. Шофёр ёнига эса бурни пачоқ киши ўтирди. Бутун йўл бўйи, «виллис» ўнлаб километр йўл босиб, шаҳарнинг қарама-қарши томонига етиб боргунча офицерлар чурқ этишмади. Ольшерга қаратилган гап ҳам бўлмади. Ҳа, америкаликлар ўзаро ҳам икки ёки уч оғизгина гаплашишди, холос. Бу сўзлардан Ольшер, офицерларнинг таъби хиралигини, бу саёҳат уларга хордиқ чиқариш учун кераклигини фаҳмлади.

«Виллис» унча катта бўлмаган ҳовли олдида тўхтади. Авваллари бу уйда бадавлат кишилар, жуда бадавлат кишилар яшаган бўлса керак. Ҳовли ва боғча жимжимадор чўян девор билан ўралганди. Офицерлар машинадан олдин тушдилар. Улар Ольшернинг имирсилаётганлигини сезиб, чидамсизлик билан бақаришди:

— Плис!

Юзи япалоқ офицер негадир кулиб юборди. Унинг бадқовоқ юзига кулги асло ярашмасди. У қўшиб қўйди:

— Битте, жин урсин!

Бу хил таклиф Ольшерга унча ёқмади. Аммо бу ҳали хамир учидан патир эди, бу капитанни остонадан ичкарида кутиб турган кўнгилсизликлар олдида, ҳеч гап эмасди. Ҳовлида таржимон-офицер ҳам бор эди. Ичкиликдан эндигина бўшаган офицер уйқусираб, кран тагида ювинар, пишқиар, сўкинар, йигирма беш ёшга кирган кишининг аҳволини тушунмаган барча кишини ҳайвондан олиб, ҳайвонга соларди. Йигирма беш ёшли бу йигит яқинда коллежни тугатиб, армияда тажриба орттираётганди. Иккала офицер ошхона томон ўтиб кетишди, эҳтимол ошхонага эмас, газеталар уйиб ташланган ва стол устига вино, коньяклар қўйилган катта хонага киришгандир. Улар таржимонга эътибор

хам беришмади, бу эса таржимоннинг ғазабини янада оширди. У Ольшерни немисчалаб сўка кетди.

– Хўш, нима қилиб турибсиз тўнкага ўхшаб. Таслим бўлгандан кейин ўзингизга келолмай қолдингиз-да. Шнель!

– Қаёққа борай?— аста сўради Ольшер, жуда оҳиста сўради. У хўжайинларнинг жаҳлини чиқармоқчи эмасди.

– Герадеаус! Тўғрига!

Тўғрига — демак, ошхонага. Шундан кейин ошхонага кирди-да, остонада тўхтаб қолди. Юзи ялпоқ офицер унга бурчакда, печка ёнидаги курсини кўрсатди. Ўзи эса столга яқинлаштириб қўйилган креслога жойлашди. Бурни катта офицер эса деразадан ташқаридаги нимагадир қараб турарди. У қараб туриб шошилмай кийимининг тугмаларини еча бошлади.

Ўша, бурни каттаси деди:

– Биз ҳаммамиз сизнинг кимлигингизни биламиз резина чайнаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Унинг ўзи резина чайнамасди. Шунинг учун бошқа америкалик офицерларга ўхшамасди. Бурни катта офицернинг сўзини Ольшернинг кетидан келган йигирма беш ёшли киши таржима қилди — у ювиниб бўлганди-ю, лекин артиниб улгурмаганди, сочиқ унинг қизариб кетган елкасида осилиб ликиллаб турарди.

– Ҳаммангизни суд қилишади,— таржимон ўзидан қўшиб қўйди,— кейин, тамом!— у бўйиндан осиладиган сиртмоқни имо-ишора билан тасвирлади. У кулмай, жиддий тасвирлади.

– Оғзингни юм!— деди унга бурни катта. Бу гапни таржимон таржима қилмади, албатта. Лекин Ольшер гапининг маъносини тушунди, чунки йигирма беш ёшли америкалик ўксиниб, лабларини қимтиди.

– Биз ҳамма воқеадан хабардормиз,— қайтарди бурни катта,— ҳатто сиз бизнинг стратегик пунктларимизга ҳужум қилмоқ учун одамларни ёллаганингизга-ча биламиз...

— Бунинг учун бошингизни силашмайди,— ўзидан қўшиб тўнғиллади таржимон. У асирни қўрқитганидан ҳузур қиларди. Ольшер тушунтириб беришга уринди:

— Мен Шарқ масалалари билан шуғуллангандим. Менинг лавозимим Туркистон ишлари билан шуғулланишни тақозо этади. Сизлар менинг ҳақимда ҳеч нима билмайдиган кўринасиз...

— Ниҳоят бурни катта кителини ечиб, уни авайлаб стулнинг орқасига илиб қўйди.

— Биз биламиз,— Ольшернинг эътирозини рад этди у, рад этибгина қолмай, бошда айтган гапларини тасдиқлади ҳам.— Ҳаммасини биламиз, ҳатто рафиқангиз билан ўғлингизнинг Аахендалигини, уларнинг сизнинг тақдирингиз билан қизиқаётганлигини ҳам биламиз. Айтганча, уларни, уларнинг келажагини ўйлашингиз керак, гауптштурмфюрер жаноблари...

— Ўйлаб кўрганман. Шунинг учун бу ерга келдим.

Таржимон яна аввалгидек жаҳл билан гап қистирди:

— Сизни олиб келишди!

Ольшер унинг пичингига эътибор бермади. У бу гапларнинг моҳиятидан ташвишга тушганди. Чунки гаплар жуда ғалати бўлиб, капитанни қўрқитаётганди.

— Пакет сиздами? — сўради у бурни каттадан.

— Қанақа пакет?

Яна ўйин қилишяпти! Разведкачиларнинг тактик найранглари Ольшернинг жаҳлини чиқара бошлаганди. Ахир сиз, ҳаммасини биласиз-ку!—деди у бурни каттанинг гапини юзига солиб.

— Ҳа, пакетми?!—Бурни катта ўзини бепарволикка солди. У қўлини очилган, бир оз ичилиб эски газеталар устида турган коньяк шишасига чўзди. У сал қизиби олиш учун эмас, шунчаки бу гаплар беҳудалигини таъкидлаш учун шундай қилди.— Пакет бизда. Бизда бўлмай кимда бўларди!

— Бўлмаса, бунақа майнабозчиликнинг нима кераги бор! деди хафа бўлиб Ольшер. — Сизга топширилган

хужжатларни санаб чиқинг, шундан кейин мен уларнинг қанчалик тўғрилигини айтаман. Гауптштурмфюрер энди ташвишдан қутулганди. У тинчланди, ҳатто ичида кулиб қўйди: «Худога шукур, қутулиб қолдим!»

Бурни катта титроқ қўллари билан стаканга коньяк қуйди-да, қорамтир-олтинсимон томчиларни қўйлагига томизиб, титроқ лаблари билан уни ҳўплай бошлади. Санаб чиқамиз, кўрсатамиз...— деб тўнғиллади у коньякни ичиб бўлиб юзларини буриштираркан.— Ҳаммаси вақти билан бўлади!

Бурни катта тоза стакан қидирди, тополмади, ўзиникига қуйиб, уни қўли сал қалтираб капитанга узатди.

— Ичинг! Ольшер ичишни истамасди. Бошини гангитмоқчи эмасди, бунинг устига қўрқарди — лагерда ёмон боқишарди, вужуди заифлашиб қолган, бир қултум коньяк билан кайфи ошиб қолиши мумкин эди.

Юзи ялпоқ офицер қўлида тутиб турган газета орқали эсэсчига, унинг ярқираб турган олтинсимон вашишаси тиниқ кўзойнагига қараб турарди, аммо унинг кўзини кўролмасди. Унинг кичкина, кўкиш кўзлари ялтираётган кўзойнақдан кўринмасди. Унинг кўзларини кўролмади, шунинг учун маҳбуснинг нималарни ўйлаётганини, кўнглидан нималар кечаётганини англай олмади. У эса Ольшернинг дилидагини билиб олиши зарур эди. Шунинг учун у эсэсчининг жиғига тегмоқчи бўлди. У шунчалик гапирдики, бундан Ольшер жунжайиб кетди.

— Аммо пакет сизники эмас... Бундай бўлишини Ольшер кутмаганди. Ўғирлашибди! Ҳаёсизларча ўғирлашибди!

— Ҳар ҳолда ичсинлар!—таклиф қилди юзи ялпоқ ва кенг елкаларини кресло суянчиғига ташлади-да, энди газета орқали эмас, тўппа-тўғри Ольшерга қараб, унга зеҳн сола бошлади. Энди гауптштурмфюрер нима ҳам қиларди? Ичади-да! Стаканни улоқтириб ташлаш, улоқтириб ташлашгина эмас, фирром ўйин қилаётганларнинг башарасига қаратиб отиш ло-

зим эди. Ахир шерикка нисбатан шунақа муома-ла қилишадими. Олган бўлсанглар, ҳақини тўлаб қўйинглар-да! Аммо орқангда таянчинг бўлмаса, ўзинг лагерда ўтириб, даҳшатли суд яқинлашаётганини билиб турган бир пайтингда жиззакилик қилиш кулгили-ку, бемаънили-ку.

– Йўқ... ҳазиллашяпсизлар...— деди Ольшер офицерларга кўз югуртириб.— Ҳазил қияпсизлар! Хужжатда бармоқларнинг изи бор... Чап бурчагида...

– Бармоқ излари кўп,— қўшиб қўйди юзи япалоқ.

– Шундай-ку, лекин дастлабкиси меники!

Бурни катта Ольшерни эзишда ўртоғига ёрдамлашди:

– Энди ҳеч нимани ажратиб бўлмайди... Бунинг устига пакетнинг ҳақи тўланган. Ўз вақтида...

– Коньякдан ичсам майлими...— сўради Ольшер.

Бурни катта офицер билинар-билинемас илжайди, у гапларнинг натижасидан кўнгли тўлди.

– Ҳа, албатта... Коньяк яхши нарса, бу сизнинг «вайнбренд»ингиз эмас... Ольшер стаканни оғзига олиб борди. Коньякнинг ўткир ҳиди унинг димоғига урилди-да, бошини айлантириб бўшаштирди. Гауптштурмфюрернинг чехраси оқ-кўкимтир тусга кирди, ҳатто лаблари ҳам оқариб кетди.

– Э, ичсангиз-чи, жин урсин!— деб ўшқирди жаҳл билан юзи япалоқ. Ольшер бошини айлантирувчи коньякни ютди. Буни катта офицерга стаканни қайтариб, ҳатто миннатдорчилик билан бош ирғаб ҳам қўйди. Шундан кейин у лабларини ялаб, ҳорғин деди:

– Бу қанақаси бўлди... Бу қанақаси, жаноблар!

– Мана шундай,— тасдиқлади юзи япалоқ.— Пакетнинг ҳақи тўланган. Ольшернинг аъзойи бадани қизиб кетди. Аъзойи бадани ловиллаб турганда фикрлар ҳам хиралашади. Шундай бўлса ҳам капитан эс-ҳушини тўплаб деди:

– Кимга?

Сотувчига, хужжатларни америка разведкасига пул-

лаган шахсни мужмал қилиб таърифлаб берди юзи япалоқ.

Гауптштурмфюрер аниқроқ жавоб кутганди. Аниқ жавоб кутувди. Чунки бир неча дақиқадан кейин у ҳеч нарсани илиб ололмасди. Шунинг учун у юзи япалоқдан талаб қилди:

– Саид Ислонбекками?

– Балким...

– Йўқ, мен аниғини билишим керак!

– Офицерлар бир-бирларига қараб қўйишди. Аммо бурни катта яна кулди, бу гал энди оғзининг таноби қочиб очик кулди. Кўзлари қувлик билан ўйнади.

Юзи япалоқ офицер жавоб қилди:

– Буни аниқ деб билаверинг. Хўш, сизнинг ҳужжатларга қандай алоқангиз бор?

Улар қанча экан?— шошиб-пишиб сўради Ольшер.

Офицерлар яна бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Саккизта...— бир оз жим тургач, миқдорини айтди юзи япалоқ. Унинг ишончсизлик билан айтишидан таваккал қилгани билиниб турарди.

– Йўқ, ўн еттита алоҳида рўйхат. Ҳар бирига СС Бош бошқармасининг муҳри босилган, группенфюрер имзо чеккан. Эҳтимол, — деди юзи япалоқ офицер.

– Хўш қанча экан?— яна талаб этди Ольшер. У маст бўлиб қоламанми деб қўрқар ва жавоб кутар эди, лекин маст эмасди. Аъзойи бадани қизиб, оловда ёнаётган бўлса ҳам фикри равшан эди, капитанни қўрқитиб турган енгилгина бош айланиши йўқолди — мияси аниқ ишларди, ҳамма нарсани очик-ойдин, жуда равшан тасаввур этарди. Қанча?

– Қанчалигини текшириб кўриш керак, — гапга аралашди бурни катта офицер.— Бироқ текшириш қандайдир асосий маълумотларни аниқлашни тақозо этади. Масалан, сиз берадиган, батафсил маълумотларни...

Ольшер кулди. Биринчи марта сира кутилмаганда кулиб юборди. Овозидан асабийлашгани билиниб ту-

рарди. Ҳар ҳолда коньяк таъсир қилибди — офицерлар шундай деб ўйлашди.

— Сиз ҳаммасини... Менинг ҳақимда ҳамма нарсани биласизлар...— Ольшер пичинг қилишга ҳам ботинди: Резина чайнаб ўтиришнинг ҳожати йўқ!

Бурни катта офицернинг юзлари буришди, мўйловлари тиккайиб, бурун катаklarига тегай деди, худди ҳозир акса урадиганга ўхшади. Лекин акса урмади. У қовоғини солиб деди:

— Ҳа, айниқса. Дарвоқе, Ислombекнинг ўзи ким?... Бу ишга унинг қандай алоқаси бор?

Ольшер хўрсинди:

— Мен, сизлар у билан аллақачон танишиб олган бўлсаларингиз керак, деб ўйловдим...

4

Ислombек Вена кўчаларида, апрель куёшидан ярақлаган ва эриб кетаётган қор ҳиди анқиб турган баҳори Вена кўчаларида борарди. Сўнгги қор ёққанди, бутхоналарнинг найзалари ва сарой томларининг буғотларидаги бу қор ҳадемай чакиллаб томади, кўчаларни тўлдириб шилдираб оқади. Эриётган қорнинг шилдираб оқиши энди Шуберт ва Штраус шаҳрида ягона қувонч музыкаси бўлиб янграйди. Ҳазин, совуқ бу шаҳар энди ишламаётган театр учун чизилган гўзал декорацияга ўхшарди. Бу ерда ҳамма нарса ғамгин эди: кимсасиз кўчалар ҳам, нондан нон ҳиди келмайдиган, булка дўконлари ёнида навбат кутиб турганлар ҳам. Вена булкаси эса эски витриналардаги ранги ўчган суратлардагина қолган эди. Веналикларнинг ўзлари эса дуч келган ҳар бир ҳарбий кийимдаги кишига эски, қора шляпаларини дарров кўтариб, салом беришарди. Ҳозир деярли ҳамма — сочлари оқармаган, шикастланмаган, ҳасса ёки бирон кампирга таянмаган кишиларнинг ҳаммаси ҳарбий кийимда эди...

Ислombек бошини кўтармай, бостириб кийган шап-

касининг катта соявони остидан кўзларини кўрсатмай шошилиб борарди. У веналикларнинг саломига алик ҳам олмасди, бунга вақти ҳам йўқ эди. Лекин баъзан СС офицери олдида бош кийимини олиб, саломлашган кекса кишига дуч келса, хиёл бош ирғитар ёки хаиль, деб қўлини кўтарарди-да, ўтиб кетаверарди.

Исломбек ҳали барг чиқармаган, лекин куртакларнинг ҳиди келиб турган, дарахтлари қатор-қатор Рингштрассе кўчасидан кесиб ўтганда, соат чамаси ўн икки бўлиб қолганди. Дарахтлар Берлиндаги Унтер ден Линдендагидек тош йўл ва йўлкалар четида эди, аммо зичроқ эди. Зарурат бўлмаса ҳам бу дарахтларни кесиб-бутаб қўйишганди — веналиклар ваҳимали эсэс мундирларидан бошқа ҳеч нарса билан ишлари йўқ эди. Бу мундирлар ҳар бир кишини ҳушёр тортишга мажбур этарди. Исломбек парламент олдидаги, аниқроғи қачонлардир парламент ҳисобланган бино олдидаги кўчани ўнг томондан кесиб ўтди-да, Ратхауз олдидаги боққа кириб кетди. Бу ерда ҳам дарахтлар қалин эди. Ҳар бир хиёбон ёнида бўйра билан кишда ўраб қўйилган гулпушталар бор эди. Ишламай турган фонтан намдан ялтирарди — унинг косачаларида яхга ўхшаш тиниқ тунги қор бор эди.

Ратхаузнинг баланд минораси тепасидаги соат ўн иккидан беш минут ўтганини кўрсатиб турарди. Саид фонтан ёнида тўхтади, сигаретасини олиб чекди. Саид жуда керилиб сигарета тутатди. У Берлинга келган дастлабки кунларининг бирида Бель-Альянсштрассе қабристонида ҳам худди шундай чекканди. «Соат етти. Биринчи ва учинчи жума, иккинчи ва тўртинчи чоршанба кунлари» — буни у бир умр эслаб қолган. Ўшанда шериги Бель-Альянсда барбод бўлганди. Ўша шериги «Йигирма олтинчи»нинг ёнига келиб: «Зажигалкам бузилиб қолди, сизникидан ёқиб олишга рухсат беринг!» дейиши керак эди. Келиб сўрамади. У Саид Исломбекнинг олдига келолмади. Унинг ҳаётида энг сўнгги, даҳшатли бўлиб кўринган ўша воқеадан буён икки йил

ўтди. Мана энди, у яна кутиб турибди, яна беш минут ўтгач, лекин саккизда эмас, бирда келиши керак — вақт ўтаётир, ҳамма нарса худди янгидан бошланаётгандай. Бу Саидни қувонтирарди. У жилмайишини яшириб, кўзини қисиб қуёшга қарайди. Қани энди баҳор куниди обдан кулса, айни муддао бўларди-да. У ўйлаш, эслаш, яқин дақиқаларда нималар юз беришини кўз олдига келтириш учун кўзларини қисиб турибди.

Ҳозир дўсти Рудольф Берг келади. У ҳеч қачон уни дўстим демаган бўлса ҳам энди шундай дейиши мумкин. Саидга йўл очиб бераётган кишига нисбатан бўлган ўз муносабатини изҳор этиш учун шундай дейиш керак, бу ҳам фарз, ҳам қарз. Хавф-хатарли пайтда йўл кўрсатиб беради. Хавф-хатар эса ҳар қадамда тўлиб-тошиб ётибди. Лекин ўша хатар қачон, қаерда юз беришини билмайсан. Берг керакли, аниқ йўлни танлай олади. Аммо ўша йўл осон, ҳамиша осон бўлмаса ҳам, мақсад сари олиб боради. Шунинг учун ҳам Саид Бергга ишонади, яна шунинг учун ҳам ишонадики, у қуламайди, ҳеч қачон қуламайди. Бунга шунчаки ишонишгина эмас, балки имони ҳам комил. Нега имони комил? Бунга жавоб бериш қийин, бундай саволга, эҳтимол, жавоб қайтариш мумкин эмасдир. Башарти, савол бериб қолгудай бўлишса: «Билмайман. Эҳтимол, сира қўлга тушмагани учун бўлса керак. Ҳар ҳолда унинг шарманда бўлганини кўрмаганман!» деб елкаларини қисиб қўя қолган бўларди.

Саид Ратхаузга Бергнинг кўрсатмаси билан келди. Яна ўша Берг кўрсатмаси билан! Берг учрашув шартларини ўйлаб топган. Маршрутни ишлаб чиққан, вақтни белгिलाган. У Саиднинг беҳатарлиги ғамини ейишни ўз зиммасига олган. Шу туфайли ҳам ҳозир унтерштурм-фюрернинг кўнгли тўқ, ишламаётган фонтан ёнида, нацист хушомадгўйлари уя қўйган ва ҳар бир деразадан эсэсчи ҳамда гестапочилар сергаклик, синчковлик билан кузатаётган Ратхаузнинг ёнгинасида ўзини енгил тортиб турибди. СС зонаси бу ер! Берг унтерштурм-

фюрер кийимидаги кишилар учун энг боп деб шу жойни танлабди. Чунки бу ерда Саид кўзга ташланмайди. Ўз конгрессларига келган туркистонликлар Ратхаузгача етиб келмайдилар. Биринчидан, мажлис вақти икки разведкачининг учрашув пайтига тўғри келади, иккинчидан, ўз бошлиқларининг нутқларидан жонлари ҳалқумларига келган бу туркистонликлар Ратхаузга эмас, бирор нарса билан хордиқ чиқариш ва кўнгил очиш учун кафега ёки ресторанга, ёки ёзилиб дам олиш, ёки бир-бирлари билан гурунглашиш учун дарё бўйига ошиқишарди. Расмий ҳукумат идоралари Туркистон миллий комитети ва Туркистон легиони амалдорлари, офицерлари юрадиган йўллардан олис эди. Ҳаммасидан ҳам худди мана шу амалдорлар Исломбекка хавфлироқ эди. Чунки улар ўзларининг собиқ шериклари ва Ольшернинг ишончли кишисини таниб қолишлари мумкин. Ҳа, айтганча, Ольшер ҳам шу ерда, Венада. Аммо у Саиднинг шериги, ҳозирча шериги, шу туфайли унга яшириниб юрмаса ҳам бўлади...

Соат ўн иккидан беш минут эмас, етти минут ўтиб қолди. Фонтан атрофидан айланиб, ўтилди. Энди Исломбек Ратхаузнинг олд томонидаи ўтган йўлкага, бинонинг нақшдор деворлари ва учли деразалари остига чиқиб қолди. Бу ерда офицерлар кўп бўлиб, улар кираверишдаги зинадан ташқарига кўтарилар ёки зиналардан йўлкага шошиб-пишиб тушардилар. Офицерлар орасида баланд бўйли, малла сочли, ҳамма вақт қаддини ғоз тутиб юрадиган, озода, жиддий оберштурмфюрер ҳам юрибди. Унинг юзларида оғзининг икки четигача етиб келган иккита чуқур чизик илжайганда оғзи ёйилиб кетишига, гестапочининг бутун қиёфасида акс этиб турган совуқ ифодани бузишга қўймасди. Бошқаларнинг кўзи тушмасин, деб қўлларини қора плаши чўнтақларига тиқиб олганди, бу хавф борлигидан, қўлида қуроли борлигидан дарак берарди. Оберштурмфюрерга дуч келган ҳар бир киши шундай деб ўйлайди, беихтиёр ўзини четга олади.

Бироқ ҳозир гестапочи чўнтагидан заживалкасини олиб, папирос чекмоқчи бўлди. Заживалкаси ёнмади, албатта. Ёнмаслиги керак — Берлиндаёқ шунга шартлашилган. Бармоқлари заживалка ғилдиракчасини бир, икки, уч бор босди. Гестапочининг оёқлари эса шу пайтда уни Саид томон олиб борарди.

— Рухсат этинг!

Уларга паролнинг ҳожати йўқ эди. Чунки улар бир-бирларини жуда яхши билишади. Тўхташга, икки оғиз гаплашиш учун тўхташга уларга баҳона керак.

— Марҳамат!— Саид ўз заживалкасини олиш учун чўнтагига қўл солди. Берг ҳам шошилмайди: заживалка қайси чўнтагида экан? Шинелининг чап чўнтагида бўлса керак. Йўқ, шинелида эмас, кителида шекилли...— Заживалка ишлайди,— деди Саид, заживалкани эмас, фрау Хенкелни назарда тутиб. — Фақат текшириб кўриш керак... Мана, марҳамат! — давом этди Саид ва мамнун бўлиб илжайди: заживалка топилди!

— Раҳмат... Менинг заживалкамнинг бензини тугаб қолибди шекилли.

— Шунақасиям бўлади... Мен шу бугун тўлдирдим,— бармоғи билан қопқоғини кўрсатди Саид. Қизиқ, икковларининг заживалкаси бир хил, папирос чекаётиб, Берг, беихтиёр ўзиникини Саиднинг заживалкасига, бугун эрталаб «26 нчи»нинг янги маълумоти солиб қўйилган заживалкага алмаштириб олди. Маълумотда «малика» билан поездда бўлган суҳбат ва Индустрия клубида бўладиган учрашув шартлари айтилганди.

Берг анчагача уқувсизлик билан папирос чекди. Заживалкаси ҳадеганда ёнавермайди. Тўғри, заживалканинг яхши ишламаслиги оберштурмфюрерни унча ташвишга солмайди. Унга фурсат керак, гарчи йўлакда ҳар дақиқаси ҳисобланса ҳам, унга кўпроқ фурсат керак. У папирос тутунини ҳафсала билан гоҳ ичига тортар, гоҳ чиқарар экан, ҳаммаси бўлиб бир неча сўз айтди. Бу сўзлар шундай секин айтилдики, уларни зийрак, қулоқлари динг Ислонбекнинг ўзигина аранг эши-

та олди. Айтилган сўзлар эса маълумотга сира алоқаси бўлмай, уни англаш бутунлай мумкин эмасди:

– Тоза ҳавода кўпроқ юришга ҳаракат қил... Бу жуда зарур... Бу сўзлар шунчаки арзимаган сўзларга ўхшарди, лекин улар Саид учун бахтсизликдан дарак бергандай эди. Даҳшатли бахтсизлик! У бошқалардан шунчалик қаттиқ яшириб келган дард ахийри билиниб қолибди. Саид ҳар куни эрталаб дармонсизлик билан жанг қиларди. Яна қандай жанг денг! Ўрнидан турмасдан аввал у бор кучини тўпларди. У жаҳли чиққанидан, ноиложликдан лабларини тишларди. У ўрнидан турар, юрар, ҳатто баъзан югурар эди. Лекин у буларни бир азобда қиларди. У СС офицери кийимига муносиб бўлиш учун юз машаққат чекса ҳам ўзини тетикликка соларди, тиниб-тинчимасди!

– Шу бугуноқ доктор Эккер олдига кир,— давом этди Берг буйруқ бергандай. Шундай бўлгани дурустдир. Ташвиш, ичкиш Саиднинг аҳволини баттар қилади, гангитиб қўяди. Бундай пайтда маслаҳат, буйруқ кишини унча ранжитмайди, даволаниш керакми, демак буюраверинг. Бўйсунаман!— Доктор Авлиё Стефан собори орқасида туради, олтинчи уйда. Эшигига тахтача қоқиб қўйилган... Эккерга айтиб қўйилган, кеч соат тўққизда сени кутади...

Берг Ратхаузнинг олд томонидаги йўлка бўйлаб кетмоқчи бўлгандай ён томони билан турар ва унтерштурмфюрерга қарамас эди. У сигаретасига қаради. Ким билади, сигаретаси негадир дурустроқ ёнмаяпти. Уни ташлаб юборса ҳам бўлади — у сигаретаси учидан озгинасини узиб олди-да, ахлат қутисига ташлади. Уруш вақтида бундай қилиш исрофгарчилик-ку! Бироқ оберштурмфюрернинг ҳали сигареталари бор, жуда кўп! У қутидан янгисини олиб чека бошлади. Буниси яхши тутади, сира қийналмади. У миннатдорчилик билдириб унтерштурмфюрерга таъзим қилди. У илтифот билан олов тутган бу бегона кишини дарров унутиб, тез кетди. Қора плаши қуёш нурида товланиб

борарди. Тепаси баланд қора фуражкеси ҳам жимирлайди. У этиклари билан тошларни тақиллатиб, гурс-гурс қадам ташлаб кетяпти...

Саиднинг ҳам бу ерда туриши мумкин эмас. У бундай пайтда нима қилиши керак бўлса, ҳаммасини қилди. Саид кителининг чўнтагига зажигалкани солиб қўйди, шинели тугмаларини ўтказиб, Берг кетган томоннинг қарама-қаршисига жўнади... У шошилмай қадам ташларди — нимага ҳам, қаерга ҳам шошарди. У тоза ҳавода юриши керак, шундай қилиши керак...

Саид врачни — Авлиё Стефан собори орқасида яшовчи қандайдир Эккерни ўйлади. У шуни ўйлади-ю, маъюс бўлиб қолди, шу баҳор айёмидаги кўчада кўнгли ғаш бўлди. Демак, ҳар ҳолда иш чатоқ экан...

Берг биргалашиб ишлаб келаётгандан буён биринчи марта Саиднинг соғлиғини тилга олди. Яна қаерда денг, шу ерда, Венада, ҳал қилувчи ҳамла олдидан эсга олди. Ҳал қилувчи ҳамла эканлиги ўз-ўзидан равшан. Ҳамма иш поёнига етмоқда, шу жумладан, «Феникс-2» операцияси ҳам, урушдан кейинги вазифалар ҳам ҳал бўлмоқда. Бу вазифаларни ҳозир, ҳамма фронтларда даҳшатли жанг бораётган айни пайтда ҳал қилиш керак. Душман келажакни — ўлимидан кейин қайта тирилишини ўйламоқда. Бунинг учун у келгусида униб чиқадиган уруғларни, новдаларни сақлаб қолишга уринмоқда. Ўша уруғларни ҳеч топиб бўлмайдиган, ковлаб ҳам топиб бўлмайдиган даражада чуқурга яшириб қўймоқда. Шундай бўлса ҳам ковлаб топмоқ зарур...

Баҳор фаслидаги Вена Саидга боқмоқда. Уни ухлаб ётган мрамор фонтанлар, кўплаб, битта шаҳар учун беҳад кўп бўлган бронза ҳайкаллар бепарво кузатиб қўйишарди. Куёш нурида йилтираган томчилар — сўнги қор томчилари кузатиб қўяётганди. Уй юпқа қор пардаларидан бўшаб, энди апрель куёши нурида қурий бошлаганди. Агар уруш бўлмаганда эди-я! Баҳордаги Венани мириқиб томоша қилса арзирди. Гуё бу шаҳар

ҳавас билан боқиш учун бунёд этилгандай. Аммо Саид урушни ўйларди. У Ратхаузнинг найзадор минораларини ҳам, мудраётган фонтанларни ҳам, кўтарилиб турган отлар устидаги мис чавандозларни ҳам, паркнинг жимжимадор панжараларини ҳам кўрмай, ўз йўлида давом этарди. Унинг хаёли урушда эди... Яна у Авлиё Стефан собори орқасининг қаеридадир истиқомат қилувчи доктор Эккерни, унинг ҳузурига киришни ҳам ўйларди. У ерга, албатта, кирмоғи керак. Акс ҳолда сўнги ҳамла бўлмай қолади...

Штейнбергплатц кўчасидаги Индустрия клубининг кираверишида Германия дўстларининг конгресси деб аталмиш конгресс делегатлари тўпланиб туришарди. Булар босиб олинган областлардан қувилган. Берлиндан ҳайдаб чиқарилган, ҳа, ҳайдаб чиқарилган кишилар эди, чунки Миллий комитетнинг энди пойтахтда қолиши хатарли эди у бутун-бутун кварталлар бомба остида вайрон бўлаётганди. Муҳожирлар ташкилотларининг, СС махсус батальонлари ва махсус топшириқларни бажарувчи легионларнинг вакиллари тинч Венада бир оз хордиқ чиқариш ва ўзларига келиш имкониятига эга бўлгандилар. Ўзларига келиш — бу сўз энди ғалати туюларди. Чунки уларнинг ҳар бирини келажак ғами қийнарди. Делегатлар фронт чизиғидан узоқроқ кетишни, ҳужум қилиб келаётган совет қўшинларига дуч келишдан қутулиб қолишни орзу қилардилар. Улар фақат орзу қилиб қолмасдан, шу орзуни худди шу ерда, Венада осойишта, дўст Франциянинг ярим йўлида амалга ошириш учун қўлларидан нима келса, шунини қилаётгандилар. Улар эсэс фюрерларини ийдириш учун совғалар берар, ресторанларда меҳмон қилишарди. Очикдан-очиқ пора бериб, тилёғламалик қилишарди, ялиниб-ёлворишарди, кўз ёши тўкишарди. Орқага — Шарққа қайтмаслик учун ҳамма нарсага тайёр эдилар. Уларнинг иштирокисиз тақдирлари ҳал қилиб қўйилганини улар билмасдилар.

Немис контингенти бўлмаганларнинг деярли ҳаммаси ишончсиз ва бетайин кишилар ҳисобланиб, Шарқий фронтдан олиниб, Ғарбга, Норвегия, Бельгия, Франция, Италияда гарнизон хизматини ўтаётган жанговар эсэсчи қисмлар ўрнига жўнатилаётган эди.

Бироқ конгрессда бу тўғрисида гап бўлмади. Индустрия клуби минбаридан туриб, фақат садоқатли бўлиш, дўстлик қасамёдига содиқ қолишга даъват этилди. Фюрернинг асил сафдошлари номлари тилга олинди. Бундан ташқари, Туркистон миллий комитетини мустақкамлаш фондига ҳақ тўпланди. Офицерлар муҳожирлар марказининг гуллаб-яшнаши ишига ўзларининг «жамғарма»ларини «қурбон» қилдилар, яъни лўндароқ қилиб айтганда, босиб олинган областлардан талаб келинган бойликлардан бир қисмини ўз «оталари ва фюрерлари» учун ажратдилар. Танафбус эълон қилиниши олдидан полковник Орипов шундай хайрсаховат қилди — у президиум столига 12 минг марка қўйди. Унга қарсак чалишди. Йўқ, қарсакни миллатчилар ишига садоқат кўрсатгани учун эмас, пора берганлиги учун чалинди — штандартенфюрер Франция жанубини, Нем ёки Альбиними, қайси бир орқа томон гарнизонни мўлжалга олиб қўйганди. У Шарққа йўл берклигини аниқ билганди. Айниқса, унинг учун йўл ёпиқ эди...

Худди конгресс очилиши арафасида унинг батальони исён кўтариб, ўз командирини ўлдиришига сал қолганди. Орипов кителининг кўкрак чўнтагида солдатларнинг ультиматумини сақлаб юрганди. Унда қисқа ва аниқ қилиб: «Сенинг терингдан дўмбира ясаймиз. Яхшиси, ўзингни отиб ташла. Биз асир тушамиз», деб айтилганди. Чўнтагида партизанларнинг варақаси ҳам сақланарди. Унда ҳам лўнда қилиб айтилганди: «Ориповни ўлдилинг, ўрмонга жўнанг!..»

«Ориповни ўлдилинг!»— яна нима ҳам қўшиш керак. У ҳаммасига тушунди. Лекин ўшанда, командирлар ертўласида ўтирганида тушунмаганди, у қутуриб

кайф билан ертўладан қўлда граната билан югуриб чиққанди, ўзини химоя қилмоқчи эди, кейин ўлдиришларини тушуниб қолди. Албатта, ўлдиришади! Шунинг учун ҳам, у президиумга ўн икки минг марка, қўйди. Ориповни Вали Қаюмхон кучоқлаб олди, Боймирза Хайит эса қўлини қисди, қўлини қисди-да, фюрерга садоқатли Ориповнинг кўзларига маъноли тикилди. Полковник ўзини Ним ёки Альбида гарнизон офицери деб ҳисоблаши мумкин эди. Доктор Ольшер ҳам маъқуллаб, штандартенфюрерга қараб қўйди. Бу эса кўп нарсани билдирарди: гарнизонларни Ольшер, «Тюркостштелле» бошлиғи тузганди. Полковник Ориповнинг ҳадяси билан конгресснинг эрталабки мажлиси тугади. Кейинчалик доктор Менкенинг айтишича, конгресс жуда яхши тугаганди. Жанговар офицернинг оддий ва сидқидилдан айтган сўзлари туркистонликларнинг руҳини кўтариб ишончини оширди. Барон ҳамон сўз ва ҳиссиётнинг қандайдир қудратли кучига ишонарди. Эҳтимол, унга ишониш мумкиндир. Чунки у идеология бўлимига бошчилик қилган Шарқий министрлик ўзининг сўнгги кунларини кечирмоқда эди. Унга зарурият қолмаганди, зотан Шарқнинг ўзи йўқ эди. Германия шарқи тугаганди.

Вали Қаюмхон танаффус эълон қилиши ҳамон унинг рафикаси Рут Хенкель хизматчилар чиқадиغان жойни пойлаб турди. Уни эри қизиқтирмасди. Эрини СС ва вермахт составидан келган фахрий қоровул хушёрлик билан қўриқларди. «Малика» полковникни кутиб турарди. У эса ҳамон президиум столи ёнида туриб, эгилиб, ҳарбий министрга нималарнидир уқтирарди. Икковининг кайфи чоғлигини Рут суҳбатдошларнинг чеҳралари очиқлигидан билиб олганди. «Битимга келишмоқда,— ўйлади «малика».— Гап кўп, демак у фақат йўлда тугаши мумкин...»

Рут асабийлаша бошлади. У кўпдан буён ўлжасини кутаётган овчи сингари бунчалик ҳаяжонли онларни бошидан кечирмаганди. У сўнгги марта Берлинер

рингда, иккинчи километрда унтерштурмфюрер пайдо бўлганда, уни шу хилда пойлаб турганди. Лекин у пайтда иш ўнғай эди — ҳамма ишга бош-қош Рутнинг ўзи эди. Хоҳлаган дақиқада у фикридан воз кечиб, орқасига қайтиб, ўша ёмғир савалаб турган, шамол увиллаётган қўрқинчли ўрмонни ташлаб кетиши мумкин эди. Ҳозир эса у бошқа шахснинг буйруғини адо этарди, постни ташлаб кета олмасди. Фақат кутиб туриши керак. Сухбатдошлар шошмай-нетмай бир-бирларига бор гапни айтиб, сиполик билан ташқарига йўл олишларини кутиб турмоғи керак. Келишяпти! Хайрият... «Малика» сочини тузатди, вой худойим-ей, Қаюмхоннинг шўрпешана хизматкорлари учун энди ўзига зеб бериши ҳам бормиди!

— Жаноблар!— ноз-карашма билан деди Рут қўлини ҳарбий министр ва полковникка узатаркан,— бунақада «туркистонликлар»нинг бечора онасини қон қилиб юборасизлар-ку. Суткада бир марта, туш пайтида овқат қилинади. Бунга нима дейсизлар?

Полковник ҳарбий министр билан суҳбат чоғида илжайганидек, яна илжайиб қўйди.

— Биз падари бузрукворимизнинг итоатгўй фарзандларимиз!— У ҳамон ўзининг қийин, ҳукмдорлик вазифасини бажараётган Вали Қаюмхон ва соқчи офицерлар турган президиумга имо қилди. Хотинчалиш «фюрер» сочини кичик кумуш тарокда ҳафсала билан тарарди. У қўл остидаги кишилар билан сўзлашганда одатда шунақа қиларди. Аввалига бепарво, сушт, назокатли хатти-ҳаракатлари ўрнига энди президент қандайдир, тўхтаб-тўхтаб, шиддат билан ҳаракат қиларди, гўё асаб касалига мубтало бўлганга ўхшарди. Унга ҳаёти хавф остидалигини айтишганди, бу эса Қаюмхонни типирчилатиб қўйганди. Кимдир сени мўлжалга олиб турган бир пайтда яшаш қийин. Номаълум киши мўлжалга олиб турибди. Потсдамда осон эди — уни нишонга олиб туришганини билмасди. Шунчаки ўқ овози эшитилди-ю, бўйнини иссиқ бир нима

жизиллатди.

— Фақат отаними?—гўё ранжигандай бўлиб деди Рут. — Вагонда «туркистонликлар онаси»ни тилга олувдинглар-ку...

— Янгамизга таъзим этгаймиз,— деди хижолат бўлиб полковник, у «малика» шаънига кўтарилган қадахни эслади. — Сизнинг сўзларингиз биз учун қонун!

— Ухў, жуда ошириб юбордингиз-ку! Лекин бу чин юракданми?

— Наҳотки, «малика» бунга ишонч ҳосил қилмаган бўлсалар-а? Штандартенфюрер билан «малика»ни кузатиб турган Ҳайит лабини тишлади — вагонда тўхтаб қолган ўйиннинг яна давом эттирилиши унга ёқмасди. Ҳозир бу ерда президентнинг рафиқаси ортиқча бўлгани учун ёқмасди. Ҳозир ҳарбий министр ва вице-президент «малика»нинг обрўсини сақлашни ўйлаётгани ҳам йўқ, бунақа ахлоқ-одобга тугуради, у ҳозир ўз манфаатини кўзлаётганди. У Орипов билан муҳим иш хусусида гаплашмоқчи эди, аксига олиб учинчи шахс орага тикилиб турибди. Умуман, Рут полковникка мунча ёпишиб қолдйкин? Келиб-келиб, полковникка-я.

— Жаноблар, ҳазиллашгандим!—кутилмаганда гапни бошқа ёққа бурди «малика». — Мен сизларни дастёрлик вазифасидан озод этаман. Сизлар озод-сизлар... Мени машинагача кузатиб қўйсанглар бас!— Унинг юзида жиддийлик, ҳатто ташвиш ифодаси пайдо бўлди. — Мен солдат ва соқчилар қуршовида пастга тушишни истамайман... Иннайкейин...— Унинг юзи маъюслашди. — Дарвоқе, ўзларингиз ҳам биласиз...

Ҳайит дарҳол тинчланди: нега у Рутнинг полковникка бунчалик қизиқиб қолганини дарров тушуна қолмабди-я. Рутга бу ер хавфли. Отиб қўйишлари мумкин. Ҳатто, барча чоралар кўрилиб, клуб эсэсчилар билан тўлиб-тошган бўлса ҳам отишлари мумкин. Эсэсчилар ҳам нима қила оларди. Потсдамда СС кийимидаги одам ўқ узганди-ку.

— Кечирасиз, — узр сўради Ҳайит.— Бу бизнинг бур-

чимиз... Ҳаяжонланманг, янга!

Улар «малика»нинг икки томонига ўтдилар ва учовлашиб, зинадан пастга томон туша бошладилар.

«Энди мен ҳаяжонланмайман,— ўйлади Рут. — Хотиржамман. Кулишим ҳам мумкин. Шундай ажойиб офицерлар қуршовидаги аёл қувонса арзийди». Шундан кейин у ўзини бепарволикка солиб, қандайдир арзимаган ишлар, кулгили нарсалар тўғрисида гапирди... Зинанинг ўртасига келганда, кимдир унга тикилиб қаради. Ёнидан ёки рўпарасидан қаради.

«Ким бўлди?— титраб кетди Рут.— Менга қараб турган ким экан? Мен кимга хизмат қиляпман, кимнинг буйруғини бажаряпман?» У вагонда сўзлашган кишини жуда ҳам кўргиси келди. У кулар экан, одамлар тўпидан ўша одамни қидира бошлади. Делегатлар шошилишарди, улар кўчага очилиб турган эшикка қарашарди. Лекин ҳеч ким «малика»га қарамасди. Деярли ҳеч ким!

Шу пайт у тўсатдан тешиб юборгудай бўлиб, тикилиб турган мовий кўзларни кўриб қолди. Бу кўзлар пастдан, зина тагидан қараб турарди. Берг у ерда қандайдир оддий кийимдаги немис билан гаплашиб турарди. Яна Берг!

«Малика»нинг миясига ғалати фикр келди. Жуда ғалати, бемаъни фикр. «Бу ердан ҳеч ким ўтмади», — гестапочининг сўзини эслади Рут. Лекин ўтган эди-ку. Уни купеда сўроқ қилган ўша туркистонлик ўтган эди. У купедан чиқа солиб папирос тутунига ўхшаб кўздан ғойиб бўлмайди-ку, ёки арвоҳлар пайдо бўладиган замон келдимикин! Йўқ, бунга Рут ишонмайди. Демак, гестапо ўйинга аралашибди. Ҳаммаси аралашибди. Шунча одамнинг эътиборини ўзига тортган сир нима экан ўзи-я! Шу пайт «малика» ўйиндаги ўз улуши, ўз манфаатини ўйлади. Бўлмаса, елиб-югуришнинг, ўз ҳаётини хавф остида қолдиришнинг нима кераги бор!

– Жаноблар!— деди у қувониб, худди қизиқ, кулгили бир нарсани кўргандай жуда қувониб. Аммо қизиқ, кулгили ҳеч гап йўқ эди. Унинг атрофида киши

газабини келтирадиган совук, ғамгин одамлардан бошқа ҳеч нима йўқ эди.— Жаноблар, мен фикримдан қайтдим... Биз машина олдида хайрлашмаймиз. Бизни ресторанда алоҳида стол кутиб турибди... Аччиғларинг чиқмасин. Яна, ёки сизлар шундай пайтда аёл кишини ёлғиз қолдириб кетаверасизларми?

У шундай деди-ю, ҳамроҳларини қўлтиқлаб олиб, енгил туфлисини тақиллатиб, зиналардан туша бошлади.

«Дунай» меҳмонхонасида Берг навбатчидан ҳарбий министр турган хона калитини талаб этди, калитни бериш ва тилни тийишни талаб этди.

– Бир соат ичида эшикни ҳеч ким тақиллатмаслиги керак! Гапимга тушундингизми?—деди у меҳмонхона навбатчисига.

– Ҳа, оберштурмфюрер жаноблари! Башарти, мен англамаган бўлсам ҳам, тажрибамга ишонишингиз мумкин, хона калити биринчи марта талаб этилаётгани йўқ...

– Шундай-ю... Лекин бу хона калитини ҳеч ким сўрамагандир?

– Ҳа, албатта. Гауптман кечагина жойлашди... Сизга қаршиб юборайми?

– Йўқ, раҳмат... Калит билан хотиржамлик бўлса бас... У юқорига кўтарилди ва хонани очди.

Хона саранжом қилиниб, ҳавоси янгиланганди. Жиҳозлар ҳам ўз жойига қўйилганди. Бу хонага яқинда меҳмон келгани билинмасди. Фақат стол устида муқовасида солдатлар сурати бор бир неча журналлар ётарди. Бу журналлар янги ҳам, унча эски ҳам эмасди, икки ёки уч ойлик журналлар эди. Улар яхшилаб тахлаб қўйилганди. Бу, албатта ходиманинг иши бўлса керак. Чунки, одатда меҳмонлар хонани бунча тартибли сақламайдилар.

Берг журналларга шунчаки кўз қирини ташлаб қўйди. Уни кийим-кечак жавони қизиқтирарди. У жавонни очди-ю, хафа бўлиб юзларини буриштирди — бу

ерда ҳарбий министрнинг кимлигидан далолат берувчи биронта кийим йўқ эди. Хатто, Ҳайит ўзининг тантаналарда киядиган костюмини ҳам Венага олиб келмаганди. Берг эса костюмдан умид қилиб, ҳарбий министр хонасини тинтув қилганди: Хужжат костюм чўнтагида ёки унинг астари тагида сақланмай қаерда сақланарди! Капитаннинг ҳамма буюмлари чамадончада, илгаги никелли оддий чарм чамадончада бўлиши керак. Бергнинг фикрича чамадонча ҳам бўш бўлиши керак, у ерда алмаштириш учун ички кийим, устара ва бир шиша атир бўлиши мумкин. Чамадоннинг иккинчи таги йўқ. Демак, ҳеч нарса яшириб қўйилмаган. Жавоннинг чап томонида ярим жуни ёйилиб, ярмиси тўкилиб кетган чўтка бор эди. Вена камбағаллашиб кетибди!

Ҳар эҳтимолга қарши Берг кўрпа-ёстиқларни, жавон орқасидаги бурчакни, қалин пардаларни текшириб чиқди. Ҳайит пакетни шу ерга, хонага яширгани даргумон. Лекин, нималар бўлмайди, дейсиз! Туалетда ҳам, ваннада ҳам яширилган бирон нарсанинг изи кўринмайди. Демак, пакет Ҳайитнинг ўзида ёки бошқа бирор кишида. Балки полковникдадир. Лекин унда бўлмаса керак. Ҳайит ўлжани тақсимлаб ўтирмайдн. Унинг бунақа одати йўқ. Бунинг устига полковник сирни ишонса бўладиган кишилардан эмас. У ҳукуматдан четда туради, тайини йўқ киши, шерикларининг фикрларини қўллаб-қувватламайди. Қандайдир учинчи киши бор. Ўша ким экан?

Бу хонада жавоб қидириш бефойда. Эҳтиёткор, тадбирли, ҳар бир қадамини ўйлаб босувчи Ҳайит пала-партиш иш тутмайди. Бунга Берг шу ерда, меҳмонхонада яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Орадан йигирма минутча вақт ўтди. Шундай қуппақуруқ, ҳеч нарсасиз чиқиб кетиш бемаънилик-ку. Берг афсусланди, ачинди, кейин жаҳли чиқиб кетди! У хонада, момикдай гилам устида у ёқдан-бу ёққа аста, енгил қадам ташлаб юрар, ўйлар эди. Берг яна ўзининг даст-

лабки оддий, содда фикрларига қайтди. Бу фикрлардан одатда мураккаб, чигал масалалар туғилади. Бергнинг фикрича, агар бирор одам ишлаётган бўлса, Ҳайит иш-лаяпти-ку, ахир, кўплаб бошқа кишилар унга ёрдам беради. Бошда бу ишлар тасодифий, ҳатто энг муҳим масалага алоқаси йўқдай бўлиб кўринади. Лекин улар асосий масалани изоҳлайди, қандайдир йўлни белгилайди. Бу йўллар турли хил тугун ва муаммоларга олиб келади. Ечилган муаммо, албатта асосий масалани ҳал қилиш учун аниқроқ, тўғрироқ йўл очиб беради...

Берг стол ёнидан у ёқ-бу ёққа ўта туриб, бир-икки марта журналларга кўз ташлади. Журналларнинг муқовасида солдатларнинг суратлари бор. Мана, улар хужум қилиб бормоқда... Мана, улар қандайдир уйни ёндирмоқда... Мана, бир одамни тутишяпти...

Кимни тутишяпти? Берг тўхтаб, журнални қўлига олди, муқовасига разм сола бошлади. Бир парашютчи ҳайдаб қўйилган даладан ўрмонга қараб чошиб боряпти. Азбаройи чарчаганлигидан юзлари буришиб кетибди, елкадаги юк халта билан чопиш ғоят қийин. Халтада нима борлигининг аҳамияти йўқ. Халтанинг вазминлиги билиниб турибди, чунки фақат оғир юк кишини шундай букиб қўяди. Парашютчи немис офицери кийимида бўлса ҳам, қиёфасидан инглизга ўхшайди. Бошида фуражкеси йўқ, тушириб қўйибди, озода, чиройли фуражка ерда ётибди, малла сочлари шамолда ҳилпираб, кўзларини беркитиб турибди. Саҳифа остига «хўкиз ови» деб ёзиб қўйилган. Булль — хўкиз, немислар ғарбдаги душманларига шундай лақаб қўйишганди. Сурат остидаги бу ёзув бемаъни, сира қовушмас эди. Бахтсиз, ҳолдан кетган, чўпдай озгин парашютчи қандай қилиб хўкизга ўхшасин! Ҳозир уни бўридан қочиб кетаётган қуёнга ўхшатиш мумкин эди.

Кейинги саҳифадаги йирик қилиб ёзилган: «Ўз кўзингга ишонма!» сарлавҳаси остида қишлоқ хўжалиги ҳаётидан олинган суратлар берилганди. Уларда мийиғида кулиб турган юзи рапидадай французнинг

немис офицерларига вино тутиб тургани, мулойим бир киз бук дарахти соясида ефрейторнинг пинжига кириб ўтиргани, узумзорда бир чолнинг чопки билан ерни юмшатаётгани, балиқчи балиқ солинган саватни қирғоққа олиб чиқаётгани, унинг ёнида эски иштони тиззасигача шимариб олган бир бола тургани тасвирланган эди... Суратлар остига шундай деб ёзилганди: «Франция жосусларга тўлиб-тошиб кетган. Мана шу «беозор» кишилар — душман айғоқчилари — инглиз ва америка разведкачилари. Улар ҳозир йўқ, лекин ёнингизда турган бошқа кишилар—вино бераётган, лабидан ўптираётган, ашула билан кўнгил овлаётган кишилар жосус эмас, деб ким айта олади. Немис солдати, ҳушёр бўл, сен бегона юртдасан!»

Булар ўша вақтнинг одатдаги журнал суратлари эди. Унга эътибор бермай қўйишганди. Аммо Берг эътибор берди. Шунинг учун эътибор бердики, Бергга қадар журнал саҳифалари ким томондандир ўрганилганди, ўрганилганда ҳам жуда синчиклаб ўрганилганди. Мана, сигареталарнинг излари. Ўрганган одам уни ўнг қўли билан тутиб журнални варақлаган. Мана шу саҳифага келиб, қараб қолган, қўли ҳам варақлашдан тўхтаган, узоқ тикилган. Ўша одам суратларни кўрган, текстларни ўқиган, уни нимадир ҳаяжонга солган. Қўли беихтиёр эгилиб, сигаретанинг ёниб турган учи журнал саҳифасига теккан — энг четига теккан. Мана куйган жой. Яна... Яна кўпроқ куйган... Ўша одам буни дарров фаҳмламаган... Қоғознинг куйган ҳидини сезгандан кейин ўқишдан тўхтаган. Тўхтабгина қолмай, кафти билан куйинди изларини артмоқчи ҳам бўлган. Кулларини атрофга ёйиб юборган... Шундан кейин яна ўқишга тушган. Яна саҳифани куйдирган, энди бошқа жойини, варақнинг энг пастини куйдирганди.

У нималарни ўқиган экан? Уни нималар шунчалик кизиқтирибдидейкин?.. Ҳа, ҳа, Франциянинг жануби. У ерда партизанларга қарши ва душман агентурасига қарши жанг бормоқда. Дикқатга сазовор жумла:

«Коммуникациялар ва немис қисмлари жойлаштирилган ерлар душман агентураси билан тўлиб кетган. Сўнгги пайтларда Гар департаментида ўттизга яқин айғоқчи зарарсизлантирилди...» Гар департаменти?! Яна ўша Франциянииг жануби Марсель, Тулон ва Сет — Ўрта денгиз портларига яқин жойлар. Немислар десант туширилади, деб кутаётган жойлар. Мана ўша Ним—немислар гарнизони, энди эса аралаш гарнизон. Агентлар ўша томонга йўл олишмоқда. Офицерларга вино ичираётган савдогар ҳам, эхтимол, Нимдан ёки унинг атрофидан бўлса керак. Буларнинг ҳаммаси жанубга хос — кийимлари ҳам, шароити ҳам...

Мана Ним шаҳри. Полковник Орипов ўша шаҳарга кетяпти. Ўша жойда «ҳарбий ҳаракат» мўлжалланяпти. Унинг боришини Боймирза Ҳайит шу ерда белгиламоқда. Худди шунинг учун ҳам унга суратли журнал керак бўлган: у фотосуратларда тасвирланган келгусидаги ҳарбий ҳаракатлар майдони ва душман билан танишмоқ учун журнални кўздан кечирган.

Берг журналларни ўзи келган пайтда қандай турган бўлса, яна ўшандай тартибга солиб, тахлаб қўйди. Капитан Ҳайит турган хонага кирши фойдасиз бўлмади. Энди маршрут аниқланди, шу маршрутга қараб ҳаракат қилса бўлади. Бу эса энг муҳими. Бу ҳаракатни шу ернинг ўзидаёқ чиппакка чиқариб қўйса яхши бўларди. Бунинг учун чамадончаданми, китель чўнтагиданми, тўшакданми ёки яна жин урсин, қаердан, ишқилиб пакетни, ўша қора клеёнкага ўралган пакетни олиб, ҳарбий министр билан ғойибона хайр-маъзур қилиб жўнаб қолса ҳам бўлади! Бироқ...

Берг ҳорғинлик билан мийиғида кулди:

— Бунақа бўлмайти-да, ахир!

– Ҳаммаси шуми?— деди юзи япалоқ, ҳафсаласи пир бўлиб тиши орасидан, Ольшер жим қолиб, дамани олиш, эҳтимол ҳозиргина айтган гапларини тарозида тортиб кўриш учунми, ўзини стул суюнчиғига ташлаганда.— Бу «Тюркостштелле» бошлиғи учун озлик қилади...

«Мен бирон нимани яшириб қолдимми?— ўйлади Ольшер.— Хўш, нимани? Агар ўзимни фош этилган хоинга солиб, Заксенхаузенга борганимни, кейин кўнгилсиз учрашувни кўзда тутилса, бу жуда арзимайдиган детал-ку, умумий характеристикада ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Мен ишни деб таваккал қилишим ҳам мумкин эди. Бунинг устига, бошқа иложим қолмагани — ҳужжатлар Берлиндан номаълум томонга жўнатилаганди. Номаълум томонга! — Буни Марказий разведка бошқармасидаги ўзига бино қўйган аҳмоқлар тушунишармикин».

— Ҳозирги вақтни ҳисобга олганда кўп эмас,— деди Ольшер ранжиб. Унинг ранжишга ҳақи бор. Чунки бошқа бир оз эмас, унинг ўзи ғарб разведкаси қўлига қўпоровчилик ва жосусликишларини қандай бошқариш ҳақидаги энг махфий ҳужжатларни топширганди.— Қирқ тўртинчи йилда ҳамма нарса бошқача эди... Ҳа, айтганча, мен бирор нарсани ёдимдан чиқарган бўлишим мумкин, рухсат этсангиз, характеристикани ёзиб берсам.

– Ҳожати йўқ!— деди юзи ялпоқ яна юзини газета билан тўсиб. Эсэсчини ўрганиш унинг жонига текканди — балки, энди бунинг ҳожати бўлмаса ҳам керак, танишиш жараёни тугади. Олисдан у тушунтирди:— Характеристика ёзилган... Рой, анавини қўй!— буйруқ берди у таржимонга. Жимжит хонада ўралаётган пленканинг аста чийиллаган овози эшитилди. Ольшер сесканиб кетди: «Аблаҳлар, бир стакан коньякка сотиб олишди-я!»

- Исломбекни мен 1942 йил ёз фаслида ғайри табиий шароитда учратдим...— хириллади магнитофон. Хириллаш қандайдир темирнинг такиллашига ўхшаб, Ольшернинг юмшоқ, қув овозига сира ўхшамасди, лекин шундай бўлса ҳам капитан ўз овозини таниди.— Шароитнинг ғайри табиийлиги шундан иборат эдики, шарфюрерни! ўша пайтда у шарфюрер, яъни фельдфебель эди, мен уни кейинчалик лейтенант даражасига кўтаргандим. Шундай қилиб, шарфюрерни Бель-Альянсда ёки Бергманштрасседа чет эл разведкаси агенти сифатида қўлга олишганди...

- Тўхтат!— қўли билан газетага урди юзи ялпоқ офицер. Овоз дарҳол тинди. Рой берилган командага хайрон бўлиб қараб қолди — у нега тўхтатишганини тушунмади, шунинг учун «у ёғини қўй!» деб буюриб қолишадими деган андишада қўлини клавишлардан олмай тураверди. Аммо буйруқ бўлмади. Ольшерга савол берилди:

- Сиз нимага асосланиб, Исломбек чет эл разведкаси агенти бўлса керак, деяпсиз?

- У «Сикрет интеллидженс сервис» резиденти билан учрашмоқчи бўлиб борган эди,— мужмалроқ қилиб деди Ольшер.— Ўша резидентни Бель-Альянсштрасседа ўлдиришганди... Мен шахсан империя хавфсизлиги бошқармасининг ахборот бюллетенини ўқиганман... Яна ундан кейинги воқеалар... Бўлимдан ўғирланган кенгаш қарори... Қаюмхон уйдаги операция...

- «Сикрет интеллидженс сервис»,— гапни чўзиб ўтирмай асосий ва муҳим масалага кўчди юзи ялпоқ.— Исломбек инглиз агенти эканига сиз ишонасизми?

- Ҳа, ишонаман,— тасдиқлади Ольшер. Юзи ялпоқ бошқалар ҳам, эҳтимол ўзи ҳам кутмаган ҳолда газетани ғижимлади. Шу онда газета унга зарур бўлишига қарамай, уни ғижимлади. Чунки, Ольшер кулранг кўзларини офицерга тикиб, уни мўлжалга олиб турарди.

- Шундай бўлса, нега у инглизлар қўлига етиб келмади? Бундай савол Ольшерга кўп марта берилган-

ди. Корпс ҳам пакет Британия разведкаси қўлига тегмаганлиги аниқлангандан кейин ҳам Ольшерга шу саволни берганди, ҳозир юзи ялпоқнинг ҳайрон бўлиб турганлиги; умуман ҳужжатнинг йўқолганига шамадай туюлар эди.

– Аммо ҳужжатлар сизларга етиб келган-ку?—ўзини тутолмади Ольшер. Чала-чулпа гаплар унинг тоқатини тоқ қилди.—Сизларнинг қўлингизга теккан!

Юзи ялпоқ газетани ёзиб, яна юзини тўсди. У бирор кишининг бақрайиб қараб туришини ёмон кўрарди. Орага сукунат чўкди. Бу сукунатда аниқ, очиқ-ойдин «йўқ» ёки «ҳа» сўзи эшитилиши шарт эди. Ольшер шу сўзни кутарди. У чидаб бўлмас даражада узоқ кутди. Унинг кутган сўзи айтилмади ёки айтишни ишташмади. Унинг ўрнига бурни катта офицернинг заҳархандалик билан таҳқирлаб айтган гапини эшитди:

– Яна коньяк ичасизми?

– Коньякка бало борми!—деди капитан жазаваси тутиб.— Пакет қаерда?

Ольшерга ўхшаб, ҳар қандай вазиятда ўзини тута биладиган юзи ялпоқнинг ҳам жони чиқиб кетди. У газетани столга улоқтирди, газета қушга ўхшаб ерга, гауптштурмфюрернинг оёқлари остига учиб тушди.

– Буни биз сиздан сўрашимиз керак, қаерда пакет.

– Ахир...— Ольшер бўғилиб кетди. Энди унинг тили гап-га келмасди. Ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди — хатти-ҳаракатлари, қилган ишлари, умидлари барбод бўлди. — Ахир, ахир сизлар унинг эвазига ҳақ тўлаб-сизлар-ку? Кимга? Нима учун? Бурни катта офицер Ольшерга аталган коньякни ичди-да, маза қилиб лабини чўлпиллатиб донолик қилди.

– Гап шунда-да... Пул нима деган гап!

Бурни катта кайф қилиб қолганди. У, инсоннинг беҳуда ҳаракатлари борасида пичинг қила оларди. Ҳамон магнитофон клавишларидан қўлини олмаган таржимон бурни каттанинг гапини давом эттирди:

– Ҳа, пул хом хаёл нарса!

Кейин жирканиб Ольшерга қаради:

– Ишончим комилки, сиз пул учун эмас, гоя учун ишлагансиз! Ольшерга ҳамма гапни айтишлари, уни масхара қилишлари, пастга уришлари мумкин эди. Бунга Ольшернинг ақли етарди. Шунинг учун ҳам ҳеч нима демади. У эътироз билдириб, ўзини оқлаб, раҳм-шафқат сўраб ҳам нима қиларди. Унинг қўлида Америка стратегик хизмати ходимларига зарур бўлган буюм йўқ. Ҳеч нарса йўқ. Ишонаманки, бу учрашувнинг мақсади ўзаро афсусланиш билан чегараланмаса керак?— деди Ольшер хафа бўлиб. Бурни катта офицер куюқ қошларини кўтарди, бу қошлар кайфдан пешанасига тушиб турган сочларига теккандай бўлди: у афсусланганини сездирди. Демак, маррага етиб келибмиз...— деб ўзича хулоса чиқарди гауптштурмфюрер.

Бурни катта елкаларини қисди ва юзи ялпоққа қаради — маррами ёки йўқми, буни у ҳал қилиши керак эди. Юзи ялпоқ бош силкитди, дарров эмас, бирпасдан кейин, бу орада у бўлган воқеа ва айтилган гапларнинг мағзини чақиб олди, шекилли. Унинг бош ирғаши ишора эди. Ҳаммалари ҳовлиқиб, шошилиб қолишди, бир-бирларини хонадан туртиб чиқара бошлашди, дастлаб, албатта Ольшерни туртиб чиқаришди. У шоссега чиқиб қолди, ундан кейин «виллис»га — шофёрнинг ёнига ўтирди. «Кузур»лар эса машинанинг орқа ўриндиғига жойлашишди. Зимдан берилган сигнал билан «виллис» олдинга ўқдай отилди. Машина бу ёққа келаётгандагига қараганда анча тез юрарди. Одатда, орқага қайтишда тез юрилади. Ҳамма гап айтиб бўлинди, иш битди, энди кераксиз юкдан тезроқ қутулиш лозим. Ҳа, Ольшер ортиқча юк эди.

Ольшер буни билганидан, тақдирига тан бериб қўйганди шекилли. Фақат бир нарса уни ҳайратга солганди: нима учун «кузур»лар кераксиз юкни ташлаб юбормай, у билан овора бўлиб юришибди? У билан али-бали қилишнинг, учрашиш ва кузатиб қўйишнинг нима ҳожати бор? Мисол учун, нега офицерлар куза-

тиб юришибди, асирни солдат ёки ўша шофёр билан жўнатиб юборишса ҳам бўларди-ку! Умуман бундай даҳмазанинг нима кераги бор?

Офицерлар эрталабдагидек жим боришарди. Бурни катта мудрарди шекилли, таржимон эса осмонга қараб, ҳуштак чаларди, ҳар ҳолда қувноқроқ ҳуштак чаларди, у йигирма беш ёшда ахир. У шундай очиқ кунларда ҳатто қўшиқ айтиши ҳам мумкин. Лекин маҳбус бор жойда бундай қилиш мумкин эмасди. «Виллис» ўқдай учиб кетаётганда баллони ёрилиб кетгандай, тўсатдан, сира кутилмаган бир пайтда юзи япалоқ офицер савол бериб қолди. Ўша жойда бир аёл ҳам бор эди шекилли?

– Қаерда? – бир оздан сўнг деди Ольшер. Юзи ялпоқ нимани сўраётганини Ольшер фаҳмлади, лекин у ўтмишга қайтишни истамасди. Ўтмишга қайтишнинг нима фойдаси бор, ҳаммаси беҳуда!

– Ўша ҳужжатга алоқадор аёлда...

«Аёл! Ҳа, аёл бор эди, эсига туширишга уринди Ольшер.— У кимни назарда тутяптийкин? Эҳтимол, Надия Аминованидир...»

– Таржимон турк қизи бор эди.

– Ўша заҳар ичган қиз-да...— худди таниш кишини эслагандай деди юзи ялпоқ. Ўлганми.

– Ҳа.

– Тириги-чи?

«Наҳотки, улар Рут Хенкелни ҳам билишса?» Ольшер худди ичидан музлаётгандай жунжикиб кетди. Учинчи киши ҳамиша уни чўчитарди. У ўз ишига ҳеч кимни аралаштирмасликка ҳаракат қиларди. Унинг устига Рут чиқиб қолиши ҳам мумкин.

– Бошқа аёл йўқ эди.

Орадан бир минутча вақт ўтди, юзи ялпоқ то Ольшернинг гапига жавобан бир нима дегунча «виллис» бир километрча масофани босиб ўтганди.

— Президентнинг рафиқаси! Унга унтерштурмфюрер ёқарди... Сизнинг унтерштурмфюрерингиз.

«Ёқишгина эмас,— ичида деди Ольшер,— Рут сирни

билиб олишга уста эди...»

— Эҳтимол, — мужмал жавоб берди капитан.

— Қаерда у?

— Бунисини билмайман.

— Тирикми? Ольшер орқаворатдан «малика»ни болаши мумкин эди, Рут бунга муносиб эди, аммо капитан ғазабини сездириб қўйишдан чўчиди, юзи япалоқ ҳар нима деб ўйлаши мумкин. Бундай аёллар заҳар ичиб ўтирмайди, деди Ольшер бепарволик билан пинда қилиб.

— Унинг номи нима?

— Рут Хенкель. Франция «Рундфунк» радио станциясининг собиқ диктори... Ота-онаси Шонгаузераллейда турарди... Бу жой ҳозир Шарқий секторга қарайди...

У «малика» ҳақида яна бир нималар демоқчи эдию, лекин индамай қолди, юзи ялпоқ унинг гапларига қулоқ солмаётганди шекилли. Ҳар ҳолда орқада ўтирганлар луқма ҳам ташлашмади, савол ҳам беришмади. Ольшернинг сўзлари моторнинг шовқини, шамолнинг ғизиллашлари орасида кўмилиб кетди, унинг гапига ҳеч ким ҳеч нима демади. «Виллис» лагерь дарвозаси ёнига келиб тўхтади офицерлар машинадан чиқиш учун ўринларидан қўзғалганда, гауптштурмфюрер юзи ялпоқдан кўрқа-писа аста сўради. Демак, менинг керагим йўқ экан-да? Юзи ялпоқ лабларини қимирлатди. Унинг миясига ноаниқ, шубҳали ва қарама-қарши фикрлар келганида лабларини шундай қимирлатиб қўярди.

— Йўқ, нега энди...— жавоб берди юзи ялпоқ. У шундай деди-ю, дарвоза томон юрди, бу билан бошқа гапи йўқлигини билдирди...

Доктор Эккер пивохона эгасига ўхшарди. Саид шунақа юмалоқ, паст бўйли, юзи қип-қизил немисларни Берлин атрофидаги қовоқхоналарнинг пештахталари орқасида кўрганди. Улар негадир бир-бирларига ўхшаб кетишарди, ҳатто сочлари ўртасидан фарқ очиб, калта сочларини икки томонга ҳўллаб тараб қўярдилар, қоқ миясидаги сочсиз жойни очик қолдирардилар. Эккернинг мўйлови йўқ эди, лекин унинг бурни остидаги мўйлови бўлса жуда ҳам ярашиб турарди. Мўйловини тоза қириб олганидан ўрни кўкиш бўлиб кўринарди. Чаккаси ҳам кўкимтир эди. Умуман, Эккернинг ранги кўкиш-пушти эди, баъзан қорамтир кўринарди. Киши туғма доғдан хижолат бўлганидек, у ҳам ўзининг қорамтирлигидан уяларди, ахир одамлар уни қони аралашган деб ўйлашлари мумкин-да. Қон аралашини эса қутуриб турган орийлар денгизида ёмон ҳамроҳ...

Саид учратган доктор Эккер мана шунақа эди. Аммо Саид бунга кейинроқ, эшик очилиб, даҳлиз остонасида уй кийимида бир одам пайдо бўлгандагина билди. Саид аввал ярим соат, балки ундан ҳам кўпроқ вақтини даҳлизда эски журнал ва альбомлардаги Зальцбургни, тоғ бағридаги Зальцбург кўринишларини томоша қилиш билан ўтказди. Тоғнинг қорли чўққилари осмон билан ўпишиб турарди, тоғ этагигача чўзилиб тушган ям-яшил ўрмон кишини мафтун этарди. Саид даҳлизда бир ўзи эди, ахён-ахёнда бурчакдаги сичқон ниманидир қитирлатиб, қоғозларни шилдиратарди. Венада сичқонлар кўпайиб кетганди. Шуниси қизиқки, бу оч шаҳарда уларга нонларнинг увоғи етарли эди.

Сичқоннинг қитир-қитири ва қоғознинг шилдирётганидан ташқари, баъзан қандайдир инграш, хўрсиниш овозлари ҳам қулоққа чалинарди. Аммо бу одам ноласи эмасди. Авлиё Стефан черковида орган паст овоз билан чалинаётганди. Саид черков ёнидан ўтиб бораётиб, шу ғамгин музикани эшитганди. Энди бу

музика уни ҳайратга солмасди, безовта этмасди, фақат уни сал маъюс қилганди. Бу ғамгинлик Саиднинг фикрларига ҳамоҳангдай эди, чунки унинг фикрлари ҳам нохуш, завқсиз эди. Нотавонлигини сезган киши хурсанд бўлолмайди. У ишнинг охирини ўйлайди. Беихтиёр ўйлайди...

Эккер эшикни очганда, Саид ўзини стол суянчиғига ташлаб ҳорғинлик билан шифтга қараб ўтирарди.

– Унтерштурмфюрер!—секин чақирди уни доктор. Шундай секин гапирардики, Саидга ёнида эмас, олисолисларда, Авлиё Стефан соборида гапираётгандай туюлди.— Сизнинг навбатингиз! Даҳлизда ҳеч ким бўлмай, ҳеч ким уйдан чиқиб кетмаган бўлса ҳам, Эккер ҳузурига навбат билан кириларди. Саид ўрнидан турди-да, бўшашиб врачнинг кетидан эргашди. Ўша одамга, йўқ, врачга эмас, ўша одамга офарин. Чунки бу одам Саидга саволлар бериб қийнамади ҳам, ачинмади ҳам, кўнглини кўтармади ҳам. Касали ҳақида умуман ҳеч нима демади, фақат рўбарўсида, чуқур креслода ўтирган беморга қараб ўйларди. Кейин у жилмайди ва афсункорлар сингари деди:

– Ҳеч нима қилмасак, дейман... Ҳеч нима. Кофе ичиб ўтирсак бас. Қора кофега таъблари қалай?

– Ичавераман...

– Ичавераман, деб яхши айтдингиз. Афсуски, ҳаётда кўп ичишга тўғри келади, ичасизу маза ҳам қилмайсиз, жирканмайсиз ҳам. Коньяк ҳам ичиб турсангиз керак?.

– Уни топиш қийин.

— Менда бор. Кофени коньякка аралаштириб ичсак, маза қиламиз... Улар ошхонага ўтишди. Бу ерга киргач, Саид ҳанг-манг бўлиб қолди: стол ёнида Рудольф Берг жилмайиб ўтирганди. Саид уни биринчи марта шундай вазиятда кўрди. У хавф-хатарни эсдан чиқарадиган ўз уйида ўтиргандек бемалол ўтирганди.

– Танишинглар!—деди Эккер ва ошхона эшигини ёпиб қўйди.— Мен кофе тайёрлагунимча, сизлар Авлиё Стефан черковидан орган овозини эшитиб ўтиришин-

гиз мумкин...

Бу ҳазил эди. Балки органдан янграётган куй, оҳ-воҳли, ғамгин эмас, балки овозлар уйғунлиги билан кишини мафтун этувчи куй деразалари черков томонга қараган хонага ҳам эшитилар. Саид эса фақат оҳ-воҳни, ўзига таниш бўлиб қолган оҳ-воҳнигина эшитарди. Саид суянчиғига ўйиб гул солинган, баландлиги елкадан келадиган қадимий курсига жойлашиб олгунча бир кеча минут олдин Эккер қандай тикилиб қараган бўлса, Рудольф ҳам ўртоғига шундай қараб, мийиғида куларди. «Нега уларга яхши?— сўради ўзидан Саид.— Ёки тинчлик уларга ҳузур-ҳаловат бахш этадими?» У ҳам беҳад хурсанд бўлгиси, бирор бетайин эмас, одатдагича хурсанд бўлгиси, чунончи, соғ-саломат эканлигини билмоқчи бўлди.

— Ҳозир кофе ичамиз,— деди Берг.— Мен кофени ёмон кўраман. Шу аччиқ ичимликка сира одатланолмадим. Лекин аллақачон одатланиш керак эди.

«Мен ҳам ёқтирмайман,— жавоб қилмоқчи бўлди Саид, лекин ундай демади, шунчаки англагандай, бош қимирлатиб қўя қолди.— Тўғри, қора кофега одатланиб бўлармиди... Бу бизга тўғри келмайди...» Саид Рудольф билан иккиси ўртасида умумий бир нарса борлигини англаб кўнгли равшанлашди. Бу умумийлик Рудольфнинг юзида худди болаларникига ўхшаб соддагина ифодаланиб турарди.

— Шундай бўлса ҳам ичамиз,— давом этди Берг. У Саид ўзининг қувватсизлигини аранг енгиб, қўлини стол устига қўяркан, бошини стул суянчиғига қўйишга уринаётганини кузатарди. Буни кўрган Бергнинг кўзларида бир лаҳза ташвиш, ачиниш ифодаси пайдо бўлди. Ҳа, фақат бир лаҳзагина Саид унинг ташвишланганини ҳам, ачинганини ҳам сезмади, у фақат дўстининг юзида ўйнаётган қувончли кулгини кўрди-да, унга жавобан кулиб қўйди.

— Албатта, ичамиз, бажону дил рози бўлди Саид. Уй эгасини хафа қилиш яхши эмас. Хафа қилиш керак

эмас. Ичиш бу — бир сабаб. Уй эгаси яхши одам экан, у Саиднинг касали ҳақида бир нима демади.

— Бугунгина ичиб қолмаймиз, ўз фикрини давом эттирди Берг. Сенинг йўлинг яна Венага тушиб, танҳо бўлиб қолганинда... Бир ўзинг қолганинда Эккер эшигини қоқасан. Булар орасидаги умумий сирга Эккернинг алоқаси борлиги Саидни ҳайратга солмади, ҳар қалай у шунақа бўлса керак, деб кўнглидан кечирган эди. Аммо, танҳо қолиши мумкинлиги уни ваҳимага солганди.

Шунақаям бўладими, ахир?— сўради у.

— Нима?

— Ёлғиз қолиш-да... Берг бошини қуйи солди-да, гўё дастурхон гулларидан бир нимани ўқиётгандай ғалати бўлиб дастурхонга қаради. Эс-ушини йиғиб имиллашдан у ўқишга қийналди шекилли.

— Шу кунга қадар якка эмасмидинг? Ўша Бенъяминовада, Бель-Альянсда...

Мен сенинг олдинга бораётгандим.

— Иккимиздан биримизнинг олдимизга,— деб унинг гапини тузатди Берг. Лекин танҳо қолишинг мумкин деб юртингда айтган бўлишса керак... Ҳатто, шундай бўлади дейишгандир. Саидни бу ҳақда огоҳлантириб қўйишганди, фақат огоҳлантирибгина эмас, битта ўзи босиб ўтиши зарур бўлган йўл тўғрисида ҳам айтилганди. Лекин ўшанда Вени тилга олинмаганди. Умуман, 1944 йил ҳақида гап бўлганди ким бундай узоқни кўз олдига келтирмаганди.

— Нахотки, энди шунақа пайт келган бўлса?

— Мен бунақа деганим йўқ,— аниқ жавоб беришдан ўзини олиб қочди Берг.— Лекин танҳо қолгудай бўлсанг...

— Сен мени танҳо ишлашга ўргатаётганга ўхшайсан.

— Ўртоғининг гапини бўлди Саид, унинг қалбини қўрқув эмас, қайғу эзарди. У нимадандир, ўзгаларнинг бошқа одам қайғусига шерик бўлишидан юраги эзиларди. Бергнинг юраги ачишадими ахир? Маълум вазифани бажараётган гестапочининг эмас, балки

чин инсон — Бергнинг юраги ачишадими? Ачишадими эмас, ачишиши керак. Ахир Саид қанчадан-қанча азоб чекди: йиқилди, ўрнидан турди-да, яна йиқилди. Ўлишни истамаса ҳам ўлимни кутди. Ўлимдан нафратланса ҳам, лекин уни кутди... Бергчи. Унинг олдида тубсиз қоронғи жар йўқмиди? Мана. У жилмайиб турибди-ю, лекин ўзини қандай ҳис этаётганин? Эҳтимол, унга Саиддан кўра кўпроқ далда керакдир, унга руҳини кўтарадиган илиқ сўзлар айтиш зарурдир! Саид шуларни ўйлади-да, сўради-да:

— Рудольф, сен ҳам танҳо қоласанми?..

Саид икковлари дуч келиши мумкин бўлган танҳолик ҳақида сўради. У шундай деб сўради-ю, лекин энг яқин дўстидан ҳам, агар у разведкачи бўлса, буни сўраб бўлмаслигини англади. Уларнинг икковлари ҳам разведкачи. Танҳо ишлаш уларнинг сирларидан бирику. Ахир бу ҳар қандай вазиятда ҳам бузилмайдиган шарт-ку. Саид учун Берг ҳамиша танҳо бўлиши керак. Оқилона шарт сирнинг фош этилишидан сақлайди. Бу сирни билмаган киши алаҳлаганда ҳам, жон талвасасига тушганда ҳам билмаган киши бўлиб қолаверади.

Берг жавоб бермади. У дастурхон гулини ҳафсала билан ўрганаётганидан бу саволни эшитмай қолиши ҳам мумкин эди. Шундан кейин Саид: Кечирасан, Рудольф!— деди. Шу пайт кофе чойнаги ва мақтанса арзийдиган чашка, стулларга ўхшаган қадимий чашка кўтариб Эккер кириб келди. Аммо уй эгаси қулай фурсатдан фойдаланмади, меҳмонлар эътиборини мейзен чинниларга жалб этмади. У идишларга сира алоқаси бўлмаган бутунлай бошқа нарсани гапирди.

— Австрияликлар Венани очиқ шаҳар деб эълон қилишмоқчи,— деди у ташвишланиб.

— Энди улар Венани ўйлаб қолишибди-да, кулимсиради Берг.

— Сиз Венани энди ўйлай бошлашибди, демоқчисиз.. Ҳа, афсуски, Вена ҳақидаги фикр миямизга жуда кечикиб келди...

— Ленинграднинг деярли ҳамма театрлари ва саройлари харобага айлантирилган бир пайтда,— деди Берг. Вена операсини ҳимоя этиш тўғрисида гапириш қийин, Қонуний ўч олиш туйғуси бор. Урушни австрияликлар бошлаган эмас, — веналик-ларни оқламоқчи бўлди Эккер.

— Лекин улар урушни тугатишни ҳам ўйлашмаяпти...

— Ахир, бизнинг истагимиз билан ким ҳам қизиқарди. Соқов гапиролмаса, ким уни айблай оларди! Ҳа, келинлар, жаноблар, кофени ичинглар. Ўша аввалги яхши замонларни эслайлик. Мен доимо кечқурунлари кофе ичиб, музика тинглардим... Кулманг, орган ҳам — музика. У жимиб, чойнақдан чашкага майин жилдираб қуйилаётган кофе овози орган товушини босиб кетмасин, деб кофени қуйишни ҳам тўхтатди. Орган ҳамон чалиниб турарди. Унинг ҳозирги овози ғамгин, оҳнадоматли эмасди, унинг бутун атрофни, бутун оламни чулғаб, қамраб, мафтун этиб, абадий уйқу олдидан уни итоатга келтирадиган, қайғули садолари янграрди.

— Бах!— ўйлаб турмай деди Берг.

Орган овози яна бир-икки минут янгради, шундан кейин Эккер деди:

— Биз Бахни севмаймиз... Унинг куйлари беҳад оғир.

Эккер меҳмоннинг нодонлигини юзига солишни истамасди. У шунчаки Венани ажнабийдан ажратиб қўя қолди.

— Берг буни англади. Веналиклар Бахни қувиб чиқаришмоқда, — деди Берг илгаригидек истехзо билан. — Аммо бизга чидаб келишмоқда.— У гестапо ва ССни назарда тутганди.— Азиз доктор, музика ҳистуйғунинг энг нозик ифодасидир. Мен бирор қувнок музика тинглашни севсам ҳам, лекин музикадан беҳабар одамман... Сиз ҳаётга умид билан қарайсиз, оберштурмфюрер жаноблари,— деди Эккер меҳмонга кофе узатиб.— Сизга ҳамма нарса аниқ ва равшан. Бу бахт...

Берг елкаларини қисди — докторнинг сўзлари-

да таъна, ҳатто мазах оҳанги бор эди. Лекин, чиндан ҳам у, дунёни рўшноликдан иборат деб билганларгина бахтли бўладилар, деб ўйлагандир. Эҳтимол,— ноаниқ жавоб берди Берг. Деворлар орқасидан яна органнинг мунгли садолари эшитилди, бу музыка инсоннинг азоб-уқубатдан қутулишга уриниши беҳуда эканлигини эслатди. Учовлари миқ этмай куйни тинглашди. Доктор хўрсинди:

Бундай ҳол тугаши керак, — деди у. Кўринишдан бақувват бу одамга уруш қийинчиликлари оғирлик қилаётган эди.

— Тугатиш зарур,— уй эгасининг гапини тузатди Берг.

— Зарур?— бегона бир кишининг гапи уни бир лаҳза хайратга солди, ҳатто қаршилик кўрсатишга чорлади. Кейин кутилмаганда Бергнинг гапига қўшилди. Ҳа, ҳа, зарур. Қайноқ кофе ва коньяк баданни иситди; улар қандайдир енгил тортиб, ичларида қувонишарди. Эккер органнинг оҳ-нолаларини эшитмай қўйди, уни унутди шекилли.

— Албатта, зарур,— қайтарди энди у дадилроқ бўлиб.— Одамларни итоаткорона йўл тутишдан қутқариш керак... У ҳушим келди бир одам эди, ҳар замонда бир ҳовлиқиб қўярди. Аммо доктор тез-тез умидсизланиб, қўлини ювиб қўлтиғига артарди. У ҳеч нарсага ишонмасди, ҳеч нимага умид боғламасди. Венани камчилаб турувчи гестапо жазолари уни даҳшатга соларди — у ўзидан кўрқмасди-ю, лекин яқин кишиларнинг бахт-сизлигига чидай олмасди. Эккер ўзининг совуқ уйига биқишиб, ҳеч кимни қабул қилмасди, уйдаги телефон ишлаб туришига қарамай ҳеч кимга телефон қоқмасди. Фақат китоб ўқирди, орган ноласини эшитарди. Ҳа, органнинг оҳ-ноласи эшитиларди, бу нола қабристонда эшитилаётганга ўхшарди, уни эшитган кишининг қалби эзилиб, гам-ғуссага тўларди...

Ажабо, Эккер Бергга кўмаклашяпти. Шундай бўлиб чиқди. Берг ёрдамчи таппагани йўқ. Унга Эккерни

тайёр ҳолда тақдим этишди. Эккернинг ўғли ёш адвокат бўлиб, Сталинград ёнида асир тушганди, бир йил ўтгач, «Немис офицерлари уюшмаси»га аъзо бўлиб кирди ва отасидан Гитлерга қарши ҳаракатни қўллаб-қувватлашни талаб этди. У отасининг характери биларди, шунинг учун у отасини авраб, илтимос қилиб ўтирмасдан, талаб этди. «Биз ўзимиз англамасак, бизга ҳеч ким ёрдам бермайди. Биз ҳам инсонмиз, бизга, албатта озодлик керак, деб ёзди у отасига.— Мен сени биламан, Венани севасан, шунинг учун биз билан бирга бўласан!» Эккер улар билан бирга бўлди. У қўрқоқ эмасди. Ўлиши, жим туриб ўлиши мумкин эди-ю, лекин қаттиқ туриб, астойдил курашга майли йўқ эди. Назарида душман жуда кучли, жуда шафқатсиз туюларди, ўзининг кучи эса ҳеч балога етмайдигандек эди. Шундай бўлса ҳам Эккер қаршилиқ кўрсатувчиларга қўлидан келганча, биринчи галда уларга ўз уйини бериб, ўзининг врачлигидан фойдаланиб кўмаклашди. У бирор ғайри табиий, муҳим иш қилгани йўқ. Лекин бир куни унга: «Сизнинг ёрдамингиз бебаҳо», дейишганди, Эккер маънос кулиб: «Уруш ҳар ҳолда давом этапти, тўртинчи йилдирки, биз қорахат оляпмиз», деганди. У урушнинг охирини кўрмасди...

Саид нотаниш, аммо бирор нимаси билан яқин бўл қолган киши гапини тинглагандай, докторнинг гапларини эшитиб ўтирарди: «Агар биз ҳеч нима қилмай ўтирсакчи,— эслади у докторнинг гапини.— Шундай ўтирсак, кофе ичсак бас...» Мана энди улар кофе ичиб, Бах ҳақида — нимагадир Бах ҳақида, докторга беҳад азоб-уқубатли, шунинг учун ҳам фойдасиз бўлиб кўринган ҳаёт ҳақида, Саид учун эса; аксинча — беҳад машаққатли бўлса ҳам, жуда зарур бўлган ҳаёт ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Бу ҳаёт, гарчи! қаҳвахона эгасига ўхшаган Эккер томонидан ато этилган бўлса-да, жуда керак эди. Саид ҳам бундан хурсанд эди. «Ҳеч нима қилмаймиз!» Бошқача қилиб айтганда, бирон нима қилишнинг кераги йўқ. Ҳа, ҳа, илгаригидек яшаш

керак. Сўзлар... Одамлар сўзсиз яшай олмайдилар. Лекин шунча кўп сўзнинг нима кераги бор. Нахотки, доктор ҳаракат қилиш вақти келганини билмаса! Фақат ҳаракат қилиш керак. Рудольф эса буйруқ бериш ўрнига уй эгасининг қулоғига оддий ҳақиқатни қуйиб ётибди. Эккер эса буйруққа ўрганганлар, ҳеч бўлмаганда чақиришга кўникиб қолган одамлар тоифасидан!

Доктор ўжар одам. Шундай бўлса ҳам у Саидга ёқарди. Саид Бергга, улар уй эгаси билан хайр-маъзур қилиб, Авлиё Стефан черкови майдонига чиқишганда шундай деб айтди. Орган энди тинганди — ибодат тугаган бўлса керак. Тошдан ишланган ҳайбатли черков деразаларидан ёруғлик тушмасди, қўлларини илтижо билан кўкка чўзиб турган ибодатхона найзалари зимзиё осмонда кўринмасди. Қачонлардир шундай пайтларда тиниб-тинчимайдиган, қувноқ Вена энди жимжит, қайғуга ботган бўлиб, ташвиш билан мудрарди. Бу унсиз мотам Венага ярашмасди.

— У ҳалок бўлиши мумкин,— афсусланиб деди Саид.

У ҳамон доктор ҳақида гапирарди. Берг ўз ода-тича қора плаши чўнтақларига қўлини тикди-да, аллақандай ҳуштак чалди, астагина ҳуштак чалди. У болаларча мулоҳаза юритаётган Саиднинг гапларини бўлишни истамади. У Саиднинг гапларини эшитаётган бўлса ҳам, жавоб қилмасди. Саид эса ўз фикрларини ҳадеб қайтарарди.

— Бундай гирдобда бардош бериш қийин... Мен докторнинг эшигини қоқиб, уни топа оламанми?

Улар майдонни кесиб ўтиб, Венага хос бўлган, икки томонини унча баланд бўлмаган уйлар ўраб олган эски кўчадан анча юриб борди; кичик деразалар, нақшдор бўғотлар, зинапоя устидаги чироқлар — ёнмаётган чироқлар, жилмайиб турган шляпали қиз-жувонлар, цилиндр ҳамда китель кийган қувноқ эркаклар тасвирланган ҳашаматли вивескалар кўзга ташланарди. Бу вивескаларнинг осилганига ярим аср бўлганди. Вена ўзининг анъанавий либосини ўзгартиришни истамасди.

Кўча икки йўлдошни янги майдонга олиб чиқди. Шундан кейин улар яна тош йўлдан анча юриб борган бўлсаларда, чурқ этишмади. Берг Саиднинг черков олдида айтган гапларини эсидан чиқарди, шекилли. Ҳолбуки, бу гаплар Саиднинг қулоғидан кетмас ва у ўша саволларга жавоб кутар эди. Жавоб эса унтерштурмфюрер кутганидан бутунлай бошқача эди. Умуман, бу жавоб эмас, балки қандайдир ташвишли огоҳлантириш эди.

– Берлинга қайтиб бориш мумкин эмас,— деди Берг майдон ўртасида, кимсасиз, хилват жойда. Дўстларнинг сўзларини фақат ҳайкал — ёй ушлаган қанотли ёш боланинг бронза ҳайкали эшитиши мумкин эди. Кар ва соқов боланинг юзида кулги ифодаси қотиб қолганди. Берг уни айланиб ўтгач, ташвишини айтди.

– У ер хавфлими?— шошиб яна савол берди Саид.

– Ҳа. Берг жудаям камгап-да! У, агар ишга унча зарурияти бўлмаса, икир-чикирларни гапириб ўтирмасди. Огоҳлантиришнинг ўзи, аниқроғи — Берлинга қайтиб боришнинг ман этилиши етарли бўлса керак. Ҳўш, нега мумкин эмас? Саид буни билишни истайди, билиб олиши шарт!

– Фавқулодда ҳолат эълон қилиндими?

Берг қоидани бузишга мажбур бўлди. У тушунтириб берди:

– Берлин ёнмоқда... Кеча-ю кундуз бомбардимон қилиняпти... Аммо муҳими бу эмас. Ҳамма миллий комитетлар кўчирилмоқда... Туркистон комитети Нюрнбергга кўчирилмоқда. Тўғри, Ҳайит ўзини ва махсус вазифаларни ўтовчи батальонни империя канцеляриясини ҳимоя қилиш учун Берлинда қолдиришни таклиф қилди. Лекин ҳозир бу таклифни қабул қилишлари гумон. Кейинроқ қабул қилишлари мумкин! Ҳар ҳолда Ҳайитнинг қасами бошқаларга таъсир қилди. Ҳайит: «Биз охирги нафасимизгача Берлинда бўламиз. Агар Олло таолло амр этса, унинг тошлари устида жон берамиз», деди. Фюрер бунақа қасамларни ёқтиради. Қасамни эсида сақлайди. Менимча, империя канцеля-

рияси қуламасданоқ Ҳайит Қаюмхон ўрнини эгалла-са, керак... Ҳозирча иккови, улар билан бирга ҳамма туркистонликлар Ноенбургерштрассени ташлаб кетишмоқда. Сен эса Берлинда якка ўзинг қолишинг мумкин... Англадингми? Бунинг устига Дитрих бирор нарсани фахмлаб қолганга ўхшайди. У ниманидир қидиряпти. У Юрачишқадан берилган хабарни эсидан чиқармаган шекилли. Саид Рудольфнинг Дитрих ни-манидир қидиряпти, деган сўнгги гапига эътибор бер-мади. Қидирса қидираверсин, бу унинг вазифаси. Саид легионерларнинг тақдирини ўйларди.

– Уларнинг сўнгги бошпанаси Фарбми?—у афсусла-ниб, ҳатто ғамгин бўлиб сўради. Унинг хафа бўлиб га-пиришини Берг кутмаган эди. Авваллари легионерлар ҳақида гап борганда Саид бунақа бўлишини сезмаган-ди.

– Сен Ҳайитни ўйлаяпсанми?

– Йўқ... У ўз уйида. Мен киндик қони тўкилган жой-ларига бориш учун йўл қидираётганларни ўйлаяпман. Ўзбекларнинг бир гапи бор: «Еридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар». Кейин улар Фарбдан бутунлай қайтиб келишолмайди...

Кутилмаган гапдан таажжубланган Берг энди ташвишга тушиб қолди. У бундай хавфли курашда, уларнинг курашида кўнгил алағдаликнинг оқибатини ўйлади, ахир бу курашда ягона мақсад, бир бутунлик хато ва ҳалокатдан сақлаб қолади.

– Сен разведкачисан,— деб Саиднинг ёдига сол-ди Берг. Берг бу билан нима демоқчи? Одамийлик, хайрихоҳлик, раҳм-шафқат, изтироб, ачинишни йиғиштириб қўйиб, фақат ягона мақсад йўлида ҳаракат қилиш керак демоқчимми? Аммо Саид инсон эди. Буни у ҳозир бутун борлиғи билан ҳис этарди. У ўз элатлари-га ачинарди, уларни севарди. Ҳа, севарди ва қутқариб қолмоқчи бўларди. Қандай қилиб қутқариб қолишни ҳали билмасди, ҳатто қандай йўл тутишни ҳам ўйлаб кўрмаганди. Аммо қутқариб қолишни истарди. Унинг

бу истаги ватандошлари, яқинлари, энг керакли киши-ларига ачиниш туйғуси билан бирлашиб кетганди.

Берг жавоб кутмади, унинг устига жавоб олиш учун савол ҳам бермаганди. У дўстининг фикрлари гўё янграётгандай, уларни илиб олиш мумкин бўлгандай, уларни билишга, эшитишга уринарди. Хайкал орқада қолиб, бу йўловчилар яна қадимий уйлар, қадимий вивескалар осиб қўйилган сокин тор кўчадан чиқиб қолишганда Берг деди:

– Нима ҳам дердим, тинчлик бўлиб, одамлар ўз устларидан шинелларини ечиб ташлаганларидан кейин бу адашганларни ўйлашса керак.

– Ҳозир-чи?— умидвор бўлиб сўради Саид.

– Ҳозир, энг муҳимини қилиш керак... Ўша мақсадни деб сен билан мен бу ерларда юрибмиз. Қоялар дара тубини қисиб, торайтириб қўйганидек, уйлар ҳам кўчани қисиб, қоп-қоронғи қилиб қўйганди, улар бу тор, қоронғи, нохуш кўчадан тезроқ ёруғликка чиқишни истардилар.

– Агар мен уларга кўмаклашсам-чи,— деди Саид секин ўсмоқчилаб. У дўстининг маслаҳатига қулоқ солмади.

– Сен эркин ҳаракат қилиш учун рухсат олмақчимисан?

– Йўқ, шунчаки сенинг фикрингни эшитмоқчиман.

– Менинг фикрим сенга ёрдам бермайди. Ҳар ҳолда, мен бу ишингни рад ҳам этолмайман, маъқуллай ҳам олмайман...

– Рудольф, сен менинг мақсадимга тушунмадинг... Кел, шу ердан тезроқ кетайлик... Бу ер дим экан.

Улар қадамларини тезлатиб, тош йўлни тўғри кесиб ўтадиган кенг кўчага чиқишди, муюлишда бир лаҳза тўхташди, бу кўча қоронғи бўлса ҳам, ҳозиргина ўтиб келишган, тор, уйлар қисиб қўйган, дарага ўхшаган кўчадақа эмасди. Улар кўчани кўздан кечиришди. Катта кулранг бинолар бир-биридан олис бўлиб, осмон йўлкаларга, қишда яланғочланиб қолган дарахт

каторларига хира нур сочиб турарди.

– Сен маслаҳат беролмайсан,— деди Саид.— Тушунман, сендан хафа бўлмайман. Ахир ҳозир ҳеч ким бунақа маслаҳат беролмайди...

Улар яна юришди, энди худди сайр қилиб юргандай хотиржам, аста қадам ташлашарди. Улар ҳеч қаёққа шошмасди, шошмасдан ажралишмоқчи эди. Гарчи улар ажралишни, ажралиш онлари яқинлигини сезмаган, идрок этмаган бўлсалар ҳам ажралишди. Шунчаки, улар тақдир ато этган вақтни чўзардилар, холос.

– Йўқ, нега маслаҳат беролмас эканман,— хижолат бўлиб жавоб берди Берг.— Агар сен босиб ўтишинг керак бўлган сўқмоқни яхши билсанг, енгиш зарур бўлган ғовларни аниқ кўрсанг, ўшандан кейин унча-мунча кучинг қолса...

– Мен ожизман...— тушунди Саид.

– Йўқ, йўқ... мен бундай демоқчи эмасдим. Бошқаларга қараганда сенинг қўлингдан кўпроқ иш келади. Лекин сўқмоқдан бурилиб, бошқа ёққа уриб кетишга кучинг етармикин...

– Мен сўқмоқдан бурилмайман.

– Сен худди ҳаммасини кўриб, билиб қўйгандай ишонч билан гапирасан-а... Мен полковник Ориповдан бошқа, Ним ва Альбидаги гарнизондан бошқа бирон нимани кўз олдимга аниқ келтиролмайман... Дарвоқе, «лайлак» лақабли яна бир кишидан бошқа... Лекин мен уни яхши билмайман. Қолганлари эса ноаниқ, мужмал. Туман тарқалиб, сўқмоқ аниқ кўриниши учун кўп куч сарфлаш керак... Сен туркистонликларни қаерда қутқариб қолмоқчисан?

– Нимда. Берг ҳайрон бўлиб, елкаларини қисди.

– Сен ўзингни ҳам, уларни ҳам автомат ўқларига тутиб бераркансан-да... Ёки Юрачишкани унутиб қўйдингми?

– У ерда Ҳайит бор эди... Агар легионерлар бир соат бурун уйғотилганда, уларга ўқ етмас эди. Бу аблаҳ деярли ухлаб ётган бир рота туркистонликларни отиб

ташлади.

– Сен Хайит Ним ёки Альбида шундай қилмайди, деб аниқ айта оласанми?

– У ерда улар индамай ўлиб кетавермайдилар. Мен бунга аминман. Легионерларнинг кўзига бок, кўзлари ғазаб, ғам-аламдан ёниб турибди... Улар Хайитни бўғиб ўлдиришади.

– Нимдами? — сўради Берг.

– Бўлмаса, қаерда? — англамади Саид.— Ахир, хоинни қаерда жазолаш барибир эмасми.

– Барибир эмас. Немислар Франциянинг жанубини мудофаа чизигига айлантирган, у ерда бир неча қўшин турибди. Легионерлар бош кўтарганлари ҳамон, уларни бўғиб ташлашади. Юрачишка воқеаси яна қайтарилади, қайтарилганда ҳам ундан бешбаттар бўлади. Бир взвод ёки рота эмас, бутун бир батальон ҳалок бўлади...

– Хўш, бўлмаса нима қилмоқ керак? Туркистонликлар борган сари ватандан узоқлашиб бораётгунларига қараб туравериш керакми? Берг дўстига қаради-ю, ачиhib кетди, элатларининг тақдири Саидни қийнаётганди, уни бу азоб-уқубатдан халос этиш мумкин эмасди. Рудольф қўлини дўстининг елкасига қўйди. Бегона юртда бирга бўлиб қолган икки кишининг кўнгил яқинлигига раҳна соладиган бирор ташвиш, бирор зиддият йўқдай, у қўлини Саиднинг елкаларига оҳиста, хотиржам қўйдида, ўйлаб туриб деди:

– Оғайни, бизнинг ишимиз оғир иш...

– Биз инсонмиз-ку.

– Ҳа, инсонмиз... Шунинг учун, баъзан бирон бемаъни иш қилгинг келади. Қани энди ҳеч нимани, ҳеч нимани ўйламасдан кечаси билан мана шундай айлаhib юрсанг...

– Ҳеч нарса ўйламай... Улар кенг кўчадан яна тор кўчага бориб қолишди, осмондан тушаётган ёруғликни баланд томлар тўсганидан икки дўст деярли қопқоронғида боришарди, фақат хира кулранг йўлка аниқ кўзга ташланиб, унда минглаб оёқ теккан тош йилти-

раб кўринарди. Дўстлар эски ҳовли олдида, дарвоза қуббаси баланд тахмонга ўхшаган ҳовли олдида тўхташди. Исломбек то конгресс ўтгунча бир неча кун шу жойда истиқомат қилганди. Бугун сўнгги тун эди, эрта азонда поезд уни Мюнхенга, ундан кейин Страсбург орқали Парижга, жанубга — Нимга олиб бориши керак эди.

— Мен сен билан кўпроқ гаплашмоқчи эдим,— деди Саид.

— Нима ҳақда?

— Шундай... кўп нарсалар ҳақида. Шунчаки гаплашмоқчи эдим. Сен айтгандай бир бемаънилик қилай, дегандим. Берг кулиб юборди. Боя айтган гапи унга болаларникидай содда туюлди.

— Бемаъни иш қиладиган кунимиз ҳам келиб қолар.

— Келиб қолар,— хўрсинди Саид.

Коронғида Берг Саиднинг совуқ қўлини пайпаслаб топди-да, уни шоша-пиша, бирров қисди.

— Вақт бўлди, дўстим...

— Хайр!

Бергнинг қора плаши тош тахмон ёнидан липиллаб кетди, қабариқ жой орқасига ўтгач, кўринмай қолди, тош йўлда бир дақиқа секин, лекин қатъий қадам товушлари эшитилди-да, кейин тиниб қолди. Қадам товуши эшитилмай қолгандан кейин Саид секин, пайпаслаб қоронғида чуқур қудуққа ўхшаш ҳовлига кира бошлади. У ерда, ўнгда, зина остида унинг уйи — қисқа тунни ўтказиш учун кирага олган хонаси бор эди...

Берг меҳмонхона номерига етиб келдим, энди зоранг дарахтлари пастаккина кичик хиёбондан ўтиб, вестибюлга кирсам бўлди, деб ўйлаганди. Берг хотиржам, ҳатто бир оз паришон ҳам эди, чарчаганлиги сезилаётганди. У ҳозир фақат бир нарсани — дам олиб, тўшақда газета ўқиб ётишни ўйларди.

Хиёбон охирида папирос чекибми ёки аста гаплашибми, икки киши турарди. Кўринишларидан улар жуда беозор кишиларга ўхшарди. Берг яширин ишга

хозирланаётган кишини фош этувчи нарсаларни биларди. Унинг ҳам сири бор эди, бу сирни доимо ичида сақлаб келарди. Лекин шундай бўлса ҳам икки эркак ўзини билдирмаслик учун атайлаб хиёбон охирида суҳбатлашиб тургани шу дақиқада унинг ақлига келмаганди... У уларни четлаб ўтиш мақсадида бир оз ўнгга бурилди. Негадир, Берг ўзининг сўнгги одимини диққатни тортадиган, шубҳалидай тасаввур қилди. Бу одим унга, албатта, Берлинда, Дитрих кабинетига қўйилган қадамдай туюлди. Бу хонага оберштурмфюрер қайтиб чиқаманмикин, деб иккиланиб кирарди, ёки шаҳар четида, Тинч Панков маҳалласида, қора чарм қопланган кичикроқ эшик орқасида ҳам ўзини шундай ҳис этарди. Бу ерда, хиёбонда, Венадаги заранг дарахтлари тагида эмас...

– Оберштурмфюрер!

Халиги икки одам унга қараб қадам ташлади, эҳтимол қадам босмай, шунчаки энгашиб қўя қолгандир. Бироқ Берг, одатдагидек, плашининг ўнг чўнтагидаги тўппончани ушлаб турса ҳам ҳеч нарса қилолмади. Дарвоқе Берг улгурганда ҳам қуролни ишлатмаган бўларди. Чунки у нотаниш кишиларнинг мақсадини билмасди. Бироқ биқинига, чап қовурғаси тагига тўппонча тақалиб, бадани бегона қўлнинг титроғини сезгандигина у сўнгги қадам қўйилганини сезди...

«Исломбекнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ,— ўйлади Берг. — Уни хабардор қилиш ҳам мумкин эмас...».

Дарахтлар орқасида кўринмай турган машинадан шинель кийган учинчи нотаниш киши чиқди-да, шошиб-пишиб Берг томон кела бошлади. Ёрдам бериш учун эмас, албатта. У олисдан туриб бақирди:

– Тезроқ!

Шу пайт Берг уни таниди. Бақирган Дитрих эди. Ҳамма нарса бир зумда аниқ бўлди, юрагини музлатиб юборди. Келгусида нималар бўлиши — тим қоронғи жаҳаннам азоби кўз олдига аниқ келди. У кучи бори-ча биқинига тўппонча тақаб турган кишининг қўлига

тирсаги билан туртиб юборди, тўппонча шарақлаб асфальтга тушди. Берг бунақанинг уддасидан чиқарди. Жуда яхши биларди. Шундан кейин граждандан кийимидаги ҳалиги икки кишини итариб ташлаб, олдинга, меҳмонхона томон югурди. Кўк чироқнинг хира нуридан ёришиб турган меҳмонхона подъездига ўзини урмоқчи бўлди. У вестибюлга, шу ойна ва чироқларга қараб ўқ узишмайди, деб ўйлади. Лекин янглишди. Ўқ узишди. Аввал иккови, сўнгра учинчиси отди. «Ҳа, дарвоқе, у ерда Дитрих бор эди,— эслади Берг. Шу пайт бошқаларга айтган сўзини ўзига ҳам айтди: — Дитрихга тирик одамнинг кераги йўқ... Унга тирик кишилар керак эмас...»

Ўқ унинг бўйнини жизиллатиб юборди. Дитрихнинг ўқи. У ҳамиша одамнинг бўйнини мўлжалга олар ва мўлжалга урмай қўймас эди... Берг қоқилиб кетганга ўхшади. Нимадир уни пастга тортди, қаттиқ тортди. У қўлларини тираб, ўзини тутиб қолмоқчи бўлди. Лекин улгуролмади, қўлларини юқори кўтарди-ю, гурсиллаб йиқилди, йўлканинг қора кулранг тошларига юз тубан йиқилди.

7

Ольшер америка офицерининг хайрлашув пайтида айтган сўнги гапини анча вақт эсида сақлаб юрди.

— Йўқ, нега энди...

Маъносиздай кўринган бу гапда қиттак бўлса ҳам умид учқунлари мавжуд эди. Бу сўзлар Ольшернинг зарур эканлигини тасдиқлаш маъносида эмас, шунчаки заруратдан маъносиз айтилганди.

У уззукун «виллис»нинг келишини кутарди. «Виллис» тез-тез келиб турарди-ю, лекин «Тюркостштелле»нинг собиқ бошлиғи учун келмасди. Бошқа немисларни олиб кетарди. У бу немисларни бахтли одамлар деб биларди ва шумтакаларни ҳасад билан кузатиб қоларди.

Октябрь, ноябрь, декабрь ойлари ўтиб кетди. Асосий ҳарбий жиноятчилар устидан бўлган суд тугади. Нюрн-

бергда дастлабки дор кўтарилди. СС ишлари ҳамда шу ишда асосий айбдор бўлган группенфюрер Вальтер Шелленбергнинг ишини IV трибунал кўра бошлаганди. Шелленберг устидан бўладиган суд «Вильгельмштрассе» деб номланганди — Вильгельмштрассе кўчасидаги катта ёқимсиз бинода учинчи рейхнинг махфий уруш штаби жойлашганди. Тўртинчи трибунал СС фюрерлари ишларини, шу жумладан Ольшернинг ишини ҳам кўриши керак эди.

Гауптштурмфюрерни терговга чақириб, уни сўроқ қилишганди. У узоқ, олти соатча гапирди. Икки марта танаффус қилдилар. «Тюркостштелле»нинг собиқ бошлиғига дам олиши ва кучини тўплаши учун имконият яратиб бердилар. Ольшер Люнебург яқинидаги уйда гауптштурмфюрер айтган гаплар ёзиб олинган магнитофонга ўхшаб хириллаб қолганди. Сўроқни АҚШнинг Европадаги махфий хизмат агенти Роберт Д. Дарст олиб борди. У «Тюркостштелле» ва унинг раҳбарининг жинойий фаолиятлари билан кам қизиқди. Бироқ Ольшернинг Шарққа юбориш учун агентлар ёллаш, махсус вазифаларни ўтовчи курс ва мактаб ишлари ҳақидаги ҳикояларини жуда берилиб тинглади. Ольшернинг айтганлари, албатта плёнкага ва қоғозга ёзиб олинди. Ажабланарлиги шунда эдики, протокол деб аталган бу ҳужжатларга Ольшерни имзо чектиришга мажбур этишмасди. У СС Бош бошқармаси Шарқий-турк бўлими ҳақидаги умумий маълумотга имзо чекиб, уни тасдиқлаш билан чегараланди.

Иккинчи марта сўроқ қилинганда, «юрист» Макклур иштирок этди. У ҳеч нимани сўрамади, фақат ранжигандай бошини чайқаб қўярди. Ольшернинг гапларидан нега у ранжиганлигини тушуниш қийин эди. Эҳтимол Макклурга гауптштурмфюрернинг сўзлари эмас, ўзи ёқмагандир. Кейинчалик, Ольшер Макклурнинг бутун уруш даврида СС ва СД офицерлари орасидан хабардор кишиларни тутиш билан шуғулланганлиги, бу соҳада у айрим ютуқларга эришганлигини билиб қолди. СС

штурмбанфюрери Вильгельм Хёттль 1944 йилда Американинг Европадаги разведка бюросига РСХА IV бўлимнинг махфий ҳужжатларини, жумладан шу бўлим секциясининг бошлиғи оберштурмфюрер Адольф Эйхман ҳақидаги ҳужжатларни сотганди. Хёттлнинг ўзи чет элда ишлайдиган хавфсизлик хизматининг энг муҳим бошқармаларидан бирида референт бўлиб, немисларнинг Болқондаги агентурасидан хабардор эди. АҚШ стратегик хизматлари бошқармаси 1943 йилдаёқ империя хавфсизлиги Бош бошқармаси билан яқиндан алоқа ўрнатиб, Швейцариядаги агентлар орқали алоқа қилиб турганлиги Ольшерни ҳайратда қолдирди. У, «Тюркостштелле» бошлиғи эса турк муҳожирлари ишлари билан банд бўлиб, ўзини зийрак, узоқни кўрадиган киши, деб билиб ҳеч нимадан, бутунлай ҳеч нарсадан хабари бўлмабди. У инглиз агентлари билан шуғулланиб юрган. Гауптштурмфюрер у ёққа, керакли томонга қарамаган, керакли йўналишда ҳаракат қилмаган.

— Сиз, немислар, ҳушёрликни йўқотгансизлар,— деди Макклур сўроқ охирида. У бу гапни Ольшерга таржима қилиб беришади, деган умидда эди. У қаноат ҳосил қилмай, ранжиганича қола берди ва тергов остидаги кишини олиб чиқиб кетаётганларида бошини сарак-сарак қилиб қолди.

«Керагим йўқ шекилли,— тушунди Ольшер.— Барибир, менинг уларга керагим йўқ!»

«Йўқ, нега энди...» Америкаликлар гауптштурмфюрернинг гапларидан ўзлари учун бирор фойдали нарса чиқариб олдилар шекилли, ҳали яна чиқариб оладилар, «Виллис» энди унга келганда, бу фикр Ольшернинг миясига ўрнашиб қолганди. 1946 йилнинг баҳорида «Тюркостштелле»нинг собиқ бошлиғини Дармштадт лагерига кўчиришди. Бу ерда турли лавозим ва турли унвондаги эсэсчилар суд бўлишини ёки ишларининг қайта кўрилишини кутиб юришарди. Америкаликлар янги тартиб — ҳукми қайта кўриш тартибини ўйлаб

чиқаришди. Айрим кишилар лагерни тарк этдилар ва жазони ўтаб бўлган шахс деб танилди; кўпларини айб-сиз деб топишди қўйишди. Ольшер ўзини анча дадил сезиб, ҳатто хурсанд ҳам бўлиб қолди, ҳар ҳолда унда илгариги ноиложлик, умидсизлик туйғуси йўқ эди. У энди суд мажлиси ҳисоботлари босилган газеталардан кўркмасди, трибунал ҳукмидан баъзи нарсалар унга адолатли бўлиб туюларди. «Айбдор, айбдор,— у СС фюрерларини ичида қораларди.— Ҳушёрликни йўқотдим... Биз, немислар, ҳушёрликни йўқотдик».

Шундай бўлса ҳам, 1946 йилнинг охирида Ольшерни суд қилиб, беш йил қамоққа ҳукм қилишди. Йигирма ойини олиб ташлашди — у лагерда йигирма ой ўтирганди, ҳаммаси бўлиб уч йилдан сал ортиқроқ муҳлати қолди. Гауптштурмфюрерни ҳам босди, лекин бу кўпга чўзилмади. Унинг иши қайта кўрилиши тахмин қилинарди, тез орада эмас, албатта беш-олти ойдан кейин. У қамоқда ўтирмайдиган бўлди. Қайта суд бўлгунча, у Дармштадтда қолди. Унинг СС даги ҳамкасабалари эса бирин-кетин лагерни тарк эта бошлашди. Қирқ саккизинчи йилда хавфсизлик хизматининг ҳамма сирларидан хабардор бўлган охирги ишончли шахс Скорцени лагердан ғойиб бўлди. Бутун сирлар Австриядаги Альп тоғларининг қаеригадир, Штайер районининг бориш мушкул бўлган жойларига яшириб қўйилганди. Отто Скорцени америкаликларнинг ўзлари кўмагида осонгина қочиб қолганди.

«Сирлар! Сирлар — шу сирлар керак. Бу сирлар туйфайли озод бўлиш, эсон-омон қолиш мумкин,— бу фикрдан Ольшер қийналарди.— Ҳатто, қўлтиқларида давлат аҳамиятига эга бўлган сир — «Гехейме рейхзахе» бўлса-да, йирик фюрерлар ҳам Дармштадтдан чиқиб кетишяпти. «Тркостштелле» бошлиғининг сирини қаерда экан? Қаерда?»

«О, лаънати! — деб инграрди Ольшер.— Ҳужжатларни Исломбекнинг қиёфадошига бериб нима қилардим-а.

Келажак ҳаётимни унга топширибман-а. Хужжатни унга бермаганимда лагернинг ифлос ҳавосидан на-
фас олиб ўтирмасдим, йўқламага бормасдим, америка
консерваларидан пиширилган бўтқани оғзимга олмас-
дим. Мени Испания ёки Швейцария меҳмонхоналари
кутиб турган бўларди. Америка меҳмонхоналари! Ҳа,
ҳа, нега Америка меҳмонхонаси кутмас экан! Сир жуда
қимматли эди-ку. Унинг баҳоси ҳам бозори чаққон
молдай кун сайин ортиб бормоқда. Газеталар яна уруш
тўғрисида, янги уруш ҳақида жар солишмоқда. Хужум
килиш учун кучлари аллақачон шай бўлиб турибди.
Улар имога маҳтал бўлиб турибди. Бостириб кириш
тармоқлари! Бундай операцияга бундан яхшироқ ном
топиб бўлармиди! Йўқ, жосуслик ва қўпоровчилик
бошқармасида гўл одамлар ўтиришмаган. Улар эртан-
ги кунни ўйлашган. Ольшернинг ўзи гўл экан, ўз бахти-
ни қўлидан чиқариб юборган...»

«Йўқ, нега энди...» Умидни узмаслик, кутиш керак.
Бу фикрнинг ёнига яна қидириш керак, деган фикр ҳам
қўшилди. Ниҳоят, Ольшер Дармштадтни тарк этиб, Аа-
хенга жойлашганида миясига шу фикр келди.

Бошқа нацистларга нафақа беришди-ю, аммо Оль-
шерга беришмади. Уруш вақтида жудо бўлган мол-мул-
кининг қимматини ҳам тўлашмади. Аммо савдо фир-
маларидан бирининг агентлигида иш билан таъмин
этишди... Шуниси ҳам борки, «Тюркосштелле»нинг
собиқ бошлиғи учун тавсиянинг ҳожати йўқ эди. «Биз
сизни биламиз ва сизга ишонамиз, доктор, ишончимиз
комилки, сиз бизни ранжитмайсиз,— деди фирма пре-
зиденти Рейнгольд Ольшернинг қўлини қисаётиб.—
Худо ёр бўлсин, азиз гауптман!» «У гауптштурмфюрер
демоқчи эди-ю, аммо фюрерлар энди Германияда
расмдан қолганди, унинг устига хонада секретар аёл
бор эди, ким билсин, бу ёш фрейлейн яна қандай хаёл-
ларга бораркин?»

Иккинчи марта шеф Ольшерга фирма номидан та-

шаккур изҳор этди ва ишлар худди Германиянинг ўзи сингари яшнаб бормоқда, бунда сўзсиз капитаннинг хизматлари бор, деди фирманинг ривожланаётгани анча кўзга ташланиб турарди. Ольшерга бу аён эди, ammo бу ишларда у ўзининг улуши борлигини билмасди: у ўзига топширилган ишнинг уддасидан чиқолмай, адашгани адашгаи эди, савдо-сотик касбининг нозик томонларини сира англаб ололмасди. Шундай бўлса ҳам у тиришқоқлиги ва содиқлиги учун шефдан мукофот тариқасида беш юз марка олиб туришига халақит бермасди. Иш мукофот бериш билан чегараланмади. Шеф Ольшерни Ғарбий Германия шаҳарларидаги агентликлар устидан назорат қилувчи вакил этиб тайинлади. «Чет элларда ҳам ишлайсиз», деб қўшиб қўйди шеф яна унинг қўлини қисаркан.

— Бу сизга ҳормай-толмай ғайрат кўрсатиб ишлашга ва фирма учун, ватан учун кўп фойда келтиришингизга имкониятлар яратиб беради...

У Ольшернинг қўлини яна қисиб, маънодор илжа-йиб қўйди. Тўғри, у Ольшернинг ишчанлиги масаласида янглишса ҳам, меҳрибон ва ақлли одам эди.

Эртаси куни Ольшер Дюссельдорфга йўл олди. У ҳаяжонланиб, бутунлай ўзимни йўқотган ҳолда жўнади. Чунки у нима қилишини ва агентлик ходимлари олдида ўзини қандай тутишини билмасди. Лекин йўлдаёқ бутунлай нотаниш, лекин жуда хушмуомала ва сергап бир ёш йигит Ольшерни тинчлантирди. Кёльндан ўтгандан кейин, купе бўшаб қолгач, ёш йигит деди:

— Биз бу суҳбатимизни Аахенда қисқа қилиб ўтказ-сак ҳам бўларди, албатта. Лекин биз шаҳар аҳолиси олдида гауптштурмфюрер жаноблари кимлигини очиқ айтишни истамаймиз. Аахен жуда кичик шаҳар, унинг аҳолиси беҳад синчков...

У Ольшерга бир кичкина дафтарчани кўрсатди. Унда ёш йигит бор-йўғи ГФР махфий хизмати ходими бўлиб, шубҳали шахсларни ушлаш учун махсус вако-

лат берилгани кўрсатилганди. У Ольшерни ушламоқчи эмасди, агар улар орасида бўлиб ўтган одатдаги гапни ҳисобга олмаганда, гаупт-штурмфюрер бу гапдан жуда хурсанд бўлди, айниқса агент сўзининг охирида: федераль махфий хизмати собиқ «Тюркостштелле» бошлиғидан фойдаланмоқчи, деб айтганида, баттар хурсанд бўлиб кетди.

– Сиз «Бостириб кириш тармоқлари»га алоқадор ҳамма кишиларни қидириб топишингиз керак,— деди ёш йигит.— Бу зарур ва қизиқ иш, сиз учун зарур иш, бу ишда сиз кўзда тутиляпсиз...

Ольшер наҳотки, Германия Шарқда разведка ишлари олиб борса, деган аҳмоқона савол беришига сал қолди. Ҳозирданоқ-а. Жуда эрта, жуда хатарли эмасми. Шу пайт унинг йўлдоши мақсадни тушунтириб берди. Мақсад табиий бўлиб, Ольшерни тинчлантирди.

Ишни Дюссельдорфдан бошлайсиз. Ўлжаларни Франкфурт-на-Майнеда майор Райлига топширасиз.

Майор Райли ким эканлигини Ольшер суриштириб ўтирмади, бундай қилиш одобсизлик бўларди. Унинг устига сўраб ўтириш бунақа идораларнинг қоидаларига тўғри келмасди.

– Авансни олиб бўлдингиз,— у йўлдошининг эсига солиб қўйди.

– Қанақа аванс? — Ольшернинг оғзидан чиқиб кетди.

— Тиришқоқлигингиз ва содиқлигингиз учун, — кулиб қўйди ёш йигит.— Директор жанобларининг аниқ иш тутишига ишончим комил.

– Беш юз...— хижолат бўлди Ольшер. Арзимаган хизмат учун шунча пул олганига иқрор бўлиш унга ноқулай эди. Бу пул ҳали хамир учидан патир экан.

– Ҳозирча беш юз,— бош қимирлатди йўлдоши.— Қолгани гауптштурмфюрернинг ишларига боғлиқ...

Ольшернинг дастлабки ови унча катта бўлмади — ҳаммаси бўлиб илгари бирга ишлашган икки-уч хиз-

матчи — СС Бош бошқармасининг ходимлари эди. Улар албатта, ўзларини «Тюркостштелле» бошлиғини танимаганга солдилар. Лекин Ольшер уларни танирди, бири билан саломлашди, иккимчисини гапга солди. Улар, албатта, худбин кишилар эди. Улар ҳеч қанақа ССни эсга олишни ҳам исташмасди, яхшиси, ўша хавфли дамларни эсга олмаслик керак. Ольшер ҳам худбин одам, у ўтмишдан воз кечган. Ҳозир у иш билан таъминланганди, бунинг учун беҳад хурсанд эди. Афсуски, лагерда ўз муддатини ўтказиб чиқди, дарвоқе, бусиз мумкин эмасди. Жаҳон жамоатчилиги уларни жазоланган жиноятчилар сифатида таниши керак эди. Аммо бирга хизмат қилган бошқа кишилар қаерда эканлар? Ўшалардан кимлар яқинроқда ёки кимлар билан хат ёзишиб туришаркин? Ольшер империя хавфсизлиги Бошқармаси олтинчи бўлимининг офицерларини, яхшиси, махсус топшириқларни бажарувчи мактаб раҳбарлари ёки инструкторларини қидириб топиши керак. Бу мактабда душман орқа томонига ташлаш учун беш ёки олти кишилик группа тайёрланарди. Улар биринчи ва иккинчи группага бўлиниб навбати билан душмanning орқа томонига ташланарди. Биринчи группа ўша замониёқ тугатилганди ёки Совет контрразведкаси қўлига тушганди, иккинчиси эса ошкора жойлашиб олиб, буйруқ кутиб туриши керак эди.

Оббо! Қанчадан-қанча оворагарчилик. Пакетда ҳамма нарса аниқ кўрсатилганди. Энди ҳар қанча уринганинг билан уларнинг исмларини, лақабларини, паролларини тиклаб ололмайсан. Башарти, ўша кишиларнинг лоақал ўнтагинаси топилса ҳам, шунинг ўзи катта ғалаба, Ольшернинг ғалабаси бўларди! Лекин у шу ўн кишини топиш учун ҳам кўп куч, вақт талаб қилинишини биларди.

Ольшер Дюссельдорфдан Ганноверга, у ердан Бремен ва Гамбургга жўнади. Ганновердан Гамбургга ке-

таётганида унинг таъби тирриқ бўлди, — шу атрофда Ольшер асир тушган, қамоққа олинган, гауптштурмфюрернинг умидлари чилпарчин бўлган Люнебург шахри бор эди. Гамбургда Ольшернинг иши ўнгидан келди. У империя хавфсизлиги олтинчи бошқармасининг Яқин Шарқдаги секцияси собиқ референти зондерфюрер Ганс Майерни қидириб топди. Яқин Шарққа унча кўп резидентлар юборилмасди, аммо ҳар ҳолда юборилиб турарди, буни Ольшер аниқ биларди. У Майер билан учрашганлиги учун беҳад қувониб кетди. Қадрдонлар учрашишди. Энди улар ўзларини дўст ҳис этардилар. Улар унча катта бўлмаган бир ресторанда бир неча соат ўтириб, яна учрашадиган бўлдилар. Ўрталарида арзимаган гап бўлди, аммо Ольшер ўзи учун жуда зарур бўлган икки киши — «Вальд-лагерь-20» қўпоровчилар мактабининг собиқ бошлиғи Гундт ва махсус вазифаларни ўтовчи «Ораниенбург» курси ўқитувчиси князь Галициннинг адресларини олди.

Ораниенбург! Мана, сирлар хазинаси. Мана шу ерда сўнгги «бостириб кириш» легионлари тузилганди. Энг сўнгги пайтда ўша ердан юриш бошланди. Ольшер қўлига Скорценининг одами, «Ораниенбург»нинг устунни, Шарқ масалалари мутахассиси Галицин тушиб қолганди. Гундт Ульмда истиқомат қиларди, унинг ҳақида кейинроқ тўхтаймиз. Галицин эса Франкфуртнинг қаеридадир, эски маҳаллаларидан бирида яшириниб юрарди. Фалакнинг гардиши билан уларнинг йўли бир келиб қолганди. Худди Франкфурт-на-Майнеда Ольшер майор Райлини учратиши керак эди.

Шимолий шаҳарларда ўз ишларини наридан-бери тугатган Ольшер тўппа-тўғри Франкфуртга учиб борадиган самолётга ўтирди. Гауптштурмфюрер анчадан буён ҳис-туйғулари бундай мавж уришини ҳис этмаганди — у ишнинг ўнгидан келишига ишонди, бошқатдан ишонди. У ошиқарди, мақсад сари ошиқарди.

Самолёт жуда секин учар, худди қаноти қирқилган

қарға каби булутлар остида имиллаб учиб Франкфуртга яқинлаша олмасди. Капитан аэропортга келганда кундуз соат уч бўлиб қолганди. У Галициннинг адресини аниқлаб олиш учун справкалар бюросига югурди, бироқ киоска деразаси ёнига келгач, ўз фикридан қайтди. Князь ўз фамилияси билан бирор жойда қайд этилмаган бўлса керак, ҳозир бундай таваккал қилиш телбалик бўларди. Шундан кейин Ольшер Ганс Майер чизиб берган маршрут бўйлаб йўлга тушди.

Ольшер чамаси соат еттидан ошганда, чироғлар аллақачон ёқилиб, зал меҳмонлар билан тўлган пайтда «Тройка» ресторанига кириб келди. Стол атрофида гауптштурмфюрернинг эски таниш-билишлари ўтиришганди — биринчи қарашда унга шундай туюлди, атрофда урушнинг сўнгги йилларида Берлин кўчаларида учратган ўша маъюс чехралар, шуурсизлик билан боқувчи кўзлар... Агар шитоб, даҳшат билан ўтган вақтни, тез ўтиб бораётган вақтни эслатувчи оқ тушган сочлари ва ажинлари ҳисобга олинмаса, мухожирлар қиёфасида камдан-кам ўзгариш юз берганди. Ҳамма кексайиб бормоқда, жумладан, Ольшер ҳам. Кўнгилсиз эсдаликлар. Лекин иложинг қанча!

Капитан залда ўз танишларини топмади. Тўғри, дераза ёнида оқ гвардия иттифоқи активларидан бири Паремскийнинг қиёфаси ора-сира кўзга ташланарди. Бироқ бу ўша эканлигига Ольшернинг ўзи ишонч ҳосил қилолмасди. «Владимир Дмитриевич ўзини олдирмапти,— деб ўйлади капитан.— Улгудай жони қаттиқ, иши доимо ўнгидан келади». Ольшер бирров шундай деб ўйлади-ю, юраги жиз этиб қўйди. У энди эскилик билан янгилик ўртасидаги чегарани осонлик билан босиб ўтган ҳар бир кишига ҳаваси келарди. Ольшер эса ўша тўсиққа қоқилиб кетиб, энди юз машаққат билан юқорига кўтарилаётганди.

У, столларни эҳтиётлик билан айланиб ўтар, унга бирор кимса диққат билан қараб турганини сезиб қолса,

сал энгашиб залдан борар эди. У худди сахнадагидек чаққон ҳаракат қилганидан ўзи ҳам завқланарди. Ёши эллиқдан ошиб қолган бўлса ҳам ҳали тетик, бардам, чаққон экан, бошқалар билан бир сафда боряпти. Ольшер столлар орасидан ўтиб, ўз ўйини билан банд бўлса ҳам фикри-ёди асосий мақсадда эди. У қидирарди, одамлар тўдасидан дам бирини, дам иккинчисини шоша-пиша танларди, разм соларди, кейин қўл силтарди. Булар ўша керакли киши бўлмагани учун улардан қўл силтарди. Унга кекса, русга ўхшамаган рус князигина керак. Хурпайган, қалин оқ сочлари кўкимтир юзига тушиб турган, ориқ ва ажин босган, соқоли олинган князь керак. Ганс Майер Галицинни ана шундай таърифлаганди, кейин яна қўшиб қўйганди: «У илгариги князь эмас, умуман бутунлай ўзгариб кетган, князь йўқ...»

Князь бўлмаса-бўлмас. Ахир Ольшерни Галициннинг унвони қизиқтирмайди-ку. У «Ораниенбург» махсус ишлари «профессори»ни, Отто Скорценининг ёрдамчисини кўришни истарди. Унга собиқ князь, собиқ профессор керак. Ундаги бу ҳол сақланиб қолган бўлиши керак— ахир ўтмишни ўчириб ташлаш мумкин эмас-ку.

Майер тасвирлаб берган, одатда Галицин ўтирадиган стол бўш эди. Бурчақдан иккинчи стол. Демак, князь ҳали келмабди. Тўдалашиб келаётган муҳожирлар банд қилмасдан олдин дарҳол жойни эгаллаш зарур. Ольшер ўтирди, карточкага қарамай, официантни чақирди. Фақат тарелкалар ва бутилкалар кўп бўлсагина столни бўш ўрин талабгорларидан сақлаб қолиш мумкин. Капитан шундай фикр юргизди-да, икки қадах коньяк, бир шиша минерал сув, янги сабзавотдан салат ва рус солянкаси буюрди. Бу ерда ҳамма нарса — ошхонадан тортиб, гулқоғозгача русча эди. Ресторанга бекорга «Тройка» деб ном қўйилмаганди. Оркестр қадимий русча ва лўлича романслар, Лешченко ва Вертинский кўшиқларини ижро этарди. Тўғри, бу кўшиқлар залда

одамлар камайган пайтда, йигирманчи йиллар анъанасини сақлаб қолган санокли муҳожирларга айтилиши учун программа охирига киритилганди. Бу санокли муҳожирлар русча романсларни кўз ёши тўкиб эшитишар, сўнгра савдогарларга ўхшаб, гардкам қилиб, немис маркаларини оркестрга ташлашар эди. Бу маркалар америка ва инглиз разведка хизмати идорасидан нафақа тариқасида олинган пуллар эди. «Бир вақтлар улар бу маркаларни мендан олишарди.— Ижирғаниб элади Ольшер.— Энди бизга уларни умумий кассадан беришади...»

Галицин ҳадеганда келавермади. Тасодифан кириб қолган кишилар ресторандан чиқа бошлашди. Столлар қандай тез эгалланган бўлса, яна шундай тез бўшади. Фақат эстрадининг ярим ҳалқа жойи гавжумроқ эди. Бу ерда кунда-шунда кишилар — оқ гвардиячилар иттифоқининг энг ишчан, бадавлат қисми — ашаддий муҳожирлар ўтиришарди. «Ҳаммалари таниш кишилар,— илжайди Ольшер.— Ўзига ишонган кишилар. Улар фурсат ўтиб бораётганлигини сезмайдилар. Улар бугун Франкфуртда қандай бўлса, 1938 йилда Берлинда ҳам шундай эди. Лекин ўша пайтда улар ўзларини анча камтар тутарди.

Гитара овози янгради, бу секин эшитилаётган овоз киши юрагини чангалларди, йўқ деярли шивирлаган мунгли овоз чиқарди:

*Ҳой, извошчи, отларни қистама кўп,
Менинг энди шошадиган жойим йўқ.*

Ярим доира бўлиб ўтирган кишилар қандайдир аза тутганга ўхшаб жим қолишди, гўё кўшиқ ҳаддан ташқари оғирлиги билан уларни босиб юборгандай бошлари қуйи солинганди. Галицин пайдо бўлди. Худди шу дақиқада пайдо бўлди. Эшик орқасида кутиб турган бўлса керак, чунки у гитара эндигина жаранглаши билан кирди-да, остонада туриб эшитди...

Ҳа, у кексайиб қолганди, кўринишидан жуда ҳам

кексаиб кетганди. Бехосдан Ольшер ўзини йўқотиб қўйди, ҳатто унга раҳми ҳам келди. Чиндан ҳам унда князлик салобати қолмаганди, унинг сояси, аянчли сояси қолганди. Балки Галицинни кутмаса, шу тарелка ва шишалар билан стол устини тўлдириб ўтирмаса бўлармиди! Галицин столга яқинлашди ва ҳайрон бўлиб стол устидаги нарсаларга қаради,— бу нарсалар унинг учун кутилмаган ва англаб бўлмас бир ҳол эди.

– Кечирасиз,— деди у.— Адашдим шекилли...

– Йўқ,— шоша-пиша эътироз билдирди Ольшер,— мен кечирим сўрашим керак. Сизнинг столингизда оддий кечки овқатни мен билан баҳам кўрсангиз, князь!

Галинин унга кўз ташлади, модомики бу одам уни князь деяётган экан, демак ким билан гаплашаётганини билади.

– Агар рухсат этсалар, менинг исмим Иохим Шефер,— ўзининг янги фамилиясини айтди Галинин.— Иохим Шефер, хусусий адвокат...

Ольшер унинг кимлигини биладиган кишидай кулиб қўйди ва стулни кўрсатди.

– Федераль полиция учун Иохим Шефер, мен учун князь Галицин бўладилар. Марҳамат, жаноб олийлари!

Галицинда беҳудага уриниш одати йўқ эди, шунинг учун ҳам ўз номига қўшиб айтилган хушомадга эътибор бермади. У ўз ўтмишидан воз кечганига анча бўлди. У аллавақтдан буён ўзининг келиб чиқишидан кибрланмайдиган бўлиб қолди. Жудо бўлган нарсасини қўмсашгина князни муҳожирлар билан алоқа қилиб туришга мажбур этарди. Бу йил сайин кучайиб, сиртга чиқишга уринарди. Мана, энди у «Тройка» ёки «Дон»га келиб турар, лўлича романслар тинглар, русча гапириб, юрагини бўшатар эди. Россияни, янги Россияни ўйламасди. Ўйлай олмасди, чунки уни ватандан ажратиб турган жарлик бениҳоя кенг эди. Бу жарликни Галициннинг ўзи умр бўйи кенгайтирди, ўз ғаразлари, ўз сирлари очиқ курашлари билан кенгайтириб борди.

Энди унинг тубига қараш Галицин учун жуда даҳшатли эди.

– Сиз ким бўласиз? — сўради князь ва нотаниш кишининг юзига разм солди. У ҳозиргина эшитган гапларини рад этмади, нима учун Иохим Шеферлигини туншунтириб беришга ҳам уринмади.

– Аввал ўтирсинлар, князь,— деди Ольшер ва стулни суриб қўйди.— Биз танишмиз... Яхши танишмиз. Бунинг устига мен фамилиямни ўзгартирганим йўқ. Улгуролмадим, ростини айтсам, ўзгартиришга зарурият ҳам қолмаганди. Трибунал ҳукми билан беш йил лагерда бўлдим...

– Беш йил?! — ҳамон ким билан гаплашаётганини билмай, ачиниб деди Галицин,— Беш йил-а...

– Беш йил тўла ўтирганим йўқ, албатта. Ишни қайта кўришди. Аммо ёруғ жаҳонга тиканли сим орасидан қарашга тўғри келди. Лекин бу тиканли сим Заксенхаузендагидек қалин, баланд эмасди...

Заксенхаузен тилга олиними ҳамано Галицинни қалтироқ босди, эндигина ўтирган стулидан ҳатто туриб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо Ольшернинг еб қўйгудек бўлиб тикилиб туриши князни ўз фикридан қайтишга мажбур этди. Олтин гардишли кўзойнак тагидаги кулранг кўзнинг чакнаб туриши унга таниш кўринди. Аммо шундай бўлса ҳам у капитанни танимай ҳайрон бўлиб деди:

– Мен Заксенхаузенда ўтирмаганман.

– Ундан худо сақласин!—деди Ольшер, унинг бу гапи жуда самимий бўлиб чиқди.— Мен сизнинг Ораниенбургдаги муҳим вазифаларни бажарувчи махсус мактабдаги ишингизни кўзда тутяпман.

– Сиз Ольшерсиз-ку! — ниҳоят князнинг эсига тушди. — СС Бош бошқармасида ишлаган гауптштурмфюрер Ольшерсизда. Ким шундай деб ўйларди!.. Кўзимдан шикоятим йўқ, аммо сизни таниш қийин...

– Буни яхшиликка йўяйлик. Лекин тўғриси айт-

ганда, бизнинг ёшимизда ўзгариб кетиш унча яхши эмас... Бир рюмкадан ичайлик, князь! Учрашганимиз учун!— Ольшер қадаҳни Галициннинг олдига суриб қўйди.— Ёқимли учрашувимиз учун!

Улар сесканмай, унча ҳузур ҳам қилмай ичишди. Шунчаки қадаҳ кўтариб, капитаннинг гапларини тасдиқлашди. Галицин оғзига бир бўлак лимон ташлади, сесканмасдан уни чайнади-да, деди:

– Учрашувимизни тасодифий бўлмаса ҳам ёқимли ҳисоблайлик... Сиз мени кутиб ўтирганмидингиз?

– Ундай бўлса, бошқа саволим йўқ. Қулоғим сизда...

– Яна коньяк ичамизми?

– Ичсак бўлади. Закускасига бирор нарса есак. Унча аччиқ бўлмаса. Мен энди аччиқ нарсаларни истеъмол қилолмайдиган бўлиб қолдим...

– Тушунаман...

Ольшер официантни чақирди, яхна гўшт, сардина балиғи, пишлок, салат буюрди...

– Гапимиз узоқ давом этса керак,— деди Галицин.

— Ҳар ҳолда зерикарли бўлмайди,— чалғитиб жавоб қилди Ольшер, официант кетгач.— Биламан, сиз чучук овқатларни ёқтирмайсиз. Улардан фақат айрим ҳоллардагина истеъмол қиласиз... буни кексалик ҳам тақозо этади... Келинг, ёш масаласини эсламайлик.

– Мен сизни яхши танимайман,— деди князь.

– Ҳечқиси йўқ, биз эндигина иш бошлаймиз... Шундай қилиб, биринчиси 1943 йил кузида, Берлинер рингга етмай иккинчи километрда, Потсдамга қайрилиш олдидан бир туркистонлик ўлдирилганди... Фриденталь курси талабаси... Сизнинг талабангиз. Сиз аэродромга жўнатиш олдидан унинг ғалати феъл-атворига эътибор бергандай эдингиз...

– Саид Исломбек,— деди аниқ қилиб Галицин.

Ольшер ҳайрон бўлиб, ҳатто чўчиб, қошларини чимирди.

– У сизнинг эсингизда борми?

Бир қадах коньякдан кейин князь дадиллашиб, ҳазил қиладиган ҳам бўлиб қолди: одатда, у ҳазиллашмас эди, у камдан-кам куларди. Галицин кўп вақт қовоғини солиб, тажанг бўлиб юрарди.

– Менинг қазноғим ўткинчи кишилар учун мосланмаган.— У бармоқларини иккита чуқур ажин кесиб ўтган оппоқ дўнг пешанасига тегизиб қўйди.— Буни менга яқинда эслатиб қўйишди...

Ольшернинг қошлари баландроқ кўтарилди: у энди ҳайрон бўлибгина қолмай, саросимага ҳам тушди — яна қандайдир иккинчи киши пакет воқеаси билан қизиқиб юрганга ўхшайди, кимгадир унтерштурмфюрер, унинг Ольшернинг унтерштурмфюрери керак бўлиб қолибди.

– Ким? — деб дарров сўради Галициндан. У шундай тез сўрадики бу билан ўзини, ўз безовталигини билдириб қўйди.

– Анавилар!—лабини бурди, у эстрада ёнида лўлина қўшиқни астойдил берилиб тинглаб ўтирган муҳожирларга ишора қилиб.— Ҳаммаси уларнинг эсида бор, ҳаммасини билишади. Улар биздан кўра яхши ишлашади, гауптштурмфюрер жаноблари.

«Аблаҳлар! — ичида сўқинди Ольшер.— Ҳаммалари пакет билан банд, ҳатто эсэсчилар ҳам уни қидиришга жалб этилган». Капитан лов этиб ёниб хафа бўлди. Бировнинг молини бўлиб олиш инсофдан эмас-ку. Хужжатлар биргина унга, «Тюркостштелле» бошлиғига тааллуқли. У ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, бу хужжатларни қўлга киритди, ўз бурчига хиёнат қилди, мана энди бўлса, ўнлаб, эҳтимол юзлаб кишилар худди бўрига ўхшаб гауптштурмфюрернинг сирлари пайига тушибди.

– Улар «ёпиқ сектор» тузганлар, — капитанга эгилиб ва овозини пасайтириб гапини давом эттирди князь.— Содда қилиб айтсам, «оператив сектор», бу сектор нозик топшириқларни бажаради. Қандай нозик

топшириқ эканлиги ўзингизга ҳам аён...

– Кимнинг топшириқлари?— у ҳам секингина сўради.— Немисларнинг топшириғими?

— Немисларники ҳам,— бош қимирлатди Галицин.

«Масала равшан! Муҳожирлар чет эл разведкаларига хизмат қилишаркан. Капитанга инъом тариқасида беш юз марка берган ўша разведка учун ишлашаркан. Ақл бовар қилмайдиган хиёнат!»

Ольшер ўз ғазабини яшира олмади.

— Бу вайсақиларга ҳаддан ташқари ишонч билдирилмаганмикин!

– Э, капитан, улар фақат шу ерда вайсақилик қилишади. Тўсатдан Ольшер фаҳмлаб қолди: князь НТСга, мана шу оқ муҳожирлар уюшмаси учун ишларкан! Бўлмаса, у бундай маълумотларни қаердан олсин.

– Улар агентларга қанчадан ҳақ тўлашади? — Суҳбатдошини хафа қилмаслик учун умумий савол берди Ольшер. Галицинда бошқа фазилатлар қаторида бачканалик ҳам йўқ эди, унинг устига бундай пайтда бачканаликнинг кераги ҳам йўқ — у умри бўйи ўзини сотиб юрди, ҳамиша ўзини очиқ савдога қўйди. Тўғри, қирқ бешинчи йилгача уни фақат немислар сотиб олиб ишлатди. У ўзининг содиқлиги билан мағрурланиб юрди. Қирқ бешинчи йилдан сўнг эса князь бу иши учун мақтана олмасди.

– Биз, арзимаган одамларга, ойига юз марка беришади, холос. Агар биз бирор дурустроқ нарса топгудай бўлсак, унда алоҳида шартнома тузилади.

Галицин ишига доир шарт-шароитни маъюслик билан гапириши Ольшерни ҳайратга солди. Чол ахлатхонага ташланибди, уни тепишяпти, лекин у ўзгалар тепкисини ҳам сезмайдиган бўлиб қолибди... Шу билан бир вақтда, шу ахлатхонага ташланган князь Ольшернинг сирларидан хабардор. У ҳамма нарсани билмаса ҳам, аммо унтерштурмфюрернинг номини билади. Кимдир унинг номини эсга олибди. Ким экан ўша, нима сабабдан эслабди?

– Саид Ислombек масаласида алоҳида шартнома тузиладими?

– Ҳа.

«Немислар билан америкаликлар турли воситалар орқали иш олиб боришяпти, фақат иш эмас, текширишяпти ҳам. Уни, Ольшерни текширишяпти. Жуда ёмон, жуда таҳликали вазият юз берди!»

– Сиз, мен билан, яъни ўзингизга яхши таниш бўлмаган киши билан қўлингиздаги бойликни баҳам кўрмоқчи бўляпсизми?

Галицин сири очилганидан ҳайратга тушмади.

– Ўша нарса сизга зарур экан, демак ҳақини сиз тўлайсиз-да,— ўз фикрини очиқ-ойдин изҳор этди князь.

– Битта мол қандай қилиб икки кишининг қўлида бўлиши мумкин? — инсофли бўлишга шама қилди Ольшер.

– Қўйсангиз-чи, гауптштурмфюрер! Барибир, менинг маълумотимни бошқасига қимматига сотишади, уч баравар қимматига сотишади, бунинг устига бир кишигамас, бирданига бир неча кишига сотишади...

Князь оддий ҳақиқатни ҳамсуҳбатига айтар экан, коньяк ва овқатни ҳам унутмасди. У иштаҳа билан кўп овқат ерди. Чунки бошқа вақтда бугунгига ўхшаган овқатга уни аҳён-аҳёндагина, ҳа, аҳён-аҳёндагина таклиф қилишлари сезилиб турарди.

– Улар менинг устимдан пул ишлашади,— давом этди Галицин.— Бу шайка биз, оддий ахборотчилардан 50 — 60 марка уриб қолишади. Чунки ведомост бўйича ҳар бир ахборотчига 150—200 марка берилиши керак. Инглизлар эса ҳатто 300 марка тўлашади. Қани ўша 300 марка?

Шу ерда, «Тройка»да, «Дон»да, «Мазурка»да! Романов, Ольгский, Паремскийларнинг банкларда талайгина пуллари бор... Швейцарияда ҳам, Францияда ҳам. Айтгандай, немислар ҳам бизнинг ахборотимизни инглизларга, америкаликларга пуллашади... Ҳаммаёқда чайқовчилик!

«Лекин мен уларга бутун бойликни тутқазяпман-ку,— Ольшер хафа бўлиб, жаҳли чиқиб кетди.— Менинг сирим миллионларга тенг. Бостириб кириш тармоқлари-я! Душман орқа томонидаги тайёр кўшин! Йўқ, бунақа миллионларни осонгина бериб бўлмайди!»

— Унтерштурмфюрер номини сизга ким айтди?— талаб этди Ольшер княздан.

— Бу саволга мен жавоб беролмайман,— жиддий деди Галицин.— Ҳа, айтган кишининг сизга кераги ҳам йўқ. Бунинг устига оперативчилар маълумотларни Туркистон миллий комитетининг собиқ ходимларидан олишган...

— Мюнхенданми ?

— Худди шундай... Энди штаб ўша ерда. Унинг бошлиқлари яна Боймирза Ҳайит билан Вали Қаюмхон... Биз улардан харид қиламиз, улар биздан. Иккала томон ҳам фойда кўради.

— Туркистонликлардан ким маълумот сотганини билмайсизми?

— Билмайман. Аммо маълумотни пуллаган киши майда савдогар бўлмаса керак, деб ўйлайман. Фриден-таль қалъасида мактаб борлиги озгина кишига маълум эди. Ольшер бутунлай эсанкираб қолди — унга билдирмай, зимдан иш олиб боришибди.

— Ҳеч кимга маълум эмасди!

— Мендан бошқага, албатта,— деди Галицин, оғзига яна салат соларкан.— Сиз менинг шу ажойиб ишга алоқам борлигини рад этмасангиз керак?

«Боймирза Ҳайит ҳам биларди,— эслади Ольшер.— Унтерштурмфюрер Ноенбургерштрасседаги комитетга кириб турарди, демак вице-президент билан гаплашган, албатта. Фақат гаплашиш билан чегараланмаган. У иккинчи километрдаги сирни айтиб қўйган. Энди буниси аниқ. Э, худо, бу ёруғ жаҳонда нималар бўляпти!»

Галицин салатни паққос тушириб, сардинани ея бошлади. Зайтун мойи суртилган балиқнинг нозик, кулранг биқинлари шошмай тарелкани тарк этиб,

князь оғзига тушарди. Бу Ольшернинг ғазабини келтирарди. Князнинг бамайлихотир ўтириб, сирни сотаётгани ва тарелкадаги овқатни ютаётгани капитанни ғазаблантирарди. Ольшер борган сари ўзини тутолмай қалтирарди.

— Энди сизнинг Ораниенбургдаги ажойиб ишга алоқадорлигингиз ҳеч кимга керак эмас,— деди Ольшер ва ўзи ҳам сардин ейишга тушди.

— Ундай деманг, капитан! Чунки ўзлари ҳам бу ишга қизиқяптилар-ку...

— Менми?! — Ольшер қовоғини солди. Энди унинг қошлари кўзойнакнинг ичига кириб кетгандай эди. У ўз норозилигини шама билан ифода этмоқчи эдию, лекин суҳбат бошидаги гапларни эслаб, жим бўлиб қолди.— Фақат мен ўзим қизиқяпман. Шунда ҳам Ораниенбургнинг ҳамма ишларига эмас, озгинасига қизиқяпман...

— Ёмон томонига қизиқмаслигингизга имоним комил...— Галицин сардинани еб бўлиб, вилкани япроқланган пишлоқ солинган идишга чўзди, пишлоқ юпқа, нозик бўлиб, мойи йилтираб турарди.— Айтганча, бу ерда мен бир хонимни учратдим, у гауптштурмфюрерни қизиқтирса керак...

— Бу менинг қўлга киритадиган молларим ҳисобига кирмайди. Сиз мени яхши билмайсиз, князь.

— Нима ҳам дердим, кирмаса кирмабди-да. Хоним эса жуда кетиворган...— Галицин завқланганини ифодамоқчи бўлиб қовоғини туширди.— Ҳар жиҳатдан ҳам ажойиб! Ольшер ҳаётида аёллар ҳеч қандай роль ўйнамасдилар. Шу туфайли у ичида князнинг содда муғамбирлигидан кулди — йўқ, бу билан уни қўлга тушириб бўлмайди. Иннайкиин, аёлнинг Ораниенбургга қандай алоқаси бўлиши мумкин. Сира ҳам алоқаси йўқ. Рўйхатларда аёллар номи йўқ эди. Асло, Ольшер бу ҳақда Галицинга айтмоқчи бўлдию, бирдан «малика» эсига тушиб қолди. Аёл бор эди. Ҳа, бор эди!

— Сиз қайси жиҳатини кўзда тутяпсиз? — сўради капитан.

— Ўз мақсадимизни кўзда тутяпман... Ахир мени ҳам хотин-қизлар билан ишим йўқ-ку... анчадан буён... Сиз қўрқмай қўя қолинг! Мен ўша аёл учун бир марка ҳам олмайман. Шунчаки, сизни бир хурсанд қилай дедим... Ўша аёл Рут Хенкель, Қажумхоннинг илгариги рафиқаси...

Бошқалар қатори у ҳам атрофимизда айланиб юрибди. Энди уни «малика» эмас, баронесса Найгоф дейишади. У ҳозир ҳам аввалгидай офатижон...

«Рут! Нима учун у Франкфуртда пайдо бўлдийкин. Умуман, нега буларнинг ҳаммаси Франкфуртга келишдийкин?».

У ўзини бу хабарни эшитмаганга солиши, «малика»га қизиқмайдиган қилиб кўрсатиши мумкин эди, албатта. Аммо князь ҳузурида ўзини лоқайдликка солиши қийин эди. Унинг устига князь президентнинг рафиқаси учун сира ҳақ сўрагани ҳам йўқ. Майли, унинг чўнтагида «бостириб кириш тармоқлари»га алоқадор яна бир шахснинг фамилияси бўла қолсин.

— Нима учун «малика» ўз гўзаллигини сақламас экан?—Рутга бўлган муносабатини ноаниқ изҳор этди капитан.— У ҳали анча ёш.

— Рост айтасиз... Адресини ёзиб берсам бўладими?

— Хайр майли, лекин ундан фойда чиқармикин...

— Ҳар эҳтимолга қарши...— Галицин қўйин дафтارينинг ярим варағини йиртиб, Ольшерга узатди.— У бу ерда вақтинча турибди... Йўл-йўлакай қўнган... Агар тезроқ борсангиз...— У эстрада ёнида ўтирган муҳожирларга кўз қирини ташлади-да, пичирлаб қўшиб қўйди:

— Буларнинг айримлари хонимга қизиқиб қолган... Жуда ҳам... чамамда, у бу ердан Мюнхенга, сўнгра чет элга жўнаса керак... Ольшернинг чеҳраси ўзгариб кетди — «малика» муҳожирлар билан, улар эса собиқ Туркистон комитети билан, ҳаммаси йиғилиб эса «ге-

хейме рейхзахе» номи билан юритиладиган хужжат билан боғланганга ўхшайди. Ольшернинг хужжатлари билан-а! Улар Ольшерни босиб ўтиб, уни орқада қолдиришмоқчи! Капитан шоша-пиша адресни кўздан кечирди. Брудергриммштрассе, «Иден» меҳмонхонаси, 82-хона, телефон—33-91-14.

— Ишингиз пухта, князь!

— Гапингизни қаранг-а, касбимиз-да!—Галицин яна қовоқларини туширди, унинг юзларида мамнунлик ифодаси пайдо бўлди.

— Бундан кейин ҳам бу сифатларни тарк этмайсиз, деб ишонсам бўладими?

— Ҳаммаси гауптштурмфюрер жанобларига боғлиқ.

— Ҳақи нақд, — таъкидлади Ольшер ва костюмининг чап чўнтагига қўл урди, бу билан пул доимо ёнида бўлишини билдириб қўймоқчи эди, фақат қўл урдигина эмас, ҳатто қўлини суқиб катмонини олди-да, ундан эллик марка чиқариб столга, салат идиши ёнига қўйди.

— Одатдаги маълумот учун бизга ўттиз марка тўлашади,— деди Галицин.— Нархи шу... Қарздор бўлишни ёқтирмайман...

— Буниси аванс... — Ольшер ўрнидан турди ва князга қўл узатди.— Хайр, жаноблари...

8

Ним иссиқ эди. Осмон кўм-кўк бўлиб, қуёш пештоқларнинг сариқ тошлари ва майдон деворларини кизитиб юборганди. Яшил-кўк либосларини эндигина нозик, тиниқ кийимга алмаштирган чинорлар майдон асфальтларига ва кўчаларга олачалпоқ соя ташлаб турса ҳам қуёшнинг жазирама нуридан сақлаб қололмасди. Нимликлар, бу ҳали баҳор — ҳали ёзга бор, деб иссиқ куртка ва итальянча баланд фетр шляпа кийиб юрардилар.

Саид жануб тафтидан ором оларди. У яланғоч бошини, юзини офтобга соатлаб тутиб турарди. Эспланада

хийбони серкуёш бўлиб, Саид шу ердаги меҳмонхонага жойлашганди. Куёш меҳмонхонадан ораси беш минутли йўл наридаги Арен майдонида ҳавонигина эмас, қадимий тошларни ҳам қиздириб юборганди. Бу тошлар юз йиллар мобайнида бутун олам иссиғини худди ўзларига сўриб олиб, энди уни шаҳарга уфураётгандай эди.

Саид, одатда эрталаб шу майдонга келиб, амфитеатр тошлари устида ўтирарди. Ўзини қуёшга солиб ўтирарди. У жанубни қўмсарди. Бир замонларда римликлар қўйган бундай тошлар бўлмаса ҳам, ўзининг жонажон жанубини қўмсарди. Ўз ўлкасида бунақа тошлар бўлмаса ҳам шунақа қуёш, шундай ҳароратли, шундай сахий, ҳатто бундан ҳам сахийроқ боғ-роғлар, экинзорларга ҳаёт, абадий ҳаёт бахш этувчи қуёш бор эди...

Саид Бергнинг сўнгги қадамидан бутунлай хабарсиз эди. Бутунлай ҳеч нарса билмасди. Бергни у аввалгидек тетик, қувноқ ва шошқалоқ деб кўз ўнгига келтирарди. У Бергнинг ҳамиша шошиб юришини ўйларди-ю, лекин юз тубан ётишини сира тасаввур этмасди. Саид Рудольф билан хаёлан Ним ҳақида, қуёш ҳақида, анча яйраб, кучга кириб қолгани ҳақида гаплашарди. Мақсадга етишга озгина қолгандек эди. «Лайлак» қаердадир, шу тарафда бўлиб, уни қўлга туширишгина қолганди.

Саид ўзини офтобга тоблаганидан кейин майдондан чиқиб, шаҳар четига, гарнизон турган жойга йўл олди. У штабга соат ўн иккиларда, штандартенфюрер Орипов эрталабки саф машғулотидан кейин ўз хонасига қайтиб, маълумот билан танишиб ўтирган пайтда етиб келди. Нимга бирин-кетин қўшимча кучлар келиб турарди, легионерларни роталарга бўлиб, объектларга — темир йўл узелларига, кўприкларга, омборларга жўнатиш керак эди. Анкета маълумотларига қараб ажратилган энг ишончли кишиларни полковник зондеркомандага топширарди. Зондеркоманда бевосита СДга бўйсуниб, унга немис Кампф раҳбарлик қиларди. Унинг зиммасига орқа томоннинг бехатарлигини назорат қилиш

вазифаси юкланганди — бу амалда Ним атрофини ва қўшни районларни парашютчи-қўпоровчилардан ва қаршилиқ кўрсатувчи группалардан тозалашдан иборат эди. Зондеркомандага ажратилган легионерларни СС Бош бошқармаси вакили ва гауптштурмфюрер Ольшернинг ишончли кишиси сифатида Саид Исломбек текширарди.

Хозирча Саидни номзодлардан биронтаси қизиқтиргани йўқ эди. У Кампфга ҳаммаси бўлиб йигирма кишини жўнатди — улар орасида «лайлак» йўқ эди. Саид келгунга қадар тузилган легионерлар рўйхатида ҳам «лайлак» кўринмасди, у «лайлак»ни анкетага биноан қидираётганди, албатта. Шундай бўлгач, легионерлардан Берлинер рингнинг иккинчи километрида юз берган сирли воқеани сўраб бўлмайдикун ахир. Қўшнинг номи қўйилган киши озгина одамга, эҳтимол, икки ёки уч кишигагина маълум эди. Бироқ анкетада легион «саёҳат»ининг сўнгги нуқтаси — Берлин кўрсатилган бўлиши керак. Исломбек анкетадан шу жойни қидирарди.

Кейинги анкеталарда ҳам Берлин кўрсатилмаганди, илгариги рўйхатда ҳам йўқ эди. Легионерларнинг ҳаммаси собиқ босиб олинган шарқий областлардан келган эди. Аммо улар учинчи рейх пойтахтини кўришмаганди, кўрган бўлсалар ҳам уларни шошилинч равишда ғарб томонга олиб кетаётган вагон деразаларидан ёки машина бортларидан бирров кўрган бўлишлари мумкин. Вайрон бўлган ва ёниб турган Берлин уларга далда бермасди. Ҳайит даъват этганидек, улар унинг тошлари устида ўлишни ҳам истамасдилар. Туркистонликлар Нимга ғамгин, дарғазаб бўлиб етиб келдилар.

«Лайлак» қаерда экан? Нега у жануб томонга ошиқмайди?». Шубҳа Саидни қийнади: башарти «муқаддас қуш» аллақачон учиб келиб Нимдан нарида, бирор жойга уя қўйган бўлса-чи? «Лайлак»нинг зондеркомандада бўлиши шарт эмас. У станцияда

одатдаги соқчилигини қилиши ёки Испания чегарасига олиб борадиган катта тош йўлни қўриқлаб юриши мумкин. Бу йўллар қўпоровчиларни ўзига жалб этади. «Лайлак»ка ҳам худди шу қўпоровчилар керак. Ҳар ҳолда қизиқтириши керак, бўлмаса нега «лайлак» бу томонларда юради!

Саид штандартенфюрер Ориповга қараб иш тутарди. Унинг хатти-ҳаракатига, авзойига қараб «лайлак» шу яқин орада ёки йироқдалигини, «муқаддас қуш»га хавф-хатар таҳдид қиялпими ёки у Ним устида оҳиста, бепарво қанот ёзиб учиб юрганлигини аниқлаш керак эди.

Шу мақсадда Саид роппа-роса соат ўн иккида гарнизон штабида пайдо бўлди. Ўша куни, барометр об-ҳаво ўзгарганини кўрсатган пайтда унтерштурмфюрер Йигирма минут кечикиб, канцелярия остонасидан ўтди. У ҳаво ҳужуми туфайли кечикиб қолганди. Инглиз самолётлари шаҳар устида паст учиб, варақа ташладилар, фақат варақа ташлашди, немислар эса бомба ташланишини кутиб, тревога кўтардилар. Сиреналар кутургандай чинқирарди. Бироқ ҳеч ким яширинмасди, шаҳарликлар кўчаларда югуришиб, варақаларни йиғиштирардилар.

Батальон турган жойни ҳам ваҳима босганди. Офицерлар машқдан эндигина қайтган легионерларни майдонда саф торттириб, уларнинг чўнтакларидаги нарсаларини обдан текширардилар. Варақалар биргина шаҳарга эмас, балки казармаларга ҳам ташланган экан. Полковник Орипов Исломбекдан баракларни кўздан кечиришда унга ёрдам беришни илтимос қилди. Полковник солдатлар каравотларига баъзи нарсаларни яширишга улгурган бўлсалар керак, деб тахмин қилганди.

Саид жон-дили билан рози бўлди ва казармаларни тезроқ айланиб чиқиш учун тинтувга яна бир неча офицерни жалб этишни таклиф этди, лекин Орипов унамади — улар майдонда шуғуллана беришсин, у ерда

иш кўпроқ, қийинроқ. Унинг бу гапи кишини ишонтиролмасди. Батальон командири ўзининг ва ўз қўл остидаги кишиларнинг сири очилиб қолиб, бадном бўлишини истамасди. Ахир, каравотлардан варақалар чиқиб қолиши ҳам мумкин. Унда немислар дарҳол чора кўрадилар. Нимдан легионерларни олиб чиқиб кетадилар, Ориповнинг эса даражасини пасайтириб қўядилар. Уруш тугай деб қолган сўнгги дамларда, ҳаёти сақланиб қолай деганда унинг даражасини пасайтирадилар.

Улар ўз баракларига кирдилар. Бунинг тагида ҳам гап бор эди. Улар ўз изларини йўқотишда бир-бирларига халақит бермасликлари керак эди.

Саид биринчи каравотдаги ёстик тагидан варақа топди. У букланмаган, ҳатто ғижимланмаган ҳам эди. Уни ерга, яхшиси ташқарига, ўт устига ирғитиб ташлаш ҳам мумкин эди. Шундай қилса, унга ҳеч ким тегмай, бошқа киши топиб оларди.

Шу пайт унинг миясига ноаниқ, лекин қизик фикр келди. Жуда қизик фикр келди. У қаламини олди-да, варақа орқасига босма ҳарф билан бир неча сўз ёзди. Бир неча сўз. Балки, кейинчалик, тинч шароитда, ўйлашга вақт бор пайтда у ажойиб, қизикроқ бирор нарса ёзиши мумкин эди. Лекин ҳозир унинг бир неча минутгина вақти бор эди, холос, кутилмаган, тиғиз дамларда икир-чикиригача ёза олмасди.

Саид варақани ташқарига олиб чиқди-да, уни ҳеч кимга билдирмай, барак рўпарасидаги девор тагидаги тош устига қўйди. У яна каравот ёнига қайтиб келиб, ҳеч нима кўрмагандай, тинтувни давом эттираверди. У тўшакларни ҳафсала билан силкитиб қарарди, шундай ҳафсала билан қоқиб, силкитиб қарар эдики, ҳар бир каравот учун ўн-ўн беш минут вақти кетарди.

Полковник ўз барагини текшириб бўлиб, унтерштурмфюрерни қисташ учун Саиднинг барагига кирганда, у эндигина биринчи қаторни текшириб бўлганди. Бундай қилсак, биз кечга қадар ҳам тамомлай олмаймиз,

деди полковник. У ранжимаса ҳам, лекин қандайдир ҳаяжон, ҳатто ташвиш билан деди.— Келинг, мен сизга кўмаклашай!

Менга ҳеч нима учрамади,— деди Саид.— Батальон территориясига варақа олиб келишмаганга ўхшайди.

Афсуски, олиб келинган... Гарнизон навбатчилари майдондан ва узумзордан олти донасини йиғиштириб олибди. Навбатчиларми? Демак, варақага туркистонликлар қизиқишмабди-да.

— Афсус... Мана, биттаси,— паришон бўлиб деди полковник тўшак остидан тўрт қатлаб қўйилган варақани оларкан. Тўшаклар билан банд бўлган Саид худди топилган нарса уни ҳайратга солмаётгандай, қайрилиб ҳам қарамади.

Сиз уни полдан топгандирсиз?— деди у полковникнинг гапини тўғрилаб.

Унтерштурмфюрернинг гапидан таажжубланган Орипов ўйланиб қолди, чамаси иккиланди шекилли, аммо унинг гапига қўшилди.

— Ҳа, полдан... Уни топтаб ташлашибди...

— Мана, кўрдингизми, туркистонликларни умуман душман пропагандаси қизиқтирмайди. Улар Германиянинг содиқ иттифоқчилари.

Бу гап полковникни баттар шошириб қўйди. Унтерштурмфюрер туркистонликларнинг айбини яширяпти. Нима қипти, уларнинг мақсадлари бир-бириникига мос келяпти, батальонни шубҳадан холи қилиш лозим эди.

Офицерлар тинтув қилиб бўлгач, ҳозиргина Саид варақа ташлаган эшик томонга йўл олди. Эшик орқасида, девор тагида варақа йўқ эди. Варақа барак яқинида ҳам йўқ эди. «Олибди,— ўйлади Саид. — Олибди, шунинг учун шунчалик безовта бўляпти...

Сиз, штандартенфюрер жаноблари, унча пухта одамга ўхшамайсиз!»

Орипов идорада батальон территориясидан топил-

ган варақаларни санаб чиқди, уларни қайта ҳисоблаб чиқиш учун унтерштурмфюрерга берди — варақа ҳаммаси бўлиб етгита экан, орқасига ёзилган саккизинчи варақа йўқ эди. Акт тузаётиб полковник шунчаки деди:

– Бу пропуск...

– Қаерга? — Саид ўзини варақада ёзилганларни ўқимаганга солди.

– Еттинчи зонага.

– Шундай зона ҳам борми?

– Қаршилиқ кўрсатувчи группа турган жой, — тушунтириб берди Орипов.

– Уни ҳеч ким биладими?

– Хоҳлаган киши топа олади.

Саид бепарволик билан варақани ўзидан нари суриб қўйди, фақат ўзидан эмас, барча туркистонликлардан ҳам нари қилди.

Худога шукурки, бизнинг одамларимиз Франциядан ҳеч нима қидиришмайди. Бундай қилиш мусулмон эътиқодига сира тўғри келмайди.

Полковник Саидга разм солди: бу унтерштурмфюрерни сира тушуниб бўлмайди, нукул ўзи ишонмайдиган нарсаларни гапирди. Вазифаси ўз хўжайинлари ғоясини ҳимоя этишни тақозо этса керак.

– Имзо чекинг!

– Хўп бўлади...

«Баракка кираверишга қўйилган варақани нима қилдинг, ўйлади Саид, акт тагига ўзининг янги фамилиясини ҳафсала билан ёзаётиб.— Наҳотки, СС штандартенфюрери, махсус вазифаларни бажарувчи батальон командири еттинчи зона билан қизиқса. Ёки бировларнинг манфаати учун қизиқмаяптими. Дарвоқе, якшанба куни ҳамма нарса аён бўлади... Якшанбагача хайр, полковник жаноблари! Диани ибодатхонасига кираверишдаги гадойга бир маркаю қирқ пфениг садақа беришни унутманг!»

Саид якшанба куни соат ўн беш минут кам ўнда Диани ибодатхонаси бўртмаларидан бирининг орқасига бекиниб, катта эшикка олиб борадиган зинани кузата бошлади. Бу ерда зинада илгари бир гадоё чол шляпасини чўзиб, садақа сўраб турарди, унинг ёнида бир паҳмоқ кучук ётарди. Ит худди эгаси каби қари, ночор эди, юнги йиртиқ кўрпача увадасига ўхшаб парча-парча бўлиб осилиб турарди.

Ҳаво эрталабданоқ исиб кетганди. Куёш бу тепаликда шаҳардан кўра бурунроқ пайдо бўлганди. Куёш нури кўчалар ва майдонларга ёйилгунга қадар Диани ибодатхонаси қизиб, тонгги пушти рангдан асар қолмаган, заррин нурга чулғанган эди. Ҳозир тепалик ҳам, ибодатхона ҳам куёш пурқаётган алангадан мисдай қизиб кетганди.

Ним мўъжизаси чет элликларни ўзига мафтун этганди, улар ота-боболарнинг мохир қўллари билан бунёд этилган ажойиботларни томоша қилиш ва куёшнинг тонгги нурида тошларнинг ранг-баранг товланишини эслаб қолиш учун тепаликка кўтарилишарди. Французлар ҳам шундай қилишарди. Лекин улар қизиқиб эмас, балки шу тепаликка, шу ибодатхонага, Ним деб аталган барча нарсага — эркин шаҳарга ўзлари хўжайин эканликларини кўрсатиш учун келардилар. Ўзини ғолиб деб ҳисобловчи немислар билан ишлари нима, улар барибир вақтинча кишилар. Ваҳшиёна тўлқин ўтиб кетади, ҳаммаси яна ўз аслига тушади. Нимликлар хўкизлар жангига ҳам ўжарлик билан ўзларининг хўжайин эканликларини кўрсатиб қўйишга келардилар. Саҳна ҳам уларники, амфитеатр гуриллаганда кўрқувдан қалтираган сурбет эсэсчиларники эмас, нимликларники. Ҳатто, ўз байрамлари — бизда Иванкупал куни деб аталадиган эски, хушчақчақ ёз байрамини ҳам Ним аҳолиси, немис комендатураси ман этишига қарамай, машъал кўтариб, саф тортиб, ҳамма расм-русмлари билан ўтказишарди.

Тонг отиши билан ҳангома талаб одамлар бирин-

кетин ибодатхона томон йўл ола бошладилар. Тепалик жонланиб кетди, у нимликларнинг ранг-баранг кийимларидан товланарди, булар ичида легионерлар ва эсэсчиларнинг мундирлари қорайиб кўринарди. Саид эса ана шу қора кийимликларни мўлжалга олди.

Қора кийимликлар ҳаракати хаёлий маршрут билан кузатиб турилди — тепа этаги, зинанинг охириги пилла-пояси, кираверишдаги эшик. У, нигоҳини шу ерда тўхтатди кираверишдаги эшик олдида чол турибди. Гадой чол!

Соат ўнда ёки шунга яқин, қора кийимликлардан бири шоша-пиша юқорига кўтарилди. Очиғини айтганда, қора кийимликлар илгари ҳам зиналардан чиқиб-тушиб турарди, аммо уларга Саид қизиқмасди. У полковникни, унинг қора кителини кўришни истарди, қора кийимли бошқа киши ҳам унтерштурмфюрернинг ҳафсаласини пир қилди. Зинадан туркистонлик бир ёш йигит, шарфюрер тез-тез қадам ташлаб борарди. Саид олисроқ бирор жойдан полковникни қидириб топиш мақсадида эндигина қайрилмоқчи бўлганди, бироқ уни шарфюрернинг бир нарсаси қизиқтириб қолди. Унинг бўйи! Туркистонлик жуда ҳам новча эди. Новча ва бесунақай йигит эди. Ходага ўхшаш узун, ингичка икки оёғи худди юриб кета туриб қўллари билан тиззаларини ушламоқчи бўлиб, бир оз олдинга энгашган ингичка гавдасига тираб қўйилганга ўхшарди. Ингичка ва узин бўйни эҳтиёж бўлмаса ҳам, бошининг оғирлигидан эгилганди — фуражкеси қандайдир кичик бошини беркитиб турарди, фақат шапкасининг соябони остидан қуш тумшугига ўхшаб чиқиб турган узун бурни олисдан яққол кўзга ташланарди.

Лайлак!

Саиднинг юраги хурсандлигидан гупиллаб ура бошлади. Шунча кунлар, ойлар давомида кутиб юриб, ниҳоят «муқаддас қуш»ни кўришга муяссар бўлди. У зиналардан юриб кетаётган шарфюрерга қайта-қайта разм солди, у шундай синчиклаб қарадики, худди бе-

гона киши эмас, балки кейинги бир неча йил ичида кўрмай юрган, шарфюрерга энг яқин киши сингари тикилиб қаради. У разм солиб, ҳаммасини кўрди. Аммо таққослаб кўриш учун ҳеч нарса эди — ёнида сурати ҳам, ёдида қиёфаси ҳам йўқ эди, фақат лақаби-ю пакананинг тавсифини биларди, холос. Яна ўзича тасаввур қилган портрети бор эди. Афсуски, портрети аслига мос тушмасди. Аммо, ҳар ҳолда, шарфюрернинг қиёфаси унинг «лайлак» лақабига тўғри келарди. Жуда ҳам тўғри келарди.

«Тез, тезроқ юр! — шарфюрерни пешиттиларди Саид, — барибир чолни тополмайсан. У энди аста келмайди. У ўтган ҳафта қазо қилди. Агар кўрилиш қазм этган бўлсанг, боришинг керак. Қўлингиза бошқа нима келарди: пакет ёнингда, ундан қутулишинг керак. Албатта, ундан қутулишинг зарур, ақс холда кўкэйин сени нариги дунёга жўнатади!»

Шарфюрернинг ўзи ҳам шошарди. У эизалардан бораётган одамлардан ўтиб кетарди, пиллапоялардан сакраб ўтарди. У юқорига, ибодатхонанинг ўзиги учиди чиқишга ҳам тайёр эди. У сўнгги пиллапояда эгиндигина қадамини секинлатди борадиган жойга гадойнинг олди, нимага шошади. Ахир шошишга гадой гадойи, шубҳали-ку. Аста, чарчаган киши бўлиб ўрдин кетди. Ибодатхона олдидаги саҳида шарфюрер энди аста юриб ўтди. Унинг узун оёқлари олдидан кўриляптиди, эгилган гавдаси орқасидан судралиб кўриляптиди. тиззаси устида шалвиллаб борарди.

«Чол йўқ, деди Саид ичиде «лайлак» — ақс юқин нима ҳам қилардинг худонинг амри жаман. У нана зинапояларда ўн йил мобайнида одамлардан сакраб сўраб юрди, охири умри тугагач, йиқилди. Дунёда нанапоя устида. Унинг мурдаси, анча вақт олдин ўша ўша кунни ёмғир ёғиб турганиди, ҳеч ким кўриб кўрмади келмаганди. Ўз умрини гадойнинг олдидан кўриляптиди. Қазган ит ингиллаб, кимидир чақирди, анча вақт ибодатхона шаҳардан анча олис эди, унинг ичиде гадойнинг...

ким эшитмади...»

Чол йўқ эди. Унинг нима учун йўқлигини «лайлак» дархол англамади. У чолни топишга уриниб кўрди. Ибодатхона атрофини айланиб ўтди, одамлар орасида кезиб юрди, вақтни текшириб кўрди — соат ўн, белгиланган вақтнинг айнаи ўзи. Шундан кейин у майдонга келди. Гадой чол йўқ эди. Шундан кейингина у фаҳмлади. Уни ваҳима босди. Кўрқиб чор атрофга аланглади-да, зинадан пастга, тепалик этаги томон ўзини урди...

Саид оёқлари узун шарфюрер орқасидан аранг етиб борарди. У қувиб етишни ўйламасди, аммо кўзидан қочирмаслиги керак. У «лайлак»нинг қаерга боришини билмоғи керак. Албатта, билиши зарур, акс ҳолда унинг изини йўқотиб, уни яна топгунча анча вақти кетади. Бутунлай кутилмаган ва хавф-хатарга тўла вақти кетарди.

Унинг уяси қаерда экан?

«Лайлак» уясига учиб бормади. У, полковникдан рухсат олган кўринади, адреси ёзилган қоғоз билан шаҳарда сайр қилиш учун шарфюрер полковникдан бошқа яна кимдан рухсат оларди. Шундай қилиб у энди бўш вақтини ўзи билганича ўтказа олади.

Зинадан тушиб бораркан, шарфюрер бирор каромат кўрсатмади, чорак соат ўтгач, унинг рўпарасида Республика хиёбонидаги кафе эшиклари очилди. «Лайлак» гулдор столлар орасидан ўтиб, залнинг нариги бошига — легионерлар улфатлашиб, вино ичиб ўтирган жойга борди. Саид кафе олдидан ўтди, ўзини чинорлар ўсиб турган хиёбон ва хиёбонда тўдалашиб юрган қорачадан келган Ним аёллари қизиқтираётгандай қилиб кўрсатишга мажбур бўлди. Кафега анчадан кейин қайтиб келди, бу вақт ичида эшик олдида турган хизматчи уни эсидан ҳам чиқариб юборганди. Саид бўш жой топиб ўтирди-да, бир шиша вино буюрди. Ахир, шу кунни, шу учрашувни нишонлаш керак-да.

«Лайлак» вино ичиб валдирарди. У жуда кўп ичиб, улфатларини қаергадир таклиф этарди. Аммо, у маст эмасди, фақат ўзини мастликка солганди. Буни Саид фаҳмлади. Юратишкадаёқ ўша пакана йигит Саидга «лайлак» маст бўлмайди, айниқса куруқ винодан, деганди. Бошқа столларда немислар — гарнизон қисмларидан ва зондеркомандалардан келганлар ўтиришарди. Улар ҳам ичишаётганди, аммо тўполон қилишмасди, индашмасди. Уларнинг индамай ўтиришлари қандайдир ғайритабиий, ташвишли кўринарди. Улар хафа эдилар — немислар яна бир фронт очилишини кутардилар. Энди шу ерда, Францияда, бу эса ҳеч қандай яхшилик келтирмасди, чунки Шарқий фронтда Германия қўшинлари кетма-кет мағлубиятга учрамоқда эди, энди урушда ютиб чиқишга умид қолмаганди. Кечагина газеталар немислар Севастополни топширганликларини хабар қилди, ундан буруноқ Совет қўшинлари Одессага кириб келгандилар. Геббельс рейхни ҳимоя қилиш тўғрисида гап сотиб қолди. Ниҳоят, у ҳимоя ҳақида гапирди... Кафе эшиги ёнида власовчилар ўтиришганди. Улар ўзларининг жим ўтирган иттифоқчиларига кўрқа-писа қараб қўйишар, аҳён-аҳёндагина бир-икки оғиз гапиришар эди. Уларнинг стаканлари бўш эди. Вино власовчиларни овута олмасди.

Саид ўз шишасини бўшатиб, расмият учун бир оз ўтиргач, официантни чақирди-да, залнинг охирида шовқин солаётган баланд бўйли шарфюрерга кичкина хат топшириб қўйишни илтимос қилди. Дарҳол эмас, жаноб офицер чиқиб кетгандан кейин орадан ўн минут чамаси ўтгач, топширишни таъкидлади, хизмат ҳақингизни шиша тагига қўйдим, деди.

Официант бош эгди — у ҳамма нарсани англаганди, такрорлашнинг ҳожати йўқ. Саид кафедан чиқиб, чинорлар орасида ғойиб бўлиши билан хизматчи стол устини йиғиштирди, идишларни ошхонага олиб бо-

риб қўйди-да, сўнгра ошиқмай легионерлар томон йўл олди. Кўзлари пишиб кетган хизматчи хатни қай пайтда топширишни пайқади. Шу вақт шарфюрер тўсатдан қўлида бир парча қоғоз пайдо бўлганини сезди.

Менгами?!—қўрқиб сўради у ва хат қўлини куйдиргандай уни ташлаб юборишига сал қолди.

— Сизга,— деди хизматчи ва хиёбон тарафга қаради, хиёбонда деярли ёзлик кийимдаги Ним аёллари зерикшиб айланиб юришарди.— Бир аёлдан... «Лайлак» ишонмади, у ибодатхона зинасини эслади. У зинани қўлидаги бир варақ қоғоз билан боғлиқ деб билди. Ўртоқлари «лайлак»ка ишонишди.

— Ҳа, парилар дарров сени кўз остларига олишибди-да... Бўш келма, оғайни, бўлмаса жононингни йўлдан урамиз.

Хатни очиб, уни ўқишга тўғри келди. Ошналари хатни овоз чиқариб ўқийсан, деб туриб олишди. Аммо «лайлак» аввал қоғозга кўз ташлаб чиқди-да, хатда бирор хавfli нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

«Биринчи муваффақиятсизликдан хафа бўлманг. Мен сизнинг сезгингизни синамоқчи бўлувдим. Сизнинг яхши одам эканлигингизни тушундим. Мен сизни яна ўша вақтда кутаман... Лилли».

У сўнгги сатрни ўқимади. Ўқиши мумкин эмасди — адрес кўрсатилганди.

Яхши одам учун! — легионерлардан бири мазах қилиб кулди ва стаканни кўтарди.

Йўқ, ёқимтой Лилли учун,— эътироз билдирди бошқаси.— У шайтон зўр бўлса керак... Сен нима дейсан, омадли йигит? Ҳой, хизматчи, яна бир шиша вино келтир, манави иши ўнгидан келган шарфюрер ҳисобидан!

«Лайлак» хатни қалтираб турган қўллари билан шошиб-пишиб яшириб қўйди. Хат уни хурсанд ҳам қилганди, қўрқитиб ҳам юборганди.

— Лекин, ўша соҳибжамол нега немисча ёзади? —

яна масхара қилиб деди ўша биринчи легионер.— Ёки у бизни немис деб ўйлайдими?

«У қайси тилда ёза оларди? — ўйлади «лайлак».— Турк тилида ёзмайди-ку ахир!» Кейин жавоб берди:

— Ҳа, у бизни немис деб ўйлайди.

Ҳазилкаш йигит қувлик билан кўзини қисди:

— Ишонаманки, сен унга немис эмаслигингни исботласан...

Улфатлар қаҳ-қаҳ уриб, қий-чув қилиб, кулиб юборишди.

Столларнинг бирдан семиз оберштурмфюрер турди-да, легионерлар ёнига яқинлашди.

— Ҳозир немис кийимидаги одамнинг хурсанд бўладиган жойи йўқ, — деди қовоғини солиб офицер.— Ишонаманки, сиз гапимни тушунгандирсиз, жаноблар?

Легионерлар чурқ этмай қолишди.

Офицер уларга таъна билан назар солди-да, ўз столи ёнига қайтди.

9

Ҳеч қандай Лилли йўқ эди. Кичиккина, тўладан келган, сочлари қўнғир ғунчадай лаблари ёқимли кулиб турган француз аёл. — Аннета бор эди. Кулимсираб туриши унинг чиройига чирой қўшарди. Эркакларга унинг сигареталаридан кўра, кўпроқ жозибадорлиги ёқарди. Сигареталарнинг чиндан ҳам сифати паст эди. Аннета буни биларди-ю, аммо уруш пайтида яхшисини қаердан топа оларди. Худога шукурки, ҳаётларини хавф остида қолдириб, шуниям олиб келишяпти.

«Лайлак» Ним четидаги кичкина уй остонасидан ўтмаёқ жилмайган чехрага кўзи тушди. Аннета деразадан бошини чиқариб, шарфюрерни ичкарига таклиф қилди. Аннета уни кутиб турганди. «Лайлак» шундай деб тушунди ва бемалол эшикни очиб ичкари кирди.

— Лилли! — кулиб туриб номини айтди у.— Лиллининг немис офицери учун сигареталари бор.

У, немисча гапиришни яхши билмаса ҳам, немисча-

лаб гапирди. У кафе официантлари ва бозордаги сотувчилардан кўра ёмонроқ гапирарди, лекин гапини тушуниш мумкин эди. Шарфюрер англади ва Республика хиёбонида топширилган хатни аёлга узатди.

Аннета ўқиб ўтирмади — ўқиш сигарета сотувчининг вазифасига кирмасди. У кичкина қоғоз парчасига кўз қирини ташлаб қўйди-да, ишора қилиб, ўтиришга уни таклиф этди. Ўзи эса чиқиб кетди. «Лайлак»ни ўз ўйлари, туйғу-ҳислари билан якка қолдириб чиқиб кетди.

«Лайлак»нинг ўйлари эса ташвишли эди. У Лилли билан учрашувга йўл оларкан, юраги така-пука бўлиб кетди, махфий «вакил»нинг тутган йўлидан шарфюрер ўзининг эҳтиёт бўлиши лозимлигини фаҳмлаганди. Ҳамма жойда уни таъкиб этишаётгандай туюларди. Ахир пакетни қидиришмоқда. Қимматбаҳо пакет бўлгани учун уни қидирмасликлари мумкин эмас (эгаси ўни катта бойлик деганди), модомики, қидиришар экан, демак «лайлак»нинг изидан юришибди. Уни хоҳлаган дақиқада, қаерда бўлса қам қўлга туширишади. Агар шарфюрер, Берлин ҳалқасидан пакет эгасига топшириладиган жойгача бўлган йўл шунчалик машаққатли бўлишини билганда эди, пакетни асло қўлига олмасди. Пакет унинг ҳамма ёғини ўртаб, доимо ваҳимага солиб турарди, ваҳимадан, пакетнинг ўзидан қутулиш вақти келганди.

«Лайлак» шундай қилмоқчи эди. У хўжайиннинг маслаҳатига биноан душман агентларини Нимдан ва унинг атрофларидан қидириб юрди: кафега кирди, хиёбонларда санқиб юрди, бозор кезди, лекин агентларга дуч келмади. Немислар вино заводи ишчиларини, темир йўл хизматчиларини, сотувчиларни, почтальонларни қамоққа олишарди—комендант буйруғига қараганда буларнинг ҳаммаси агент эди. Аммо шарфюрер бу ҳақда суд ҳукмидан кейингина хабардор бўлди. Шундан сўнг у зондеркомандадан ёрдам олмоқчи бўлди. Қўпоровчиларни ушлашда биринчи

бўлиб «районни тозалаш»га киришди ва автоматчилар қаторига тизилди. Унинг иши юришмади. Улар парашютчини узумзорда беш километрча қувиб юришди. Парашютчи эндигина қўлга тушай деганда ва «лайлак» уни ушлашига озгина қолганда, зондеркомандадан қандайдир бир тентак бечора парашютчига қаратиб автоматдан шиғаб ўқ узди.

Яна бир бор «лайлак» ўрмонни тозалашга борди. Ўрмон тепалик орқасида бўлиб, бир гуруҳ қаршилик кўрсатувчилар яширинган, деб тахмин қилинган эди. У кўпчилик билан бирга борди, сўнгра бирор партизанни учратиб қоларман, деган умид билан улардан ажралиб чиқди, ҳеч кимни учратмади. Группа огоҳлантириб қўйилган бўлса керак, чунки махсус топшириқларни бажарувчи батальон келгунга қадар, группа бу ердан кетиб қолибди, ёки «лайлак» уларни тополмади. Уни қалтироқ босди. Ҳатто, у умидсизликка ҳам тушди. Пакет унга халақит берарди, у эса пакетдан қутулолмасди. Шундай пайтларда бирданига варақа чиқиб қолди. Ишончли қўл топширди — уни «лайлак»ка полковник топширди. Варақа уни ибодатхонага, ибодатхонадан бу ерга, Ним четидаги кичкина уйга олиб келди. Мақсадга эришишга бир қадамгина қолганди шекилли. Шундан сўнг тинч, эркин, фароғатда яшайди...

Аmmo шу бир қадам шарфюрерни номаълум оstonага бошлаб келганда, у иккиланди. Ҳали уйдалигида, казармада эканлигида ҳаммасини тарозига солиб, пакетни панароқ жойга яшириб қўйганди, шу билан у фош этувчи далилдан ўзини соқит этганди. Энди ундан шубҳаланишиб бўпти: у шунчаки, сигарета сотувчи ёнига келган. Шарфюрер босиб олинган шахарда эркин юришга ҳақи бордир ахир, бунинг устига уни меҳмонга Лиллининг ўзи таклиф этган-ку!

Аннета ҳадеганда қайта бермади. Айтганча, унга сигарета сотувчи керак эмасди, у кафе хизматчисидан хат бериб юборган сирли нотаниш шахсни кутар-

ди. «Лайлак» у билан гаплашишни истарди. Тезроқ гаплашмоқчи эди.

Ним четидаги кичкина уйга келиб қолган шарфюрер унча зийрак одам эмасди, бўлмаса уни текшириб кўришаётганликларини билмасмиди. Тўғри, бундай фикр анча вақтдан кейин унинг миясига келганди. Жимликка қулоқ солиб, у қандайдир овоз — нимадир шитирлаганиними, пичирлаганиними, ҳатто эшикни-иг ғижирлаганиними эшитди. Лилли хоналарда юраркан, ким биландир гаплашаётганди, энди кулмаётган бўлса керак. Нимага ҳам кулсин — у эсэс кийимидаги меҳмон ҳақида гапираётгандир. Хат ёзиб, шарфюрер билан учрашмоқчи бўлган энг катта бошлиққа гапириб бераётгандир. Ҳозир ўша одам чиқиб келади. «Лайлак» сабрсизлик билан кутди.

Ҳеч ким кирмади. Яъни, ўша катта одам кирмади. Аннета нималигини англаб бўлмайдиган, газетага ўраб, боғич билан боғланган қандайдир бир қути кўтариб, кириб келди. Қути унча оғир эмасди — сигаретачи аёл уни бир тутам пахтадек, енгил кўтариб кирганди.

Сигареталар,— деди Аннета ва аввалгидек мулойим жилмайиб қўйди.

«Сигаретангни бошимга ураманми! — шарфюрернинг жаҳли чиқди.— Мен сигарета учун келганим йўқ-ку!» Лекин у қутичани олди ва беҳад мамнун бўлганлигини билдириб, уй эгасига бошини ирғади...

Шуми?— сўради у.

Аннета бармоқлари билан қанча пул олмоқчи бўлганлигини билдирди. Бу анчагина пул эди.

«Аҳмоқ қилишди! — ух тортди «лайлак».— Мени жуда боплашди. Ёнимда бунча пул қаёқдан бўлсин...» У хафа бўлиб, чўнтагини ковлади-да, ундан бир неча майда чақа пул чиқарди.

«Лайлак» энди Аннета кулмас, деб ўйлаганди, лекин унинг юзидан кулги аримади. У беўхшов новча шарфюрерга қувлик билан мулойим боқди-да, пулни олиб

деди: Немис офицери Лилли ҳадя этган сигаретани чекиши мумкин.

«Ҳадя! Менга умуман сенинг ҳадянг керак эмас,— қаҳр билан кўзини олайтирди «лайлак».— Менга мени бу ерга чақирган кишининг ўзи керак». Шарфюрер шундай деб ўйлади-ю, ҳозиргина Лиллининг кетидан ёпилган эшик томон шахдам қадам ташлади.

— Йўқ қаршилиқ кўрсатди Лилли.

Унинг қўллари шарфюрер йўлини тўсди. Бу қўллар нозик бўлишига қарамай, бакувват, ниқ эди. У, ҳатто «лайлак»ни итариб ҳам юборди.

— У ерда ким бор? — талаб қилиб сўради шарфюрер.

— Бир ўзимман, — жавоб берди Аннета.

— Ёлғон гапиряпсан! Биров билан гаплашдин-ку.

— Якка ўзимман, — энди жиддий такрорлади Аннета.

— Ахир, немис офицери ҳам рашкчи бўладими?

Шарфюрернинг ишонгиси келмади. Ҳа, унга ҳозир бу важларнинг кераги йўқ эди, халақит берарди. Шунинг учун «лайлак» Аннетани елкасидан тутиб бир жойдан иккинчи ерга олиб қўйгандек, уни суриб қўйди-да, ғов олингач, эшикни очди. Аннета тўғри гапирган экан, ёнидаги хонада ҳеч ким йўқ эди, дераза ва эшиклари кўм-кўк, гуллаб турган боққа қараган кичик учинчи хонада ҳам ҳеч ким йўқ эди...

Ҳеч кимсанинг йўқлиги «лайлак»ни ҳайратга солмади, аксинча ташвишлантирди, ахир у пичирлаган овозни аниқ эшитди-ку. Демак, ўша зарур одам ғойиб бўлган. Ахир Лилли ўзи билан ўзи гаплашиши мумкин эмас-ку.

— Қани? — сўради шарфюрер изма-из юрган Аннетадан. Аннета елкаларини қисди, шундай қисдики, унинг рост гапираётганига шубҳа қилиш мумкин эмасди, чиндан ҳам уйда Лиллидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Немис офицери сигарета чекадимми? — деди Аннета яна мафтункор жилмайиб.— Майли, немис офицери сигарета чекаверсин... Булар Испания сигареталари!

— Тентак! — сўкинди «лайлак».

Аннета, худди уни мақтаётганларидай, кулимсираб турарди.

Шарфюрер дахлизга қайтди, қутичани олди ва уйдан чиқиб кетди, ҳатто уй бекаси билан хайр-маъзур ҳам қилмай чиқиб кетди.

Шарфюрер казармага кетаётиб, наъматаклар ўсиб турган томонга олиб борувчи сўқмоққа бурилди, сояга ўтириб, сигареталарни кўздан кечира бошлади. Сигарета қутиларининг ҳаммаси ҳам очилмаганди, фақат биттаси бир оз йиртилганди, шарфюрер ўша қутини очди.

Сигареталар орасида шойига ўхшаш юпқа, тиниқ, тўрт қават қилиб буклаб қўйилган қоғоз бор эди. Қоғозга бир неча сўз ёзилганди:

«Нимдан қочинг. Сизни гестапо қидириб юрибди...»
Қоғознинг орқа томонида кўзга аранг илинадиган ёзув бор эди:

«Дўстлар сизни Монпелье йўлида кутиб олишади. Пароль...»

10

Франкфурт-на-Майнеда чиқадиган оқ гвардиячилар газетаси сўнгги саҳифасининг энг охирида кичик бир хабар босилди. Хабар майда ҳарф билан терилганди. Аниғи, бу хабар эмас, таъзия эди. Бундай ҳолларда газеталар таъзияни одатдагидек, мотам рамкасига олиб берардилар. Бу гал ҳам шундай қилмоқчи бўлишди, аммо сўнгги пайтларда рамкада берилаётган таъзия кўпайиб кетганлиги учун муҳаррир яна рамкада беришни ноқулай, деб билди. Хабарда, энг кекса рус муҳожирини князь Галицин етмиш икки ёшида вафот этганлиги, унинг Германиядаги оқ гвардиячилар уюшмаси олдидаги хизматлари буюк ва бебаҳо эканлиги билдирилганди. Таъзия ҳеч кимга изҳор этилмаганди,

чунки князь сўққабош бўлиб, ўзидан кейин бу дунёда зурриёт қолдирмаганди.

Редакцияда тортишув бўлибди, деган миш-миш гаплар тарқалди—Галицин вафот этди, деб таъзия билдириш керакми ёки ёвузлик билан ўлдирилди, деб хабар босайликми, деган мунозара бўлганмиш. «Тройка» ресторанига яқин жойда князнинг ўлигини топишганди. Унинг юраги яраланганди. Галициннинг жони орқасидан келиб, кўкрак қафасига санчилган ханжар тиғидан узилганди. Князь тунда уйга кетаётган бўлса керак. У ҳамиша уйига ресторандан пиёда, якка ўзи келарди. Кимдир бу гуноҳкор дунёда яшашдан чарчаган кекса чолнинг орқасидан келиб солган бўлса керак...

Ольшер эмас, бошқа бирор кимса қасд қилган. Галициннинг ўлимини Ольшер ўзининг омади юришмаганликка йўйди. Галицин Ольшерга Берлин ҳалқа йўлининг иккинчи километрида пакетни ўғирлаган киши ҳақида маълумот бериши керак эди. «Ўша одам тирик,— деганди Галицин,— шу атрофда юрибди». Ўша одам ҳақидаги маълумотни у Мюнхендан, Туркистон миллий комитети ходимидан олдим, унинг фамилиясини ҳам айтаман, лекин бунинг учун «алоҳида шартнома» тузилади, деб қўшиб қўйганди. Ольшер князни катта вокзал ёнида кечаси соат ўн иккида кутиб турганди, аммо кутгани зое кетди.

Ольшер киши бекордан-бекорга ушланиб қолиши мумкин, деган фикрни шу ондаёқ миясидан чиқариб ташлади. Разведка ишида бекордан-бекорга тутилиб қолиш инobatга олинмайди — муҳим сирга эга бўлган шахс учрашувга келмаса, демак бирор бахтсиз ҳодиса юз берган бўлиши керак. Сирни билишга қизиққан бирор киши уни тўхтатган ёки йўлини тўсган.

Эртаси куни Ольшер князни ахтариб топиш учун Фабрикштрассе районига жўнади. Унинг қалбида чол тўсатдан касал бўлиб, шунчаки касал бўлиб қолган

бўлса керак, деган зиғирдай умид бор эди. Разведка қондасига зид равишда одамнинг грипп бўлиши ёки қорни оғриб қолиши мумкин-ку, ниҳоят, юраги санчаётганини сезиши ҳам мумкин, ахир! Ҳа, Ольшернинг ҳам сўнгги пайт-ларда юраги тез-тез санчиб, титраб кетади-ку. Унинг умиди шундайин оз эдики, Фабрикштрассе йўлидаёқ бор умидидан ҳам асар қолмади. Бунинг устига Ольшер князнинг уйини тополмади. Ўжар чол адресини ҳам айтмаганди, фақат бир катта кулранг уйнинг кўримсиз, нураган подъезди борлигига ишора қилганди. Фабрикштрасседа, бир шу кўчанинг ўзида кулранг уйлар жуда кўп эди, кўримсиз подъездлар эса ундан ҳам кўп эди. Гап уйларда ҳам, подъездларда ҳам эмас эди. Ольшер князнинг йўқлигини, умуман унинг йўқлигини фаҳмлади. Чол жуда пухта, ўз сўзи устида турадиган, талабчан одам эди — у, башарти, юраги оғриганда ҳам келмай қолмасди...

Шундай бўлса ҳам капитан кечкурун «Тройка»га келди. Учрашувга сўнгги умид билан келди. Ҳатто, умид билан эмас, ўзини ва князни текшириб кўриш заруратидан бу ерга келди.

Галицин йўқ эди. Князь келмади, девор ёнидаги ўзининг одатдаги столини эгалламади. Айтганча, жой ҳам йўқ эди, негадир столи суриб қўйишганди. Стол атрофида бир тўда муҳожир улфатлар ўтиришганди.

Князь келмайди. Ольшер князь энди сира келмайди, деб ичидан қайғурди. Бу ерда князни ҳеч ким кутмайди...

Капитан бир рюмка коньяк ичди, лимон еди-да, ресторандан чиқиб кетмоқчи бўлди — муҳожирлар орасида унинг қиладиган иши йўқ эди. Шу пайт тўсатдан рўпарасидаги девор ёнида, дераза олдида ўтирган бир таниш кишини ён томонидан кўриб қолди. Унинг диққатини кўпроқ чап чаккасидаги ғалати, кичкина тиртиқ жалб этди. Уни Ольшер эслади. СС Бош

бошқармасидаги шахсий хужжатга қўшиб қўйилган суратда унинг худди шундай тиртиғи бор эди. Бунинг устига капитан бу тиртиқли кишини Моммзенштрасседаги ўз бўлимида қабул қилиб, ўз кўзи билан ўша тиртиқни кўриши мумкин эди.

Яна — бурнининг ўнг томонида холи бор эди. У, албатта турган бўлиши керак. Рўпарасидаги одам бошини ўгирса бўлди, албатта ўша холни кўради. Қани, юзингни ўгир-чи! Ана, турибди. Жингалак сочичи, уни адаштирмайсан, киши. Ўша! Собиқ ҳарбий министр ва вице-президент.

Тиртиқли киши ким билан ўтирибдйкин? Ольшерга нотаниш икки туркистонлик билан ўтирибди. Уларнинг ёнида рус муҳожирлари уюшмасининг бошлиқлари Околович, Ольгский, Столипин, Романов ўтиришибди. Столнинг нариги томонида украин миллатчиларининг Мюнхендаги илҳомчилари. Ольшер улардан фақат биттасини — сочи устара билан олинган юзи думалоқ кишини таниди.

Аввал уни «Цезар», кейинчалик «Мазепа» дейишарди. Германия иттифоқчилари билан «Адлон»да бўлган учрашувда уни Ольшерга «Цезар» деб, ҳатто фамилиясини ҳам бир нима деб таништиришган бўлса ҳам, ҳақиқий фамилияси капитанга маълум эмасди. Ўша пайтда Степан Бандера ёнида упавчилардан ҳеч кимнинг номи тилга олинмаганди, шунинг учун бошқа фамилияли кишиларни эслашга ҳожат ҳам йўқ эди. Энди, Бандера ўлдирилгандан сўнг, собиқ упавчилар яшириниш тутишга ўтдилар, лақабдан фойдаланадиган бўлдилар, башарти фамилиясини атасалар ҳам, уйдирма фамилия билан атардилар. Шу атрофда «Цезар»нинг шахсий соқчилари ўтирган бўлиши керак.

«Улар нималар ҳақида гапиришаётган эканлар? — ўйлаб қолди Ольшер.— Менинг собиқ кишиларимни нималар ташвишга солаётган экан? Ёки янги уюшма

тузишмоқчими?» Ольшернинг қанчадан-қанча куч, меҳнат сарфлаб «Адлон»да зиёфат уюштиргани, бир бўлак ёғлиқ гўшт деб доимо бир-бирини ғажийдиган миллатчиларни эпакага келтиргунча ва бир стол атрофига ўтқазиб, Германияга содиқлик ҳақидаги декларацияга имзо чектиргунча чеккан машаққатлари эсига тушиб кетди.

Ўшанда Бандера роса кеккайганди, Власовнинг жазаваси тутганди, Қаюмхон ўжарлик қилганди. Қани энди улар. Биргина Вали Қаюмхон аранг оёғида турибди, лекин уни Ҳайит четлатиб қўйди. Боннда ғайратли, ишбилармон, ҳозирги вазиятга қараб иш тутувчи, деб аталган бошқа кишилар четлатиб қўйишди. Улар Ольшер қирқ бешинчи йилгача қилган ишларни қилишяпти. Ўшанда Ольшер ёмон ишламаганди. Ҳозир ҳам ўшандай ишлаши мумкин эди. Лекин уни ҳам четлатишмоқда. Очикдан-очик четлатишмоқда, қўлидан сирни олиб қўйишмоқда.

«Улар нималар ҳақида гапиришаётган эканлар?» — ҳамон билишга уринарди капитан. Шу пайт даҳшатли фикрдан аъзойи бадани ловиллаб кетди: «Бостириб кириш тармоқлари-ку!» Улар стол атрофига ўтириб олиб, сирни тақсимлашмоқда, яна асли эгасининг кўз олдида-я! «Аблаҳлар!—заиф ғазаб билан инграрди Ольшер.— Ўғрилар! Тирик одамни тилка-пора қилишмоқда...»

«Шундай бўлса ҳам сир ўзимда. Сиз гауптштурмфюрерсиз ҳеч нима қилолмаслигингизга ақлингиз етмай турибди. Агарда, бойликни тақсимламоқчи бўлсангиз, ҳалол иш тутасиз, ўшанда ҳам кўпроқ қисми меники бўлади.

Эшитяпсизми, кўпроқ қисми!» У дарғазаб бўлиб кетганидан Ислombекни ҳам унутди. Ҳеч қандай сир қолмаганди, у ғойиб бўлиб кетганди, йўлда бирор жойда йўқолганди. Ҳарбий министрнинг алоқачиси ҳам

етиб боролмади, бўлмаса майор Райли ёрдам сўраб, гауптштурмфюрерга мурожаат қилмаган бўларди. Ольшер хаёлида бойликнинг бир қисмини ўзида қолдириб, бир оз совиди ва охисталик билан юз берган вазиятга баҳо бера бошлади,

Тиртиқли кишининг ресторанда ўтириши капитанни аниқ ташвишга солиб қўйди. Агар чиндан ҳам олди-сотди қилинаётган бўлса, у вақтда у муҳожир тўдаларига нима сотмоқчи экан. Мюнхендан келган жингалак сочли жанобнинг нималари бор экан?

Худди олтинчи июнь арафасида инглиз-америка қўшинлари Нормандияга туширилаётган куни Ҳайит Ним ва Альбига командировка қилинганини Ольшер эслади. Ҳайит жуда ҳам шошиб турганди ва «Тюркосттелле» бошлиғидан СС Бош бошқармаси ҳужжати билан жўнатишни илтимос қилганди. Фақат шу хил ҳужжатгина «Фавқулодда ҳолат» зонаси, деб эълон қилинган Фракциянинг жануби бўйлаб қаршиликсиз сафар қилиш ҳуқуқини берарди. Ольшер унга шундай ҳужжат берганди, лекин Ҳайит фақат Альбига бориши кўрсатилганди: гауптштурм-фюрер Ҳайит Нимдаги операцияга халақит беради, деб қўрққанди.

Нимдан Исломбекнинг шифрли хати олинганди. Хатда у манзилга бориб ва сўнгги қадамга тайёрлик кўраётгани ҳақида хабар қилганди. Сўнгги қадам қўйилмади, энди бу аён эди. Ҳарбий министр айби билан сўнгги қадам қўйилмай қолган бўлмасин тағин. Ольшер ўшандаёқ бирор хунук ҳодиса юз берганидан гумонсираганди ва полковник Ориповдан 1944 йил 6 июндан бошлаб то шу кунгача туркистонликларнинг Ним районидаги ҳаракатлари ҳақида дарҳол док-лад ёзиб юборишни талаб этганди.

Бироқ Исломбекдан ҳеч қандай маълумот ололмаганидек, Ориповдан ҳам докладни ололмади. Чунки Францияда ҳарбий ҳаракат бошланиб кетди, шундан

кейин гарнизон билан СС Бош бошқармаси орасида алоқа узилди. Ҳамма маълумотлар бош қўмондонлик ставкаси орқали олинадиган бўлди. Доклад йўлда, бирор жойда қолиб кетди шекилли.

Ўша пайтда доклад билан кимнинг иши бор, дейсиз. Эҳтимол, полковник Орипов ҳисоботни юбормагандир, юборолмаган ёки юборишни хоҳламагандир. Тўғрироғи, юборишни хоҳламаган. Чунки у ҳарбий министрнинг ошнаси бўлиб, унинг қаердалигини яширганди.

Нимда нималар юз берди экан? Исломбекка ким халақит берган экан? «Лайлак» қаерга гумдон бўлдикин? Галицин: «Ўша одам тирик, у шу яқин атрофда туради...» деганда кимни назарда тутган экан?

Шу яқин атрофдадир. Дераза ёнидаги стол атрофига тўпланган муҳожирлар орасида ўтирмаганмикин? Чап чаккасида тиртиғи бор одам эмасмикин...

Ольшер истар-истамас жингалак сочли кишидан кўзини узиб, ўз столига қаради. Стол устига қўйилган овқатлардан, коньяк ва лимондан бошқа ҳеч нимага қўл урилмаганди.

Капитан иккинчи қадаҳни тўлдириб, ичиб юбордида, гўштни, чандирли яхна гўштни, чайнай бошлади. Гўшт қаттиқ эди. Қайнатилган пай — чандир эса хилхил бўлиб, вилкадан ҳўл қор каби тарелкага тушиб, дриллаб турарди. Ольшер гарчи жағларини тўлдириб, шунча чайнаб тортса ҳам гўштни эплолмади.

Умуман, ҳозир унинг томоғидан овқат ўтмасди, у жон-жон деб тарелкага қўл урмасди-ю, лекин бутун кеча давомида оғиз очмай ўтириш ўнғайсиз-да, бирор нарса еб, бирор нарса ичиб ўтириш керак-да. У овқат еб ўтираркан, столига разм солди: оппоқ дастурхон солинган ва тарелкалар қўйилган кичкина столча тўрт бурчак экан. Тарелкалар капитан эътиборини банд қиладиган даражада кўп эмасди. Ҳаммаси бўлиб учта

тарелка, озгина кўкат ва кичкина лимон парчаси солинган ликопча кўздан кечириб чиқиш учун кўп вақт талаб этмасди.

Яримта булка солиб қўйилган идишни ҳисобламаса ҳам бўларди. Мана энди, оқ дастурхон тўшалган столни зерикиб кузатиб чиққан Ольшернинг кўзи стол четида ётган газетга тушди. Бу Франкфуртда оқлар уюшмаси томонидан нашр этиладиган муҳожирлар газетаси эди.

Ольшер дастлаб бу газетанинг нега стол устида ётганига эътибор бермади. Бу газета кафе, ресторан, меҳмонхоналар, саёҳатчилар пайдо бўладиган ҳамма жойда тўлиб ётарди. Унинг «Тройка» ресторанида пайдо бўлиши ҳам ажабланарли ҳодиса эмас эди. Капитан газетани ўқигиси йўқ эди, чунки бу муҳожирлар варақасида Совет Россияси ҳақида ақлга сиғмайдиган бемаъни гаплар ёзиларди, аммо ҳозир бирор нарса билан шуғулланиб ўтириш керак бўлган пайтда у варақани қўлига олди-да, уни кўздан кечира бошлади. Унга қизиқсиниб эмас, балки баъзан дераза ёнидаги столга кўз қирини ташлаб туриш учун, газетани ўқиётган киши бўлиб ўтирарди.

Капитан зехн солиб, аввал биринчи саҳифани, сўнгра иккинчи, учинчи саҳифани «синчиклаб» ўқиб чиқди-да, тўртинчи саҳифага ўтди, хроника ва иккинчи даражали эълонларга кўзи тушди. У худди ана шу саҳифада майда ҳарфлар билан терилган князь Галициннинг вафоти ҳақидаги хабарга дуч келди.

Ольшер ҳайрон бўлмади. У шундай хабарни кутган, сезган эди, аммо шундай бўлса ҳам «ўлим» сўзи уни сескантириб юборди. Галицин юрак тутқалоғидан кўчада ўлибди. Гауптштурмфюрернинг эсига нимагадир аллақачонлар содир бўлган таниш воқеа — Исломбекнинг Берлин ҳалқасида ҳалок бўлиши тушиб кетди.

Бу тўсатдан юз берган, тушуниб бўлмайдиган, сирли воқеа эди. Иккови ҳам йўлда ҳалок бўлди. Капитан

князни худди соат ўн иккида катта вокзал ёнида ку-
таётганди.

Шуниси ҳам борки, хабарда шу воқеага қадар Га-
лициннинг муҳожирлар газетасида эълон қилинган
мақоласи ҳам эслатиб ўтилганди. Ольшер мақолани
ўқиган эди. Мақола муҳожирларнинг уруш вақтидаги
фаолиятига бағишланган эди. Унда Саид Исломбек-
нинг 1943 йилда Берлинер рингдаги «қахрамонлиги»
эслаб ўтилганди.

Мақолада унинг қаттиқ ярадор бўлганлигига
карамай муҳим маълумотни ўз кишиларига билдириш
учун эмаклаб келгани ҳикоя қилинганди. Мақолада
қандай маълумот эканлиги ва кимнинг олдига келаёт-
ганлиги ҳақида ҳеч нима дейилмаганди.

Ольшер газетани бир четга қўйди. Хатарли, қан-
дайдир кўнгилсиз ҳодиса юз беришини ҳис этгандай,
газетани йиғиштириб, ўз жойига қўйди.

«Газета қандай қилиб бу ерга келиб қолдйкин?»—
ўйлади капитан. У стол ёнига келиб ўтириб, овқат бу-
юрганида газета йўқ эди шекилли. Ҳар ҳолда варақа
эсида йўқ — дастурхон устида ҳеч нарса йўқ эди. Газе-
тани официант салат билан бирга олиб келганди.

Нима сабабдан? Бирданига Ольшер бўлажак воқе-
ани аниқ кўз олдига келтирди. Унга дўқ-пўписа
қилишаётганди. Мана шу ерда — «Тройка»да.

Бирор чора кўриш керак эди. Агар бу ердан чиқиб
кетишга кечикмаган бўлса, бирон чора кўриши керак,
албатта. Соат неча бўлибди экан? Тўрт минути кам ўн,
лекин ўн икки эмас.

Шуниси ҳам борки, бу ўғрихонада, гангстерлар ва
қўпоровчилар инига айланган Франкфурт-на- Манне-
да соат ўнда ҳам одамлар гавжум пайт-да бировни сўй-
ишлари ёки отиб ташлашлари мумкин. Ольшер мени
битта-яримта, айниқса дераза ёнида ўтирган чаккаси
тиртиқ киши кузатмаяптимикин, деб ёнидаги столга

синчиклаб кўз ташлади. Ҳеч ким кузат-маётганга ўхшайди, Ольшер бирон кишининг қараб турганини кўрмади. Меҳмонлар тинч, хушчақчақ гурунглашар, ичишар, овқатланишар, ўзлари билан ўзлари овора эдилар.

Ольшер дастурхон устига кечки овқатнинг пулини кўйди-да, залдан чиқиб кетмоқчи бўлиб, ўрнидан кўзгалди. Шу пайт стол томон бир киши шоша-пиша яқинлаша бошлади.

— Сиз князни кутяпсизми?— сўради ўша одам, кўполлик билан столга ўтираётиб ва ҳеч тортинмай коньякка қўл узатди.— Князь келмайди. Бу одам туркистонлик эди. Унинг қилиқлари умрини ишратхоналарда ўтказган одамларникига ўхшарди. Ундан вино хиди анқиб, кўзлари эса сурбетлик билан ёниб турарди.

— Князь ким ўзи?— аста жавоб қилди капитан.— Нега мен уни кутар эканман?

Ольшер ўзини аранг босиб турарди. У ичида ҳаяжонланиб, хавф-хатарни ҳис этиб турарди. Энди хавф-хатар аниқ кўриниб турарди, бу ёмонлик ресторанда ҳамиша ҳозир-нозир бўлувчи манави сурбетдан чиқаётганди.

— Князнинг фамилияси Галицин. Сиз ундан мол олиш мақсадида бу ерга келиб, уни кутиб турибсиз... Ўзингизни гўлликка солмай қўя қолинг. Франкфуртда апчил одамлар яшайди, улар ким мол сотиши, ким мол олишини билади... Чиндан ҳам гўлликка солишнинг ҳожати йўқ эди, аммо у ғазабланиши мумкин эди, шунинг учун ҳам очиқ-ойдин деди:

— Мен билан гаплашишга князь сизни вакил қилдимми?

— Э, йўқ! Бизнинг фирмамиз бошқа,— нотаниш киши илжайди ва Ольшернинг рюмкасига коньяк қуя бошлади.

— Мен ичмайман,— деди капитан.

Нотаниш киши Ольшернинг гапига назар-писанд

қилмади, рюмкага тўлдириб коньяк қуйди-да, қулт этиб ютиб юборди, ичиб бўлди-ю, яна илжайди.

— Фирма бошқа-ю, аммо мол ўша...

— Рақобат денг,— деди аниқ қилиб Ольшер.

— Баъзи маънода.

— Буюртма қабул қилмоқчимисиз?

— Бўлмаса-чи...

Ольшер хаяжонланиб, хушёр тортди. Сухбатдоши оддий даллол ролини бажариб, уни фақат пул қизиқтиришига Ольшерни ишонтирмоқчи бўлса ҳам, капитан фаҳмлади — уни текширяпти.

— Закалатни ким қайтариб беради?

Нотаниш киши кўзларини олайтириб, муғамбирлик билан ух тортди:

— Олло таоло!

— Ким орқали?

Сухбатдош кўзларини юқоридан узиб, пастга қаради, энди унинг кўзларида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди:

— Нима дедингиз?

— Аванс пулни қайтариб беришни Олло таоло кимга, сизгами ёки бошқа бирор юқорироқдаги кишига топширадими, деб суриштиряпман.

— Э бундоғ денг! Авансни нариги фирмадан қайтариб оласиз!— Нотаниш киши яна дадиллашди.— Осмондаги фирмадан... Жаннат эшиги олдида ёки худди жаннатда...

— Бу ерда-чи? Бу ерда худо кимни вакил этган?.. Мисол учун сизнинг фирмангизда худо томонидан вакил ким?

— Э-э!— деди чўзиб нотаниш киши ва яна рюмкага коньякни тўлдириб қуйди.— Башарти, сиз катта буюртмачи бўлганингизда эди, у пайтда...

Ольшер баттар безовта бўлди, аммо энди у хавф яқинлигидан эмас, балки қандайдир ўзгариш, жуда муҳим ўзгариш юз беришини сезиб, безовталанди.

— Мен қандай буюртмачи эканлигимни ўзингиз биласиз, — ўзича мамнун бўлиб деди Ольшер. — Лоақал билиб қўйишингиз керак, акс ҳолда сизнинг фирмангиз бир пулга ҳам арзимади!

Нотаниш киши энди ичаётганди, лекин томоғига тикилиб, рюмкани столга қўйди ва кўрқиб Ольшерга қаради.

— Гауптштурмфюрермисиз?

— Ҳа, гауптштурмфюрер, бу сўзни тилга олганингизда оғзингизни тўлдириб гапирмасангиз ҳам бўлаверди.

— Йўқ, йўқ... Бироқ жоиз бўлармикин? Энди бўлаверди... Хўш, вакилингиз ким?

Нотаниш киши ҳамон кўрқиб, Ольшерга бақрайиб қараб турарди.

— Сиз мени танимадингизми? — сўради капитан. — Мен бўлсам, сизни танидим. Туркистон миллий комитети пропаганда бўлимнинг ходими — Алисиз...

— Кераги йўқ! — нотаниш киши эҳтиёт бўлиш керак дегандай қўлини кўтарди. — Али эмас...

— Яхши. Хўш, вакилингиз ким?

Нотаниш киши ўрнидан турди, негадир костюмини тузатди ва жиддин тус олди-да, муҳожирлар тўпланган томонга ишора қилиб деди:

— Марҳамат!

11

«Лайлак» келган пайтда Саид полковник Ориповнинг штабида эди. «Лайлак»ни батальон командири чақиртирганми ёки ўзи келганми, билиш қийин эди. Аммо гапнинг боришига қараганда, бирор янгилик йўқ эди. Иккови ҳам бошланган гапни давом эттираётган эди.

— Демак, сиз Альбига ўтказинг демоқчисиз-да?

— Худди шундай, штандартенфюрер жаноблари.

Полковник қандайдир қоғозни олиб, уни қўлида айлантирди, бу билан рапорт унга бугун эмас, илгарироқ келганини ва илгарироқ кўриб чиққанлигини билдирмоқчи бўлди.

— Ўртоқларингиз билан биргаликда хизмат қилмоқчимисиз?

— Худди шундай.

Полковник Ислонбекка ўгирилди.

— Нима дейсиз, шарфюрернинг илтимосини қондирамаизми? Бунинг устига Альбига юборилаётган рота состави тўла эмас, у ротада ортиқчалик қилмайди...

Саид бош ирғади. Саиднинг ҳеч қандай қаршилиги йўқ эди, аксинча унинг ўзи «лайлак»ни жон деб Ғарбга жўнатарди. Ҳали ҳам бу новча шарфюрер бу ерда кўп ушланиб қолди.

Хатда унга:

«Нимдан қочинг! Сизни гестапо қидириб юрипти», деб аниқ айтилганди. Ахир шунинг ўзи унга етарли эмасми. Шарфюрер шаҳардан чиқиб кетишга жазм этгунча орадан бир ҳафта ўтиб кетди. Гестапо эса чиндан ҳам қидирмоқда эди. Кимнидир қидирмоқда эди. Енгида қора свастикаси бор муттаҳамлар ҳар куни батальонга келиб туришарди.

— Унинг ўзи дарҳол жўнаб кетиши кераклигини билладими?— сўради полковникдан Саид... Худди полковникнинг ўзидан сўради. У дарров шарфюрер билан гаплашишни истамади.

— Сиз тайёрмисиз?— сўради Орипов.

Шарфюрер бош силкитиб деди:

— Ҳа, ҳа.

— Сиз энди бу ерга қайтиб келмайсиз,— огоҳлантириб қўйди Саид.

— Биламан.

— Шунинг учун ҳамма билан ҳисоб-китоб қилинг. Кир ювувчи ёки майхона бекасидан қарзингиз бўл-

са...— деди Саид кичик командирларнинг кечки юриш-туриши, айш-ишратига шама қилиб, у «лайлак» олдига қўйилган вазифани қай даражада аниқ тушунишини, ўзи билан ҳамма нарсани олиш-олмаслигини билиб олмоқчи эди. Шарфюрер қандайдир ғалатиноқ илжайиб қўйди — унинг лаби юпқа катта оғзи қулоғига етай деб қолди, кўзлари эса қўрқувдан олайиб кетди.

— Қарзларимни узаман, унтерштурмфюрер жаноблари... Мен ҳамма вақт тўлайман. Бу ерга қайтиб келмаслигимизни ҳам биламан...— «Сен қайтиб келмайсан,— деди ичида аниқ қилиб Саид. — Сенинг бу ерда қиладиган ишинг йўқ. Пакетни яшириб қўйган жойингдан олгин-да, қочиб қол...»

— Ундай бўлса, тайёрланинг, рота кеч соат олтида жўнайди.

— Кечқурун?!— минғирлади «лайлак». У афтидан, тунда саёҳатга чиқишни истамасди. У Монпельедаги учрашувни унутмаганди. Ахир тунда «ошна»ларингни ахтариб тополармидинг ?

Полковник тушунтириб беришни лозим топди.

— Ҳарбий поездларни кундузи жўнатиш ман этилган — бомба ташлашади!

— Ҳа, ҳа,— яна бош силкитди «лайлак». У бош силкитганда боши оғирлик қилиб, пастга тортаётгандай бесўнақай, узун гавдаси эгилиб кетарди.

«Нега шу «лайлак»ни танлашди экан?— ўзига савол берди Саид.

— Ахир бошқа кўзга ташланмайдиган одам топилмадимикин. Ёки бошқа киши унтерштурмфюрерни гумдон қилолмасмиди?» Саид «лайлак»нинг тиззасига осилиб тушиб турган қўлларига зеҳн солди. Ҳозир унинг қўллари мурданики сингари шалвиллаб, бармоқларининг суяги бўртиб турарди. Мана шу қўлларга жон кириб, кучга тўлиши, ўз қурбонининг бўғзидан олиши мумкин эди... Ўз ошнасининг

бўғзини...

— Оқ йўл, ишингиз ўнгидан келсин!— шошиб-пишиб ва қандайдир ўзини енгил тортиб деди полковник. У, афтидан, шарфюрернинг ҳомийси ва насихатгўйи бўлганлигидан қийналарди. У бошқаларнинг ғамини ейиш ўрнига ҳозир ўз ташвишлари ва хавф-хатарлардан халос бўлишни ўйларди. Боши узра момақалдирак гулдураб, чакмоқ чақиб турибди, ҳализамон яшин уриб кетиши ҳам мумкин. Иссиқ, дилбар Франция ҳам уни ваҳимадан халос этмади, энди яхши тинч вақт келади, деб қўл қовуштириб ўтириб бўлмайди. Фронт бу жойларга ҳам сурилиб келяпти, немислар борган сари ёвузлашяпти.

Ним қалъага айланиб бораётир. Ҳамма ҳалокатга учрайдиган қалъага айланмоқда. Полковник шарфюрерга оқ йўл тиларкан, у бировлар бахтини, акниқса бировларнинг ишлари ўнгидан келишини ўйламасди. У устидаги юкни енгиллатиши зарур эди, озгина бўлса ҳам енгиллатишни истарди.

— Раҳмат, раҳмат,— бидирлаб жавоб қилди «лайлак» ва шу он унинг юзида хурсандчилик ифодаси пайдо бўлди. Йўқ, у кулимсирамади, кулимсираганга сира ҳам ўхшамасди, шунчаки қошлари устидаги ташвиш излари камайди, кўзлари қоронғилашди. «Лайлак» полковникнинг сўзларини сафар арафасидаги яхши ният деб билди.

— Оллоҳ биз билан!— деди у тантана билан ва фотиҳа ўқиди. Полковник бошини қуйи солди. У ҳам фотиҳа ўқиши вожиб эди, аммо ёнида унтерштурмфюрер турганидан, унга ўзининг «лайлак» билан кўнгли яқинлигини ошкор этиб қўйишни истамасди.

— Туркия-Германия иттифоқига содиқ қоламиз!— Орипов шундай деб маросимни поёнига еткизди, кейин суҳбат тугаганини, шарфюрер чиқиб кетиши мумкинлигини билдириб, ўрнидан турди.

— Хайль!— бехосдан қўлини олдиға чўзди «лайлак». Унинг бу ҳаракати кулгили эди, кафти уйнинг пастгина шифтига тегай дер ва ёйилиб кетган бармоқлари бир жойга тўпланиш учун қимир-қимир қиларди. Йўқ, бу «лайлак» солдат эмасди. У фақат ҳарбий идоранинг ҳисобида турган бўлиб, армия ва уруш ҳисобига кун кўрарди.

Шарфюрер чиқиб кетгач Саид полковникка деди:

— Улар Альбигача етиб боришармикин?

Орипов ҳайрон бўлиб қошларини чимирди.

— Йўл хатарли бўлмаса керак...

— Уни айтаётганим йўқ. Нормандияга десант туширилариш, деган миш-миш гаплар пайдо бўлиб қолди.

— Десант?!

У шундай бўлишини, ҳамма нарса юз беришини кутарди, аммо Нормандияга эмас, мана шу ерга, жанубга, Нимга яқин жойга тушишини кутарди.

— Эрталабдан жанг давом этмоқда,— гапини тугатди Саид.

— Сиз легионерларни Нимга қайтаришади, деб ўйлайсизми?

— Нимга... Ва ундан ҳам нарига юборишади...

Унтерштурмфюрернинг нимага ишора қилаётганини англаш қийин эмасди: немислар туркистонликларга ишонишмайди, уларни яна ичкарироққа олиб кетишади. Лекин энди ўша ичкарироқ қаерда ўзи?

— Мен Берлиндан буйруқ олдим,— ёлғондан деди Саид. — Ротани Альбигача кузатиб бориш менинг зиммамга юкланган...

— Хўш, нима бўпти?

— Буйруқнинг бекор қилинишини кутиб турибман... Эҳтимол, кечгача янги кўрсатма келиб қолар...

— Бош бошқарманинг шундай чаққон иш тутишига ишонасизми?

— Ҳозир секин ҳаракат қилиб бўлмайди, жаноб

штандартенфюрер. Ҳар эҳтимолга қарши, башарти, мен Нимдалигимда кўрсатма ололмасам сиздан илтимос, бизнинг қаерга боришимизни ҳисобга олиб, рота кетаётган станциялардан бирига юборсангиз. Шахсан мен ўз маршрутими Берлинга билдираман. Аммо орқага қайтиш ҳақидаги буйруқ жўнатилгунга қадар менинг ахборотим гауптштурмфюрер қўлига тегишига ишончим комил эмас.

Полковник елкаларини қисди, у унтерштурмфюрерга қандай жавоб қайтаришни билмасди.

— Тўғрироғи, кўрсатмани тўппа-тўғри Альбига юбориш керак,— маслаҳат берди у. — Айтганча, ҳозир жаноб ҳарбий министр ўша ерда, у ҳам худди сизга ўхшаб, шундай топшириқ билан келган.

— Ҳайитми?

— Ҳа, агар қулай бўлса, мен телеграмма Берлиндан унинг номига жўнатаман.

Саид саросимага тушиб, безовта бўлганлигини билдирмасликка уринди: Ҳайит Альбида!!!

«Лайлак» тўппа-тўғри ўз хужайини ҳузурига йўл оляпти-ку. Пакет операциясини ҳарбий министр бево-сита ўз қўлига олган кўринади. Иккинчи фронтнинг очилиши Ҳайитга қанот бахш этиб, уни шошилтирмоқда. Ҳайит интизор бўлиб кутган жаноблар шу яқин орада, имирсилаш мумкин.

— Мамнун бўлардим,— кулимсираб деди Саид министр жаноблари билан учрашув менга роҳат бахш этади.

Саид Ҳайит билан бу ерда ҳам, Альбид ҳам учраш-маслигини биларди. Улар бир-бирлари билан учрашишлари мумкин эмасди. Улар бир-бирларини жуда яхши билишарди.

— Рут меҳмонхона номерида йўқ экан. Ольшер икки

марта телефон қилди, гудок овози тўхтаб, бирор кимса трубкани олар, деб узоқ кутиб турди. Ҳеч ким трубкани кўтармади. Шундан кейин Ольшер таксига қараб чопди, шофёрга Брудергриммштрассега ҳайдашни тайинлади.

Меҳмонхона навбатчиси унга телефонда жавоб қилинганидек, хоним йўқ, ҳали қайтгани йўқ, қачон қайтиши ҳам маълум эмас, деб жавоб қилди. Меҳмонхонада, одатда бундай саволлар умуман берилмасди.

Унга эса Рут зарур эди, жуда ҳам, айниқса ҳозир керак эди, у ўз эгасини йўқотиб қўйган итдай подъезда ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Брудергриммштрасседа совуқ шамол уриб турарди — август ойининг охири эди, ғарб томондан совуқ келарди. Ольшер ёзги пальтода бўлиб, изғирин совуқ унинг суяк-суягидан ўтиб кетаётганди. Шамол шляпасини учуриб кетай дерди, шунинг учун капитан бошини қуйи солиб, шляпаси четидан ушлаб олганди. Рут кеч соат ўн бирларда келди. Жигар ранг «мерседес» худди Ольшернинг рўпарасига келиб тўхтади. Капитаннинг назарида хоним атайлаб уни қаршисида тўхтагандай, у машинадан туша солиб, дарҳол унга қўлини узатадигандай туюлди. Бироқ баронесса машина эшигини ёпди-да, шоша-пиша вестибюль томон йўл олди.

Капитан Рутга холлда етиб олди.

— Баронесса!

Бу сўзни тилга олиш жуда кўнгилси эди, сўз собиқ тиш врачига кеккайиб, назарига илмай қарайдиган барон Менкени эслатарди. Энди эса Шонгаузераллейдан чиққан бузуқ аёл Рут баронесса эмиш!!! У, бу аёлни оддийгина хоним Хенкель деса бўларди, лекин бу аёл ҳали тўхтамасди. Рутга ўхшарди.

— Баронесса!

Рут уни бирданига танимади. Уни энди ҳеч ким та-

нимасди! Шундан кейин у шляпасини олиб, таъзим қилди.

— Вой худо!— хомуш ва ҳайрон бўлиб деди Рут. — Вой худо. Рейнгольд-ку! У шундай деди-ю, негадир кулиб, қўлини узатди. Ольшер Рутнинг қўлини ўпди. Яна ўтмишни эслади. Биринчи марта ёш «малика» билан Шпрее дарёси қирғоғида кичкина ресторанда учрашганини, ундан кейин Ванзее пляжида, энг пировардида меҳмонхона номерида учрашганларини эслади — ўшанда.

Туркистон миллий камитетидаги ҳамма шоҳлар, маликаларнинг худоси бўлган Ольшер президентнинг шўр пешанали рафиқасига раҳми келганлигидан унинг қўлини ўпарди. Бу аёл ўша пайтда фақат «Тюркостштелле» бошлиғининг хабарчиси эди, холос. Шўр пешаналарга раҳм қилиш мумкин ва зарур. Энди бўлса, раҳм-шафқатга Ольшернинг ўзи муҳтож бўлиб қолганди.

— Баронесса, биз гаплашиб олишимиз керак.

— Ҳа, ҳа, керак,— деди Рут ҳамон мийиғида кулиб Ольшерга разм соларкан. У аллақачон эсдан кўтарилган, лекин эндигина эсига тушган буюмга қарагандек қарар эди. Бундан Ольшер баттар азилиб кетди.

— Иш юзасидан гаплашамиз,— тушунтирди у бу учрашувга ва умуман, аёлнинг саргузаштларига писанда қилиб. — Муҳим иш ҳақида гаплашиб оламиз...

Ольшернинг гаплари ҳадеганда Рутга таъсир этавермади, жиддий айтилган бу гапларни у эшитмаётгандай эди.

— Франкфуртда қанчадан-қанча кутилмаган тасодифларга дуч келишимни билмаган эканман,— деди Рут қувноқлик билан лақиллаб, навбатчидан калитни олиб, номер томон борар экан,— мана энди сиз, Рейнгольд... Худди ўтмиш қайтиб келгандай. Ольшер хоним хўб, деб жавоб қайтарди, демак гаплашиб олиш

керак, энг муҳим гап оҳанги номерга киришга, ярим соат, ҳатто бир соат танҳо суҳбатлашиб олишга монелик қилмайди, деб унинг кетидан эргашиб борарди.

— Қачонлардир мен сиз билан тасодифан учрашишни истагандим,— эслади Рут,— ўша учрашув худди шу кунгидек бўлишини жуда ҳам хоҳлардим... Лекин учрашолмадим. — Баронесса эшикни очиб, Ольшерни ичкарига, талабга мослаб жиҳозланган катта номерга киритди. Чироқ ёниб, атрофни зангори-сарик ёруғлик чулғаганда, Ольшер хонанинг шинамлигини сизди.— Сиз менга ёқиб қолгандингиз, Рейнгольд... Йўқ, мен сизни севмасдим, севгандим, десам тўғри бўлмайди... Лекин ёқардингиз... Жуда...

Ольшер Рутнинг гапларини тингларди. Унинг туриш-турмуши: гап оҳанги ҳам, ҳаракатлари ҳам, дўрдоқ лабларини ноз-карашма билан буриб жилмайишлари ҳам жуда таниш эди. Ольшер Рутнинг пальтосини ечишга кўмаклашди, ўзи ҳам ечиниб меҳмонхонага кирди, торшер ёнидаги креслога ўтирди, то хоним ўзини тартибга солиб олгунича стол устидан журнални олиб варақлади.

Кўшни хонадан, қия очиқ эшик орқасидан хонимнинг: «Эҳ, Рейнгольд, ажойиб кишисиз-да. Бу ер Франкфурт шундай диққинафас жойки... Диққатпазликдан жинни бўлаёздим...» деган гаплари эшитилди.

«Мунча вайсайди,— Ольшернинг жаҳли чикди, ҳафталик суратли журнални ихтиёрсиз варақлар экан, — ёки мен у билан чақчақлашгани келибманми. Менинг ишим бор. Бунинг устига жуда ҳам кўнгилсиз ишим бор».

— Мана, бўлдим,— деди тўсатдан меҳмонхонада пайдо бўлган ва гоҳ бинафша, гоҳ қора товланиб турган тўқ қизил кўйлак кийиб чиққан Рут. У ҳамиша кийим-кечагини, гўзал елкасини, бир оз тўладан келган, лекин келишган, бежирим қўлларини кўз-кўз қилишни яхши

кўрарди. У Ольшернинг рўпарасидаги креслога ўтирди.

— Нега сиз ўша пайтларда менга эътибор бермаган эдингиз, Рейнгольд?— сўради Рут ва капитанга диққат билан қараб турди. Ольшер хижолат бўлиб кўзларини пастга тикди, Рутнинг бу хил очиқ гапларига унинг жавоб бериши қийин эди.

— Хўш, нега?

— Билмадим... Менинг ишим бор... Жуда муҳим...

— Вой худо-ей, қанақа иш бўлиши мумкин. Мен ҳеч қандай иш тўғрисида эшитишни истамайман. Рут торшер тумбочкаси қопқоғини очди-да, ундан бир шиша вино олди. Ичамиз, сал жонимиз кириб, яйрайлик...

— Ҳамон ўша-ўша Рутсиз,— деди киноя билан Ольшер.

— Сиз-чи?— Рут кулиб юборди. Шундай кулдики, капитан баронессанинг мақсадини дарҳол англади, чунки уларнинг ҳамма учрашувлари «иш» сўзидан бошланарди. Бугун ҳам худди шундай бўляпти.

Унинг фикрига қўшилишга тўғри келди:

— Демак, биз ўзгармабмиз...

Рут қадаҳларни тўлдирди-да, меҳмонни кутиб ўтирмай, ўзи ича бошлади.

— Бу яхшиликдан нишона. Лекин ўзгаришимиз керак, бирор жиҳатдан ўзгариш керак, акс ҳолда бизни улоқтириб ташлашади...

«Ахлатхонага,— ичида қўшиб қўйди Ольшер. — Князни улоқтириб ташлашгандай, ҳали кўп кишини йўқ қилиб юборишади. Эҳтимол, кимнингдир навбати келгандир». У Рутни эмас, ўзини ўйлади...

— Сиз, ўзгаряпсизми, баронесса?

— Ҳаракат қияпман.

— Удалай оляпсизми?

— Кўриб турибсиз-ку.

Ольшер ҳам қадаҳни бўшатди. У бир оз жим қолди, сал жим ўтиргандан кейин гапни бошқа томонга бур-

ди-да, кутилмаганда Рутдан сўради:

— Сиз князь билан учрашдингизми?

Ольшер, баронесса ҳам бундай ҳолда бошқаларга ўхшаб ўзини ҳайронликка солади, ингичка қошларини чимириб, қанақа князь, деб сўрайди, деган хаёлда эди. Лекин Рут сўрамади ҳам, қошларини ҳам чимирмади, фақат афсусланиб, пешанасини тириштирди.

— Ҳа.

— У сизга Берлинер рингнинг иккинчи километрида пакетни ўғирлаган киши номини айтдимиз?

— Айтди. Рутнинг қадаҳидаги вино камайиб борарди. Лекин шундай секин ва билинар-билинемас камаярдик, худди баронесса ичмасдан фақат лабларини тегизиб қўяётгандек туюларди.

— Ўша пакет меники.

Ниҳоят, баронесса қадаҳни нохушлик билан лабидан олди. У гапиришни, бошданоқ гапиришни истамади. Аммо гапиришга мажбур, этишдимиз демак, ўзларидан гина қилишсин.

— Биламан... Уни энди ким билмайди дейсиз. Лекин менга ўша кишининг фамилияси сира керак эмас... Биласизми, керак эмас. Ольшер жунжикиб кетди, баронесса Ольшернинг Галицин билан тил бириктирганлигини биларкан. Бадбахт, ҳамма нарсани айтган экан.

— Демак, уни сиз менинг ёнимга жўнатгансиз.

Рут қадаҳни олди. У лабларида зоҳир бўлган истехзоли кулгини яшириши керак эди.

— Бир одам унча-мунча марка ишласа, ишлаб олибди-да, нима қипти.

— Буни учинчи одам ҳам билармиди?

— Бўлмаса-чи. Аммо менимча, учинчи одамга князнинг ўлими зарур эмасди. Рут буни ҳам билади. Ҳақиқатан, бошқалар мендан кўра яхши ишлашаркан. Галицин ҳақ экан.

— Учинчи киши сиздан билганмиди?— аниқлаб

олмоқчи бўлди капитан.

— Мен унга Галицин билан бўлган суҳбатимизни айтиб бердим. Шу билан сизни бир оз орқада қолдирдим. Сиз ҳам менинг ўрнимда бўлганингизда шундай иш тутардингиз, Рейнгольд. Шундай эмасми?

Рут капитанга оҳиста, қандайдир илиқ нигоҳ ташлади. У капитанга тасалли бермоқчи эди. Капитан жуда хафа бўлди, унинг хафалиги олтин гардишли кўзойнагининг орқасидаги кўзларида ҳам акс этди.

— Ҳа, иқрор бўлаверинг, шундай қилармидингиз?

— Эҳтимол.

— Вой худо-ей, нима кераги бор гапни айлантириш-ни! Майор кимдандир далил олиши керак эди-да.

— Майор Райлими?

— Сиз эҳтиёткор эмассиз, Рейнгольд!— унинг юзлари тўсатдан жиддийлашди, ҳатто қаҳрли бўлиб кетди. Ольшер «малика»ни илгари сира бундай ҳолатда кўрмаганди.

— Кечирасиз!

— Бажону дил кечираман!— Рут яна жонланди. — Азизим, қимматли гауптштурмфюрер, афсуски ўшанда менинг сизга нисбатан бўлган илтифотимни сезмагандингиз... Ваннзееда! Эсингиздами? Куёш тафти-ю, куз қумлари... Ольшер ўзини қандай тутишни билмай қолди. У гапни аранг иш устига бурганида бу шайтон «малика» қўлидан сирғаниб чиқиб кетарди.

— Сиз майорни қандай қилиб топдингиз?— Ольшер баронессани яна гапга солди.

— Сиз ҳамон ўша майорни ўйлаяпсизми! Эй худойим-эй, мен ҳеч кимни қидирганим йўқ. У мени топди. Ҳа, дарвоқе, сизнинг ёрдамингиз билан. Гауптштурмфюрер жанобларининг ўзлари собиқ таниши фамилиясини Дармштадт атрофида кетаётган пайтларида эҳтиётсизлик билан айтиб қўйгандилар. Буни инкор этманг! Ахир, мен сиздан хафа эмасман-ку...

Ҳатто, миннатдорман...— Рут қора қахрабосимон вио тиниб қолган қадахга хаёлчан кўз ташлади. У бу учрашувдан мамнун эди.

— Майор фамилия суриштирмадими, йўқ, сизнинг фамилиянгизни эмас, иккинчи километрда хужжатни олган кишининг фамилиясини?— сўради капитан ичида ташвишланиб.

— Нега? Агар махфий бўлмаса айтсангиз.

— Чунки, ҳеч ким хужжатларни олган эмас, азизим Рейнгольд. Шундоқ, олмаган-да!

Ольшер бошқа ҳар қандай жавобни кутган эди-ю, аммо ҳеч ким олмаган, деган жавобни эмасди. Нега олмас экан. Ундай бўлса, хужжатлар қаёққа йўқолди? У ҳаяжонланганидан ҳайрат ва эътирозини аниқ баён эта олмасди. У креслодан сакраб турди-да, қўлларини силкитди.

— Уйдирма. Қувлик билан тўқилган... Аммо мен қўймайман... Эшитяпсизми, лақиллатишларига йўл қўймайман!

Рут стол устидан капитаннинг қадахини олиб, унга узатди. Мен сизни танимай қолдим, Рейнгольд, ичинг, кишини ҳовуридан туширади...

Ўлиши аниқ бўлган касалга ачингандай, Рутнинг капитанга раҳми келиб кетди.

Ольшер яна қўлини силтади:

— Йўқ! Чидаш ҳам шунча бўлади-да. Сурбетларча ўғирлик жонимга тегди!

— Ичинг!— қатъий қайтарди Рут.— Ичингда, ўзингизни қўлга олинг. Вой, худо-ей, мен эса биз ўзгармаганмиз, деб ўйлабман-а!

Ольшер вионини ичди. Унинг лаблари Дармштадтда, ўша «кузурлар» ҳузурида сўроқ қилингандаги каби қалтирарди.

— Ана, бўлди...— маъюс жилмайди баронесса. — Ҳақиқатни хотиржам тан олиш керак... Бу ахир, ҳақиқат-

ку...

— Пакет? Қаерга йўқолди, ахир?

— Пакет? Сиз ўша, четлари кулранг ип билан тикилган, қора клеёнкага ўроғлиқ тугунчани айтяпсизми?

Ольшер баронессага бақрайиб қолди — Рут пакетнинг кўринишини аниқ, жуда ҳам аниқ тасвирлаб берганди. Чиндан ҳам пакетнинг четлари ип билан тикилганди... Уни капитаннинг ўзи тикканди. Кулранг ип билан, уйда, кечаси тиккан эди.

— Бўлмаса, нега тугунча ҳақида гапиряпсиз?.. Фақат тугунчани эслаяпсиз? Баронесса ҳамон маъюс жилмайиб турарди. У янада қайғули, аянчли эди.

— Яна нимани гапирай, менинг қимматли гаупт-штурмфюрерим? Нимани гапирай!

«Малика» Альбида ҳаммаси бўлиб бир кун туриб қолди. Бу ерда Испания ҳукумат идораларидан чет элга бориш учун рухсатнома олиши керак эди. Унинг рухсатномаси-ку бор эди-я, лекин америка-инглиз кўшинларининг кутилмаганда Нормандияга туширилиши ва Ғарбда уруш ҳаракатлари бошланиб кетиши чегарада бўладиган одатдаги расмий маросимларни тўхтатиб қўйганди. Мадрид ва Лиссабондан бошқатдан сўраб суриштирилди.

«Малика»нинг бу ерда тўхтаб қолишининг яна бошқа сабаби ҳам бор эди. Ушуатрофда, Францияда учиб юрган сирли куш ҳақида бирор нарса билишни истарди. Ўша куш Венадан учиб кетганди, полковник Орипов билан бирга учганди. Бу ҳақда конгрессдан кейин, Индустрия клубида Рут штурмбанфюрер Дитрихга ҳамма нарсани маълум қилганида, у баронессадан, «лайлак»ни Ним ёки Альбидан қидириб топишни илтимос қилганди. Дитрихнинг ўзи эса қандайдир муҳим ва шошилиш операция билан Венага қараб йўл олганди. У кетаётиб меҳмонхонага, «малика» ёнига ярим кечада бирров

кириб чиққанди. У жуда ҳаяжонланган, ҳатто хафа эди. Рут илгари Дитрихни сира бундай аҳволда кўрмаганди, Дитрих эрталаб Берлинга қайтиб келди. У «малика» билан хайрлашаётиб, сўз орасида бундай деганди: «Сиз жуда муҳим, шу билан бирга жуда ёмон иш қилдингиз. Тузатиб бўлмайдиган иш қилиб қўйдингиз!» Рут Дитрихнинг гапларига тушунмади. Наҳотки, унтерштурм фюрернинг Берлин ҳалқасида ўлдирилиши, ўрмонда номаълум туркистонлик билан учрашуви, шундан кейин поезддаги учрашув ва Рудольф Бергнинг ғалати хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ҳикояси Дитрихни шунчалик таъбини тирриқ қилган бўлса! Дитрихнинг ранги ўчиб кетганди. Рут уни қучиб, юраги жиз этмаётганидан шикоят қилиб, уни ўпа бошлаганда, штурмбанфюрер баронессанинг қўлини елкасидан тушириб, оғир нафас олди: «Уни отиб ташлашга тўғри келди,— деди у. Шундай қилишга тўғри келди...» Рут штурмбанфюрер кимни отиб ташлаганини — «лайлак»ними, номаълум туркистонликними ёки Бергними, билолмади. Ўшанда Рут Бергни ўйламаганди. Берг Дитрихнинг ёрдамчиси эди.

Мана энди Дитрих Рутдан «лайлак»ни жанубдан қидириб топишни илтимос қилмоқда. Рут Берлиндан эндигина жўнаб кетаётган пайтда ундан илтимос қилиб қолди. Ўшанда баронесса штурмбанфюрер «Лайлак»ни отиб ташламаганини билганди. Муқаддас қушни ҳали қидириб топиш керак эди. Нимда Рут ҳеч нима тополмади. Полковник Орипов гапни мумкин қадар бу мавзудан чалғитишга уринарди, ҳазиллашарди. Рут ўзининг бутун хийла-найранглари, ноз-карашмаларини ишга солиб кўрганди ва фақат қушнинг Нимдан бир ҳафта бурун учиб кетганлигини билиб олганди. Яна у, Ориповнинг ёрдамсиз, гестапо қандайдир туркистонликни қидираётганлигини, зўр бериб қидираётганлигини ҳам билди.

Мана энди, у жазирама ёзда, Альбида бир кун бўлди. Эрталаб «малика» вақтини «Виган» меҳмонхонасида ўтказди, кундузи туркистонлик танишларини учратиш ниятида легионерлар турган жойга борди. Казармалар деярли бўш эди. Легионерларни шаҳарга яқин келиб, темир йўл станциясини ўққа тутишга журъат этган партизан группасини тугатишга жўнатишганди.

Иши юришмагандан хафа бўлган Рут шаҳар марказига қайтиб, Лицея хиёбонида сайр қила бошлади. У бирор мақсадни кўзламай, бирор воқеа юз беришини кутмай шунчаки айланиб юрарди.

Шу пайт, у тўсатдан Янги кўприк устидан чап чаккаси тиртиқ кишини учратиб қолди. У Тарнинг нариги томонига, Страсбург хиёбонига шошилиб борарди. Бошқа вақт, бошқа жой бўлганда, Рут бу эски танишни тўхтатиб, унга бир-икки оғиз сўз отар ва ҳатто кафега таклиф қилар эди. Чунки, бу одам унга, унинг эрига ҳамиша мурувват қилар ва доимо «малика»нинг иззат-хурматга муносиб аёл эканлигини таъкидлаб юрарди.

Ногаҳон Рутнинг миясига келган тиртиқли киши нега бу ерда юрибди, деган фикр уни танишини тўхта-тишдан қайтарди. Бунинг устига таниши нега бунчалик ҳаяжонланган? У ўзига ўхшамасди—ранги ўчган, ўзини олдириб қўйган эди. У бошига катта бахтсизлик тушгандай — негалигини, қаергалигини ўзи ҳам билмагандай қочиб кетаётганга ўхшарди.

Рут унинг кетидан эргашди. У нимагадир сирни билиб олишга қизиқиб, унинг кетидан борди. Сир уни ўзига тортарди. Тиртиқли одам «малика»ни деярли шаҳар четига, Дембург кўчасига, темир йўл станциясигача эргаштириб борди. Шу ерга келиб ҳалиги одам, баланд деворли кўча эшигидан ичкари кирди. Кираверишда дала госпитали деб ёзилган тахтача осиб қўйилганди.

Рутни ичкарига қўйишни истамадилар, яъни қўймасликка уриниб кўрдилар. Аммо «малика» истаса, дунёда

у киролмайдиган жой топилмасди. Госпитал бошлиғи фрауннинг сўзларини тинглади-да, уни оғир касаллар ётган палатага кузатиб қўйиш тўғрисида буйруқ берди. Оғир ярадорлар бу ерга бир соат илгари келтирилганди.

У «лайлак»ни таниди. Чунки унинг каравоти ёнида тиртиқли одам турарди. Аввал Рут бу туркистонликни сира кўрмаганди, ҳатто қандай кишилигини кўз олдига келтиролмасди, нега «лайлак» дейишларини ҳам билмасди. Бечора беҳуш эди. Рут ярадор ёнига яқинлашганда, у оғир ингради. Шу ерда каравот ёнида ҳалиги тиртиқли одам президентнинг хотини келганлигини сезиб қолди. У Рутнинг нега бу ерга, Альбига, ярадор каравоти ёнига келиб қолганлигини билиш учун тикилиб қолди. Бир неча дақиқа у «малика»га разм солди, лекин жавоб тополмади, шундан кейин у қуруққина, жуда қуруқ таъзим қилди.

— Сиз бу бахтсизнинг дардини енгиллаштиргани келибсиз-да,— деди у сўрашиш ўрнига.— Энди кечикилди. Ундан умид йўқ. Рут жавоб қилмади, унга яхшироқ қараш ёки ўз меҳрибончилиги билан ярадорга тасалли бермоқчи бўлгандай хиёл эгилди.

— Умид йўқ,— деди тиртиқли киши яна.— Қорнидан тўртта ўқ еган. Бунча ўқдан одамзот ўнгарилмайди...

Рут яна жавоб бермади. Шундан кейин тиртиқли одам таъзим қилди-да, хайрлашиб чиқиб кетди. Рут чиқмади. Бирор нарсани билиб олиш учун қолди. Балки билиб олар!

Ҳа, билиб олди.

«Лайлак» жон талвасасида ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Унинг жони чиқмоқда эди, ҳушига келмай жон берарди. Рут, «лайлак»нинг ўлаётганини кўриб, врачдан дардини енгиллаштирадиган эмас, ўзига келтирадиган укол қилишни талаб этди. У бирор нарса демоқчи, деб тушунтирди «малика». Унга ёрдам қилинг, деди.

Уколь қизитди-ю, лекин ҳушига келтирмади. «Лайлак» алаҳлай бошлади. Гоҳо-гоҳо ноаниқ, узуқ-юлуқ алланималар унинг эсига келарди. У гапирар, бақирар, йиғлар эди. Рут ярадорнинг ҳар бир сўзини илиб олиш учун қотиб турарди. Йигит йиғи аралаш калта-калта қилиб: «Ўлдирманг, тақсир!.. Ўлдирманг!»— дерди.

«У жангда жароҳатланмаган,— фаҳмлади Рут. — Унинг жонига қасд қилишган, ўлдиришмоқчи бўлишган».

Яна у: «Тақсир, ўлдирманг... Тақсир!» деб алаҳсиради. Душманга бундай мурожаат қилинмайди. Унинг олдида қўл кўтарилади.

Битта сўз ғалати туюлди:

— Мен айбдор эмасман... Айбдор эмасман... У қурук эди. Қурук, Тушунинг, тақсир!

Яна деди:

— Олинг пакетни... Падарига лаънат...

Азонга яқин у жон берди. Охирги дамда «лайлак» ҳушига келди шекилли, у Рутга қаради-да, чўчиб тушиб сўради:

— Ҳой хотин, кимсан?

У ниманидир илтимос қилмоқчи бўлди, Рут унинг пичирлаганидан, қарашларидан шундай деб тушунди-да, тетикланиб жилмайди. Аммо «лайлак» илтимос қилмай, фақат ух тортиб, жим бўлиб қолди...

Ольшер кресло суянчиғига ўзини ташлаб, қовоқларини солиб ўтирарди. У мудраётганга ёки дунёни тарк этган кишига ўхшарди.

— Гапимни эшитяпсизми, Рейнгольд?— сўради баронесса.

У ўзига келди. Лекин вазиятни ўзгартирмади, кўзини ҳам очмади.

— Эшитмасам яхши бўларди...

— Сизга яна вино қуяйми?

— Йўқ, баронесса ўрнидан турди, дераза, ромсиз бит-

та ойна ўрнатилган катта дераза ёнига келди. У пардани катта очиб қўйди, парда унга халақит бераётгандай эди. Парда очилгач, Рут пастга, кўчага қаради. Пастда, Брудергримм штрасседа тунги реклама чироқлари ёниб турарди. Совуқ рекламалар. Тош йўл бўм-бўш, йўлакларда ҳам ҳеч кимса йўқ эди.

— Аллавақт бўлиб қопти, — деди Рут.

— Мен кетаман, — жавоб қилди Ольшер ҳамон ўз фикрлари билан банд бўлиб. — Кета қолай энди.

Ольшер худди анча вақт касал ётиб ўрнидан турган, силласи қуриган кишидай, ўрнидан оғир қўзғалди, оёқларини судраб, вешалка ёнига борди, пальтосини олди.

Кийиниб бўлиб деди:

— Сиз жўнайсизми?

— Ҳа, эртага азонда.

— Ўшоққами?

Рут Ольшернинг гумонини тасдиқ этгандай қовоқларини туширди.

— Нима учунлигини сўраб ўтирмайман...

— Кераги йўқ, Рейнгольд...

— Ундай бўлса, хайр!

Рут маъюс илжайиб, Ольшернинг ёнига борди.

— Қўлимни ўпиб қўйинг!

Рут қачонлардир Шпрее дарёси ёнидаги ғарибгина кафеда ўтирганларидаги каби хомуш жилмайди.

Ольшер ҳам бир вақтлардаги сингари хомуш бўлиб, ноилож Рутнинг қўлини ўпиб қўйди.

— Хайр...

12

У «лайлак»ни ўлдирмади. Ортиқча тўс-тўполон бўлгани ҳам йўқ. Монпельега бораётганда, поезд бир кичикроқ станциядан ўтди ва тўғри изга тушиб, тезлигини ошириб бораётган пайтда, Саид шарфюрерни қидириб, вагонма-вагон ўтиб борарди. Легионерлар

карта ўйнаб ўтиришарди. Купеда уч киши бор эди. «Лайлак» карталарни аралаштириб ўтирарди. Саид эшик тирқишидан унинг шериклари тиззасига карта ташлаб турган узун қўлларини кўрди. Пулга қимор ўйнашарди — марка пуллар стол устида уюлиб ётарди. Озмунча пул тўпланмаганди.

«Ҳаммаси жойида, — ўзича деди Саид. — Демак, пакет ҳозир унинг ёнида, шу новча шарфюрер ёнида бўлиши керак. Кителининг чўнтақларидан бирида ёки чамадонида бўлса керак. Шарфюрер ва унинг нарсалари шу ерда экан, демак ҳаракат қилиш керак!»

Саид эшикни очди-да, купега кирди.

— Мени ҳам ўйинга қўшинглар! — деди у эшик ёнида туриб. У илтимос қилмади, аксинча талаб этди. Легионерлар ҳарбий удумни сақлаб, ўринларидан туришди, лекин унтерштурмфюрер қўл силтаб, уларни жойларига ўтиргизди, ўзи ҳам уларнинг ёнига, диванга ўтирди.

Офицернинг пайдо бўлиши солдатларни бир оз саросимага солди. «Лайлак» ўйинни давом эттириш-этирмасликни билмай, карталарни диван устига қўйди. Шундан кейин Саид чўнтагидан беш марка олиб, стол устига қўйди.

— Бошламасига шу етар?

Столча ёнида ўтирган легионер тортиниб қўшиб қўйди:

— Бу ерда ўттиз марка...

— Демак, ўн маркадан экан-да... — деди Саид ва яна пул қўшиб қўйди.

— Энди давом эттирайлик, — деди «лайлак». — Навбат сизга, агар эътироз билдирмасангиз?

— Бўпти!

Саид илгари ёмон ўйнамасди, аммо анчадан буён қўлига карта олмаганди. Шарфюрернинг қўлидан биринчи марта карта олган Саид анча ҳаяжонланаётганини сезди. У ҳеч қачон гардкам қилиб, ўйинга берилиб кет-

мас ва заруратсиз таваккал иш тутмас эди. Энди бўлса таваккал қилиб ўйнаши керак эди. Чунки таваккал қилиб ўйнаши мақсадга эришишга ёрдам қилар ёки эҳтимол, халақит берар эди.

«Ёлғондакамдан ютқизмайман,— деди ичида у.— Шарфюрерда шубҳа туғилмаслиги учун ўйин чин бўлиб кўриниши керак». Карта яхши келди. Биринчи, иккинчи, учинчи карта ҳам...

— Бас,— деди Саид.

«Лайлак» ўз тиззасига тўртта янги атлас карта қўйдида, ютқизди. Дарҳол ютқизди.

— Шунақаси ҳам бўлади,— тинчлантирди рақибини Саид. Яна бир қўл айланди. «Лайлак» яна ютқазди, кейин ютди. Саид банк бера бошлади. У шеригига столдаги ҳамма пулга ўйнашни таклиф этди. Банкда эллик марка бор эди. Рақибни унамади. Иккинчиси ҳам. Саид «лайлак»дан умид қилди. Пул шарфюрернинг кўзларини ўйнатарди, аммо юраги дов бермай турарди.

— Фақат йигирма маркага урамиз,— ҳаяжонланиб деди йигирма бўлса йигирма-да, ол картани!

Карта бир марта айланди, иккинчи марта ҳам. Банк шарфюрерга қайтди. «Лайлак» карталарни қайтадан аралаштирди-да, савол назари билан лейтенантга қаради.

— Қанчага урасиз?

Саид нима дейишини олдиндан ўйлаб қўйганди, аммо сир бой бермаслик учун, чайнаиб, афсусланган бўлиб деди!

— Ҳаммасига!

Стол устида тўқсон марка ётарди. Легионерлар қўрқиб, жим бўлиб қолдилар: унтерштурмфюрер банкни олиши мумкин эди — иши ўнгидан келиб турганди — унда легионерлар ўзларининг йигирма-ўттиз маркаларини қайтариб ютиб ололмасдилар, пуллар лейтенант чўнтагига тушарди. Бу уюлиб ётган пулни йиғиштириб олиб ўз купесига кириб кетиши ҳеч гап

эмасди. «Лайлак» эндигина карталар орасидан бир картани олиб уни бармоқлари билан ишқалаб турган пайтда, тўсатдан Саид уни тўхтатди.

— Вино ичмаймизми, оғайнилар?

Легионерлар бир-бирларига қарашиб қўйишди: ҳеч ким офицернинг таклифига жавоб қайтаришга журъат этолмасди. Бунинг устига уларнинг виноси йўқ эди. Шерикларининг хижил бўлганларидан Саид шундай хулоса чиқарди.

— Менинг купемни очинг! У ерда — пастда, чамадонда бир шиша коньяк бор. Бу ёққа олиб келинг!

Ўйинга қатнашмаётган икки киши буйруқни бажаришга ошиқишди. Йўлакда этикларнинг дўқиллагани эшитилди.

— Ўн минутдан кейин станция келади,— деди Саид шарфюрерга, легионерларнинг оёқ товушлари тиниши ҳамон.— Монпельедан беридаги станция. У, одатда диққинафас бўлган пассажирлар каби поезд тўхтаганда тушайми, тушмайми, деб хомхаёллик билан гапирётгандай эмас, албатта тушиш лозимлигини, ҳатто зарурлигини атайлаб эслатиб деди.

«Лайлак»нинг бармоқлари унга узатилган картани ҳамон силаб турарди. Монпелье станцияси номи тилга олиниши билан унинг қўли қалтираб қотиб қолди.

— Бошқа станция бўлмайди,— уқтирди Саид.

«Лайлак» жавоб қилмади. Шарфюрер ҳушини йиғиб олиб, уни кимдир шошилтираётгандай карталарни тез-тез чийлай бошлади. Худди шунинг устига легионерлар коньяк кўтариб купега қайтиб келишди. Улар қувноқ эдилар— винодан эмас, маза қилиш туйғусидан хурсанд эдилар.

— Куйинглар!— команда берди Саид.— Ҳаммага тўлатиб қуйилсин!

Ҳаммалари ичишди. «Лайлак» бутунлай жим бўлиб қолди. У парда билан яхшилаб беркитиб қўйилган қоп-

қора деразага тикилиб, чурқ этмасди.

— Станция келишини кутамизми ёки карта ўйнаймизми? — сўради Саид. Шарфюрер истар-истамас оғзини очиб, жаҳл билан тўнғиллади:

— Ўйнаймиз!

«Демак, чиқмас экан,— тушунди Саид.— Кўрқяпти, ёки фикридан қайтди...»

— Картани бер!

Худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандай «лайлак» атлас картани узатди.

— Яна!.. Яна!.. Яна!..

Саид ютқизмоқчи бўлди. Ютқизди ҳам. «Лайлак»-нинг маркаси ёнига тўқсон марка қўшилди. Шарфюрер узун қўллари билан пулни бир жойга тўплай бошлади — ҳаммаси бир юз саксон марка эди. Пулни йиғиштирди-ю, лекин чўнтагига солишга уялди. Ўртоқларининг очкўзлик билан тикилиб туришлари унга халақит берарди.

— Яна ўйнаймизми?— таклиф этди Саид. Шундай деди-ю, яна ўйнаш истаги борлигини тасдиқлаш учун катмонидан икки юз марка санаб олиб, стол четига уюб қўйди.

— Икки юзгами?— нафаси қайтиб, ҳаяжон билан сўради шарфюрер.

— Ҳа, ҳисоб-китобни баравар қилиш учун.

«Лайлак» қўлини қўйнига тикиб ниманидир роса тинтий бошлади. Қўли нимагадир тегди, ниманидир ушлаб кўрди, нимадандир қўлини олиб қочди — пакетдан бўлса керак, деб ўйлади Саид, ниҳоят, ўттиз марка пул чиқарди.

— Ҳаммаси шу,— уҳ тортиб қўйди шарфюрер.

— Демак, икки юз ўн маркага ўйнаймиз-да?— санаб деди Саид.

— Йўқ, ўн маркаси қолсин.

Поезд юришини секинлаштирди. Темир изларнинг уланган жойлари ғилдираклар остида шақирлар, бу-

ферлар тарақлар эди.

— Поезд тўхтагунча ўйнаймиз, — таклиф этди Саид. — Сўнгра станцияга тушиб ичамиз... Стол устида тўрт юз марка ётарди. Шарфюрер ундан кўзини ололмасди. У ўйинни давом эттиришга кўнди, албатта. Тўғри, у бойликдан ажралиб қолмайин, деб бир-икки дақиқа иккиланиб турди, башарти омади келмай, ютқизиб қўйса-я. Саид уни туртди:

— Қани, ол!

«Лайлак» картани сузди. У унтерштурмфюрерга карта бераркан, ҳар сантиметрида тўхтаб, секин узатарди. Карталар орасидан тўрттасини суғуриб олгунча худди орадан бир йил ўтгандай туюлди. Саид «лайлак»ни тўхтатди:

— Энди ўзингга ол!

Унинг қўли янада секинлик билан картага яқинлашди. Негадир, «лайлак» ютқизаман, деб ўйларди. Лекин янглишмади. Ютқизди!

Тўрт юз марка стол устида ётарди. Аммо улар энди «лайлак»ники эмасди. Шарфюрер ичидан қиринди ўтиб, пулларга бакрайиб турарди. Юзлари докадай оқариб кетганди.

Поезд тўхтади.

— Монпельедан беридаги станцияга келдик, — эслатди Саид. «Лайлак» ҳеч нимани эшитмади шекилли. У ҳамон пулларга тикилиб турарди.

— Қани кетдик, ичамиз. Бу ерда вино ертўласи бўлса керак.

Легионерлар ҳовлиқиб қолишди, кителлари тугмасини тақиб, фуражкаларини кия бошлашди.

— Сен-чи? — сўради Саид шарфюрердан.

— Мен бормайман.

«Бормайсан. Ҳозир ҳам. Кейин ҳам! — ичида ғазабланди Саид. — Альбигача борасан. Ўз хўжайининг олдига... Нима ҳам дердим. Мен ишни тинчлик билан

ҳал қилай, дегандим...»

— Югуринглар, йигитлар! Мана, пулни олинг! Агар коньяк топсанглар, кўпроқ олинглар.— Саид стол устидан эллик марка олди-да, легионерларга тутқазди.— Чопинглар, шишасиз қайтманглар!

Солдатлар перронга қараб югуришди.

Саид ўрнидан турди ва эшикни ёпди, зич ёпди.

— Демак, тушмайсан-а?— яна сўради у шарфюрердан.

«Лайлак» саволнинг мағзини энди чақди. У бошини кўтарди ва ҳайрон бўлиб офицерга боқди.

— Йўқ!

— Қўрқаяпсанми?

— Мен гапингизга тушунмаяпман, лейтенант жаноблари...

— Тушунмаяпсанми?— Саид эпчиллик билан чўнтагидан тўппончасини олди ва шарфюрерга ўқталди. Аблаҳ! Душманга сотилдинг! Берлиндан буён сени кузатиб келяпмиз. Иккинчи километрдан буён. Ишонаманки, иккинчи километр эсингда бўлса керак. Саид Исломбек ҳам?

«Лайлак» ундан талаб қилинмаса ҳам қўлларини кўтарди.

— Унтерштурмфюрер жаноблари! Унтерштурмфюрер жаноблари!..

— Варақалар қаерда?

— Улар менда эмас.

— Ёлғон гапирма, аблаҳ! Қани, тез ечин! Кителни бу ёққа қўй, деворга ўтирилиб тур! Қўлларингни кўтариб тур! Баландроқ кўтар...

Саид «лайлак» пул қидириб қўли чап томонидаги бир нарсага текканини эслади. Саид бир қўлида тўппонча, иккинчи қўли билан «лайлак»нинг чўнтақларини титкилай бошлади, улардан пул, қоғоз парчалари, хотин-қизларнинг турли вазиятдаги шармандали су-

ратлари солинган откриткаларни олиб ташлади. Чўнтаклардан пакет чиқмади.

Бироқ астар тагида қандайдир қаттиқ бир нима қўлига илинди. Уни олиш жуда қийин бўлди. Бир қўли билан ипини сўкишга тўғри келди. Тез сўкиш керак эди. Чунки поезд станцияда ўн беш минут тўхтарди, холос. Тиши билан ёқани йиртишга тўғри келди. Ёқа шириллаб йиртилди. Қор шириллаганда «лайлак» юзига қамчи теккан кишидай сесканиб тушарди.

Ниҳоят қора пакет чиқди! У худди қоронғи тунга ўхшаш эди. Ип билан — кулранг ип билан тикилганди. Жин урсин, иш ўнгидан келмаганини қаранг. Энди нимаям қилиб бўларди. Кулранг бўлса, кулранг-да! Чўнтакларидан «иққан ҳамма нарсани Саид стол устига, пул олдига қўйди. Кителни яна бир текшириб кўрди-да, уни шарфюрернинг елкасига ташлади. Йиртилган, ёжимланган китель елкасидан диван устига тушиб, осилиб қолди...

Ҳар қалай варақа топилди. Орқасига ёзилган, энди зарурати қолмаган ўша варақа топилди. Шундай бўлса ҳам Саид уни олди.

— Йўк, дединг-а! Мана, бор экан-ку... Кийин!

«Лайлак» қўлларини туширди, кителни олди. Унинг кўзи йиртилган астарга тушди-ю, худди совқотгандай жунжикиб кетди.

— Кийиниб, кутиб тур! — деб буюрди Саид.

Ў тўппончани чўнтагига солди, шошиб йўлакка чиқди, эшикни маҳкам ёпиб, кулфлаб қўйди.

«Лайлак» дастлаб кителни, унинг чап ёқасини пайпа-слаб кўрди. Ҳеч нима йўк. У қайрилиб столга қаради, кўзи пакетга тушди. Пакет пул ва откриткалар орасида ётибди. Шарфюрернинг томоғидан қандайдир ёнғиллаган, хириллаган овоз чиқди, қувончдан хириллаб деди:

— Ўша!

Саид тамбурдан иккинчи вагонга ўтганда, поезд

қўзғалди. Проводник вагон зинаси эшигини қулфлаб қўйганди. У одамларнинг тарқалишини кутиб турди, кейин калитни ишга солди. Эшик очилмади. У уч минут чамаси овора бўлди. Бу орада поезд тезлигини ошириб, тун қўйнидаги водийдан қуюндай учиб борарди. Ниҳоят, эшик очилиб Саид темир зинага чиқди.

Шамол уни зинадан қоронғига улоқтириб юбориш учун юзига, кўкрагига уриларди. Саиднинг ўзи ҳам шундай қилмоқчи бўлса-да, негадир орқасини эшикка маҳкам тираб, гирдоб билан олишарди.

У илгари сира поезддан сакрамаганди. Ҳеч қачон, ўз остида қаергадир, орқага қараб тез ўтиб кетаётган бўшлиқни сезмаганди. У шундайгина ёнида темирларнинг ғижирлашлари ва ғилдиракларнинг қулоқни битирувчи тақир-туқурларини эшитмаганди. У зинадан оёқларини туширди, тутқични ушлаб, тарақлаётган бўшлиққа осилди.

Поезд ҳозир, июнь ойида қуюқ, қўм-кўк чим босган тепалик устидан шиддат билан елиб борарди. Саид, негадир, шу тепаликни танлади.

Эҳтимол, у сўнги дақиқада ҳаёт нафаси гуркираб, ўзига чорлаётган шу кўкаламзорни танлагандир. У тутқични қўйиб юборди ва гуп этиб пастга қулади..

13

— Сиз ҳақ экансиз, гауптштурмфюрер жаноблари, — деди майор Райли, Ольшерни эшигига: «Боғдорчилик машиналари референти» деб ёзилган тахтача қоқилган кичкина хонага киритаётиб. — Бу чиндан қам уларнинг иши экан.

Бу хона, подъезддаги бошқа хоналар каби Франкфурт қишлоқ хўжалик округини таъминловчи қандайдир фирмага қарашли эди. Биринчи қаватни фирма эгаллаганди, подъездда трактор, сеялка, культиваторлар

учун эҳтиёт қисмлар юкланган юк машиналари доимо тўдалашиб турарди.

Иккинчи қаватда Райли «хукмронлик» қиларди. Райли референт тахтачаси мени синчков кўзлардан яхши сақлайди, деб ҳисобларди. Чиндан ҳам, пастки қаватдаги механиклар, агрономлар, шунингдек фирма клиентлари унинг қандай референт эканлигини, ҳеч бўлмаганда, «боғ машиналари мутахассиси»нинг ҳақиқий вазифаси нимадан иборат эканлигини фаҳмлар эдилар.

— Уларнинг иши экан,— қайтарди Райли, эшик ёпилиб пухта инглиз қулфи қаттиқ шиқиллагач.— Улар жуда ошириб юборишган. Галицин пакет орқасидан ким тушганини айтишга улгурган.

— Фақат орқасидан тушибгина қолмаган, — деди аниқроқ қилиб Ольшер.

— Ҳа, ҳа, фақат орқасидан тушибгина қолмаган,— унинг фикрига қўшилди майор. — Пакет ичида ҳеч нима йўқлигини билмай уни олиб кетган...

Бу гапдан Ольшернинг бадани сесканиб кетди. У баронесса билан учрашгандан кейин, ҳужжатларнинг ўғирланганлиги ҳақида тўқилган нақлни, ҳатто майор Райлининг ўзи ҳам бутунлай қўллаб-қувватлашини англади. У Рутга ишонганди. Пакет ичидаги ҳужжатлар Ислонбекнинг қиёфадоши томонидан ўғирланган ва Берлин трассасининг иккинчи километрида бирор жойига яшириб қўйилган эмиш, деган гапга ишонганди.

— Пакет бўш эмасди,— ўжарлик билан эътироз билдирди Ольшер. У ўзини ҳимоя қилиш, ўтган йиллар мобайнида қандай кун кўрганини, бошидан кечирганларини ҳимоя қилиш учун эътироз билдирди. Ҳужжатлар пакетдан кейинчалик олиб қўйилган... 1944 йил ёзида, Францияда...

— Ким олган?— сўради майор.

— Исломбек.

Райли бирор янгилик кутганди. Ҳадеб Исломбек ҳақида гапираверадими, ахир. Унтерштурмфюрернинг ҳеч қандай изи қолгани йўқ. Умуман, ўша излар бўлганмикин? Райли Ольшерга худди шундай деди:

— Умуман, унинг изи бўлганмикин?

— Шунинг учун мен сизнинг ҳузурингизга келдим, майор жаноблари, бўлганлигини тасдиқламоқ учун келдим,— жавоб берди Ольшер.

Райли Ольшернинг сўзларига, сўзларидан кўра гап оҳангига қизиққанлигини кўрсатмоқ учун папирос чекди. Унинг гапи комил ишонч билан айтилганди.

— Тасдиқламоқ учун, денг. Демак, сиз, бирор нарса топибсиз-да, бўлмаса?— папирос тутунини ичига тортиб сўради майор.

— Улар Галицинни ўлдиришди...

— Ўлдиришди! Хўш, нима бўпти?

— Ипни узиб қўйиш учун.

— Буниси аниқ... Шунинг учун ҳам ўлдиришади-да...— Бир оз ҳафсаласи пир бўлиб деди Райли.

— Аммо ўша ипнинг бир учи бошқа кишига тақалиши керак-ку,

— Исломбекка демоқчимисиз?

— Албатта.

— Қандай қилиб?

— Пакетни ўғирлаган киши чиндан ҳам шу ёнверимизда, уни сиз биласиз. Ўша...

Райли Ольшерни огоҳлантириб қўлини кўтарди:

— Ўша одамни тиртиқли киши дейлик!

— Ихтиёрингиз, — эътироз билдирмади Ольшер.— Тиртиқли киши пакетни фақат қўлига олган, сўнгра уни тегишли жойга олиб бориш учун «лайлак»ка топширган...

— Бу сизнинг тахминингизми?— қизиқсиниб сўради Райли.

— Ҳа. Бўлиб ўтган воқеалар сўзимни тасдиқлайди.

— Яна нима?

— Ярим йил ўтгач, пакет яна тиртиқли киши қўлига қайтган. Лекин энди бўш қайтган. Бу Францияда, Альбида, 1944 йил, 16 июнда юз берган...

— Бу ҳам тахминми?

— Йўқ, мен сирни сотиб олдим.

— Нима?!

— Сотиб олдим,— қайтарди Ольшер.— Катта пулга.

Райли бехосдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

— Рут Найгофдан сотиб олдингиз-да... Ўн олтинчи июнь ўша аёлга тааллуқли... Кулги Ольшерни шаштидан туширмади. Аксинча, унинг юзларида қувонч ифодаси пайдо бўлди. У шефнинг кулишидан тўхташини кутиб турди-да, энг муҳимини айтди:

— Ўн олтинчи июнь — бу контроль сана, уни фақат Рут тасдиқлади. Лекин, худди шу куни Исломбекнинг иккинчи қиёфадоши ўлдирилган, уни ҳам ўша одам ўлдирган бўлса-да, сир ўн олтинчи июнда юз бермаган. Сир бутунлай бошқа киши қўлида, мистер Райли. Мен 1944 йил 8 июнда пакетни қўлида ушлаб турган одам номини сотиб олдим... Райли яна папирос тутунини тортиш учун уни оғзига олиб борди. Лекин Ольшернинг сўзи уни ярим йўлда тўхтатиб қўйди.

— Ўша одамнинг номи нима?

— Искандар Солиев!

— Искандар Солиев... Искандар... Таниш кўринади.

Энди Ольшер кулди:

— Искандар Солиев, бу Исломбекнинг ўзи. Саид Исломбек. Номининг бош ҳарфлари. Мен унга ўрмон госпиталидан қайтгач, шундай ном қўйгандим.

Ольшер, ҳали севиниш эрта бўлса ҳам ўзини ғалаба қозонгандай ҳис этганди. Майор хурсанд бўлмади, у гауптштурмфюрернинг гапларидан заиф жойини қидирди, қидириб топди ҳам.

— Исломбек пакетни қўлида ушлаб турган... Факат ушлаган, холос.

— Шунинг ўзи етарли,— деди Ольшер.

— Эҳтимол. Лекин пакетни «лайлак» ҳам ўз қўлида сақлаган-ку. Ярим йил ушлаб юрган... Куруқ пакетни.

— Сиз Исломбекни билмайсиз, — деди эски гапини қайтариб Ольшер.— Ҳа, билмайсиз. У ушлаб кўрса бас.

Райли папирос тутунини бир неча марта ичига ютди. У Ольшер томонидан таклиф этилган масалани ҳал этарди. Масалани ҳал этиш, ҳар қандай иш каби фикрни бир жойга қўйишни талаб этарди. У тўсатдан деди:

— Ҳаммаси ёлғон!

Ольшер эсанкираб қолди. У гап билан оғзига урганлари учун эсанкирамади. Майор фактларни, аслик фактларни йўққа чиқарганди.

— Башарти, бу ёлғон бўлса, унда Найгофнинг гапичи? Куруқ гап, алжираш! Тиртикли киши қўлига тушган пакет қора ип билан тикилганди...

— Ипнинг нима алоқаси бор бунга?

— Чунки мен уни ўзим кулранг ип билан айлантириб тикканман. Кулранг ип билан, биласизми? Бу ёлғон эмас, албатта. Арзимаган ип тагида нимадир борга ўхшайди... Тўмтоқ, зеҳни паст Райли ҳозир Ольшернинг далилини эътироф этмай иложи йўқ эди. Пакетни очишган. Аммо ким?

— Бу ишни унтерштурмфюрернинг ўзи Берлин ҳалқасида қилиши мумкинмиди?— ўзига ва шу билан бир вақтда капитанга савол берди Райли.— Қилиши мумкин эди, қилган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Башарти, шундай бўлса, нега Искандар Солиев пакетни «лайлак»ка қайтариб берди,— қарши савол берди Ольшер.

— У пакетда ҳеч нарса йўқлигини фаҳмлаган.

— Қандай қилиб?

— Кўринишидан... Сизнинг ипингиздан билган.—

Майор сухбатдошини боши берк кўчага ҳайдамоқчи бўлди. Боши берк кўчадан чиқадиган йўл бор экан. Жуда оддий йўл. Шундай йўлки, Ольшер ундан осонгина чиқиб кета олди, боз устига оғзи қулоғида бўлиб чиқди.

— Искандар, яъни Исломбек пакетни ҳеч қачон кўрмаган, уни қўлига ҳам олмаган, ип тўғрисида эса ҳеч нарса билмаган. Бевақт семириб кетган, вазмин Райли креслода тўлғаниб қўйди, кресло қаттиқ ғижирлади. Майор учун ташвишли шу дақиқаларда ёғоч ва пенопластдан ясалган шу чиройли креслога ҳам жуда жабр бўлди-да.

— Э, жин урсин!— деди у ачиниб.— Қандайдир чалкашлик бу. Иккала вариант ҳам мантиқий жиҳатдан тўғри... Сиз ўша бемаъни ипга қанча тўладингиз?

— Ҳеч нима.

— Ахир сиз каттагина пулни тилга олувдингиз-ку?

— Ип ҳам, 8 июнда пакетни қўлга олган кишининг номи ҳам бир пулга арзимайди. Ҳаммадан кўра ўша одамнинг адреси қимматли. Кресло яна ғижирлади, лекин илгаригидан секинроқ ғижирлади — Райли гаплашиб турган пайтда ўрнидан туриш одати бўлмаса ҳам ўрнидан турди. Капитаннинг гапи уни шунга мажбур этганди.

— Қаерда ўша Искандар?

— Исломбек.

— Исломбек бўлса бўла қолсин. Қаерда ўша?

— Мана.— Ольшер адрес ёзилган қоғозни узатди. Аслини олганда бу оддий маънодаги адрес эмасди. Бир мамлакат номи эди. Осиёдаги бир мамлакатнинг номи-ю, унинг пойтахти, холос.— Унтерштурмфюрер ўша ерда. Тиртиқли кишининг гапига қараганда, ўша ерда эмиш... Мен ўзим борсам ҳам бўларди. Топардим ҳам,— тушунтирди Ольшер.— Уни осонгина топардим...

Райли йўқ дегандай қўл силтади:

—Йўқ. Немиснинг, унинг устига гауптштурмфюрернинг ҳозир Шарқда пайдо бўлиши кулгили-ку...

—Тушунаман, шунинг учун тиртиқли кишини юборишни таклиф этаман. Буларнинг ҳаммаси Райли учун кутилмаган ҳол эди. Шунинг учун у Ольшернинг ҳар бир гапини ўйлаб кўриши керак эди. Ольшернинг сўнгги таклифи жуда мураккаб бўлиб, уни ҳал этиш учун анча вақт талаб этиларди. Райли то жавоб топгунча, сигаретасини охиригача чекиб тугатди.

—Бўпти.

—Йўл унга таниш, алоқаси ҳам бор...

—Бунга шубҳам йўқ. Қанча?

—Нима, қанча?

—Қанча тўладингиз?

Ольшер ўзини тутиб олди — кузур билан ўйин борарди. Энди унинг қўлида кузур етарли эди. Шунинг учун энг муҳимидан бошлади:

—Битта Галицинни. Райли очилиб кетди: Ольшернинг иш усули унга ёқиб тушди.

—Фош этиб, қимирлатмай кўйибсиз-да! Иш чакки эмас, гауптштурмфюрер.— Майор миясига янги фикр келгандай, тўхтаб қолди. Назарида ажойиб фикр эди.— Гауптштурмфюрер, агар биз бошқача ном билан албатта, янги «Тюркостштелле» тузсак, нима дейсиз? Бошлиғи бўлса бор.— Майор Ольшернинг ёнига бориб, унинг елкасига қоқди.— Биз Мюнхендаги, Бонндаги, Франкфурт-на-Майнеда»ги ҳамма миллатчилар тўдасини ўзимизга қаратиб олдик... Биз уларни «Сикрет интеллидженс сервис»дан арзон нарҳда сотиб олдик. Лекин кимдир уларга бош-қош бўлиб туриши керакда... Бирор тажрибали одам! — Райли овозини пасайтириб деди:—Анъанага содиқ одам... Унинг сўнгги гапи ўзига жуда ёқиб қолди-да, қаҳқаҳа уриб кулиб юборди:

— Анъана!.. Ишга киришинг, гауптштурмфюрер! Дарҳол ишга тушинг!..

Игна барглиларнинг ҳиди ўрмонни тутиб кетганди, ҳаво юмшоқ бўлиб, тушаётган қор қарағайларнинг шохларига кўнар-кўнмас эриб кетаётган эди. Фақат арчаларнинг ерда ястаниб ётган кенг, қоп-қора панжаларидагина бир сиқим оппоқ қор йиғилиб қолганди.

Сир-асрорга тўла қоронғи ўрмон, унинг ўткир ҳиди кишини тўлқинлантирарди. Яшил ўрмоннинг нариги ёнида, кўк, мовий чўққилари осмонга юксалиб турган Татра тоғларининг орқасида жанглар борарди.

Ҳеч ким урушнинг шовқин-суронларини эшитмасди. Ўрмон ва баланд тоғлар сукут сақлаб турарди. Қор ёғиб, ҳаммаёқ қалин пардага бурканиб, осмон билан ерни ажратиб бўлмайдиган ана шундай қиш кунларида оғир, чуқур жимлик чўкарди.

Татра этагидаги кичик, тор водийда, немислар томонидан заслон қилиб қўйилган легионерлар полки яширинган эди. Бу Гитлер ўйлаб чиқарган, дабдала бўлган, пароканда этилган, яраланган, бўғилиб, жон бераётган қўшиннинг сўнгги полки эди. Туркистонликлар Европа бўйлаб анча вақт санқиб юришди, уни узунасига ҳам, кўндалангига ҳам кезиб чиқишди, ҳеч қаерда бошпана топмай, мана энди улар ниҳоят ўзларининг охириги маконларига етиб келишди.

Исломбек ҳам шу ерга етиб келди.

У, гестаподан, операциянинг амалга ошгани ҳақида сабр-сизлик билан Нимдан янги хабар келишини кутиб турган ўз шефи Ольшердан яшириниб, Франция ва Австрияда икки ойдан кўпроқ юрди.

Кулранг, айнан кулранг ип билан тикилган пакетни қўлга киритган Саид Нимга қайтмасдан Венага йўл олди. Инглиз — Америка қўшинлари Катантен ярим оролини эгаллаб, Шербурни қўлга киритган ва Сена билан Лаура водийсида олдинга қараб бориб, Франция

пойтахтига яқинлашаётган пайтда Саид Париждан ўтиб кетишга улгурди.

Страсбургда Саид Туркистон легионининг барча қисмларини қайта тузиш учун Германияга жўнатилаётганлигини билди. Ҳаддан ташқари тезлик билан фронт чизиғини ўзгартириб, нақ Германиянинг ўзига яқинлашаётган Шарқий фронт янги кучлар талаб этарди. Немислар ҳамма томондан, биринчи галда жанубдан кучларни олиб келиб тўплашмоқда эди.. Эшелон Страсбургдан деярли тинимсиз ўтиб турарди. Саид ҳарбий қисмларнинг қайси томонга жўнаётганини аниқлаб ва Бергдан сигнал кутиб, июль ойининг ўрталаригача бу ерда туриб қолди.

У Гитлерга суиқасд қилинганлиги тўғрисидаги хабарни Страсбургда эшитди. Бу воқеа шахсан унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини билмаса ҳам, лекин ҳамманинг ташвишланиб саросимага тушганини сездиди-да, дарҳол ўз кузатиш пунктини тарк этиб, Венага жўнади. Нега Венага келди? Алоқа қилиш мураккаблашган пайтда, Вена ишни қайта ташкил этиш жойи бўлиши керак эди. Саид Нимга йўл олиш арафасида Рудольф билан шуни келишиб олган эди. Бош почта бўлимида Бергнинг адреси бўлиши керак эди.

Бергнинг адреси йўқ экан. Шу пайтга қадар ҳам Саиднинг нимагадир кўнглининг бир чети хира бўлиб юрарди, уззукун ҳадикда юрганидан асаблари бўшашиб, руҳига таъсир қилганмиди, ҳар қалай ҳозир бош почта ходимасининг қисқа қилиб ва қайта-қайта «йўқ» дейиши унтерштурмфюрерни ваҳимага солиб қўйганди. Номаълумлик уни ваҳимага солиб қўйганди. Саид келишилган адрес бўйича Берлиндан сўраб кўрди. Бир ҳафта кутди. Жавоб бўлмади. Сўнгги тадбирни ишга солиб кўрди. Текшириш пунктига, яна Берлинга, Панкова районига сигнал берди. Ҳеч қандай жавоб келмади!

«Башарти, ёлғиз қолсанг...» — Бергнинг гапини элади Саид. Элади-ю ўзига ва Бергга ҳукм чиқарди. Рудольф бекордан-бекорга «26 нчи»ни ташлаб кетмасди. Ташлаб кетмасди, бунга ҳақи ҳам йўқ эди. Демак, қулабди. Ҳар қалай қулабди. Бу Саиднинг ақлига асло сиғмасди.

Венада ўзини у ёқдан-бу ёққа уриб, дўстини қидирарди — фойда чиқмаслигини билса ҳам барибир қидирарди. Чунки қалби уни ҳаракатга чорларди — қидир, қидир, дерди. Иккинчи куни у Берг йўқлигига амин бўлди. У Венада йўқ, умуман йўқ!

Саид яна ёлғиз қолди... У Авлиё Стефан ибодатхонаси томон йўл олди. Дўсти буюрганидек ўша томон юрди.

Шанба эди. Кўп кишилар ибодатхонага келаётган кечки пайт эди. Саид художўй католикка ўхшамасди, албатта лекин ранг-баранг одамлар орасида унча ажралиб ҳам турмасди. Саид Эккер уйига кетаётиб, ибодатхона олдидаги майдонни кесиб ўтганда, у ер одамлардан холи эмасди.

«Унинг эшигини қоқасан»,— деганди хайрлашаётиб Рудольф. Саид эшикни қоқмади. У, ҳатто қадамини секинлатмай, эшик ёнидан ўтиб кетишга ҳам журъат этди. Эшик ҳам, дераза ҳам ёпиқ эди. Эккер органи, ибодат вақтида эшикни ланг очиб қўйиб, мунгли, ҳазин музикани эшитиб ўтиришни севишига қарамай, эшик ёпиқ эди.

Саид қайта-қайта эшик олдидан ўтди. Эккер эшиги очилмади. Қўшнисининг эшиги очилиб, ундан қора кийимли кекса аёл чиқди. Саид аёлга ибодатхонанинг пешайвони олдида етиб олди. Аёл ибодат қилаётган кишилар орасига кириб кетаётган пайтда Саид унга етиб олди. Ундан Эккерни сўради. Аёл қўрқиб эсэсчига қаради-да: «Уни апрелдаёқ дафн этишган. У креслода ухлаб қолиб, қайтиб уйғонмабди. Гестапо уни ўлик

қолда топган...»

Саид таъзим қилиб кўздан ғойиб бўлди. Бундан кейин Авлиё Стефан ибодатхонаси ёнига сира келмайдиган бўлиб, ғойиб бўлди. У якка қолди! Бунинг устига эшик қоқиб кирадиган жойи ҳам қолмади. Бутун Венада, бутун жаҳонда у кирадиган жой қолмади. Бир лаҳзагина умидсизликка тушди. Бу умидсизлик уни ўйламасдан, таваккал қилиб иш тутишга ундади. Яхши ҳамки, у дарров ўзини тутиб олди ва битта ҳам ножўя қадам ташламади.

У бир ҳафта, ундан ҳам кўпроқ турли шубҳаларга бориб юрди, боши берк кўчадан чиқиш йўллари-ни қидирди, ниҳоят топди. Фронтга бориш керак! Қўшинлар учрашадиган чизиққа бориш керак. Ўша чизиқдан ўтиш керак. У газеталарни ўқир, радио эшитар, қаерда жанглар бораётганлигини тахминан билар эди. Аммо немис қўшинлари турган жойга қандай қилиб боради? Туркистонлик СС кийимида бўлса ҳам шунчаки ўзи фронтолди участкасига бора олмасди. Уни фақат ўз кишилари, яъни легионерлар кутиб олишлари мумкин эди, лекин шундай бўлса ҳам уларга ҳам бир важ-корсон кўрсатилиши керак эди.

Саид легионни қидира бошлади. Вена орқали бир неча ҳарбий эшелон Шарққа, Братиславага ўтиб кетди. Саид улар кетидан жўнади. Братиславада легионерларни тўхтатишмади — уларни қаергадир, олисга, Шимолга, Польшага жўнатишди, у ерда қандайдир қўшин қайта тузилаётган эди.

Саид йўл-йўлакай легионерлар қисмларидан бирини учратиб қолиш умидида Остравага борди. Бу ерда анча кутиб қолди. Куз ҳам келди. Яна эшелонлар ўта бошлади, энди улар Польшадан орқага қайтиб, жануби-шарққа бурилиб кетишарди. Саид легионерлардан баъзи бири билан бир-икки оғиз гаплашди. Унтерштурмфюрер Рашидбек деган нотаниш номни

эшитди. Унинг бошчилигида Татра ёнида легионерларни тўплашаётганди.

Саид Жилинга келди. Бу ерда энди у эшелонлар қаёққа йўл олаётганликларини аниқ билиб олди — бу эшелонлар чиндан қам Татрага борарди. Сўнгги эшелон сентябрь охирларида, ёмғир ёғиб, совуқ ғизиллатиб турганда ўтиб кетди.

Полк жойлашган пункт ва командирнинг ким эканлиги Саидга маълум эди. Бу унга жуда маъқул эди. Легионерлар турган жой партизанлар назорат қилиб турган ўрмон ёнида эди. Командир янги одам бўлиб, Саидни танимасди. Унтерштурмфюрер 26 октябрда Жилиндан жўнаб, кечки пайтда полк турган жойга етиб келди. Ёмғир челақлаб ёғиб турарди. Легионерлар учун қишлоққа озиқ-овқат олиб келаётган машина қоронғида ўрмалаб штабга аранг етиб келди. Саид Рашидбек билан учрашишга ҳозирланди. У йўлда ўзича одамларни текшириш ҳақида Ольшернинг буйруғи бор, деб командирни гангитиб қўймоқчи бўлди. Ногаҳон у остона олдида Ориповни кўриб қолди. Нимда ажралишган полковник Ориповга дуч келди. Шу пайт ўзини йўқотиб қўйишгина эмас, тилдан қолиш ҳам мумкин эди.

— Унтерштурмфюрермисиз?! — сўради полковник ўз кўзларига ишонмай.

— Худди шундай, полковник жаноблари, — жавоб берди Саид, ҳўл шинелини шошмай ечиб, чунки ўзини тутиб олиш ва бирор фикрга келиш учун унга фурсат лозим эди. У Ориповни яхши биларди. Шу сабабдан бундай мушкул аҳволдан қутулиш учун ягона тўғри йўл танлади.

— Менинг шошилиш ишим бор, штандартенфюрер жаноблари. Агар вақтида етиб келган бўлсам, худога минг марта шукур қиламан! Саид бу гапларни ташвиш билан секин айтди. У полковник гапимга ишонсин,

деб секин айтган гапи муҳим аҳамиятга эга эканлигини писанда қилиш учун ташвиш билан гапирди. Саид эшикни ёпди, Ориповнинг олдига келди.

— Мен дарҳол иш бошлашим мумкинми?

Полк командирини хабардор қилиш керак,— ҳамон Саидга разм солиб жавоб қилди полковник Орипов. Меҳмоннинг ваҳимали гапи, аллақачон ўз мевасини бера бошлаганди. Гитлерга бўлган суиқасд ва Варшава қўзғолонидан кейин ҳамма ҳарбийлар сирлари фош бўлишидан қўрқиб юришарди...

Ориповнинг ҳам қинғир ишлари бор эди. У икки марта турли баҳоналар билан жазо операциясида қатнашишдан бош тортганди. Душман йўлини тўсиб турувчи полк тузилганда полковникни немис командири деган ном билан полкка командир қилиб тавсия этишди. Бу эса Ориповга нисбатан юксак ишонч эди. Аммо Берлинда Орипов номзодини рад этдилар. Полк командири этиб Рашидбекни тайинлашди, полковникни эса унга маслаҳатчи қилиб беришди. Ҳозир Орипов унтерштурмфюрер гапларини эшитиб, хавф умуман легионерларга эмас, балки ўзига таҳдид қилаётганлигини ўйлади.

— Мени Рашидбек ҳузурига олиб боринг!— талаб этди Саид.

— Ахир ҳозир кечаси-ку,— мулойимлик билан эътироз билдирди Орипов.

— Ишни кечиктириш мумкин эмас... Полкда хиёнатчилар бор...

Кўзғолон кўтаришга тайёргарлик кўрилмоқда...

— Хиёнатчилар?!— таажублангандай бўлиб деди Орипов.

— Худди шундай,— деди таъкидлаб Саид ва полковникка тик қаради. Саид бу хабардан Орипов қанчалик безовта бўлганлиги ва у гуноҳқорми, йўқми, билиб олмоқчи бўлди.— Қани, юринг!

— Тунда-я,— яна эслатди полковник.— Рашидбек қишлоқнинг бошқа бир четида туради.

— Барибир. Улар ёмғирда қишлоқнинг у бошидан бу бошига бориб, Рашидбек уйи олдидан чиқишди. Соқчи улар келганлигини бошлиқларига билдирди-да, сўнгра ичкарига қўйиб юборди. Шу пайт командир кечки овқатни еб ўтирган экан. У меҳмонларни дастурхонга таклиф этди. Командир анча ёшга кириб қолган, кекса одам эди. Лекин ўзини яхши сақлаб қолганди. Унинг тақир боши чироқ шуъласида ялтираб турарди. Саиднинг кўзи дарҳол бу ялтироқ бошга тушди. Қолган жойлари кўзга ташланмасди. Ҳатто, унинг кўзларини ҳам дурустроқ кўриб бўлмасди — бу кўзлар жуда ҳам нурсиз, хира эди. Рашидбек туркча гапирарди. Гапирганда ҳам, бутун умри Шарқда ўтган кишидай жуда яхши гапирарди.

Шундай бўлса ҳам у шарқ одами эмасди. Саид Рашидбек қиёфасида ажралиб турадиган томонларни сезмади. Саид кейинчалик полк командирининг асли номи Карим-ал-Рашид эканини, у мусулмон бўлиб, зоти немислардан бўлган турклигини, қуръонни ҳар қандай ҳудожўй, хатибдан кўра яхши билишини сезиб қолди. Ана шу жиҳатлар унинг Туркистон полкига командир этиб тайинланишида ҳал қилувчи роль ўйнаганди.

СС Бош бошқармаси легионерларни диндор, мутаассиб кишилар деб билар, шунинг учун ҳам қуръонни яхши билган киши уларга катта таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблар эди. Фюрерлар одатдагидек, бу гал ҳам хато қилишганди. Рашидбек легионерларни дурустроқ эплаёлмаётганди, уларнинг ишончини қозона олмаётганди. У қўл остидаги кишилардан кундан-кунга узоқлашарди. Полкда интизом бўшашиб кетди. Солдатлар якка ва тўп-тўп бўлиб, ўрмон ичига

кириб, ғойиб бўлишарди. Ҳеч қандай чора, ҳатто отиб ўлдиришлар ҳам ёрдам бермасди. Шунинг учун Саид кўзғолонга тайёргарлик ҳақида гап очганда, Рашид-бекнинг қош-қовоғи осилиб кетди, чап қоши учиб турарди.

— Менга ёрдам берарсиз деган умиддаман, унтерштурмфюрер,— деди командир.

— Шунинг учун ҳам келдим-да, — жавоб қайтарди Саид.— Иш бошлашга рухсат этарлар?

— Ҳа, ҳа, албатта...

Тунда Саид Орипов билан бирга постларни айланиб чиқди, казармаларни кўздан кечирди, офицерлардан легионерлар тўпланиши мумкин бўлган жойларга навбатчилар ажратди. Эрталаб яна Орипов билан бирга ўрмонга жўнади. Йўлда кетаётиб, Саид Ориповга партизанларнинг разведкачилари билан легионерлар учрашадиган жойни топмоқчиман, деди. Жойни топишолмади, албатта лекин ўрмондаги сўқмоқларни кўришди. Кимдир бу йўлдан яқинда юрган экан. Саид ўзича хулоса чиқарди — партизанларнинг қишлоқ билан алоқалари бор, яширинча алоқа қилиб туришаркан.

Саид жойлашган уй эгаси эҳтиёткор ва сергап аёл экан. Унтерштурмфюрер остонадан ўтиши билан лабидан бол томиб кутиб олди, енгидан кириб, этагидан чиқди. Беканинг бунчалик меҳрибонлиги, гапдонлиги Саидга сохта кўринди-да, шубҳаланиб қолди. Оқшомлари, айниқса ҳаво айниб турган пайтларда аёл уйдан чиқиб кетарди. «Кўшниларникига чиқиб келай,— дерди у.

— Шамолнинг ғувиллаб туришига тоқатим қолмади». Кунлардан бир кун Саид пани Волочек кетидан тушди: унинг қўшниси ўрмон экан. Қоронғи тушиши билан, у ўрмонга кириб кетар экан. Унтерштурмфюрер учун партизанлар турган жой жуда ҳам зарур эди. Эртаси-

га қоронғи тушиши билан пани Волочек уйдан чиқиб кетмоқчи бўлиб плаш ва этигини кия бошлади. Шу пайт Саид унинг йўлини тўсди.

— Ўзингиз билан мени ҳам олиб бормайсизми, якка қолиб жуда диққинафас бўляпман.

Пани Волочек гангиб қолди:

— Қалай бўларкин? У ерда фақат хотинлар тўпланишади...

— Наҳотки, ўрмонда фақат хотинлар тўпланишса?

Аёл кўрқиб кетиб, қўлларини силкитди.

— Вой, шўрим қурсин! Нималар деяпсиз, пан офицер? Қанақа ўрмон! Биз кечани худога сажда қилиб ўтказамиз, ибодат қиламиз. Фақат ибодат қилиш билан юрагимизни ёзамиз.

Шундан кейин Саид уй бекасига ўзининг ибодат қилишга нисбатан бўлган муносабатини тушунтириб берди-да, аёл ўрмонда танҳо сайр этган пайтда унга ҳамроҳ бўлажagini айтди. Аёл Саидга ишонди. Шу тундаёқ Саид партизанлар отрядининг алоқачиси Ян Подольский билан танишиб олди. Қолган ишлар тез ва осон кўчди.

Партизанлар қўшилмаси штаби катта ердан «26 нчи» ҳақида суриштирди. Штаб эфир орқали гаплашиб олгунга қадар Исломбек отряд командирига ундан империя хавфсизлиги Бош бошқармасининг махфий ҳужжатларини қабул этишни илтимос қилди. Дарҳол қабул қилиб олишларини илтимос қилди, чунки «Ольшернинг адъютанти» ҳар дақиқада бир фалокатга йўлиқиши мумкинлигини айтди. Унтерштурмфюрер таклифи штабда муҳокама қилинган, командир пакетни совет контрразведкасига топшириш учун қабул қилиб олди ва Исломбекка, ўрмонда қолишни маслаҳат берди. Саид рад этди. У катта ердан жавоб кутди, жавоб ва буйруқ кутди.

Тўртинчи кун жавоб келди.

— Командир, — деди унтерштурмфюрер, — меҳмондўстлигингиз учун раҳмат. Менга кўрсатган меҳрибонлигингиз учун раҳмат. Бироқ мен бу ерда сизлар билан қололмайман.

— Энди ўзимиз ҳам сени бу ерда қолдирмаймиз,— деди отряд командири Михаил Криворец. У Саидни қучоқлаб ўпди. — Эсон-омон етиб бор, дўстим!

Поселкага Саид қувноқ ва жуда ҳам хотиржам бўлиб қайтди. У ўзига ўхшамасди, жуда дадил кўринарди. У эҳтиёткорликни унутиб қўйганга ўхшарди. Тонг отаротмас, у Орипов ёнига жўнади. Штандартенфюрер эндигина ўрнидан туриб, даҳлизда юзини юваётган эди. Деншчик чўмич билан унинг қўлига сув қуяётганди.

— Саид деншчикни чиқариб юборди. Улар даҳлизда икковлари қолгач, у полковникка деди:

— Партизанлар томонга ўтишнинг иложи бор...

Саид очикдан-очик шундай деди. У Орипов кўзларида на кўрқинч, на таажжуб ифодасини кўрди, фақат қизиқсиниш ифодаси бор эди. Лекин Саид ҳар эҳтимолга қарши уни огоҳлантириб қўйди.

— Агар мени сотгудай бўлсангиз, сизни қамоққа олиб, ўзим отиб ташлайман. СС Бош бошқармаси менга шундай ҳуқуқ берган.

Орипов уни сотмоқчи эмасди, аммо тўсатдан бўлган таклиф уни довдиратиб қўйди. Ахир Ольшернинг адъютанти таклиф қилипти-я. Бу ифвогарлик эмасмикин?

— Бир киши ўтмайди,— тушунтирди Саид,— бутун полк ўтади. Бугун сизни дарада кутишади, соат ўн иккида. Битта ўзингиз қуролсиз борасиз...

Полковник чурқ этмасди. У ўзини орада, ҳеч қандай гап ўтмаган кишидай тутарди. Аммо у чошгоҳ пайтида дозорларни текшириб чиқиш баҳонаси билан ўрмонга кетди. Учрашув юз берган бўлса керак, чунки у қандайдир кўтаринки руҳ билан қайтди. Икки ҳафта давомида партизанлар билан махфий музокара олиб

борилди. Шундан кейин полковник ўрта ва кичик офицерларни ўрмонга ўтишга тайёрлай бошлади. Саидга шундай туюлди. У кузатиб, кутиб юрди, ҳал қилувчи кўнни кўтди. Ўша кун негадир чўзилиб, ўрмонга ўтиш кечикаётганди. Шундан кейин унтерштурмфюрер полковникдан сўради:

— Нега ўтиш кечиктириляпти?

Полковник дарҳол жавоб қилмади. Анча ўйлашиб турди, чаккасини артди, уҳ тортди. Шундан кейингина кўнглини очиб солди:

— Қўрқяпман...

— Нега?

— Боришга.

Э, ўтишнинг кечиктирилаётгани сабаби бу ёқда экан. Саид буни ўйлаб кўрмаган экан.

— Киши уйига боришдан ҳам қўрқадими, — тушунтиришга уриниб кўрди унтерштурмфюрер. — Нима бўлгандаям ўз юртингиз... Саёҳатдан қайтмаймизку,— деди Орипов. — Совға-салом билан эмас, гуноҳ билан қайтилади-ку.

— Айбга иқрор бўлишга тўғри келади. Ҳар ҳолда солдат учун душманнинг мақтовидан кўра, онанинг жазоси маъқул.

— Солдатга осон...— Орипов ўзи тўғрисида ўйларди: СС штандартенфюрери, немис қўшинининг кадр офицери — бегона кўшин офицери қандай қилиб уйига қайтади...

— Офицерга ҳам,— катта айбни кичик айбдан ажратиб қўймади Саид. — Агар командир ўзини сақлаб қолишдан кечиккан бўлса, у ўзига тобе бўлганлар ғамини емоғи керак. Солдатлар она жазосини олишга тайёр. Айбни жанг қилиб ювиш мумкин. Душманга қарши жанг қилиб. Кўзғолон кўтариш ҳақида сигнал беринг!

Орадан яна ўн кун ўтди. Водийда ҳамон жимлик ҳукм

сурарди. Партизанлар қишлоққа ҳужум қилишмасди, ўқ отиб полкни ташвишга солишмасди. Бироқ аслида тинчлик бузилганди. Легионерлар тез-тез командирларга ўз норозилиklarини билдиришар, интизомни бузишар, ўрмонга кетамиз, деб дўқ қилишар эди. Рашидбек ҳарбий-дала суди тузди, итоатсизларни жазолади. Полқда отиб ўлдириш оддий ишга айланди.

Орипов эса кўзғолон кўтаришни орқага сурарди.

Татра устини қора булут қоплаб, биринчи қор ёққан кунда посёлка жим бўлиб қолганга ўхшади. Табиат осойишталиги одамларни ҳовурларидан тушириб қўйдими ёки қиш келиши — урушнинг тўртинчи қиши уларни ҳушига келтирдими, посёлка жим бўлиб қолди. Солдатлар казармаларда биқиниб, оламни қоплаган оқ пардага хўрсиниб, тикилиб ўтирардилар. Кеч соат олтиларда Рашидбек офицерларни қишлоқ мактабига тўплади.

«Хурсандчилик қилиб, юракдан гаплашиб олиш учун», деб уқтирди у. Полк командири ҳамон ўз қарамоғидаги кишилар билан қандайдир умумий тил топишни, самимий муносабат ўрнатишни истарди. Эҳтимол, бошқа сабаб ҳам бордир, албатта. Аммо ўша сабабни ҳеч кимса билмасди.

Кенг синф столлари устига дастурхон ёзишди — вино ҳам, закуска ҳам топилди. Рашидбек ўзининг старший офицерлари билан эшик рўпарасига жойлашди. Ҳаммалари курулсиз эди — ғилофли тўппончалар, автомат ва гранаталар даҳлиздаги илғакда эди. Легионда шундай тартиб бор эди. Саид энг кейин кириб, шундоққина эшик ёнига ўтирди. Рашидбек кечки овқат деб атаган зиёфат бошланди. Нутқлар сўзланди, винолар ичилди.

Ҳатто, Татранинг унутилган олис қишлоғида ҳам эсэсчилар фюрерга садоқат ҳақида, тезда ғалабага эришиш ҳақида гапиришни тарк этмадилар. Германия-

нинг санокли кунлари қолган бўлса ҳам ғалаба ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришарди.

Саид ўзини жуда ёмон сизди. Бу кайф-сафо қилаётган кишиларнинг ҳаммаси унинг кўзига балодек кўринарди. Кайф қилиб олган офицерларга у очикдан-очик нафрат билан қарарди. Ҳаммадан ҳам Ориповнинг қилиқлари Саидни ғазаблантирарди. «Кўрқоқ, пасткаш! — у ичида штандартенфюрерни ҳақорат қиларди.

— Бундай шармандаликка барҳам беришга журъат қилолмади. Жавобгарликдан кўрқди. Кўрқоқ! Шу боши ялтироқ турк билан бирга ичиб ўтирибди-я!»

Ичкиликбозлик қизиби, Рашидбек ҳар бир офицерга тикилмай қўйгандан кейин Саид ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Шовқин-сурондан, шифтда сузиб юрган ва ўзининг аччиқ ҳиди билан киши димоғини ачиштираётган папирос тутунидан қутилиб, очик ҳавода дам олиш учун ташқарига чиқди. Шунчаки дам олиш учун чиқди.

У эшикни очаркан, кийимлар турган жойда кимнингдир ғамирлаётганини кўриб қолди. У ивирсилаб турди-да, кўздан ғойиб бўлди. Бегона кишининг ҳаракатлари қандайдир шубҳали эди. Саид илгак олдига келди-да, Ориповнинг тўппончаси турган ғилоф тугмаси очиклигини кўрди. У ғилофга қўлини солиб, унинг бўш қолганлигини билди: Тўппонча йўқ эди. Яна бир неча ғилофнинг тугмалари ечилиб қолганди.

Саид синфга кирди ва ўзига вино қуйди. Стаканга тўлатиб қуйди. Стаканни кўтариб, Рашидбек ёнига борди.

— Полковник жаноблари,— дабдаба билан деди Саид, қўлларида қуролни маҳкам тутган офицерларимиз соғлиғи учун ичишни таклиф этаман! У сизнинг соғлиғингиз учун, полковник жаноблари! Полковник ўтирган жойдан бир стул нарида Орипов ўтирганди. Саид у билан қадаҳ уриштирмоқчи бўлиб эгилди ва

унинг қулоғига шивирлади:

— Ғилофингиздан тўппончангизни олиб қўйишибди... Негадир Ориповнинг ранги бирданига ўчиб кетди. У дарҳол ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин Саид қўли билан полковникни босиб қўйди.

— Шошилманг! Синфда шов-шув кўтарилди. Қадаҳ офицерларга ёқиб тушганди. Офицерлар қуроли учун бир стакангина эмас, икки, уч стакандан ичишди. Саид ўз жойига қайтиб келди. Орипов эса ўрнидан туриб, даҳлизга йўл олди.

Бир минут ўтар-ўтмас у қўлида автомат билан синфга қайтиб келди. Полковникнинг кўриниши жуда хайбатли эди — ранги ўчиб кетганди, кўзлари ғазаб, қатъият билан тўлиб-тошганди. Орипов билан адъютант ҳам кирди — унда ҳам автомат бор эди.

— Жаноблар! — деди полковник ҳаяжондан овози титраб.— Жаноблар! Стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси жим бўлиб, Ориповга қараб қолишди.

— Жаноблар! — баттар ҳаяжонланиб, баланд овоз билан деди яна полковник.— Ғилофимдан «аурет» тўппончамни ўғирлаб қўйишибди. Бу — тушунмовчилик бўлса керак, деб ўйлайман. Агар тўппончам дарҳол қайтариб берилмаса, бу ердагиларнинг ҳаммаси ер тишлайди...— Полковник шундай деди-ю, автоматни офицерларга тўғрилади. Ҳеч ким ғинг этмади, чамаси офицерлар Ориповнинг «аурет»и қаердалигини билишмасди.

— Бештагача санайман!— яна огоҳлантирди полковник. Унинг қўллари қалтирарди, ҳаммага ҳам ҳозир автоматдан ўқ узиладигандай туюлаётганди.

Шу пайт Рашидбек ўрнидан турди.

— Тинчланинг, жаноблар, — деди у аста, хайрон қоладиган даражада, секин деди. Бу турк ўзини қандай тутишни биларди.— Тўппонча қайтариб берилади... Аммо бир шарт билан — Рашидбек Ориповга қаради.

Ориповга диққат билан тик қаради ва қўшиб қўйди:— Штандартенфюрер жаноблари ҳозирнинг ўзида фитнага алоқаси бор офицерлар фамилиясини айтиб бериши керак...

Орага шундай тинчлик чўқдики, Саидни ваҳима босиб, кетди. Ориповнинг қўллари ҳамон қалтирар, автомат стволи дам бир, дам иккинчи одамга ўқталиб, асаб билан титрарди. Штандартенфюрер ё ўзи гапириши, ё автоматни гапиртириши керак эди. У эса, бирданига орқага ўтирилди-да, ташқарига отилди. Кўчада эса автомат гапирди. Лекин қаторасига отилмади. Саид орқама-орқа беш марта отилган ўқ овозини эшитди. Қисқа-қисқа вақт ўтказиб ўқ узилди.

Шундан кейин яна ўқ овозлари эшитилди. Жуда кўп ўқ отилди. Ўқлар мактаб ёнида эмас, қишлоқда, казарма ёнида отилди. Кўзғолон кўтарилди,— фахмлади Саид.— Полк кўзғолон кўтарди. Дастлабки ўқ узилиши биланок, синф алғов-далғов бўлиб кетди. Офицерлар тезроқ кўчага чиқиб олиш учун столларни ағанатиб юборишди. Рашидбек тўхтанглар, деб буйруқ берарди, аммо унга ҳеч ким қулоқ солмасди. Шу пайт у тўппончасини қўлга олди-да — унда иккинчи тўппонча бор экан — чопиб кетаётган офицерлар кетидан ўқ уза бошлади.

Ўрмон ёқасида полковник Саидни чақирди:

— Унтерштурмфюрер!

Саид ҳансираётган, тер ва қордан ивиб кетган Ориповга яқинлашди. Саид Исломбек унинг қўлини ушлаб, қисиб қўйди. Бу қўллар чарчоқ, ҳаяжондан ҳамон қалтирарди.

— Тамом,— деди полковник, бироқ енгил тортиб эмас, балки ташвиш билан деди.

— Ҳа,— деди Саид.— Тамом... Лекин бу бошланди ҳам. Бора қолинг! У ерда кутиб туришибди...

— Бирга борайлик...— илтимос қилди полковник. Ўрмонга кириб боришга ҳамон унинг юраги дов бермасди.

— Мен кейинроқ бораман,— деди Саид ва қарағайга суянди. Улар ёнидан легионерлар ўтиб борардилар. Баъзан ўқ узиб борардилар. Осмонга қаратиб ўқ отардилар. Бундай қилишга эҳтиёж ҳам йўқ эди, кўзғолончиларни ҳеч ким таъқиб этмасди. Аммо улар ҳали ҳаяжонларини босиб ололмагандилар, бир амаллаб ўзларини босишга уринардилар.

Сўнгги легионер ўтаётганди. У негадир кечикиб қолганидан деярли югуриб борарди. У ҳам қоронғида ғойиб бўлиб кетди.

Қор тинмай ёғиб турарди. Энди эримасди. Қарағайлар қорга бурканарди. Аввал дарахт тепаларини, кейин пастлари кекса шохларини қор боса бошлади. Ер ҳам, Саид турган жой ҳам оқарди. Майдалаб ёғиб турган совуқ қор қовжираган ўтлар, нинабарглар устини, этик изларини бекитарди. Қор бир текис чуқур изларни яшириб юборганди.

Атроф оппоқ ва мусаффо бўлиб кетганди. Худди бу ерларга ҳеч ким қадам босмагандай, тинчлик ва сукунатни бузмагандай эди. Ҳеч ҳам ўқ узмаган, бирор томонга ошиқмаган, ваҳимага тушмаган ва бирон нимага умид боғламагандай эди. Ҳеч ким афсусланмаган, қувониб кўз ёши тўкмагандай жим-жит эди.

Ўша охирги солдат ўтиб кетди. Ўрмондаги қорга ҳеч ким қадам босмагандай, абадий сокинлик ва тинчликни эслатиб турган бир пайтда у ўрмон ичига кириб кетди...

Биз у билан видолашамиз. Унинг борадиган йўли тугагани ёки бизнинг ўтмишни қайта тиклашга қаратилган ҳаракатимиз сусайгани учун видолашмаймиз. Йўқ. Излар йўқолди. Ўша қиш фаслидаги ўрмон ёқасида, чарчаган разведкачини қордан пана қилиб

турган қарағай ёнида унинг излари йўқолди. Полковник ўрмон ёқасига қайтиб келганда, Исломбек у ерда йўқ эди. Ҳеч кимса йўқ эди. Ҳаммаёқ жимжит эди, қор ёғиб турарди. Орадан бир неча йил ўтгач, полковник ҳақли равишда бундай деганди: «У менинг батальонимда қўзғолон кўтарилгунча, ўрмонга кириб кетгунча бор эди. У ўзини гауптман Ольшернинг адъютантман, деганди». Унинг ҳақиқий исмини, Исломбекнинг ҳақиқий унвонини Орипов билмаса ҳам, у ўзини адъютантман, деб айтганди.

Воқеалар шунчалик ривожланиб кетдики, биз ҳатто видолашиш онларида ҳам унинг асл номини айтмаймиз. Биз Ориповнинг ҳам ҳақиқий номини, гауптман Ольшер номини, «малика» Рут Хенкелнинг, гестапо бўлими бошлиғи Курт Дитрихнинг номини ҳам айтмаймиз. Рудольф Берг Берглигича, Надия Аминова — Надиалигича қолди. Қанчадан-қанча йўлларни босиб ўтган кишиларнинг ҳақиқий номларини ошқора айтишдан бизни нимадир тўхтатиб турибди. Балки қидирув ишлари бир занжир бўлса, шу занжирнинг етишмаган ҳалқаси бордир, албатта ҳалқа етишмаслиги муқаррар.

Бу етишмовчилик бизни яна чамалаб, яхшилаб ўйлаб иш тутишга, орадан шунча вақт ўтиб, эсдан кўтарилганларни қайта тиклашга мажбур этади. Эҳтимол, етишмаган жой тўлдирилар, ўша одам тирикдир, бор бўйича кўз олдимизда турар, деган ишонч бордир...

Ҳа, ўша одам тирик бўлса ҳам ажаб эмас, ахир. Чунки, ҳали ҳаммаси топилган эмас, ҳамма сўқмоқлар айланиб чиқилмаган, «Феникс» ва «Берлин ҳалқаси»нинг қахрамонларини ўз кўзлари билан кўрган одамларнинг ҳаммасидан сўралмаган. Ҳаётнинг ўзи, бугунги воқеалар бу фикрни тасдиқлайди. Яқинда марказий совет матбуотида тиртиқли киши — Боймирза Ҳайит ва Вали Қаюмхон (булар уларнинг асл номлари) ҳақида хабар пайдо бўлди. Бу икки «қахрамон»нинг тутаётган

иш усуллари ҳақидаги газета хабаридан кўчириб, китобхонга тақдим этсак жоиздир:

«...Вали Қаюмхон ва Германия Федератив республикасидаги айрим «дўстлар» топшириғи билан гитлерчи арзанда Б. Ҳайит шу йил апрель ойининг охирларида «саёҳатчи» сифатида Афғонистонга жўнади.

Кобулда Ҳайит саёҳатчига хос бўлмаган иш билан шуғулланди. Бу собиқ эсэсчи қадимий ёдгорликлар билан танишиш ёки Афғонистон пойтахтидаги янги қурилишларни кўздан кечириш ўрнига, қачонлардир Ўзбекистондан қочиб кетган ва Афғон ерида ўрнашиб олганларнинг уйларига борди. Бу муртад қутурган ит каби уйма-уй кезиб юрди, Қосимхўжа Тошкандийнинг ўғли Хайруллахон уйдан, Шоҳилҳомнинг ўғли Шоҳмансурникига, Ҳожи Рауф Мақсудий уйдан чиқиб, ўзбек муҳожирлар уюшмасининг раҳбарлари ва бошқалар уйига бориб, изғиб юрди.

Юзлаб, минглаб бегуноҳ мусулмонларни ҳалок этган бу аблаҳ муҳожирларни «коммунизмга қарши курашга» даъват этди. Афғонистон тупроғида советларга қарши ишда қўллаб-қувватлашга уларни кўндирмоқчи бўлди.

Маълум манбалардан олаётган пулини оқлаши лозимлигини билган «Шарқ фанлари доктори» Б. Ҳайит Афғонистонда истиқомат қилаётган муҳожирлардан «ишончли» кишилар танлаш учун бор кучини сарф этди. Ҳа, у бу борада айрим ютукқа ҳам эришди. «Саёҳат»дан Мюнхенга қайтган Б. Ҳайит ўз хўжайинларига, унинг сўзига қараганда, Советларга қарши қўпоровчилик ишларини олиб боришда ишониш мумкин бўлган кишиларнинг рўйхатини топширди. Совет ва чет эл матбуотида Боннда, Франкфурт-на-Майнеда муҳожирлар Миллий комитетларининг олиб бораётган жосуслик фаолиятлари ҳақида материаллар эълон

қилинди. Сирни қидириш давом этипти.

Давлат хавфсизлиги органлари яқинда Берлин ҳалқасида махфий топшириқ билан Берлиннинг социалистик секторига ўтган бир жосус аёлни қўлга олишди. Кураш бир дақиқа ҳам тўхтагани йўқ. Аксинча, кураш тобора қизиб, жиддийлашиб бормоқда.

Душман билан кураш энди «26 нчи»сиз олиб борилмоқда. У жангчи, ватанпарвар, коммунист сифатида курашди. Агар у қурбон бўлган бўлса ҳам ҳалоллик билан—душманга тик қараб, Ватанни охирги нафаси қолгунча ҳимоя қилиб қурбон бўлди...

Аммо унинг ўлганига ишонгинг келмайди...

Биз у билан, тирик одам билан видолашиб қоламиз. Чекист Саид Исломбек билан хайрлашамиз. Бехад машаққатли йўл босиб, чарчаган киши билан ўрмон ёқасида, бир оз дам олиш учун қарағайга суяниб турган пайтда хайрлашамиз.

У дам олиб, яна йўлга тушади...

Қорлардан ўтади, шамолларга кўксини тутади, ўтиб бўлмайдиган жойлардан ўтади.

Ахир чекистлар ўтиб бўлмайдиган жойлардан ҳам ўтаверадилар-ку...

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ	
ФРИДЕНТАЛЬ ҚАЛЪАСИ.....	9
ИККИНЧИ ҚИСМ	
ЛАБИРИНТ	151
УЧИНЧИ ҚИСМ	
СЎНГГИ ҚАДАМ	296

**НАШРИЁТИМИЗ ТОМОНИДАН ЧОП ЭТИЛГАН
АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ**

СҲНМАС ЮЛДУЗЛАР.

БИР ЙИЛДА БОЙ БҲЛИШ.

ҲЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ? (ПСХ).

ОҒА-ИНИЛИК ИЛМИ.

ҚАЙНОТАЛИК ИЛМИ.

ҚАЙНОНАЛИК ИЛМИ.

КЕЛИНЛИК ИЛМИ.

КУЁВЛИК ИЛМИ.

ОВСИНЛИК ИЛМИ.

ҚИЗИҚАРЛИ ПСИХОЛОГИЯ.

СИЗ КИМСИЗ? (ПСХ).

МЕН КИММАН? (ПСХ).

ПАЗАНДАЛИК СИРЛАРИ.

ТОРТ.

САЛАТЛАР.

БАХТИНИ ЙҲҚОТГАН ГҲЗАЛ ЛАЙЛО 1, 2 (РОМАН).

ЛОРД ҲЛИМИ.

ТАН СОҚЧИ 1, 2 (РОМАН).

БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ 1, 2, 3 (РОМАН).

ШЕР ЙИГИТ 1, 2.

ИБЛИС САЛТАНАТИ 1, 2, 3.
ДРАЙЗЕР.
ТАХМИНА (РОМАН).
КОМПЬЮТЕР САВОТХОНЛИГИ.
ТАҚДИР УЙИНЛАРИ.
ТАҚДИРДАН ҚОЧИБ БЎЛМАС.
КЕЛИНЛИК ДАФТАРИ.
САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ (ТЎПЛАМ).
М. ЮСУФ. САЙЛАНМА..
ҲУКМДОРНИНГ ҚАРФИШИ.
СЕВМИШАН САНИ.
ҚИЛИЧ ВА ҚАЛҚОН 1, 2 (ТАРИХИЙ РОМАН).
УМАР ХАЙЁМ (РУБОИЙЛАР).

**ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН АДАБИЁТЛАР СОТУВДА
МАВЖУД**

**Телефонлар: +99897 728-14-81
+99898 576-07-72**

Э. АРБЕНОВ Л.НИКОЛАЕВ

БЕРЛИН ҲАЛҚАСИ


Мухаррир: С. Бадалбоева
Тех. Мухарр: А. Ғуломов
Саҳифаловчи: М. Раҳмонов
Рассом: Ш. Ходжаев

Нашриёт лицензияси: АИ №239 4.07.2013

Теришга берилди 01.03.2018. Босишга рухсат
этилди 16.04. 2018. Формати 60x84^{1/16}. «PT Srif»
гарнитурда юқори босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 30,0. Нашр босма табоғи
30,0. Тиражи 1000. Буюртма №29.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чо
этилди.

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.



Э. Арбенов, Л. Николаев

Сермн Джалқаси



ISBN 978-9943-5100-7-4

